



**ҲАБИБ ТЕМИРОВ**

# **ҚУЁШ БОТАЁТГАН ПАЙТ**

**ҲАБИБ ТЕМИРОВ**

**ҚУЁШ  
БОТАЁТГАН  
ПАЙТ**

*Роман*

**«Tafakkur qanoti»  
Ташкент - 2019**

УЎК: 821.1  
КБК 84(Ў5)  
Т-92

**Темиров, Ҳабиб**

**Т-92** Қуёш ботаётган пайт: роман / Ҳ. Темиров. -  
Тошкент: «Tafakkur qanoti», 2019. - 416 б.

**Abdulla Qodiriy nomidagi**  
**viloyat AKM**  
**INV №165753-2019A**

ISBN 978-9943-577-96-1

© Ҳ. Темиров, 2019 й.

© «Tafakkur qanoti», 2019 й.

*Онам Нозик Қодир қизи хотирасига бағишланади.*

## **Муаллифдан**

Ушбу асарнинг вужудга келиши билан боғлиқ бир-икки сабаблар ҳақида ҳикоя қилиш истаги анча кечроқ – китоб босилиб чиқишига санокли кунлар қолганда туғилди. Айнан шунинг учун уни босмахонадан олиб, яна бир марта синчиклаб ўқиб чиқишга тўғри келди. Эҳтимол кимгадир бу кириш сўзининг мутлақо зарурати йўқдек туюлар. Мабодо шундай бўлса, у бизни маъзур кўрар ва ушбу сатрларни ташлаб ўтиб, китобимизни бевосита муқаддимасидан бошлаб ўқиб кетаверар, деб ўйлайман.

Ижодим билан яқиндан таниш китобхонлар ўтган аср саксонинчи йиллари ўртасида ёшлар адабий журналида босилган илк қиссам юзасидан матбуотда анчайин баҳс-мунозаралар юзага келгани ҳақида етарлича тассаввурга эга бўлсалар керак. Ана шу мубоҳасалар давомида мен ҳурмат қиладиган ижодкор устозлардан бир-иккиси асардаги ўзим учун ҳам энг оғриқли нуқталардан бири ҳисобланувчи нуқсон – миллий колоритнинг камлиги тўғрисида гапиришди. Бу менинг (гарчи Ўзбекистоннинг узоқ бурчагидаги қишлоқлардан бирида туғилиб ўсганимга қарамасдан) европача тарбия кўрганим (падари бузрукворим ўша даврнинг кўпчилик оталари сингари шуни астойдил истар, кутубхонасидаги китобларнинг аксарияти ўрисча эди) оқибати бўлса керак, дея тахмин қиламан. Нима бўлгандаям бу жуда ҳаққоний дакки

эди. Айниқса, ўша кунларда бутун республикада ўзликни англаш, миллий қадриятларни қайта тиклаш жараёни авж олган бир пайтда бундай танбеҳ эшитиш ўта аламли туюлди ва навбатдаги асарим албатта чин маънодаги миллий мазмун-моҳиятга эга бўлиши зарур, деган бир аҳд туғилди қалбимда. Гарчи...

Камина ҳеч қачон профессионал ёзувчи бўлишни орзу қилмаганман ва умрим бўйи бунга интилмадим, ҳатто бир нечта асарлар ёзиб, Уюшмага аъзо бўлганимдан кейин ҳам кўнглимда адиблик даъвосини олдинга сурган эмасман. Бинобарин ўзимни бу борада қанақадир эътирофларга сазовор бўлиш, шон-шуҳрат қозониш, обрў-эътибор ва мавқе эгаллаш истағидан ҳамиша йироқ тутишга уриндим. Нафсиламбирини айтсам (бу гапни балким илгари айтгандирман ва эҳтимол келгусида билиб-билмай такрорлаб кўярман, шундай бўлса, узр), ижод мен учун ҳамиша бир машқ, ўзлимни англашга уриниш, ўз имкону кучимни синаб кўриш майдони ҳисобланиб келди ва умримнинг охиригача шундай бўлиб қолса керак.

Зиёлилар оиласида ўсганим учун талабаликнинг дастлабки йилларидан илмий ишга қизиқиб юриб, дорилфунунни битказгач аспирантурага жой келмагач, тақдир тақозосига кўра газета таҳририятида ишлай бошлаганимдан сўнг бироз ўтиб, яъни етмишинчи йиллар охирида ўзимдан ёши улуғ, тажрибаси кўпроқ ҳамкасблардан бир-иккисига тақлид қилиб, худди ўрис актёри ва ҳаваскор адиби (қанийди ҳар бир ҳаваскор шундай ёза олса) Василий Шукшин сингари бир “ҳикоя” дарж этишга уриниб кўрдим. Уни таваккал қилиб, ўша чоғлар республиканинг бош адабий-бадий нашри ҳисобланган “Шарқ юлдузи” журнаliga жўнатвордим. Наср бўлими мудир, устоз Шукур Холмирзаев, ходими Тоҳир Қаҳҳор эди. Кўп ўт-

май тахририятдан “ҳикоянгизни босадиган бўлдик”, деган мазмунда жавоб олдим. Босилиб чиққач, “демак ҳикоя ёзиш қўлимдан келар экан, энди сал каттароқ жанрда куч синаб кўришим керак”, деган фикрда қисса ёзишга ўтирдим. Қисса юқорида айтганимдек, аввал “Ёшлик” журналида, сўнгра Ғафур Ғулом номидаги етакчи адабий-бадий нашриётида чоп этилди. Табиийки бу “синовчи ёзувчи”ни навбатдаги тажриба – роман иншо этиш сари ундади. Муайян, аниқроғи бағоят қувончли тарихий сабабларга кўра роман дарҳол эмас (СССР парчаланиб, ўзбек халқи истиқлолга эришди, республикамиз мустақил давлатга айланди), икки-уч йилдан сўнг алоҳида китоб бўлиб босилиб чиқди. Шу тариқа атиги битта ҳикоя, бир қисса ва бир роман ёзиб, ўзимча “ёзувчилик қўлимдан келар экан” деган хулоса ясадим (дарвоқе, бунини ўша пайтлар нафақат бир неча ёш адабиётшунослар, балки ўзининг ўта кескин танқидий чиқишлари билан машхур бўлган, унча-мунча улкан шоиру ёзувчиларини ҳам аяб ўтирмайдиган талабчан, ҳатто бир қадар жанжалкаш мунаққид Норбой Худойберганов ҳам “Ҳабиб Темиров ушбу қиссаси билан бадий асар ёзиш қўлидан келишини кўрсатди” кибелида эътироф этганди) ва бу борадаги “тажриба”ларни, аниқроғи машқларимни эълон қилишни тўхтатдим. Очиғини айтадиган бўлсам, бунга аввало журналистика соҳасида, кейинроқ ҳокимият тизимларида анчайин масъул вазифаларда ишлашимга тўғри келгани сабаб бўлди. Камина айримлар сингари бадий ижодни раҳбарлик билан қўшиб олиб бора олмадим.

кентга ишга келиб, пойтахт адабий муҳити ҳавосидан нафас ола бошлагач яна бадий ижодга қайтиш имкони туғилди. Бироқ...

Газетада ишлаётганим учун асосан таҳрир ва мақоланавислик билан машғул бўлдим. Кейин бир ноширнинг далдаси сабаб ғаладонда ётган машқларим бирин-кетин эълон қилина бошланди. Ўзимча дуруст, деб ҳисоблаб юрадиган, ноширимнинг эътрофига кўра китобхонлар талашиб ўқийдиган, бироқ айрим мунаққидлар нописандлик билан қараган, “бадий эмас енгил-елпи асарлар, авом адабиёти”, дея бурнини жийирган қатор китобларим чиқди. Уларнинг нечоғлик бадий эканини вақт кўрсатар. Аслини олганда, бадийлик тушунчаси ҳам, менинг назаримда ҳаётдаги барча воқелигу ҳодисалар сингари нисбийдир. Муҳими, китобингни ақалли биров ўқисаю шундан нимадир олса, шунинг ўзи кифоя. Йиллаб дўкон ва кутубхоналарда чанг босиб ётиб, охир-оқибат макулатурага топшириладиган “бадий” асарнинг кимга кераги бор? Қўлимни кўксимга қўйиб, худойлиғимни айтадиган бўлсам, шу чоққача бирор марта ўз ҳисобимдан ёки бирор валломат ҳомийнинг пули эвазига китоб чиқариб, наф кўришга уринмадим. Такрор айтаман, ўзим учун қоралаган машқларимни газета, журнал ва нашриётлар сўраб олиб, нашр этиб келишди. Агар улар бу ишни айримлар иддао этаётганидек, тижорат мақсадида, “тезроқ фойда кўриш учун” қилаётган бўлсалар, бунга замона зайли, деб қарамоқ керак. Бозор иқтисодиёти шароитида яшайдмиз. ахир. Нашриётлар ҳам улар.

доирасида иш кўриш лозимлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Адабиёт азал-азалдан эзгуликка хизмат қилиб келган ва шундай бўлиб қолмоғи шарт. Унинг майдонига кирган ҳар бир қаламкаш, ҳоҳ профессионал, ҳоҳ ҳаваскор бўлсин, буни унутишга ҳаққи йўқ. Айти пайтда...

Устоз Эркин Воҳидов лутф этганидек, бу гулшан саҳнида ҳар ким имконида борини айтишини, қурби етганича рақам этишини ҳам унутмайлик. Улуғ шоиримиз Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, имкондан ортиқроқ имконни кутмайлик. Дарвоқе...

Энди гапнинг индаллосига қайтиб, “мииллий колоритга эга асар яратиш борасидаги ниятим нечоғлик ижобат бўлгани хусусида сўзлайин. Унинг бир пайтлар бироз шошилиб, ҳовлиқиб ёзилганини айтдим. Ҳар қандай соҳада бўлгани сингари ижодда ҳам шошганда лаббай топилмайди. Гарчи ўзимча илк романим билан адабиёт чўққисини забт этдим, деб гердайиб юрган эсам-да асар бўш чиққанини ҳис этардим-у “мен ёзувчиликка даъвогар бўлмасам, нимага ғам ейишим керак, бу бир машқ, бир тажриба-да”, дея таскин берардим ўзимга. Аммо...

Орадан ўттиз йил ўтгач уни анчайин жиддий тарзда қайта ишлаш, қўшимча ва тузатишлар киритиш лозим, деган қарорга келдим. Имкон қадар таҳрирдан чиқардим. Янги замоннинг янги қаҳрамонларини киритдим. Кўнглимда барибир сезаманки, бу асарим ўша — роман ёзишга уриниш ҳосиласи ўлароқ бир тажриба даражасида қолди. Яна ҳам ким билсин. Ўқишни лозим кўрсангиз, хатм этиб, ўзингиз



## МУҚАДДИМА

Чашмизирак қишлоғида тонг отмоқда. Қиш. Қор қалин. Совуқ чирсиллайди. Ҳаётбоши чўққиси этагидаги булоқлардан бошланиб, катта сойнинг икки қирғоғи бўйлаб Нуробод даштлари қўйнига чўзилиб кетган бу қишлоқ шу топда музлаб қолган дарёга ўхшайди. Яйловлар ҳам изғиринларга мардона кўкрак тутиб, эрта-индин бошланадиган ёруғ кунлар умидида жимгина нафас олади. Сукунат. Мўрилари-дан кўкимтир тутун осмонга ўрлаётган ҳовлиларда, даралар ичкарисидаги қўра-қўтонларда, офтобрўя ўнгиру адирлардаги ёввойи бодомзорларда, қор қўйнида ястанган яланғоч боғлару ертоклари кўмилган токзорларда сукунат.

Зухро юлдузи жунжикибгина кўз очган маҳалда ясси тегирмон ёнидаги ҳовлидан бўй етган қизнинг тиниқ ва аччиқ фарёди отилиб чиқди. Бу фарёд сукунат музларини синдириб, дашт узра таралиб кетди.

– Отажон! Отажоним-эй, меҳрибоним-эй! Бизни кимга ташлаб кетдингиз, отажо-о-о-н. Энди нима қиламиз-эй, отажо-о-о-н!..

Қишлоқ жонланди. Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас ҳовли гавжумлашди. Сойнинг икки соҳили бўйлаб яна гурас-гурас одамлар кела бошлади. Тонг ёришгани сари совуқ кучаярди. Кейин изғирин бошланди. Унинг увиллаши ҳовлидаги тобора баландлашаётган йиғи овозига қўшилиб, бутун қишлоқ узра тарала бошлади. Ув-в-в-в-в-в-в! Эй-й-й-й!..

Ким бу шўрлик? Баҳор келишига бир кун, атиги йигирма уч соат қолганда казо қилган ашаш ва

Асаримизни бош қаҳрамонлардан бирининг вафоти билан бошлаганимиз андак ножоиз кўринган бўлса ажаб эмас. На иложки, бу ҳаёти дунёда шодлик ва қайғу, туғилиш ва қазо ҳамиша ёнма-ён, бинобарин воқеликни ҳаққоний акс эттиришни ният қилган ҳикоянавис (камтарин маҳрамингиз шу орзуда кўлга қалам олдим) буни назардан қочиролмайди. Ҳар қайсисини тарихий зарурат, ҳаётий ҳақиқат ва албатта, бадиият тақозо этган ўринда тасвирлайди, баён қилади. Шундай дейману яна ўйлайман: шундай бўлган тақдирда ҳам аввал тўй-томошадан гапириб, ғам-кулфатни охиrhoғига сурсанг бўлмасми эй ровий, деган андишали мулоҳазага бораман. Ахир аҳли мажлису анжуман дейди: бугунги шодиёнада кечаги ғам-аламдан гапирма, ярамга туз сепиб, дардимни янгилама, эй дўст! Гарчи, айна дамларда фоний дунёни тарк этаётган қаҳрамонимизнинг бу борада айрича қараши бор эди ва у: “Бу дунёда нимага интиласиз?” – деган саволга гўеки ҳазиллашиб, “нариги дунёга”; деб жавоб берар, замонасининг севимли шоирларидан бири (Самад Вурғун. Ҳ.Т.)нинг: “Ўлим, эвоҳ бир неъмат, у бир шонли саодатдир!” деган сатрини такрорлаб юришни хуш кўрар, кимнингдир вафоти ҳақида эшитса, ёнидагиларни таассуфлантириб: “муборак бўлсин”, деб кўяр, эл ичра “довдир”, деган лақаби борлиги учун бундан ҳеч ким ранжимас, жа-а нари борса, кўрсаткич бармоғини унга сездирмай қулоғидан сал баландроққа тираб айлантириб кўярди.

Маили, марҳумимизнинг феъл-атвори ўз йўлига, ҳикоямизни дабдурустдан унинг ғийбати ила бошламайлик. Қолаверса олдинда бу ҳақда ҳали кўп мужодала қиламиз. Ҳозирча эса келинг, китобимизни яхши умид ила кўлга олган азиз ўқирманнинг хуш кайфиятини бузмай, суҳбатимизни яхши воқеадан бошлайлик. Ал қисса...

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### 1.

Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярми. Асли номи Нурли рават, лекин маҳаллий аҳоли талаффузга қулай бўлиши учун сал қисқартириб: Нуравот, Нуробод, деб атайдиган, Иккинчи жаҳон уруши йилларида тузилиб, эллагинчи йиллар адоғида тарқатиб юборилган ва ўттиз йилдан сўнг, етмишинчи йиллар охирида қайта ташкил этилган, ҳудуди Туркистон тизмаларининг икки бўлаги – Оқтов ва Қоратов оралиғидаги, бир тарафи Ҳаётбоши чўққисидан бошланиб, иккинчи томони Малик чўлига туташиб кетадиган, ярми дашту ярми адирликлардан иборат туманнинг ўн йиллик тўйини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётган кунлар. “Чашмизирак” давлат хўжалигининг ўта донгдор бўлмаса ҳам ҳар қалай бировдан пеш, биров билан баравару яна кимлардандир салгина орқароқда юрувчи чорвадори, адабийчасига қўйчивон, жайдари қилиб айтилса чўпони, энг муҳими, оддий ва яхши бир содда, айна пайтда анчайин ўқимишли инсони – Ҳаким Ўнгаловга қарашли, Сувлидара, деб аталмиш хўб сўлим, тевараги қуюқ арчазорлардан иборат баланд қирадирлар билан ўралган серўт яйловда жойлашган отар, муфассал изоҳласак, қўра-қўтонли, бостирмали кўрғонга туман партия кўмитасидан (ўша пайтлардаги ҳокимлик Ҳ.Т.) ажойиб бир мужда келди: Ҳакимбой Ўнгалбоев (асли қаҳрамонимизнинг қулоғига шундай азон айтилган, туғилиш гувоҳномасида шундай ёзилган, бироқ бу қўшимчалар ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмагани, қолаверса коммунизм сари бора-

ётган социалистик тузумда бойлар бўлиши мумкин эмаслиги, улар аллақачон синф сифатида тугатиб юборилгани туфайли, мазкур қўшимчалар бошпурт олинаётган чоғи тушириб қолдирилган) ажойиб бир мукофотга тавсия этилаётир ва инчунин дарҳол айтилган жойга бориб, тегишли ҳужжатларни тўлдириб топширмоғи шарт.

– Иби, Сизга ўхшаган ўртамиёналарга ҳам мукофот борақанми, – дея б.ринчи бўлиб ҳайроналик билдирди чўпоннинг содда муғомбир завжаи муҳтарамаси Мусаллам бону.

– Сен нима, деб ўйловдинг, бойвучча, орден-медал фақат режани қоғозда бажариб, амалда катталарнинг чўнтагини тўлдириб юрганларга бериладими? Йўқ-да! Энди замон бошқа: қайта қуриш, жадаллаштириш, ошкоралик, хушёрлик, яъни ичкиликсизлик, камчилик ва нуқсонларга муросасизлик ва ҳоказо. Энди... ниҳоят ҳақиқат ва адолат барқарор бўлади. Нега, деб сўрагин-а!

– Нега?

– Чунки...энг юқоридаги раҳбар, – қўлини осмонга бигиз қилган кўйи овозини пасайтириб, юзига жиддий тус бериб деди Ҳакимбой чўпон, – ўзимиздан бўлди.

Мусаллам бону опамиз оддий чўпоннинг аёли бўлса ҳам мунтазам телевизор кўрар ва инчунин сиёсатдан яхши хабардор эди:

– Горбачовни айтасизми, қанақасига у ўзингиздан бўлади?

– Тилбузарда сер солиб қарамабсан-да, худди ўзи-

– Боши ўхшайди, боши-и, кейин пешонасидаги нори, э-э, ўқимаган, – деди оддий чўпон бўлиши билан биргаликда коммунист ҳам эканлиги баногоҳ эсига тушди ва қилмоқчи бўлган ҳазилидан тийилди. – Ўзимизнинг Нортожи чўпоннинг қуйиб қўйган нусхаси экан. Аммо бир хавотирим бор-да. Эски китобларда ёзилишича, тепасида туки йўғу манглайида нори бор подшоҳ келса, сигирлар эгиз туғиб (чорвадор халқларда бу унчалик ҳосиятли ҳодиса ҳисобланмас экан), дарё-ю денгизлар қуриб, қаҳатчилик бўлармиш. Илоҳим оғзимдан ел учирсин. Майли, ҳозирча берадурғон мукофотини олатурайлик-чи, нарёғига худо пошшо. Эмасам, мен бир Нуровотга тушиб келайин. Дарвоқе, қанақа мукофот бўлсайкин?..

Табиийки, Ҳаким чўпон туманга, бўлгандаям, шахсан туманбошининг мўътабар ва мухташам кабинетига буюрган ташрифи давомида бу саволга жавоб топди. Аниқроғи, ҳозирги ном билан атасак – ҳоким, ўша даврлардаги эл тилидаги истилоҳни қўлласак – райқўм бово томонидан муруввату ҳиммат кўрсатиб қилинган таклифга иккилана-иккилана розилик берди. Қаранг-а! Туманбоши мукофот таклиф этибдилар-у оддий чўпон иккилана – иккилана рози бўлганмиш. Шу гапга биров ишонадими? Ҳозир айтсак, сиз ҳам ишонмаслигингиз мумкин. Ана шундан андиша қилароқ, шахсий хотинининг таъбирига кўра ўртамиёна бир чўпонга таклиф этилган сийлов нима эканини сал кейинроқ билдирсак майлими? Ҳозир эса ҳикоямиз маромидан бирмунча илгарилаб, Ҳаким чўпоннинг тумандан кайтётганига йўл йўл

мизнинг давомида анча-мунча жиддий баҳсу мужодалалар юритишимизга тўғри келади.

## 2.

Нуровотдан қайтаётган Ҳаким чўпонқўрғонига етишига бир қир қолганида от жиловини тўсатдан чапга, Ҳаётбоши этакларига туташган Сувлидара боғлари тарафга бурди. Бурди-ю, яна ўзини ўзи ачиққина ҳажв қилиб ўйлади: умр бўйи яйлов кезиб юрган, дашт шамолидан вужуди сурланиб, тузқоқ бўлиб кетган бу ярим саҳройи, ярим тоғчи чўпоннинг кўнгли баногоҳ боғ тусаб қолгани қизиқ. Устига-устак болалик чоғлари кўп эшитгани боис ёд бўлиб кетган бир маъюсгина ашулани ҳам ҳиргойи қила бошлади:

*“Қарға булбул бўло билмас, гулнинг қадрини на билсин,  
Саҳрода учган бўз қушлар, чўлнинг қадрини на билсин...”*

Нафсиламбирини айтганда у эсини таниганидан буён чўлу биёбон кезиб, шундоқ яқингинадаги жаннатмисол боғларга ойда-йилда бир келолмас, ҳар баҳорда: “биргина борсам, биргина кўрсам, ҳидларидан бир тўйиб нафас олсам”, деб орзу қилар, бироқ сира ишу ташвишлардан ортмас эди. Қарангки, тоғу қирлар ошиб, неча шаҳарларга борибди, денгиз соҳилларида дам олибди-ю, бурнининг тагидаги таърифи кетган боғларни шунча пайтлардан буён ақалли бир марта тузукроқ сайр айламабди-я. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шунга айтсалар керак-да. Ана шу олдиндан беқадр оқиб ётган “сув” аслида болалик, ўсмирлик йилларининг энг беғубор, энг завқли унутилмас хотиралари билан боғлиқ, юрагидаги илк муҳаббат ҳам шу ерда, худди

шу боғлар қўйнидаги ёшлар оромгоҳида туғилган, балким... кейинчалик ўша севги ушалмаган армонга айлангани учун юраги бетламагандир бу гўшага тез-тез қадам ранжида этишга. Гарчи туман марказида, теваракдаги барча қишлоқларда яшовчи кишиларнинг аксарияти эрта баҳордан кеч кузгача дам олиш кунларини шу ерда ўтказишади, сайру томошо айлашади, Наврўз байрамини нишонлашиб, сой бўйидаги шийпонларда ош пиширишиб, ярим тунгача гурунглашишади, хотин-халаж сумалак тайёрлашади, болалар спорт майдончаларида ўйнашади, ёш-яланглар қуюқ дарахтзорларда суқли кўзлардан холи қолиб висол суҳбатларини қуришади, ёз поён топиб кузнинг лазиз лаҳзалари бошланган кунлар рўзғор бекалари мураббо учун боғбонлардан арзимаган нархдаги олмаю анор, беҳию олхўриларни, бошқа анвойи меваларни сотиб олиб, қиш бўйи барралигича ёки қуритиб, шунингдек мураббою шинни тайёрлаб, оиласининг оғзини ширин қилишади. Хуллас, бу боғлар нуровотликлар учун нафақат онда-онда шунчаки ҳордиқ ёзиб кетадиган хушҳаво бир маскан, балки, ҳам танни дармондорилар, ҳам руҳни гаштли маънавий озиқ билан бойитгувчи қадрдон ва азиз даргоҳ бўлиб қолган...

– Партия ва ҳукуматимиз хусусий мулкчиликни қонунлаштириш асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-чева, сабзавоту бошқа ноз-неъматлар билан таъминлашни кескин ошириш вазифасини қўймоқда, – деди суҳбат асносида муҳтарам туманбоши Шоқувват Ўташев. – Так что, тез орада ихтиёрингиздаги отарни барча биною иншоотлари, қўй-қўзисию эчки-улоғи билан хусусийлаштириб берамиз. Юрасиз минг қўйли Ҳакимбойвачча бўлиб.

– Йўғ-е, наҳотки... ахир марксизм ва ленинизм ғоялари билан қуролланган коммунистик мафкурамиз хусусий мулкка қарши эмасми? – деб сўради ўзини Абдулла Қаҳҳор сингари иштирокиюн фирқасининг оддий аскарлари эмас, онгли аъзоси, деб ҳисобловчи, ихтисосига кўра адабиёт муаллими бўлса-да, ҳарқалай олий маълумотли чўпон Ҳаким Ўнгалович.

– Замона зайли билан сиёсат ўзгармоқда. КПСС Марказий қўмитасининг Бош котиби, ҳаммамиз учун ҳурматли Михаил Сергеевич Горбачев партиямизнинг кейинги ёпиқ пленумидаги ёрқин ва сермазмун нутқларида таъкидладиларки, энди бизда мулкчиликнинг турли шакллари жорий этилади. Яъниким, давлат, жамоа мулки билан бир қаторда хусусий мулк ҳам бемалол мавжуд бўлади. Бу гап ҳали сир. Фақат партиямизнинг турли бўғинларидаги раҳбарларигагина маълум. Мен эса кўрқмасдан сизга айтяпман. Чунки, аввало... узоқроқ бўлса ҳам хешмиз, бунинг устига ана шу ақрабликни янада яқинлаштириш билан боғлиқ эзгу ниятларимиз ҳам йўқ эмас, қолаверса, оғзи маҳкам, садоқатли ва фаол коммунистларимиздансиз. Шунинг учун... манови мукофотга ҳам айнан сизни тавсия этмоқчи бўлаётганим мутлақо тасодифий эмас. Аммо-лекин... мавриди келганда сиз томонингиздан ҳам бир... хизмат талаб этилади.

– Бажонидил, бўла, агар қўлимиздан келса...

– Биринчидан, бўла эканимизни минбаъд партия ва ҳукумат идораларида лақиллаб юрманг, иккинчидан, хизматнинг маъноси шундан иборатки, кичкина бўлангиз, яъни укам Бойқувватбой: “Ака, анови... Ҳаким бўланинг отари яқинидаги қаровсиз, ташландиқ боғларни хусусийлаштириб берсангиз, бобомиздан қолган боғларни бир обод этсам”, деб илтимос қилувди. Дарвоқе, асли ўша боғлар бизнинг бобока-



лонимиз, яъни Ўташ бобонинг бобосининг бобоси Ярашбой чорвага тегишли бўлганини эшитгансиз-а?

– Афсус, эшитмаган эканман, – деди коммунист чўпон.

– Эшитмаган бўлсангиз, мана, мендан эшитдингиз, тўғрими? Мен, кимсан туман коммунистларининг сардори сизга ўтрик гап айтишга ҳаққим йўқ-ку, тўғрими?

– Ҳаққингиз йўқлиги тўғри, – деди чўпон ва беихтиёр мийиғида истеҳзоли жилмайди.

– Довдирлигингизни қилмасдан тўғри гапиринг-да, бўла, мабодо... ўша эгалик ҳақида бобокалонимиздан қолган васиқани тополмаган тақдиримизда ҳам... шунча йилдан бери халқнинг оғирини енгил қилиб юрган киши сифатида камина давлатдан кичкинагина бир мулкча талаб этишга ҳақлиман-ку, тўғрими? Қолаверса... бу ҳақдаги қарор кучга кирадия, қачон амал қила бошлайди, ҳеч ким билмайди. Хуллас, ўша масалада бизни астойдил қўллаб қувватлайсиз, керак бўлса, ерли чорвадор ҳамкасбларингиздан ёзма розилик олиб берасиз, деган умиддаман.

– Кучга кираверсин-чи, нарёғи бир гап бўлар, – деди Ҳаким ака бу ёқимсиз “савдо”га тезроқ чек қўйиш мақсадида. Айни пайтда юқори мартабали хешининг “довдир”, деган танбеҳидан зиғирча ранжи мади. Бу лақабга кўникиб кетган. Бироқ ичида “нима учун кўпчиликнинг ризқу насибасини таъминлаб, кунига яраб турган шундай катта боғ бир кишининг мулкига айланиши керак?” деган норозилик пайдо бўлди. Наҳотки, шундай адолатсизликка йўл қўйилса, деб ўйлади. Миясига қон тепди, юраги ғашланди. Шунинг оқибатида суҳбат давомидаги бошқа гаплар деярли қулоғига кирмади. Ҳашаматли хизматхона соҳибининг унга бутун бир отар, теварагидаги яй-

ловлар хусусийлаштириб берилажаги натижасида у туманнинг манаман, деган зотларидан бирига айланажаги ҳақидаги узундан-узоқ чиройли гаплари ақалли бир дона тукини қимирлатолмади. Билъакс, кўнглидан бу мазмунли мулоқот учун у қадар жоиз кўринмайдиган бир нақл ўтди: “ўлма, эшагим, арпа ейсан!”

Алқисса, уни бедов юганини боғ томонга буришига биринчи сабаб – муқаддимаси анчайин сержозиба-ю пироварди дилни хира қилган ана шу олиймақом суҳбат эди. Мана ҳозир, боғ айланиб хаёл суриб юрар экан, англамоқдаки, ўртоқ Ўташев жаноблари, бояги мукофотни ҳам бежиз таклиф этаётгани йўқ.

– Қанақа мукофот экан, деб ичингиз қизияпти-я бўла? – кўзини қисди Ўташев. – Ленин орденими, Меҳнат Қизил Байроқ ёки Ҳурмат белгисими, ёки “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор”ми деб. Нима қиласиз одену унвонларни, номи улуғу супраси куруқ, мен сизга... тагингиздаги гижинглаб турган қорабайирга ўхшаган зулукдай ярақлаган қоп-қора “Волга” бераман. Худди ўзим миниб юрганга айнан ўхшаш. Теп-текинга! Тушундингизми? Ишонмаётирсиз-а? Майли, унда эшитинг: Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўрғазмасида ўтказилган халқаро кимошди савдоси чоғида республикамиздан юборилган “антиқа” нусха қорақўл териларнинг ҳар бири хориждаги миллионерларга бир неча ўн минг доллардан сотилган. Ана шу териларнинг бир қисми бизнинг тумандан олинган, жумладан, нақ бештаси сизнинг отар ҳиссасига тўғри келади. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда, гарчи ҳар юз кўйдан кўзи олиш сони бўйича олдинги ўринда бўлмасангиз ҳам, кўрғазма тарафидан текин тухфа этилаётган машиналарнинг бири...

ман. Аввали, “Волга”, ҳеч бўлмаганда “Нива” оласиз. Тўғри, текинга машина олишнинг ўзи бўлмайди албатта, кичкина бир... шартимиз ҳам бор. Бу ҳақда сал кейин гаплашамиз...

– Бўла “шарт”и бўлса, бизга тўғри келмасов, умримда... пора бериб, мукофот олмаганман, – деди чўпон ерга қараб.

– Оббо-о, яна доводирлик қиласиз-а, қанақа пора, мен келиб-келиб сиздан, ўз қариндошимдан пора оламанми! Машинани ювиш чоғи ўзингиз... кўнгилдан чиқариб, бирор суюнчи берарсиз, демоқчиман.

– Суюнчи бўлса, жоним билан... аммо-лекин бўла, анови боғни хусусийлаштириш масаласи, менимча узок ўйланиб, кўпчилик билан кенгашиб, ҳал қилинадиган масала, агар адашмасам. Мен бир пайтлар, талабалик йилларимда сиёсий иқтисод, деган фанга жуда қизиққан, ижтимоий-иқтисодий формациялар алмашинувида мулкчилик масаласининг ўрни ҳақида бир қанча китоблар ўқиган эдим. Сиёсий иқтисод назариячилари Карл Маркс ва Жозеф Прудон ўртасида шу борада бўлган ашаддий мунозарани сиз ҳам билсангиз керак, Олий партия мактабида ўқигансиз, бири бу муаммони қашшоқлик фалсафасига, иккинчиси эса фалсафанинг қашшоқлигига боғлаган. Ҳарҳолда, умумхалқ истифодасида бўлган мулкларни хусусийлаштиришда ўта эҳтиёткорлик билан иш тутилмоғи шарт.

Шу ўринда муҳтарам китобхоним-ку истехзоли жилмайиб кўяр, аммо мунаққидликка даъвогару тирноқ остидан кир қидирувчи чаласавод бир адабиётшунос кас оддий чўпоннинг дабдурустдан сиёсий иқтисод ва мулкчилик муносабатлари тарихидан сафсата сўқа бошлаганидан тааассуфга тушган ва: “ол-а, оддий подачи шунақа гапирадими, кито-

бийлигу схематизм ҳам эви билан-да”, дейиши мумкинлигини сезиб турибман. Ўзим ҳам бу одам билан асардаги бошқа бир қаҳрамон, ҳамкасбим Сухроб Туробий орқали танишиб, илк бор суҳбатлашганимда шунақа фикрга борганман. Бироқ муфассал мулоқот давомида иштибоҳ чекинди ва Ҳаким чўпоннинг ҳамқишлоқлари томонидан “довдир”, деб аталишига айнан мана шу – ҳаддан ортиқ билимдонлигию, тупканинг тагида юриб, бутун дунёнинг ташвишу ғамлари ила яшаши, кўпчилик фаҳмига етмайдиган мураккаб сиёсий ва иқтисодий муаммолар хусусида анчайин етук олим даражасидай фикрлаши сабаб бўлганини англадим. Зеро азал-азалдан ўз қорнидан бошқа ташвиши йўқ оломон учун бундай кимарсалар телбаю девона, юмшоқ қилиб айтганда “шоир ёхуд довдир” бўлиб кўринади.

Мана шунақа гапу, шунақа сўзлар. Ҳакимбой гап қанақа суюнчи хусусида бораётганини тахмин қилмоқчи бўлди-ю, аниқ бир нарсани тасаввур этолмади. Зеро у шунча йиллик меҳнат фаолияти давомида амалдор қавмининг нафси худди резинка пайпоқ сингари ўта чўзилувчан эканига кўп бор ишонч ҳосил қилган-да. Майли, келаверсин-чи ўша машина, бир ҳисоби бўлар...

Ўқимишли чўпонимизни боғ сайри сари ундаган яна бир сабаб–у муҳтарам туманбошининг серҳашам кабинетини тарк этишга чоғланаётган лаҳзаларда юз берган яна бир “тарихий тўқнашув” билан боғлиқ эди. “Тўқнашув” истилоҳидан мазкур ўринда ижобий маънода истифода этмоқдамиз, зеро Ўташевнинг ҳузурига ҳеч қандай огоҳлантириш ёки рухсатсиз, эшикни учи ўткир амиркон туфлиси ила тепиб кирган олийнасаб меҳмон аввал соҳиби даргоҳ билан қучоқлашиб, лабини лабига қўйиб ўпишиб кўришди.

– Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, деганлари ҳақ гап экан. Шокки, – деди ўрискчалаб афту андомидан осиелик эканини пайқаш қийин бўлмаган, шарқона япасқи бурни, тақир пешонаси, икки чети пастга осилиброқ кўринадиган кўзлари, жийирилиш орқали эгасининг анчайин баланд кибру ҳавосини яққол акс эттириб турган дўрдоқ пастки лаби Ҳаким чўпонга жудаям таниш туюлган меҳмон у билан қўлларини қаттиқ қисиб саломлашар экан.

Икки қадрдон суҳбати жононида ўзини дарҳол ортиқча ҳис эта бошлаган, бироқ каттаконнинг: “борақолинг”, деган рухсатисиз туёғини шиққиллатолмай турган чўпон бу қадрдон башара-ю сиёқни илгари қайда учратган бўлиши мумкинлигини эслолмай роса қийналди. Ҳар тугул соҳиби жойнинг:

– О-о, нимасини айтасан, Сурико, бундан йигирма йил олдин армияда кирза этик кийиб юрган кезларимизда: “вақти келиб сенинг тупканинг тагидаги туманинггача бораман, авра-астарини ағдараман, қолаверса бутун Ўзбекистонни зир титратаман”, деганингда мутлақо ишонмаган бўлардим, – дея ялтоқланишидан сўнг миясида: “бу ўша – “пахта ишларининг мутаваллилиги ила машҳури олам бўлмиш ўртоқ Итлян-ку!” деган фикр чақнади. Аммо дафъатан бу фикрга ишонгиси келмади: “Наҳотки... бизнинг бўла ўша касофат билан ҳам ош-қатиқ бўлса?” деган иштибоҳ ҳалал берди. Бироқ қуйидаги қисқа таништирувдан сўнг шубҳаю гумонлари пароканда бўлиб кетди:

– Таниш, Сурико, бу бизнинг тумандаги энг илғор чўпон ва энг ҳалол инсон Ҳаким Ўнгалович, сени эса унга таништириб ўтиришимнинг ҳожати йўқ, бугун-

ги кунда бутун жаҳонга машҳур жасур терговчи Сурен Итлянни ким ҳам билмайди дейсан!

– Аҳа, энг илғор ва энг ҳалол, дегин, йў-ўқ, бунақа бўлиши мумкин эма-ас, бизнинг ривожланган социалистик мамлакатда, айниқса бугунги Ўзбекистонда ҳалоллик билан илғор бўлиш мутлақо ақлга сиғмайди. Илғорми, демак режаларни бажаришда кўшиб ёзган, кўзбўямачилик қилган, ҳар қандай мукофотни, мансаб-мартабани пора эвазига олган!

Меҳмон бу гапни тиржайиб, гўеки ҳазил оҳангида айтди. Бироқ чўпон кўрдик, боягина муҳташам кабинетда ўзини соҳиби аврангу тож каби еттинчи осмонда ҳис этиб ўтирган Ўташевнинг ранги бўздай оқариб, силласи сувга тушиб, ҳатто қишлоқча кўпол қилиб айтганда, иштонини ҳўл қиладиган даражага тушди. Ҳайтовур унинг “қуролдош” биродари бояги куфр гапига дарҳол изоҳ берди:

– Ҳазиллашдим-ҳазиллашдим, бу дўстимиз илғор ва ҳалол чўпон бўлсалар, у кишига камоли ҳурмат-иззатимиз садаға! Биз – Москвалик адолатпеша терговчилар бундай кишиларни бошимизга кўтарамиз. Орден-медаллар олиб берамиз, қахрамон қиламиз! Аммо... социалистик қонунчилиқни бузган, халқу давлат мулкани талон-тарож этганларга мутлақо шафқат қилмаймиз! Сиз, муҳтарам чўпон дўстим, исми-шарифингиз нимаиди, умуман олганда бунинг сираям аҳамияти йўқ, агар шу масалада бирор фикрингиз, бизга етказмоқчи бўлган маълумоту ахборотингиз, бирор амалдорнинг таъмагирлиги ҳақидаги шикоятингиз бўлса, мутлақо тортинмасдан мурожаат қилаверинг. Мен сиздай ҳалол ва илғор меҳнаткашлар учун жонимни ҳам беришга тайёрман! Масалан айтинг, мана бу каттакон сизга қандай зуғум ўтказмоқда? Ё бирор мукофот учун пора сўра-

яптимми? Агар шунақа бўлса, армияда бирга хизмат қилганимизни, Чехословакиядаги қонли тўқнашувларда бирга қатнашганимизни ҳам ҳисобга олиб ўтирмасдан, буни дарҳол қамоққа оламан!

Ўташевнинг ранги яна оқарди. Тепакал меҳмон яна иржайиб, ҳазиллашаётганини билдирди, чўпоннинг миясида: “бу икковлон 1968 йили Чехословакиядаги тинч намойишларни қонга ботиришда қатнашган экан-да”, деган ижирғаниш ўтди. Зеро у ана шу миллий озодлик ҳаракати ҳақида “Озодлик” радиосида эшитган ва бегуноҳ қурбон бўлганларга астойдил ачинганди.

– Йўқ-йўқ, аксинча, қуролдош биродарингиз туманимиздагина эмас, бутун Европаю Осиёдаги энг ҳалол ва адолатпарвар раҳбарлардан бири, у киши каминанинг арзимаган меҳнатини юксак қадрлаб, йўқ, дейишимга қарамасдан, катта бир қимматбаҳо мукофотга мутлақо текин тавсия этмоқчи бўляптилар, – деди қитмир ва довдир чўпонимиз меҳмонга ҳамоҳангу жўр ўлароқ “мутлақо”, деган сўзга урғу бериб.

– Аҳа, мана бу мутлақо бошқа гап, – деди меҳмон чўпоннинг елкасига ғамхўрона қоқиб, – унда қуролдош биродаримнинг бу ишини мутлақо қўллаб-қувватлайман!

– Эмасам бизга жавоб берингизлар, давлатнинг кўйлари қаровсиз қолмасин, – деди Ҳаким чўпон.

– Майли, боринг, – деди аллақачон ўзини бу муҳташам хона соҳибининг соҳиби, дея ҳис этаётган меҳмон. – Аммо-лекин ҳали сиз билан яна учрашамиз. Энг ҳалол ва илғор коммунист чўпон сифатида бизга туманингиз, қолаверса, вилоятингиздаги бемазагарчиликлар ҳақида рўй-рост сўзлаб берасиз. Дарвоқе, партия аъзосисиз-а? Гарчи, ҳозирги пайтда бунинг мутлақо аҳамияти йўқ. Кўришгунча хайр!

“Қайтиб сиёғингни кўргилик қилмасин илойим”, деди ичи нафратга лиммо-лим бўлса-да, ўлганининг кунидан илжайиб, қўл қисишиб, хайрлашар экан Ҳаким чўпон ва ташқарига чиққан заҳоти: “Кўйиб берса, бутун малакатни ағдар-тўнтар қилиб, яна қанча одамнинг ёстиғини қуритади бу кал”, дея хавотир билан ўйлади. Уни от тизгинини тизгинсиз хаёллару жавобсиз саволлар макони бўлмиш кузги боғ бағри сари бошлаган иккинчи сабаб айнан шу эди...

Мана, Сувлидара боғлари! Мана, у интиқлик ила интилган сукутли диёр! Бу маъво бутун борлиқ заъфарон хазонистонга айланган тийра фаслда ҳам ўз тароватини йўқотмаган. Гарчи, ҳалитдан қорсираб илтижо этаётган қарғаларнинг қағиллашлари бу тароватга соя ташламоқчи бўлади. Бир қисм дарахтларнинг яланғочлигидан уялиб, қунишиб, дийдирабгина тургани қалбга озурдалик индиради. Туғма туйғунлиги учун бояги мулоқотдан қаттиқ мутаассир бўлганиданми, йиллар давомида азоблаб келаётган боднинг кузги хуружи туфайлими, қовоғи солиқ осмондаги кулранг ва намхуш булутлар елкасидан босаётгандек, юрагини ғижимлаб қисаётгандек туюлди. Кўкси торикди. Ширин хотиралар ила ёриштиришга уринди тийра тасаввурини.

Кузги боғлар чиройи ҳам, рангсиз даштлар оройишидан сийқаланган кўз учун, шубҳасиз, дилрабою зебо кўринади. Бироқ афсуски.. унинг Сувлидарага сайри тоғлар кўйнига келин тушадиган, яъни тошқин сойлар соҳилидаги ризвонрухсор боғлар оқ-пуштиранг гуллардан ҳарир либос кийиб, истиқболига нафис ва иболи таъзим ила пешвоз чиқадиган, зумрад далалар йўлига алвон қизғалдоқлардан гилам тўшайдиган, чўққилар этагида қайнаб ётган турнакўз чашмаларнинг вижирлаган қўшиқлари тараладиган



айни Ҳамал чоғига эмас, тийрамоҳ тугаб, қиш чилласи бошланишига тўғри келди. Шу боис салгина фаизи қочгандек туюлмоқда. Бунга уларнинг кейинги пайтлар янада кичрайгани сабабдир балки.

Ривоят қилишларича, Октябрь инқилобидан олдин бу даралар, бу сойлар ғиж-ғиж боғлар билан қопланган экан. Ўрикзорлар, тутзорлар... Очарчилик йилларида одамлар шу боғлар туфайли жон сақлашибди. Лекин колхоз тузилиб, унинг темирчилик устахонасига кўмир керак бўлибди: қишда этакдаги пахтазорлар пахтасини қуритиш учун зарур эди. Кишилар чўл ичкарасига бориб саксовул кесиб келишга эринадиган одат чиқардилар. Чунки энди бунга ҳожат йўқ эди. Боғларнинг боғбонлари “қулоқ” бўлиб олиш ўлкаларга бедарак кетишди. Колхоз эса буғдой экиш билан овора, боғлар эгасиз. Нурназар бобонинг ҳайрат билан ҳикоя қилишича, бир челақкина кўмир тайёрлаш учун йўғон-йўғон зардолилардан беш-олти тасини ёндиришаркан. Шу тахлит тобора юқорилаб, тоғлар қўйнига кириб боравердилар. Фақат чўққилар этагидагиларигина жон сақлаб қолишган. Кейинроқ, уруш арафасида ва ундан сўнг Россия ва Украинанинг дашт ҳудудларидан “маҳаллий аҳолига чорвачиликни ўргатиш ва... маданиятини ошириш” учун махсус йўлланмалар билан юборилиб, давлат хўжалигини бошқарган мутахассислар бу боғлар атрофига ерли халқ “ўрис дарахт”, деган ягона ном билан атовчи акас, арғувон, жўка, эман, заранг сингари манзарали дарахтлар эктиришиб, ўзларича тоғ ўрмонлари яратишга ҳаракат қилишган. Уларнинг ҳам анча қисми ўтин бўлиб кетибди. Лекин улар-ку майли, мевали боғларга юраги ачийди одамнинг. Ҳар тугул, яқиндан бери янги директорнинг азму шижоати билан уларни тиклаш, кенгайтириш ҳаракати бошланди.

...Ажиб боғлар. Уларда ер юзидаги жамики анвойи мевалар, гуллар бор. Бир томони полиз, яна бир томони чўққилар пойига туташган яйловлар. Бу боғ улкан бир дара қўйнида ястаниб ётибди. Пастда чўл, бепоён саҳро. Икки ёнда ҳад-худудсиз пахтазорлар. Шу боис бу боғлар баҳри муҳитдаги омонат оролчаларга ўхшайди. Ғалати бир ташбеҳ: оппоқ бир бепоён, бесарҳад баҳри муҳит. Оппоқ тўлқинлар... Йўқ, бу кўпиклар эмас, пахта чаноқлари. Қайси бир шоир айтганидек, “Чаноқларда қаймоқдай кўпирар пахта”. Улма-е, шоири замон!

Дарвоқе, боғлар... тоғлар қўйнига шу қадар чуқур кириб кетганки, дафъатан топиш қийин, эътибордан четда, гўё кимдир уларни яшириб қолгандай. Эҳтимол, бунинг сабаби уларнинг қадимийлигидир. Назардан четда, эгасиз қолганидир. Унутилган боғлар, эгасиз боғлар... Бунинг яна бир боиси бор. Бир вақтлар тоғ оралиқларидаги қишлоқлар аҳолиси чўлга – янги ўзлаштирилаётган ерларга “ихтиёрий” равишда кўчириб кетилди. Қишлоқлар, яйловлар, боғлар хувиллаб қолди. Кўрғонлар, уйлар қор-ёмғирлардан ивиб, эриб, бузилиб, вайрон бўлиб кетди. Бойқушларга ҳам қиладиган иш қолмади бунда. Яйловлар сукунат ичида, фақат тўрғайларга макон бўлиб қолди. Боғлар... боғлар қуримади. Боғлар, не-не кунларни кўрган қадим боғлар маъюс яшайвердилар. Мевалари пишиб, тўкилиб, қуриб, уруғидан янги ниҳоллар униб яшайвердилар боғлар. Фақат парвариш кўрмагани учун чакалакзор бўлиб, ўрмон сингари тиғизлашиб кетдилар.

Кейин боғларга гоҳ-гоҳида пастдан, дашт қўйнидан одамлар келадиган бўлишди. Уларнинг мевасидан ҳамма бирдек баҳра ола бошлади. Хайрия боғлари бўлди бу боғлар гўё. Кейин уларга эга чиқди. Давлат

хўжалиги ихтиёрига ўтди. Сўнгра ўрмон хўжалиги эгалик қилди. Аммо шу йилларда унга бирор кимса ақалли битта ниҳол ўтқазмади. Лекин боғлар яшар, яшарар, ўз умрини сабот ила давом эттираверарди.

Қизилолма – олмазор боғ номи, Қушхона – осмон бўйи ёнғоқзорлар номи, Оққанд – ўрикзорлар номи, хуллас, хар бир боғнинг ўз номи бор эди. Қизилол-манинг олмалари, эҳ, Ойбарчиннинг ёноғи шу олмалардан ранг олган бўлса не ажаб? Эҳ, бу боғлар, бу боғлар... Нима деб атасангиз ҳам атайверинг-у, лекин албатта бу боғда сайр этинг. “Бу боғни қайси боғ дерлар...” деган сатрлар айнан унинг кўйнида туғилган бўлса не ажаб? Эҳ, бу боғлардан кимлар баҳраманд бўлмаган, кимлар таърифига таҳсинлар айтмаган, ашъорлар битмаган. Наҳотки шу боғлар энди... Суллоҳлигу сурбетлик ҳам эви билан-да! Одамлар худодан кўрқишмайди, партиядан, э узр, бандадан уялишмайди-я!

“На инсофу на виждонни билар ё раб, бу инсонлар!...” дея хиргойи қилди у дилидаги чигилини ёзиш учун.

Алқисса, Ҳаким чўпон билан яқинроқ танишиш мавриди келди. Уни боғ дарвозасидан чиқаётган ҳолатда қолдириб, навбатдаги бобни таржимаи ҳолига бағишлаймиз

### 3.

Буюк бахши Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ўзидан аввал ўтган дostonчию термачилар, оқинларидан алоҳида ажралиб турадиган жиҳати – ҳозиржавоблик ва бадиҳагўйликда тенгсизу бетакроп бўлган экан. Бизнинг Ҳаким Ўнгалбой ўғли унинг бу ғаройиб ҳислати ҳақида эсини таниган пайтларидаёқ элда оғиздан-оғизга кўчиб юрувчи ривоятлар орқа-

ли кўп эшитган, чексиз ҳайратга тушган, ҳавас қилган ва “қанийди, мен ҳам шундай бўлсам”, деган улуғ бир орзу асирига айланган. Шунинг таъсирию ундови билан, болалигидан эртагу дoston эшитишга, тинглаганини ёдлаб олишга, ўзи ҳам баҳоли қудрат бир нималарни тўқишга уриниб келади. Буни унинг журналист қишлоқдоши Сухроб Туробов яхши билади. Шунинг учун кунларнинг бирида уни республика радиосининг “Яйлов шукуҳи”, деган эшиттирувига таклиф этади. Ана шу эшиттирувда чўпон – шоир акамиз ўз таржимаи ҳолини қуйидагича баён этган экан:

“Мен, Ҳаким Ўнгалов, ёшим салкам элликда, касбим чорвадор, бугуннинг ифодаси ила аниқроқ изоҳлайдиган бўлсак, тадбиркор–фермер, журналистларнинг ёзишларича: қўйчивон, қишлоқча, жайдари қилиб тушунтирсам, қўйбоқар, яъни чўпон. Маълумотим олий, дорилфунунни сиртдан тугаллаб, тил ва адабиёт ўқитувчиси, деган ихтисос олганман, бироқ худойлиғимни айтай: бир кун ҳам ўқитувчилик қилолганим йўқ, ахир қўйни ҳам кимдир боқиши зарур эди-да, бир даврлар комфирқа аъзоси, яъниким, жамиятнинг етакчи кучи бўлганман, ҳозир қип-қизил партиясиз, сиёсатдан узоқ, иқтисодга яқинроқ бўлиб қолганман, замонасининг зайли экан-да, оилалиман, бир қизим, бир ўғлим бор: тўнғичим Ойсифат Ҳакимовна – муаллима, қишлоқ болаларига фаранг тилидан сабоқ беради. Кенжатой қўзи қўчқоримиз, э узр, ўғлимиз Тўхтарбой ҳали мактабда. Аёлим Мусаллам – ўзим билан бирга қўй боқади. Икки нафар чўлиғим, яъни ёрдамчим ҳам бор. Икковиям зўр йигит. Ҳар бири ўзича бир олам. Мавриди келганида ҳар қайсиси ҳақида ажабтовур ҳикоялар айтиб берарман. Ўзимнинг авлод-аждодимни сўрасангиз, Оқтов ва

Қоратов оралиғида сурув ҳайдаб, достону терма ай-тиб, тўй-маъракани гуллатиб, элнинг кўнглини хушлаб, нокасинг ёқасидан ушлаб, пешанасига муш-лаб, курашу кўпкарида дов бермай умр ўтказишган. Менга ҳам шуларнинг феълидан жиндайгина юққан: гоҳ афандинамо гап қилиб, гоҳ алмойи-жалмойи саргузаштларимни айтиб, бировни кулдириб, бировни аччиқлантириб юраман. А, лаббай? Таржимаи ҳолни кенгроқ, муфассалроқ айтинг, дейсизми? Эмасам, қулоқ солинг.

Мен ҳам аксар даштлик болалар сингари тилим чиққан заҳоти халқ оғзаки ижодига, бахши-шоирликка қизиқдим. Бахшиларнинг достону термаларини кўп эшитганман-да. Ўзим ҳам термалар, эртақлар тўқидим. Бола-бақрани тўплаб ҳикоятлар сўйладим. Тил ва адабиёт муаллими бўламан, мактабда дарс бериш баробарида қиттигина ижод билан ҳам шуғулланиб юраман, шеър у ҳикояларимни туман газетасида бостираман, терма-достонларимни китоб қиламан, деган катта орзулар қилдим. Лекин...

Мактабни битирганимдан кейин биринчи йили ўқишга киролмадим. Бироз бекор юрдиму, кейин “бекордан худо безор”, деган ўғитга амал қилиб, ота-болалар касби деб, қишлоқ подасини боқдим. Сўнгра совхоздан (бир пайтлар шунақа бир ташкилот бўлар эди, ўзбекчаси – давлат хўжалиги, яъни ҳозирги фермер хўжалигининг давлатга қарашли шакли, унда директор, яъни раҳбардан тортиб, қоровулгача, давлатдан белгиланган маошни олиб ишларди) бир сурув қўй олиб Ҳаётбоши чўққиси этақларига чиқиб кетдим. Раҳматлик директоримиз Музроб ака бир кунни ўтовга келганида “Абдиҳаким, сен каллали йигитсан, сиртдан молдўхтирлик ўқишига кир, ёрдам қилайлик”, деб қолди. “Майли ака, ўқисам ўқий қолай, лекин мен

молдӯхтир ҳам, одамдӯхтир ҳам бўлмайман”. “Қайсига кираман дейсан?”, “Адабиётга кирсам дейман, ака!” “Э, сен қизиқ-ку, Ҳақимбой, нима Эргаш Жуманбулбул бовонгга ўхшаган бахши шоир бўлмоқчимисан?” “Нима қипти, ака, айб эмас-ку”. “Албатта, албатта, Ҳақим жўра, кўнглинг истаганига кир. Шоир бўлсанг, дoston айтиб отангнинг, Эргаш бовонгнинг руҳини шод этсанг қанийди. Бизнинг Сухроббой ҳам муштдай бошидан шеър ёзади, уям шоир бўлади, шекилли”.

Хуллас, адабиётга кирадиган бўлдим. Дастлабки имтиҳондаёқ бир домла “Чўпон одамга адабиёт майдонида пишириб қўйибдими, қишлоқ хўжалигига боринг” деса бўладими. “Домуллажон, шаҳардаги магазинчи-ю ошпазларнинг ярмисини адабиётчи қилдингиз-ку, энди битта чўпондан ҳам чиқаринг-да”. “Улар бизга камёб матоҳу маҳсулотлардан топиб бериб, адабиёт тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшмоқдалар, сенинг қўлингдан нима келади?” “Одамни ерга урманг, домуллажон, совхознинг минг қўйи ёнида ўзимнинг ҳам юз қўйим бор. (Шу жойи сал ўтрик, тўғрироғи шоирча муболаға бўлди. Ўзи кечирсин.) Антиқа попоқлар тикиладиган қоракўл тери, тоғ қўйининг шифобахш гўшти, эчкининг сути, аёлингизга тибит рўмол, ўзингизга иссиқ пайпоқ бўладурғон жуни дегандек.” “Оббо, сен-эй, гапга тушунадиган йигитга ўхшайсан-ку, бор-э, баҳонг тўрт! Аммо-лекин сендан бир попоқ ила бир тибит рўймол кутурмен, қишгача улгурурмусен?” “Албатта улгурурмен, домullo, попоқ сиздан ўргулсин!” Бошқа имтиҳонларда камсукумроқ домлалар дуч келди. Дoston, терма айтқизишиб, қойил қолишиб, яхши баҳолар қўйишди. Кириб кетдим.

Талабалигим ҳалиги сур попоқ ва ангори жундан пайпоқ кийишу ширвоз гўшти истеъмол этишни

хуш кўрадиган домланинг таъқиби (ростини айтсам, унга ҳалиги нарсаларни опкелиб бераман, деб юрган кунларимда туппа-тузук бир профессор пора билан кўлга тушиб қамалиб қолди ва камина қонун таъқибидан кўрқиб, ваъдамни бажаролмадим, домла эса” бу ярамас подачимас ваъдачи экан-ку”, деб зимдан қасд қилиб, йиқитаман, ҳайдатаман, деб юрди) ва яна бир-иккисининг хархашаларини ҳисобга олмаганда, силлиқ ўтди. Сиртдан бўлсаям ҳарқалай битказиб олдим. Дипломни олиб келиб давлат хўжалиги кадрлар бўлимининг бошлиғи, асли бошқирдистонлик бева аёл Маша опага топширдим. Олий маълумотли чўпон эканлигимни билишсин-да.

Чўпон деганнинг вақти унча кўп бўлмайди. Лекин камина фуржа топиб ижод қилишга киришдим. Сал кўлим бўшадими, дафтар қоралайман. Кампирим (бизда ёш-келинчакни ҳам эркалатиб, шундай аташади, қариб-қартайиб юрсин, деб ният қилишади-да) ҳайрон, шогирдларим Эшпўлат ва Очилбой ҳайратда. Бўлим бошлиғи Қилич Заҳҳор айниқса тажанг. Қайси кунни кимгадир шивирлаётганини эшитдим:

– Бу қисталоқ, темир дафтар қилиб бир балоларни илдириб, “кампироммат” тўплаб юрибди. Эҳтиёт бўларинг, бизнинг узоқ қишлоқда яшовчи, номи авом, лекин ўзи жудаям саводли халқимиз “компрогат”, яъни обрўизлантирувчи маълумотлар нималигини ҳам яхши билишади. Сирасини айтсам, аксарияти бекорчилигидан уззу кун дўкон ёнида учтами-тўртта бўлволишиб, битта винони майдалаб, нукул дунё сиёсатидан мубоҳаса юритишади: “Америкадаги бу галги сайловларда Рейган ютқизади”, дейди бири. “Улуғ Британия қироличаси қартайиб қолди, тожу тахтни ўғлигамас, неварасига топширмоқчи, чунки шаҳзода хотини бир четда қолиб, Камилла Паркер,

деган маъшуқа орттирган”, дейди бошқа бирови. Мен эсам ҳалиги одамга қараб:

– Темир дафтар ўзингиздан бери келмасин, оқсоқол. Бу – дoston . “Алпомиш”, “Гўрўғли”ни эшитганмисиз? Шунга ўхшаш бир дoston битмоқдаман сотсиалистик мусобақа ғолиблари тўғриси-да, – дейман.

– Номи нима?

– Номими? Номи... “Қинга кирган қилич”

Қилич ака шиптир кал бўлгани билан билими ўзига яраша, айёр одам. Аскияни дарров тушунди.

– Сенинг ўзингни катта момоннинг қинига киргизиб қўяман, билдингми, ҳе сўтак, одамни азмушта (масхара демоқчи) қилмоқчи бўласан-а, уккағар!

– Сўкинманг, азмушта қилаётганим йўқ, ростини айтдим. Мана ишонмасангиз, бир сира ўқиб кўринг.

– Нимасин ўқийман. Сен шоирлик қилиб гўрга борармидинг, ўзинг бит босган бир чўпон бўлсанг, – дейди аскиянинг аламини ҳалиям ҳазм этолмасдан кали Қилич.

– Ҳа майли, – дедим. Лекин бўшашмадим. Дафтаримни тўлдирдим. Тўлдириб Сухробга жўнатдим. Бир куни қарасам, Сухроббойдан хат келибди. Хатида “Ҳаким ака, бир иложини қиламиз”, дебди. Ёпирай, ҳали ёзганларингни китоб қилиб чиқарамиз, деса-я. Китоб чиқса кулгига қоламан-да. Қилич Заҳҳорнинг кулганидан куйгани кўп бўлади. Лекин... собиқ директоримиз, ҳозирги пайтда фермерлар уюшмаси раиси бўлмиш Нурқобилбой укамиз “Бу, Ҳаким ака, нега қўйларнинг этининг салмоғи йўқ десам, отарни ўз ҳолига ташлаб, шоирчилик қилиб юрган экансиз-да” демасмикан? Демасов? Нурқобил тушунадиган йигит-ку... Дарвоқе, Нурқобилни танисаларинг керак, унинг донғи бир пайтлар Московгача етган эди. Сўроқ чоғи ҳалиги тепакал армани терговчига



“Ўзбек халқига туҳмат қилганинг учун бир кунмас бир кун пешонангдан отиласан”, деган йигит ўшада! Ў-ў, у замонлар оғир замонлар эди, ит эгасини танитай қолувди. Ўша терговчиём охир-оқибат ўзини юборган хўжайинларига хура бошлади. Дарвоқе, мен сизларга ит феълини обдон ўрганган бир жониворшунос сифатида айтаман, “ит семирса, эгасини қопади”, деган мақолнинг чўпон кучукка, умуман табиатдаги ит, деган ҳайвонга мутлақо алоқаси йўқ. Бу мақол одамларга нисбатан тўқилган. Чалғиб кетдим-а? Нима деётгандим? Нурқобил? Қайси Нурқобил? Ўзимизнинг раис Нурқобил Бўтаевми? Ҳа-а, уни мана, Сухроббойдан сўранглар, болалигидан яхши билади. Тўғрими Сухроббой? Илтимос, сиз айтиб беринг, қанақа қийналганди бола бечора...

Қаҳрамонимизнинг илтимосини ерда қолдирмаслик учун Ҳаким чўпон таржимаи ҳоли давомини кейинги бобларга кўчириб, воқеамизнинг яна бир иштирокчиси билан яқинроқ танишамиз. Уни бундан анча йиллар олдин, саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида, бутун республика раҳбарларига қирон келган, амалдорман, деганнинг аксарияти қамалиб, тергов бериб ётган, чиндан ҳам ўта мураккаб вазиятда, руҳан эзилган, қийинчиликларни енголмай тушкунликка тушиб, ваҳимали хаёлларга берилган ҳолатда учратамиз

#### 4.

Нурқобил бамисоли тушовланган жийрон от сингари ўзини қўйгани жой тополмасди. Уйга кирди, ташқарига чиқди. Ҳовлига сиғмади. Далага интилди. Бийдай биёбон дашт ҳам торлик қилаётгандек бўлди. Оқтов билан Қоратов яқинлашиб келиб, вужудини икки томондан қисаётгандек туюлди. Дунё

кўзига тор кўринди. Яна ҳовлига қайтди. Ўғиллари-ни эркалатиб, овунишга уринди. Аммаси Гулсарага руҳсиз сўз қотди. Чой ичган бўлди. Ичига тушмади. Кейин ётоқхонасига кириб, лўққиллаб оғриётган эн-сасини кафтлари орасига олиб, оёқларини узатди. Бир бошга шунча савдо кўп эмасми, дея оқ тортди. Кўксини муздек кўрпага бериб ётди. Хона совуқ эди, бунинг устига шиддат билан қоронғилашиб борар-ди. Кўз олди хиралашди, эти жунжикди. Туриб чи-роқни ёқди. Мўъжазгина жавондан кўлига илинган бир китобни олди. Жек Лондоннинг ҳикоялар тўпла-ми экан. Ёнбошлаб варақлади. Ўқиёлмади. Дардини кимгадир айтгиси, кимгадир ёрилгиси келди. Кимга? Ким эшитади суринган одамнинг дардини? Шунда дўсти Сухробни эслади. Қоғоз-қалам олиб, унга мак-туб ёзишга киришди. Ваҳимали қилиб бошлади.

“Дўстим. Ушбу хат сенга етиб борган маҳалда, эҳ-тимол, мен ҳаётда бўлмасман...”

Тўғри қиялпанми, деб ўйлади. Иродам етарми-кан, дея чамалади. Бир бошга бир ўлим-да, деди қи-зиққонлик устида. Қолган жойидан давом эттирди: “... Эҳтимол, деяётганимнинг сабабини яхши биласан – ўз жонига қасд қилиш осон иш эмас. Айниқса, мен-дек – ҳаётни бутун вужуди, жон-дили билан севган, яшашни, мудом ғайрат билан елиб-югуриб яшашни истаган ва эртанги кунига ишонч билан қараган ки-шининг, ҳали анчайин ёш бир йигитнинг бундай қи-лиши сира-сира осон эмас. Эсингдами, отам барвақт ўлиб кетганлигидан ўксинганимда, йиғлаганимда “Отангнинг қолган умрини ҳам сен яшайсан, бу қи-йинчиликлар ўтиб кетади, ҳали ёруғ кунлар олдин-да”, дея тасалли бергандинг. Мен ишонардим. Қаттиқ ишонардим. Фақат ишонишнинг, орзу қилишнинг ўзи кифоя эмаслигини ҳам яхши билардим. Бунинг

учун меҳнат қилиш, курашиш, интилиш керак эди. Шундай қилдим ҳам...

Мана, энди шундай аҳволга тушдимки, бутун умрим, инсонлигим, интилишларим, қилган ишларимнинг ҳаммаси беҳуда эканлигини англаб турибман. Энг ёмони, гарданимдаги тавқи лаънат, шармандалик юки шу қадар оғир, шу қадар даҳшатлики, ерга кириб кетгим келади...”

Қамалиш шу қадар даҳшатли шармандаликми? Алоҳа ёзишдан тўхтаб савол берди ўзига. Уруш йиллари ота-онаси билан Россиядан кўчиб келиб, шу ерда улғайиб, яшаб қолган, трактор тузатувчи уста чол Николай Петрович ширакайф пайтлари сафсата сўқиб, дердики, “биз, ўрисларда шундай нақл бор: ҳар бир киши ҳамиша қамалишга ёки ақлдан озишга тайёр туриши керак”. Бобойнинг ўзи ёшлик йилларида бир неча марта қамалган экан. Гоҳо шуни юзига солишса, “хўш, нима бўпти, вақтида Ленин ҳам, Сталин ҳам қамалган”, деб қўяркан. Лекин Нурқобил унақа деёлмайди. Орияти йўл қўймайди. Унинг учун уят – ўлимдан қаттиқ.

“...Албатта, ўзини ўлдириш осон иш эмас, кейин бу – ўта бемаъни, аҳмоқона чора. Лекин менинг аҳволимга тушган киши, тўғрироғи, мендек киши шундай аҳволга тушгач, фақат ана шундай қилиши мумкин. Шундан бошқа чораси йўқ. Лекин...”

Болаларимга, бегуноҳ қора кўзларимга, етим кўзиларимга раҳмим келади. Онадан сағир қолганлари етмагандек, мен ҳам ташлаб кетадиган бўлсам, аҳволлари нима кечади? Ёлғиз аммам уларни улғайтириб, одам қаторига қўша оладими.

...Дўстим. Эсингдами, болалик йилларимизда бир-биримизга “ўл, ўласан, ўлдираман” деган сўзларни беаёв ишлатардик. Бу сўзлар шу қадар оддий,

шу қадар қадрсиз эдики, бирорта ёнғоғимиз бировимизга ўтиб кетса ҳам, бир-биримизни “ўлдирмоқчи” бўлардик. “Ўлим” деган сўз, тушунча биз учун ҳам албатта, ўзининг чинакам, асл маъносини англатарди. Ўлим деганда ҳаётда бўлмасликни, ундан кетишни тушунардик, ахир. Менинг отам ўлганди, сенинг онанг. Лекин биз шунга қарамасдан, бир-биримизни “ўлдирмоқчи” бўлардик. Энди билсам, ўшанда биз ўлим нималигини билардик-у, ҳаёт нималигини англаб етмагандик. Шунинг учун ҳам улғайганимиз сари, ҳаёт нималигини тобора чуқурроқ англай борганимиз сари “ўлим” сўзини камроқ тилга оладиган бўлдик. Улғайиб, бола-чақали бўлганимиздан кейин эса умуман тилга олмай қўйдик. Ҳатто болалар баъзан бир-бирларига шунақа дейишса, қаттиқ койийдиган, “Унақа дема, оғзингдан шамол учирсин” дея танбеҳ берадиган бўлдик. Ҳа, дўстим, энди бу сўз бизга жудаям даҳшатли туюладиган бўлди. Чунки ҳаёт нималигини тушуниб етдик. Мовий осмонга тўйиб боққинг, ям-яшил далалар, қирлар бўйлаб тинмай югургинг, дарёларни симиргинг, тоғларни бағрингга босгинг, хуллас, абадий яшагинг келади...”

Йўқ, ёзолмади давомини. Қанақадир сунъий, китобий чиқди. Кулгили. Гарчи мактабда у ҳам Сухробга таассиб қилиб, шеърлар ёзган. Адабиётни жондиди билан яхши кўрган. Бу муҳаббат ҳалиям қалбини тарк этгани йўқ. Шодон кунларида ҳам, маҳзуну маълул дамларда ҳам ёлғиз қолиб, китоб мутолаа этгиси келади. Аммо... ўз жонига қасд қилиш ниятидаги одам қанақадир фалсафа сўқиб ўтириши барибир ҳам кулгили. Ва аянчли. Яхшиси... Гапсиз, сўзсиз... қилиш лозим бу ишни. Шунда ҳаммасидан қутулади. Азоблардан ҳам, шармандалиқдан ҳам. Қамалиш-ку, ўрис бобо айтганидай у қадар қўрқинчли эмасдир

балки. Бироқ қайтиб келганидан сўнг охири на-  
фасигача бўйнидаги тавқни ечолмай, боши эгилиб  
яшашдан оғири йўқ.

Болаларга... Аммаси бор. Амма табиатан ўктам  
аёл. Ўзиниям, жиянлариниям ўкситмайди, хор қил-  
майди. Боши эгилиб ўсишмаса бўлгани. Ҳарқалай  
судланмасдан ўлиб кетсам, уларга касриму насоғим  
тегмайди, ҳеч ким “жиноятчининг боласи”, деб қўли-  
ни бигиз қилиб кўрсатолмайди. Судлансам-у “олий  
жазо”гами, узоқ муддатли қамоққами ҳукм этилсам,  
номимдаги бу тавқу лаънат ювилиши учун ўнлаб  
йиллар, балки асрлар керак бўлади. Фақат фарзанд-  
ларим эмас, неварая эвараларимнинг таржимаи  
ҳолида акс этиб, кўрган кўзга тикондай қадалиб ту-  
ради бу. Тўғри, отмасликлари, ўн беш йил беришла-  
ри эҳтимоли кўпроқ. Ундаям барибир маънан ўлган  
бўламан-ку. Яқинда республиканинг пахтачилик  
соҳасидаги бир раҳбари отувга ҳукм қилинди. Яна  
бир нечаси ўн-ўн беш йилдан олди. Қатағон тегирмо-  
нининг тоши тобора кучлироқ айланмоқда. “Пахта  
ишлари” борган сари авж олмоқда. Эрта-индин унинг  
ёнига “чорва ишлари” ёхуд “боғдорчилик ишлари”  
ҳам қўшилмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Ай-  
тишларича, бутун республикани зир титратаётган  
икки терговчини нақ Кремлнинг ўзидан бошқариб,  
ҳайбаракалла қилиб туришганмиш. Нурқобил қама-  
лаётганларнинг ҳаммаси оппоқ, демоқчи эмас. Улар  
орасида виждонсиз ҳаромхўрлариям, тариқча иқти-  
дори бўлмай туриб, таниш-билиш ёки пора эвазига  
катта мансаблару баланд курсиларни эгаллаб, “дав-  
ринг келди, сур бегим”, деб юрганлари етарли. Лекин  
гуноҳсизи кўпроқ. Шуларнинг бир нечаси ориятга  
чидолмай ўзини ўлдирди. Бир вилоят раҳбари, бир  
вазир, яна бир қанча оддий одамлар. Ҳаддини буткул

унутган марказлик терговчилару уларнинг маҳаллий гумашталари эса телевизорга чиқиб: “бу ой ўтган ойдагига нисбатан икки барабар кўп миқдордаги кишини қамадик”, дея сурбетларча мақтанмоқдалар. “Миқдор”, эмиш. Одамга, унинг тақдиру қисматига нисбатан ана шундай сўзлар ишлатилмоқда. Республика, вилоят, туман, хўжалик раҳбарларидан кейин навбат эддий сувчию тракторчиларга келибди. Гуноҳкору бегуноҳ аралаш-қуралаш янчилмоқда. Аммо шундай вазиятда... яшаш мумкинми? Қарангки, шундай шароитда ҳам Ўташев сингарилар денгиздаги наҳанглар мисоли эркин сузиб юришибди. Нафақат эркин сузишяпти, ўлжа олиб, музаффар бўлиб, янада семиришяпти. Майли, улар яшасинлар, давру даврон сурсинлар. Бизлар эса...

Шу тариқа унинг бу кунидан кўра ўлгиси келар, бир қараганда, бу сираям қийин иш эмасдек туюларди. Тунов куни бир амалдор ўзини отгани, иккинчиси осгани, бошқа бирови худди японлар сингари “харакири” қилиб, ичак-чавоғини ағдариб ташлаганини эшитиб, даҳшатга ва... ғурурли бир ҳайратга тушди. “Бизнинг халқимизни қўйдаи юввош ва муте дейдиганлар бунақа воқеаларни кўриб, эшитиб, нафасларни ичларига тушса керак”, дея қўлларини беихтиёр мушт қилди. “Менинг улардан нима кам, мен шу даражадаги журъату жўмардлик кўрсатолмайманми” деб ўйлади. Лекин айни пайтда ҳаёт кўзига жудаям ширин кўринарди. Аммасининг ўктамлигини эътироф этгани ҳолда, икки болани ҳамшираликнинг арзимаган маоши билан кун кўрувчи кимсасиз бева аёлга ташлаб кетиш жўмардликдан бўладими, деган андишага борарди. Дўсти Сухробга ёза бошлаган мактуби баҳонасида у ўз жонига қилмоқчи бўлаётган қасдини сал бўлса-да кечиктиришга, шу мудҳиш

режа ижросидан биров чалғишга уринар, гўё шу орада бир мўъжиза юз беради-ю, унга қаратилган барча ғанимларнинг найза ва тиғлари синиб, туҳматлар субҳи козибнинг ғубори мисол тарқалиб кетадигандек. “Ноумид шайтон”, дейишни яхши кўради Нурқобилнинг қиёматли оғаси, уни дўстлари масхаралаб, кадрдонлари эса эркалатиб “довдир” деган лақаб билан атайдиган Ҳаким чўпон. Унинг ўзи эса бу лақабни ёқтиради. “Бу – менга она халқим берган, Аллоҳ лозим кўрган тахаллус, – дейди ҳазиломуз оҳангда у. – Минг шукр, минг раҳмат, ахир Ҳаким кал, Ҳаким кўр, Ҳаким чўлоқ ёки маймоқ, Ҳаким қийшиқ ёки гаранг, Ҳаким тентак, Ҳаким ўғри ёки апирис, дейишмаган-ку. Мен катта луғатларни кўриб чиқдим, “довдир” дегани содда, андининг бир хили экан. Хўш, бунинг нимаси ёмон?”

Ростданам, хувори халқимиз нега бунақа қилади-а, бир гал Нурқобил мажлисда сўзлаётган кимгадир шу ҳақда дакки берганди. У эса, “директор бово узр-ку, бизнинг халқимиз кални кал, кўрни кўр, дейди, бундан ҳеч ким хафа бўлмайди”, деб тушиб кетди. Сухробнинг фикрича, бу “шафқатсиз реализм”, эмиш. “Фақат бизда эмас, бутун дунё халқларида бор бу русм ва у қадимги даврлардан буён истеъмолдан тушмай келади”, деди у. Ҳазил қилди шекилли. Тиббиёт, маданият юксалгани сари одамларнинг жисмоний кемтиклари ҳам уларни юзга солиш каби одатлар ҳам барҳам топиб боради. Лекин...афсуски, очкўзлик, порахўрлик каби ахлоқий қусурларнинг йўқолиши осон эмас.

“...Мирпўлат Мирзо деган шоирнинг бир шеърини ўқиган эдим:

*Шамолларнинг атридан дилни сармаст этамиз,  
Эсаверар шамоллар мангу, бизлар кетамиз...”*

Дарвоқе, уни сен яхши танисанг, тез-тез кўриб турсанг керак. Менинг саломимини ва мана бу шеър учун миннатдорлигимни айтиб қўй...”

## 5.

Суҳроб эса бу пайт таҳририятдаги иссиққина кабинетида ҳаваскор шоиру адибларнинг машқларини лоқайд кўздан кечирмоқда эди. Иш ҳафтасининг охирги кунини. Қишлоққа бормаганига ҳам анча бўлиб кетди. Мана, қиш ҳам чиқиб қолди. Ҳаво бироз совуқ. Лекин бориб келиш керак. Ота ҳовлисини, қадрдон дўсти Нурқобилни кўрмаганига ҳам анча бўлди. Бир ойча олдин ўзи келиб, таҳликали гаплар айтиб кетганди. “Марказдан келган терговчилар яқинда бизнинг туманга борар эмишлар, Ҳаким ака айтадики, қишлоғимизнинг аризабозлари Москвага бориб, Ленин мақбарасига ариза ташлаб келишган экан. Унда ёзишибди, “Эй, Ленин бобо ўзингиз тирилиб келиб ҳақиқатни рўёбга чиқармасангиз, ҳаромхўр раҳбарларимизга чора кўрмасангиз, бизнинг додимизни ҳеч ким эшитмаётир.” Сўнгра Кремль деворлари тагида ўтов тикиб бир ҳафта ётишибди. Охир ичкаридан соқчилар қуршовида бир кал одам чиқиб, шеърини қилиб тушунтирибди: “Юборамиз терговчининг зўрини, куритади ҳаммасининг шўрини.” Аризабозларимиз дейишибдики, бизга зўр-пўри керакмас, анови, ўзингизга ва ўзимизнинг Иличбой (Қиличбой) акага ўхшаган кали бор, худди ўшани жўнатинг, депти. “Майли”, депти кал, сизларда ҳам ўзимизникилардан бор экан, айнан ўша тос каллани юборганим бўлсин.”

Икки дўст аввалига Ҳаким чўпоннинг шунга ўхшаш афандинамо гапларини айтишиб роса кулишди-ю, пировардида Нурқобил бирдан маъюс тортди. “Масала жиддий”, деди. “Нега ташвишланасан, сиз-



ларда пахта экилмайди-ку, қолаверса, ўзинг тоза бўлсанг, нимадан ҳайиқасан” таскин берди Сухроб. “Кўпга келган тўй бу, дейишяпти, ишқилиб айтганинг келсин, аммо кўряпсан-у, пахтақору чорвадор туманларнинг барчасида хўлу қуруқ баравар ёниб ётибди”, деди Нурқобил. Ўйчан хайрлашди, дилгир бўлиб кетди. Сухробга қолса, эртасигаёқ ортидан борарди. Ишидан бўшаёлмади. Нима бўлди экан? Иш деса, вақт йўқ деса, умр ўтиб кетаверади. Тўғри, иш кўп, ташвиш кўп, қўли бўшамайди. Мансур Муҳиддинов марказқўм қошидаги нашриётга ўтиб кетгач, Сухроб масъул котибликка тайинланди. Бошини қашишга вақти йўқ. Бунинг устига кейинги пайтлар кўнглига ҳеч нарса сиғмади. Очиғи, бир неча марта ҳафталаб ётиб ичган жойлари бўлди. Сабаби биринчи китоби – “Қуёш ботаётган пайт” атрофидаги кескин мунозара ҳали бир ёқли бўлган эмас. Гарчи, таниқли ёзувчи ва мунаққидлардан бир нечаси ижобий фикрлар билдиришган бўлса-да, “бу тўпламда партия сиёсатига қарши, замондан норозилик кайфияти уфуриб турибди” деган мазмундаги иддаолар ҳануз давом этмоқда. Сухробнинг бахтига КГБ раҳбарлигидан чиқиб, мамлакатда “темир интизом ўрнатишга, бунинг учун ҳар бир фуқаронинг ортидан иккитадан пойлоқчи қўйишга амру фармон беришга қатъий аҳд этган янги бош котиб Юрий Андропов бир йилга борар-бормас, чин дунёга рихлат этди. Ортидан келган яна бир қари чол – Черненко ҳам тез ўлди. Ҳокимият тепасига Михаил Горбачев деган бағри кенг, хушчақчақ бир инсон келиб, “қайта қуриш” бошланди. Демократия, сўз эркинлиги, деган илгари умуман истеъмолда бўлмаган жумлалар русмга кирди. Агар Сухробнинг илк китобига қарши ҳужум сал олдинроқ бошланганида, қамалмаса ҳам ҳарқалай ишдан бўшаб, кўчада қоли-

ши тайин эди. Энг алам қиладиган жиҳати, “сиёсий айблар”ни сергаклик билан топиб, тегишли жойларга хабар берган, пандовақи мунаққидларни гиж-гижлаган ичи қора ҳасадгўйлар узоқда эмас, ёнгинасида, ўзи ишлайдиган таҳририятда эди ва бу гуруҳ бадий ижоддаги дастлабки қадамиданоқ тилга тушган бу тирранча улар кўзлаётган мансабларни эгаллаб олиши мумкинлигидан ўлгудай қўрқишарди. Уларнинг раҳнамоси Мансур Мажидович Муҳиддинов нуфузли лавозимга кўтарилгач, хуруж салгина сусайди-ю, бутунлай тўхтагани йўқ. “Муҳтарам устои аъзам”нинг содиқ издошлари сираям бўш келишмаётир. Дарвоқе, айнан ўшалардан бири, ўзининг жондайгина тумандоши, Суҳробнинг битта кўзини кўр қилиш учун ўзининг иккита қароғидан ҳам тап тортмасдан воз кечишга ҳозир асли исми Мусурмону, феъли туфайли талабалик йилларидаёқ ҳамсабоқлар тилида охирги бўғинидан айрилиб, “Мусур”, яъни ўзбекчасига ахлатга айланган бароққош эрталаб таҳририят эшиги ёнида учратиб, хунук хабар айтди: “Туманингиз раҳбарлари устидан жиноий иш очилган, эртаиндин ёппасига қамалишади, ўртоғингиз Бўтаевдан бир ҳол сўраб қўйинг, униям... яқинда иқтисодий фаолияти, ахлоқи қаттиқ муҳокама қилинибди, аҳволи чатоқ, дейишяпти.” Нурқобил туман раҳбаримас-ку, деди Суҳроб юраги шувиллаб, лекин туяни шамол учирса...

Бориш керак. Уят бўп кетди. Бугуноқ кечқурунги автобусга ёки эртага тонггисига чиқиб, бориб, аҳвол сўраб, пурси пос қилиб келиш керак.

Суҳроб шаҳд билан ўрнидан турди ва ишхонадан тўғри автовокзалга жўнади. Етиб келганида “Нуробод – Чашмизирак” автобуси ўрнидан кўзғалай деб турган экан.

Автобусда одам сийрак эди. Сухроб орқароқдаги бўш ўриндиқлардан бирига ўтирди. Совуқ. Баҳор келәтгани сезилмайди. Нурободнинг иқлими шунақа – ажабтовур. Баҳор нари-бери бўлмай, ёз бошланиб кетади. Ёз чўзилиб-чўзилиб, кузнинг ўрнига бирдан қиш киради. Чашмизирақнинг тоққа туташ қисмида-ку жудаям ғаройиб: тоғнинг бошида – чўққида қор, пойида эса саратон чарсиллайди. Одамлар феълидаги чарслик ҳам шундан бўлса ажаб эмас.

Очиқ деразадан шамол кирди. Автобус бўз қирларга чиқиб борарди.

Сухроб болалик йилларини, Нурқобил билан бирга ўйнаб ўсган беғубор дамларини эслаб кетди. Бир томони баланд тоғлар қўйнига, иккинчи томони яшил дараларга, тиниқ чашмалар бўйига туташган, этаги бепоён Қизилқумга чиқиб кетадиган суюкли Чашмизирақ қишлоғи. Лойсувоқ уйлар, тоқзорлар, кўра-кўтонлар. Қирлар ортидаги олтинранг ғаллазорлар. Қишлоқ аҳли ўша маҳаллари ҳам чорвачилик билан шуғулланар, бундан ташқари бўз ерларга лалми буғдой ва арпа экилар, сув етадиган жойларга эса майизбоп кишмиш экилиб, боғдорчилик қилинарди. Кишиларнинг томорқалари ҳам ёппасига узумзор эди. Тоғлар қўйнида ўтов тикиб, қўй боқадиган чўпонларнинг ҳам Чашмизирақда муқим истиқоматгоҳлари бўлиб, улар ҳам чорвадорликни боғбонлик билан қўшиб тирикчилик қилишарди. Хуллас, Чашмизирақ шундай антиқа бир маскан эдики, унинг одамлари шу ерлик шоиртабиат чўпон Ҳаким довдир айтганидек, “кийик гўштини қуймоққа ўраб, қаймоққа булаб ейишарди”.

Сухробларнинг ҳовлиси, Нурқобилларнинг мўъжазгина кўрғони қишлоқнинг юқори қисмида, чаш-

манинг бўйида эди. Ҳовлиларининг орқасидан қирлар, нарироқда эса тоғлар бошланиб кетарди.

Суҳробнинг отаси давлат хўжалигининг директори бўлиб ишларди. Онаси эса у ҳали эсини танимаган пайтларда ўлиб кетган экан. У бувиси – Ҳурзия момо билан яшарди. Отаси кечаю кундуз иш билан банд бўлгани учун ҳафтада бир-икки кўрарди уни.

Нурқобил ҳам бувиси билан турарди. Унинг отаси совхозда чўпонли қилган, бир неча йил аввал, қиш қаттиқ келган йили яйловда бўронда қолиб ўлганди. Онаси эса икки боласи билан бошқа эр қилиб кетган, Нурқобилни бувиси – Бувихол хола олиб қолганди.

Икки дўстни яқинлаштирган нарса ҳам, эҳтимол, биринчидан отаси марҳум чўпон оиласига алоҳида эътибор ва дардкашлик туйғуси билан қарагани бўлса, бошқа тарафдан ҳар иккисининг кўнглидаги бир хил кемтик – етимлик ғуссаси эди. Лекин улар сағирлик жабру жафоси нима эканлигини билмай улғайишди. Ҳар иккиси эркатой, айтганлари айтган, деганлари деган эди. Фақат... Фақат баъзи-баъзида кўчада эшитиладиган “шум етим”, “баттол етим”, “парвардигор билиб қисиб қўйган” деган гаплар уларнинг ғам нима эканлигини билмаган юракларини ўқдай тешиб ўтарди. Улар ҳаётларида тўлдириб бўлмайдиган бўшлиқ борлигини англаб ўксиниб қўйишарди...

Автобус силкиниб тўхтади. У шаҳардан кейинги бекатга етганди. Ҳали саккиз соат, роппа-роса саккиз соат йўл юриш керак.

Суҳроб Нурқобил билан бўлган охирги суҳбатни эслади. Кўз ўнгида болалигида Қиличботир, сўнгра Қиличбой бўлган, кейинроқ Қилич кўса деб ном олган, хушламайдиганлар орқаваротдан Қилич кал дейдиган, давлат хўжалигида бўлим бошлиғи, омбор мудири бўлиб ишлаб, қишлоқнинг нафақат оқсоқол-

лигини, балки, ундан-да ҳурматли зоти бобаракот-лигини даъво қилиб юрувчи баҳайбат, семиз юзлари қип-қизил, гаплари қиличдай кескир одам пайдо бўлди. Унинг исмини ким қўйган экан. Ким қўйса ҳам билиб қўйган.

Қилич кўса нега кўса ва нега кал, биласизларми деганда Ҳаким довдир, бу қисталоқнинг сочию соқоли, умуман баданидаги тукнинг ҳаммаси ичкарига қараб ўсган. Бунинг ҳамма жуни ишида.. Ичи – қоп-қора жун бунинг... деган.

Ҳаким довдирнинг ҳазили нечоғлик жиддий ва қаттиқ эканлигини, эҳтимол ўша пайтлар Қилич кўса билмагандир. Лекин Суҳробнинг назарида, довдир Қилич кўсанинг феъл-атворини ана шу бир оғиз гап билан ойнадай равшан қилиб қўйганди.

Қилич кўса ўша пайтларда навқирон йигит, ҳисобчими, ўнбошими эди. Кичкина қоринчасини чиқариб, бошини орқага ташлаб, салмоқ билан қадам ташлар, ёшига номувофиқ тарзда каттароқ, басавлатроқ кўринишга ҳаракат қиларди. Унинг битта камчилиги – сочсиз боши жудаям кичкина, улкан гавдасига сираям ярашиқли эмасди.

Шу аҳволига кўсаси тушмагур, қишлоқнинг эгаси бўлишни хоҳларди. Марҳамат, ҳамма ундан истаганча текин насиҳат олиши мумкин. Лекин сўрамай иш қилмасин. Олдини кесиб ўтмасин. Биринчи бўлиб салом берсин. Суҳробнинг ижодкорга хос таърифига кўра Қилич Заҳҳоров мансабпарастлик дардининг туғма ва сурункали хилига чалинган хаста бир кас. Лекин буни ўзи билмайди, билса ҳам парво қилмайди. Ҳар кун, ҳар қадамда, ҳар бир ишда раҳбарлик қилишга уринади, тўй-маъраками, ҳашарми, ҳар қандай тадбирда дарров қозоннинг бошида туришга интилади. Кечқурунлари моллар подадан қайтар

маҳали у қишлоқ ўртасидаги чимзор сайхонликка йиғилган болаларни тўплаб, “Қилич бобо соврини” учун кураштиради, “ғолиб”ларни ўн-ўн беш сўм бериб сийлайди. Бу гаштли машғулот болаларга ҳам ёқарди. Шунинг учун кун оғди дегунча улар подаётоққа тўпланишиб, Қилич кўсани кутишарди. “Қилич бобо соврини” соҳиблиги улар учун юксак шараф ҳисобланарди. Кўсанинг бола-бақрани йиғиштириб “чиниқтираётгани”ни кўпчилик маъқуллашарди. Чунки Чашмизирақ азалдан номдор полвонлар унибўсган жой.

Қилич кўсанинг бу иши фақат Ҳаким чўпонга ёқмасди. “Бу йигитларни тишлаштириб ҳузур қилади, чиниққани билан нима иши бор, чиниқтирмоқчи бўлса, тенги билан, қоида асосида олиштирсин-да,” дерди. Чиндан ҳам кўса болаларни олиштирар экан, қайсиси неча ёшдалигига қарамас, бирор бир қоидага риоя қилишни талаб этмасди. Рақибингни йиқитсанг бўлди, чаласанми, оёғидан кўтарасанми, фирромлик қиласанми, ихтиёринг. “Ахир, йигит деган шунақасига пишийди-да!” дея гувраниб кўярди.

Бир гал Нурқобил Бойқувват билан олишди. Иккови тир келди. Бир-бировини кўп айлантирди. Лекин курагини ерга тегизолмади. Икковлариям ёқавайрон бўлишиб, бурнилари қонаб кетди, тиззалари шилинди. Лекин кўса уларни ажратмасди. “Ҳа, ҳа, бўш келма, у ёғига айлантир, бўксага ол, тўпиққа илдир!” деб қийқирарди у. Икки муштдек боланинг жўжахўрозлардек чўқишишидан аллақандай ҳузур оларди гўё. Тўғрилигига кафолат беролмаймиз-у, айрим кўрганларнинг, ёниб гапирадиганларнинг “ўлай агар”, дея қасам ичиб гувоҳлик беришларича, кўса қўй эмас-у, ҳўкиз сўйдирган чоғларида қассобга: “ҳеч ким билмасин”, деб тайинларкан-у, ўша новвоснинг қонидан

битта шокосани лиммо-лим тўлдириб, сипқорвораркан.

Ўшанда Ҳаким довдир келиб ажратмаса, икки бола бир-бирини қонга белаб, майиб қилиши турган гап эди. У “полвон”ларнинг икковиниям елкасига дўстона уриб “яшанглар” деб кўйди. Кейин Қиличбойга ўгирилиб пичинг қилди.

– Ҳўроз чўқиштириб, ит тишлаттириб, кўчқор шохлаштириб, ҳатто туя уриштириб ҳузур қилган одамларни кўп кўрганман. Лекин одам ёқалаштириб мазза қиладиган кимсани энди кўришим. Кўйинг, ака, бунақа ишларни!

Филҳақиқат, Нуробод томонларда азал-азалдан тўйларда кўпқари, курашдан ташқари хўроз, ит, кўчқор, туя уриштириш сингари дафъи савдолар бўлган. Замоннинг зайли билан аксарияти русмдан қолиб кетган. Чунки уларда қоидага риоя этилмаган. Чунки башарият ёввойиликдан узоқлашгани сари қонун ва қоидаларнинг аҳамиятини тушуниб борган.

– Э, чўпон! Сен бунинг маънисини қайдан билардинг. Ҳайда, тошингни тер. Сен қолувдинг ақл ўргатмаган. Овсар. Жўна, жўна!

Довдир у билан пачакилашиб ўтирмади. Зеро, кўса билан гап талашиб ютиш қийин. У қишлоқнинг “энг бой, бинобарин оғзи катта, кўли узун авлодларидан”. Ҳаким оға индамай кетди. Кейинроқ ҳикоя қилдики, вақтлар ўтиб, шаҳарга тушганида бир кино кўрибди. “Гладиатор” деб аталаркан. Қадим замонда Юнонистонун Рим томонда бойлару ҳукмдорлар боқилган қулларни яккама-якка жанг қилдириб, томошосидан роҳатланишаркан. Бу томошо гладиаторлардан бирининг шафқатсизларча ўлдирилишигача давом этаркан. Нафсиламбрини айтганда, довдир бу ҳақда китоблар ҳам ўқиган экану, лекин бояги кинодан

қаттиқ таъсирланибди. “Ўшалар сингари дилхушлик учун қон тўкадиган одамлар ҳалиям бор-а, дея ўкиниб қўйди. Янаям бизнинг Қиличбой ака инсофли экан”, деган фикрни илгари сурди.

Қолаверса, ўшанда Қиличбой кўса қишлоқ хўжалиги институтини битириб келган. Олий маълумотли чорвадор мутахассисман, дея керилиб юрадиган пайтлар эди. Шундай экан, аллақандай ўрта маълумотли чўпон, битлиқи подачи унга танбеҳ бериши инсофдан эмасди-да. Бунини Ҳакимбой оға тушунгани учун тилини тийган. Ҳатто кетаётиб айтганки, “тўғри сўйладингиз, Қилич оға, биз ким бўлибмиз, сиздай отли, зотли, зодагон, наслдор кўппакнинг қошида, аккиллаб юрган бир олабой кучукча бўлсак.” “Кучук, дема-е, кучук”, дегану ўз гапидан ўзи мулзам бўлиб кулган Қилич кўса. Ажабмаски, довдир ўзининг ўша фикрига аччиқ қилиб, бор-йўғидан ажралиб бўлсаям дорилфунунга кирди, сиртдан ўқиди, олий маълумотли бўлди. Лекин чўпонлигича қолди. Қилич кўса эса умримда бир кун бўлсаям мансаб курсисига ўтирмасам, хотиним талоқ бўлсин, деб қасам ичган экан. Сира тинчимади-тинчимади қурғур. Ҳалиги Нурқобил айтган Кремль девори остига тикилган ўтовнинг кигизи ҳам ўша одамга тегишли бўлиши керак. Демак, ўша Қиличбой... ҳалиям хўжайинлик курсисига талабгор экан-да...

Нурқобил нега хавотирланади?... Наҳотки уни ҳам чув туширишган, ғўжала ишларга аралаштиришган? У нопок ишга қўл урмайди, бу ерда бошқа гап бўлиши керак. Ёки... Нурқобилнинг “ишқий саргузаштлари” ҳақидаги гапларда жон бору, рақиблари ўч олмоқдами? Даштликларда аёл аралашган можаролар муқаррар равишда бир томоннинг ё...ўлими, ё қамалиши билан ниҳоясига етади. Ахир, “ҳаммасини йиғиштир-



дим, туфлаган тупугимни қайтадан яламайман” деганди-ку.

Нурқобилнинг изтиробли севгиси ҳақида “ишқий саргузаштлар” деб ўйлагани учун Сухроб ўзидан аччиқланди. “Ҳар бир нарсага юқоридан туриб назар ташлайдиган бўлиб қолибман. Ҳатто Нурқобилнинг чалкаш қисмати, чигал муҳаббати ҳақида ҳам. Ҳолбуки...”

Йўқ, буни энди муҳаббат деб бўлмаса керак. Агар чиндан ҳам миш-мишларда зиғирча ҳақиқат бўлса, бу...зино, адабийчаси “дон олишув”, дейилади. Нурқобил тоза йигит, ундай қилмаса керак. Аммо шундай дейсану, дўстингнинг руҳиятию жисмонияти хусусида холисона мулоҳаза юритилса, уни айблаш қийин. “Ғунажин если глазами не моргает, буқа к ней не шагает”, деркан Ҳожибой деган янги чиққан бир кизиқчи. Ахир, Нурқобил ҳам инсон-ку, ҳали қирқдан ошмаган навқирон йигит-ку. Хотини ўлганига ҳам анча бўлди. Ҳалиям унга минг раҳматки, Гулруҳни тузатиш учун югурмаган жойи, қаратмаган табиби қолмади. Аммо сақлай олмади. Иккинчи фарзанди ёшига етмай Гулруҳ узилди. Ҳалиям бахтига аммаси – Гулсара хола бор экан. Болаларини оқ ювиб, оқ тарайди.

Нурқобилда ҳам дил бор, кўнгил бор, ахир. Айби – назари районнинг каттакон раҳбарларидан бирининг ўзидан анча ёш аёлига тушгани бўлса, буям бир қисмат-да. Қолаверса, айбнинг каттаси Ўташевнинг ўзида. Йўқса, ёши бир жойга бориб, ўғиллари эр етиб турганда хотин қўйиб, ёш қизга уйланишига бало борми? Яна беш болали хотинини хиёнатда айблашга уялмаганини қаранг. Эмишки, қандайдир тўйда бир кимса билан дон олишганмиш ва буни эрига, яъни Ўташевга қасддан қилганмиш. Хуллас, шунақа

олди-қочди уйдирмалар. Ҳар ҳолда Ўташев хотинини қўйиб, Маъсумага уйлангани рост. Бунгаям ўн-ўн беш йил бўлган. Лекин Ўташев Маъсумадан фарзанд кўрмади.

Нурқобилни Маъсума билан бир гал Чимёндами, Чортоқдами бирга кўришган экан. Оғзи ботир бекорхўжаларга бир баҳона топилмасин. Топилдими, балога қолганингиз шу. Хуллас, уларнинг “ишқий саргузаштлари” оғиздан оғизга кўчиб, икки тоғ орасига тарқалиб кетди.

Ҳолбуки, бу гаплар ғирт уйдирма бўлиши мумкин. Бир замонлар институтда бирга ўқишган бир эркак билан замонавий фаол аёл дўстона муносабат юритса, нега ундан дарров ҳирсий, ишқий маъно қидириш керак экан.

Сухроб охирги марта келганида Нурқобилга шу ҳақда гап очганди. Нурқобил қўл силтади: “Оғзига кучи етмаган кўп”.

Лекин бу гап Нурқобилга адовати бор кимсалар учун яхши қурол бўлишини у билармиди? Айниқса, Ўташевнинг укаси Бойқувват, Қилич кўса кабилар бундан фойдаланишга уринишлари турган гаплигини Нурқобил тушунармиди?

Тушунарди, шекилли. Ахир у “Бойқувват билан Кўсадан эҳтиёт бўлишим керак. Шулар тайин бир балони бошлайди” деганди-ку.

Қишлоқда мана беш-ўн йилки, бир тўда “ҳақиқатпарварлар” макон қурган. Қилич кўса ана шуларнинг пинҳоний бошлиғи. Сиртида ёмонлаб ҳам қўяди, “нима кераги бор экан шуларга, тинчгина юришса бўлмасмикан”, деб. Ичида эса шум ниятидан асло қайтмайди. Хуфя машваратлар ўтказиб, аризабозларга янги-янги “жанговар” топшириқлар беради. Мақсади битта – қандай қилиб бўлса ҳам хўжалик

директорлигини тортибо лиш. Илгари Суҳробнинг отаси Музроб Туробов директор бўлганида Нурқобил хўжаликда, Кўса бўлимда зоотехник эди. Амалдорлик чўққиси сари юришни ўша чоғлардан бошлаган. Нурқобил директор бўлгач, уни “тинчирмикан” деб бўлим бошқарувчилигига тайинлади. Лекин Кўса “раис бобо” бўлганидан кейин ҳам тинчимасди. “Лашкари”ни гиж-гижлаб яна тўрт томонга от қўйди. “Аризабознинг икки хили бўлар экан, деганди бир куни Ҳаким чўпон Суҳроб билан суҳбатда, – бир қавми бўрининг яхшисига ўхшайди, бўри табиатнинг санитарни, касалванд ўлимтикларни еб, табиатни тозалайди, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олади, яхши аризабоз турмушни нуқсонлардан поклайди: қишлоқ обод бўлсин, йўл қурилсин, сув келсин, газ ўтказилсин, дейди. Иккинчи тури қашқирга ўхшайди, гала бўлиб, шерларга йўлбарсларга ҳужум қилади, уларнинг ўлжасини тортиб олишга уринади. Музроб устоз ана шунақа қашқирлар билан олишиб чарчаб, охири амалини ташлаб кетди бечора. Энди Нурқобилбой чарчамасин ишқилиб.”

Суҳроб бу гапларнинг ҳаммасидан хабардор эди. Бир қисмини илгари отасидан, кейин Нурқобилдан, асосий гапларни эса ана шу шалдир-шулдир ошнаси – Ҳаким чўпондан эшитганди. Ҳаким довдир Қилич кўса ҳақида гапирар экан, ҳар галгидек содда, лекин ғоят ишонарли фалсафасини сўқди.

Одамлар учун ҳақиқат битта! Лекин Кўсанинг ҳақиқати иккита. Биринчиси ўша ҳамманинг ҳақиқати. Кўса унга қарши эмас. Майли, ҳақиқат қарор топса топаверсин. Лекин унинг иккинчи шахсий ҳақиқати бор. Бунисининг қарор топиши ҳаммасидан муҳим.

Суҳроб беихтиёр жилмайди. Ҳаким довдирни эслаганда жилмаймаслик мумкин эмас. Бу қувноқ одам

қишлоқнинг каттаю кичигини, ҳатто ўзиниям ҳажв қилиб юради. Унинг қиёфаси чўпондан кўра кўпроқ овчига ўхшаб кетарди. Гарчи, ўзининг айтишича, кўлига милтиқ ушлашни ёмон кўради, ҳатто ваҳший даррандани-да бежон қилишни истамайди. Кўнгли нозик, дидли одам экани кийиниши-ю юриш-туришидан англашилиб туради. Соч-соқоли қиртишланган, озода. Оқиш соғлом чехраси уни анча ёш кўрсатади. Кийимлари нимаси биландир кинолардаги ҳиндуларни эслатади. Эгнида жияклари қайириб тикилган жун астарли енгсиз чарм камзул. Галифе шим, ярақлаган сахтиён этик. Бўйнида мўъжазгина дурбини ҳам бор. От минади. Хуржунида китоб-дафтар. Қалин чарм муқовали “қалб дафтари”га теша тегмаган, антиқа гапларни, воқеаларни ёзади. Бор-йўғи бир чимдимгина саргузаштларини кўшиб-ча-тиб ҳикоя қилишни яхши кўради. Қишнинг совуқ кунларида эгнига узун оқ пўстин, бошига тулки терисидан тикилган тумоқ кияди. Отини Тўриқ, икки қора кўппагининг бирини Бахмал, бирини Барқут деб чақиради. Сухроб илгарилари тоғаси Мавлон полвонни қишлоқда яшайдиган ягона “файласуф” деб ҳисоблар эди. Лекин йиллар ўтгани сари мана бу кўримсиз, чекка-чуккада яшаб, ризқини териб юрадиган оддий бир чўпон, бироз дарвешнамороқ бўлган, соддадил Ҳаким довдир ҳам нақадар зукко эканига ишонч ҳосил қилиб, ҳайратга тушади. Ҳозир унинг матал ва ривоятлар тўпламини тайёрляпти. Ажойиб, халқона китоб бўлади.

Унинг ривоятларидан бири: қозоқ элидан бир бахши Эргаш шоир билан беллашмоқчи бўлиб келаётган экан. Йўлда учраган бир кампирни ҳажв қилмоқчи бўлиб шеър айтибди:

*Қор босибди манов товнинг басини,  
Айтинг эна меған унинг жасини.*

Кампир жавоб қайтарибди:

*Билай десанг бу товларнинг жасини  
Овзин очиб санаб кўргин тисини.*

Шунда қозоқ оқини: бу элнинг мункиллаган бир кампири шунча сўзамол бўлса, Эргаш шоири билан беллашиб овора бўлиб ўтирмайин, деб қайтиб кетган экан.

Кимни бу ерда жўн одам, оми, билимсиз кимса дейиш мумкин, кимни? Гаров бойлашиб, юз сих кабоб еган, кейин эрталабгача ҳовузнинг ичида ётган қишлоқ милиционери Қамарбойними? Вилоят ҳокимлигига даъво қилиб юрган Шоқувват Ўташевними? Бойқувватними? Қилич кўсаними? Ҳатто шулар ҳам ўз “ишлари”нинг пири бўлиб кетишган. Ким лақма бўлмаса, ким авом? Қишлоқ касалхонасининг жарроҳи Тошбўри Милтиқбоевми? Фалсафа номзодининг ўғли, олий маълумотли жарроҳ, Ҳаким акадек кишига куёвлик даъво қилиб юрган йигит-а? Соддароқ кўринса кўринибди-да. Йўғ-е, у софдил йигит. Йўқса, Ҳаким ака...

Суҳроб шу топда эсига Ҳаким ака билан бирга Милтиқбоев келганига ажабланди. Ҳаким ака-ку – тушунарли. Қишлоқнинг ҳаётини усиз тасаввур қилиш қийин. Лекин Милтиқбоев, нари борса, бир йилдан бери ишлаётган врач нима қилиб юрибди? Унинг отаси асли Охчобсой томондан. Самарқандда ўқиб, катта домла бўлиб кетган. Ватанпарварлик туйғуси жўш уриб кетган бўлса керак – ўғлини шу томонга ишга юборибди. Лекин... Лекин нега шу топда эсига тушди Тошбўри?

## 6.

Қишлоқ касалхонаси врачлари Тошбўри Милтиқбоевнинг навбатдаги дам олиш кунини одатдагидек рўзнома мутолаасидан бошланди. Узоқ ўқиди. Ҳозир газеталар қизиқарли. “Ошкоралик ва қайта қуриш” бошланганидан бери анча дадил ёзишяпти. Катта-катта амалдорларни танқид қилишади. Айниқса ўлиб кетганларининг гўрига тап тортмай ғишт қалашмоқда. Яқингинада: “атоқли арбоб, ҳаммамиз учун ҳурматли”, деб мадҳ этиб юришарди. Энди сурбетларча балчиққа булашмоқда. Тирикларини ҳам қуруқ қўйишмаётиру, ҳар нечук бироз аяшади. Тошбўри бунақа “стакан ичидаги” тўфонларга эмас, халқаро воқеаларга кўпроқ қизиқади. Шунинг учун бу гап ҳам “Оламда нима гап” рукни остидаги хабарларни мутолаа этди. Ҳижжалаб ўқиди.

Ер юзи аҳолиси олти миллиардга етди...

Бутун бир газетадан эсида қолган жумла шу бўлди. Қизиқ. Жуда тез кўпайиб кетяпмиз. Охири нима бўларкин?

Тошбўри Милтиқбоев ёшига унчалик ҳам мос келмайдиган даражада мулоҳазали, узоқни ўйлайдиган киши. Акс ҳолда институтни кечагина битириб келган йигитнинг дунё ташвишлари билан неча пуллик иши бор. Қорнингни қаерда тўйғазишни ўйласанг-чи, хумпар. Пайпоғингни ювиб берадиган битта одамга зорсан-у, яна ер юзи аҳолиси кўпайиб кетаётганидан ташвишга тушиб ўтирибсан-а!

Милтиқбоев ўзи ҳақида ана шунақа камтарона оҳангда фикр юритишни яхши кўради. Қанча камтарин бўлсанг, мавқеинг, мартабанг шунча ошармиш. Мартаба нима деган гап. Нима, одам дунёда фақат мартаба учун яшайдими? Ахир, инсонгарчилик мансабга қараб белгиланмайди-ку! Тўғри гап. Лекин

киши ҳаётда ўз ўрнини топиб олиши керак. Бу йўлда баъзида сал-пал арзимаган хатоликлар юз бериши мумкин. Муҳими, ана шу хатоларни тан ола билиш ва тузатишда.

Четдан назар солган одамга Тошбўрининг гаплари, мулоҳазалари телба-тескари бўлиб кўринади. Синчков киши эса дабдурустдан “файласуф-ку” дейиши мумкин. Ана шу гапда бир оз жон бор. Фалсафага мойиллик Тошбўрида отамерос бўлса-да, бирдан эмас, бирмунча кечроқ – мактабни битираётган пайтларда пайдо бўлганди. Шунинг учун аттестатни қўлга олиб қатъий қарор қилди.

– Философияга кираман!

Отаси унинг қароридан ажабланмади.

– Тўғри ўйлабсиз, ўғлим. Ҳозирги замон одами биринчи навбатда зўр файласуф бўлмоғи шарт. Аммо-лекин ўзимдан қиёс қилиб айтаманки, фақат фалсафа билан чекланиб, ўралашиб қолувчи кимса бахтли бўлмоғи қийин. Узоқни, узоқ келажакни ўйланг, ўғлим.

– Нима қилай бўлмаса, ота?

Тошбўри яхши тарбия кўрган, одобли йигит. Шу боисдан ҳам отасининг гапидан тўғри хулоса чиқарди. “Ўзимнинг билганим – билган, деганим – деган” деб туриб олмади.

– Шундай бир касбни танлангки, ўғлим, у кишилик жамияти, айниқса афкор омма учун ҳамиша ва ҳар вақт зарур ҳамда керакли бўлсин. Жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида ҳамма ва ҳар бир киши сизнинг мавжуд ва зарур эканингизни англасин...

– Ўқитувчи бўл демоқчимисиз?

– Гапимни охиригача эшитмадингиз ва шунинг учун тушунмадингиз, ўғлим. Ўқитувчилик ҳам, албатта, яхши касб. Аммо-лекин у бечорани ҳамма ҳам

хурмат қилавермайди. Ұн йил қон бўлиб ўқитган шогирди баъзан кўчада саломни насия қилиб ўтиб кетади. Ҳолбуки...

Отаси узоқ, лекин тушунарли ва ёқимли қилиб гапирди. Хулласи калом, дунёда шифокорлик деган улуғ ва хокисор бир ҳунар бор. Бу касбнинг улуғворлиги, муҳтарамлиги ҳақида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин...

– Ахир мен ўликдан қўрқаман–ку!

Отаси тасалли берди. Юпатди. Қизиқтирди.

– Келинг, ўғлим, ўйлашиб кўрайлик. Ахир, сиз фалсафага мойиллиги бор кишисиз. Ўлик нима ўзи? Жонсиз вужуд. Ундан қўрқиш керак эмас. Бу ҳақда домлаларингиз ҳали кўп гапиришади, тушунтиришади. Ўрганиб кетасиз, ўғлим. Инсон ўрганмайдиган, кўникмайдиган ҳолат бўлган эмас ва бўлиши мумкин ҳам эмас...

Тошбўри ўз феълидаги файласуфлик отасидан ўтганлигини ўшанда биринчи марта ҳис қилди. Ҳис қилди ва отасининг маслаҳатига кўнди.

Тошбўри институтни битиргач, тоғаси Шоқувват Ўташев (у туманнинг кўзга кўринган одамларидан) жиянини Чашмизирақ қишлоқ касалхонасига бош врач қилиб қўймоқчи бўлди. Лекин Тошбўри кўнмади. Нима керак бирдан бош врачлик. Бирон йил ишласин, тажриба орттирсин, кейин майли. Муҳими, амалий ишни чуқур ўрганиш керак. Кейин институтга қайтиб, илмий иш қилади. Ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинган...

Телефон жиринглади. Тавба, тоғу чўллар қўнидаги гадойтопмас қишлоғу, лекин телефондан қуруқ қолмаган. Яна автомат телефон. Номер териш керак. “Ду-ут, ду-у-ут” қилади. Шаҳарникидан кўра овози бўғиқроқ, йўғонроқ, дағалроқ.



Тошбўрибой иш бошлаган кезларда Чашмизиракка ҳали мобил телефон етиб келмаган, сирасини айтадиган бўлсак, пойтахти азимнинг ўзида ҳам эндигина урф бўлаётганди. Акс ҳолда бу эррайим йигит уни биринчилар қатори чўнтагига солиб юрган бўларди албатта. Баҳарнав кеча эшитдики, тегишли идораларнинг рухсати ила тоғ қишлоғининг касалхонасига сунъий йўлдош орқали ишловчи замонавий симсиз алоқа воситаси ўрнатса мумкин экан. Эртаданок шунинг ҳаракатига тушишни дилига тугди. Ҳозирча эса...

Тошбўри телефон трубкасига хушламайроқ қўл чўзди. Бугун якшанба бўлса. Касалхонага боришга сира хоҳиши йўқ. Бу қишлоқ деганида одамлар дам олиш куни деган гаплар билан ҳам ҳисоблашишмайди.

– Милтиқбоевман!

Қўнғироқ қилган киши навбатчи ҳамшира экан. Қизиқ аёл шу Гулсара хола. Ёши бир жойга борган, тажрибаси ҳам анча-мунча. Лекин доим шошиб, ҳовлиқиб юради. Ҳозир ҳам нафаси бўғзига тикилгудек бўлиб гапираяпти. Касалхонага оғир касал олиб келишганини бир амаллаб тушунтирди.

– Яхши, яхши! – деди Милтиқбоев энсаси қотиб. Бу унинг “ҳозир бораман” дегани эди. Аммо ҳамшира ҳовлиқма эмасми, тушунмай бақирди. “Нима яхши. Бу ерда одам ўляпти, ука, нимаси яхши бунинг?”

– Ҳозир етиб бораман деяпман, тушунмаган одам! – жаҳли чиқди Тошбўрининг. Дам олаётган кишини чақиришади-ю, яна муомала, илтимос ўрнига дўқ-пўписа. Қизиқ одамлар. Бордию, мен уйда бўлмасам, нима қилишарди. Айтайлик, айлангани чиқиб кетганимда. Бу худо урган қишлоқнинг айланадиган жойи ҳам йўқ. Чор тевараги яйдоқ қиру чўл. Тоғ даб-

дурустдан қарасанг, яқин кўринадия, мотоциклда бир соатлик йўл.

У рўзномани буклаб чўнтагига солди. Ишхонада ўқийди. Ташқарига чиқди. Ҳаво совуқ. Қиш тугаптию, сира ён бергиси йўқ.

Милтиқбоев чуқур хўрсинди-ю, касалхона томон шошилмай юриб кетди.

## 7.

Ҳаким довдир айни шу пайтда каравотда заифгина инграниб ётарди. У одам бўлиб, эсини таниганидан бери бирор марта “иҳ” демаган. Чўпон деган зотга касал бўлишни ким қўйибди? Яна юрак касалини. Қўйнинг қатиғи, эчкининг қаймоғи ўликни тирилтиради: тоғу тошдаги жамики шифобахш гиёҳнинг кучи шунда. Бунинг устига, ўзиям бир гапириб, ўн куладиган, юз кулдирадиган одамижон, суҳбати хандон. Қўй кетидан юрганидаям ёлғизликни сира писанд қилмайди. Ашулани ванг қўйиб, шеър ўқиб, терма айтиб, бутун яйловни бошига кўтариб, кайфини чоғ қилиб кетаверади.

Ана шу одам, ўша ҳаммага маълум ва маъқул Ҳаким довдир Чашмизирак касалхонасида юраги билинар-билинемас уриб, чалажон бўлиб ётибди. Э, дунё! Бу дард дегани кўзи кўр, қулоғи қар бир нарса бўларкан-да. Эса “муни нимасига ёпишаман, бу бир ўзи билан ўзи оввора, четда, дунёнинг ташвишию тала-тўпларидан холи оддий одамча бўлса, тинчгина даштда қўйини боқиб юрган бўлса” демайдими? Кечаю кундуз элим, халқим, деб югураётган бир сиёсий арбоб бўлгандаям майлийди. “Ҳа энди каттачиликнинг оқибати ё инфаркт ё инсультда”, дея бу ҳолга ажабланмаган, фақат ачиниб, худо шифосини берсин даҳрий бўлса ҳам, деб қўярдик. Гарчи...

Ҳозирги пайтларда сиёсий қарашлари ҳақидаги саволларга: “партиясизман, ўйлаб кўрсам, менинг эътиқодим сиёсий манфаатлар доирасидан анча баланд ва кенг экан”, дея ҳазиллашиб юрувчи довдир кўйчивонимиз ҳам бир пайтлар комфирқа аъзоси бўлган. Ўзини вужудга келтирган қонуну ақидаларни бузиб, худпараст бюрократлар партиясига айлангани учун ич-ичидан емирилиб бошлаган иштирокиюн инқироз олдидан худди ўладиган касал қазо арафасида тасаввури тиниқлашиб, қисқа фурсат ақли жойига келгани каби хатоларини англаб, уларни тузатишга киришган, яъни ўз сафларига порахўр амалдорларнинг мансабпараст меросхўрларинигина эмас, чинакам ҳалол, меҳнаткаш инсонларни қабул қилишга азму шижоат этган кунларда бизнинг Ҳаким оға ҳам баногоҳ бир кунда коммунист бўлиб қолган эди. Кейинроқ уни “Ватан” номли мўъжазгина транзистор орқали Ватан ёғийлари бўлмиш “Озодлик”, “Би Би Си”, “Америка овози” сингари радиостанциялар эшиттирувларини тинглайди”, деган айб билан роса обориб–опкелишганини эшитганмиз. Ўшандами ё сўнгроқми, ўчирилганми ё ўзи чиқиб кетганми, ишқилиб анча вақтлардан сўнг бояги юксак рутбау шарафдан Мосуво бўлганидан хабар топдик. Тафсилотларига қизиқмадикки, бу пайтларга келиб иштирокиюнчиликнинг у қадар катта аҳамияти бўлмай қолган, партиядан ғайри каслар ҳам одам қаторида ҳисоблана бошлаганди. Бироқ бошида, Ҳакимбой ака большевойлиги жонибидан Худога ишонмаслиги лозимлигини тушунарди. Бинобарин, ичида “Э, Худо!”, дердию овоз чиқарганда, “Ё, Тангри-табиат!” деб хитоб қиларди. Нима қилсин, шундай замонлар бўлдики, номоз ўқиш нари турсин, Худонинг номини тилга олиш жиноят ҳисобланди. Шунинг учун аксар

партиядошлар сингари дилида бир хил, тилида бош-қача гапиришга мажбур эди. Илло, бунинг учун уни айблашга ҳеч бир кас журъат этмасди. Фақат бир гал совхоз фирқаларининг котиби Усмон Шамсиев ботинқирамай илтимос қилди.

– Ҳаким ака, шу... Тангри сўзини ишлатмасликнинг иложи йўқми? Фақат “табиат” десангиз-чи, сизга барибир эмасми?

– Ўв, Усмон ака, лекин жуда қитиқ патимга тегдингиз-да. Ахир, мен айтаётган Тангри сўзининг арши аълодаги Парвардигор эгамга умуман алоқаси йўқ (ичида илоё ўзинг кечир, деб қўйди). Мен айтаётган Тангри – бу ҳаётни, инсонни яратган, аниқроғи маймунга ақл-идрок бағишлаб, онгли меҳнат қилишга ўргатган табиат. Табиатга сиғиниш, унга меҳр қўйиш менинг фирқачилик эътиқодимга тўсқинлик қилмайди, энди кўнглингиз жойига тушгандир. Нафсиламбирини айтсак, Ҳаким оғамиз барибир ҳам бир қадар соддалигига борармиди, Нурқобилдай энг яқин, дилтортар суҳбатдошлар билан муораза этганда: “Худонинг борлигини рад этишини ҳисобга олмаса, коммунистларнинг мафкураси анчайин адолатли экан, камбағалга қайишаркан-да ҳарқалай”, деб қўярди. Мавриди келганда қўшимча қиларди: “агар Худо бир, расули барҳақ”, деб турганда компартияга ўла-ўлгунча хизмат қилар эдим, Яратганнинг ўзи адаштирганми, ё синаганми, ишқилиб улар шу масалада хато қилишган экан-да...”

Шифохонада шифо истаб музтар ётган Ҳаким додири тушмагур ана шунақа одам эди. Ҳазиломуз бўлса-да, аслан жиддий ва мустақил фикрлар, таниқли шоирнинг машҳур сатрларини фаромуш этибми ё атайми, сал ўзгартириб: “Менинг бу дунёда ўз айтар додим ва ўзим танлаган эътиқодим бор”, дея хиргойи

қилиб юрарди. Ичида йиғласа ҳам ташига чиқармас, кулиб тураверарди. Ҳозир ҳам оғриқни енгиш, жилла курса, сал-пал эсидан чиқариш учун умрининг ҳаловатли, гаштли лаҳзаларини ўйлаб кетди. У жони қаттиқ, иродали, айтганини қилмаса қўймайдиган одам. Оғриқни чекинтирди. Хаёлида болалиги, ўйинқароқлик дамлари айланди.

## 8.

Дарвоқе, Ҳаким довдир нима учун довдир лақабига эга бўлиб қолди? Ҳакимлигининг боиси – отаси, Чашмизиракнинг биринчи ўқитувчиси Ўнғалбой Каримов Алпомишдек паҳлавон бўлармикан деган умидда исмини қўйган бўлса керак. Бечора ўқитувчининг ўзи ҳам бахшиликка, дostonчиликка жуда қизиқар, қанча достону термаларни ёзиб олганди. Аммо Ҳаким онасининг қорнидалигидаёқ шўрлик ота ўз дўстлари томонидан чақув бўлиб қамалди. Шушу дом-дараксиз кетди. Орадан йиллар ўтгач, Ҳаким довдир отасининг Бухорода ўқиганини, ғоят саводли, маданиятли одам бўлганлигини, тухмат туфайли ноҳақ айбланганини, Сибирда вафот этганини, эндиликда оқланганини билади. Унгача эҳ-ҳе, етимлик азоби, “халқ душманининг ўғли” деган тавқи лаънат остида эзилиш... Эҳтимол, Ҳаким шу жонибдан савдойроқ, “териси қалинроқ” бўлиб ўсгандир. Алам қиладигани шу эдики, Ҳакимбой Ҳакимбек эмас, Абдуҳаким – жуссаси бир бурда, калтабақай, дум-думалоқ бўлиб ўсди. Устига устак алмойи-жалмойи гапларни томдан тараша тушгандек тарақлатиб, довдир деган гоҳи ёқимли, гоҳи қулоққа тошдек уриладиган лақабни ҳам орттирди.

– Сен, ошна, ўзингни у ёқ-бу ёққа уриб юрма, – деди мактабни битираётганида унга ўқитувчиси. – Ойнаи

жаҳонда кулги кўрсатуви бор. Бир бало қилиб шунга илиниб ол. Нонинг бутун бўлади.

– Унинг учун театр мактабида ўқиш керак эмасми, муаллим, – деди Абдуҳаким ўзича ақлли гап гапираётганига ишончи комил бўлиб. – Ахир, кулгихонага ям дуч келган кишини олавермаса керак.

– Э-э-э, қизиқ экансан! Сенга институтда нима бор. Сенга билим нима керак. Анқайиб тураверсанг бўлди. Шунинг ўзи кулгили.

Абдуҳаким довдир бўлишига қарамай, жудаям нафсониятли, иззат-нафси нозик йигит эди. У нописандликни, кибру-ҳавони сира-сира ҳазм қила олмасди. Бундай кезларда унинг довдирона гапи шунчалик аччиқ бўлардики, бундай гапдан ана-мана деган илон пўст ташлаб юборарди.

– Тўғри айтасиз, ўқиш агар сиз ўқиб келган ўқиш бўлса, одамнинг бор ақлиниям еб қўяр экан. Ундай ўқишда афандининг эшаги ўқисин. Менга, ўзингиз айтганингиздек, кулгихона маъқул экан.

Ўқитувчи қизариб, бурни терлаб кетди.

– Сен қурғурда ўжарликданам бир қамчи бор-ку! Э, шумшаймай кет, касофат довдир. Сени кулгихонага эмас, ажойибхонага юбориш керак. Жониворларнинг тагини тозалаб юрасан. Тур, жўна, чиқиб кет! Сен билан валақлашиб ўтиришга вақтим йўқ. Шум етим!

Ўқитувчи довдирнинг тилидан яна бир томчи захар томишини ва ўзининг бурни-ю, яна бошқа жойлариям терлаб кетишини билгани учун бу балойи азимдан тезроқ қутулиш чорасини кўрганди. Ҳаким бўлса, кетар жафоси қилиб яна битта ташламоқчи бўлди-ю, лекин шайтонга ҳай берди.

Тақдирнинг ўзи Ҳакимнинг мушкулини осон қилди. Тирикчилик важдан у қишлоқ подасини боқди. Кейин совхоздан бир қўра қўй олди-ю, кимсасиз яй-

ловга чиқиб кетди. Даралар кўйнида у ҳеч кимни мас-хара қила олмас, кимсанинг кўнглини ранжитолмас, кўйларга ҳарчанд қалтис гапирма, ноўрин ҳазил қил-ма барибир эди. Онадан сўксанг ва ҳатто урсанг ҳам индашмайди. Кўй ўз номи билан кўй-да! Мўлтираб қараб тураверади. Лекин Ҳаким умри бино бўлиб, бир-орта кўйни уриш, сўкиш нари турсин, “сен”сираган эмас. Билъакс, ҳазилкашмасми, совлиқларга китоб-ларда ўқигани каби “хоним афандим”, кўчқорларга “Дагар Кўчқорович”, деб мурожаат этарди. Сурувнинг йўлбошчиси сариқ серкани эса кайфияти яхши пайт-лар “ўртоқ Раҳбар”, деб чақирар, нимагадир чалғиб, хатога йўл кўйиб жаҳлини чиқарса, “Эҳ сан коззёл, қанақа раҳбарсан, халқингни тўғри йўлга бошламай-санми, бу аҳволда ҳаммасини очдан ўлдирасан-ку”, дея койирди. Бу одатнинг бир жиҳати ҳазил бўлса, иккинчи тарафи Ҳакимнинг эврилишлар исканжа-сида ингранаётган замонага қаратилган жиддий ис-теҳзоси эди шекилли. Аҳён-аҳёнда қишлоққа тушиб, аҳолининг дўконларда мол-маҳсулот танқислашиб кетгани боис сичқонлар ҳасса суяниб юргани ҳақи-даги норози муноқашаларига кўшилмас, тўй-маъра-када қатнашадиган бўлса, аламини овқатдан оларди. Зеро оғиз банд бўлгач, ортиқча гапга ўрин йўқ, деб ўйларди. Хуллас, бир қарасанг, сўзамол, ҳеч кимга гал бермайдиган, гап келса отасини ҳам аямайдиган Ҳаким чечан, бир қарасанг, оғзига сув солиб сукутга чўмиб қоладиган Ҳаким соқов эди бизнинг қаҳра-мон. Довдир, деган тахаллусни олишига сабаб бўлган жиҳатларнинг бири ҳам шу эди шекилли.

Боя таржимаи ҳолида ўзи айтиб ўтганидек болали-гидан китобни кўп ўқиди. Аксариятини такрор-так-рор хатм этди ва зеҳни ўткирлиги боис деярли ёдлаб олди. Алпомишу Гўрўғли саргузаштларини кўзини

юмиб айтиб бериши, Навоийнинг ўнлаб ғазалларини ёддан ўқиши мумкин. Бундан ташқари у Оврупо романларини, фалсафа, сиёсий иқтисод тарихига оид рисоаларни ҳам хуш кўриб мутолаа қиларди.

Шу аснода у ўзини гоҳ қасоскор Граф Монте Кристо, гоҳ муҳаббат қурбони Жюльен Соррель, гоҳ жанговар Робин Гуд, гоҳ даштлар қироли Чингачгук, гоҳида шавкатли рицар Дон Кихот деб ҳис қилар, шиддатли хаёллар қанотида парвоз этар, аммо айланиб-айланиб яна севимли “Алпомиш”га қайтиб келарди.

*Ҳакимбекдир асли бизнинг отимиз,  
Ўзбек элдан бўлар насли зотимиз...*

деган мисраларни даштлар узра баралла янгра-тиб, қирчанғи саманини Бойчибор, Ғирот, Росинант сингари тасаввур этиб, севимли Барчини ҳақида ширин ўйлар, орзулар сурарди. Барчин бўлмиш қиз эса... Эҳ, айтишга тил бормайди, тил бормайди... Яхшиси, бу ҳақда кейинроқ, муфассалроқ тўхталамиз.

Шундай қилиб, Ҳаким довдир чўпон бўлиб қолди. Яйловда юра-юра анча босилди. Фақат соддалиги, довдирлиги қолмади-қолмади. Тўғри, ҳозир ҳам баъзан билиб-билмай қалтис ҳазил қилиб кўйиб, кейин ўзи пушаймон бўлиб юради. Қайси куни Қилич Заҳҳор шаҳарлик ошнасининг қопағон-итини атай машинага солиб бериб юборибди. “Ҳакимчага олиб бориб бер, мендан совға, ўзиям зўр кучук. Энди Ҳаким отарни кучукка топшириб, ўзи сайру саёҳат қилиб юраверса ҳам бўлади” дебди.

Ҳаким довдир эртасигами, индингами қишлоққа тушиб Қилич Заҳҳорни беш-олти кишининг даврасида учратиб қуюқ салом берди, миннатдорчилик билдирди.



– Раҳмат, ака, бир итлик қилдингиз! – деди.

Даврадагилар кулишди. Қилич Заҳҳор “яхшиликини билмаган нокас” деб сўқинди. Бечора довдир аслида “мендек кучукка ялчимай юрган одамни итли қилдингиз” демоқчи экан.

– Биласанми, ука, улуғ бир адиб айтган: адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга, қўй боқишга ва шунга ўхшаш иккинчи даражали ишларга сарфлаш керак эмас. Инчунин, иложини топсанг, чўпонликни ташлаб қассоблик қилгайсан. Қассоблик ҳар ҳолда ҳаётга ва адабиётга бирмунча яқинроқ. Ахир, танқидчи халқи ҳам гушт ейди. Айниқса суяксиз бўлса хуш кўриб, мақтаб-мақтаб ейди.

Бу гапни тузуккина таъби назм соҳиби, бироқ бор-йўқ ижоди “яримта” эвазига нуқул Қилич Заҳҳор сингари қишлоқ амалдорларини мадҳ этишдан иборат бўлгани учун Ярашбой исми Ҳақимга “Ялашбой” бўлиб эшитиладиган адабиёт ўқитувчиси айтди. Ҳақим ундан ранжимади.

– Муаллим, Сиз ҳам истеъдодингизни бу ерларда хор этмай, тезроқ шаҳарга борганингизда, бундай шеърларингиз билан баландроқ жойларни ялаб, аллақачон халқ шоири бўлиб кетардингиз.

– Менга ақл ўргатишга ҳали ёшлик қиласан укам, чин истеъдод учун вақт, жўғрофий кенгликлар чикора. Мен бошқа ўлчамдаги макон ва замонда мавжудман, – деди қишлоқ шоири ширакайфлиги туфайли истеҳзога эътибор қилмасдан. “Эсиз истеъдод”, деди ичида Ҳақим.

Ана шу беозор, аммо ҳамма безор Ҳақим довдир юрак хуружи билан касалхонада тиришиб ётибди, деса биров ишонадими? Ҳазилни қўйсанг-чи, Ҳақим довдирда юрак касал нима қилади, унда ғам бўлмаса,

қайғу бўлмаса, айтганинг бошқа Ҳакимдир, дейиши тайин.

Йўқ, бу худди ўша Ҳаким, Абдуҳаким чўпон, кейинроқ хорижий тиллар институтида ўқиб келиб, тупканинг тагидаги Чашмизирак қишлоғи болаларига француз тилини ўргатадиган гўзал ва камтарин муаллима Ойсифат Ҳакимовна ҳамда тили чиққанидан буён “катта бўлсанг ким бўласан?” деган саволга: “ҳоким бўламан”, деб жавоб қайтарувчи, бироқ охир-оқибат отасининг шогирди Сухроб Туробийга ўхшаган журналист бўлиб етишадиган Тўхтарбой исмли ўйинқароқ, лекин зийрак, анчайин жиддий болакайнинг падари бузруквори Ҳаким Ўнғалов, Ҳаким довдирнинг айнан ўзи эди. Ўшанда у ҳали анча ёш эди. Ёш эди, қувноқ ва шўх эди-ю, юраги қурғур хастароқ эди. Ҳарчанд ҳазилкаш эса-да, айрим нарсаларни ичига олар экан шекилли-да. Ҳа, айтмоқчи, “оддий чўпоннинг боласи нимага асосан ҳокимликка даъвогар бўлиб юрибди, ахир ҳокимларнинг келажакда ота изини босадиган ўз тойчалари, яъни ўз болалари бор-ку, дея таассуфланадиганларга Тўхтарбой ҳақида кейинги боблардан бирида сўйлайдиган алоҳида ҳикоямизни тинглашни маслаҳат берамиз. Ҳозирча эса диққатимизни беморимиздан чалғитмайлик Бечора шифтга тикилиб халоскори – шифокор Тошбўри Милтиқбоевни кутиб ётибди.

Одатда юрак хуружлари ҳақида гап кетганда, аниқ ташхис қўйиш ва тезроқ чора кўриш учун аввало, унинг келиб чиқиш сабаблари суриштирилади. Шифокорлар тилида буни “анамнез”, дейишаркан. Яъни шифокор савол беради, бемор жавоб қайтаради. Шу тариқа “касалликнинг муфассал тарихи” яратилади ва хаста аъзони кунт билан даволашга киришилади. Беморимиз айна нозик дақиқаларда Тошбўри дўх-

тирни кутиш асносида худди шу ҳақда ўйлар, хаёлига йиллар давомида йиғилган омиллар ичра энг сўнги иккитаси тинимсиз айланар, таажжубланарли ва та-ассуфланарлиси шунда эдики, бошқа киши бўлса бу икки сабабни ҳам “менга нима”, деган бир оғиз ин-кор ила ўзидан узоқлаштириб, чивин чаққанчалик ҳам озорланмасди. Лекин афсуски (балким шукрки, дейиш жоиздир), бизнинг бемор ундай қилолмайдиганлар тоифасидан эди. Майли, гапни чўзмасдан ҳозирча шу икки сабабни келтириб ўтамиз. Қолганларини эса ҳикоямиз давомида билиб оласиз. Шундай қилиб...

Уч кун аввал Ҳаким чўпоннинг тўнғич шогирди, ҳализамон ўрнимга қўйиб кетаман, деб юрган ёрдамчиси Очилбой чўлоқ кутилмаганда қамоққа олинди ва тўрт йилга кесилди. Суд маҳкамасидан қаттиқ афсусланиш, куйиниш асносида лабидаги алқовчи табассумни йиғолмай қайтаётган (ажабо, бунақа воқеадан ҳам афсусланишу куйиш, ҳам алқаб кулиш мумкинми, дея эътироз билдирмоқчи бўлсангиз, “берди”сини айтгунимизча шошмай туринг) Ҳакимбой кечки пайт қишлоқ дўкони ёнида яримта “барматуха”ни майдалаб, оғзида носи билан шишадошларига шеър ўқиб бераётган Яраш муаллимдан: “яқин кунларда директоримиз ҳам қамалади”, деган сассиқ башоратни эшитди-ю, юраги “зирқ” этди. Бу гапга энди мутлақо жилмайиш мумкин эмасди. Гарчи, Очилбойнинг қамалишига сабаб бўлган жиноят ҳам аслида куладиган эмасди-ю, бироқ эшитган одамнинг аксариятини маҳкумга нисбатан хайрихоҳлик баробарида беихтиёр жилмайишга мажбур этадиган ҳодиса эди.

Биз ўша воқеани сал кейинроқ унга бевосита гувоҳ бўлган Тўхтарбой тилидан ҳикоя қиламиз.

Ҳозир эса оғир аҳволдаги касални муштоқ этган табибу ҳозик қайларда юрибди, деган саволга тезроқ жавоб излаймиз ва шунинг баробарида унинг туғишган тоғаси бўлмиш бир мухтарам зот таъбири билан айтганда: “насли тоза, зодагон авлод вакили эканига қарамай қишлоқ касалхонасига келиб ишлашдан орланмаган йигит” Тошбўрибой билан Сизни яқиндан таништириш ва камига унинг айнан мана шу бемор – оддий чўпоннинг қизига ошиқу беқарорлигидан огоҳ этишга ҳаракат қиламиз.

## 9.

Милтиқбоев эса бу пайт уйдан беш-ўн қадам узоқлашганди, холос. Эҳтимол, у эшик ёнида Ойсифатни, ҳа-ҳа, Ҳаким довдирнинг яккаю ягона эрка қизи Ойсифат Ҳакимовнанинг шахсан ўзини учратмаганида, балки тезроқ касалхонага ошиққан бўлармиди. Лекин, не бахтки (Милтиқбоев учун) ва не афсуски (Ҳаким довдир учун) мактабдан дарсини тугаллаб уйига бораётган Ойсифат унинг йўлидан чиқиб қолди. Агар “ўлаётган касал” Ҳаким довдир эканлигини Тошбўри аниқ билганида, шубҳасиз, у касалхона томон ўқдай учган бўларди. Бечора Ойсифатнинг ҳам отасини яйловдан тўппа-тўғри касалхонага олиб келишганини билмаганини айтмайсизми?

Қисқаси, буларнинг ҳаммаси бечора Ҳаким довдирнинг шўрпешаналигимиз, тасодифми, мутаносиблик қонунларига асосланганми, ким билади, дейсиз. Аёни шуки, Ойсифатни кўргач, Милтиқбоев касалхонадаги “ўлаётган бемор”ни бир неча дақиқа унутди.

– Ойсифат, бир лаҳза вақтингизни олсам майлими? – деди Тошбўри. У гапни “Салом, Ойсифат!” ёки “Яхшимисиз, Ойсифат” деб бошлаш жўн ва сийқа эканлигини яхши биларди. Лекин Ойсифат француз-

ча гапирадиган замонавий қиз бўлса ҳам, жўнликдан кутула олмаган экан.

- Салом, яхшимисиз? – деди. Холбуки хўв қайси бир кинодаги сингари: “Бонжур бон ами!” яъни “Салом қадрдон дўстим” деганида жудаям гўзал чиқарди.

- Сиз билан кўришмаганимизга ҳам анча бўлди, Ойсифат, – деди Милтиқбоев ғамгин оҳангда. Афтидан, бу билан “Сизни соғинаман, тез-тез кўргим келади” демоқчи эди. Лекин Ойсифат унинг кўнглидаги фикрни тушунмади шекилли, гапини инкор қилди.

- Йўғ-е, уч кун олдин кинода кўришгандик-ку!

- Уч кун сизнингча оз фурсатми, Ойсифат? Атом асрида ҳар дақиқа, ҳар лаҳза бир умрга баробар эканлигини сиз яхши билишингиз керак.

Агар самовий кучлар, илоҳий мавжудотлар чиндан ҳам бор, деб фараз қилинса, улар ана шу сўзларни Тошбўрининг тилига атайин, унинг яъни, бечора Ойсифатнинг устидан кулиш учун шафқатсизлик билан солгандилар, дейиш мумкин. Чунки айна шу дақиқада шўрликкина Ҳаким довдир оғриқнинг зўридан кулала бўлиб ётарди.

Шошганда лаббай топилмас, деганларидек, Милтиқбоевнинг тили ўлгур ҳам ҳадеганда айлана қолмасди. Умуман қиз болани, сенга сал-пал ёқадиган қизни тўсатдан кўчада учратиб қолсанг, манаман деган киши ҳам чайналиб қолиши турган гап. Бу ўзимизнинг бошимиздан ҳам ўтган.

- Айтгандай, Ойсифат, латифагўй отангиз – отамнинг ошнаси Ҳаким амак эсон-омон юрибдиларми, – деди Тошбўри эсига муҳим гап тушгандек. Шахматчиларда “ўйин билмасанг, пиёда сур” деган гап бор. Шунга ўхшаш тажрибасиз ошиқларда ҳам гап билмасанг, ҳол-аҳвол сўра, ота-она, қариндош-уруғнинг саломатлигидан бошлаб, сигир-бузоқ, эчки-улоқ

сиҳатини, қозон-товоқнинг бутунлигию тўлалигини суриштир, деган маслаҳатомуз нақл юради.

Шўрлик Ойсифатгина-я! Отасининг аҳволини билса, ҳозир бошида ўтириб, дардига дармон бўлмасми-ди? Тақдири азал шунчалар чигалки, у бечора хотир-жам, кулиб жавоб қайтарди:

– Шукр, соғ-саломат юрибди.

– Хўп ажойиб киши-да, отангиз! Суҳбатини бир эшитган одам яна эшитсам дейди.

Ойсифат отасининг таърифидан ғурурланган киши бўлиб деди:

– Бизнинг ота шунақа!

– Бўлажак ҳоким укангиз Тўхтарбой нечук, раҳбарлик санъати синоатларини кунт билан эгалламоқдами?

– Ҳа, унга Европа тарихида ўчмас из қолдирган муаррих ва сиёсат арбоблари Макиавелли, Талейран, Мирабо асарларининг французча нашрларини ўқишни ўргатяпман, – деди Ойсифатхоним бўш келмасдан.

– Яқинда китоб дўконидан ўзимизнинг Шарқ мутафаккирларидан бири Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” деган асарини олдим, бераман ўшаниям ўқисин. Муҳтарам падари бузрукворингиз ҳам хатм этсалар, зарар қилмайди, у киши ҳам мутолаага берилган-ку. Тўғрими?

– Тўғри...

Бу ўринда, ие, бу Милтиқбоев тушмагур Ҳаким довдир оиласи билан шу қадар яқин таниш экан-да, деган ҳайратомуз саволнинг туғилиши табиий.

Ҳа-да! Таниш-да! Таниш бўлгандаям қандай таниш денг. У ёғи тоза қизиқ!

Қизиқликка-ку жудаям қизиқ. Лекин биров ўламан деса-ю, биров куламан деса. Буёғи қандай бўлади?

Ҳаким довдир дўхтирхонада чангак бўлиб ётган бир лаҳзада унинг кулгили ишлари ҳақида гапириб ўтириш одамгарчиликдан бўлмаса керак-ов! Инчунин биз ундай қилмаймиз, унинг ўзи боя оғриқни енгил учун кўкайдан ўтказган масрур кечинмалар тасвирини берамиз холос.

## 10.

Айни баҳор. Яйлов тўла қўй-қўзи. Майсанинг ҳиди кишини маст қилади. Қўзичалар дуркун бўлиб қолган. Қўзигул деган майса бўлади яйловда. Ана ўшани қўзичалар куртилладиб узиб-узиб ейди. Бир айланиб онасини эмади. Чўккалаб олиб онасининг эмчагини тумшукчаси билан нуқиб-нуқиб эмишларини айтинг. Онасининг ийиб туриши, қўзичасининг қуйруғини ялаши-чи!

Ҳаким довдир кигиз чакмонини тўшаб, ёнбошлаб ана шу манзарани кузатади. Кузатиб, “бу олам қанчалар гўзал, яшаш қанчалик завқли” деган шоирона фикрларга берилади. Шеър тузгиси, қўшиқ айтгиси келади. Юраги кўкрагига, ўзи шу кенг яйловларга сиғмайди.

Шундай гаштли кунларда отарнинг яйлов бўйлаб ёйилиб кетишига қараб уни минг турли кашф қилади. Гоҳ ой нурида ялтираб оқаётган тиниқ дарёга ўхшайди сурув. Офтоб чарақлаган лаҳзаларда сур қўзилар шувоқлар орасида чўлга қараб юмалаб кетаётган олтин қуймаларини эслатади. Қўйлар ёвшанни хуш кўриб ейди. Ҳаким чўпон ўз сурувини гоҳ ёйилиб, гоҳ чўзилиб оқаётган тиниқ, кумушранг дарёга ўхшатишни яхши кўради. Гўё ўзи ҳам шу дарёда қайларгадир оқиб кетмоқда. Эҳ, бир кеманг бўлса-ю, уфқларга қараб сузиб кетсанг...

Унинг ўтови Қўтирбулоқнинг этагида. Қўтирбулоқнинг суви шифобахшликда тенгсиз. Сиз Қўтирбулоқда бўлганмисиз? Зарурат юзасидан эмас, шунчаки томошага борганмисиз? Бормаган бўлсангиз, боринг. У Чашмизиракдан пастроқда, Хундорсой билан Шўрбулоқнинг ўрталигида. Ҳақим ака ўтовини Қўтирбулоқ яқинига тикканида “Нима бало, бу Ҳақимда қўтир борми? Ё исмига монанд қилиб Ҳақимликни ихтиёр этдими, қўтирларни даволаб пул йиғадими?” дегувчилар ҳам топилди. Бировлар бўлса, ҳе йўқ-бе йўқ: “Билинар-билинмас қашиниб юрарди-я, қурғур, темираткисини яширар экан-да” ҳам деди. Ҳақимбой парво қилмади. Парво қилмади-ю, лекин бепарво ҳам бўлолмади: туриб-туриб алами келди. “Бу баччағарлар, эрта-индин қўл бериб қўришмайдиган бўлиб қолишмасин, бунинг чорасини топиш керак”.

Ҳақимбой ака таваккалчи одам эмасми, эрта кўклам хўжалик раҳбари, ўзининг жондайгина укаси Нурқобил Бўтаевичга ҳасрат қилиб кирди:

– Отарни кўчирмасак бўлмайди, Нуржон.

– Ҳа, тинчликми? – кулиб сўради директор. – Қўтирбулоқнинг нимаси ёмон? Қайтага яхши эмасми, қўтир-пўтир бўлсангиз, ўша ернинг ўзида даволанаверасиз, узоққа бормай.

– Ҳа, энанг айналгир-а! Директорлигингни ўйла-масам, бир ўхшатиб сўкким келди, тилимни тийдим. Отанг раҳматлик шиптир кал эди. Лекин каллигини яширмасди, бировларга ўхшаб. Биласан, анови Бойқувватнинг отаси ёзнинг куниям телпак кийиб юрарди. Лекин отанг – менинг устозим, буёғи кўкламдан бошланг юрарди. Шундай экан, мен қўтир бўлсам, нимасини яшираман, ука. Лекин гапга чидамайман, отаримни кўчириб бер. Юқорида, Катта коризнинг бўйида раҳматлик Тенглаш аканинг қўтони бўшаб



ётибди. Ўшанинг у ер бу ерини тузатиб оламан, хўп десанг.

- Сувли дарагаям яқин,- деди Нурқобил.

- Ҳа, зўр боғлари бор.

Довдир бу боғларни болалигида бир-икки марта ичкарисидан кўрган. Тоғдан эшакда ўтин кесиб келаётган чоғларида эса узоқдан, аниқроғи баландда туриб кўп томоша қилган. Ўшанда бутун олам унга бепоён олмазору ёнғоқзорлардан иборат бўлиб туюлганди. Бу боғларнинг таърифига тил ожиз эди. Нафсиламбири, довдирни Сувлидара сари этагига кўчишга ундаган ҳис ҳам шу боғларга яқинроқ бўлиш таманноси эди.

Кориз бўйига ўрнашганидан кейин ёзда бир куни атайлаб икки қир ошиб ўша дарага тушди. Бамайлихотир сайр қиламан, деб ўйлади.

Анвойи ҳидлар. Капалакларнинг кўплигини айтинг. Минг хил капалак. Бир хилини маҳаллий аҳоли “гўбалак”, дер экан. Қиззиғ-а? Ниначи, асалари беҳисоб. Бир тараф ўрикзор, бир тараф олмазор, яккам-дуккам жийда ҳам бор. Ў-ў, унинг гуллаган пайтдаги таратадиган ҳиди-и... одамни тентак қилади, куйикка келган кўчқордай тўрт томонга чопасан, не қиларингни, ўзингни қайга урарингни билмасдан. Энг чеккада, даранинг энг ичкарисида ёнғоқзорлар. Пастда тиниқ Фангатсой оқиб ётибди. Табиатнинг ишлари қизиқ-да.

Тоғлар орасида, хилват дарада шундай боғлар бино қилган. Ҳаётбоши этакларининг катта қисми энди кўриқхона бўлди. Қоялардан сакровчи олқорлар, беҳишт қушлари – булбуллару каклик ва беданалар ҳам энди бироз жон сақлашар. Бўлмаса, Соибназар овчи битта кўймай ҳаммасини тутиб Жўшнинг бозорига тушириб пуллаб юборади.

Ширин хаёллар оғушида гаштли сайрни бошлаб улгурмаёқ ортидан чопар-кичик ёрдамчиси Очил чўлиқ мотоциклини тириллатиб, ҳаллослаб қувиб келди:

– Отаримизга ҳурматли ўртоқ Ўташев ташриф буюрдилар. Тез етиб бораёкансиз.

Очилбойнинг меҳмонга нисбатан “ўртоқ”, бунинг устига “ҳурматли”, деган сифату ҳислатларни қўшиб гапиришининг боиси – Ўташевлар иккита. Каттаси – Шоқувват оға, туманда нуфузли раҳбар, бундан ташқари бутун вилоятда устакорлиги билан ному обрў қозонган каслардан. Кичиги Бойқувватда эса бир грамм ҳам обрўй қолмаган, ҳаммасини ароққа қўшиб ичворган. Аммо... пиёниста бўлишига қарамасдан хўжаликнинг катта бир бўлимини бошқаради. “Султон суягини хўрламас”, деганлар ахир.

Сувлидара боғларини сайр этиш ва айниқса ов қилишни хуш кўрувчи катта Ўташев кейинги пайтлар шу тарафга жуда серқатнов бўлиб қолди. Бир ўзи келса ҳам майли, баъзида вилоят раҳбари Тўхтабоевни ҳам олиб келади.

Олқор гўштидан кабоб, паловга босилган каклику беданалар вилоят маъмуриятининг раҳбари Тўхтабоевга ҳам хуш ёққан шекилли. Аввалги директор Музроб Туробов бу боғларни мамлакат миқёсидаги дам олиш гўшасига айлантираман, деб кўп югурди, бўлмади. Маҳаллий катталар ўзлари учун ҳордиқу завқ маскани бўлмиш бу сўлим жойларни “қиз”лигича сақлаш мақсадида бу уринишларни чиппака чиқаришди. Энди янги директор Нурқобил югурипти. Натижа чиқиши қийин бўляпти, тўғаноқ кўп, дейди. Албатта кўп бўлади-да. Чунки одам оёғи кам етадиган бу ерларга туману вилоятдан казо-казолар ов овлагани, бошқа хил майшатлар қилгани келишади.

Ўрмону кўриқхона маишатхонами? Зап замонлар бўлди-да! Ҳатто “Қишлоқ изқувари” – Қамарбой миршаб ҳам шу ёқларга кўп келадиган бўлди, ўзича “жамоат тартиби бузилишининг олдини олишга жиддий киришди.” Холбуки унинг ҳам дарди қорин. Икки кило кўзи гўштини қовуртириб еб, икки килогинасини мошинасининг орқасига солиб кетса, дунёда ундан саодатманд одам йўқ. Ҳа нафс ўлсин-а!

Ҳакимбойнинг кўчиш ҳақидаги хархашасига директор кўнди. Кўнмай нимаям дерди. Ҳаким ака бир сўзли одам, айтганини қилмай кўймайди. Ундан ташқари Нурқобилнинг отаси – мархум Бўта чўпоннинг шогирди. Яна бунинг устига Ҳаким довдир бир пайтлар Нурқобилнинг аммаси Гулсарани яхши кўрган. Жонидан ҳам ортиқ севган. “Ойбарчиним” деб шеърлар битган, кўшиқлар айтган. Ажаб эмаски, ҳалиям севади. Севади-ю, энди севгисини яшириб яшайди. Шунга ўзини мажбур кўради. Чин муҳаббат – ушалмаган, бир умр армон бўлиб қоладиган муҳаббат, деб ўйлайди у. Севганингга етишганинг ҳамано севги ўлиб, турмуш бошланган бўларди, дея ишонтирмоқчи бўлади ўзини. Буям бир тасалли-да, орзусига етолмаган ғамгусор юрак учун. Лекин бир пайтлар қаттиқ севган... Эҳ-ҳе... Ҳа, майли. Ҳаким довдир муҳаббатининг қиссасини айтишга ҳали фурсат етар...

## 11.

Шу тахлит Ҳаким ака кўчишга тушди. Ҳашар қилиб Тенглаш чўлоқнинг кўтонини таъмирлади. Кориз ифлосланиб, суви камайган экан, кўзини тозалаб, сув йўллари очди. Ўтовниям ўхшатиб созлади. Кейин кўч-кўронини йиғиштирди-да, Кўтирбулоқни тарк этди. “Энағарлар, қани энди нима деб гап қилар экан”

дея хузур билан сўкиниб ҳам қўйди. Кейин ўзи-ўзига айтди: “Ҳа-а, Ҳакимбой, бировларнинг устидан кулиш яхши-и, ўзингнинг устингдан бир кулишга ҳам чидамай тупканинг тагига кўчиб кетдинг-а!”

Кўчиб келган куни бўлим бошлиғи Қилич Заҳҳоров билан директор келишди. Теварак-атрофни кўздан кечиришди. Яйлов уларгаям маъқул тушди. Қилич Заҳҳоров одатига кўра гапни режа- мажбуриятга бурди.

– Энди, яйловди зўри ўзлариники бўлди, Ҳаким ака. Бу ёғиниям шунга яраша ташкиллаштирсак. Мана, Нурқобил Бўтаевич ҳам маъқулласалар керак, бу йил мажбуриятни дурустроқ олинг.

Оламиз, оламиз,– деди довдираб Ҳаким ака, у Қилич кўса пайтдан фойдаланмоқчи бўлаётганини сезиб турарди.

– Юз саксондан туширасизми – деди гапни пухталамоқчи бўлиб Заҳҳоров. – Агар шунча қилсангиз, мукофотига битта “Нива” беришларига мен кафил. Нима дедингиз, Нурқобил Бўтаевич?

Директор индамади. У Ҳаким довдирнинг феълени яхши биларди. Довдир эсини танибдики, мажбурият масаласида ўжарлик қилиб келади. Одамлар ҳар юз қўйдан икки юз эллик қўзи олиб орден таққанида, у юздан сал ошириб “бори шу” деб турарди.

–“Нива”ни яхши мошин, дейишади. Тоғ-тошларга жа-а боп эмиш. Аммо... Мен сохта мажбурият олиб ўрганмаганман. Зўри беҳуда қилиниб, олинадиган орден-медалгаям ишқибозлигим йўқ. Чунки унақаларнинг ҳолини кўраяпмиз. Бизники ҳамишаги – юз ўттиз.

– Бу одамга, – деди бўлим бошқарувчиси директорга ўгирилиб, – битта яхши қорақўл тери жаҳон бозорида иккита катта-катта қўйдан қиммат тури-

шини юз йилдан бери айта-айта эсим кетди. Сира тушунмайди-ей. Одамнинг бунақа ўжарини биринчи кўришим.

– Ҳадеб пулни ўйлайверманг, оқсоқол (бу сўзни довдир жуда кам ишлатади. Лекин айти пайтда иягида биттаям туки йўқ Қилич кўсага нисбатан жудаям ишлатгиси келди). Қоринниям ўйланг. Ахир, баланд тоғда, хушҳаво боғда боқилган соғлом қўйнинг “экологик тоза” гўштини емасангиз, қоракўл теридан пўстин кийган жононларга қарашга ҳол қолармиди?

Қилич кўса бу истехзонинг тагидаги маъносидан хадиксираб директорга қаради. Довдир унинг қўшни дарадаги ўрмон хўжалиги тассарруфига кирмай қолган адирликдан ўлармонлик билан эгаллаб олган, маҳаллий шевага кўра жаннатмонанд “ҳаёт”и, яъни чўққи этагигача чўзилган каттакон дарахтзору яйловдан иборат чорбоғи, унда боқиладиган ва ҳар ой иккита-учтаси сўйилиб, “экологик тоза гўшт”, дея шаҳардаги катта амалдор ошналарига “ҳадя” тариқасида юбориладиган қўйларига шама қилаётганди. “Сен билан гап талашган мен ахмоқ” дегандек қўл силтади кўса.

Директор эса мийиғида маъноли кулди. Довдир қайқи таёғини елкасига қўйиб, узоқ-узоқларга қаради. Учовлари ҳам жим эдилар.

## 12.

Айти ўринда яна касалхонага қайтиб, бу жойнинг етакчи шифокори учун дунёдаги энг юқори мартабали бемор ҳисобланувчи (биз тарафларда ишқинг тушган қизнинг маҳалласидаги дайди итга ҳам “ака”, деб мурожаат этилади, бас шундай экан, бўлажак қайнота қай даражада иззатланишини ўзингиз тушунасиз, деб ўйлаймиз) қахрамонимизнинг аҳволи-

дан бирров хабар олиб қўймасак, одамгарчиликдан бўлмас. Келинг, шундай қилайлик-да, сўнг ҳикоямизни қолган жойидан давом эттирайлик.

Тошбўри дўхтир ишга келган дастлабки кунлариданоқ баланд мавқели тоғасининг ёрдамида Чашми-зирак қишлоқ касалхонасини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб, бу ерда анча-мунча мураккаб жарроҳлик амалиётлари, бошқа янгича муолажалар ўтказиш имконини юзага келтиришга ҳаракат қилмоқда эди. Ҳа-да, бу ёқда йигирма биринчи аср эшик қоқаетган бўлса, бизнинг қишлоқ шифохоналарининг шаҳарлардагидан нимаси кам. Нарёқда дасти узун амалдор тоға қўллаб турган бўлса. Манови Ойсифатга ўхшаган димоғи баланд “мадмазел” (фаранглар салти сувой қизларни шунақа, деб чақиришаркан)ларга бир ўзини кўрсатиб қўйсин. Хуллас, елди-югурди, анча ишга улгурди. Жарроҳлик хонаси шу саъй-ҳаракатнинг илк самараси.

Дўхтиримиз келмаёқ, икки ҳамшира, навбатчи врач ишга тушиб кетишганди. Тошбўри дарҳол кийимини алмаштириб, уларга ёрдамга шошилди. Бемор кимлигини аниқ билганидан сўнг эса, ҳеч бир муболағасиз, оёғи олтита, қўли еттита бўлиб кетди. Энг сархил дорилардан уч-тўрт хилини укол қилдириб, довдирнинг юрагини, деярли асл ҳолига қайтарди, томир уришини мўътадиллаштириб, босимини меъёрига туширди, “мана энди хавф чекинди”, деб беморнию ҳамшираларни тинчлантиргач, ўзи ҳам тинчланди. Кейин Ойсифатни чақиртирди. Бечора қиз саросимага тушган, кўзлари умид билан жовдирарди.

– Ташвишланманг, – деди Тошбўри. – Юраклари... бироз лат ебди. Анча мураккаб муолажалар талаб этилади. Бироқ бизда ҳамма шароит яратилган. Да-

волаймиз. Икки ҳафта, нари борса бир ойда оёққа туриб кетадилар.

– Хайрият, ишқилиб айтганингиз келсин, – деди Ойсифат. Очиғи, у Тошбўрига аввал менсимай, кейин масхаромуз қараб юрарди. Яқинроқ танишгач, у қанақадир ғалати, ўқимишли, дунёқараши кенг бўлишига қарамай, соддароқ, бунинг устига жуда таъсирчан, хушмуомала, тарбия кўрган йигит эканлигига қаноат ҳосил қилди. Энди Тошбўрини кўрса қизарадиган, ҳаяжонланиб, гапирса тутиладиган бўлди. Аммо у йигитга рўйхуш беришга, кўнглини очишга кўрқарди. Қалбида минг хил истиҳола, қанча шубҳа, қанча гумон бор эди.

Ҳозир Тошбўридан умидбахш сўз эшитди-ю, илк бор унга меҳр билан боқди. Тошбўри бу нигоҳни қанча вақтдан бери кутади, ўнгида, тушида интиқлик, интизорлик билан кутади. Мана, Ойсифатнинг тим қора кўзларида ёруғ бир учкун кўрди. Бу учкундан қалбидаги умид чироғи ярқ этиб ёнди. Тошбўри бу чироқни энди асло ўчирмайди. Танида жони, томирида қони бор экан, сира-сира ўчирмайди. Бу чироқ умрбод ёнсин.

– Ойсифат, она қизим, энангга тезроқ хабар бериб тинчит, яна...аллақачон аза очиб, кўк кийиб ўтирган бўлмасин, – деди Ҳаким чўпон шу ҳолида ҳам ҳазил қилишга имкон топиб. – Кейин Тўхтарбой укангни олиб кел, уни соғиндим.

– Во-ой, бугун эрталаб бирга чой ичгансиз-ку, нима бунча тез соғинасиз ўша эркатойингизни, – лабини бурди гўёки қизғонгандек Ойсифат.

– Билмасам, шу бугун жудаям тез ва қаттиқ соғиндим, – деди доводир ва қизининг: “Майли эртага эрта билан бирга келамиз”, деганини эшитмай, нуридийдаси Тўхтарбой ҳақида ўйлаб кетди. Энди ваъдамиз-

га биноан Тўхтаржон укамизнинг ҳикоясини сўзлай-  
миз.

Ҳақим чўпон билан Мусаллам хола Ойсифатдан сўнг анча йиллар фарзанд кўришмади. Хотинининг бормаган табибию азайимхони, Ҳақимбойнинг учрамаган дўхтири қолмади. Самарқандда ўқиб юрганида Мели оғо деган бениҳоя одамохун, дастурхони очиқ, асли Эрон Озарбайжониданми, Месхетия турклариданми, ҳозир аниқ эсида йўқ, бўлган-у, тақдир тақозоси ила бу ерларга келиб ўрнашган ва ўзбеклашиб кетган кишиникида ижарада турганида ўша одам бир ўғлию Фотма-Зухра қизларини чақалоқлар уйдан олиб катта қилганини эшитганди. “Худо ўзимизга фарзанд вермади, умид қилиб, туғруқхоная гетдик, ота-онаси олишни истамаян жўжуқлара талабгор ўлдук, иншоолло, мана, ўзимиз дуғмасак-да, оқ сут берган бир ўғул, икки қийзимиз вор”, деганди Мели ака. Ҳақим довдир шаҳарга бориб Милтиқбой ошнасидан маслаҳат ва ёрдам сўради.

– Бунинг югур-югури кўп, лекин амалласак бўлади, – деди у. Кейин чўпон биродарини савоб ишга қўл ургани учун алқади. – Баъзилар, “асли наслига тортади”, “етим бола асрасанг, оғзингни қон қилади...” деган мақолларни юзаки тушунишади. Мен сизга файласуф сифатида айтаманки, ҳаммаси тарбияга боғлиқ.

– Ўзимам, шундай деб ўйлайман, – деди Ҳақим чўпон ва секингина қўшимча қилди: – Ҳаммамизнинг асли наслимиз – Одам Атодан тарқалган.

Гўдаклар уйига бир ойча қатнаб, ниҳоят қоши-кўзи худди Мусалламникига ўхшаган бир ўғилчани қонунан расмийлаштириб, шу ернинг ўзида Тўхтарбой, дея номлаб, тўппа-тўғри яйловдаги қўрғонга олиб кетишди ва эртасига бешикка белашди. Худонинг



қудратини қаранг, ўша куни Мусаллам холанинг кўкрагига сут келганмиш. Тўхтарбойга нега шунақа исм қўйилган? Одатда эр-хотин элликка қадам қўйганига қарамай бирин-кетин тўхтовсиз туғилаётган болаларнинг сўнггиси бўлсин, деган умидда янги-сини шундай аташади. Ёки туғилибоқ нобуд бўлаётган фарзандлар доғида куйган ота-онанинг Худога қилган нолаю илтижоси ҳосиласи ўлароқ қўйилади бунақа от. Кўрдингизки, унисиям-бунисиям эмас. Асл сабаби шуки, Ҳакимбой оғамиз етимхонага йўл олишдан олдин кадрдони Музроб Туробов хузурига кирган ва “Ўғилчани опкелишга кетяпман, унга бир исм қўйиб берсангиз”, дея илтимос қилганида Туробов ўзининг устози, республика миқёсидаги таниқли раҳбар Тўхтар Ҳакимовичнинг исмини таклиф этган ва “исмию фамилияси ҳам, мартабаю руҳияси ҳам ўхшаш бўлсин” деган экан. Тўхтарбойимиз эсини танигач, ўз исмининг тарихидан хабар топади ва болалик максимализми таъсири ила: “мен ҳам худди ўша кишидай катта раҳбар бўламан”, дея аҳд этади.

Алқисса ўша Тўхтарбой ҳозир катта йигит бўлиб қолган. Болалигида ўйлаб ҳам ўтирмасдан айтадиган ҳалиги гапини энди бир қадар мулоҳаза билан, анчайин асослаб уқтирадиган бўлган:

– Халқ хўжалиги институтига ўқишга борсам, иқтисодчи бўлиб, туманимизга қайтсам-у, раҳбарлик лавозимларида ишласам, деган ниятим бор.

Ҳаким довдир бошда ундан:

– Болам, сен ҳам раҳбар бўлишинг шартми, ўзи шундоғам уларнинг кўплигидан оёқ босгани жой йўғ-у, – дея такрор-такрор ҳазиломуз сўрашни хуш кўрарди. Чунки ўғлининг берадиган жавоби завқини келтирарди.

– Чўпонларнинг боласидан ҳам чиқсин-да, ота, – дерди у катталарга хос салмоқ ва виқор билан.

– Иншооллоҳ, албатта чиқади, – дерди Ҳаким довдир. – Токи мана бу ердаги бир-иккитасининг ичи куйсин.

У кимларни назарда тутаётганини албатта, ўзи билади. Ҳозир қизига ўғлини кўргиси келаётганини айтган чоғида ҳам ўша фикрлар кўнглидан ўтган бўлса сираям ажабланмаймиз.

### 13.

Узоқ йили кузда довдир Қилич Заҳҳор билан яна бир марта қаттиқ суришди.

– Совлиқларнинг ярмисига СЖК қўйдираман (сунъий қочириш ҳақида гап боряпти) агар рухсат этсангиз, – деди довдир. – Нега энди? – деди ҳайрон бўлиб Қилич кўса. – Ҳамма дорини кўпроқ қўйинг, деб ялиниб, орқамиздан югуриб юрибди-ю. Ахир планни дўндириб, орден олиб, мажлиснинг тўрига чиқиб юрмайсизми, сизам мундай!

– Орден олиш-ку яхши, лекин совлиқларим нимжону нимкалла, дорини кўтаролмайди, ака! Ярмисига қўйдирсангиз ҳам планни бажарамиз. Дорининг биздан ортганини, майли, ишқивоз бўлганларга...

– Сиз олимларимизнинг кашфиётига, янги ютуқларимизга тўсқинлик қилмоқчимисиз? – деди Кўса яна баланддан келиб.

– Қилич ака, илтимос, мен қоғозларингизга қўл қўйиб бераман. Баҳорда ҳам жавоби ўзимнинг бўйнимда. Туя кўрдингми, йўқ! Бир акалик қилинг, ака!

Қилич Заҳҳор ўйланиб қолди. Ўша пайтда дорининг бозори жуда чаққон эди. Баъзи “уддабурон” чўпонлар юқоридан тақсимлаб бериладиган улушларига ҳам қаноат қилишмас, қаерлардандир фалон

пулга сотиб олиб келишарди. Сабаби бутун воҳада “икки юз-уч юзчилик ҳаракати” авж олган, рекордчи чўпонларга юксак унвонлар ваъда қилинарди. Хулласи калом, Ҳаким довдирнинг отаридан тежалган дорини тегишли одамлар орқали мўмайгина “сув қилиш” мумкин. Лекин Кўсанинг ўйланишига ҳам бир сабаб бор эдики, у довдир чиндан ҳам доридан воз кечаяптими ёки мени синамоқчи бўлаяптими, дея иккиланаётганди.

Йўқ, довдир кўсани синаётган эмасди. У бундан беш-олти йил илгариги бир воқеани шу топда яна кўз олдига келтириб турарди.

...Ўшанда, кузда унинг отарида ҳам кўйларга меъёридан анча ошириб дори юборилди.

– Ҳаким ака, сиз ҳам бир рекорд кўйинг! – деди ёш молдўхтир сунъий қочирини тамомлагандан кейин. – Герой бўлсангиз бизниям унутмасиз.

Довдир ҳам кўп қатори хом сут эмган эмасми, ўша гапдан кейин хаёл суриб кетди. Баҳор.. Кўзилар кўрага сиғмайди. Ўташевми, бошқами – қайсидир раҳбар унинг кўксига Қаҳрамонлик нишонини қадамоқда... “Ҳар юзидан уч юз! Офарин, яйлов шунқори! Тасанно, чўл баҳодири! Яшасин, тоғ бургути! Замонамиз қаҳрамонига шон-шарафлар бўлсин!..”

Қаҳратон қиш довдирнинг устидан қаҳ-қаҳ уриб кулди, ширин хаёлларини тизза бўйи қор остига кўмиб ташлади. Совлиқларнинг ярмига яқини ўпкасини совуққа олдириб қўйди. Ердан қор кетиб, моллар оғзи кўкатга етганда, бирин-кетин тўп-тўп тушиб ўлаверди. Шундаям довдир саросимага тушмади. Бақувват совлиқлар уч-тўрттадан кўзиласа, ўрни қопланиб кетади, ҳар ҳолда планни икки юз эллик эмас, юз эллик қилиб бажараман-ку, деб ўзига тасалли берди.

Аmmo у янглишганди. Кўзилатиш бошланган дастлабки кунларданоқ дарди-дунёси қоронғи бўлиб кетди. Совлиқларнинг аҳволига қараш даҳшат эди. Бу манзарага инсон дош бериши қийин. Кечагина қорни мешдай бўлиб, дадил ўтлаб юрган кўй тўлғоғи тута бошлагандан кейин шундай ночор, шундай аянчли аҳволга тушардики, довдир бечора унга қўшилиб кучанар, юм-юм йиғларди. Биринчи кўзиси сал-пал кўзига ўхшар, оёғида туrolмаса ҳам жони, сумбати бор эди. Бечора она оғриқ азобини енгиб, боласини ялаб-юлқай бошлади. Кейин иккинчи кўзи туғилди. Йўқ, бу кўзи эмас, мушукми, итми, билиб бўлмасди. Эҳ, она, она кўй! Она кўй вужудидан ажралган шу чала ўлик, мушуксимон мавжудотни ҳам меҳр билан ялашга тушди. Кейин учинчиси... Энди она кўйнинг ялаш тугул, бурилишга ҳоли қолмади... Кейин тўрттинчиси... Бешинчи “кўзи” – қорамтир гўшт ва жун парчаси ерга тушди-ю, бечора она кўй таппа тушиб жон берди – унинг бели чўрт узилиб кетганди.

Икки-уч кун давомида кўра атрофи ўлимтикка тўлиб кетди. Кўзғунлар шодон чарх уришар, яйлов узра чидаб бўлмас бир ҳид тараларди...

Довдир кўзилатиш ҳисоб-китобидан камомад билан чиқди. Мукофотга олган кўйлари ҳам, машина олиш илинжида йиғиб юрган тўрт-беш минг сўм пули ҳам, қизининг сепига аталган зеби зийнатлар ҳам етмади. Қарз кўтарди. Ишқилиб, бир амаллаб қутулди. Чўпонликни кўйишга қатъий аҳд қилиб, директорнинг олдига ариза кўтариб кирди.

– Ҳа, Ҳакимбой, бўлмадими? – деди Музроб Туробов ачиниш оҳангида.

– Бой деманг-э, ака, бой бўлмай кетай, мен ахмоқ. Худо урмаса, бошқа касб қуриб кетгандек чўпонликка ҳавас қиламанми?

Директор уни қайтариб ташлади:

- Кўзингнинг ёшини арт-э, йигит! Шу ҳолинг билан Ҳаким деган номни кўтариб юрибсанми? Ҳаким дегани Алпомишнинг исми, буни эсингдан чиқарма! Бир марта омади қайтган одам тирақайлаб қочиши керакми? Отангнинг арвоҳини чирқиллатмоқчимисан? Бу даштда сенга тўғри келадиган нима касб бор?

- Ўқитувчи бўламан, дегандим. Ҳар қалай олий маълумотим бор. Ота касб...

- Яша, энди калланг ишлабди. Қирқ бешга кирганинга ўқитувчиликни бошлайсан. Хўп, майли, ўқитувчи бўлдинг дейлик, ўқувчиларингга нимани ўргатасан? Қандай қилиб чўпонликни танлаганинг, қандай қилиб ташлаб қочганинг, хонавайрон бўлганинг ҳақида дoston айтиб берасанми? Кулги бўлиб юраверасанми? Менинг маслаҳатим шу: бир ишни бошладингми - ютқазган, омадинг қайтган пайтда кетма, дўндириб, ошиғинг олчи бўлган пайтда кет. Ана шу мардлик бўлади!

Довдир ҳеч нарса деёлмай чиқди. Музроб оғанинг гапини икки қилиш мумкин эмасди. У киши башоратчи, валий бир одам эди. Айтгани келди: Ҳаким чўпон жазоларга мардонавор чидаб, қарзларни тўлаб, аста-секин яна оёққа туриб олди. Лекин... Такдир тақозосини қарангки, ўша суҳбатдан бир неча йил ўтгач, Туробовнинг ўзи кутилмаганда ариза бериб ишдан бўшади. Жойига ҳозирги директор - Нурқобил Бўтаевни тавсия этди. Ҳар тугул унинг тайинланишига эришди. Акс ҳолда хўжалик хомталаш бўлиб кетарди. Довдир Туробовнинг сўзи билан иши бир эканлигига ўшанда яна бир карра ишонч ҳосил қилди. Ўша пайтда директор устидан имзосиз хатлар кўп ёзила бошлаган - тўғрироғи, Ўташев паноҳидаги бир гуруҳ кишилар "директорлик курси"сига ҳужум бош-

лашганди. Хатларнинг биронтаси тасдиқланмади. Лекин Туробов кетишга қарор қилди. Довдирнинг фикрича, у айнан Нурқобилни қўллаш, етим ўсган, суянчиғи йўқ, лекин чинакам ишчан, ғайратли йигитни ўстириш, қолаверса, хўжаликни ҳақиқий муносиб раҳбар қўлига топшириш учун кетганди. Аммо бечора билмасдики, уни аяшмаган ўташевчилар Нурқобилни ишлагани қўйишармиди?

Раҳматлик Музроб оға ишдан кетиш олдидан атай Довдирнинг отарига келди. Ярим кечагача суҳбатлашиб ўтирди.

– Чўпоннинг тирикчилиги ғалвир билан сув ташишга ўхшайди, – деди у ўйга ботиб. – Берсанг ҳам кетади, қиссанг, мумсиклик қилсанг ҳам кетаверади. Шунинг учун сен топганингни улашининг яхши фазилат. Чўпоннинг баракаси шунда.

Улар довдирнинг дид билан жиҳозланган кичкинагина меҳмонхонасида ўтиришарди. Директор мўъжазгина жавон ёнига келиб, ундаги китобларни қизиқиб кўздан кечирди.

– Ёмон эмас, ўз касбингнинг баланд-пастини ҳам яхши биласан, ўқийсан, – деди у “Қоракўл қўйларни уруғлантириш” номли китобни варақлар экан. Аммо бир нарсага тушунмайман. Нега қишлоқ хўжалик институтига кирмадинг? Мутахассис раҳбар бўлардинг. Сенга ўхшаган раҳбар, мутахассис бўлса эди, эҳ! Айнан адабиётга ўқиш шартмиди?

Довдир уф тортиб қўйди.

– Ўзим ҳам билмайман, ака. Буям бир телбалик-да. Лекин қоракўлчиликка ҳам жуда қизиқаман.

– Тўғри қиласан. Мен нотўғри гапирдим. Чўпонлик ҳам асли шоирликка ўхшайди. Икковиям хузур-ҳаловатдан кечган, ёлғизликка маҳкум одамлар. Лекин... Хузури ҳам зўр. Таърифига сўз етмайди. Буни

сён мендан яхшироқ биласан. Бўлмаса, ҳалиги сафар шаштингдан қайтмасдинг. Таёқни ташлаб, ўзингни бошқа бирон касбга уриб кетардинг.

– Ҳа, энди... – деди кулимсираб довдир.

Довдир шу-шу отарга дори йўлатмади. “Туноҳи менинг бўйнимга” дейди-ю, “юз фоиз дориланди” деган қоғозга кўзини чирт юмиб, имзо чекиб юборади. Бошқа иложи йўқ. Баҳорда рўйхатнинг ўртасида илиниб тураверади. Бир гал Нурқобилга ёлғондакам от қўйди.

– Дорининг эскиргани, сифати пастини бизга юборар экансизлар-да! Бир грамм таъсир қилмади. Бу қанақа гап? Ё юқорига арз этайми? – дея сохта пўписа ҳам қилди.

Нурқобил ҳам гўёки ишонди. Унинг ўзи ҳам дорилашни хуш кўрмас, аммо юқоридагиларнинг тазйиқи, “ҳурматли одамлар”нинг “илмий асосланган, тажрибада исботланган” тавсияларига қарши бирон нарса дея олмасди. Ундан ташқари... яширишга не ҳожат: Нурқобил ҳам бошқа кўпчилик ёшлар сингари ўсишни, парвоз этишни, ғалаба қозонишни хуш кўрарди. Эҳ, Нурқобил-а! Эҳ, укагинам-а!..

Алқисса, Қилич кўса барибир кўнди. Довдир қоғозга жимжимадор қилиб қўл қўйди-ю, улар билан шодон хайрлашди. Кўрғонга қайтиб кирганида Эшпўлат ҳазил қилди:

– Оға, ўзингиз қўшиб ёзишга қаршиман, дейсиз-у, яна қўшиб ёзасиз-а!

Довдирнинг шогирдлари ҳам ўзидек дангалчи эди. Шунинг учун у Эшпўлатнинг гапидан аччиқланмади.

– Бу бизники тесқари қўшиб ёзиш, яъни қўшиб ёзмаслик бўлади, билдингизми, полвон?

– Билдим, оға!

– Ҳа, яшанг!..

Тошбўрининг умидбахш ташхисидан сўнг Ҳаким довдир яна ўзини унутиб, Нурқобил иниси ҳақида ўйлай бошлади: “бу талатўплардан омон чиқа олармикан, ишқилиб, ота-боболарининг руҳи мададкор бўлсин-да, болапақирнинг оғзи ошга етганда боши тошга тегиб қолмаса гўргайди, парвардигор кўп синовлар юборди унга, чиниқсин, имони мустаҳкам бўлсин, деган-да, аммо-лекин болалигидан пишиқ ўсган, худо ҳоҳласа, бу гал ҳам юзи ёруғ бўлар...”

Дарҳақиқат, довдир оғамиз Нурқобилни мана бундайлигидан яхши билар ва бунинг юқорида биз санаб ўтган анча-мунча сабаблари бор эди.

#### 14.

Бир-бирларига астойдил ва самимий меҳр қўйган кишилар нечоғлик узоқда бўлмасинлар, бир пайтда бир нарса ҳақида ўйлайдилар, бунинг илмий асосланган самовий сабаблари бор, дейишади. Ажаб эмас. Айни лаҳзаларда чуқур тушкунлик исканжасида тўлғанаётган Нурқобилнинг ўзи ҳам шу қисқа умри давомида бошдан ўтказган қийинчиликлари, озми-кўпми, эришган марралари, кўргану қилган яхшиликлари, учратган беғараз одамлари ҳақида хаёл сурар, хотира дафтаридаги имкон қадар ёруғ саҳифаларни варақлашга уринарди.

...Бувиси уни тонг қоронғусида уйғотди. Болакай ҳар куни у киши сигирларни соғиб, хурмадаги кеча ивителиган қатикни эса қувига бўшатиб, пиша бошлаганда уйғонарди ва молларни подага қўшарди. Кейин қайтиб келиб, қувидан ажратиб қўйилган муздай серқаймоқ қатикқа нон тўғраб нонушта қиларди.

Бу гал катта эна қўярда-қўймай ўзи билан баравар турғазди:



– Тур, тойлоғим, турақол! Йилбоши кунда одам куёшдан олдин уйғониши керак. Бўлмаса фаришталаринг учиб кетади.

Болакай кампирнинг ортидан аввал қўтонга, кейин зинхонага кирди.

– Хўш! Хўш, жонивор!

Буви саркашлик қилаётган сигири – Сарагулни (унга бу номни боланинг Гулсара аммаси қўйган) койийди.

– Ая, аммам қани? – Болакай катта энани туққан онаси ўрнида кўриб, шундай чақирарди.

– Аммангнинг оти ўчсин! Дугонаси Руқияларникига тўйдан олдин томошага кетди.

– Нега, ая? Қанақа тўй?

– Сумалак, болам, сумалак пишади бугун уларникида. Шуниси эшитиб кечаёқ жўнаганди.

– Ая, бизларам борамизми?

– Борамиз, Нуржон, борамиз. Сумалакди бошида ўзим турмасам, у нетиб сумалак бўлсин! Сен чаққон молларди ҳайда.

Нонуштадан кейин буви ўчоққа ўт ёқиб, гўжа пиширди. Бир косадан ичиб олишди. Қолганини чуқур товоққа солиб, подаётоққа жўнашди.

Подаётоқ – саратонда туш пайтларида молларни яйловдан ҳайдаб келиб, суғоргач, дам бериш учун ётқизиладиган чимзор, сайхонлик.

Подаётоққа келишганида вақт тушга яқинлашганди. Тумонот одам. Чимзорга рангин гиламлар солинган, уларнинг устларида бахмалу шойи кўрпачалар. Дастурхонда болакай билган ва билмаган минг хил егулик.

Қишлоқдаги энг сергап чоллардан бири – Нурназар жувозкаш қўлини оғзига карнай қилиб қичқиряпти:

– Э-хе-хе-хе-хе-хей! Йилбошига-а-а!

Тўрт тарафдан тўда-тўда одам келяпти. Дастурхонлардаги нонлар, қанд-курс, мева-чева, ош-овқат тез тез янгиланаяпти. Гурунг, кулги, қаҳ-қаҳа авжида. Болакай оғзини тангқайтариб, гапларга қулоқ солади.

Бир пайт зиёфат тугаб, чўпон сайлаш, подачи сайлаш бошланди. Қишлоқ подасини боқадиган Салим бужур, қўй-эчкилар чўпони Низом чўлоқ тўрда. Биров Низом чўлоқ яхши, инсофли, Салим бужур шум, баттол, шундан қутулиш керак, деб маъқуллашади.

Низом чўлоқ бошини қуйи солиб:

– Эл нима деса шу-да, акалар, ёмон бўлсак, яхшини қўйинглар, – деди.

Аммо Салим бужурнинг сира бўш келгиси йўқ:

– Чашмизирақнинг подасини боқишни Салимга чиқарган, – деди у гердайиб. – Бошқа одам боқолмайди. Боқсаям биринчи қаталоққача боқиб, кейин ташлаб қочиб кетади.

Чиндан ҳам қишлоқ сигирлари ёзда қаталоқ бўлиб, унча-мунча чўпон эплотмайди. Подадан қочиб келган моллар бировнинг полизигами, боғигами кириб калтак ейди ёки совхознинг ғалласига тушиб, эгасининг бошига бало орттиради. Шунинг учун Салим чўпоннинг айтгани айтган, дегани деган. “Оши ҳалол” навбати ҳар уйга бир ҳафтада икки марта тушади. Бирор киши “Ҳой, инсоф қил, ўтган куни келувдинг-ку” дея олмайди. Бир гал болакайнинг бувиси сал хушламаган эди, эртасига Сарагулни подадан ажратиб кетди.

– Ҳайда, – деди ўшқириб Салим бужур болакайга, – энангга боқтир. Ахмоғинг йўқ.

Бола уйга йиғлаб келди. Бувиси эртасига “ўларман билан мураса қилмасанг бўлмас” деб қўлига иккита чўзма берди.

– Ма, олиб бор, чироғим. Есин, отинг ўчгур бужур. Хуллас, Низом чўлоқ ҳам, Салим бужур ҳам жой-жойида қоладиган бўлди. Лекин Салим бужурнинг қолганидан ҳеч ким хурсанд эмасди.

– Энди, Салим ука, сенам ақлли бўл. Ёш бола эмасан! – деди Нурназар чол. – Қитмирлигингни ташла.

– Ҳе-ҳе! Ҳамма ақлли бўлса, подани ким боқади, бобой! – деди Салим бужур. – Сиз менга насиҳат қилгунча, ўзингизни билинг. Мойингиздан тезакнинг ҳиди келади.

Бу гап жувозкашга алам қилди.

– Сенинг димоғинг тезакдан бошқа нарсанинг ҳидини билмайдиган бўп қолган ука. Сен мойнинг фарқига борармидинг!

Ҳамма гуриллаб кулади. Салим бужур мулзам бўлганини сездирмасликка тиришади.

– Сассиқ бўлсаям... кунингизга Салим ярайди, кайвони. Иззати нафсимга тегманг. Офтобда куйиб, тери сасиб, чириб юришга Салим чидайди. Э, бор деб ташлаб кетаман, бутун қишлоқди моли эгасиз қолади... Ялиниб келасиз олдимга.

– Келмайди. Сизсиз ҳам қишлоқди куни ўтади.

Ҳамма овоз эгасини қидириб аланглади. Бу болакайнинг ёнида турган Абдуҳақимнинг овози эди. Абдуҳақимни ҳамма Ҳақим довдир дейди. У ҳам етим. Ҳақим довдир болакайга қўшни. Онаси билан туради. Бултур мактабни битирди. Ўқишга бориб йиқилиб келди. Лекин сир бой бермайди.

– Армияга кетаман. Ўқишдан атайлаб йиқилдим, – дейди.

Лекин болакай унинг нега йиқилганини билади. Ўзидан эшитган. Тўғрироғи, аммасига айтаётганида эшитиб қолган. Ҳақим амма таппи ёпаётган, ё қий супураётган пайтларда девор ёнига келиб гап қўшади.

Шеър ўқийди. Уҳ тортади. Амма бўлса доим қовоғини солиб жеркийди. Писанд қилмайди.

Ҳаким ёлғизқўллик қипти. Суяйдигани, ёрдам қиладигани бўлмапти. Амма уни уришди. “Сизга ёрдам нима керак, зўр бўлсангиз, ёрдамсиз киринг-да” деди. Лекин довдир кетгач, раҳми келди. Болакай буни уҳ тортганидан, маъюс бўлиб қолганидан сезди. Қизиқ. Аммаси нега шундай қилади-я? Олдида жеркигани жеркиган. Кейин эса ўзи хафа бўлади...

– Мана мен... агар эл кўнса... боқаман!..

Ҳамма жим. Биров бир нарса демайди. Ниҳоят, яна Нурназар чолнинг товуши чиқди:

– Ўлма-э, отасини ули! Кунинг кўп бўсин. Бўмасанг ҳам бўгандай хурсанд қилдинг.

– Йўқ, бова, мен шунчаки айтганим йўқ. Қарорим қатъий. Кузда армияга кетсам, кузгача, бўлмаса келгуси йил ёзгача боққаним бўсин. Кейинам... омон бўлсак кўрармиз.

Ҳамма хурсанд, фақат Салим бужурнинг дами ичига тушиб кетганди. У ўзини бепарво қилиб кўрсатмоқчи, илжаймоқчи бўларди-ю, уддасидан чиқмасди. Кейин у кўлини силтаб, даврадан чиқиб кетди. Одамлар аста-секин тарқала бошладилар.

Бувиси билан сумалак пишаётган ҳовлига жўнашди. Бу ҳовли қишлоқнинг қушночи Бўригул кампирники. Орқаси теп-текис майсазор.

Ҳовли гавжум. Биров келида буғдой туйяпти. Яна биров ўчоқ қураяпти. Ким қозон ювган, ким ўтин ташиган. Майсазор тўла бола.

Аммаси туйилаётган буғдойнинг шарбатини чуқур тоғорага бўшатаётган экан. Болакай ундан дарров суюнчи олди.

– Амма, Ҳаким акам подачиликка сайланди.

Аммаси бир қизарди, бир бўзарди, нафаси ичига тушди.

– Вой, нега сайланади? Калласини еганми? Ўқиши-чи?

– Салим бужурга ўчакишиб бўлди. Бужур “Ҳамманг барибир менга ялинасан” деганди, Ҳаким акамни ғурури келиб орқаси тутди. “Мен бўламан, армияга кетиб қомасам келгуси йилиям, янаги йилиям боқаман” деди.

Аммаси қўлидаги тоғорани тарақлатиб ерга ташлаб, ўчоқ томонга кетди.

Бир оздан кейин ёмғир шивалай бошлади. Кимникандир олача палос олиб келиб, қозоннинг устини ёпишга улгуришмай тинди. Атрофга туйилган буғдой, тупроқ, майса, буралиб-буралиб қишлоқ узра сузиб кетаётган кўкиш тутуннинг аралаш ачқимтил, лекин ёқимли ҳиди таралди.

Қозон қайнай бошлагандан кейин хотин-халаж иккига бўлинди. Бир гуруҳи навбат билан ўт ёқади, яна бир гуруҳи қозон бошида пойлоқчилик қилади. Аммаси болакайни сойга, майда қайроқча териб келгани олиб тушди. Бир сават қайроқ теришди. Кейин уни тозалаб ювишди. Қозонга солишди.

Ўйнагани кетмоқчи бўлиб турувдики, бир четда аммаси билан Ҳаким акаси гаплашиб турганига кўзи тушди. Яқинроқ бориб қулоқ сола бошлади.

– Қандайчиқи одамсиз? Ориятингиз борми? Подачи. Тавба. Одамди кулгиси келади.

Ҳаким хўрсинди. Унинг бояги ўктамлигидан асар ҳам қолмаганди.

– Унақа деманг, Гулсара... Подачи ҳам одам.

– Э, қўйинг-а! Гапирманг энди менга. Мен сизди ўқишга кирасиз, кейин... бирга ўқиймиз деб юрсам... Шоир бўлармиш бу одам...

- Гулсара, тушунсангиз-чи. Ахир мен бутунлай ўқимайман деётганим йўқ-ку. Сизам... хоҳласангиз фермага ишга кининг. Кейин бир иложини қилиб сиртдан ўқийверамиз.

- Ўзингиз-чи, ўзингиз? Чўпон бўлмоқчи экансиз, совхоздан отар олсангиз бўлмасмиди? Қишлоқди подачилигига қолдимиз кунингиз. Орият бўлиши керак одамда. Хўпми?

- Энди мен гапирай, сиз хўп денг. Худди шу орият учун олдим подачиликни. Қачонгача Салим бужурнинг сўқинишини эшитиб юрамиз. Ўзимни нияти-мам аслида совхоздан отар олиш эди. Ҳа, бир ҳисоби бўлар-да.

Индамай қолишди. Болакай боя аммам энди Ҳа-ким акам билан гаплашмай қўяди, деб қўрққанди. Лекин индамаганига қараганда... Хайрият.

Болакай ўзида йўқ шод эди: Ҳақим ака Сарагулни урмайди. Ажратиб ташлаб кетмайди.

Хурсандлигидан ирғишлаб, бекинмачоқ ўйнаётган болаларга қўшилиб кетди. Сумалак ҳам эсидан чиқди. Ярим тунгача бекинмачоқ ўйнаб, ҳориб, чарчаб аммаси билан уйга келди. Овқат ҳам емай ухлаб қолди. Қизик, лекин бироз ваҳимали туш кўрди. Ҳақим акаси оппоқ отда подани ҳайдаб қирга чиқиб кетаётган эмиш. Отнинг ҳам, сигирларнинг ҳам қаноти бор эмиш. Улар бир-бирларини қувлашиб учиб боришаётган эмиш. Болакай ва аммаси уларга қараб қўл силкитармиш.

Тиниқиб, хурсанд бўлиб уйғонди. Эрталаб бувиси дастурхонга бир коса хушбўй, ширин сумалак қўйди.

Кейин... кейин... афсуски, ўша оқшомги қувончи узоққа чўзилмади. Орадан икки ой ўтар-ўтмас, аммаси шаҳарга ўқишга кетди, икки йилча ҳамшираликка ўқиди, кейин бир йигит билан яхши кўришиб,

Хоразмга келин бўлиб узатилиб кетди. Ҳақим қақшаб қолди.

Бу болакай – Нурқобил эди. У Ҳақим довдир ҳаётининг нозик бир риштаси ана шундай узилиб кетганини доим армон ила хотирлар, нима биландир довдирга ён босгиси, хайрихоҳлик кўрсатгиси келар, умридаги фожиавий дақиқаларда ҳам ўз қувноқлигини йўқотмайдиган бу одамнинг беғам бахтсизлигидан куйиниб яшар эди.

Болакай улғайиб, қишлоқ хўжалиги институтида ўқийди ва яйловлар бағрига аммасидан жафо кўрган, лекин бундан чеккан азияти-ю дарду армонини жичча ҳам сиртига чиқармай сокин ва мағрур ҳаёт кечираётган ўша ҳамқишлоғининг ёнига чорвачилик мутахассиси бўлиб қайтади. Худди аммасининг ношойиста иши учун ўзи айбдордек Ҳақим акаси қаршисида мудом ўнғайсизланиб юради. Айни пайтда, ёвқур ёшлик чоғлари узоқ-узоқларни кўзлаган, юксак доvonларга интилган, лекин тақдир тақозоси ила ўзининг асов шиддатини жиловлаб, тоғу-тошлар, дала-даштлар қўйнидаги оддий турмушга қанот этишга журъату жасорат топган бу зеҳни ўткир, орзулари учқур, дунёқараши кенг ва тафаккури теран инсон билан бақамти эканидан шоду бахтиёрлик ҳис этади.

Одам боласи учун бу ҳаётда кимлар билан ҳамзамон, ҳамнафас ва ҳамфикр бўлиб яшашнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканига такрор-такрор имон келтиради.

Довдир оғамиз эса ўзи айтганидек, кейинчалик совхоздан отар олиб, чўпон бўлиб кетди. Ўқишга бормади. Зеро, унга энди ўқишнинг қизиғи йўқ эди. Кейин Нурназар чолнинг қизи Мусалламга уйланди.

Бир қиз кўрди. Қизини райондаги интернатга берди. Кейин дорилфунунда ўқитди.

Орадан йиллар ўтиб, Гулсара тул қолиб қайтиб келгач, улар кўчада гоҳ-гоҳида дуч келиб қолишар, шунда довдир “яхшимисиз, тетикмисиз” деган бир оғиз сўзни айтиб ўтиб кетарди. Бир гал тўсатдан тўхтади ва:

– Ҳар сафар айтаман дейман-у, эсимдан чиқади. Хув, ўшанда сизга берган ваъдамни бажариб, университетга кирган, ўқитувчиликка ўқиб, диплом олиб келган эдим, қарангки, зарурати бўлмади. Пешонамиз ўлгурса бир умр чўпонлик қилиш ёзилган эканда, Гулсараой, – деди.

Гулсара амманинг ранги бўзарди:

– Кўйинг, ўлганнинг устига тепган қилманг, – деди гарди рўмолининг учи билан оғзини ёпиб.

– Мен бу хабарни қачондир барибир айтишим керак эди-да, Гулсараой, эмасам, ичимда қолиб кетарди, – деди довдир. Бу гапни у иддао қилиб айтгани йўқ, юрагидаги ҳасратини ошкор этганди холос. Гулсара бўлса ранжиди. Довдирнинг юраги эзилди, бекор айтдим шу гапни деб.

Мана, тасодифми, мубҳам бир қонуниятми, Ҳаким довдир боши ёстиққа теккан чоғда яна Гулсарага, ёшлигининг ушалмаган орзуси, куртак ёзмай сўнган муҳаббати сабабчиси бўлмиш Гулсарага, энди Гулсара хола ва Гулсара момо бўлиб қолган, кексайган, юзига йиллар ўз изини солган жувонга дуч келди. Гулсара касалхонада ҳамшира бўлиб ишларди.

Ҳаким довдир навбатдаги уколни қилиш учун кирган Гулсарадан унинг жияни ҳақида сўраётганини Нурқобил табиийки билмас, чорсидек қишлоқда яшин тезлигида тарқалган хабар ҳали унга етиб кел-



маган, тақдирнинг ўзи, эҳтимол шундай бўлишини— Нурқобилнинг обдон ўйлаб, тўғри қарорга келиши учун шу топда нафақат ён-атрофидаги, балки бу ёруғ дунёдаги барча ташвишу муаммолардан беҳабар туришини истаётгандир.

Лекин у ҳарчанд уринмасин, мавжуд вазиятдаги энг тўғри, оқилона йўлни топа олмас, чалғишга нечоғлик уринмасин, яна бошига тушган кулфат таҳлилига қайтиб келар, душман кўнгли эса мудом кулоғига: “бу ёлғончи ҳаётнинг барча ноҳақликларига тупуриб, энг тоза, энг чин, энг адолатли дунёга равона бўлиш керак, токи мардлик қанақа бўлишини кўриб қўйишсин бу номардлар”, дея шивирлар. Бу йўл унга осон, сеҳрли ва марғуб бўлиб кўринарди.

## 15.

Нурқобил тонгда туриб пўстинини кийди-да, қир оша мазоротга йўл олди.

Қабристон қишлоқдан унчалик узоқ эмас. Ярим соатлик йўл. Қирга чиққач, молларини подага қўшиб қайтаётган болаларни учратди. Нарироқда, сайхонликда бир гуруҳи тўда бўлиб кураш тушишарди. Совуқни писанд этишмаганини қаранг. Нурқобил бир муддат уларнинг завқли ўйинини томоша қилди. Бунда йиқитган ҳам, йиқилган ҳам хурсанд, қийқиришади. Ким енггани, ким енгилганини бир зумда унутиб юборишади. Зеро, болалар бу ҳақда ўйлашмайди ҳам. Лекин... Нурқобил даставвал ўз болалигини, подаётқда Қилич кўса бошчилигида уюштириладиган курашларни эслади. Ўша пайтлар кураш бошқачароқ бўларди, шекилли. Нурқобил биронтасидан йиқилиб қолса, ҳафталаб алам чекиб юрарди. Демак, у болаликнинг оддий эрмагини шунчалик жиддий тушунган экан-да. Ёки ўша давр болалари-

нинг феъли шунақа жиддийроқ, жангарироқ эдими? Уруш тугаганига анча йиллар бўлган эса-да, одамлар руҳидаги, жисмидаги қаҳр, ғазаб, нафрат руҳи ҳали у қадар сусаймаган эди, шекилли. Энди-чи, энди, тинч-осойишта даврларда одамлар, болалар лоқайд-роқ, кўнгли юмшоқроқ бўлиб қолишдими?

Э, йўқ, эҳтимол, болалар кўнгилчанроқ, юмшоқроқ бўлиб қолишгандир. Лекин одамлар...

Гўристон. Нурқобил отасининг, кейин устози Музроб Туробов қабрини зиёрат қилди. Бошқаларига ҳам бир-бир назар солди. Янги қабрлар. Кексалар, ёшлар, болалар марқадлари.

Қабристондан чиқиб, кузги дон экилган дала томон юриб кетди. Қор кўп ҳали. Лалми буғдойзорлар учун айни муддао, баҳорда тўйиниб, дуркун ўсади. Хув ана, Ҳаётбоши чўққиси ортидан Офтоб момо чиқиб келаяпти. Йўқ, момо эмас, бобо. Қудратли Қуёш бобо гўё тоғлар кўксини ёриб, метин тўсиқларни парчалаб чиқиб келаётганга ўхшайди. Эҳтимол, чиндан ҳам шундайдир, қуёшнинг ҳар тонгги чиқиши, оламга нур сочиши ана шунақа қийиндир. Шу қийинчиликни енга-енга у бобо бўлиб, қартайиб қолгандир? Йўқ, қуёш ҳеч қачон қаримайди! Аниқроғи ҳар кеч ҳориб-толиб, қарийди-ю, яна эртасига навқирон йигит бўлиб қайтадан майдонга тушиб келаверади.

У Хундорсойдан ўтиб Қоранайман йўлига тушди. Кимсасиз дарада чумчуқнинг кўзидек бир чашмадан сув сизади. Тошни, музни ёриб чиққан. Бир ҳовуч сув шундай метин харсанг орасидан сизийди. Қандай қилиб?

Орадан ойлар ўтгач, Нурқобил айнан шу фикри ҳақида яна ўйлайди ва ўшанда эсига келмаган бир ҳикматни кашф этади. Ахир, ана шу бир ҳовуч сувни, кичкина чашмани юзага итараётган, йўллаётган

нарса унинг ортидаги, яъни замин тубидаги улкан, қудратли бир денгиз эмасми? Тошни тешиб чашмани ер юзасига олиб чиққан ўша денгизнинг қудрати эмасми? Денгиз қалқимаса, кичик бир чашма тошлар остида асрлар бўйи ётаверади-да.

Жамият ҳаёти ҳам шундай. Бугун улкан мамлакатда бошланиб, секин-аста кучайиб бораётган ўзликни англаш жараёни ҳам тепадаги битта раҳбарнинг (у ҳар қанча тараққийпарвару демократ бўлмасин) ҳиматию журъати туфайли эмас, денгизмонанд халқнинг қалқуви ҳосиласидир. Афсуски... аксар ҳолларда бу тўлқиннинг энг юқорисини, бу мавжларнинг энг олдини мудом юзада кўпикланувчи енгил пўкаклар эгаллайдилар, қудратли оқимни ўзлари истаган томонга йўллашга ҳаракат қиладилар. Бунга монелик қилувчиларни сенга ўхшатиб, четга улоқтирадилар...

У йирик бир харсанг устига ўтириб, кимсасиз даштга тикилганича ўй суриб кетди.

“Ҳақим ака, ҳақиқат бор экан, Ўташевларнинг қудратли сулоласи бу гал ҳам қишлоқ ҳоқимиятини кўлга киритолмабди, Нурқобил дўстим директор бўлибди, отамни ишлагани кўймай, охири оёқдан йиқитганларга энди сичқоннинг ини минг танга бўлади”, деган экан Сухроб беҳад севинч билан. Шунда шўтқори чўпон: “Ҳақиқат бор-у, аммо анча баландда, бечора отанг унга етаман, деб бир умр курашди, энди навбат Нурқобилбойга шекилли”, дея ҳазил қилибди. Бу ҳазилнинг тагида нақадар чуқур зил борлиги ўшанда Нурқобилнинг хаёлига ҳам келмаган. Зора у ҳоқимият суруридан маст эди. Оддий чўпоннинг етим боласи Европанинг салкам бир давлатича келадиган улкан хўжаликнинг раҳбари-я! Бу хўжаликни чиндан ҳам бирозгина муболағаси билан мундайроқ мамлакатга менгзаса арзийди. Бир пайтлар

ҳар қайсиси ҳар хил соҳаларга ихтисослашган, барчаси илғору пешқадам бўлган, кейинроқ иқтисодиётда Никита Хрущёв ўтказган яроқсиз сиёсат туфайли инқирозга учраган йигирма бешта жамоа хўжалиги бирлаштирилиб тузилган бу “митти давлат.” Кунботари чўли Маликкача чўзилган, кун чиқари мўйсафид Ҳаётбоши чўққиси этакларидаги сон-саноксиз даралару сойларга туташган, ундан нарисиди одам қадами тегмаган, дарахтлари қирқилмаган, гуллари узилмаган, майсаси топталмаган, бамисоли бокира қиздай арчазор ўрмонлар. Тўғри, кейинги пайтларда Ўрмон хўжалиги вазирлиги, Табиат муҳофазаси қўмитаси: “совхоз бунча жойни эпллмаётир”, дея таллашиб-тортишиб, анча жойларга эга чиқди. Шундан қолганини ҳам на отда, на машинада ва на пиёда тўла айланиб чиқиш мушкул. Ана шундай бепоён, нада қучоққа, балки тасаввургада сиғдириш қийин бу зумрад воҳани. Лекин Нурқобил директорликка тайинлангач, “қанча вақт кетса ҳам майли, унинг сарҳадини қадам-бақадам айланиб чиқаман” дея аҳд этди.

Тайинланганининг биринчи ҳафтаси ниҳояга етганди ўшанда. Баҳор охирлаётган пайт. Ҳаво форам. У от миниб, аввал қишлоқ юқорисидаги буғдойзорларни, бедазорларни, изензорларни, зиғир, маккажўхори экилган майдонларни айланди. Май адоғида бедазорни маст қилувчи анвойи ҳид тутиб, беданаларнинг “бид-билиқ”и янграб ётади. Беданалар бу экиннинг нимасига қизиқишаркан? Гулигами?

Нурқобил от жilовини қўйиб, Ҳаётбоши чўққиси этаклари сари интилар экан, озуқа экинларини кўпайтириш, бунинг учун тоғ оралиғидаги серҳосил, хушҳаво жойлар ҳисобидан бедазорларни, пастдаги изензорларни янада кенгайтириш, дашт жойларда

зиғир, кунжут, нўхату мош, ерёнғоқ эктириш ҳақида фикр юритди. Шу хил экин кўпайса, одамлар учун ҳам, жониворлар учун ҳам тўйимли неъмат мўл бўлади. Чорва боқаман, гўштни кўпайтираман, одамларнинг рўзғорига барака киритаман, деган одам туну кун озуқани ўйлаши керак. Шундай қилмаса бўлмайди.

У даралар қўйнига тобора ичкарироқ кириб борар экан, бу ерларнинг ҳавоси, суви минг дардга даво эканини ўйлади. Арчазору ёнғоқзорларни кўпайтириш, бодом ва пистанинг серҳосил навларини экиш керак. Келгусида шу ердан чўпонлар учун бир оромгоҳ куриш масаласини кўтаришни мўлжаллади. Ана юқориқда шифобахш Шўрчашма бор. Бу чашманинг сувида шифобаш минераллар бўлиши мумкин. Ахир, ҳеч ким текшириб кўрмаган-ку. Юқориқда – даралар қўйнида қадимий боғлар қулф уриб ётибди. Олмазорлар, ўрикзорлар, ёнғоқзорлар. Нурқобил болалик пайтида ёзги лагерга келганди бу ерларга. Ўша боғлар тўласинча ўрмон хўжалигига бериб юборилгани чакки бўлган. Ўрмон хўжалиги тайёр боғларни эгаллаши керак эмас. Янги боғлар, дарахтзорлар барпо қилиши лозим-ку.

Ие, анови, қўриқхона билан совхоз чегарасидаги, сайхонликдаги экинзорлар қаёқдан пайдо бўлди? Нурқобил кўзларига ишонмади. Чашмалардан оқувчи жилға соҳили бўйлаб, камар ичкарисига бир неча чақирим чўзилган тўрт-беш гектарча ерга пайкал-пайкал қилиб сабзи, пиёз, помидор, бодринг, кўкат, резавор ва яна алланималар экилибди. Ниҳоллар барқ уриб яшнаб ётибди. Яна бир гектарча майдонда палак – қовун-тарвуз бўлса керак.

Бу ғалати экинзор Шўрчашманинг ёнгинасида гўё осмондан тушгандек эди. Нурқобил бултур, ҳали зоотехниклик пайтида бу ерлардан кўп ўтган. Баҳорда

пуштиранг ширачлар қийғос гуллаб ётадиган, сап-сарик кўзигуллар кўзни қувнатадиган сермайса ўтлоқ эди. Лекин бу экинзорни биринчи кўриши.

У от жilовини пастга – овулга бурди. Дала қоровули Тожибой Қаршиев шу қишлоқда туради. Ана ўзи, директор шу ёққа ўтганини кимдир етказган шекилли, шошилиб ҳовлисида чикиб келаяпти.

– Ҳорманг, – деди Нурқобил салом-алиқдан сўнг. – Бу бизга айтмай, полизни жа кенгайтириб юбориб-сиз-ку, тинчликми? Ё бу ерлар ҳам ўрмон хўжалигига ўтганми?

Тожибой қизариб кетди.

– Сизга Бойқувват ака... ўртоқ Ўташев айтганлари йўқмиди? Ахир “директор хабардор” деганди-ку.

– Нимадан хабардор эканман?

– Шу экинларнинг экилганидан-да. У кишининг акалари – ўртоқ Ўташевнинг шахсан ўзлари келиб танлаганлар бу ерни.

– Ҳеч балони тушунмадим. Нима, Шоқувват Ўташев бу ердан томорқа олганми? Ер кимга қарашли?

– Бир қисми қўриқхонадан, бир қисми хўжаликдан ажратиб олинган. Бўш ётган бекорчи ерлар эди. Аллақайси ташкилотнинг ёрдамчи хўжалиги бўлади, дейишувди. Бу ҳақда ҳокимиятнинг қарори ҳам бор экан.

Нурқобил барибир ҳеч нарса тушунмай хуноб бўлди. Ахир бу жойлар яйлов, минглаб қўй-кўзини тўйдирарди. Бунинг устига хўжалик ери эгаллаб олинар экан-у, директор бобо бўлмиш Нурқобил Бўтаевга бир оғиз айтиб ҳам қўйилмас экан. Лекин ҳозир Тожибой билан ҳақ талашиб ўтириши бефойда. Шунинг учун сир бой бермади.

– Майли, текширтириб кўрамиз. Агар қонуний бўлса, ош бўлсин. Лекин...

Кечкурун Ўташевнинг укаси, бўлим бошқарувчиси Бойқувватни чақиртирди.

– Бойқувват Ўташевич, бу тоғдаги полиз ҳақида бир оғиз айтмабсиз ҳам...

Бойқувват бир зум саросимага тушди-ю, лекин дарров ўзини ўнглаб олди.

– Бу масала... Сиз ҳали тасдиқдан ўтиб улгурмаган кунлар ҳал бўлувди. Акам... ҳам... бу ишни ўзлари ўйлаб топганлари йўқ... Юқоридан...

– Сал тушунтириброқ гапирсангиз-чи. Нима мақсадда экилган?

– Вилоятимиз раҳбари ўртоқ Тўхтабоев акамга: “ўлаҳатнинг (даштликлар дарё бўйларидаги пахтакор туманларни шундай аташаркан) селитрага пишган сабзи-пиёзи жонга тегди, сизлар томондан тоғ оралиқларидан бир оз тупроғи соз, ҳавоси соф жой олиб, экологик тоза табиий сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришни ташкиллаштиринг”, деган эканлар...

– Нима? Тўхтабоев? Луқмон Тоҳировичми? Шунанқа деган эканларми? Қўйсангиз-чи, Бойқувват... – деди юраги шувиллаб Нурқобил ва беихтиёр директорликка тасдиқланиш учун Тўхтабоев суҳбатидан ўтаётган пайтида бўлган гаплар миясига такрор жаранглади. “Яхши биламан, сизларда жуда хушҳаво, серҳосил жойлар кўп, – деганди вилоятнинг нуфузли раҳбари кулимсираб. – Қанчадан-қанча партов майдонлар бўш ётибди. Ничево, Оқтепа сув омбори қурилишини тезлаштирамиз, буёғи Охчобсой, Тўсинсой сув омборлари ишга тушса, мева-чева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, озуқа етиштириш кўпаяди. Сал пастрокда пахтачилик хўжаликлариниям очиш мумкин... Ғайрат қилинг, ука. Келажак сизларники.”

Нурқобил ўша суҳбатдан кўнгли тоғдек ўсиб, кўк-

си қувончга тўлиб чиққанди. Қишлоққа етгунча йўл бўйи келгусида қилинадиган ишлар режасини тузиб келди... Озуқа масаласи ҳал қилинса, моллар наслини яхшилашга қаттиқ киришилса, суғориладиган ғалла майдонлари кенгайса – у ёғи ишбилармонликка боғлиқ. Ана шунда Сухроб айтганидек, мева билан сабзавотни қайта ишлайдиган замонавий завод, маданият саройи-ю ҳашаматли стадион, теннис майдони-ю бассейн ҳақида ҳам хаёл суриш эмас, жиддий ўйлаш мумкин. Ахир чўпон болалари ҳам sanoat корхоналарида ишласин, ажойиб спорт майдонларида яйраб-яшнаб чиниқишсин. Совхоз марказидаги боғни икки баравар кенгайтириб, шаҳардаги истироҳатгоҳлардан қолишмайдиган қилиш мумкин. Эҳ-ҳе, завқли ишлар булар. Нурқобил ишлашдан, елиб-югуришдан эринмайди. Унинг қанча-қанча режалари бор.

Наҳотки, Тўхтабоев ростдан ҳам шундай топшириқ берган бўлса, хўп, берган ҳам дейлик, ахир бунга қонунга тўғрилаш, рисоладагидай расмийлаштириш лозим эмасми? Йў-ў-ғае. Бу Шоқувват Ўташевнинг хунари бўлса керак. Ҳар ҳолда, масалага аниқлик киргизиш лозим. Ахир совхознинг шунча ери бесўров эмас-ку.

Бир хаёли унга ҳозироқ туман раҳбари Шоқувват Ўташевга кўнғироқ қил, керак бўлса, Тўхтабоев билан боғлан, ахир, сен сўрашга ҳақлисан, сени шу хўжаликка ишониб раҳбар қилиб қўйишган, қўрқма дерди. Лекин яна бир хаёли, кеча директор бўлдинг, ишни катталарнинг ёқасига ёпишишдан бошлама, андишалироқ бўл, дерди.

У кун бўйи икки қарама-қарши фикр гирдобида қийналди. Кейин хўжалик харитасини синчиклаб кўздан кечиргач, ҳалиги шиддатидан бир дарз кетди.



Тоғдаги экинзор совхоз ҳисобидаги ерда эмас экан. Лекин барибир... мавриди келганда бу далаларнинг ҳақиқий эгаси кимлигини аниқ билиш шарт. Табиат кўмитасидан ҳам, ўрмончилардан ҳам сўрашга, тегишли ҳужжатларни талаб этишга ҳақи бор.

Бир ҳафтадан кейин у яна Сувлидарага йўл олди. Тунов кунги экинзорга яқинлашмай, тоғ оралаб яна ҳам юқорироққа Ҳаётбоши чўққисига қараб кетди. Ажойиб жойлар! Суви тиниқ, ҳавоси тоза, майсаси бўлиқ, маҳаллий овчиларнинг фаросатсизлиги оқибатида аллақачонлар қизил китобга кирган битта-яримта ёввойи эчкилару олқорларни айтмаса, тирик жонзот оёғи етмаган, афифа ўтлоқлар. Икки-уч қирдан ошгач, баланликка кўтарилди кунгай томондаги чор атрофи баланд қоялар билан ўралган, ўртасидан оқаётган кичик жилға узоқдан кумуш силсиладек кўринувчи анчайин чуқур ва кенглиги камида икки гектар чиқадиган бир камарга дуч келди. Во ажаб! Кўз ўнгида тевараги тоғ ёмғиридан сўнги қуёшнинг эркаловчи нурларида зумраддек товланувчи арчалар билан қопланган нилий ва нопармон ранглар қоришган бир... лозазор чақнаб-яшнаб ётар эди. Дафъатан, бунинг нима эканлигига ақли етмади. Елкасига осилган брезент сумка ичидан дурбинни олиб, кўзига тутди. Нақадар гўзал, нақадар бетакрор! Қани энди мусаввир бўлсанг-у, бу манзарани тасвирга туширсанг. Табиат ўзининг бетакрор оройишларини мана шундай пучмоқларга яширар экан—да, нигоҳлардан қизғониб. Аммо...

Шошма-шошма, бу ранг... У бир зум каловланиб тургач, тушунди-ю, юраги шувиллаб кетди. “Кўк-нор-ку!” Шунча захри қотилни ким, қайси нобакор экан? Осмондан тушмагандир ҳарқалай? Шу атрофдаги нашаванд чоллардан бирортасининг ишими?

Кўйсанг-чи, нашаванд чолга бунча кўкнорнинг нима кераги бор? Бу бутун бир шаҳарга етиб, ортиб қолади-ку...

Отжиловини бўшатиб, қиялаб пастлай бошлади. Дурбиннинг гардишини бураб, объективдаги тасвирни имкон қадар яқинлаштиришга уринди. Ҳа, бу айни гулга кирган... нашазор. четлари қир этагигача чўзилган ҳайҳотдек пайкалнинг бир четида арчалар соясида туси яшил бўлгани боис кўзга деярли ташланмайдиган яшил вагон-уйча, сал нарида яна бир арча остида яшилга мойил пистоқиранг “УАЗ” машинаси. “Беларус” трактор. Уям зангори. Узоқдан кўзга ташланмасин, дейилган-да. Тикилиброқ қараб, унинг ёнбошида турган оч яшил ҳарбийча либосли, елкасига автомат, бўйнига дурбин осган ўрта бўйли, одамнинг шаклу шамойилини ҳам аниқ кўрди. Э-э, бу... ўрмончилар-ку, либоси ўшаларники. Аммо... қўлидаги автомати сираям табиат муҳофазачисиникига ўхшамайди. Мабодо ўрмончи бўлган тақдирда ҳам... Нашазорнинг ўрмончиликка қанақа алоқаси бор?

Бир маҳал “ҳарбий ўрмончи”нинг ҳам шу ёққа назари тушдими, кўз қири билан илғадими, кўнгли сездими, ҳарқалай бўйнидаги дурбинини пешонасига тутиб, шу тарафга ўгирилди. Хушёр тортди, автоматини шу томонга тўғрилади. Вагон-уйчага қараб нимадир деб қичқирди. Зум ўтмай унинг ёнида худди шунақа либосдаги яна бир автоматли кас пайдо бўлди ва у ҳам қуролини нотаниш отлиқ энаётган ўрмон томон ўқталди. Нурқобилнинг жон-пони чиқиб кетди. “Ҳозир тариллатиб отворишади”, деган таҳликали фикр ўтди кўнглидан. Жон ҳайбатида ўнг қўлини кўтарди, чапи билан ўзича, “шунчаки ўткинчиман, ҳозир ортга қайтаман”, маъносида имо қилди. Автоматчилар тушунишди шекилли. Бири бўш қўли би-

лан “тезроқ туёғингни шиқиллат” ишорасини берди. Нурқобил от жilовини тортди, сергак саман ортга бурилди. Тезроқ кетиш керак бу ердан. Булар... яширинча наша экувчилар. Кейинги йилларда тоғ оралиқларида шунақа “кўчманчи деҳқонлар” пайдо бўлгани ҳақида қулоғининг бир чети билан эшитгандек бўлувди, бироқ нақ ўзининг бурни тагидан чиқиши етти ухлаб тушига кирмаган. Тегишли жойга хабар қилиш керак. Шу бугуноқ!..

Таажжуб ва таассуф қоришган бир туйғуга асир ўлароқ, қирлар ошиб қишлоққа қайтар экан, Нурқобил бу манзарани қандай изоҳлаш, қай тарзда баҳолашни билмасди. Тўғри, уям осмондан тушганмас, тоғ овулларидаги томорқаларнинг кўпчилигида азал-азалдан чорсидек жойда кўкнор экилиб келади, қартайган чоллар уни қуритиб, келида туйиб, халтачага солиб, кенг иштонининг чўнтагида олиб юради, шамолласа, бел оғриқ бўлса, бир чимдимини капалаб, устидан новвот чой ичиб, туркона муолажа қилади. Бунга деярли ҳеч ким эътибор бермайди, чунки бу юртда ҳеч замонда биров нашага ружу қўйиб, гиёҳвандлик муаммоси кўндаланг бўлган эмас. Лекин...

Бунақа очикчасига гектарлаб экиш, аскар билан кўриқлаш учун отнинг калласидек юрак, ё осмонни суяб турган “тиргак” керак. Ким жазм этди экан бу даражадаги сурбетликка? Албатта, осмондан тушмаган, узоқдан келмаган. Нурқобил талабаликда вилоятнинг нариги чеккасидаги, қўшни республика билан чегарадош, худди Нуробод сингари тоғли Баркут туманида яшовчи Жобир деган йигит билан дўстлашган, ҳозиргача борди-келди қилиб турарди. Ўша яқинда меҳмон бўлиб келиб, ғалати гапларни айтганди: “нариги республикадан келган мафиячилар маҳаллий аҳолига катта-катта пуллар бериб, тоғ ўр-

монлари ичига ёппасига наша эктиряпти, йиғиштирилган ҳосилни чегарадан вертолётда ўтказиб олиб кетишади, шунинг оқибатида бизнинг қишлоқлардаям нашавандлик касали пайдо бўлди, кейинги пайтларда баъзи тўйларда меҳмонларга очикча таклиф этиладиган бўлди.”

Демак бизгача ҳам етиб келибди-да. Мелисаю прокурорнинг кўзи қаерда? “Пистафурушнинг чўнтаги билан тиланчининг тўрвасида”, деган жавоби эшитилди хотираси қатидан. Бу гапни Ҳаким додир умрида бирорта жиноят очмаганига қарамай, “қишлоқ изкувари”, деган шарафли лақабга сазовор ошнаси Қамарбой мелиса ҳақида ҳазиллашиб айтган. Лекин бу ҳазилнинг бир фоизигина ҳазил холос. Бозордаги барча олиб-сотарлардан ташқари, эридан вақтли бева қолиб, уч ўғил бир қизини тухум, қурт, айрон сотиб боқаётган Насибали хола ҳам, “девона бобо”, лақабли, асли афғонми, Покистоннинг мўлтон вилоятиданми, ҳар қалай қиёфаси ҳабашнусха, лаҳжаси ярим форсий, ярим туркий, қишлоқнинг узок йиллардан буён ташландиқ масжидида яшовчи гадоё чол ҳам ҳафтада бир бўладиган бозорда топган пулининг нақ ярмисини унга беришини яширмайди. Энг ёмони – бунга ҳеч ким ажабланмайди, таасуф ёки норозилик билдирмайди. Замона зўрники, томоша кўрники. Қандай кунларга қолдик. Телевизор бўлса эртаю кеч: қонун устиворлиги, ошкоралик, қайта қуриш, демократия, эркинлик, ҳақиқату адолат ва ҳоказолар ҳақида тинмай сафсата сотади. Дарвоқе, масжид, дегандай, Нурқобил директорликнинг биринчи кунини эрта билан ўша жойга боришдан бошлади. Бухорода ўқиб келган, ярим очик, ярим яширин муллалик қилиб юрган Хайрулла қорини чақиртирди. “Мачитни ишлатамиз, ўзингиз мута-

валлилик қиласиз, мен вилоят имом хатиби билан гаплашиб, ҳаммасини қонунлаштириб бераман. Сал кейинроқ ҳашар йўли билан тубдан таъмирлаймиз”, деди. Қори кўнди-ю, кейин ғалати илтимос қилди: “Кўшни “Сувкечар” хўжалигининг тоғдаги кичик қишлоқларидан бирида қирқ йил қамоқда ўтириб келган бир одам катта мачит кураётган экан, тунов куни элчи юборганди, ойига отнинг калласидай маош, яна фалон сўм мукофот пули беради, имомлик қиласиз, деди. Мен унақа... узоқдаги мачитда ишлолмайман, десам, “у зотга йўқ, дейиш мумкинмас, акс ҳолда нафақат қишлоғингиздан, балки юртдан кўчирворади” дейди қаранг. Энди келса... бу ёққа тайинланганман, дея рад этсам бўладими?” “Бўлади”, деди Нурқобил. Унинг бу воқеадан хабари бор эди. Қамарбой мелисанинг айтишича, ўша одам асли шу қишлоқдан, отадан етим қолгач, шаҳарда болалар уйида ўсган, ўсмирлик йилларидан бошлаб ашаддий ўғри ва талончи бўлган, икки мартами, уч мартами одам ўлдириб, ўттиз етти йил жазо ўтаган, қамоқда СССР жиноят оламининг иккинчи, Ўрта Осиёнинг эса “биринчи рақамли ўғрибошиси” лавозимига сайланган ва унга умрбод катта миқдордаги “нафақа” тайинланганмиш. Шунинг учун қамоқдан чиққанидан бери бутун Иттифоқдаги ўғрилар унга муайян миқдорда “улуш” жўнатиб тураркан. Ўзимизнинг вилоятдаги барча савдо ходимлари, айрим мулозимлар, жумладан, “Сувкечар” ва унинг дашт тарафидаги бир неча хўжаликлар раҳбарлариям “ўлпон” тўлаб туришармиш. “Шу пулларга қишлоғида ўттиз етти хонадан иборат уч қаватли муҳташам кўрғон қурган, иккита “БМВ”си, иккита “Мерседес”и бор, олтмиш ёшли чол эканига қарамай, минг кишилик тўй қилиб, онаси ўпмаган ўн етти ёшли қизга уйланди. Тўйида бешта

СССР, ўнта республика халқ артистлари хизмат қилди, айтишларича, Тошкентдан, ҳатто Москвадан катта амалдорлар киши билмас келиб, катта тўёналар бериб кетишганмиш.” Нурқобил у пайтлар қишлоқдан узоқроқда, бир йиллик малака ошириш ўқишида эди. Шунинг учун бу тафсилотлардан беҳабар бўлган. “Хўш,, ўзингиз қанча тўёна бердингиз?” деб сўради тамшанганча тўйнинг таърифини қилаётган мечкай миршабдан. “Бизлардан олмас экан, “мусурларникидан ҳазар қиламан, дермиш қиз талоқ, лекин... зўрники-чи, тегирмоннинг тошини, жувознинг кундасини айлантиради, шунинг учун... бизлар хизматда турдик, аксинча, бизга... у кишининг ўзлари “ҳиммат” қилдилар”, деди Қамарбой ғурур билан. Хуллас, шўрлик мулло Хайрулло Нурқобилга берган ваъдасини ҳам бажаролмай, Мирзачўлга кўчиб кетибди. Ишқилиб... шундай “бообрў зот”нинг гапини икки қилгани учун ўлдириб юборилган ёхуд у ердан ҳам бадарға қилинган бўлмасин.

Мана шунақа гаплар. Замона- зўрники, томоша - кўрники бўлиб қолган ҳозир. Нурқобил яхшиям “Сувкечар” хўжалигига директор бўлмаган экан. Дарвоқе... бояги даранинг ортидан ўша хўжалик бошланади. Ҳалиги чолнинг алоқаси йўқмикан нопармон лолазорларга?..

Йўл-йўлакай бояги шаштидан тушиб, юрагининг ҳовури босилди. Нимага бунча қўрқади, ҳовлиқади? Бу камар ҳам, кечаги майдонлар ҳам у бошқарадиган хўжалик ҳудудига кирмаса. Нима кераги бор бош оғриғининг. Бирор гап бўлса, ўрмон хўжалиги жавоб беради-да. Эҳтимол, бу давлат рухсати билан, анавунақа... морфий сингари дорилар тайёрлаш учун экилган нашазордир. Нурқобил мамлакатда шунақа махсус хўжаликлар борлигини эшитганди. Лекин...

кўнгли бу ерда бошқа гап борлигини сезар, ақли эса бу сезгини тан олгиси келмас, ширин жонни асраш ташвишида эди. Катта бир хўжаликнинг раҳбари бўлса-ю, тумшуғининг тагидаги ўта хавфли жиноятни фош этишга юраги дов бермаса, шармандалик эмасми бу? Отса отар, бир бошга бир ўлим-да, ҳайда отни ўша томонга, деб ҳайқирди ичида бир куч. Йўқ, бу бемаъни жасорат бўлади. Яхшиси, шу бугуноқ ўрмон хўжалиги раҳбарига, туман, керак бўлса, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғига хабар қилади. Идорада рация бор.

Нурқобил қишлоққа қайтар экан, масалага равшанлик киритмагунча бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликка қарор қилди. Эрталаб ишга келиб кечаги режасини амалга оширишга улгурмай, хизматхонасидаги телефонига кўнғироқ бўлди: “Мен ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги махсус бошқарма бошлиғининг ўринбосари Кимсановман, кечаги масала юзасидан сизга шуни маълум қиламанки, ўша... доривор ўсимлик ҳукуматнинг махфий қарори асосида экилган, туман раҳбарининг хабари бор, сиз, чамаси янгисиз, тўғрими, шунинг учун огоҳлантириб улгурмаган.” “Тўғри, янгиман, лекин...” “Ўртоқ, Ўташевдан сўранг, ўзи тушунтиради, аммо-лекин хўжалик раҳбари ва партия аъзоси сифатида бу ахборотни сир сақлашингизни ва у ерга ҳеч ким яқинлашмаслигини таъминлашда ёрдам беришингизни сўрайман. Келишдикми?” дея унинг гапини кесди Кимсанов. “Келишдик,” деди Нурқобил ва ўша заҳоти: “Ўзим ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлагандим”, дея қўшимча қилди. “Сергаклигингиз ва масалани тўғри тушунганингиз учун раҳмат”, деди Кимсанов. Нурқобил эртаси куниёқ тумандаги кечки мажлисдан сўнг Ўташевнинг ёнига кирди. Ботининқирамай гина қилди:

– Бир оғиз айтиб кўймабсиз-да.

– Кўп нарсани билсангиз... тез қарийсиз ука, – деди Ўташев ҳазиломуз, юмшоқ, лекин барибир сезиладиган нописанд оҳангда. Нурқобил аламини ичига ютди. Ораларидаги анчадан бери давом этиб келаётган сурункали кескинликни сал юмшатишга уринмоқчи бўлди.

– Шоқувват ака, биламан, сиз мендан хафасиз, “укамнинг оғзидаги ошини тортиб олиб кўйди”, деб ҳисоблайсиз, лекин худойлиғимни айтсам, директор бўламан, деб, жа-а ўлиб турганим йўқ эди. Одамлар сайлашди-да. Нима қилай, айтинг, ариза бериб кетайми?

Ўташев кулди.

– Ариза бериш шарт эмас, сиз ҳам бегона эмассиз, фақат... келишиб ишласангиз бўлди...

Ўшанда Нурқобил ички ишлар вазирлигида Кимсанов деган одам ҳеч қачон ишламаганини, ҳукуматнинг Чашмизирақ дараларида кўкнор етиштириш ҳақида ҳеч қанақа махсус қарори йўқлигини, бунинг бари Ўташевнинг ўйини эканини, хаёлига ҳам келтирмаган. Соддалик, гўллик қилган-да. Ё... ҳаммасини билган-у, кўрқув исканжасида ўзини ишонган қилиб кўрсатганми?

Ҳаммасини билган бўлса ҳам энг хавфли, энг даҳшатли бир гапдан беҳабар қолгани аниқ эди унинг ўшанда. Ўташев уни боягидай сохта табассум ила ҳалимдек мулойим гапириб, чиқариб юборгач, бошқа бир одамни чақиртирди ва унга ҳам боягидай юмшоқ муомала қилди: “Бўтаевни “анқов, тепса-тебранмас йигит”, дейишганди, ҳамма гапдан аллақачон хабардор-ку, дўстим.” “Қанча тез билган бўлса, ўз тақдирини шунча тез ҳал қилибди, буюринг, нима чора кўрайлик, отдан йиқилиб, бўйни синсинми, ё автоҳа-



локатга учрасинми ёки... шаҳарга бориб, хуфя исло-  
вотхонада бирор жононнинг кучоғида ис газидан  
заҳарланиб эркакчасига мардонавор ҳалок бўлсин-  
ми?”, сўради у одам. Биз ҳозирча бу даҳшатли каснинг  
кимлигини айтмай турамыз Вақти келганда ўзингиз  
англаб оласиз.

“Уни дарров йўлдан олиб ташлаб, ваҳима кўта-  
ришнинг ҳожати йўқ, жа-а, ўзидан кетадиган бўлса,  
Итлянчи биродарларга бир оғиз айтиб, пора олувчи-  
ми, берувчими қилиб, беш-олти йилга “дам олишга”  
жўнатилса кифоя. Ҳозирча, шунга асқотадиган хуж-  
жатларни тўплаб қўясиз. Қачон ҳаракатга келтириш-  
ни ўзим айтаман. Хўпми?” “Амрингиз вожиб , Шоқув-  
ват ака!”

## 16.

Орадан бир неча кун ўтди. Нурқобил бояги ишлар-  
нинг ноқонуний экани ҳақидаги гумони тобора ку-  
чайиб, гоҳ қизишиб, гоҳ иккиланиб, гоҳ сусайиб  
юрди. Гоҳ ўйлади: “Э-э, нимасига куйинаман, дашту  
яйловда нима кўп, бўшаб ётган бўз ер кўп. Шуни деб  
Ўташевдай одам билан тескарилашиб юрайми?” Яна  
ўзига деди: “Кўз ўнгингда даҳшатли жиноятлар со-  
дир этилаётган бўлса-ю, сезиб сезмасликка олсанг,  
қанақа раҳбару неча пуллик одамсан!”

Бунинг устига туриб-туриб ҳалиги ҳазиломуз  
ҳақорату, мулойимлик мағзидаги заҳаролуд гаплар  
таъсир қилади. Бу нима деган гап? Бунга қандай  
чидаш мумкин? Бу қанақа нописандлик? Ё... Анови  
Москвадан келган тергов гуруҳи раҳбари Сурен Хо-  
ренович Итлян номига бир энлик хат жўнатсамми-  
кан? Телевизордаги иддаоларга қараганда бу одам  
Ўзбекистонда нафақат пахтачилик, балки барча  
соҳаларда тартиб ўрнатиш, ҳақиқат ва адолатни қа-

роп топтириш топшириғи билан келган эмиш-ку!  
Ё... бу чақимчилик, ўз туманининг раҳбарини сотиш  
бўладими? Нурқобил умрида бунақа иш қилмаган  
ахир. Унда қандай йўл тутиши керак? Ошкора ку-  
рашса, Қамарбой мелиса огоҳлантирганидай, ўлдир-  
тириб юборишлариям ҳеч гап эмас. Одамнинг на-да  
шаъни, ҳатто жони сариқ чақачалик қадрсиз бўлиб  
қолди ҳозир. Алҳазар! Сухроб уч ойча бурун келгани-  
да кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гапларни айтганди:  
“Куппа-кундуз ҳовлингда турган машинангни ўғир-  
лаб кетишади, кейин ўзлари келиб, топиб берсак  
қанча суюнчи берасан, деб сўрашади, салкам яна бир  
машинанинг пулини олиб, қайтаришади, кўнмасанг,  
бўлақларга бўлиб сотворишади. Бошингни тошга ур,  
додингни тинглайдиган одам йўқ.” Ҳар қалай чуқур-  
роқ ўйлаб кўриши керак. Дарвоқе...

Ўша кунларнинг бирида Сухроб табриклагани  
келди. Нурқобилнинг назарида дўсти бир-бирига  
зид икки туйғу орасида қолганди. Бири отасидан ке-  
йин айнан Нурқобил директор бўлганлиги туфайли  
туғилган севинч, иккинчиси эса Нурқобил унинг ота-  
сининг ўрнига бўлгани, яъни ўрнини эгаллагани учун  
қанақадир мавҳум бир норозилик ҳисси эди. Лекин  
афтидан, биринчиси кучлироқ, ишонарлироқ эди.  
Ахир, отаси ўзи кетди ва бунинг сабаби нима билан  
боғлиқ эканини у яхши билади. Маъқуллади. “Сало-  
матлигингизни ўйланг”, деди. Бироқ... барибир пада-  
рининг нафақа ёшига етмай кетишга мажбур бўлган-  
нини ҳазм этолмайди. Буни баъзан очиқ айтади ҳам.  
Нурқобил ўнғайсизланади. Айтолмайдики, бўшаган  
лавозимга мен эмас, аризабозлар эркатойи – Қилич  
кўса ёки Бойқувват тайинланиши ҳам мумкин эди-  
ку. Боз устига унинг акаси Шоқувват Ўташев ҳозир  
от устида, дасти узун, баъзи бировлар айтганидек,

“юқори билан маҳкам”. Аммо Музроб Туробовнинг тавсияси, ҳарнечук инобатга олинди, гарчи, Горбачев демократияси асосида ўтаётган сайловларда ўта масъулиятли вазифаларга қаланғи-қасанғи, қасамхўр ва бузғунчи каслар ҳам ўрнашиб олаётгани сир эмас. Ҳисобот-сайлов йиғилиши аҳли ҳарқалай, “гуруҳий худбинлик”ка йўл қўймади. Эски раҳбарнинг фикрига ҳурмат кўрсатди. Нурқобил директор бўлиб қолди. Юқоридагилар ҳам ўрганишгандир, сўраб-суриштиргандирку-я. Ҳар ҳолда, Туробов чинакам оталик, устозлик қилди. Ҳаким ака тили билан айтганда, “Музроб оғадай мард инсонлар дунё етти айланганда бир келар эмиш”. Бўлмаса ким эгаллаб турган лавозимини ҳе йўқ, бе йўқ, индамай бўшатиб беради. Бундай одамлар жуда кам. Ўша киши айтганидек, айримлар “кесиб ёки ағдариб ташламагунларича қаққайиб турaveraди, чириб кетган толга ўхшаб...”

Суҳроб дўстини қучоқлаб, ўпиб қутлади. Кейинги пайтларда иши сал чаппасидан кетиб, ичкиликка берилгани орқасидан ишхонадагилари билан чиқишмай юрганини айтмади албатта. Ўзини жуда хушчақчақ тутди, очилиб суҳбатлашди. Лекин Нурқобил ичи чироқ ёқса ёришмайдиган аҳволда эди. Ҳолбуки, у шод бўлиши, Суҳробдан аҳвол сўраб, таскин бериши лозим эди. Алҳол, акси бўлди.

– Ҳа, нимага бунча қовоғинг солиқ, – деди Суҳроб, – ёки салобатли бўлишни, қўл остингдагиларни зириллатишни машқ қилаяпсанми?

– Ажаб эмас, – деди хўрсиниб Нурқобил, – ҳозирги пайтда қўл остингдагиларнинг айримларини эплаштириш учун анча-мунча машқлар камлик қилади.

– Тинчликми, биринчи кунлардан, – деди Суҳроб, – ҳали иш бошламай?..

– Ана шу-да, сен ҳам, бошқалар ҳам худди шундай дейишлари турган гап.

– Нима, нима гап ўзи, – деб суриштиришга тушди Сухроб.

– Э, қўй, ҳеч гап эмас. Яхшиси юр, бир яйлов айланиб келамиз. Ҳаким аканинг кўрғонига тушамиз. Аслида-ку, сенга фельетонбоп бир гап айтишим керак эди. Майли, қўй, кетдик. Ҳаким аканинг суҳбати муҳим.

– Ўзим ҳам Ҳаким акани кўришим керак эди, – деди Сухроб. – Роса соғинганман. Қизиқ гаплардан эшитиб бир яйрайлик. Лекин олдин таклиф қилманг ҳам уйингга бир кириб ўтамиз.

Нурқобилнинг қулоғи қизарди.

– Ҳа, майли юр, жўра. Энди... каттакон бўлганимиздан кейин, зиёфатниям бировнинг ҳисобидан қилиб қутулмоқчи эдик-да.

Сухроб Нурқобилнинг ўғиллари – Орзу билан Ҳаёт-жонни кўриш, Гулсара амма билан сўрашиш истагида эди. Гулсара амма эри ўлиб Хоразмдан келиб қўйганига ҳам ўн беш йиллар бўлиб қолган. У фарзанд кўрмаганди. Келдию... Масъуманинг ўлими устидан чиқди. Шу-шу Нурқобилнинг уйида ҳам амма, ҳам она, ҳам буви бўлиб қолди. Нурқобилнинг бахтига ҳалиям шу аёл бор экан. Бўлмаса болаларининг ҳоли не кечарди?

Икки дўст амма чаққонлик билан қовуриб келган думба-жигарни шоша-пиша еб, “УАЗик”ни ўнқир-чўнқир йўллардан елдириб, яйловга чиқиб кетишди. Ҳар тугул Сухроб ичмади. Нурқобил бундан суюнди. Бутунлай ташлаворса маъқул бўларди, деб ўйлади. Ўртоғининг ижодда ҳам, ишда ҳам у қадар омади келмаётгани боиси, қолаверса, отасининг хасталигига ва барвақт вафотига сабаб бўлган омиллардан бири

ҳам худди шу эканини у яхши биларди. На илож, ҳар тўқисда бир айб бўларкан-да. Йўл бўйи деярли гапиришмади. Иккови ҳам ҳаёт чигалликлари – қувонч билан қайғу, омад билан мудҳиш фожиалар ёнма-ён яшаши ҳақида оғир ўй суришар, Ҳаким ака ўтовида кўнгил ёзилишига умид боғлаб боришарди.

Довдир чўпонникида меҳмон бор экан. Ёш шифокор Тошбўри Милтиқбоев “яйлов баҳодирлари соғлиғини муҳофаза қилиш” мақсадида отарларни айланиб юриб, йўл-йўлакай кирибди.

– Муолажа баҳона, дийдор ғанимат, – деб шивирлади Нурқобил Суҳробга. – Бу йигит аканинг қизига ошиқи беқарор.

Суҳроб Милтиқбоевнинг қишлоқ касалхонасида илк бор жарроҳлик бўлими очгани, дастлаб турли жониворларни, яқиндан бери эса одамларни ҳам операция қилаётганини Нурқобилнинг ўзидан эшитганди. Шу боис миқти, соддами, қувми, ишқилиб юзидаги маънони дабдурустдан англаш қийин бўлган йигит билан самимий саломлашди.

– Ҳорманг, Чашмизирак табобат мактабининг кашшофи, – деди жилмайиб.

– Бор бўлинг, – деди йигит ҳам кулиб сўрашар экан. – Мана, келувдик айланиб. Ҳаким ака – отамнинг мактабдош ўртоқлари.

– Ошнамди улини саргузаштларимдан айтиб бериб, қорнини гап билан тўйдири-иб ўтирибман, – деди Ҳаким довдир.

– Қани, қанақа саргузаштингизни айтаяпсиз. Бизам эшитайлик, – деди Нурқобил.

– Гап машинадан чиқди, – деди нимагадир кўзини қисиб довдир.– Мен Тошбўрибойга шаҳарга борганим, таниш бир ошнамнинг янги мошинини сал бўлмаса дабдала қилиб қўяй деганимни айтаётувдим.

Тўғриси, энди бошлагандим, сизлар кириб келдинглар.

– Қани, қани, эшитайлик бўлмаса.

– Куруқ гапга қорин тўярмикан. Тўхтанглар, бўлмаса, мен болаларга зиёфатди зўрини тайинлайин.

Довдир ташқарига чиқди-ю, зум ўтмай қайтиб кирди. Пойгакда чордона куриб, меҳмонларнинг ҳар қайсисига бир пиёладан чой узатиб, “Қани олиб ўтиринглар” деб қўйди-да, ҳикоясини бошлади. Нурқобилнинг дўстига сўзламоқчи бўлган ҳикояси эса айтилмай қолди.

## 17.

“Алқисса, Ойсифат ўқишга кирадиган бўлди-ю, шаҳарга отландим.

Бозор авжига чиққан маҳал етиб келдим. Кейин институтда ишлаётган эски ошнамни қидириб топдим. (У синфдошим Милтиқбой деб айтмади). У кўярда-қўймай машинаси томон судради.

Биз унинг яп-янги машинаси ёнига келдик. У эҳтиёткорлик билан эшик қулфига калит солди. Тутқични ҳам нечоғлик эҳтиёткорлик билан тортди. Эшик очилганда чиқадиган “ширқ” этган товушданоқ у оғрингандек бўлди. “Марҳамат” деди секингина.

Орқа ўриндиққа ўтириб эшикни салгина тортгандим, қарсиллаб кетди. Келиб зулфунига чиппа ёпишди-қолди. Худо ҳаққи, жўрттага қилганим йўқ. Шамол бўлдими ё ҳаяжонландимми, ишқилиб бир бало урди. Ўзимам ноқулай аҳволга тушдим. Кўчага қараган киши бўлиб, дўстимнинг юзига разм солдим. Рангида ранг қолмабди. Жудаям ўнғайсиз бўлди-да. Бунинг устига, янги нарсалар одатда нозик, салга бузилиб қоладиган бўлади. Бу жониворнинг битта эшигиям фалон пул турса керак.

Ўтган гал шаҳарга тушганимда бир кишининг машинасини кира қилгандим. Бечора йўл-йўлакай турмуш қийинчиликларидан ҳасрат қилиб кетди. Айтишича, яшаш кун сайин қийинлашиб бораётган экан. Айниқса, машинаси бор, ҳовлиси борларга қийин эмиш. Машинага бензин керак, эҳтиёт қисм керак, ювиш-тараш, ремонт қилиш керак. Ҳаммаси қиммат. Ҳовлининг ташвишиям бундан беш баттар. Қараб туриш, кам кўстини ямаш керак. Ҳузур-ҳаловат давлатнинг кўп қаватли уйида яшаб, трамвай миниб юрадиганларники экан. Ҳамма нарса муҳайё: битта сийқаси чиққан чақага бутун шаҳарни айланиш мумкин, уйида бўлса газ, иссиқ сув... Хуллас, гапирадиган суроби йўқ. Мен кира ҳақиға бир сўм беришни мўлжаллаган, ҳатто битта темир сўлкавойни ажратиб, ён чўнтагимга олиб ҳам қўйгандим. Бўлмади, бечорага раҳмим келди. Кўзимдан ёш чиқиб кетай деди. Ҳалиги сўлкавойнинг ёнига битта уч сўмликни қўшиб узатдим. Ҳа, қишлоқи бўлсак ҳам унча-мунча нарсанинг фаҳмига борамиз, акаси.

Алқисса, ошнамнинг рангини кўрдим-у, кўрқиб кетдим. Ҳалиям у кўнгли кенг, бағри бир олам йигит-да. Бошқа одам бўлса, “Туш-ей, пандавақи. Эшик ёпишни билмайсан, сенга машина минишни ким қўйибди. Ҳайда, тошингни тер! Э. қишлоқи!” деган бўларди. Ҳа-ҳа, тайин шундай дерди.

Ошнам бўлса, бечора тиши оғригандек афтини буриштирди, холос. Кейин босиқлик билан:

– Чамаси... эшик... яхши ёпилмади-ёв. Қайтадан... секинроқ ёпасизми? – деди.

Э, ўлма-е, акангди ошнаси. Хушмуомалалик бўлса шунча бўлар-да. Ичидан қиринди ўтсаям сир бой бермади-я. Бизди қишлоқди одами бўлса, ёқасини йиртиб, кўкрагига муштлаб, оҳ тортиб юборарди.

Машина ўрнидан қўзғалди. Шаҳар кўчаларининг равонлигини айтинг. Онда-сонда бирда-ярим ўйдим-чуқур учрашини ҳисобга олмаса, худди мойди устида сирпаниб бораётгандайсан. Энди, бу “Лада” жониворам молмисан, мол экан, чироқларим, сирасини айтсам. Ичини худди келинчакди уйи дейсиз. Ўриндиқларига бир балоларни қоплаганки, энди пар тўшакдай десам куласизлар-у, лекин ундан зиёд бўлса бор, кам эмас.

Алқисса, акангиз шўрликни оғзи анграйиб, калласи қаққайиб ўтираверсин, гапди ошнамдан сўранг. Ошнам қурғур икки гапди бирида орқасига қарайди. Нега қарайди дейман, фаҳмим олмайди. Устим чанг десам, эгнимда бир кун олдин магазиндан олган тринка костюм-шим, оёқда янги бўлмасаям паловди куйруқ мойини шимийвериб, ялтиллаб кетган патинка. Ўйлаб ўйимга етмайман.

Энди ростини айтмасам бўлмайди. Қишлоқда ҳеч кимга гап бермай юрамиз-у, шаҳарга борсак барибир қишлоқилигимиз билиниб қоларкан. Айбим нимада эканлигини ошнамнинг гапидан англадим.

– Ушлайдигани... эшикди тепасида, – деди у гуноҳкор одамдек ялиниб.

Буни маданият дейди, акаси. Уни ўрнида сен бировинг бўсанг “Ў, фаросатдан борми? Косовга ўхшаган қоп-қора қўлингни ўриндиқ суянчиғига қопланган оппоқ чойшабга ишқалаб кетаяпсан-ку” деган бўлардинг. Ошнам бўлса тўғри танбеҳ бериб, яна мен билан бирга қўшилиб уялди, қизарди. Буни бизда одамгарчилик дейди, мулозамат дейди, фаросат дейди, ўрислар “культур” дейди.

Мен хатоимни иложи борича тез тузатишга ҳаркат қилиб, жон ҳолатда қўлимни суянчиқдан олдим. Ҳалиги ушлагичга қўл узатганимни биламан, маши-



на чайқалиб кетмайдими. Акангиз ҳам мувозанатини йўқотиб, бир томонга қараб қийшайиб, эниб кетди-ку. Яхшиям эшикнинг ойнаси бор экан. Хум каллам шунга тақиллаб урилиб тўхтадим. Худо кўрсатмасин, очиқ бўлганда “лўп” этиб ташқарига чиқиб кетардим. Шошганимдан калламнинг ёрилгани ҳам сезилмади. Ишқилиб, ойна синмаган бўлсин деб пайпасладим. Хайрият, бутун экан. Бутунликка бутун эканку-я, лекин ичкаридан бирон жойда дарз кетган бўлса-я. Шунини ўйлаб, яна ошнамга қараб мўлтирардим. Ҳа, айтганим тўғрига ўхшайди. Унинг қовоғи уйилди. Ким билсин, ўша пайт ғазоби жўшиб, жони халқумига келган бўлсаям ажаб эмас. Э, Тангри табиат, тоза омади чопган одамман-да. Агар шу чоғ бошқа одам бўлса, етти пуштимнинг гўрига икки қатор қилиб пишиқ ғишт қалаб ташлармиди. Лекин ошнам... Э, баракалло-е жонига, ақалли “Кўзингга қарасанг бўлмайдими?” демади-я. Қилган иши енгилгина хўрсиниш бўлди. Мардликни қарангки, “Мол аччиғи – жон аччиғи”ни унутиб, менинг калламнинг ғамини еб ўтирибди-я. “Яша-е, одамди марди, валломати” дедим ичимда.

– Каллангиз... ёрилмадими?

– Бош ёрилса, дўппининг тагида, дейдилар, домолло, калла топилади, мошинанинг ойнаси синмаган бўлса бас.

– Қўрқманг, бунинг ойнаси пишиқ. Калла тугул, милтиқнинг ўқиям тешолмайди. Лекин... кўтариб-тушириш мосламаси... сал зада еди, шекилли... Ҳа, майли, ҳеч қиси йўқ. Бузилган бўлса, алмаштирамиз. Арзимаган пул туради.

Ориятли одамман, укалар. Ўша пайт мошиннинг таги шундай очилиб остидаги ер ёрилса-ю, аканг белигача кириб кетса. Аммо не илож қиласан. Мо-

шин юриб бораяпти. Лекин кўнглимга бир ният тугдим: мавридини топсам, шу ошнамга битта ойнани эшиги билан совға қиламан. Ахир, магазинда бордир, бўлмаса бирор кун келиб чиқаришар. Нархиям жа-а, отамди баҳоси эмасдир. Нари борса бир тўқлини пули бўлар.

Кўнглимга келган гапдан дилим ёришди. Яхши ният, мен сизларга айтсам укалар, одамди кўнглини равшан қилади. Лекин бу гапди ошнамга қандай айтаман. Айтсам, “Ў, ошна, назари пастлик қима. Мен сенинг ҳадянга зорманми” демайдим. Хафа бўлмай-дими?

Шуларни ўйлаб яна нафасимни ичимга ютдим.

Бир вақт чорраҳага келиб, қизил чироққа тўғри бўлдик. Қатор-қатор машина. Бизди ёнгинамизга бир ўрта яшар, чамамда, мен тенги ё мендан сал ёшроқ бир аёл қип-қизил машинасида келиб тўхтади.

Худо кечирсинку-я, лекин бир муддат кўзимни узолмай, гарангсиб қолдим. Йигит бўлиб бировнинг хасмига тикилиб қараган инсон эмасман. Бу ҳолатим ҳайронликдан бўлдим, қарахликдан бўлдим, ишқилиб не бўлса бўлди – аканг кўз узолмай қолди.

Нохосдан машина силтаниб олға интилди. Боя хаёл билан қўлимни тутқичдан олган эканман, беихтиёр яна олдинги ўриндиқнинг суянчиғига ёпишдим. Бир нарса “қарс” этди. Суянчиқ келиб кўкрагимга урилди. Жон-поним чиқиб кетди. Энди тамом бўлдим, шармандам чиқди, деб ўйладим. Бировнинг омонатини бир пул қилдим.

Алқисса, аканг қарағай мошинди суянчиғини кўкрагига босиб, дами ичига тушиб тураверсин, гапни ошнамдан эшитинглар.

Маълум бўлишича, навбатдаги чорраҳада қизил чироққа тўғри келибмиз-у, ошнам мен билан овора

бўлибми ё бояги қизил мошиннинг ичидагига маҳлиёликданми, тормозни сал кечроқ босиб қолган экан, олдиндаги мошиннинг қуйруғига тумшуқурибди. Ўзи айтяптики, олдиндаги мошин чорраханинг ўртасига кириб қолгани учун кетига юриб, унинг олдида қуйруқ тирабди. Кошки олдиндаги буни бўйнига олса. Паҳлавон бир барзанги экан. “Мен кўк эмасман-ку, сенинг олдинга орқа тирасам”, дейди.

Бировнинг орқасига урсанг-ку, албатта айбдорсан, аммо биров орқаси билан сенинг олдинга урсаям сен айбдор бўларкансан, Тортишув, ўртада аканг сарсон. Ялиниш, ёлвориш, сен қўй, сен айт, сеники маъқул, сеникияма тўғри. Хуллас, ошнам ўзининг олдиниям, барзангини орқасиниям ошнам тўғрилайдиган бўлди. Барзанги ошнамнинг хужжатларини шимининг орқа чўнтагига тикди. “Орқани созлаган кунинг қайтариб оласан”, деди ҳиринглаб ярамас. Тарқалишдилар.

– Мининг, кетдик! – деди ошнам менга. Йўқ, дўғлаганиям, зардаям қилгани йўқ. Шунчаки шовқинда эшитмаслигим мумкинлиги учун овозини сал баландлатиб айтди.

– Энди, бизди қўйинг, ошна! – дедим. – Энди биздики бўлди.

– Э, нима деяпсиз, уйга борамиз. Чойлашамиз! – тиқилинч қилди ошнам.

Кўнмадим. Бошқа сафар дедим. Хуллас, бир амаллаб қутулдим-у, тура қочдим. Бир ҳафтадан кейин бешта қўчқорни сотиб, пулини ошнамга олиб бориб бердим. Мошинларнинг таъмирига ишлатинг дедим. Олмаيمان, деди. Олмасангиз, бир умр юз кўришмас бўламиз, дедим. Хуллас, олди. Оғзига кучи етмаган бир-иккита гапхўрлар бўлса “Ҳаким қизини ўқишга пора бериб киргизди” деб иғво қилишибди. Хўв, каллаварамлар, дедим ўзимча, ҳамқишлоқ, мактабдош

дўстим бўлса, келиб-келиб мендан пора оладими, қайтага ўзи мен туфайли қанча харажату ташвишга қолди. Бешта қўчқорнинг пули нима бўлади. Керак бўлганда шаҳарда битта яхши зиёфатга етмайди.

Меҳмонлар қотиб-қотиб кулишди. Тошбўри ҳам жилмайган бўлди-ю, лекин ниманидир сезгандек маъюс тортди. Сухроб ҳам, Нурқобил ҳам гап Тошбўрининг отаси ҳақида борганлигини сезишганди. Шу боис Ҳаким акага ўпқаланганнамо қараб қўйишди.

Лекин Тошбўрини маъюс торттирган яна катта бир гап бор эдики, буни ҳозирча фақат унинг ўзи ва довдир биларди. Ана шу қалтис ҳангомани эса Нурқобил ҳам, Сухроб ҳам ва сизу биз ҳам сал кейинроқ эшитамиз. Чунки бу ғоят кулгили, айни пайтда жуда қалтис ва хавфли ҳазил фақат Ҳаким довдир ва Тошбўри Милтиқбоев билан эмас, Шоқувват Ўташев ва унинг укаси Бойқувват билан ҳам боғлиқ эди. Хуллас, бу ҳақда кейинроқ.

Ўша куни Нурқобил Сухробни кузатиб, уйига қайтгач, барибир ўйлаган ишини қилди. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи номига бир энлик мактуб битди: “Сувлидара ҳудудида гиёҳванд экинлар етиштирилиши қонунга мувофиқ ё номувофиқ эканлиги ҳақида расман жавоб беришингизни сўрайман.” Лекин барибир соддалик қилди: мактубни Сухробдан бериб юбориш ўрнига туман марказидаги почта қутисига ташлади.

## 18.

Шоқувват Ўташев ўзини қўярга жой тополмасди. Занжирбанд айиқ каби хизматхонада у ёқдан бу ёққа юлқинарди.

Ҳозиргина хабар қилишди. Бу гадойвачча унинг айтганини қилмасдан барибир юқорига хат жўна-

тибди. Хайриятки... почта бошлиғи ўзининг одами. Акс ҳолда, ким билади нима бўларди? Тўғри, вилоят ички ишлар бошқармасига борган хат ҳам... дарров бошлиқнинг кўлига тушмайди, у ерда ҳам “Кимсанов” сингари чўталини вақтида олиб турган укалар бор. Барибир ҳам айтиб бўладими? Умуман, кейинги пайтларда туманда унинг айтгани-айтган, дегани – деган бўлмай қолаяпти. Қаердаги қаланғи-қасанғи, зоти паст одамлар гапини икки қилади, панд беради, ҳатто... мавридини топиб ҳазил-мазах қилади. Битта мишиқи, бетайиннинг суробини тўғрилаб, укасига директорликни олиб беролмай ўтирганидан кейин у куймай ким ҳам куйсин. Умуман, бу ҳаёт ўзи номард ҳаёт экан-да. Йўқ эса аслида бундан йигирма йиллар олдин “Чашмизирак”, “Чорбоғсой” совхозларини ташкил этиш учун елиб-югурган, идорама-идора қатнаб суяги оқарган ким? Шоқувват Ўташев! Қишлоқма-қишлоқ, тоғма-тоғ сарсон кезиб, одамларга ташвиқот қилган: “Йирик давлат хўжалиги қудратли бўлади, водийларга, тоғ этакларидаги серҳосил дараларга сув чиқарамиз, ҳар кимга истаганча ижарага ер берамиз, боғ қиламиз, ток экамиз, чорванинг туёғини кўпайтирамиз, ҳамманинг қозони мойга тўлади”, деб бошини бириктирган ким? Ўташев! Аслида минг югурма, бу масала ҳал бўлмасди. Тўхтабоев билан ошналығы иш берди. Ўша кишининг бир оғиз гапи билан иш пишди – кўйди.

Иш пишишга пишдику-я, лекин энг йирик янги хўжаликка Шоқувват Ўташев эмас, Музроб Туробов тайинланди. Ўташевнинг номзоди ўтмай қолди. Шунисига келганда Тўхтабоев ҳам кучсизлик қилди. Тўғри, у Ўташевни Туробовга муте қилмай, кичкинароқ бўлса-да, юқорига ишга ўтказди. Кейин туманга раҳбар қилиб юборди. “Парво қилма, совхоз ҳам

барибир ўзингни, истаган одамларингни кўйиб, ўзинг бошқарсан,” деб тасалли берди. Ўташев буни тўғри тушунди. Янги директорга қарши зимдан “иш” бошлади. Совхозда унинг укаси Бойқувват ва содиқ маслакдоши Қилич Заҳҳоров ишлар, шу боис Ўташев у ердаги ҳамма икир-чикирлардан хабардор эди. Аризабозлик аввалига унча иш бермади.

Лекин узлуксиз текшир-текширлар директорнинг ҳам, бошқа ишловчиларнинг ҳам тинкасини қуритди. Одамлар кунларни иш билан эмас, “Эртага қаердан текширувчи келар экан, нимани текширар экан” деган ўй, таҳлика остида ўтказадиган бўлиб қолишди.

Хуллас, Туробов чидаш беролмади. Соғлиғини йўқотди. Истеъфога чиқди. Ўзи ариза ёзишга мажбур бўлди.

Бу гал совхоз муҳри Ўташевлар кўлига ўтиши муқаррар эди. Бойқувват Ўташев ҳам олий маълумотли мутахассис. Ҳозир бўлим бошқарувчиси, аввал марказий устахона мудирини бўлган. Тажрибали. Бироз ичишини ҳисобга олмаса, уни тайинлаш ҳам барча қонун-қоидаларга тўғри келади.

Йўқ, бўлмади. Яна бўлмади. Ҳаёт Ўташев ўйлаган қонун-қоидалар билан, мантиқ билан ҳисоблашиб ўтирмас экан. Қайси гўрдан пайдо бўлса бўлди, ҳалиги чўпонзода. Юрарди молдўхтурми, молтехникми бўлиб. Падарингга лаънат Горбачёвнинг “демократияси” ишнинг белига тепди. “Давлат хўжаликлари раҳбарлари ҳам минбаъд сайлов йўли билан тайинлансин”, деган кўрсатма келиб қолди. Сайловда Бўтаев ютди. Чунки уни Туробов қўллади. Ҳа, нима эмишки, Туробов айтибди: хўжаликни ўша боладан бошқа эплолмайди, кўтаролмайди, деб. Сайловчилар

қўйдай гап, собиқ директорнинг қутқусига лаққа тушишган.

Бунинг устига ўзиям ўйлаб ўтирмай, катта-катта ваъда берди, устози айтган бояги гапни тўтиқушдай такрорлади: “Боғларни кенгайтираман, қўй-эчкини кўпайтираман, завод-фабрика қураман, аҳолининг маошини ошираман, турмушини яхшилаймайман”, деб.

Яхшилаб бўпсан, яниб қўйди ўшанда Ўташев. Биз бор эканмиз, бу ерда ишлаган бегона раҳбарнинг чурраси тушади. Одамлар ҳам молдан баттар экан, Бойқувватнинг зиёфатларини ейишди, молларига қоп-қоп озуқани арзону текин олишди-ю, йиғилишда бирови чиқиб, “Ҳой, ўртоқлар, ахир, бу ёқда туманимизнинг мухтарам раҳбари Шоқувват Ўташев бор” демади-я. Қилич Захҳоров ҳам шарманда қилди. Минбарга чиқиб нуқул дудуқланди. Ақалли: “олган ҳақларингни оқламайсанми, нокаслар”, деёлмади. Шунда пастдагилардан бири “Э, Қилич ака, сизда ёзма нутқ ривожланган, оғзаки нутқ йўқ, ўзингизни бекорга азобламанг” деб қичқирмайдими. Бечора бор гапиниям йўқотиб қўйиб, минбардан тушиб кетди. Анови фирқоқўм котиби Усмон Шамсиев бўлса, “Ўртоқлар, ўзимиз катта-катта одамлар бўла туриб, майда гап, майда ишлар билан шуғулланиб юрмайлик” деб қочирим ҳам қилди. Бефаросат Ҳаким чўпон бўлса, гапирган гапининг маъносини тушунмай алланима балоларни алжиради.

Аввалига куракда турмайдиган масхарабозлик қилди, нима эмиш, агар Бойқувват Ўташев аҳолининг молига арзон озуқа тарқатган бўлса, майли, ўша арзон емга тўйган моллар унга овоз бераверсин, биз қаршилиқ қилмаймиз, лекин эси-жағи, тили-дили бор одамларни муносиб номзод – Нурқобил Бўтаевга овоз беришга даъват этамизмиш. Ҳе, ҳазилинг

қурсин, касофат. Сенинг молдан нима фарқинг бор? Ўзиям мулзам бўлиб кечириб сўрадику-я. Лекин дарров минбардан тушмай, яна сафсата сўқиб ёқимсиз, сассиқ сайради:

– Хўжаликни кўтариш учун унга қанот бўлиш керак, мардларча ишлаш керак, оғалар, – деди у. – Лекин кўпчилик эси пастлар хўкизнинг чотига ёпишган канага ўхшаб, ёрдам у ёқда турсин, ўз ҳолига қўймайди. Бир ҳисобга шуларникиям тўғри, ҳаром қондан фориг қилади. Лекин ҳаром қонга тўйиб олгандан кейин ўзларининг ҳоли нима кечишини ўйламайди. Ахир ҳаром қон ҳам одамни... наша каби хумори, гиёҳванд қилиб қўяди. Охири заҳарлаб ўлдиради, биродарлар.

Ўташевнинг юраги шувиллади, “бу қиззиғар нимага шама қиляпти, бирон гапдан хабари бор-ов, бирон нарсанинг ҳидини олдимикан” деб ўйлади у. Ҳар тугул ўшанда бу шама шамалигича қолиб кетди. Лекин янги директор биринчи кунлардан ўша томонга от солгани бежизмикан? Анови чўпон шипшитмаганмикан?

Довдир Ўташевларга узоқ қариндош эди. Ўзиям унча ёмон одам эмас, бефаросатроқлигини айтмаса. Кулгили гап қиламан деб қовун тушириб, боягидақа изза бўлиб юради. Лекин.. қизталоқнинг ўшандаги шамаси бекор эмас экан. Шу сасиган: анови жойларда шунақа ишлар бўляпти, директор бўлсанг, тартиб ўрнат, деган. Бўтаев бўлса, бошда ўламсалик қилиб, бу ёқда киши билмас, хат жўнатиб юрибди.

Албатта, калаванинг учини топиш, масаланинг тагига етиш керак. Гап қайдан қочди? Аввал мавридини топиб, анови девона қўйбоқарни бир исқанжага олиш керак...

Ўша йиғилишдан кейин Ўташев атай довдирнинг



отарига ўтди. Йўл-йўлакай хаёл сурди. Тўхтабоев бу сафар ҳам ҳиммат қилмади. Ахир “даштда ҳали одамлар раҳбарларни сайлашга тайёр эмас, сиёсий онги етмайди”, деган баҳона қилди. Бойқувватни тайинлаттириб юборса бўларди-ку. Ундай қилмади. Нега? Қўрқдимми? Ҳоҳламадимми? Чамаси у Ўташевларни умидвор қилиб, соғиб юраверишни хоҳлайди. Агар орзусига тез эриштириб қўйсам, беминнат дастёрдан маҳрум бўламан, деб ўйлайди, шекилли. Йўқса, Тўхтабоевдек киши учун бир совхозни олиб бериш нима деган гап. Ахир Ўташев билади-ку. Вилоятдаги хўжаликларнинг раҳбарлигини Тўхтабоевнинг шахсан ўзи тақсимлайди. Қанча-қанча одамларнинг толеи кулди унинг саховатидан. Лекин Ўташевларга қолганда, нукул “Шошманг, хурсанд бўласиз” деб келаяпти. Йўқ, бу ерда бир сир бор. Тўхтабоев ниманидир яширади. Айтишни, очиқ маслаҳат қилишни хоҳламайди. Ўташев энди аниқ ишонч ҳосил қилди. Луқмон Тоҳирович пихини ёриб юборган экан. Аммо у Ўташевни анойи деб ўйлаяпти. Керак бўлса Ўташев ҳам ўзини кўрсатади. Сувлини ҳам, бошқа жойларни ҳам шундай боплаб йўқ қиладики, Тўхтабоев ёқа ушласин. Ўташевга фақат мол-дунё керак эмас. Унга бир чимдимгина яхши ном, катта обрў ҳам зарур. У Тўхтабоевни шошилини чоралар кўришга, Ўташев билан ҳисоблашишга мажбур этади. Бойқувват совхозга, Ўташевнинг ўзи районга эгалик қилади. Албатта эгалик қилади! Ўргилдим Тўхтабоевнинг сохта одамгарчилигидан. “Марҳум чўпоннинг ўғлини директор қилиб кўтарсак, халқ орасида обрўйимиз ошади” эмиш. Фақат сизга керакми обрў? Биз қон ютаверайлиг-у, у кишининг обрўлари ошаверсин. Йўқ, бунақаси кетмайди! Қиличбойни “қиндан чиқариб”, етарлича ҳужжатлар билан Москвага жўнатиш керак. Тўхта-

боев ўзи илиниб юрибди, Итлянчилар келганидан бери егани ичига тушмайди. Битта “пуф” билан учиб кетиши мумкин. Ўташев довдир билан мактабдош эди. Шоқувват болаликдан бўйдор, девсифат бўлиб улғайди. Ҳозир унинг салобатидан унча- мунча от хуркади. Довдир қайси бир маъракада шундай хурматли одамниям кулги қилган. “Сизни кўрсам, одам кўргандай бўламан-да, Шоқувват ака, деди довдир. Кўрсам кўзим тўяди.”

Довдир бу кутилмаган ташрифдан сергак севинди. “Янги директоримизни олакелмабсиз-да”, дея ўсмоқчилади. “Ўзимиз хешмиз-у, Ҳақимбой, бошқа воситачининг не даркори бор”, деди Ўташев. “Буям ҳақ гап”, деди довдир ва узоқ холаваччасининг хурматига тўқли сўйди. Дастурхон ёзилди. Тўқлининг бир қисми шўрва, бир қисми димламага ажратилди. Ярмини бузмай Ўташевнинг машинасига солишди. Ўташев ҳар қанча тиришмасин, бу илтифотдан шумлик белгисини тополмади. Шунинг учун бояги ярим кўйниям рад этмади.

– Оббо, шуниси шарт эмасди-ку, – деди номига.

– Оббоси борми, бегона эмассиз-ку, – деди довдир. – Падари бохурматингиз отамнинг жондайгина холаваччаси бўлган, ака. Оғайни-қариндошлик, меҳр-оқибат мана шунақа борди-келди билан-да. Сиз яна совхозди кўйидан сўйди деб ёмон фикрга борманг. Чашмизиракнинг сувидай ҳалол – ўзимни кўйим. Бултур кўзилатишдан кейин элликта кўй мукофот олганимдан ўзингизниям хабарингиз бор-ку. Мен мукофотни нимаям қилардим. Битта қиз, бир ўғлим бор, минг шукр, қизимнинг ойлиги ўзидан ортади. Кампирим, ўғлим уччовимизнинг яримта нон билан қорнимиз тўяди. Икки чўпоним – Эшпўлат билан Умрзоқ ҳам Арабистонди пошшасидан кам яшамай-

ди. Ўзига тинч. Ҳар ой битта қўйни сўйиб, шаҳардаги ўзимга қадрдон етимхонага жўнатаман. Сизга айтиб, рухсатингизни олгандим шекилли. Эсингиздадир. Э, бу дунёда меҳр-оқибату, хайру саховат қолади, қариндош.

– Эсимда-эсимда, бўлабачча, – деди Ўташев ва ароқми ё довдирнинг қўлбола қимизи сархуш қилдими, ийиб кетди. Бу Ҳаким лақма бўлсаям, одамгарчилиги яхши, деб ўйлади. Қўли очик. Шалдир-шулдур қилиши – тарбияси бўшлигидан. Ничево, йўлга солса бўлади. Уни ўзимизнинг тарафга оғдириб, беминнат хизмат қилиб юрадиган гумаштага айлантириш лозим.

– Қизингиз мактабда ишляаптими? – сўради у довдирдан.

– Ҳа, чет тилидан дарс беради, – ғурурланиб жавоб қайтарди довдир.

– Яхши ишлаб юрсин... Насиб этса... Директорини... бошқа ишга ўтказмоқчиман. Ўрнига жиянчадан бошқа номзод излаб юрмасак ҳам бўлар.

– Йўғ-е, Ойсифат ҳали ёш-ку. Бироз ишласин. Директорлик бўлса қочмас.

– Қизиқсиз, – деди Ўташев димламанинг юмшоқ гўштини чайнай туриб. – Ақл ёшда эмас, бошда. Қолаверса, келажак – ёшларники. Мана, менинг жияним – Тошбўри. Яхши танийсиз. – У довдирга синовчан тикилди. Тошбўрининг Ойсифат билан муносабатидан довдир хабардор эканлигини у яхши биларди. – Камтар, билимли йигит. Биз ўшанинг оталигини олганмиз. Келган заҳоти бош врач қилиб қўяй, десам кўнмади. Тажрибам ошсин, дейди. Барибир, эртами-индинми бош врачлик ўшаники. Уни бош врач қилсак, қизингиз мактабга директор бўлса... яхши-да. Маҳаллий раҳбарларнинг барчаси ўзингизникидан бўлганга нима етсин.

Довдир индамади. У чиндан ҳам Тошбўри қизига харидор эканини билар, лекин Тошбўрининг раҳнамоси Ўташев эканлиги уни сал иккилантирарди. Ўташев аввалги хотинидан ҳам ўғил кўрмаган. Шунинг учун Тошбўрини ўғил қилгиси, уни уйлантириб, шу ерда ишлаб қолдириб, неvara суйгиси келади. Тошбўри ҳозир Ўташевникида яшайди.

– Ҳа, нимага ўйланиб қолдингиз, қариндош, – деди Ўташев сергўшт бир суякни ғажир экан.

– Йўқ, ўзим, қани катта-катта олинг, – деди довдир. У нозик масалаларга дуч келганда жиддий тортиб қоларди. Кейин у қизига мансаб керак эмаслигини ётиғи билан тушунтирди. Эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди.

– Энди, қариндош, гап бундай, – деди хаёлида ғоят улуғвор бир ғоя туғилган Ўташев ёғли кўлини сочиққа артаркан. Унинг овози бирдан пасайди. – Бир иш қилсак. Сизгайм, бизгайм эмас. Болаларимизнинг келажаги учун.

– Хўп-хўп, қани, эштайлик, – деди довдир. Хаёлидан “Бу яна нима қитмирликни ўйлади экан” деган фикр ўтди.

– Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ танлови якунига кўра ғолибарга биттадан енгил машина текин бериладиган бўлиб турибди. Ўшанга сизни ғолиб қилиб илдирсам-да, нарёғини келишсак. Нима дейсиз?

–Э-э, қариндош, менинг нимами ғолиб қиласиз, ўртача ишлаб юрган бир одам бўлсам.

– Зато, ҳалол ишляпсиз! – хитоб этди Ўташев. Бу гапдан Довдирнинг боши осмонга етди. Умрида бир марта рост гапни айтди-я раҳбар бўлсам, деб Ўташевнинг пешонасидан ўпгиси келиб кетди. Ўзини зўрға тўхтатди.

– Ҳай-ҳай, бунақа қаттиқ мақтаманг, одамни,

инпарк қилиб кўясиз, бўла, аммо-лекин ҳалоллик учун мукофот бериладиган бўлса оламан!

– Шартини ҳам бажарасиз-а?

– Э-э, айтинг, луббой шартни адо этмаган – номард! Бир кўшиқ бўлгич эди: “Этик ечмай сув кечайми, истасанг ойга учайми” деган. Камига ўша кўшиқни ҳам куйлаб бераман жонли ижрода!

– Келишдик, эмасам шу бугуноқ киришаман, – деди Ўташев...

Киришди, ҳал қилди, чўпон эса... майли, бунинг тафсилоти кейинги бобда, ҳозир Ўташев Нурқобил борасида муҳим қарорни қабул қилиши керак. Бу гал у ҳалиги одамни туманга чақириб ўтирмади. Машинасидаги рация орқали буйруқ берди:

– Заҳматкаш чорвадорларимиздан бир неча кишини хушҳаво санаторийлардан бирига дам олишга жўнатишимиз керак. Тезроқ йўлланма масаласини ҳал этинг!

– Амрингиз вожиб! – деган жавоб эшитилди радиотелефон гўшагида.

Бу қисқа ва кескин суҳбатнинг асл маъно ва мазмуни ҳаво мавжларининг икки томонидаги маслағи муштарак касларга ва зийрак китобхонимизгагина аён. Бошқалар тўғрилиқча тушуниши ва: “Қаранг-а, қандай филантроп, яъни инсонсевар раҳбар экан бу Ўташев жаноблари” деган хаёлга бориши турган гап.

Алҳол янги бобни дарж этароқ каттаконнинг оддий бир чўпон кўрғонига қилган ташрифи натижа-ю оқибатлари тафсилотига ўтамиз.

## 19.

Каттакон бўла, яъни Ўташев яхши кайфият ва қатъий аҳд билан кетганининг самараю ҳосиласи довдир тақдирида тезда яққол акс эта бошлади. Ав-

вало уни вилоят марказидаги нуфузли анжуманга чақиришди. “Тайёрланиб тулинг, нутқ ирод этиб қолишингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас”, дея огоҳлантириб ҳам кўйишди. Ва баногоҳ: “Сўз, донгдор ва дипломдор, яъни, олий маълумотли чорвадор, бундан ташқари нафаси ўткир бадиҳагўй бахши шоир чўпон, энг муҳими ноёб инсон Ҳаким Ўнғаловга берилади!” деган бэғоят салмоқли ва ёқимли, жарангдор садолар янгради улкан мажлисхона узра.

Довдир минбарда. Унга умрида биринчи марта сўз беришди. Бу Ўташевнинг шарофати. Дарвоқе, у ҳалиги ваъдалашувдан бир ҳафта ҳам ўтмай, кутилмаганда катта-катта лавозимдаги меҳмонлар билан довдирнинг кўрасига ташриф буюриб қолса бўладими! Кимсан, Тўхтабоевнинг ўзлариям келган экан. Довдирнинг оёғи олти, кўли етти бўлиб қолди.

– Уринманг, биз йўл-йўлакай кирдик, – деди Ўташев. – Ўртоқ Тўхтабоев Сувли, Ҳаётбоши томонларни кўриб, Пангатга ўтмоқчилар. Бир олқор овлаб кўнгил ёзмоқчилар, дам олиш ҳам керак, ахир. Сизни илғор чўпонларимиздан, олий маълумотли, шоир чўпон деб мақтадик. Шунинг учун ҳам бир кўриб кетай, суҳбатини олай, дедилар.

Тўхтабоев довдир билан кўришар экан, уни синчковлик билан кўздан кечирди. Кейин жилмайди.

– Олий маълумотли чўпон! Бунинг устига шоир! Зўр, зўр! Маладес, ўртоқ Ўташев! Кадр масаласида балосиз. Умуман, бундай хушманзара жойларда ҳар қандай одам ҳам шоир бўлиб кетади. Нима дедингиз?

– Ҳа, энди...

– Қойил, қойил, – деди завқи келиб Тўхтабоев. – Қаранг-а! Қадимда подшоларимиз ҳам шоир бўлишган. Эндиликда ҳурматли раҳбарларимиз шоир, шоирларимизнинг ўзлари-ку шусиз ҳам шоир, мана энди

чўпонларимиз ҳам шоир. Нақадар ажойиб элимиз бор-да. Юртимизнинг гўзаллигини айтинг. Бундай юртда яшаган бирон-бир кишининг шоир бўлмасликка ҳаққи йўқ. Қани, шиғирлардан эшитамизми?

– Луқмон Тоҳировичнинг ўзлари ҳам ишдан бўш вақтларида ғазал ёзиб турадилар, – дея луқма ташлади Ўташев.

– Луқмон Тоҳировичнинг ғазаллари тарихдаги ҳукмдор шоирлар Бобур Мирзо, Ҳусайн Бойқароларниқидан қолишмайди, деди туман рўзнамасининг бош муҳаррири. Тўхтабоев унга кескин ўгирилиб, ўқрайди:

– Сиёсий савод борми оғайни, Бобир босқинчи, Бойқаро ичувчи бўлган-у! Ўхшатган одамларингизни қаранг-у! Ё... партия сиёсатига қаршимисиз?

– Марказқўмнинг мафкура бўйича котибаси Аъло Раҳимовна яқинда ўтказган йиғилишга бу киши касал бўлгани боис боролмаганди, – изоҳ берди Ўташев. – Узр...

Довдир чечанлик билан вазиятни юмшатди:

– Менимча, Луқмон Тоҳировичнинг ғазалларини... ҳазрати Навоийниқига ўхшатсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ўзлари ҳам узоқроқдан ўша... кишига ўхшаб кетадилар.

Аламзада муҳаррир узиб олмоқчи бўлди:

– Ҳаким ака, сиз Алишер Навоийни кўрганмисиз?

– Киносини, – дея унинг оғзига урди довдир. – Айтишларича, кинодаги актёр – Раззоқ Ҳамроев ул мухтарам зотга қуйиб қўйгандай ўхшар экан.

Довдирнинг хушомадидаги истехзони сезса ҳам сезмасликка олган раҳбар ижод борасидаги мунозарага кинояомуз нуқта қўйди:

– Асарларни тўплаб китоб қилиш керак, оғайни, – деди Тўхтабоев. – Сизнинг истеъдодингиз маҳсулотидан халқимиз баҳраманд бўлсин.

– Шундай ниятим бор, – деди секингина доводир.

– Ниятингизга етказамиз. Исмингиз нима эди, Ҳаким, дейсизми, демак “Девони Ҳакимий” бўлади. Агар бирон ёрдам керак бўлса, берамиз. Тегишли ташкилотлар билан гаплашиб, бир ҳафтада чиқариб юборамиз. Бир-икки адабиётшуносларга тайинлаб, матбуотда мақтаттирамиз, уларнинг тарбиявий аҳамияти тўғрисида қарор қабул қиламиз. Кейин... мактабларга тарқатиб, ўқувчиларга ёдлаттирамиз. Қарабсизки, катта шоир бўлиб, тарихдан жой оласиз.

– Катта раҳмат, ғамхўрлигингиз учун, Луқмон ака.

– Вилоятимиздаги барча мактабларнинг ўқувчилари Луқмон Тоҳировичнинг ғазалларини ёддан билишади, – ялтоқланди муҳаррир. Тўхтабоев энди бироз юмшаб, лаганбардор мулозимга маъқулловчи нигоҳ ташлади. Сўнгра доводирга ўгирилди:

– Хўш, энди ўртоқ...

– Ўнгалов, – дея изох берди Ўташев.

– Ўнгалов! Қани, бир талантингизни кўрсатиб шеърлардан ўқинг-чи. Йўқ, шошманг. Яхшиси, бундай. Яқинда бир катта кенгаш ўтказаяпмиз. Ўшанда сўзга чиқиб, тажрибаларингиз, ютуқларингизнинг сирлари ҳақида гапирасиз ва битта зўр шеър ўқиб берасиз, келишдикми?

– Хўп бўлади, – деди доводир икки қўлини кўксига қўйиб.

Ўташев ҳам бу гапга ҳеч нарса дея олмади. Ҳолбуки, доводир ўртамиёна чўпон. Рекордчи эмас. Қолаверса, унинг ақалли бирорта орден-медали ҳам йўқ. Тепадаги мулозимлардан айримлари эътироз билдириши мумкин. Аслида у ҳалиги мукофот масаласини унча катта шов-шув кўтармасдан, ими-жимида қилишни мўлжаллаганди. Ҳай, майли, бир ҳисоби бўлар...



Довдир Ўташевнинг хаёлидан ўтган гапларни пайқади. Мийиғида кулиб қўйди.

Мана кенгаш. У минбарда. Хаяжонланаяпти...

Кеча Нурқобил, Ўташев уни роса пишитишди. Ўташевнинг шахсий мирзоси – туман рўзномаси муҳаррири ўринбосари, шоир Ҳамидулло Пўлотий унга нутқ ҳам ёзиб берди. У кечаси билан нутқ ёдлади.

– Ўзимизга юқори, ўрта ва қуйи ташкилотлардан берилаётган қимматли кўрсатмаларни изчил бажара бориб ҳамда ўлка, воҳа, вилоят миқёсидаги кенгаш ва йиғилишлар қарорларини ҳаётга оғишмай татбиқ этиб, ўзаро мусобақани кенг қулоч ёздириб юбориб, ғамхўрликлардан чексиз илҳомланиб ишлаб, юксак натижаларга эришмоқдамиз, – деб бошлади нутқини довдир. Кейин совхоз ҳақида озгина гапирди-да, ўзининг мақтанишга арзимайдиган ўртача кўрсаткичлари ҳақида кўп тўхталиб ўтирмасдан, улуғвор режаларга ўтиб кетди.

– Келгусидаги мўлжалларимиз янада улкан. Ҳозир масъулиятли мавсум – қўзилатишни авж олдирмоқдамиз. Ҳаммамиз учун ҳурматли ўртоқ Тўхтабоев отаримизда бир неча марта бўлиб, ишимизни яхшилаш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар. Шунинг натижасида қўйларимизнинг аксарияти эгиз туғмоқда. Фақат бизнинг отарда эмас, қўшилари-мизда ҳам шу аҳвол. Совлиқларимиз муддатидан бирмунча олдин ёппасига қўзилашга киришдилар. Бунинг учун сизга воҳамизнинг барча чўпонлари номидан чексиз миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсиз, азиз ва мўътабар ўртоқ Тўхтабоев!

Энди талаб ва топшириқларга биноан шеърий машқларимдан биттасини ўқиб эшиттиришга рухсат бергайсиз:

## Юз кўйдан уч юзтага етказиб кўзи олган рекордчи чўпон дўстимга!

Қир-адирда яйрар сенинг кўю кўзинг,  
Доим баланд чўққиларни кўзлар кўзинг.  
“Олға юринг!” – ҳамкасбларга айтар сўзинг  
Минг офарин, баракалла, қойил сенга.

Юз-икки юз – планларни дўндирасан,  
Бир ёнига кўша нолни кўндирасан.  
Керак бўлса йўғини ҳам йўндирасан  
Минг офарин, баракалла, қойил сенга.

Бир отардан уч-тўрт отар ясаб кўйдинг,  
Тежамкорсан, кўй ўрнига эчки сўйдинг.  
Томоқдан ҳам қисдинг, емай ялаб тўйдинг  
Минг офарин, баракалла, қойил сенга.

Кўй-кўзингга дала-яйлов тўлиб кетди,  
Итларинг зўр, бўри-тулки ўлиб кетди.  
Чашмизирак қорақўлзор бўлиб кетди  
• Минг офарин, баракалла, қойил сенга.

Кўксинг тўла орден-нишон, армонинг йўқ,  
Доим рост гапирасан, ёлғонинг йўқ.  
Олға дейсан, тўхтамоққа имконинг йўқ,  
Жонгинангга тўзим берсин, қойил сенга.

Тўхтабоев Ўташевга нимадир деб шивирлади. Кейин билдик-ки, у киши: “Ну заче-ем, ахир бўри билан тулки ҳам яшаши керак-ку она табиат кўйнида”, деган донишмандона танбеҳ берган эканлар туманбошига. Ўташев олдинги қаторда ўтирган Пўлотийга еб

қўйгудек бўлиб қаради: бунақа бўш шеърни “бўлади” деб ўтказиб юборганини қаранг. “Тўлиб кетди”, “ўлиб кетди” эмиш. Шундай тантанали анжуманда бундай ёқимсиз сўзларга бало борми?

Қўлларни қавартирувчи гулдурос қарсақлар... Овоз пайчаларини йиртиб юборувчи наърадор олқишлар... Ўташев Тўхтабоевнинг қулоғига нимадир деди. У маъқуллаб бош ирғади. Довдир ўзида йўқ хурсанд.

Ўташев ҳам пировардида барибир хурсанд бўлди. Чунки вилоятбоши унинг режасини маъқуллаган, “сал телбанамо бўлсаям, оригинал нусха экан” деди Ҳаким чўпон ҳақида. Лекин қувончи бунақага айланишини билмаган экан. Нега? Негаки, довдир уни гўсхўр, яъни ҳариф қилмоқчи бўляпти. Шундай одамни-я!

Ўташев эса келиб-келиб ўша баттол довдирга ишонгани учун пешанасига муштлаб ўтирибди. Ахмоқ бўлмаса, ўша қитмир билан юмуш қиладимми...

Нима бўлди дерсиз. Нима бўларди, довдир яна қовун туширди. Ўша кунги келишувига кўра Ҳаким довдирга бир “Нива” мукофотга бериладиган бўлди. Машина тўйгача олдин довдирникида, кейин бошқа ишончли жойда туради. Кейин сотилиб, пули Тошбўри билан Ойсифатнинг тўйига харжланади.

Довдир машинани олиб келиб кўрасига киритгунча яхши эди. Икки-уч ойдан кейин Бойқувват “Нива”ни олиб кетиш учун борса, тўнини тесқари кийиб олганмиш.

– Ҳаким ака, мошинни опкетсак дегандик.

– Қанақа мошинни?

– “Нива”ни-да, бизнинг “Нива”ни!

– Сизнинг “Нива”ни? Ўв, ука, жийда-пийданинг тагидан ўтиб келдингизми, сизларни “Нива” бу ерда – тоғ орасида нима қилади?

– Хўп, ана боринг, сизнинг “Нива”ни!

– Э, ҳа, бизнинг “Нива”ни денг. Хўш, биз мукофотга олган “Нива”га сизнинг неча пуллик ишингиз бор?

– Энди... Бизга... сотдингиз ҳисоби-да! Топшириқ шундай. Акам айтди.

– Москвадай жойдан мукофотга келган мошинни сотиб... жинни бўлганим йўқ.

Хуллас, у деса у депти, бу деса бу депти, кўнмапти. Охирида “Майли, номардлик бўлмасин, мана, суюнчисига битта кўчқор бераман, аслида шуниям бермаслигим керак эди, пора деб ўйлашлари мумкин, ҳамонки, бир томони ақрабочилик, иккинчи тарафи келгусида қудачилик ниятида экансизлар, қуруқ кетманг,” дебди. Бойқувват қарайдики, сал бўлмаса шундан ҳам айниб қоладиган. Индамай кўчқорни олиб қайтиб келаверган. Ўташев очкўз укасини роса сўккан. “Гадоймисан, ўн беш минг долларлик мошиннинг жаддига битта кўчқор олиб, гўсхўр бўлиб келаверадиган, эшшак!” деган. “Суюнчига берди-да”, деган Бойқувват йиғламсираб.

Шундан кейин Ўташев: “шошмай тур, ҳали шундай хонаси келадики, онадан туғилганингга пушаймон қилдираман”, деди-ю, тишини тишига қўйиб юрди. Бир йиғилишда доводирни кўриб, ишхонасига чақирди. Ясама кулги билан ўпкаланди:

– Бу, қариндош, йигитнинг гапи битта бўлгич эди. Орқага... сийворибсиз. Сал тушунмадик бу ишингизга.

– Аввало... Сиздай оқилу доно, маданиятли одам... ношоён сўзлар айтиб, оғзингизни ҳаром қилишингиз яхши эмас. Иккинчидан... Нимасига тушунмайсиз, – деди доводир кулиб. – Ҳаммаси келишилгандай. Тўйдан кейин келин-куёвга совға қиламан.

- Энди... узр-ку, агар кўпол гапирган бўлсам, ўзингизам... анови Бойқувватга битта кўчқор бериб, тўғри қилмабсиз, "пора" дейилади қонунда бунақа арзимаган "ҳадя"лар. Майли, ҳалиям мен кечирдим. Чунки бўлғусида қариндошмиз. Мошин масаласида мен ҳам ўша ниятдаман. Бироқ биласизми... ўшанда... бир нарсани ҳисобга олмаган эканмиз. Ҳозир ўзингиз тушунасиз, "Нива" тугул оддийроқ бир "Жигули" олиш осон эмас. Камёб мошин, унча-мунча отлиққа ҳам йўқ. Унинг бир оз харажати, ҳалиги нима эди, ҳа, "шапка"си бор экан. Тўлашга, хуллас, анчагина харажат тортишга тўғри келди. Ахир қўлда фалон пул... Сал бундайроқ сотиб, тўйнинг харажатларини қоплармиканмиз, дегандим. Болаларга бошланишига "Москвич-посквич" олиб бериб турсак ҳам бўларди.

- Сотсак қанчага оларкан, ҳозир? - деб сўради ўзини овсарликка солиб довдир.

Ўташевнинг юзида жонланиш ифодаси пайдо бўлди.

- Камида ўн беш минг доллар. Харидор бор. Сизга... майли, яхши хизмат қилдингиз, икки мингини бераман.

Ўша пайтлар советнинг пули тобора қадрсизланиб, олди-сотдиларда америка пулига эндигина русм бўла бошлаганди. Шунинг учун Ўташев кўшимча изоҳ берди:

- Бу ўзимизнинг пулнинг икки ярим баравари. Тушуняпсизми!

Довдир аввалига уқувсизроқ мутойиба қилди:

- Советнинг гулдай мошинасини империалист Американинг чиркин долларига сотсак... социалистик ватанга хиёнат бўлмасмикан ишқилиб? Коммунизм қурувчисининг ахлоқ Кодексига, адолатли совет қонунларига зид эмасми, бўла?

– Қўйинг унақа демагогияни, доллар – халқаро валюта, бутун жаҳон у билан савдо қилади. Ҳадемай унинг битта қоғозига советингизнинг пулидан бир қопини алмаштирадиган бўласиз.

– Во-о, қиззиғар-ей, шунақа бақувват пулми Американики? Қаранг-а!

– Шунақа. Хўш, нима қилдик. Харидорни чақиртирайми?

– Бир ўйлаб кўрай, бўлажон, – деди довдир. – Биласиз, яхши бор, ёмон бор. Бирон йил муҳлат беринг. Атрофлича ўйлайин.

Ўташевнинг жони ҳалқумига келди. Қани энди, иложини топса-ю, бу галварснинг бурнини стол устидаги манови “Ахлоқ кодекси”ю “Қонунлар мажмуаси”га роса ишқаласанг-да, кейин девордаги СССР-нинг биринчи (ва охириги эскартиш бизники) президенти расмини шартта олиб, калласига солсанг. Ҳа, аттанг, замон кўтармайди. Ҳозир демократия ва ошкоралик даври.

– Боринг, ўйланг, – деди зарда билан, – умрингизнинг охиригача ўйланг. Лекин эҳтиёт бўлинг, кўп ўйлаб, бундан ҳам баттар савдойи, охири ғирт тентак бўлиб қолманг...

Кеча эшитса, девона чўпон “Нива”ниям ҳалиги етимхонага тухфа этибди. Вой аҳмоқ, вой дуррак, вой нон емас чувринди!

Мана шунақа гаплар. Унга, Чашмизиракнинг кўзириман, деб юрган Шоқувват Ўташевга фириб беришди. Икки йилгина аввал бўлсайди... Кўзига кўрсатардику-я бу нонтепкиниям, бошқалариниям.. Эҳ, эсиз... эсиз. Замон бошқа... қайта қуриш, жадаллаштириш, демократия, ошкоралик.

Аслида аввалроқ, мисол учун чўпоннинг транзистор радио орқали “Америка овози”ни эшитиб юр-

ганидан хабар топган кунларида... Ёки бўлмаса хув ўшанда, Тўхтабоев билан довдирнинг отарига иккинчи марта борганларида жойини солиб юбориш керак экан лаънатининг. Жуда қулай маврид келганди-я ўшанда. Лекин Ўташев бағрикенглик қилди. Мактабдошлик, ҳамқишлоқлик, қолаверса, бўлғувси қариндошлик хурматини ўйлади. “Султон суягини хўрламайди, камина аллақанақа зоти пастлардан эмаксман-ку оддий бир чўпон билан пачакилашиб юрадиган. Мен султонман, у эса чувринди бўлсаям аймоқдошим. Акс ҳолда, бу бефаросат, вайсақи довдирни ё “сиёсий жиҳатдан” айблаб, ёхуд кўтонидан кўкнор ширасими, автоматми, патрону гранатами топтириб, қаматиб юбориш мумкин эди.

Тўхтабоев ҳам қизиқ. Кўр кўрганини қўймайди, деганларидек, Сувли томонга ўтар бўлса, “Ҳалиги шоир чўпонни бир кўриб ўтайлик” дейди. Ўша сафар ҳам маишатдан сўнг довдирнинг кўрасига тушиб, унинг алмойи-жалмойи гапларини эшитгиси келиб қолди. Суҳбат яхши бошланди-ю, охирига бориб тахирлашиб кетди.

Тўхтабоев бепоён даштларга, уфққа туташиб кетган кенгликларга ютоқиб тикилди. Нуробод тумани майдони Хоразм вилоятидан катта. Унинг ҳудудига Европадаги икки-уч давлатни жойлаштириш мумкин.

– Қани энди... бу даштларга пахта эксак. Афсуски, сув... Ничево! Сув бўлади. Айтгандай, Ўташевич, нимага бу даштда бунча қабристон кўп. Майда-чуйда қабристонлар. Бунинг устига очиқ-сочиқ? Ну заче-ем?

– Эскилик сарқити, Луқмон Тоҳирович. Ҳар бир уруғнинг, аймоғу қабиланинг қабристони алоҳида. Биз бу масалада ҳам хутор системасини тугатиш,

қабристонларни ҳам марказлаштириш чораларини кўряпмиз. Ахир доно партиямиз келгусида ҳеч қанақа миллат бўлмади, СССРдаги барча аҳоли ягона “Совет халқи”га айланади, деган ғояни илгари сурмоқда.

– Тўғри айтасиз, мен ўзи шу “миллат” деган сўзним ёмон кўраман. Қандайдир агрессив маънога эгадек туюлади. “Халқ”, деган сўз менга кўпроқ ёқади. Қофиялашга ҳам қулай. Мана масалан: “Эй она халқ, қуёшдай балқ, оёққа қалқ!” Лекин яйловларга пахта экилса хўп бўлиб беради-да. Ахир, минг йилдан бери қўй боқилади. Маҳаллий ўғитга тўлиб кетган.

Довдир гапга аралашмоқчи эмасди. Лекин шайтон тилининг тушовини узиб юборди. Тиржайиб истеҳзоли гап кўшди:

– Мозоротларниям текислаб пахта экиш керак. Қабристондаям... ҳосил жуда мўл бўлади. Ахир, улардаям асрлар бўйи одамлар чириб, ўғит бўлиб ётибди.

Тўхтабоев кўзини олайтириб қаради. Довдирнинг тиржайиб турганини кўриб “Лақма чўпон ноўрин ҳазил қилди-да” деб ўйлади шекилли, шаштидан тушди. Кулиб, довдирга масхараомуз савол берди:

– Ну заче-ем? У ҳолда... сиздек азиз яйлов баҳодирларини қаерга кўмамиз?

– Куйдириб кулимизни аэропландан пахтазорларга сепиб юбораверамиз. Ахир буям ўғит-да. Бир китобда ўқигандим кулнинг турган-битгани калий экан. Ҳиндистонда шунақа қилишаркан. Шунинг учун пахтасига ўғит ҳам солишмасмиш. Ҳосилиям зўр экан. Мана, бизнинг даштдаги ғаллазорларгаям аэропландан ўғит сепишади-ку.

Тўхтабоев Ўташевга қаради. Ўташев овозини пайсайтириб “Сал савдойироқ, ҳалиги йиғилишда кўрувдингиз-ку” деди. Тўхтабоев яна тинчланди.



– Мулоҳазаларингиз яхши, оғайни. Илмий фикр-лайсиз. Лекин шуни билиб қўйинг, Ҳиндистонда пахта ҳосилдорлиги биздан икки барабар орқада. Ҳосилдорлик бобида биз дунёда биринчи ўринда турамыз. Сиз фирқа аъзоси, олий маълумотли чўпон бунақа фактларни билмаслигингиз уят. Газета ўқиш керак!

Довдир нафаси ичига тушиб жим қолди. Ҳақиқатан ҳам газета ўқиб туриш керак, деб ўйлади шекилли. Кейин Ўташев довдирни четга имлаб койиди:

– Каллангиз борми? Сиёсатга қарши гапирасиз-а! Пахта бизнинг миллий бойлигимиз, ғуруримиз, ифтихоримиз-ку!

– Кечирасиз-у, лекин халқимизнинг пахтадан бошқа бойлиги, ғурури, ифтихори йўқми? Чорва-чи? Бизлар бекорга ўлиб-тирилиб тоғу тошларда ириб-чириб юрган эканмиз-да! Мевазор, боғларимиз-чи, ширин-шакар қовунлар-чи? Достону эртакларимиз-чи, булар бойлик эмасми? Яхши одамлар ҳам бойлик, ифтихор...

– Э, эзмалик қилиб гапни чувалаштирманг, сизга ўхшаган одамлар агар бойлик бўлса... бунақа бойликни биров бир пулга олмайди. Бозори чаққонлик бобида ҳозир биринчи навбатда “оқ олтин” туради. Уни тобора кўпайтириш бизнинг байналмилал бурчимиз, бизни арзон ун, шакар билан таъминлаётган Москва олдидаги қарзимиз, тушунаяпсизми ўзи? – Ўташев бирдан овозини пасайтирди: – Давлат сири бўлса ҳам айтаман, ақлингизни киритиш учун. Пахта... атом бомбаси ишлаб чиқаришда, космосга ракета учуришда ҳам ишлатилади. Билдингизми? Сизни яна мақтаб ўтирибман-а, олий маълумотли чўпон, деб. Қамалиб кетманг яна!

– Тавба қилдим, ака! Тил қурғур суяксиз.

- Бўпти, бу ёғига эҳтиёт бўлинг. Ғоявий зарарли гапларни чулдираб юрманг. Сизга ярашмайди. Анови... "Озодлик"ми, "Америка садоси"ми, радиосини эшитишнIAM бас қилинг. Билъакс, уйингиздаги радионIAM, телевизорнIAM мусодара эттириб, устингиздан жиноий иш очиртирвораман. Хўпми?

- Хўп, ака!

Ўшанда уни...

Тақдир бир ҳазил қилишни бошласа, ёмон ёпишар экан. Довдир билан суришиб юрганларида Нурқобил билан Маъсума ҳақида гап чикди. Улар институтда бирга ўқишганини Ўташев биларди. Бошда жиддий эътибор бермаган. Яқиндан бери бу ҳақда такрор-такрор ўйлайдиган бўлиб қолди. Бу фактдан пайти келганда истаганча фойдаланиш мумкин, деган хулосага келди. Бугун ўйлаптики, уларнинг илгаридан алоқаси, лоақал муносабати бўлган. Эҳтимол, Бўтаевнинг хотини ёш ўлиб кетишига ҳам шу муносабат сабаб бўлгандир? Наҳотки, буни Ўташев сезмади, наҳотки, шу пайтгача бирон бир белгиси ошкор бўлмади. Йўғ-е, бекорчи гапдир. Ахир, Маъсума – қишлоқ совети раисининг муовини, раҳбар аёл. У обрўсини, иззатини ҳамма нарсадан юқори қўяди. Мумкин эмас. Ўташев хотинини қачонлар марказга кўчириб кетмоқчи эди. Аммо у кўнмади.

- Шу ерда ҳовли-жойимиз бор, ишим шу ерда. Нима қиламан шаҳарда. Сизам шу ердан қатнайверинг. Ярим соатлик йўл. Тагингизда машина тайёр.

Ўташев йўқ дея олмади. У ёш, эрка хотинининг кўнглига қарарди. Қолаверса, унинг гапи тўғри. Туман марказига кўчса, бу ҳовлини, бунча дов-даскани кимга ишониб қолдиради. Бойқувват ўзи билан ўзи овора. Кейин Тошбўри шу ерда. Унга қараш керак. Хуллас, шу ер тинч деб ўйлади.

Энди билса тинч эмас экан. Бу зоти паст Нурқобил зимдан иш битириб юрганга ўхшайди. Хотинини гўрга тиқиб, ўзи бу ёқда айш қилиб юрган экан-да, ифлос.

Ўташев аввал Бойқувватни чақирди.

– Менга қара, ука, анови битлиқи чўпонвачча аблаҳга айт. Қадамини ўйлаброқ боссин. Ким билан ўйнашаётганини биладими? Изини қуритиб юбораман. Сен унга киши билмас қилиб айт. Яна қишлоқда миш-миш болалаб кетмасин. Хуллас, эси борида этагини ёпсин. Бўлмаса соғ қўймайман.

Бойқувват дадил бўлиш учун озроқ ютиб олди-да, директорнинг олдига кирди. Унинг олдида аксига олгандек, Ҳаким довдир ўтирган экан. Бойқувват ундан аламзада эмасми, чиқиб кетишини кутмай бошлаб юборди.

– Эй, – деди довдирга қараб, чунки Нурқобилнинг юзига тик боқиб барибир гапиролмади. Ҳар қалай хўжайин-да. – Бу хешингга айт, янгамга... илакишишни йиғиштирсин. Бўлмаса акам, энасини...

– Қўй, ука, ўпкангни бос. Уйингга бориб яхшилаб дамингни ол, – деди довдир хотиржам. – Совхознинг катта бир раҳбари ичиб юрганини кўрса, одамлар нима дейди, ахир. Кейин акангга айт, бировнинг энасига ёпишгунча, бор куч-ғайратини хотинига кўрсатсин. Шунда ортиқча гапларга ҳам ўрин қолмайди.

– Сен ҳам кўрасан, шошмай тур, – деди Бойқувват муштини дўлайтириб, – ҳамманг кўрасан. Ётиб яли-насан ҳали.

Кейин сўкина-сўкина чиқиб кетди...

Ўташев хотинига ботинқирамай сўз қотганди, жеркиб ташлади.

– Сассиқ гапларга ишонадиган бўлсангиз, гаплашмайман сиз билан.

Бунақа ўқтамона гапни Ўташев кўтаролмади:

– Хоним, шуни билиб кўйингки, бирор шубҳали қадамингизни сезсам, ҳайдайман, ҳайдамасам ҳам зимдан “Васиятнома” ёзиб, меросдан буткул маҳрум этаман. Самарқанддаги, Тошкенту Москвадаги, Қримдаги кўчмас мулклар, миллион-миллион пулларнинг барчаси... Тошбўрига қолади.

– Менга ҳеч нарса керак эмас...

## 20.

Довдир Ўташев энди тўнини тескари кийишини биларди. Чунки Ўташев довдир машинани етимхонага бериб юборганидан эртами-индинми, барибир хабар топади. Эшитмаганда ҳам у чўпон қизининг тўйига машина ҳадя этишига ишонмайди. Бу ақлга сиғмайдиган гап. Тарихда бўлмаган бунақа воқеа. Ол-а! Қолаверса тўй... Ким билади, ҳали “насиб бўлса” деганларидек, Ойсифат розими, чиндан ҳам Ўташевнинг жиянига кўнгил кўйганми ёки бу гаплар қуруқ гапми. Бу Ўташевлар зоти бировни ёмонотлиқ қилиш учун бекорчи гапларни ҳам чиқараверади. Довдирга қолса... Тошбўри ёмон йигит эмас. Ишқилиб она зотига тортмасин. Зоти... отаси эса бироз қурумсоқлигини айтмаса, бинойи одам. Болаликдан билади довдир уни.

Нима қилиши керак эди? Э, “бор-э” деб бериб юбориши лозимиди машинани. Турган гапки, Ўташев “Нива”ни бозор нархига пуллаб, ҳаром пулининг устига пул кўшарди. Носоғи довдирнинг номига қоларди. Майли, довдирга машина нотўғри берилган ҳам бўлсин. Барибир, унинг ошиқча пулланишига, Ўташевнинг ҳаром пулларига яна пул кўшилишига довдир йўл кўя олмасди. Эҳтимол, машинани давлатга қайтариб бериши, муносиброқ бир илғор чўпон-

га топширинглар, дея илтимос қилиши тўғрироқ бўларди. Лекин ўла қолса ҳам Ўташевга бер-мас-ди. Тамом-вассалом! Етимхона ҳар қалай давлатники-ку.

Ана шунақа ўжар ва якрав эди довдири тушмагур. Лекин айна пайтда билардики, Ўташев индамай чув тушиб қолаверадиگانлардан эмас. У пайт пойлаб юрибди, довдирни бирон томондан албатта боплашга ҳаракат қилади.

– Сиз қизиқ одам экансиз, ўжарлик қилиб нимага эришасиз? Ахир, ўртоқ Тўхтабоев билан шахсан танишдингиз. Керак бўлса яна беради сизга машина, – деди Ўташев ўшанда.

– Таниш бўлиб қаерга борибмиз. Бир кўришиб, салом-алик қилдик-да, – деди довдир. – У киши бизга ўхшаган одамлардан юзтасини учратади ҳар куни.

Ҳолбуки, Тўхтабоев билан довдир илгари бир учрашган эдилар. Ўшанда Ўташев дам олишда бўлган, шекилли. Довдир омади келмай, юраги эзилиб юрган кунлар эди ўшанда. Тўхтабоев каттаконлар билан тумандами, қишлоқдами келиб йиғилиш ўтказди. Гап айрим отарларда кўзилатиш кеч яқунланганига тақалиб қолди. Тўхтабоев совхознинг ҳол-аҳволи ҳақида жуда ҳам батафсил маълумотга эга экан. Кўлидаги қоғозига қаради-да, томдан тараша тушгандек довдирнинг исми-фамилиясини ўқиди.

– Ўнғалов Ҳаким!

Довдир ўрнидан туриб қўл қовуштирди.

– Нима учун кўзилатишни кечиктириб юбордингиз? Отарингиздаги қўйлар белгиланган муддатдиган ярим ой кеч кўзилай бошлаган. Бу эса совхозда, қолаверса, районда кўзилатиш плани бажарилмай қолишига сабаб бўлган.

– Билмасам, бу йил қиш барвақт тушдим, салқинроқ бўлдими ё емишига боғлиқми, ўзим ҳам ҳайрон-

ман. Ҳамма чорани кўрдик. Энди... мажбурлаб туғдириб бўлмаса... Вақт-соати етмаса туғмас экан бу куриб кетгур қўй ҳам. Одамни-ку тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат тўлмаса бўлмайди, дейишади.

– Маҳмаданаликни йиғиштиринг, оғайни. Ўзингиз-ку, планларни зўрға учма-уч қилиб, нуқул илғор чорвадорларимизни орқага тортиб юраркансиз. Яна ҳар хил бўлмағур “кашфиётлар” қилармишсиз. Қўлимизда аниқ фактлар бор. Кузда қочириш кампаниясини қониқарсиз ўтказгансиз. СЖК препарати таъсирчанлигини атай камайтиргансиз. Бу зараркунандаликдан бошқа нарса эмас. Сиз билан махсус идоралар шуғулланади. Сизга ўхшаганларнинг айби билан шаҳарларимиз аҳолиси, жасоратли пахтакорларимиз егани гўшт топишолмайди. Дўконларда гўштнинг нархи кун сайин ошиб борапти. Тушунасизми бунини?!

У тобора қизишиб борарди. Довдир аввалига “Пахтакорларимизнинг пахтаси йил сайин кўпайиб борапти-ю, юз-қўл артишга сочиқ йўқ, пайтавалар ҳам нейлондан бўлиб кетди” деб гап юмалатмоқчи бўлди. Лекин вилоят раҳбарияти намояндасининг важоҳатидан истиҳола қилди. Тушунса-ку, майли. Тушунмаса, “Пайтаванггача нейлон бўлиб кетганига шукур қилсанг-чи, нодон, бу замонавийлик белгиси эмасми” деса-чи.

– Қисқаси, навбатдаги туман партия кўмитаси бюросида Ўнғаловнинг партиявийлиги ҳақидаги масала кўрилсин, – деди у туман раҳбарига ўгирилиб. У бош ирғади. “Хўп”. Мажлис аҳли эшитилар-эшитилмас “оҳ”, деб юборди. У замонларда партиядан ўчиш – тайин қамалиш, қамалганда ҳам камида беш-олти, эмасам саккиз-ўн йилга Сибирдаги ўн ой қаҳратон

қиш ҳукм сурадиган тайгаларда конларда ишлаб, адои тамом бўлиш, дегани эди.

Усмон Шамсиев беихтиёр нордон жилмайганини билдирмаслик учун худди тиши оғриётгандек афтини буриштирди. Кейин секингина Тўхтабоевга шипшиди: “Ҳали партияга киргани йўқ. Яқинда қабул қилмоқчимиз”.

Тўхтабоев тутақди. Энсаси қотди.

– Масъулиятсизлик шу даражадаки, – деди у ҳамон кўл қовуштириб бошини ҳам қилиб турган довдирга қараб, – ҳалигача коммунист эмассиз. Бу – совхоз партия комитетининг ҳам бевосита айби. Умуман, тушунмайман. Давлатнинг мингга яқин қўйини партиясиз бир одамга қандай қилиб ишониб топшириш мумкин. Ўртоқ Шамсиев, бу ўртоқ зудлик билан қабул қилинсин. Кейин... Тушунарлими? Ўтиринг, оғайни. Хулоса чиқаринг. Мактаб бўлсин бугунги гаплар.

Довдир ичида “Яхшиям хўжаликка чўпон етишмай турибди, бўлмаса ҳозир “Вазифасидан бўшатирилсин” деб қарор чиқариб юборишарди-я” деб қўйди.

Шубҳасиз, ўша учрашув Тўхтабоевнинг эсидан чиқиб кетган. Чунки у Ҳаким довдирга ўхшаган қанча-қанча одамларга танбеҳ берган, қанчасини ўчирган, кестирган ва ҳоказо. Лекин довдирнинг хотирасидан чиқмайди бу учрашув. Чунки ўшандан сўнг икки-уч кундан кейин партия сафига қабул қилинди. Таржимаи ҳоли ёрқин бир саҳифа билан бойиди. Ўша ёрқин саҳифада Қилич Заҳҳоровнинг без башараси ҳам акс этиб қолгани кўнглини сал хижил қилди. Заҳҳоров:

– Отаси миллатчи бўлганлигидан кўз юмолмай-миз. Юмишга ҳаққимиз йўқ, – деди у йиғилишда.

– У оқланган, – деди изоҳ бериб директор.

– Оқланганми, авф этилганми? Шунисини аниқлаш

керак, – деди Захҳоров бўш келмай. – Чунки авф этиш дегани – гуноҳсиз дегани эмас. Гуноҳкорни ҳам, жинойтчини ҳам авф этиш мумкин. Шунга қарамасдан, жинойтчи барибир жинойт қилган, деб ҳисобланади. Бунинг устига, мана, ўзи нима деяётганини эшитдингиз.

– Э, қўйсангиз-чи, майда гапларни Қилич ака, бағри кенг бўлинг.

Довдир ҳеч қайсиси билан баҳслашиб ўтирмади. Чунки отасининг оқланганлиги ҳақидаги ҳужжат анча йил олдин газетада ҳам босилган, бундан Шамсиев ҳам, директор ҳам хабардор эдилар. Қолаверса, Тўхтабоевнинг “Зудлик билан қабул қилинсин” деган кўрсатмаси олдида Захҳоровнинг важ-корсони билан ҳисоблашиб ўтиришармиди. Кирмайман деса ҳам судраб киргизишар...

Ана шунақа гаплар бўлувди. Энди бугун... Довдир нима қилишини билмай анча каловланди. Охири, “Э, нимадан кўрқасан, Ҳаким, сенинг жонингни олармиди?” деб ўзини тинчлантирди. Кечгача қўтонда куймаланиб, ўзини иш билан овутди. Ўташевнинг ғазабли қиёфасини кўз олдидан кетказди, тинчланди.

## 21.

Ўташев эса жисму жонидаги ғзабу нафрат оловининг тафти баландлиги-ю ўч туйғуси ила қасос жунбишининг кучлилигидан на ухлар, на бир жойда ўтира ва тура оларди. “Бўтаев Ўташевнинг ёш хотини билан очиқча юрар экан, бунга муҳтарам туманбоши била туриб мутлақо монелик қилмаскан,” деган бениҳоя шармандали гап нафақат қишлоқ, туман, балки вилоят марказида ҳам кенг тарқалиб кетди. Партия ва ҳукуматга алоқадор кибор доиралардаги машваратларда у ўзига қарата қилинган ҳар бир



табассумдан ўртанадиган, “масхаралаяпти”, деган фикрга борадиган бўлиб қолди. Аслида бу коммунистик партия турмушида у қадар таажжубланарли ва таассуфланарли ҳодиса ҳисобланмаслигини Ўташев шўрлик яхши билмасди. КПСС тарихини яхши ўрганмаганди-да. Холбуки, азалан Европа тарихини Карл Маркс ва Фридрих Энгельслар бўғоз қилиб, Ленину Троцкийлар туғдирган, Сталин бобо эмизиб катта қилган иштирокиюн мафкураси ҳаммани, ҳамма нарсада жумладан, эркагу аёлни ейиш-ичишу ётиб-туришда ҳам тенг қилиб қўйгани, ҳатто бир замонлар: “большевикларда хотинлар ўртада бўлар экан”, қабилидаги гаплар эмин-эркин айтилган-у, қай бир сабаб ила амалга ошмай қолган эса-да, назарий маънода ўз долзарблигини ҳануз йўқотмагани ҳеч кимга сир эмасди. Партиянинг барча съездлари, яъни ялпи анжуманларида “аёл раҳбарлар сонини кўтариш ва ўртасида кенг ва чуқур иш олиб бориш зарур”лиги ҳақидаги даъватлар мудом янграб турарди. Тўхтабоев вилоят раҳбарлари даврасидаги зиёфатларда кўп такрорлаган, бинобарин Ўташев кўп эшитган мана бу латифа фикримизни янада ойдинроқ ёритса ажаб эрмас. Алқисса, райкомда ишлайдига бир йигит тунги навбатчиликдан тасодифан вақтлироқ қайтиб уйига келса, хотини унинг энг яқин дўсти билан дон олишиб ётган экан. Йигит ғазаб ичра қўйнидан дудама ханжарини чиқариб, хиёнаткор дўст ва бевафо заифа томон хезланибди-ю, баногоҳ коммунист эканлиги эсига тушиб қолибди. “Эссиз, агар партия аъзоси бўлмаганимда иккалангни ҳам чавақлаб ташлаган бўлардим! Йўқолларинг кўзимдан!” дея ҳайқирибди. Фоҳиш эркагу зиногар аёл иштонларини бошлари узра байроқ қилган қўйи: “Халоскор партиямизга

шон-шарафлар бўлсин!” дея шодон қичқириб қочиб боришаётганмиш.

Ўташев манкуҳасининг “хиёнати” тўғрисидаги миш-мишлар вилоят марказидаги раҳбарий идоралар даҳлизларигача етиб борганини эшитган заҳоти негадир ўша латифани эслади ва беҳад дарғазаб бўлди. “Тўхтабоев энди кети билан кулади”, деб ўйлади. Ҳаммасидан шуниси алам қилди. Зеро гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, Ўташев Тўхтабоевнинг ҳиммати (текинга эмас албатта) ила туманбошилиқ курсисига ўтирган илк дақиқалардан эътиборан орзупараст қалбида вилоятбошилиқ иштиёқи жилвалана бошлаган, буни Тўхтабоев ҳам билар, шунинг учун, тилда “бай-бай”, деб юрса ҳам ичида “ҳай-ҳай”, дея ундан тайсаллар, надир республика, балки вилоят миқёсида нуфузи ошиб кетишига йўл қўймай келарди. Ўз навбатида Ўташев Итлян гуруҳининг қадами вилоятга тезроқ етишини сабрсизлик ила кутар, зеро ўзининг бебаҳо бир гумаштаси орқали ул зоти фалокатга аллақачонлар йўл топган ва ҳатто: “сабр қилиб турсин, эҳтимол, вилоят эмас, бирдан республика миқёсидаги катта бир лавозимга ўтқазиб қўярмиз”, деган (савоб учун эмас, албатта) ваъдани ҳам олиб улгурган эди. Худди шундай умидбахш ва ўта нозик вазиятда мана бу “сассиқ ҳид”нинг пайдо бўлиши унинг дарду дунёсини қоронғилатиб ташлади. Ўзингиз ўйланг ахир, битта хотинни бошқаролмайдиган раҳбарни республика нари турсин, вилоятга бошлиқ қилиб қўйиш мумкинми? Тунов кунги бир анжуманда Тўхтабоев ҳалиги латифасини боз такрорлаш ниҳоясида: “Ғарблик, адашмасам, Франциялик бир донишманд: “бир хотинни бошқариш улкан мамлакатни, каттакон салтанатни идора этишдан кўра қийин” деган экан”, дея Ўташевнинг нақ юра-

гига найза отди. Яъни демоқчи бўлдики, “остингдаги завжангни йўлга сололмасдан менинг курсимга кўз олайтириб юрибсанми, даъюс.” Ўташев чексиз ўртанди. Бир хаёли: “зудлик билан чора кўр, эрта, узоғи билан индин Нурқобил билан Маъсума тоғ оралиқларидаги дала ҳовлилардан бирида газдан захарланиб биргаликда жаҳаннамга равона бўлишсин!” деди. Ақли бу шошқалоқ иштиёқни рад этди. Ўзинг шарманда бўласан. Иккинчи хаёли: “Маъсумага ҳозирча тегмай тур, Нурқобилнинг якка ўзи... автоҳалокатга учрасин.” Қилвир мулоҳаза ила бу фикрдан ҳам қайтди. Автоҳалокатнинг ташкил қилинганлиги билиниб қолиши мумкин. Яхшиси ҳалиги... кейинги пайтларда катталар ишлатаётган ноёб... захардан топиш лозим. У шундай ажойиб заққум эмишки, ичган ёки ичирилган касни бир лаҳзада инфаркт ёхуд инсульт қилиб, ўзи нафас билан чиқиб кетармиш. Шу боис изини юз йил излаб ҳам топишолмас экан. Офарин, жаҳон кимё фанига! Шундай мўъжизалар яратади-я!

Бир хулосага келгач, “яйловдаги чўпон ва чўлиқлар иши билан яқиндан танишиш мақсадида Чашмизиракнинг тўртинчи бўлимига йўл олди. Бўлим бошқарувчиси Қилич Заҳҳоров билан икки отда чўпон отарларини айланди. Йўл-йўлакай “раис” (Ўташев маслакдош биродарини ҳурмат юзасидан эски лавозимини айтиб чақирарди)га ғоят долзарб ва муҳим вазифани лўнда қилиб уқтирди.

Кўса бу топшириқни катта иштиёқ билан қабул қилди. У валинеъматидан бундай дадил ҳаракатларни аллақачонлар кутиб юрганди.

– Амрингиз, – вожиб, – деди у Ўташев хуш кўрадиган иборани айтиш баробарида негадир чап кўлини кўкрагининг ўнг тарафига қўйиб. – Эрта биланоқ Москвага жўнайман. Жияним армияда. Ўзи анчадан

бери шуни кўриб, бир йўла эски қадрдонлар билан учрашиб, бундай омонат замонага қандай мослашиши жиҳатидан маслаҳатларини олиб келмоқчи бўлиб юрувдим. Хотирингиз жам бўлсин. Топшириқни кутилгандан ҳам аъло қилиб бажариб келаман. Фақат... тунов кун эшитдимки, ҳозир унақа замонавий “дори”ларнинг бозори чаққон бўлиб, анча қимматлашиб кетган дейишяпти...

Ўташев кўса айтмоқчи бўлган нархни ўзича чамалади:

– Йигирма минг доллар... етадимми?

– Тозаси учун сал камлик қилса керак. Яна шунинг ярмича қўшилса, мақсадимизга мувофиқ бўлади.

– Яхши. Саҳар чоғи...ҳовлига кириб ўтасиз, – деди Ўташев ва сўради: – Бу... жиянингиз Москвада хизмат қиларкан-да?

– Москванинг ўзидамас, этагида, Софрино деган жойда. У ерга илгариям бир неча марта борганман. Бир ошнамнинг ўғли, жияни хизмат қиларди. Командирлари орасидан анча дўст орттирганман. Шулардан бири яқинда келиб қолса, денг. Махсус қўшинлар сафида Афғонистонга кетганди. Полковник. Москвага хизмат сафарига бораётган экан. Иккита кўчқор сўйиб, бир ҳафта меҳмон қилдим. Шаҳарга обтушиб, янги очилган хуфя иславотхоналарда роса яйратдим. Қойил қолди “Умримда бунақа маишат қилмаганман”, деди. Белидаги тўппончани шартта ечиб, қўярда-қўймай ҳадя этиб кетди. Камина ҳам паст келмадим. Ҳалиги... ширанинг тозасидан ярим килочасини учта бир литрлик идишга ёнғоқ мураббо ичига жойлаб, бервордим. Бизникидан ҳам татиб кўринглар, афғонникидан қолишмайди, дедим.

Ўташевнинг юраги орқасига тортиб кетди.

– Тўппонча, дейсизми, қўйинг-е, маҳобатни, давлатнинг ҳарбий куралини ҳада этвориш осонми, беҳисоб дунё бораканми?

– Ишонмайсизми? – иржайиб қўйнига қўл суқди Қиличбой ва... Ўташев бир пайтлар ҳарбий тайёргарлик чоғлари кўп кўрган “Макаров” русумли тўппончани чиқариб узатди. – Мана, томоша қилинг. Агар... кўркмайман, тақиб юраман десангиз, олинг, менда бундан сал бошқачароғи – ТТ, деганиям бор. Бултур Тошкентнинг Тизяковка, деган бозоридан ҳар эҳтимолга қарши деб, атиги минг долларга олиб қўйгандим.

Ўташев тўппончани қўлига олиб кўздан кечирди. “Бу афғон муҳорабаси бошга битган бало бўлди. Ит эгасини танимайди. Энди офицерлар ошналарига тап тортмасдан тўппонча тухфа этаётган бўлса, нарёғи адо бўлибди шекилли..”

– Раҳмат, кераги йўқ, бизда фақат вилоятнинг биринчи раҳбарига рухсат этилган тўппонча тақиб юриш. Бизларга мумкин эмас. Ўзингиз ҳам бунақа... ёнингизда олиб юрманг. Аччиқ устида ишлатвормаслигингизга кафолат бериш қийин.

– Олиб юрмайман. Шунчаки сизга бир кўрсатиб, мақтанай, агар зарур бўлса эсдалик учун совға қилай дедим-да, ака.

– Майли, раҳмат. Олиб бориб, ишончли жойга бекитиб қўйинг. Хўпми? Ҳа, айтгандай, Қиличбой, ҳалиги... тоғдаги ишлардан қишлоқдаги авом халқ хабардор эмас-а? Бирор жойда шовури чиққан эмасми?

– Ҳеч ким билмайди. Билганлариям “давлатнинг ўзи эктирган экан, эмасам ҳарбийлар кўриқлармиди” деб юрибди.

– Нариги... олиб кетувчи томон ҳам маҳкамми?

– Ҳа, маҳкам, нима эди? Биронтаси...

– Йў-ў-ўқ, шунчаки... Қамарбойнинг айтишича, айрим ёш-яланглар ароқ-винонинг ўрнига кўкнор эзиб ичадиган бўлганмиш, “қаердан олишаётган экан?” деб сўрасам, ичкилик дўконида яширинча сотиляпти, дейди.

– Дўконга ким еткизаркан?

– Ана шуниси мажхулроқ. Дўкончини қистовга олган экан, “тоғчилар бир-икки марта пул тополмай кўкнор шираси билан раччўт қилиб кетишганди”, дебди.

– Бекор гап, бирорта тоғчи биздан берухсат ўзҳолича кўкнор эколмайди ҳозир. Рухсат билан эканлари бир мисқолиниям бегонага сотмайди. Бир-иккисини қаматтириб, кўзини кўрқитганман. Ё харидорларимиз... ёки ўзимизникилардан бирорта аблаҳ қилган бу ишни. Дўкончи билан ўзим тагдан гаплашаман. Ўша, насиясини наша билан “раччўт қилган”ларни аниқлаб, жазосини бераман. Хотиржам бўлинг.

– Ишқилиб... ўзимизнинг қавм-қариндошлар, ҳамқишлоқларни ҳам гиёҳванд қилиб қўймайлик-да, Қиличбой. Бўриям ўз қавмини ғажимайди-я.

Кўса заҳаролуд илжайди:

– Жудаям ватанпарвар, элпарвар инсонсиз-да, Шоқувват ака, мен сизга айтсам, ҳақиқий бағри кенг раҳбарсиз. Бўримас, шерсиз. Бўри деб, мана бизни айтса бўлар. Биз бор эканмиз, ҳеч қачон теварагингизда ҳавони булғайдиган қўланса-ю ўламсалар бўлмайди. Тозалаб турамиз. Тозаловчимиз-да, ака!

– Эътибору ҳурматингиз учун ташаккур, Қиличбой. Анови Ҳаким шум қайси куни наша-паша, деб қочирим қилгандай бўлдим-е, ишқилиб кўнглим сал хавотир олди-да.

– Ишингиз бўлмасин, Ҳаким-ку бир ивирсиқ чўпон, ундан каттаси – мелеса-прокурор билгандаям

ҳеч нарса қилолмайди. Ғинг, деганининг оғзига ановинингиздан бир почкасини тикамиз, кучала еган итдай тиришиб, ўчиб қолади.

– Ҳар қалай, эҳтиёт яхши. Бу... бутун дунёда ашаддий қораланадиган иш эканлигини биласиз-ку.

– Биладан, лекин... дунёдаги энг серфойда савдо ҳам айнан шу-да ака. Бунинг устига ҳозир бизнинг олағовур мамлакатда унинг савдоси баравж.. Биров билан бировнинг иши йўқ. Демократия-да! Бундан фойдаланиб қолмасак, кейин ўзимизни бир умр кечирмаймиз. Ҳа, айтганча, анови харидорлардан қизиқ бир гап эшитдим: вилоятга келган янги прокурорнинг ўзиям... ғирт нашаванд эмиш.

Ўташевнинг кўзи ўйнаб кетди.

– Зоҳид Шокиралиевми? Йўғ-е? Аниқми? Ахир уни... Москва билан қалин, яқин орада ишдан олинадиган Тўхтабоевнинг ўрнига мўлжалаб юборилган, деб юришибди-ю.

– Мўлжаллашса мўлжаллашаётгандир. Мен... аниқ биладиган кишидан эшитдим. Харидорларимиздан бири дўхтир. Ўзи наша сотиб касал қилади ва кейин ўзи даволайдиганлардан. Шу корчалон Шокиралиевнинг шахсий врачси билан таниш экан. Ўша орқали каттаконга ҳам “тоза”сидан етказиб тураркан. “Шокиралиев боднинг ўта оғир шаклига учраган, аъзойи бадани муттасил қақшаб оғрийди, шунинг учун наша чекиб жон сақлайди” депти.

– Қаранг-а! Унда... кўнгилларига бир йўл излаб кўрсак бўларкан.

– Йўл-пўл, деб ўтирмасдан тикка бориб, олдиларига кириб, бир-икки оғиз ишдан сўзланг-да, кейин гапнинг пўст калласини айтиб: бизда ширанинг тоза, қуюғидан бор, денг. Битта “вазелин” қутини узатиб, татиб кўриб, денг. Ишончим комил, маъ-

кул тушади. Кейин ўзи орқангиздан юрадиган, “яна опке”, деб ялинадиган бўлади. Шу тарзда гаҳ, десангиз, қўлингизга қўнадиган қилиб, бурнидан ип ўтказиб оласиз.

– Унчаликмасдир-ов.

– Мен нашавандларнинг феъли хўйини яхши биламан. Уларнинг гадосиям, подшосиям бир хил – бир марталиқ кайф учун имонини сотади.

– Майли, қани бир ҳаракат қилиб кўрайлик-чи, ажабмас омадимиз кеп қолса. Аммо-лекин бу гапни айтганингиз зўр бўлди, Қиличбой. Қойил. Ҳамма балодан хабарингиз бор-а, бунақада хўжаликмас, туман, вилоят миқёсида раҳбар бўлиб кетасиз насиб этса.

– Айтганингиздай биргаликда бўлсин, ака...

Кўса жўнаб кетгач, орадан уч кун ўтгандан кейин Бойқувват кўзлари аланг-жалаңг бўлиб, ҳовлиқиб кириб келди.

– Ака, Тоживой мошини билан Ёмонжардан қулаб кетибди.

– Тирикми? – Ўташев укасининг қонсиз юзидан аллақандай маънони уқмоқчидек синовчан тикилди.

– Ўлибди, касалхонада. Тасодифни қаранг, бир соат олдин бўлимдан, менинг олдимдан чиқиб кетувди. Тоғ йўлида биринчи марта юриши эмас, тавба. Тор-моз-пормози ишламай қолганми? Ёмонжарнинг тепаси қиялик...

– Тасодифми ишқилиб?..

– Тасодиф бўлмай... нима, кимнинг қасди бор унда? Ўша куни мен ётиғи билан гаплашдим. Анча тихирлик қилди. Лекин бўйнига олди. Молнинг бир қисмини яшириб қолиб, дўкончиларга сув текин нархда бериб, эвазига озиқ-овқат, ичкилик олиб юрган экан



энаталоқ. Бундан ташқари, анчагинасини қишлоқдагиларга майдалаб сотган ҳам экан.

– Кейин... нима бўлди?

– Бир икки шапалоқ урдим, минбаъд шу ишни қилсанг, аяб утирмайман, дедим холос. “Бўлди ака, энди унақа қилсам, энам хотиним бўлсин”, деб қасам ичиб кетганди. Лекин... бироз кайфи бор эди.

– Кейин-чи?

– Кейин Қиличбой акага айтгандим. У киши “ўзим ҳам бир койиб қўяман”, деганди.

– Ҳм-м, тушунарли. Афсус. Бечоранинг кўп хизмати сингганди.

– Жойи жаннатдан бўлсин, майли, мен борай бўлмаса, жанозадан кечикмайин. Сиз ҳам... ўтарсиз.

– Ҳа, мен... Эрга-перта... Биласан, ҳозир биз, раҳбарларга жанозага бориш тўғри келмайди, – деди ямла-ниб Ўташев. Унинг миясида: “шу ердаям пухта иш қилиб кетибди-я, занғар кўса?” деган фикр чарх урарди. Кейин баногоҳ Нурқобил ҳақида ўйлаб кетди. “Уни ўлдиртирсам иззат-нафсим қонадимми? Ўлади ва мано-нови нашакор Тоживойга ўхшаб жанозасига биров бориб, биров бормай кўмилади кетади-да. Яхшиси, уни ўлдирмаслик керак. Яшасин, яшаб юраверсин. Фақат... анови экинлар, нашазорлар, Тоживойнинг ўлими, ҳамма-ҳаммасини гарданига осиб, шармандайи шармисор этиб қаматтириш даркор. Қиличбой “дори”ни опкелаверсин, нарёқда Тўхтабоев, қолаверса, Шокиралиев жаноблари бор, барибир қачондир зарурат туғилади. Айни пайтда ўзим ҳам бу ваҳший махлуқдан эҳтиёт бўлмоғим шарт. Йўлига кўндаланг бўлиб қолсам, ё заҳарлаб, ё автоҳалокатга учратиб, ё ҳалиги тўппонча билан отиб ташлашдан тоймайди. Албатта, камина ҳам анойилардан эмас. Тегишли идорага уни истаган пайтда оёғини ерга теккиз-

масдан олиб кетадиган қилиб, тайинлаб, керакли хужжатларни топшириб қўйганман. Ҳозирча хизмат қиляптими, юра турсин...”

Сўнгра у Маъсумани нима қилиш керак, деган масала устида бош қотиришга киришди. Бу йўрға байталнинг ҳам сийи битди чоғи. Шу бугуноқ орқасига тешиб ҳайдасинми? Бу албатта хом хаёл. Маъсума ўз ҳақ-хуқуқини яхши биладиган коммунист, раҳбар аёл. Аввало орқасига тепадиган бўлса, ўша заҳоти шаҳарга бориб, ўша жойини экспертиза қилдиради, сўнгра “Озод Шарқ аёлини хўрлаётган феодалнинг дастидан дод”, деб тўғри Москвага, Марказқўмга жўнайди. Бир гал жаҳл устида тарсаки тортиб юборганида “яна бир марта қўл кўтарсангиз, дастингизни ўроқ билан кесдириб, болға билан мажақлаттираман”, деган. Хайриятки, отаси барвақт ўлиб кетди. Йўқса, ўшандаёқ ишни дабдала қиларди. Ўзи... шу хумсога қандай илакишганига ҳайрон. Отасининг нафи тегармикан, деган-да. Эмасам, Ўташев ўлақолса ҳам чиройли хотин олмасди. Анови кўса дермишки, чиройли хотин фақат ўйнашликка ярайди, уйдаги хотининг сўхтаси совуқроқ бўлгани маъқул, келган ҳар меҳмон сўлаккайи оқавермаслиги учун. Ўйлаб қаралса, ҳақ гапга ўхшайди. Ўташев ўзи... ёшлик даврларидан бошлаб хотин зотидан кўра каттароқ амални хуш кўрган. Қарангки, хушрўй хотин зоти эса амалдорни хуш кўраркан. Биринчи заифаси ҳам бағоят гўзал эди. Афсуски хулқи хунук чиқди. Энди буниси. Туриб-туриб ҳайрон қолади. Нима етишмайди бу қанжиқларга. Қорнига истаганини еса, эгнига ҳоҳлаганини кийса, зебу зийнат, молу сарватдан камчилиги бўлмаса, яна нима керак? Бир гал довдирнинг отаридаги зиёфатда ноиблардан бири Барно Зокировнанинг оддий чўлиқ йигитга тамшаниб қараганини кўриб қолиб,

ғижинган кўйи: “Ҳаким бўла, бу аёлларга нима етишмайди ўзи?” дея савол берганди. Довдир кулимсираб: “Бу саволингизнинг жавобини мавлоно Саъдийдан сўрайсиз”, деди. Туман газетасининг бош муҳаррири: “Тарихда икки Саъдий ўтган, қайси бирида?” дея аниқлаштирмоқчи бўлди. Довдир ачитди: “Сиз, бош муҳарриру шоири замон бўлиб шуни билмасангиз, биз бит босган бир чўпон қайдан билайлик.” Қизиқ, чиндан ҳам қайси Саъдий, қачон, қанақа гап айтган экан бу ҳақда?

Майли, Саъдий нима деган бўлса ҳам энди иззатини билмаган бу... шайтоннинг урғочисини хушмуомалалик билан, алдаб-сулдаб, ғоят маданий равишда, шов-шувсиз узоқлаштириш керак ёнидан. Мавриди келганда талоғини қўлига тутқзади, ҳеч қанақа маҳр-саҳр бермасдан кафангадо қилади. Ҳозир эмас. Ҳозир Нурқобил билан шуғулланиш керак.

## 22.

Бу пайтда Нурқобил хўжаликнинг кундалик ташвишлари билан югуриб юрар, бош қашишга вақти йўқ эди. Ҳали сув омбори қурилишига, ҳали ғалла экиш учун янги очилаётган ерларга, ҳали стадион қурилишига чопади. Стадион ҳашар йўли билан қурилаётганди. Майдон текисланиб, чим ётқизилди. Дарвозалар ўрнатилди. Атрофига сув келадиган қилиб дарахт ўтқазилди. Энди томошабинлар учун ўриндиқлар ясалаяпти.

У завқ билан ишлар, чарчашни билмасди. Фақат... фақат дилидаги ягона кемтик – сўққабошлик эзарди уни. Кечалари Гулруҳни эслаб, киприк қоқолмас, муздай ёстиқни кўксига босиб тонг оттирарди. Ёш, кучга тўлган йигитга аёлсизлик оғир эди. Нурқобил шунинг учун бутун аламини ишдан оларди. Иш... Иш

ҳам бутун аламингни, қалбингдаги бутун оловнинг тафтини босишга қодирми? Фақат ишнинг ўзи билан овуниш мумкин бўлса қани эди-я... Ёнгинасида, шундоқ қўл узатса етгулик жойда ҳуснда тенгсиз, малоҳатда бетакрор, бунинг устига Нурқобил ўзини олиб қочгани сари унга кучлироқ талпинаётга бир хилқат унинг васл шаробига ташна жисмию руҳига тинчлик бермасди. “Сиз... фақат сиз учун Ўташевнинг беҳисоб-молу давлатидан ҳам, Тўхтабоев ваъда қилаётган туман, вилоят миқёсидаги раҳбарлик лавозимларидан ҳам кўзимни чирт юмиб, бир лаҳза иккиланмасдан воз кеча оламан, – деганди у ўшанда денгиз соҳилидаги араз, гина, эҳтиросу сомелик ва чексиз ҳаяжон қоришган монологида. – Чунки Сиз... мен ҳаётда интилган ва эришолмаган ягона чўққисиз. Бойлигу зеб-зийнатга тўла шоҳона ҳаётни ҳам, фараҳбахш сайру саёҳатниям, ҳаммасини кўрдим. Буларнинг бари, умуман ҳаётдаги бошқа барча нарсалар кўнглингдаги суюкли одамнинг бир лаҳзалик висолига арзимаиди.” “Унақа деманг, аёл киши учун ундан муҳимроқ, азизу муқаддас қадриятлар кўп, мисол учун биргина... оналик бахтини олайлик.” Бу гапи билан Нурқобил Маъсуманинг жисму жонидаги энг оғриқли нуқтага теккан, ярасини тирнаб қўйган эди. Маъсума гапиролмай қолди. Унсиз йиғлади. Ҳар тугул тезда ўзини қўлга олиб: “Албатта мен ҳам она бўлишни орзу қиламан, лекин фарзандим... муҳаббат ҳосиласи бўлишини истайман. “Итдан бўлган қурбонликка ярамас” дейишган ахир.

Шу тарзда билвосита нолиганини айтмаса, Маъсума Ўташевдан ошкора шиква-ю арз этиб, ёмонлаб ўтирмади. Бунинг Нурқобил қандай қабул қилишини ўзича тахмин этарди. Гапни буриб, Нурқобилдан оиласи ҳақида пурси пос қилишга ўтди, хотини ёш нобуд

бўлганига надомат билдирди. “Нима касал эди?” деб сўради. Нурқобил қисқа қилиб, “юраги хаста эди” деб қўя қолди.

...Гулруҳнинг туғма юрак касали бор эканлигини биринчи фарзандлари туғилганда билишди. Врачлар унга энди туғиш мумкин эмас, деб айтишди. Нурқобил ҳам рози эди. Лекин... Гулруҳ бўйида бўлганини сал кечроқ пайқади ва иккинчи боласини олдиришни истамади. Не бўлса бўлар, ичимдаги фарзандни ўлдирмайман деди. Нурқобил уни кўндиришга кўп уринди. Охири таваккал қиладиган бўлишди. Таваккал гўёки ўзини оқлагандек бўлди. Эсон-омон қутилиб олди. Умид билан Ҳаётжон деб ном қўйишди иккинчи ўғилга.

Лекин шундан кейин Гулруҳнинг аҳволи ой сайин оғирлашди. Касали тез-тез хуруж қилар, ҳар гал гўё мўъжиза бўлиб тирик қоларди. Лекин кундан-кун озиб-тўзиб тугаб борарди. Ва ниҳоят оддий кунларнинг бирида ишга кетаётган Нурқобилнинг кўзларига меҳр ва илинж билан тикилиб, “Бугун кетманг, бугун мен... кетаман”, деди. Во, ҳайрато, одам... сезар экан сўнгги нафасни олиш фурсати келганини. Ўша куни узоқ суҳбатлашишди. “Мен ўлганимдан сўнг.. уйланасиз-да албатта?” деди Гулруҳ. “Йўқ, уйланмайман”, деди қатъий қилиб Нурқобил. “Унақа деманг, албатта уйланинг, фақат шошмасдан танланг, ўзингизни гулдай тутадиган озода, болаларимни ўкситмайдиган худотарс ва солиҳа бир аёлни топинг, хўпми?” деди. Нурқобил кўзи тўла ёш билан бош чайқади. “Хўп, денг, менга ваъда беринг, ўтинаман сиздан, менинг руҳимни қақшатмайдиган солиҳа бир жувон олинг, агар... бефарзанд бўлса, ҳаётда ўзи ўксинган, қийинчилик кўрган бир аёл топилса яна ҳам яхши. Айтинг, худди шунақасини топаман, деб менга сўз беринг...”

Нурқобил завжасининг ўксик бошини кўксига босиб, йиғи аралаш: “майли жоним, майли”, деди. Шу тахлит ризоликдан сўнг у қандай йўл тутиши мумкин? Агар... шайтон измига кириб, денгиз бўйида ҳисларини жинловлай олмаганида, ўзини у дунёю бу дунё кечиролмасди ахир. Гарчи... дафъатан қараса, Маъсума худди Гулруҳ айтган жафокаш аёлнинг айнан ўзи. Ҳаётда алданган, ўксинган, бефарзанд, хуллас, кўп жиҳатдан мос келади. Бунинг устига... Нурқобилга: “сиз менинг биринчи ва сўнгги муҳаббатим экансиз”, деди. Талабалик чоғларида оралари узилиб кетгач, кўнглига ўтиришадиган бирор йигит учрамабди, қари қиз бўлиб қолгач, бунинг устига комсомол, партия идораларида ишлагач, мундайроқ одамлар: “хулқи яхши эмас”, деган шубҳа билан оғиз солмабди. Шу орада “аканг қарағай ҳалол коммунист”, деб бир умр давлатнинг уйида яшаган амалдор падар ўтиб қолиб, оила камбағалликка юз тутибди. Хуллас, баногоҳ оёқ остидан чиққан Шоқувват оға унга нажот фариштаси бўлиб кўринибди. “Нега унда... унинг юзига оёқ кўймоқчи бўляпсиз”, дея тикка сўради Нурқобил. Очиғи, бу саволда аёл томонидан бу қадар ошқора ташаббус ва мойиллик кўрсатилаётганидан бир қадар ижирғаниш ҳисси ҳам бор эди. Нурқобилда болалик чоғларидан шаклланган тассаввурга кўра севги фақат йигит томонидан изҳор этилиши, қиз эса ризолигини хо-размча қилиб айтганда, “қўйсанғиз-а” деган карашма ёхуд жила қурса сукут ила билдирмоғи шарт эди. Маъсума ҳам тикка жавоб берди: “Йиллар давомида фақат ва фақат сизни... жонимдан ортиқ яхши кўришимни тушуниб етдим. Ва уяту андишани йиғиштириб, буни очик айтишга қарор қилдим. У киши яхши одам, турмуш қурганимиздан буён мени эъзозлаб келяпти. Лекин... нима қилайки, севмайман. Кейин...

у кишини на-да севиш, балки хурмат қилолмаслигимни, бинобарин бирга яшай олмаслигимнинг бошқа бир сабаби ҳам борки, у ҳақда мавриди келганда айтарман.” Нурқобил Маъсуманинг отаси ҳам худди Музроб Туробов сингари мансабпараст “ошналари” томонидан инфарктга йўлиқтирилганлиги ҳақида эшитганди. “Наҳотки Ўташев ҳам ўша “ошналар” қаторида бўлган?” деб ўйлади. Буни Маъсума билмаганми? Ё кечроқ билиб қолганми? Агар чиндан ҳам шундай бўлса, Маъсумага, бечора аёлга осон тутиб бўлмайди. Лекин... барибир мардоналарча тутяпти ўзини. Шавҳари ҳақида деярли ёмон гапиргани йўқ.

Маъсума... Маъсума... Нега яна пайдо бўлди у? Нега Нурқобилни тинч қўймайди? Ахир у унутилган хотирот, ўсмирликнинг ўткинчи бир ҳаваси, соддадил, қишлоқи йигитнинг самимий бир ишқибозлиги эмасмиди? Яна қайдан пайдо бўлди у? Яна нега кирди Нурқобилнинг ҳаётига? У ўйлаб-ўйлаб ўйига етмас, бундан гоҳ севинар, гоҳ ўкинар, азоб чекар эди. Ахир хув ўшанда, кузнинг ёмғирли кунида кўзидан-да оби дийдаси ёмғирдай қуйилиб, қатъий аҳд этмаганмиди, уни умрбод унутишга, “бу қиз менинг тенгим эмас, дунёқарашларимиз тамоман зид, у билан ҳеч қачон бахтли бўлолмайман”, демаганмиди? Ё одам йиллар ўтиб аҳдини ҳам, дунёқарашини ҳам ўзгартирадимми?

Шу каби азобли саволлар асносида ёшлик йилларини, қалбига илк муҳаббат мутлақо сўроқсиз тўсатдан бостириб кирган ва шошқалоқ меҳмон сингари дарров жуфтакни ростлаган кунларни эслаб кетди.

## 23.

...Нурқобил қишлоқ хўжалиги институти талабалари ўрнашган мактаб-ётоқхонага етиб келганида вақт чошгоҳга яқинлашганди. Икки қиз ўчоқ атро-

фида куймаланишарди. Қозондан карамшўрванинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди тараларди.

Нурқобил уч кун олдин касалхонадан чиқди. Сарик касал дегани чиндан ҳам жоннинг азоби экан. Икки ойда паҳлавондек йигит озиб, териси устихонига ёпишиб қолди. Юрса мадори қурийди, тиззаси қалтирайди. Ишқилиб, энг муҳими, тузалиб чиқди. Энди беш-олти ой парҳез қилиб, ўзини парваришлаб юрса кўрмагандек бўлиб кетади.

Ҳаво илиқ, қуёш нури баданга мойдек ёқади. У плашчини ечиб билагига ташлади-да, бўғриқиб кетган ёқасини шамоллатди. Ҳорғин танасига ажиб енгиллик югурди. Уйга ҳам бурилмай, тўғри институтга ошиқди.

– Қайси туманга, қайси хўжаликка кетишди? – нафаси оғзига тиқилиб суриштирди Нурқобил.

– Нима, бормоқчимисиз? – декан ўринбосари ҳайрон бўлиб елкасини қисди. – Қоғоз бермадими, дўхтир?

– Йўқ, йўқ, менга... менга мумкин. Фақат парҳез қилиб юриш керак, – деди Нурқобил шошилиб. – Соппа-соғман.

– Ихтиёрингиз, – декан ўринбосари яна бир марта елкасини қисди. – Марҳамат, эртага эрталаб келинг. Автобус боради.

Нурқобил деканатдан енгил тортиб чиқди. Хайрият, қоғоз сўраб ўтирмади. Эртага курсдошларининг... Маъсуманинг олдида бўлади. Маъсуманинг олдида... Эҳ, куюнчак доктор ака, бунинг қанчалик муҳим, қанчалик зарур эканлигини сиз тушунармикансиз?

У касалхонадан чиқиши олдидан даволовчи доктор билан бўлган суҳбатини эслади. Нурқобил дўхтирнинг энди бирорта курортга йўлланма топиб, яхшилаб дам олинг деган маслаҳатига жавобан:



– Биз учун курорт – пахтазор-да, – деди.

– Сиз қизиқ одам экансиз, ошна, – деди дўхтир чинакам аччиқланиб. – Одамлар бир амаллаб қутулиб қолишнинг иложини қилолмай, гаранг бўлиб юришади-ю, сиз бўлсангиз...б угун касалхонадан чиқиб пахтага бораман, дейсиз.

– Ўзимам салкам дўхтир бўлиб қолдим, ака, – деди Нурқобил гапни ҳазилга айлантирмоқчи бўлиб. – Молдўхтир ҳам дўхтир-да. Буёғига ўзимни ўзим даволаб, парваришлаб юравераман-да.

– Э, бошимни айлантирманг. Касалингиз қайталагудек бўлса, сизни қайта бошдан даволаш учун кетадиган харажат давлатга сиз териб берадиган бир қоп пахтадан кўра қимматга тушиб кетади.

– Хотиржам бўлинг, давлатга зарарим тегмайди. Мен жуда чаққон тераман, – яна ҳазиллашди Нурқобил ва дўхтир тайёрлаб қўйган справкани секин суриб қўйиб, ўрнидан турди.

– Ҳеч бўлмаса ҳар эҳтимол учун чўнтакка солиб қўйинг буни, ў, патриот! – қичқирди ортидан дўхтир. Аммо Нурқобил эшитмади. У бир сакраб кўчага чиқиб олганди.

Тонгда кўрпа-тўшагини орқалаб факультетга жўнар экан, бир зум иккилангандек бўлди. Яна пахта деб... Ўзи икки ой роса занглаб кетди-ку. Йўқ, балоям урмайди. Болалар билан бирга бўлса, Маъсуманинг ёнида юрса довул ҳам писанд эмас.

Маъсума! Нурқобил уни институтга кириш учун биринчи имтиҳон топшириш чоғида кўрибоқ юраги жиз этганди. У имтиҳон топшириб чиқаётганида қиз энди кираётганди. Нурқобил унга кўзи тушди-ю, худди танишини, узоқ вақтдан бери кўрмай юрган яқин одамини кўргандек юраги ҳаприқиб кетди. Гўё бу қизни аввал ҳам кўрган, билган, бир умр у билан

танишдек эди. Шунинг учун бўлса керак, унга қараб беихтиёр оғзининг таноби қочди. Қиз ҳам майин кулимсиради. Унинг табассуми бошқача эди. Бунақа жилмайишни Нурқобил умрида биринчи кўриши эди. Қизни у қадар гўзал деб бўлмайди. Лекин унда... дафъатан қараганда алланечук бир ёғду бор эди. Ана шу ёғдуни биринчи бўлиб Нурқобил кўрганди. Кўрди-ю, кўкрагининг қачонлардан бери хира тортиб, қоронғи бўлиб юрган бурчаги ярқ этиб ёришиб кетди.

Қизнинг исми Маъсума экан. Улар ўша куниёқ танишишди. Асли Чашмизирак томондан бўлиб, ҳозир шаҳарда яшашар экан. Баҳоларининг бир хиллиги (икковиям “тўрт”), бир куни топширишгани, хуллас, уларни яқинлаштирган бахтли тасодифлар бир талай эди.

Талабалар рўйхатига ўтишгач, Маъсума уйига таклиф қилди.

– Келинг, синфдошларим, дугоналарим бўлишади. Ўтирамиз. Ўйин-кулги қиламиз.

Ўша оқшом Нурқобилнинг хотирасига бир умрга муҳрланди. Энди эсласа, худди тушида бўлгандек. Бинафша ранг ҳарир кўйлақда эртақлардаги маликага айланган Маъсума. Дид билан ғоят бежирим қилиб жиҳозланган, ҳинд кинофильмларидаги уйларни эслатувчи хона, тўкин дастурхон, япон магнитофонидан таралаётган ёқимли куй, енгил рақс. Йўқ. Йўқ-йўқ, у елкасидаги оққуш қаноти каби нафис қўлларга, оғушидаги бир тутам нозик белга озор етказмаслик учун шу қадар эҳтиёткорлик билан, шу қадар авайлаб айланардики, юзига урилаётган ҳароратли нафас эпкинидан учиб кетай дерди. Йўқ. Ўша оқшомдаги сархуш кайфиятини, беғубор мастоналикни тасвирлаш қийин.

Ўша оқшом сурурини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Ўша кеч у қишлоққа сархуш қайтар экан, биринчи севги, ҳақиқий севги шу бўлса керак, деб ўйлади. Буни бошқача аташ мумкин эмасди. Энди у ўзини Маъсумасиз тасаввур этолмасди. Кўрмаса туролмас, энтикар, кўзига ҳеч нарса кўринмас, кўнглига қил ҳам сиғмасди. Нурқобилни кўрди дегунча, кўзлари чақнаб кетарди Маъсуманинг ҳам. У ўзини қанчалик бепарво, лоқайд кўрсатишга уринмасин, кўзлари фош қилиб кўярди уни. Тим қора шахло қароқлари қувончдан порлаб кетарди.

Биринчи сентябрь тонгини қаршилар экан, Нурқобил Маъсумани севажагига, буни унга айтмаса тура олмаслигига ишонч ҳосил қилди. Шу бугун – талабаликнинг биринчи кунда севгисини изҳор қилди. У китобларда ўқиган. Севгини изҳор қилиш шарт эмас. У сўзсиз ҳам англашилаверади. Китоблар билан неча пуллик иши бор унинг. Оддий қилиб айтади-кўяди: сизни яхши кўраман, жуда-жуда яхши кўраман, дейди. Тамом. Вассалом.

Маъсуманинг “Мен ҳам сизни яхши кўраман” демаслиги турган гап. Эҳтимол, у ҳеч нарса демас. Индамай бурилиб кетар. Майли. Нурқобил кутади. Ишқилиб, Маъсума унинг севишини билса бўлди-да. Энг муҳими шу...

У тонгни ёқимли хаёллар оғушида қаршилади. Лекин ювиниб, дастурхон бошига келганда, боши айланиб, кўзи тина бошлади...

Касалхонада салкам икки ой ётди. Ниҳоят, тузалиб чиқди. Бу кунни қанчалик интиқ кутганини даволовчи врач туш билармиди. Давлатнинг харажатини гапириб ўтирибди-я. Нурқобил Маъсуманинг ёнида бўлса бас. Шамол малҳам, сув ҳар қандай доридан шифобахш...

Ҳовли гавжумлаша бошлади. Талаба дўстлари бирин-кетин ҳол-аҳвол сўрашиб қуршаб олишди. Нурқобил саволларга шоша-пиша, пайдар-пай жавоб берар, хаёли бошқа ёқда, зимдан Маъсумани ахтарарди. Маъсума эса нимагадир кўринмасди.

Тушлик тугадиямки, Маъсумадан дарак бўлмади. Бу орада Нурқобилнинг нарсаларини жойлаштиришди, фартук беришди. У қизларнинг бирортасидан сўрагиси келар, лекин уяларди. Маъсума пахтага жўнашидан олдин борган, ҳамма қатори у ҳам кетаётганини айтганди. Касалхонадан чиққан куни уйларига қўнғироқ қилиб сўраганида ҳам пахтада дейишди-ку, қизиқ.

Тушлик тугаб ҳамма пахтазорга отлангач, чидаб туролмади. Қизларнинг биридан секингина суриштирди.

– Маъсума кўринмайдими?

– А-а-ҳ! – лабини бурди у. – Кетди. Шу бугун меҳрибон дадаси келиб олиб кетдилар.

– Қандай қилиб? Жавоб беришдими?

– Жавоб беришмади. Дўхтирдан қоғоз опкелиб кўрсатди.

Нурқобил бўшашиб кетди. Ҳали ҳолсиз эканлигини, тиззаларида, белида дармон йўқ эканлигини, қовурғасининг ости ачишиб турганлигини, лаби гезариб, томоғи қақраётганлигини энди сизди. Бунинг устига, кўкрагига тошдек қадалиб тинчлик бермаётган, ҳаловатини ўғирлаган, сокин мулоҳаза юритишга монелик қилаётган қаттиқ, иссиқ бир нарса чарс этиб дарз кетганини ва аллақайси бурчаги совий бошлаганини ҳис қилди. Ахир... ахир ваъда берган эди-ку. Ахир: “сизга айтадиган гапларим кўп”, деганида “шошилманг, пахтага борсак далада бемалол суҳбатлашамиз”, деганди-ку...

Кўнглида сўнгсиз ўкинч ва чидаб бўлмас бир алам бор эди. Ана шу алам унинг кўзларига тирқираб қуйилиб келди, отилиб бўғзига қадалди. Аммо ташқарига чиқмади. У бутун дардини хўрсиниш аралаш хирқиратиб ичига ютди. Этагини елкасига ташлаб пахтазорга жўнади. Кўнглида нимадир дарз кетди.

Тиззаси калтирар, бели зирқирар, аммо у бунга асло парво қилмасди...

Пахтадан қайтиб келганларидан сўнг Нурқобил касали қайталаниб, яна шифохонага тушди, чиқиб узоқ даволанди. Маъсума яқинлашишга кўп ҳаракат қилди. Нурқобил эса худди дардининг сурункали тус олишига қиз айбдордек бошда шунчаки беозор аразлаб юрди. Кейинроқ “мен киму, у ким”, деган бир истиҳолами, андишами, иккиланишми пайдо бўлди кўнглида. Кейин моддий шароити қийинлашиб, ўзини яна ҳам узоқроқ тута бошлади. Ахир бир камзулу бир пойафзални икки-уч йил кийишга мажбур бир етим йигит чувринди, ярим оч ҳолига катта бир амалдорнинг қизи билан қандай дўстлашсин, ахир кинога олиб кириш, лоақал музқаймоқ билан сийлаш учун ҳам қурб керак.

Ёзда Нурқобил ўқишни сиртқиға айлантирди. Бувиси касал бўлиб қолган, унга қарайдиган одам йўқ эди. Орада у бир неча марта Маъсумага дуч келди. Лекин гаплари қовушмади. Бу пайтга келиб ўрталаридаги фарқни чуқур англаб етган, бунинг устига “биринчи мартадаёқ алдади, келгусида истаганча лаққиллатиб юради. Бунинг устига амалдорнинг қизи бўлса, ота-онаси ҳам чўпон боласи, етим, деб паст назарла қарайди”, деб ўйлаб, қанчалик оғир бўлмасин, у билан алоқани узишга қатъий қарор қилганди. Орадан йиллар ўтгач, Нурқобил ёшлар қўмитасида ишлаб юрган Маъсума таниқли партия

ходими Шоқувват Ўташевга иккинчи хотин бўлиб тушаётганини эшитди. Негалиги билан қизиқмади. Ёши ўтиб қолганидан сўнг хотин қўйганга тегаети-да, бўйдоқ йигит олармиди, деган аламли бир фикр ўтди кўнглидан холос. Гарчи юрагида илк севгининг санчиқлари ўқтин-ўқтин уйғониб қолар, у эса худди ўша оғриқли куз кунларидаги сингари бунга парво қилмасди. Кейин Маъсума Чашмизиракда пайдо бўлди. Қишлоқ шўроси раиси ўринбосарлигига тайинланибди. Шунинг оқибатида улар бир-бирларига деярли кунора ихтиёрсиз дуч келадиган бўлишди.

Нурқобил унга эътибор бермасликка, фақат салом-алик билан чегараланишга ҳарчанд уринмасин, уддасидан чиқа олмасди. Гўё Маъсума унинг ҳаётида қайта дунёга келганди. Маъсума ўзини беғам, хушчақчақ кўрсатишга уринса ҳам кўзларида бир дард, сирли бир ўкинч яширинганди. Нурқобил ана шу ўкинч бошқа анча-мунча сабаблар қатори ўрталаридаги куртак ёзмай хазон бўлган илк севгига ҳам боғлиқ эканини ич-ичидан ҳис этиб турарди.

Ўтган йил кузда улар Кисловодскда учрашиб қолишди. Бир-бирларидан беҳабар, айнан битта санаторийга келишибди. Нурқобил йўллангани тумандан олганди. Маъсумага дасти узун шавҳари вилоят касаба уюшмасидан ундириб берибди.

Маъсума ҳамон ўша-ўша гўзал, шўх ва бу шўхлик ортида теран бир андуҳи бор эди. Ўша сеҳрли кўзлар, кўнғироқдай овоз, дардли кулгу.. Нурқобилни кўра солиб, нигоҳи ярқираб кетди, шоша-пиша қўл узатди, қўллари нафис ва ҳароратли. Бунинг устига, унда етилган жувонларга хос яна алланечук сархуш этувчи, кишини ақлдан оздирадиган даражадаги ташна, дилрабо бир ҳиссиёт ҳам бор эдики, Нурқобил бу ҳис қаршисида тошга урилган кўзадек чил-чил синиб

кетди. Узоқ йиллик аразиниям, ўзининг Гулруҳга берган ваъдасини ҳам унутди. Ўзи биринчи бўлиб гапирди, гуноҳ менда эди, дея узр сўради, ўзини, фақат ўзини айблади. Кейин Маъсумани кечки сайрга таклиф этди.

Маъсума гоҳ кулар, гоҳ йиғлар, негаки бу тасодифий холи учрашувдан бениҳоя шод, бахтиёр эди. У ҳаяжондан энтикиб, узоқ йиллар кўксида сақлаб келган гапни такрор-такрор айтди.

– Орзу қилгандим. Бирга бўламиз, турмуш қурамиз, дегандим. Сиз... сиз ҳар нечук бахтингизни топдингиз... Ўғилларингизни кўрганимда шундай севинаман, шундай севинаман... Кейин юрагини очди. Бояги гапларни айтишга ўзида журъат топди. Нурқобил англаган хулоса шу бўлдики, унга бир имо кифоя, инон-ихтиёрини ошиқ йигитнинг измига топширади. Ҳеч нарсани ўйламайди, иккиланмайди, ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ҳар тугул...

Нурқобил энг сўнгги лаҳзада яна ўзида куч, ирода топди ва... гунчалигида йўқотиб, айна гуллаб-яшнаган чоғларида қайта топган севгилисининг иссиқ кафтларини ушлашдан нарига ўтмади. Маъсуманинг тобора шиддатланаётган эҳтиросини назокат ила совутди. “Шошқалоқлик қилмайлик. Ҳаммаси... ҳалол-покиза, одамгарчилик қаъдасига мос бўлсин. Аввал у кишидан... қонуний ажралинг. Кейин...”

Шу тариқа истироҳат охиригача дўстона суҳбатлашиб юришди. Эҳтиёткорлик юзасидан бошқа-бошқа самолётда қайтишди. Бироқ уларнинг “ишқий саргузаштлари ҳақидаги мукамал тафсилотлар” ўзларидан олдинроқ етиб келган экан Чашмизиракка. Шу орада яна бир бор Тошкентда, катта йиғилишдан сўнг меҳмонхонада... холи қолишиб, батафсил суҳбатлашишди. Маъсума яна йиғлади, “асираман, қутқа-

ринг” деди. Нурқобил уни тамоман ҳайратга солиб, ҳеч нарса демади, ҳеч нарса ваъда қилмади. Чунки Кисловодскда пайтида ҳам, кейин ҳам у мархума завжасининг руҳи бу ишидан рози бўлажигига ҳали ишонч ҳосил қилмаган, қолаверса, айни кунларда ўз ташвиши ўзига етиб-ортиб турарди. “Ҳамонки одамлар кўпчилик овоз билан мени сайлади, энди рақиблар енгилишганини тан олиб, тинч юришади, деган хаёли пучга чиқиб, яна ёза-ёз бошланганидан сўнг кўзи гўёки “ярқ” этиб очилган, совуққон ва мулоҳазакорлигини сақлашга ҳарчанд уринмасин бироз жингиртоб ва ўта эҳтиёткор бўлиб қолганди. Энди Маъсумани ҳафталаб, ойлаб кўрмас, кўрса ҳам узокдан ўзини олиб қочарди.

Аммо қишлоқда уларнинг пинҳоний хушторлиги ҳақидаги узунқулоқ миш-мишлар сира йитмади. Нурқобил бу гапларга эътибор бермас, тинчгина ишлаб юрарди. Ўташев эса аввал аёлини, сўнгра бир кун Нурқобилни махсус чақириб, ҳар иккисини қасам ичтириб, обдон изоҳу тушунтириш олган эса-да, қасос истагини енголмасди. Буни Нурқобил биледи. Гоҳ кўрқиб етади. Гоҳ: “виждоним олдида тозаман, у эса билганини қилсин, бир бошга бир ўлим-да”, дейди. Ўша куни Ўташев уни ўзининг туман марказидаги кремлча гилам-пояндозлар солинган муҳташам кабинетига чақирди ва дабдурустдан: “Қани эркакча қилиб айтинг, одамлар оғзидаги гап тўғрими, агар тўғри бўлса ва буни мардларча тан олсангиз, мен ҳам мардлик қилиб, Маъсумага шу бугуноқ жавоб бераман”, деди. Бу ҳийла эди албатта. Мақсад Нурқобилни алдаб, гуноҳини бўйнига олдириш эди. Нурқобил ростини айтди: “Салом-алиқдан нари ҳеч иш бўлган эмас.”

“Агар шу гапингиз рост бўлса мана бу... муқаддас китобларни ўпиб қасам ичинг”, деди Ўташев ва



Нурқобилни донг қолдириб сейфдан КПСС Низоми билан Каломи шарифнинг бир замонлар Крачковский, деган олим ўрисчага қилган таржимасини олиб узатди. Нурқобил: “ҳамонки, виждоним тоза экан, нимадан кўрқаман, деб ўйлади ва аввал Қуръони каримни ўпиб, кўзига суртди, сўнгра КПСС Низомига ўнг кўлини кўйиб: “Агар ёлғон гапираётган бўлсам, тил тортмай ўлай!” деган кўшша илоҳий-партиявий онтни кўзини чирт юмиб сипқориб юборди. Кошки Ўташев бунга инонган ва иззат нафси ором олган бўлса. Туман коммунистларининг етакчиси партия аъзоларининг барчасини худди ўзи каби ғирт қасамхўр, деб ўйлар ва уларнинг онтидан кўра “хўкиз туғибди”, деган хабарга кўпроқ ишонарди.

Хуллас, Нурқобил шўрликнинг боши тегирмон тоши тақимига тушди ва бу харсанги зилу замбил кун сайин тобора кучлироқ айлана бошлади.

## 24.

Автобус қаттиқ силкиниб тўхтади. Суҳроб чўчиб кўзини очди. Атрофга ғира-шира қоронғилик чўка бошлабди. Ташқарига қаради. Тўсинсой. Яқинлашиб қолибди. Яна бир ҳайт деса, икки соатдан кейин Чашмизиракда бўлади.

– Қани, бир чекиб олинглар, – деб қичқирди автобус ҳайдовчиси, – моторни озроқ совутиб, дам бермасак бўлмайди. Бу ёғи энди фақат баландлик.

Суҳроб ҳам бошқалар қатори автобусдан тушди. Совуқ. Қор учқунлайди. Ана, пастда Тўсинсой сув омбори, қоп-қора бахмалдай товланади. Юқорида қорамтир чўққилар. Хув ана, оқсоч Ҳаётбоши. “Чорбоғсой” давлат хўжалиги. Чашмизирак ўша чўққининг пойида. Ҳаким аканинг кўрасидан чиқиб салгина юрилса, чўққининг этаги – Фозилман кўли, тиниқ

сувли, ажойиб бир денгиз. Шимолга қараб юраверсангиз, Охчобсой сув омбори қурилиши, ундан сўнг тоғ ошиб ўтиб чўлга от сурсангиз, Ҳайдарқўлга чиқиб кетасиз. Мўъжизакор бир ўлка бу – Қоратов ва Оқтов оралиғи. Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан шоир, Ислом шоирлар, ўзимизнинг Ҳаким довдир ана шу тоғлар қўйнидан чиққан.

Суҳробнинг фикри тиниққан, кайфияти бироз кўтарилганди. Бу томоннинг одамлари қизиқ-да, доим муболағали қилиб гапиришади. Айтайлик, биров чўлда товушқон учратган бўлса, тайин “бўри кўрдим” дейди. Ёки тоғда узоқдан бўрими, тулкига кўзи тушса, “айиқ қувлади” деб ҳаммани оғзига қаратиб юради. Ҳаким акага ўхшаган одамга-ку гап тегмасин, бошдан оёқ кийинтириб, оёққа турғазиб, отга миндириб юборади. Пастга, Тўсинсойга қараб туриб, Нурқобилнинг Охчобсой сув омбори қурилиши ҳақида ҳаяжонланиб гапирган гаплари эсига келди.

– Биласанми, яқинда иккинчи жаҳон уруши тарихига оид бир китоб ўқидим. Ҳалиги Ҳаким ака айтган гап рост экан, билдингми?

– Қайси гап? – сўради Суҳроб. У Нурқобилнинг кўп китоб ўқишини, айниқса тарихий асарларга қизиқишини яхши билар, шунча иш билан мутолаага ҳам вақт топанидан ҳайратланарди.

– Ўзбекистон раҳбарлари иккинчи жаҳон уруши бошланган куни Чашмизирада бўлишган, Чорбоғда Охчобсойни боғлаш, Бухоро амирлари даврида бунёд этилиб, кейинроқ бузилиб кетган сув омборини тиклаш ҳақида мажлис ўтказишган экан.

Бу гап Суҳробни ҳам қизиқтириб қўйди. Кейин қариялардан яна қайта-қайта суриштириб, китобларни титкилаб масалага ойдинлик киритди. Бухоро амири Абдуллахон ҳукмронлиги пайтида Охчобсойда катта

сув омбори бўлган, бу сунъий кўл Абдуллахон банди деб аталган экан. Банд қанча-қанча ерларни суғоришга имкон берган. Кейинчалик тошқинлар, қаровсизлик, эътиборсизлик оқибатида бузилиб кетган.

– Биласанми, республиканинг ўша пайтдаги раҳбари Усмон Юсупов ана шу бандни тиклаб Жўш билан Охчоб ўртасини, қолаверса, пасти Қизилқумгача бўлган минглаб гектарли даштларни гўзал водийга айлантириш фикрини илгари сурган экан, – дерди Нурқобил ҳаяжонланиб. – Кейин уруш, тикланиш йиллари имкон бермаган. Бора-бора бу бебаҳо фикр унутилиб кетган. Энди ўша ташаббусни қайта кўтаришяпти. Агар бу иш амалга ошса, бизнинг жойларда ҳам йилига миллионлаб, миллиардлаб фойда берадиган илғор, бой хўжаликлар пайдо бўлади. Ўшанда қанча ободончилик десанг, ҳаддинг сиғади. Эҳ, жўра, бу ерларни эртақдаги Эрам боғига айлантириб юбориш мумкин, билдингми. Олмазорлар, ўрикзорлар, ёнғоқзору пистазорлар барпо бўлади, чорвачилик ҳам янада ривожланади, гўшт, қоракўл тери кўпаяди. Одамлар ҳам бойийди.

– Ҳа, айтганча, Ҳаким аканинг самарқандлик оға-ини тутинган бир ошнаси бор. Исми Мели. Шу одам яқинда Эрондан келган қариндошлари билан Ҳаким аканикида меҳмон бўлган экан. Эронлик киши боғбон экан, кўп қизиқ гапларни айтибди: “шунча қир-адир нега бекор ётибди, бу ерларга писта экиб, миллион-миллион даромад олса бўлади-ку”, депти. Эрон пистасининг нархи жаҳон бозорида жуда қиммат.

– Унда сен ҳам писта экишни бошламайсанми?

– Тошкентдаги бошқармамизга, Ўрмон вазирлигига хат тайёрлаганман. Маъқуллашса, қаттиқ кириша-

ман. Э-э, жўра, бу ерларнинг ҳар қаричида бир ботмон тилла олса бўлади!

У ғайрати вужудига сиғмай Суҳробни бағрига босар, Суҳроб эса, “ишқилиб бу ерларга ҳам писта эмас, пахта экилиб, табиат мувозанати яна ҳам бузилиб кетмайдими?” дея уни шаштидан туширмоқчи бўлар, Нурқобил эса: “Хотиржам бўл, бу ерлар салқин, пахта беш ойда ҳам пишмайди, шунинг учун жазм этишолмайди”, деб уни тинчитмоқчи бўлар, Суҳроб тинчимас, “Айримларга қўйиб берсанг Шимолий муз океани соҳилларида ҳам пахта етиштиришга уринишади” дер, шу тариқа икки дўст узоқ мунозара қилишарди...

Йўловчилар яна автобусга мина бошлашди. Машина қирлар сари ўрмалаб кетди.

## 25.

Ҳаким довдир тонг ғира-ширасида кўзини очди. Шифт оппоқ, атроф оппоқ. Димоғига дори ҳиди урилди. Шунда у касалхонада эканини эслади. Бу ерга қандай, нима сабаб билан келиб қолганини таҳлил этишга киришди. Унга нима бўлди? Юраги нега кутилмаганда хуруж қилди. Йўқ, кутилмаганда эмас. “Нурқобилни қамашибди” деган хабарни эшитган заҳоти нақ елкасига кимдир зарб билан мушт туширгандек, шунинг баробарида кўксида бир нима узилиб кетгандек бўлди. “Нега” дея ҳайқирмоқчи бўлди тоғу тошларни гулдуратиб. Бироқ овози чиқмади. На-да овози, нафаси чиқмай бўғзида қотиб қолди. Нарёғини эслолмайди. Инфаркт. Буни хуши ўзига келган заҳоти дўхтир айтмаёқ тушунган. Зеро, ўқимишли чўпон акамиз ўз жисми жони ҳаддан ортиқ туйғуну таъсирчан эканини билгани, бир кунмас бир кун айнан ҳаяжон туфайли бир бало бўлажигига

аниқ ишонгани учун тиббиётга оид қомуслару рисо-  
лаларни кўп ўқиган.

Қимирлаш мумкинмикан ишқилиб? Кўкрагига  
улкан бир тош бостириб қўйилгандек. Ҳамхонаси  
хуррак тортиб ухляпти. Ташқари ёриша бошлади.  
Бўғотда қор кўзга чалинади: тарновда сумалак осил-  
либ турибди. “Қор ёғипти-да яна. Отардагилар нима  
қилишдийкин? Ем-емишнинг таги кўриниб қолувди.  
Ёрдамчиларидан Эшпўлат тежамли йигитку-я. Очил-  
бой сал дўлоброқ, қўли очиқ, жониворлар бир тўй-  
син, деб солаверади..” Довдир беихтиёр жилмайди.  
Тежамли деганига Эшпўлат билан боғлиқ воқеа эси-  
га тушди. Эшпўлат қишлоқда довдирга қўшни эди.  
Ота-онаси қариб қолган, ўзи эса аввал ўқишга кир-  
моқчи бўлди. Йиқилиб қайтиб келди. Беш-олти ой  
ишга кирмай тентираб, кўчада ким тоқ бўлса, жуфт  
бўлиб ичиб юрди. Кейин армияга кетди. Айтиш-  
ларича, Афғонистонда хизмат қилган. Ўзи эса би-  
рор одамга бу ҳақда бир оғиз гапирмайди. Нега сир  
сақлайди, бу ҳам сир. Кейин мактабга қоровуллик  
қилди, магазинга юкчи бўлди, лекин кўним топмади.  
Бу орада уйланиб, хотини икки ўғил туғиб, Ҳасан-Ҳу-  
санлар эр етиб қолди.

Бир куни Эшпўлат довдирнинг яйловдан келиши-  
ни пойлаб йўлига чиқди.

- Ҳа, Эшпўлатбой, номозшомда чироғпояга ўхшаб,  
бу не туриш.

- Сизга қараб турувдим, Ҳаким ака.

- Э, яшанг-е, бизнинг йўлгаям қарайдиган одам  
бор экан, хайрият. Қани, ҳовлига қирайлик.

Киришди. Довдирнинг онаси Янглиш кампир дас-  
турхон ёзди. Ойсифат чой дамлаб келди.

- Қани, гап енг, мулла Эшпўлат, – деди довдир чой-  
ни шопириб-шопириб қайтарар экан.

– Шу... Ҳаким ака... бир илтимос билан келдим. Отам айтди. Ҳаким йўқ демайди, Ҳакимга бор, деди.

– Хўш, хўш...

– Шу... биласиз... бизни Ҳасан-Ҳусанлар ҳам катта йигит бўп қолишди. Отам айтади, буларинг эртага ота, хотин обберинг, деб қолади, барвақтроқ қўлини ҳалоллаб ювор, дейди. Шунга сиз новвосларингиздан биттасини қарзга бериб турсангиз.

Довдирнинг қитмирлиги тутди.

– Отангиз тўғри айтибди, Эшпўлатбой. Эр йигит тез ўсади. Ҳа, энди ҳозирги шароитни биласиз. Ин-найкейин, тежамкорлик деган гаплар чиқаяпти. Сал сабр қилсангиз-ку, икки тўйни бир қилиб ўтказиб юборардингиз. Тежамкорлик бўларди-да, ука.

Эшпўлат қотиб-қотиб кулди.

– Сизга бир гап гапириб бўлмайди-да, Ҳаким ака. Одамди ўзининг гапига ўраб чалпак қилиб ташлай-сиз.

– Ҳа, энди айтдим қўйдим-да, Эшпўлат. Олсангиз насиҳат, олмасангиз ўзимизга сийлсв. Новвос масаласига келганда, ука, беролмайман. Нега денг? Шунинг учун беролмайманки, қиёматгача бўйнингизда қоп кетади. Ишингизни, касбингизни тайини бўлма-са. Икки миллионлик новвосни қачон ишлаб, қачон топиб қайтарасиз?

– Келаси йил баҳорда.

– Йў-йўқ, Эшпўлат, келаси йил баҳорда қайтаришингизга кўзим етмайди.

Довдир йўқчиликни ҳам, тўқчиликни ҳам кўрган, қўли очиқ одам эди. У мавриди келганда бир-икки қўйларни ебкетарга ҳам бериб юборган вақтлари бор. Буни қишлоқда ҳамма билади. Лекин ҳозир унинг мақсади бошқа эди.

Эшпўлат дастурхонга тикилиб ўйланиб қолди.

– Бўлмаса, гап бундай, Эшпўлат полвон. Битта йигитча иш қиламиз. Агар хўп десангиз.

Эшпўлат Довдирга умид билан боқди.

– Хўкизни обкетасиз. Тўйни ўтказасиз. Куз ўтсин, қиш ўтсин. Баҳорда, яъни йилбоши куни хўкизни етаклаб келасиз. Агар етаклаб келмасангиз, ўша кундан эътиборан Ҳаким Ўнғалов отарининг ёрдамчи чўпонисиз. Шу шартга чидайсизми?

Эшпўлат иккилана бошлади. Айтишларича, унинг ёлғиз қолса кўзига ажина кўринадиган одати бор эмиш. Шунинг учун қоровулликни ҳам ташлаб кетибди. Ҳаким чўпоннинг тахмин қилишича, ҳамма сир Эшпўлатнинг афғонда кўргану қилган ишларида. Ажина эмас унга... отган одамларининг арвоҳи дорийди танҳолик пайтлари. Афғонга бориб келган йигитларнинг орасида соғи кам. Тўрт мучаси бутуну руҳияти мажруҳ. Одам отган-да!

– Менга қара, ука, Эшпўлатжон. Чўпонлик ота-бобомиздан қолган касб. Бошини тутган одам хор бўлмайди. Мана, қайси чўпонни олиб қарама қозон-чўмичи мой, давранинг тўри, мажлисининг минбари ўшаники. Бундан ташқари сен дала-даштда тоза ҳавода юрсанг, анови ажиналар ҳам келмайдиган бўлади. Агар... агар... шу шайтон ҳозир тилимга бир гап солди. Лекин кўнглингга олма, ука, чин юракдан айтаяпман. Агар... Ҳаким ака, эртадан бошлаб сизга шогирдман десанг, шу хўкиз икки шохию, тўрт оёғи билан сеники. Топсанг берарсан, топмасанг мен рози. Нима дединг. Бор, энди отанг билан гаплаш. Тез тур. Айниб қолмасимдан, тезроқ бориб масалани ҳал қил.

Шундай қилиб, Эшпўлат Ҳаким акага ёрдамчи чўпон бўлиб қолди. Паҳлавон келбатли, оқ кўнгил бу йигит ишга сидқидилдан берилди. Энг муҳими, у чўпонликка қизиқди. Шунинг учун сиҳати ҳам

тикланди, ишиям юришиб кетди. Ҳозир у бола-чақасини ҳам отар бошига кўчириб чиққан. Уй қилди, мотоцикл олди. Энди машинани мўлжаллапти. Бола-лариям ҳадемай еттита бўлади...

Ҳамхона йигит ўрнидан туриб керишди. Кийинди, сочиғини олиб, оёқ учида ташқарига чиқди. Бироздан сўнг “куҳ-куҳ”лаб қайтиб кирди. Ҳаким довдир кўзини бақрайтириб ётганини кўриб гап қотди:

– Ие, ассалому алайкум. Қалай, яхши бориб келдингизми? Аждодларимиз яхши юришибдими?

Довдир мажолсизгина жилмайди. “Бу йигити тушмагур ҳам ўзимиздан чиқиб қолди-ку”.

– Ҳа, салом айтишди, – деди у кўлини кўксига босиб. Эси бўлса, бу ёқларга келишни сира ўйламасин, ўша ёқда кунини кўриб юраверсин, дейишди.

– Раҳмат, раҳмат. – деди йигит кулиб. – Қани, туринг энди, бир физкультура қилайлик!

Довдир йигитни ҳовлиқтириш учун қимирлаганга ўхшаш ҳаракат қилди.

– Ё, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

Йигит ҳай-ҳайлаб бошига югуриб келди.

– Ў-ўв, ҳазилни биласизми, ака! Қимирламанг-е! Яна чиндан ҳам бобомнинг ёнига равона бўманг!

– Нафасни иссиқ қилинг, ука, ўлишга вақт йўқ ҳали, – деди инқиллаб довдир. – Қани, ўтириб тўртта гап беринг. Сал гурунг қилиб чалғимасам, ичим қизиб кетаяпти.

Суҳбат давомида маълум бўлдики, йигит, яъни Шодиёрбой тракторчи экан. Шўрчадан, бўрдоқи қабул қиладиган пунктда ишлаб юрадиган Турдим деган одамнинг ўғли экан.

– Серфарзандман ака, ўнта бола бор. Келинингиз, онам, яна икки сингил. Ўзим билан бирга ўн бешта еярман-ичарман. Тракторчиликнинг маошига кун



ўтказиш қийинлашиб кетди, бу ёқда танқислик, дўконга чиқсанг ҳеч нарса йўқ, талонга бериладиган маҳсулотларни ҳам чаққонлар кундан бурун илиб кетишяпти. Баъзан уйда нон-чой ҳам бўлмай қоляпти. Бунақада... очарчилик бўлмасайди, деб кўрқаман. Хуллас, йўқчиликдан юрак сал безовта қилди.

– Сиз ҳар нарсага кўрқаверманг-да Шодиёрбой, кўрққанга қўша кўринади. Нимадан кўрқасиз, ўлмаган кул бир кунини кўради. Дўконларни тўлдириб қўёлмайдиган давлатнинг эса... падарига лаънат!

Бу гапни эшитган Шодиёр яна кўрқиб кетди. Кўзи олазарак бўлиб, эшикка қаради. Ҳайтовур берк экан. Нақ такрорий инфаркт бўп қоларди-я.

– И-и, унақа гапларни гапирманг ака, мен коммунистман, бунинг устига туман партия кўмитаси бюроси аъзосиман.

Довдир бу гапнинг неча фоизи ҳазилу қанчаси зил эканини чамалаб, йигитнинг юзига тикилди. Кейин пўнғиллади:

– Оббо-о, бу коммунистларингнинг дастидан касалхонадаям эркин гапириб бўлмас экан-да. Дарвоқе, бўйро аъзоси бўлсангиз, анови... директоримиз Бўтаевнинг масаласидан хабарингиз борми? Кеча эшитдимки, муҳокама бўлармиш, қаттиқ чора кўрилармиш... Шу ростми?

– Шунақа бўлса керак. Терговдан: “Ўчириб беринглар, бизлар қамаб, Тошкентга опкетишимиз керак”, деган қаттиқ қоғоз келган экан. Бюро аъзоларининг барига “розиман”, деган мазмунда имзо қўйдириб юришибди. Лекин мен ҳали имзо чекканим йўқ.

– Балли, иложи бўлса, умуман ҳеч қачон, мутлақо имзо чекманг.

– Кошки бизнинг имзонинг бир чақалик қадри бўлса, – деди кулиб тракторчи, – Хўжақўрсинга аъзо

қилиб қўйишган-да. Бўйронинг асл хўжайини Ўташев. Айтгани – айтган, дегани – деган.

– Шунақами, унда ҳокимият ўзимизнинг қўлда экан-ку. Шоқувват ака... бизга холавачароқ бўлади. Аммо-лекин...

Тракторчи унинг гапини бўлиб, касалига нима сабаб бўлганини суриштира бошлади.

– Кўринишингиздан сираям юрак касал бўладиган одамга ўхшамасиз-у, – деди.

Довдир яна ҳазил қилди:

– Одам... ҳаддан ортиқ шўх бўлса ҳам юракка оғир тушаркан. Анови ҳофизлар авжини олиб бўкирганда йўғон ичаги ёрилиб кетади, дейишади-ю. Бизам замонамизнинг фаровонлиги, сизга ўхшаган инсонларнинг бахтиёру шодмонлигидан, айниқса ўзимизнинг беҳад саодатмандлигимиздан қувониб, нуқул қийқириб кулаверган эканмиз, юрак қурғур ёрилишига сал қолибди. Холбуки... лоақал ора-сирада хўнграб-хўнграб юракни бўшатиб туришимиз керак экан.

– Коммунист одам йиғлаши мумкин эмас экан, чўпон ака, бизга шундай, деб ўргатишган партияга қабул қилишаётганда. Агар оғзинг тўла қон бўлса ҳам ғоявий душманлар олдида тупурмаслигинг, бошинг ёрилиб, мажақланиб кетса ҳам дўппининг тагига яшириб тураверишинг даркор экан.

– Тўғри ўргатишган, – деди довдир суҳбатдошининг ҳам тузуккина аскиячи эканига энди тўла ишонч ҳосил қилиб.

– Аммо-лекин ўзларидаям анча-мунча дард борга ўхшайди-ю, айтишни лозим билмаётирсиз, – деди тракторчи.

– Қизиқмисиз, яйловда яйраб, най чалиб, қўшиқ айтиб юрган чўпонда дард нима қилсин, – деди довдир.

Табиийки, унинг отарига ҳам кетма-кет текширув келаётганини, кўй сони, ем-емишнинг ҳисоб китобидан нуқсон топишолмасдан, кўзбўямачилик билан мукофотга машина олганликда айблашаётганини, ўша мукофотни болалар уйига топширганини ҳам инобатга олишмаётганини гапириб ўтирмади. Зеро бу “айб” учун унга ҳеч қандай жазо беролмасликларини қонундан ҳам анча-мунча хабари бор киши сифатида яхши билар, уни ҳозир азоблаётган ягона ташвиш – Нурқобилнинг боши узра айланаётган қора булутлар эди. “Нурқобил, Нурқобил, дейсиз, нуқул ўшани ўйлайсиз, еганингиз ичингизга тушмайди, нимага бунча куйинасиз, Нурқобил ўғлингизми, ё туғишган жигарингизми? – деди қайси куни хотини Мусаллам. – Айби бўлса бўшайди, жиноят қилган бўлса, қамалади. Сизга нима?” “Ҳаҳ, тилиннга терскан чиққур сочи узун, ақли қисқа хотин-а, ахир Нурқобил ҳам жон-жигаримиз-ку! Жигар бўлмаганда-чи? Бир бегуноҳ одам тўрт-беш боши бузуққа ем бўлиб кетаверса майлими?”

Бугун эрта билан Тошбўри айтди. Тоғаси, аниқроғи тутинган отаси Ўташев жаноблари дебдиларки, “Нурқобилжонни сақлаб қолиш учун керак бўлган барча ишларни қиляпмиз, шунинг учун ҳозирча қамалганлари йўқ, эҳтимол умуман қамалмас ҳам. Худо кўрсатмасин, мабодо шундай нохуш ҳол юз берган тақдирда ҳам, унинг мумкин қадар камроқ муддат олишига эришамиз, насиб этса.” “Тоғангизга, менинг жондан азизу шакардан лазиз бўлам бўлмиш Шоқувват Ўташ қассоб ўғлига... умуман гап йўқ! – деди ҳайрат ва ...нафратини яширолмаёй ҳақим довдир. – Қойил, қойил яна қойил! Илойим айтгани оғзидан чиқиб... шамолларга учиб кетсин.”

Зеро, довдир буларнинг барчаси шу одамнинг зимдан олиб бораётган “ички ва ташқи сиёсати” на-

тижаси эканини жудаям яхши билар, шу топда жаҳлу ҳаяжон ичра ҳаммасини Тошбўрининг юзига айтиб, бир юрагини бўшатмоқчи бўлдию, фикридан қайтди. Ҳозир, тракторчига у аъзо бўлган бюронинг баковули ҳақида икки оғиз нордон гап айт моқчи бўлди-ю яна тилини тийди. “Ясиххус – сукут”, яъни сукут олтин эмиш.

Тушга яқин навбатчи дўхтир кириб Ҳаким довдирни обдон кўрди. Кейин Тошбўрини чақириб келди.

– Нима бўлди? Асабийлашдингизми? Сал босимингиз ошибди. Ҳадеб ҳар нарсага таъсирланиб, ҳаяжонланаверманг, хўпми, акс ҳолда муолажамиз чўзилиб кетади. Юрагингизга, аввало ўзингизга раҳмингиз келиши керак. Майли, ҳечқиси йўқ. Ҳозир укол қилишади.

Уколдан сўнг ўзини анча яхши ҳис қилди. Кейин хотини Мусаллам, Ойсифат ва Тўхтарбой келишди. Довдир уларга ўзини бепарво, хушчақчақ қилиб кўрсатди. Қизиқ гаплардан сўзлади. Кулдириб жўнатди. Лекин кўнглидаги гидирни ечолмади. Уни-ку қамай олишмас, мабодо қамаганларидаям кўп йилга кесишолмайди. Қўйлар сони тугал, ем-емишнинг ҳисоб-китоби пухта. Бояги машинани нари борса, уялишмаса, етимхонадан қайтариб олишар. Ўзи асли керакмасди шу нарса. Нодонлик қилиб, ҳазил-хузул билан розилик берворган. Қисталоқ Ўташев бунақасига айлантирворишини қайдан билибди. Майли. Лекин.... Нурқобилнинг аҳволи не кечади. Унга жуда қаттиқ ёпишишган дейишяпти-ку..

## 26.

Нурқобилнинг аҳволими? Нурқобилбой мана, бир ҳафтаки, уйда ўтирибди. Директорликни топширган. Шаҳарга икки марта сўроқ бергани бориб кел-

ди. Биринчи марта чақиришган куниеқ ариза ёзган, “Ўзимни оқлаб олмагунимча ишга чиқмайман”, деб раҳбарликни фирқақўм котиби Усмон Шамсиевга топширганди. Шамсиев уни ҳали ариза ёзмасликка, текшириш, тергов натижалари тугагунча сабр қилишга кўндиришга ҳарчанд ҳаракат қилди. Уйигаям икки марта келиб кетди. Шамсиев кекса, кўпни кўрган киши. Туробов билан бирга ишлашган. Ишига пишиқ. Лекин қанчалик пишиқ бўлмасин, бир неча йиллардан буён аризабозларни тинчитилишнинг иложини қила олмаяпти. Нурқобил сайланганидан сўнг бир неча ой теваракка гўёки жимлик ва осойишталик чўккан, одамлар: “энди сокин яшайдиган бўлдик”, деб қувонишганди. Сал шошилишган экан шекилли. Ярим йилдан сўнг аризабозлик яна авж олди. “Ҳақиқатпарварлар” ҳар қайси замбаракнинг ўқидек келадиган думалоқ хатларни вилоят, республика етмагандек, Москвага ҳам ёмғирдек ёғдира бошлашди. Текширув устига текширув. Бошда ҳеч нарса тасдиқланмай юрди-ю, кейин кутилмаганда жиноий иш очилиб, тергов юритилаётгани ҳақида хабар келди. Ва ниҳоят, уни вилоят марказига сўроққа чақиришди. Саксонинчи йиллар иккинчи ярмида, сирасини айтадиган бўлсак, Ўзбекистон улкан бир терговхонага айланиб қолган, бошда ҳар бир раҳбарнинг терговга тортилишию қамалиши ҳақида ваҳимали муноқашалар қилган ҳангоматалаблар ҳам вақт ўтиши билан бу ҳолатга кўникиб, мутлақо ажабланмай кўйишди. Шу боис кунларнинг бирида кечагина ишдан “ўз илтимосига биноан” кетиб қолган, умрини Москвада давру даврон суриш билан ўтказиш умидида бўлган республиканинг собиқ раҳбари қамоққа олингани ҳақидаги хабар ҳам деярли ҳеч кимни наинки, таасуфлантиргани балки таажжублантиргани йўқ. Шун-

дай шароитда узоқ даштдаги бир хўжалик раҳбарининг тергов қилинаётгани, қамалиш хавфи борлиги ҳақидаги ахборот ўша давр аҳли учун бамисоли... гидрометеорология станцияси ходимининг “эртага ҳаво ўзгариб туради”, деган тахминий маълумоти қадар оддий ва аҳамиятсиз эди. Аммо...

Бу воқеа қаҳрамони бўлмиш оғайнимиз Нурқобил учун ҳаёт-мамот масаласи кўндаланг қўйилганди кун тартибига.

Бошда шикоятларда нималар дейилган, Нурқобилга қанақа айблар қўйилган – буни унга ҳеч ким айтмади. “Сиз бемалол ишингизни қилаверинг, ит хурар-карвон юрар”, дейишди. Ўлчаш, ҳисоблаш, тафтишу ревизия қилиш, ўнлаб, юзлаб одамларни чақириб суҳбатлашиш, сўроқ қилиш. Ҳалиям Нурқобил шунча чидаб ишлади. Таҳлика, гумон, шубҳа остида. Унинг ўзи билан ҳам деярли кунора “суҳбатлашиб” туришарди. Хўжаликнинг ҳисоб-китобларидан ҳар тугул ишқал чиқмади. Лекин энди аризачилардан ҳам чаққонлашиб кетган текширувчилар сира бўш келишмасди. Нурқобил уларнинг қаердандир муттасил гиж-гижланиб, олқишланиб турилганини сезар, ҳатто бир икки кишилардан “Сиз ҳам тезроқ қарши ҳужумга ўтинг, акс ҳолда еб, ғажиб ташлашади”, қабилдаги бепул маслаҳатлар ҳам эшитган, шунга қарамасдан “мен ғирромларга қарши ғирромлик билан курашмайман”, деган Дон Кихотча ўйда юрар, ҳақиқат ва адолат юзага чиқишига ишонарди. Аризабозлар эса унинг эрта-индин албатта қамалажаги ҳақида башорат қилишар, “ана кетди-мана кетди”, дея тўхтовсиз миш-миш тарқатишарди.

– Шикоятларда ёзилишича, тоғ орасидаги полиз, сабзавот пайкаллари сизнинг кўрсатмангиз билан барпо қилинган. Сизнинг кўрсатмангиз билан у ер-

лар давлат техникаси билан ҳайдалган, уруғ, ишчи кучи – ҳаммаси сиз раҳбарлик қилаётган хўжалик ҳисобидан. Лекин ҳосили шаҳар бозорларида сотилиб, пули сизнинг чўнтагингизга тушиб турган. Одамларга эса: “Бу ерларга экилган экологик тоза табиий маҳсулотлар республика раҳбарлари дастурхонига тортиқ қилинмоқда” деган ёлғон ва тухмат гапларни айтиб келгансиз.

Нурқобил ҳайратдан ёқасини ушлади. Ё, тавба, тухмат балосидан асра, деб шунга айтишар экан-да.

– Ўша яширин экинзорлар борлигини биларминдигиз, ахир. У ерлар хўжалик экин майдонлари рўйхатида бўлган-ку.

– Йўқ, бўлмаган. Мен ҳам аввалига шундай деб ўйлагандим. Кейин билсам, у ўрмон хўжалиги ерлари экан-у, шаҳардаги заводлардан бирига ёрдамчи хўжалик қилиб берилган.

– Демак, хабарингиз бўлган. Афсуски, ўрмон хўжалиги ҳужжатларида у ерлар “хўжалик ерлари” деб кўрсатилган. Ҳеч қанақа заводга берилмаган. Амалда яширинча хусусийлаштириб олгансиз. Буни бўлим бошқарувчиси ҳам тасдиқлади. Ўша атрофдаги икки юз туп ёнғоқ, юз туп бодом, икки юз туп писта, эллик туп дўлана ҳам шундай деб расмийлаштирилган. Хўжалик ҳужжатларида эса, боягидай, ўрмон хўжалиги ҳисобига “ўтказиб қўйилган”. Ҳар бири камида ўттиз-қирқ ёшли серҳосил икки юз туп ёнғоқдан ўрта ҳисобда олти юз қоп ёнғоқ чиққанда ҳам ҳар қопи, борингки, эллик килодан, қилоси тўрт сўмдан, демак ҳар қопи икки юздан бўлса, жами даромад бир юз йигирма минг. Фақат ёнғоқнинг ўзидан.. Бошқасини ҳозирча гапириб ҳам ўтирмайман. Содда эмассиз, Бўтаев!

– Ахир мен... бир мактуб ёзган эдим юқорига... бир текшириб, аниқлик киритилишини, қонуний баҳо берилишини сўраган эдим.

– Қачон, кимнинг номига, нима мазмунда? Иккинчи нусхаси борми? Почта квитанцияси қани? Ёлғон гапирманг, кап-катта одам.

Нурқобилнинг жони ҳалқумига келди. Нима десин? Мактуб бир нусха эди, почта қутисига ташлаганман, буюртмали қилиб жўнатиш, квитанция олиш хаёлимга келмабди, десинми? Ишонишмайди барибир. Ё... Ўташевга ағдарсинми, ўша одам вилоят раҳбари Тўхтабоев учун ташкил қилган десинми? Кимни ишонтиради? Билган экансан, нега бефарқ қараб турдинг дейишмайдами? Кеча эшитди. Тўхтабоев ишдан олиниб, ўрнига Нодир Назаров сайланган. Ишдан кетган одамга атай тўхмат қилипсан, номард экансан, дейишмайдами? Барибир қутулиб бўлмайди. Ё, тавба, куппа-кундуз куни, кутилмаганда бошига тўхмат ёғилса-я. Наҳотки бу Ўташев шу қадар шафқатсиз одам, наҳотки.

– Қоракўл тери, гўшт, жун, сут топшириш режалари ижроси билан боғлиқ қинғирликлардан ҳам хабарингиз йўқмиди? Ҳар йили минглаб дона тери, юзлаб тонна сут кўшиб ёзилган. Иккита бўлим бошқарувчиси, иккита пункт мудирини, бир неча сут топширувчи, тери йиғувчиларингиз ҳаммаси иқрор бўлди. Директор мажбурлаган, биз манфаатдор бўлмаганмиз, фойдани фақат ўша киши кўрган, дейишяпти. Умуман, хўжаликдаги обрўли шахслардан бошлаб, энг оддий одамларгача – кўпи билан гаплашдик. Сизни ўтакетган мансабпараст, амал курсисига эришиш учун виждонини ямламай ютадиган кимса, деб “таърифлашди”, нафсингизни тиёлмас экансиз, мўмай да-



ромад учун энг қабиҳ ишлардан ҳам тап тортмайди, дейишди...

Нурқобилнинг боши шишиб, қулоқлари чиппа битди. Терговчининг гаплари пашшанинг ғўнғиллашига ўхшаб эшитила бошлади. “Ҳозир ҳалиги айиқли дарадаги нашазорлар ҳақида гап очиб, униям менга тўнкайди” деб ўйлади. Лекин ҳайтовур бу гал у ҳақда лом-мим демади. Балким, сўнгги зарба сифатида, ишлатиш учун охиrhoғига олиб қўйгандир. Юқорида айтилганларнинг ўзи ҳам Нурқобилни турманинг тўрига ўтқазиш учун етиб – ортса керак. Аслини олганда, “адолатли совет судлов тизими” учун бировни ёмон отлиқ қилиш, узоқ муддатга кесиш ва ҳатто отувга ҳукм қилиш учун ҳеч қанақа далилу исботнинг зарурати ҳам йўқ. Нурқобил билади, тарихий китобларда ўқиган: ўттизинчи йилларда бу тизимнинг оталаридан бири, Сталин бобонинг ўнг қўли бўлган ўртоқ Вишинский кашф этган “иқрор-далиллар маликаси” қоидаси асосида мутлақо бегуноҳ одамларни ҳам ҳеч қандай исботсиз, ҳужжатсиз, “ўзи иқрор бўлди”, деган асос билан қатағон қилаверишган. Яна бир бениҳоя мудҳиш услуб – маҳкумни кўз кўриб қулоқ эшитмаган қийноқларга солишаркан-у, битта талаб қўйишаркан: “Ўз жиноятингни ўзинг тан ол ва ўзинг исботла!” Ривоят қилишларича, ана шундай вазиятда Ўзбекистонда қамалган бир маҳбус: “Мен Тошкентдан Москванинг марказига қадар лаҳм ковлаб, Кремлни портлатмоқчи ва ўртоқ Сталинни ўлдирмоқчи эдим”, қабалидаги ақлга сиғмайдиган, ҳатто ёш бола ишонмайдиган “жиноят”га иқрор бўлади ва бу ҳеч кимни ажаблантирмайди, кулдирмайди, балки, зудлик билан шов-шувли суд бошланади, маҳкум отувга ҳукм этилади. Энг даҳшатлиси – ана шу суд маҳкамаси тафсилотларини радио, газеталар орқали

ҳар куни кузатиб борган оломон ичидан ҳам бирор кимса бундан таажжубу таассуфга тушмайди. Бутун мамлакат бўйлаб миллионларнинг: “Ватан хоинларига – ўлим!” деган жўровоз ҳайқириқлари янграб туради. Шўрлик оломон. У ҳамиша зўрлар тарафида. У мудом ваҳимали томошалар ишқибози. У ҳануз ҳар кун, ҳар соат “қайноқ” ахборотларга ошуфта. Чашми-зиракнинг умрини мойкунда ёнида от ҳайдаб ўтка-заётган саводсиз бир жувозкаши Қоракул кунжара харид қилиш истагида кирган ҳар бир кимарсага куни кеча Самарқандда, Тошкентда, ҳатто Москвада қандай катта амалдор ишдан олиниб, устидан жиний иш кўзғатилгани ҳақида энг “барра”, энг аниқ ахборотларни беради. Кунжараталаб харидор эса бу маҳал оғилхонасида очқаб “мў-мў”лаб бўкириб ётган сигирини унутиб, оғзини карракдай очиб: “Қаранг-а, у нобакор порахўр қачонлар қамалиши керак эди ўзи”, дея умрида номини ҳам эшитмаган одамни бўралатиб сўкиб, пировардида: “бу онангни эмгур амалдорларнинг ҳаммасини бургадай қилиб янчиш керак”, дея кекириб-кекириб чиқиб кетади. Айни шу одамга айни шу дамда кўчада қишлоқнинг энг майда амалдори, маҳалланинг котибими, совхознинг табелчисими учраб қолса, дарров кекиришдан тўхтаб, ипакдай эшила бошлайди. “Каттакон, – деб мурожаат этади ўғли қатори навжавон мулозимга, – анови, ҳалиги... моддий аҳволимиз оғирлиги жонибидан бир ариза ёзиб, давлат нархида иккита қўй сўрагандим. Совхознинг ўпкаси шамоллаган тўхлиларида бўл-саям майли, ўзингиз қўллаб юборинг миллатпаноҳ.” Нега одамларимиз бунчалик аянчли аҳволга тушди, нега қўрқоқ ва иккиюзламачи бўлиб қолди? Орият ҳамият, номусу ғурур, деган тушунчаларимиз қайда қолди? Наинки энди улар фақат китоблару газета-

ларда ёзилади. Кундалик ҳаётда тилга олсанг, эшитган кулади: “Қўйинг-е, унақа баландпарвоз шиорларни, бўладиган ишдан гапиринг”, дейди...

- Ўша “обрули шахслар, оддий одамлар” дан лоақал бир-икки кишининг номини айта оласизми?

- Марҳамат, бунинг яширадиган жойи йўқ. Бевосита қўл остингизда ишлаган Қиличбой Заҳҳоров, Бойқувват Ўташев...

Терговчи тилга олган кейинги номлар Нурқобилга нотаниш эди. Хўжалик катта, тоғ оралиқлариданми, дашт тарафданми, ҳар ҳолда бор одамлардир. Бечоралар “айт, ёзиб бер”, деган дўқ-пўписалардан қўрқишгандир. Улардан хафа бўлиш керакмас. Авом, ожиз кимсалар-да. Аммо... уларнинг анча-мунчаси бояги Қоракул жувозкашдан ахборот олувчи кунжараталаб харидордан фарқ қилмайди. Олдинда бўш-баёв, ортингда даҳшатли ёв. Ҳартугул Нурқобил ҳаётда учратган кишиларнинг ҳаммаси унақамас. Бошқачалари ҳам бор...

- Агар шарманда бўлмайин, енгилроқ жазо билан кутилайин, десангиз, ҳаммасини ўз ихтиёрингиз билан сўзлаб, терговга ёрдам беринг. Бу инобатга олинади. Эҳтимолки, жавобгарликдан тамоман озод этилсангиз. Чунки...

- Чунки менга ўхшаган майда-чуйда амалдорларни қамашга қамоқхоналарда жой ҳам қолмагандир, - дея истехзо қилди шу ҳолига Нурқобил.

- Янглишасиз, - деди терговчи истехзони қулоғининг бир чеккасидан ўтказвориб. - Советлар мамлакатада нимадир балким бироз камроқдир, аммо шукр, ҳибсхоналар етарли. Кап-катта раҳбар бўлиб буни билмаслигингизнинг ўзи... сиёсий хушёрликни йўқотганингизни кўрсатади.

– Узр, ўйламасдан гапирворибиман, – деди Нурқобил, – бир жойда ўқигандим, ўттизинчими, қирқинчими йилларда маҳбуслар шу қадар кўпайиб, мактаблар, касалхоналар, ҳатто оғилхона-ю чўққхоналар бўшатилиб, авахтага айлантирилган экан. Тўғрими?

– Қисман тўғри, – деди терговчи Нурқобилнинг киноясига эътибор бермай. – Урушдан кейин бўлган шунақа вазият. Чунки, ўзимизнинг маҳаллий аристонлар қаторига хорижлик... миллионлаб асир маҳбуслар қўшилган. Хўш, нима дейсиз, тергов билан... ҳамкорлик қилишга розимисиз?

– Бир-икки кун... ўйлаб олгани фуржа берасизми? – сўради Нурқобил. Атиги бир лаҳза олдин мясида: “Муҳлат сўра, вақтдан ютишга ҳаракат қил, болта тушгунча кунда дам олади, ажабмаски, бирор мўъжиза юз бериб, мушкулинг осонлашса”, деган фикр пайдо бўлганди. Терговчи эса буни ризолик аломати, деб ўйлади. Чунки, муттасил ҳузур-ҳаловатда яшаб ўрганган амалдор қавмининг аксариятида ирода суст бўлишини, яхшилаб таҳдид қилсанг-у, “фалончини сотсанг жавобгарликдан озод этиласан”, дея ваъда берсанг, биринчи сўроқдаёқ чалган куйингга ўйнашини кўравериб кўзи пишиб кетган эди.

– Майли, сизга бир ҳафта муҳлат, бошқа вилоятдаги бир ишни судга ошириш учун тўрт-беш кунга сафарга бориб келишим керак. Аммо-лекин... бирон тарафга қуён бўлишни хаёлингизга ҳам келтирманг, ерга кирсангиз қулоғингиздан, осмонга учсангиз... туёғингиздан тортамиз.

– Қаёққа қочаман, ака, тўрт тараф панжараю тиконли сим билан ўралган-ку, – Нурқобил бу гал ошкора истехзо қилди ва шу он бундай учирма гаплар устаси бўлмиш қадрдони Ҳаким чўпонни эслади.

– Балли, тушунадиган одамга ўхшайсиз, демак янаги ҳафта кўришгунча, – деди терговчи.

Нурқобил уйга келди. Ҳовлига кирди-ю, Усмон Шамсиевга тўқнашди.

– Қаёқларда юрибсиз? Эртага туман партия кўмитаси бюросида муҳокама қилинасиз Жиддий тайёргарлик кўринг. Маҳкам бўлинг.

Нурқобил каловланиб қолди. Шуниси етмай турувди. Нима қилиш керак? Нимадир қилиш, қандайдир чора излаш лозим ахир. Ҳаракатда – баракат, дейдилар.

Нурқобил ўйлаб-ўйлаб Ўташевнинг олдига... бош эгиб боришга қарор қилди. Тариқча одамгарчилиги бўлса, ёрдам берар, кунига ярар. Ҳурматини бажо келтирди, умрида қилмаган ишини қилиб, аёли билан юрмагани ҳақида қасам ичди. Буларнинг ҳаммасини унинг ўзи ташкил этиб юрганини билмасликка олиб, раҳм-шафқат сўрайди. “Мана ишдан ўз аризам билан кетдим, минбаъд каттачиликка кўз олайтирмайман, ҳоҳлаган одамингизни кўйиб, даврингизни сураверинг”, дейди.

## 27.

– Мумкинми, Шоқувват ака? – Нурқобил Ўташевга биринчи марта “ака” деб мурожаат қилди. Зора, кўнгли юмшаса.

– Келинг, ўтиринг, – деди Ўташев телевизордан кўзини узмай.

Нурқобил гапни нимадан бошлашни билмай бир зум эсанкираб турди. Кейин айтмоқчи бўлган гапининг бир неча хил шаклини фикридан ўтказди.

“Шоқувват ака, жон ака, ҳамқишлоқлик ҳурмати, отамнинг арвоҳи ҳурмати, жонимга ора кининг. Сағирман ахир. Хотиним ўлган. Болаларим ёш. Жу-

вонмарг бўлиб кетмайин. Жон ака. Сиз сақлаб қолма-сангиз, бошқа ҳеч ким сақлаб қола олмайди.”

“Ҳолинг шу экан-ку, бировнинг хотинига илакишиб... ейсанми, тур ўрнингдан-э, ҳезалак”.

“Тўғри, мен итлик қилдим. Кечиринг, ака, бир умр миннатдор бўлай, бир умр хизмат қилай”.

“Қасам ич, энди Маъсумага қўл теккизсам, кўр бўлай, деб қасам ич. Бундан кейин Ўташевларга содиқ қул бўламан, измингиздан чиқмайман, деб онт ич, кўппак.”

“Яна қанақа қасам? Ичдим-ку тунов кунни. Майли, майли, яна ичаман...”

Йўқ, тўхта, ҳеч қачон, қамоқда чириб, ўлиб кетган тақдирда ҳам бунақа қилолмайди у. Бунчалик паст кетолмайди. Эҳтимол, жўнроқ ҳал бўлар. Ахир, Ўташев ҳам инсон зотидан-ку.

“Шоқувват оға, ёрдам қилмасангиз бўлмайди, акс ҳолда ҳаммасини очиқ айтаман, сизни ҳам тортаман.”

Қўйсанг-чи, сен унақа жиртаки шантажчи эмассан-у, эркакча гаплардан гапирганинг яхши. Ундан ташқари Ўташев бунақа майда шантажлардан кўрқадиган одам эмас.

– Гапиринг, қулоғим сизда, – деди Ўташев телевизорнинг овозини сал пасайтириб. Нурқобил бироз шошиб қолиб, пойма-пой бидирлади:

– Шоқувват ака, текшириш ва ...тергов кетаётганидан хабарингиз бор, менга қаёқдаги айбларни қўйишяпти. Камомад, қўшиб ёзиш... Ҳалиги экинзорлар масаласи, уни ёнига ким қанча ёнғоқзору бодомзор қўшилибди.

– Сиз нима дедингиз?

– Мен худди сиз айтгандай, бизга алоқаси йўқ, заводнинг ёрдамчи хўжалиги, дедим.

- Нима, мен айтгандай? Мен сизга шунақа деган-мидим?

- Ҳа, эсингиздами? Бултур қишда.

- Туш кўрибсиз, ука! Мен ёш боламидим, сизга унақа гапларни гапириб.

- Ўртоқ Ўташев, наҳотки тонсангиз! Ахир...

- Туҳмат қилманг ука. Бўлмаса текширувчиларга "бу айбини бировларга тўнкаш учун туҳмат қила-япти" деб ёзиб беришга мажбур бўламан. Гуноҳингиз янаям оғирлашади. Шу ёғиям ўзи наридан бери бўлиб қолса керак.

Ташқарига қоронғи тушиб қолган, хонанинг чироғи эса ёқилмаганди. Нурқобил Ўташевнинг кўкимтир кулранг бўлиб турган мисдек силлиқ, маъносиз юзига ҳайрат билан тикилди. Унинг қарши-сида одам эмас, тош, йўқ, тош ҳам бунчалик бўлмас, чўян бир мавжудот турарди.

Нурқобил боя хаёлидан ўтказган савол-жавобни эслади. Ҳа, бу одам ялинтиришни, тиз чўктиришни, кейин устингга чиқиб топташни истаяпти, тиз чўксанг, эҳтимол қўллар... Эҳтимол... Лекин...

Шу сонияда Нурқобилнинг кўзига дунё тор бўлиб кетди. Охирги чора, сўнгги илинж пучга чиққанда одам шундай аҳволга тушса керак. Шошма, нега энди охирги илинж. Ўташев сўнгги чорами? Ҳаёт фақат Ўташевлардан иборат эмас-ку... Кураш, югур, ҳақиқат изла! Ахир, ҳаром луқма емагансан, бир сўм ўзлаштирмагансан-ку. Тўғри ишонувчан, содда бўлгансан. Шунинг оқибатида балким совуққонлик қилгандирсан. Бунинг учун... отишмас...

У қаддини кўтарди.

- Келинг, йигитчасига гаплашайлик, - деди у. - Мақсадингиз мени йўқ қилишми? Хўп, туҳмат билан қаматтирдингиз, ҳам дейлик. Қачондир жавобини

беришга тўғри келади-ку. Наҳотки... ҳатто Худодан кўрқмасангиз.

Ўташев қоронғилик оша Нурқобилга тикилиб қолди. Унинг кўзлари совуқ ялтирарди.

– Нимага жириллайсан, ў, ука? Менинг сен билан неча пуллик ишим бор. Хотинимга ёпишиб гапга қолдирганинг етмагандай яна тухмат ҳам қиласан. Жиноятингнинг бир чеккасини тўнкамоқчи бўласан. Мен сенга бир гапни айтаман, қулоғингга кўрғошин қилиб қуйиб ол. Раҳбар одам тоза бўлиши керак. Ўзиниям, бировниям ҳаромга ботирмаслиги керак. Ҳаромга ботдингми, наҳсга қолдингми, энди жазосини торт. Ана шу бўлади йигитчилик. Садкаи раҳбарлик кет сен, билдингми? Йўқол бу ердан!

– Майли, – деди Нурқобил ўрнидан туриб эшик томон юрар экан.– Майли, ака. Агар қамоқда чириб кетмай қайтиб келсам бир салом бераман. Бир кўрсатаман йигитликнинг кучини. Сизгаям боққан бало бордир-да.

У эшикдан отилиб чиқиб кетди. Кейин туман прокурори Кенжа Сарибоев ҳузурига кирди. “Ана шу одамда инсоф-диёнат бор экан”, деганди бир пайтлар тухматдан азият чекиб юрган устози Музроб Туробов. Шунинг учун шу одамни қора тортиб борди. Бўлган воқеа-ю гапнинг ҳаммасини бошдан айтиб берди. Муҳокама эртага кечқурунга белгиланган, у бу орада нимадир қилиб улгуришга умид боғларди. Агар улгурмаса, муҳокамадан сўнг партиядан ўчирилиб, ҳибсга олинишига рухсат берилиши ойнадай равшан.

– Ўша тоғдаги экинлар воқеасини нега келиб менга бир оғиз айтмадингиз? Хўп, яхши, харитани кўриб, совхознинг ери эмаслигига ишонч ҳосил қилибсиз. Лекин барибир кўнглингизда шубҳа туғилган-ку.



Сизнингча, хаританинг асл нусхасини йўқотишган. Шундайми? Архивга сохтасини тиқиштириб қўйишган. Наҳотки вақтида шуни пайқамадингиз? Бонг урмадингиз? Туманга, вилоятга, керак бўлса, Тошкентга бориб, хаританинг ўша ердаги нусхаларни кўриш, солиштириш керак эди. Терговчи бўлса, харитани Бўтаевнинг ўзи сохталаштирган, деб юрибди..

Нурқобил ўшанда нега лоқайдлик, журъатсизлик қилганини изоҳлаб бера олмади.

– “Менга алоқаси бўлмагандан кейин нима ишим бор,” дегансиз, шундай эмасми?

Нурқобил унсиз тасдиқлади. Калласи энди тиникроқ ишлаётгандай туюлди. Анови... нашазор ҳақида гап очаймикин, деб ўйлади. Қўрқди. Ҳозирча на текширишда, на терговда у тилга олинган эмас. Балким умуман тилга олинмас. Эҳтимол ростдан ҳам давлатникидир. Акси бўлса, иш тамоман расво бўлиб кетиши мумкин. Индамай тургани тузук.

– Ана, кўрдингизми? Иллат, касофат сиздан узоқда, четда бўлса ҳам, билиб туриб индамадингизми, унинг нуқси барибир уради. Ўшанда қаттиқ олганингизда, орқасини қувиб, суриштириб, жиноятни фош этиш учун дадил курашганингизда бутунлай бошқача бўларди. Шунақа, ўртоқ Бўтаев, инсон кўпинча ўз заифлигининг эмас, журъатсизлигининг қурбони бўлади. Лоқайдлик, менга нима, деган шахсиятпарастлик албатта бошга бало бўлади.

– Шунчалик тўхмат қилишлари етти ухлаб тушимга киргани йўқ, Кенжа Сарибоевич. Менга ҳатто Тожибойни ҳам ўлдиртириб юборган деган айб қўйиб, тўхтовсиз ёзишяпти. Етти ухлаб тушимга кирмаган гап бу! Наҳотки, бу... милиция ҳалигача ҳақиқий қотилни топмайди.

– Вақти келса топилади. Ҳаммаси ошкор бўлади.

Сарибоев кутилмаганда чуқур хўрсинди. Нурқобил баногоҳ ўйладики, бунинг аҳволи ҳам унча яхши эмас. Москвалик терговчилар ўз ноғорасига ўйнашни истамаётганларни сиқувга олишаётганлигини, аксар виждонли ҳуқуқшунослар ариза бериб ишдан бўшаётганини эшитганди. Буям...

– Унгача менга ўхшаганлар қамалиб, отилиб кетса майлими?

– Нафасни иссиқ, ниятни холис қилинг, биродар. Мен... бу ёғини жуда синчиклаб текширтиришга ҳаракат қиламиз. Бегуноҳ бўлсангиз...

Нурқобил унинг гапларига ишонмади. Қанақадир иложсиз, маҳкум одамнинг ваъдасига ўхшади. Шунинг учун гапни қисқа ва мужмал қилишга уринаётган бўлса керак. Янаям ким билсин.

Қишлоққа умиди батамом сўниб қайтди. Умрида биринчи марта бундай ҳолатга, иложсиз вазиятга дуч келгани учун ўзини қўйишга жой тополмас, ҳатто бафуржа ўйлай олмас, уйқусизликка йўлиққанди. Қиш кечалари эса бедору безовта одамга ҳаддан ортиқ узун, абадият сингари сўнгсиз туюлади.

Кечаси билан Сухробга хат ёзиб ғойибона дардлашди. Унинг ҳам шу кунларда ўз муаммолари билан овора бўлиб юрганидан хабардор эди. Бир муддат аввал қайсидир йиғилишга борганида кўришган, суҳбатлашган, дардини ёриб, униқини ҳам эшитган, “тавба, қаёққа қарама мансаб учун кураш, бу қанақа жамият ўзи”, деган, бу саволга Сухроб: “ривожланган социализм шунақа, амалпарастлар жамияти, чунки ҳамма ёппасига йўқсил, аниқроғи қул, тузукроқ амал эса ўзингни озод инсон, деб, хом хаёл суришга озгинагина имкон беради”, дея истехзо билан жавоб қайтарганди. Ўша суҳбатни эслаб, ўзининг аянчли режасини асосламоқчи ва журъатига куч бағишламоқчи

бўлди шу топда: “қул бўлиб яшагандан кўра, мардларча ўлмоқ афзал эмасми?” Барибир...

Бундай қилиш жуда қийин эканлигини, чуқурроқ таҳлил этиб қараса, бориб турган кўрқоқлик, қочоқлик эканлигини ҳам яхши биларди у. Кўрқмас, жасур одам курашади. Енгилишини, маҳв этилишини билса ҳам жангга киради. Лекин, назарида у курашолмайди. Сабаби аввало, енгилишини аниқ билади, эл бошига ногоҳоний қора сел каби бостириб келган қатағон оқими уни мажақлаб ўтиб кетиши муқаррарлигига ишончи комил. Иккинчи тарафдан судланишни сира-сира истамайди. Бу... бу тамом, дегани. Нурқобил ўзича англаган бир аччиқ ҳақиқат бор: бизнинг эл ҳаммиша кучлилар, ғолиблар тарафида туради, у ожизларга, қувғиндиларга, судланиб, пешонасига тамға босилганларга бениҳоя шафқатсиз. Ҳаким чўпон бир кун айтган эди: “болалигида бир мартагина ўғирлик қилган, шундаям қўшнисининг товуғи тагидаги бир дона тухумни ўғирлаган Назирбой, деган тенгқуримиз “Назир ўғри”, деган лақабдан бир умр қутилолмай ўлиб кетди.” Шунинг учун Нурқобил ўйлайдики, судланса, қамалса – тамом. Ўзи-ку майли, оиласи, болаларининг келажагига ҳам абадий тамға босилади. “Отаси қамалган”. Улар бир умр ўкиниб, қисиниб яшашга мажбур бўлишади. Эҳтимол, толеларига ўша ўчмас тамға босган шўрпешана отани бир умр ичларида қарғаб, лаънатлаб яшашар. Бундан кўра ўлгани яхши эмасми? Жиноят иши ёпилади. “Одам йўқ, муаммо ҳам йўқ”, деган экан ўша маълуму машҳур Вишинский, деган зоти кироми. Судланди деган тамға ҳам бўлмайди. Ўғиллар ҳам худди ўзи сингари очяланғоч, юпун, ўсишади. Лекин ҳарқалай кўкракларини баланд кўтариб юришади. “Халқ душманининг боласи, ўғривачча, ёхуд бошқа бир шармисор қилув-

чи, иккинчи навли одамга айлантйрувчи лақаблардан холи улғайишади. Тенглар орасида тенг бўлиб яшашади. Ўзи ҳам бегуноҳлигича, энг муҳими, шонли комфирқанинг аъзолигидан ўчмай кетади. “Партия аъзолари нариги дунёда ҳам анча-мунча имтиёзларга эга бўларкан, – дея аския қилганди бир гал Ҳаким довдир. – Аввало мункар-накирлар ортиқча қйнашмасакан: “булар барча саволларга жавобни партияга кираётганда бериб бўлишган”, деб. Сўнгра қилкўприкдан оддий коммунистлар автобусда, амалдорлар хизмат машинасида ўтказилиб, жаннат, яъни фирдавсул маъвога навбатсиз киритилишаркан. Агар бунинг устига хотини ўрис бўлсами... ўша ердаям кичикроқ бўлса-да албатта бирор лавозимга тайинланар экан...” Бу латифани эшитганда Нурқобил ҳар сафар мириқиб кулган. Бироқ айни топда кулгилик ҳоли йўқ эди. Барибир бу дунёдан ўз ихтиёринг билан кетиш осон эмас. Ҳаёт – ширин.

Мияси ачиб кетди. Шаҳд билан стол ёнига ўтирди ва Сухробга аталган мактубини давом эттирди. Узоқ ёзди. Йиғлаб ёзди. Охири шундай хулоса қилди:

“Ҳа, ҳаёт ширин. Лекин мард бўлишим керак. Нормардлик қурбони бўлиб бир умр шармандаликда яшагандан кўра мардларча ўлиб кетганим афзал”, деди. Болаларидан хабар олиб, аммасига далда бериб туришни илтимос қилди. “Мени унутма, имкони бўлса кечмиш-кечирмишларимни бир ҳикоя қилиб ёз, токи, бошқаларга сабоқ бўлсин, ҳеч ким мендек амал ҳавосига маҳлиё бўлиб, хато қилмасин, қабиҳ кимсалар тузоғига тушмасин, деди. Бир хаёли тоғларимиз орасига уя қурган қашқирларни фош эт, демоқчи бўлди-ю, дўстининг ҳаётини хавф остида қолдирмаганим дуруст, деган андиша билан фикридан қайтди. Мактубни тугаллаб конвертга солди. Устига “Дўс-

тим Сухроб Туробовга тегсин”, деб ёзди. Стол устига кўринарли жойга қўйди. Деразадан ташқарига қаради. Уфқ оқара бошлабди. Тонг яқин.

Ҳовлига чикди. Атрофни қалин қор қоплаганди. Аччиқ изғирин заптига оляпти.. Айни муддао. Яйловга йўл олади. Отни увол қилишнинг кераги йўқ. Машинада боради. Кеча ҳайдовчи ёнилғи камроқ эканини айтиб, огоҳлантирган. Нурқобил эшитмасликка олганди. Тоғда совуқда қолиб ўлиш режаси миясида аллақачон пишган, фақат жазму журъат етмаётганди. Ҳозир қайдандир пайдо бўлди. Шуниси маъқул. Атай қилгани ҳам билинмайди. “Бензини тугаб, машинаси ўчиб қолган”, дейишади. Музлаб ўлиш қанақа бўлишини у... биледи. Кўп эшитган. Отасининг вафоти ҳақида гап кетганда бувиси доим айтарди: “Болам бечора оти ҳориб, гуртукка тушиб, йиқилганидан сўнг пиёда ҳам анча юрган. Қишлоққа беш чақиримгина қолганида “озгина нафас ростлаб дам олайин”, деган ўйда тўхтагану уйку зўрлик қилиб, ухлаб қолган. Яна озгина юрганида омон-эсон етиб келар эди уйга...” Бувининг бениҳоя оғриқли ҳикоясига дош беролмай, ғамзада кўнглига таскин излаб юрган кунларида Жек Лондон ҳикоялари қўлига тушди. Такрор-такрор ўқиб, кўникди. Бу осон ўлим экан. Киши ўзи сезмаган ҳолда уйкуга кетар экан...

Яна бир нарса кўнглига таскин беряпти. Ҳаётни худди отаси сингари тарк этаётир. Тўғри, отаси... ўлишни сира-сира хоҳламаган. Ҳаво қаттиқ совуқ, қор ҳаддан ортиқ кўп бўлгани учун ноилож қолган. Нурқобил ҳам асло хоҳламасди Лекин ноилож қолди.

У тонг уйқусида ором олаётган ўғилчаларига интиқ нигоҳ ташлади-да, шахт билан ташқарига чиқиб кетди.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### 1.

Қишлоққа яқинлашган сари Сухробнинг юраги орзиқа бошлади. Отасини, онасини, тоғасини эсларди. Бу ерда дўсти Нурқобил ва Ҳаким акадан бошқа яқин кишиси қолмаган. Нурқобилни кўрса, суҳбатлашса раҳматлик отасининг қизишиб, елиб-югуриб юрган пайтлари ёдига тушади. Шубҳасиз, Нурқобил кўп нарса ўрганган у кишидан. Баъзан ҳатто айрим гаплари айнан ўхшаб кетади.

Довдир эса тоғасини эслатади. Фақат тоғаси Мавлон полвон жиддий одам эди.

Довдир эса шалдир-шулдир. Лекин зукко, ҳар гапининг замирида аллақандай маъно бор. Довюраклиги одамни ҳайрон қолдиради. Бир куни Нурқобил билан ўтовига борганларида довдир серкасини гўёки адашган бўлиб “Ўртоқ Ўташев” деб чақирганига ҳайрон қолишди. Тўғри, кейин у ўз хатосини тузатди: “Ўртоқ бош секретар, э узр, серкатар, демоқчи эдим”, деди. Сухроб аввалига кулдию, кейин барибир уни енгил койиган бўлди.

– Ҳаким ака, бунақа қалтис ҳазилни кўйинг. Минг қилсаям раҳбар одам. Эшитиб қолса ғашифиб, қасдлашиб юриши мумкин.

– Менинг серкам ҳам отарнинг раҳбариди. У қаёққа бошласа, минг кўй ўша ёққа юради. Бўйнида қўнғироғи бор. Ҳал қилувчи аҳамиятга эга белгиси ўша. Қолаверса, Ўташев менга тенгқур, мактабдош. Салкам қариндош. Ҳазил қилишга ҳақлиман. Уям ҳазил қилсин. Истаса, эшагига Ҳаким деб лақаб қўйсин.

– Кўйинг ака, шу гапни кўйинг. Яхшиси, Нурқобил ё Сухроб, деб чақиринг ўша серкангизни.

– Э-э йў-ўқ, унақада мен ҳаммамиз учун ҳурматли серкамга нисбатан ҳурматсизлик қилган бўламан. Сизлар ким бўлибсизларки, менинг узоқ йиллардан буён йўлбошчилик лавозимида ишлаб келаётган олиймақом, юксак мартабали серкамга сизнинг номингизни берай!

Довдир аввалига қаҳ-қаҳ уриб кулди-ю, кейин бирдан гўёки жиддий тортди.

– Нурқобил дейишга... бўлмайди ука. Менинг серкам ўн беш йиллик меҳнат стажига эга. Сен раҳбар бўлганингга ҳали беш йил ҳам тўлган эмас. Агар серкамни сенинг исминг билан атасам уни камситган бўламан. Тушундингми?

Ҳа, довдир қувноқ, лекин ўлгудай ўжар одам. Яна бир феъли борки, айтган гапини қилмаса кўймайди. Сухроб унинг ўзича шеърлар ёзиб юришини биларди. Бир куни шундан гап очди.

– Ҳаким ака, шеърларингиздан эшитайлик.

Довдир ўнғайсизланиб қолди.

– Кўйсанг-чи, Сухроббой, мени шеърларим шеър эмас, шунчаки хиргойи.

– Майли, нима бўлсаям бирортасини ўқиб беринг.

– Майлику-я, лекин сенга ўхшаган мухбирлар кейин чўпон халқининг барини шоирга чиқариб юборасизлар, деб кўрқаман.

– Нега?

– Чунки қачон чўпон ҳақида ёзсанглар, кўлига най ушлатиб, яйловга ёнбошлатиб кўясизлар. Яқинда битта ашула эшитдим. Нима эмиш: “чўпон чалар найини, кўмсаб моҳлар ойини, найда изҳор этар у, ошиқ кўнгил майлини” Ўлма-е, шоири замон! Моҳлар

ой қаерда экан? Отасиникига кетганми? “Фақат най чалишда бошқа ишга ярамасакан”, деганда а? Шундайми? Ахир чўпонларнинг ҳаммаси бир қолипдан куйилган эмас-ку. Бирови най чалса, бирови дўмбира чертиши, бошқаси доирани боплаб уриши мумкин. Яна бири кўлига умуман таёқдан бошқа нарса ушламаган бўлиши мумкин. Лекин шуни билки, чўпон ёлғиз юради, зерикади. Шунда нимагадир овунгиси келади. Мен китоб ўқишни яхши кўраман. Хуржунимнинг икки кўзи доим китобга тўла.

– Гапни бурманг энди. Шеър машқ қиласиз, кундалик ёзасиз. Қанча дostonларни ёддан биласиз, бари-дан хабардормиз.

– Хабардор бўлсанг, нима нафи бор? Мен айтган дostonларни китоб қилмасанг. Сизнингча, халқ оғзаки ижоди Эргаш Жуманбулбул, Ислом шоир, Пўлкан шоирлардан кейин тўхтаган. Икки-уч бахшини топиб олгансизлар – телевизорлардаям, радиодаям шулар. Тоғларни, яйловларни изламайсизлар, ваҳоланки, эҳ-ҳе...

– Айб ўзингизда, доим яширасиз. Дафтарларингизни бермайсиз. Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлса, шу пайтгача тўрт-бешта китоб чиқарарди. Асли, ростини айтсам, шаҳарда нашриётлар атрофида ўралашиб юрган қанча-қанча ясама шоирлардан сизнинг истеъдодингиз ўн чандон кучли.

– Ол-а! Жа кўпиртирдинг-да! – деди довдир. Лекин кўп тихирлик қилмай дафтарларидан уч-тўрттасини Суҳробга берди. Суҳроб уларни ўқир экан, гоҳ кулар, гоҳ жиддийлашар, кўзида ёш қалқирди...

Кейин довдирга хат ёзиб шаҳарга чақиртирди. Ўша сафар тафсилотини довдир ҳамиша кула-кула, кўшиб-чатиб ҳикоя қилиб юради.



## 2.

Алқисса, бир куни шаҳарга тушдим...

Сухробнинг олдига кирсам шеърлар китоби чиқиб, кимга мақтанишини билмай ўтирган экан. “Ҳой, ука, қирққа кириб энди мушукнинг қулоғидай китоб чиқарибсан, нимангга бунча қувонасан” десам, “Шунгаям Мансур Муҳиддинович ёрдам қилдилар, бўлмаса, ҳаливери шуям йўқ эди” деди. Оббо, шов-воз-ей, дедим. Ҳалиги ўзимизнинг Мансур Муҳиддинни айтаяпсанми, эски ошнанг. “Ҳа, дейди. У киши ҳозир китоб чиқарадиган жойда катта лавозимда ишляпти”. “Ораларингдан сал гап ўтгандай бўлувди, адашмасам. Ишқилиб ярашиб кетдиларингми?” “Ўзи-ку аслида уришиб уришганимиз, ярашиб ярашганимиз йўқ, лекин у киши бошқа жойга ишга ўтиб кетди. Кейин... Лекин мен китобимни у кишига кўрсатмай топширгандим. Ўзи хабар топиб, сал тезлаштириб юборибди.” “Ё фалак-эй, Тангри-табиат инсоф бераман деса ҳеч гап эмас экан-да. Бўлмаса бир иш – шу шоир халқини бир зиёфат қилайлик. Харажати мендан” дедим.

Сухроб аввалига кўнмади. Лекин авраб-алдаб кўндирдим. Икковимиз пешинга яқин Муҳиддиновнинг идорасига доҳил бўлдик.

“Ассалому алайкум, муҳтарам Мансур ака!”

“Ваалайкум ассалом, укалар. Келинглар”.

Салом-алик, ҳол-аҳвол пурси посидан кейин мақсадга ўтдик. Муҳиддинов мени сал-пал биларди. Шунинг учун майна қилмаяптимики, дегандек ишонқирамади. Йўқ, ишонтирдик. Аканг қарағайни қонидаям шоирликдан бор-да ахир. Эргаш Жуманбулбул бобомнинг холасининг тоғаваччаси бўлган, ҳаяжонланиб бир-икки сўз айтган эдим, кўзидан ёш чиқиб кетди, бечоранинг.

Хулласи калом, ишдан кейин “Кўктепа” зиёфатхонасида учрашадиган бўлдик. Менда ҳалиям бояги ҳаяжон тарқамаган экан, шекилли, “Беш-олтита кўнгилтортар ошна-оғайнилардан ҳам айтиб чиқинг, ўтирамизда чақчақлашиб” деб юборибман. “Майли-майли, деди Мансур Муҳиддин, ўзим ҳам беш-олтита ошналарим билан анчадан бери ўтиришганим йўқ.”

Гапнинг қисқаси, бизлар Сухроб икковимиз “Кўктепа”га келиб, яхши бир бурчакни эгалладик. Келса бир беш қўшув олти киши бўлиб келар, деб ҳар эҳтимолга қарши ўн уч кишилик жой ҳозирладик.

Келишилган вақтда Мансур Муҳиддин ташриф буюрдилар. Ҳисобдан бироз адашиб, Мансур оғанинг камсуқумлигини билмаган эканман.. Улар атиги саккиз киши бўлиб келишди, бизлар икковимиз, давра – дастурхон атрофи тугал бўлиб, жой ортиб ҳам қолди.

Шаҳарга тушадиган бўлсам, одатим, белни бақувват қилиб тушаман. Бу гал ҳам қопчиғим тўла, Ўзига шукр. Яна маҳсининг қўнжида хотин латта-путта, маҳси-ковуш олиб келасиз, деб берган анча-мунча пул ҳам бор.

Мансур Муҳиддинга илтифот этдим: қани, марҳамат, кўнгилга сиққанича буюрсинлар. У ҳам бояги андиша-тавозеларни идорасига қўйиб келган, шекилли, анча дадил, бир гапириб ўн кулиб буюртма беришга киришиб кетди. Қўй гўшти, мол гўшти, товуқ гўшти, курка гўшти, ғоз, ўрдак ва яна алланима балоларнинг гўшти. Балиқнинг беш-олти хили, ҳалиги ичидаги уруғи десанг, қорасию қизили. Мева-чеванинг мен билмайдиганларидан ва ҳоказо шунга ўхшаш. Шу десанг, бир хил коньяк бўлар экан, шишасига рақам қўйиб, саноқли чиқариладиган. Мансур Муҳиддин ўшандан буюрибди. Мен ичмайман, ўзла-

ринг биласизлар. Мансур Муҳиддинга ҳам шундай дедим. Суҳроб ташлаб юборганини Муҳиддиновнинг ўзиям биларкан. “Лекин, ошна, шундан бир кўрсангиз бўларди, деди менга у, бу подшолар ичадиганидан”. Мансур Муҳиддиновнинг ўзи ва ошналари яхшигина олишаркан. Ҳалиги рақамли шишадан бир пасда анча-мунчаси қулаб қолди. Лекин биз зиёфат муғаннийлигини Мансур Муҳиддинга топшириб қўйганмиз, ахир. У бўлса ора-орада зўр эҳтиром билан: “қишлоқликларнинг бағоят улуғ бир одати бор – биз борсак ҳам зиёфат қилишади, ўзлари келишса ҳам зиёфат қилишади”, дея тансиқ таомлардан буюргани буюрган.

Бир маҳал Суҳроб секин қулоғимга шивирлади: “Ҳаким ака, пулингиз етмай қолмасин, тағин. Бу шишаларнинг ҳар бири фалон пул туради, нариёғиям тахминан анчага бориб қолди”.

“Йўғ-е, қўйсанг-чи, ҳазилингни” дедим. Бола жиддий.

Соддалигим қурсин. Энди ўзимга кела бошладим. Хаёлан қопчиғимдаги пулни чамаладим. Боя Суҳроб айтгандан сал камроғов. Э, шошма, маҳсининг қўнжидаги-чи, униям қўшсам... кампиримга нима дейман, ҳа, шошмай тур, не бўлса-бўлсин, обрў кетмасин, демак униям қўшсам бироз ошади. Лекин буларники энди авжига чиқаяпти-ку.

Шошма, дедим ўзимга ўзим, бир пулимни санаб кўрай. Яна етмай қолиб шарманда бўлмайин. Узр сўраб ҳожатга чиқдим. Ҳожатхонага кириб чўнтакларимнинг ҳаммасини ағдардим, маҳсининг қўнжиям енгил бўлди. Сармоямнинг ҳаммасини қулайроқ бир чўнтакка жойлаб қайтиб келдим.

“Ошна, қаёқларда қолиб кетдингиз” деб қичқирди Мансур Муҳиддин менга ўгирилиб. Шу пайт кўзи

икки-уч давра нарида ўтирган бир одамга тушди. “Эй, биродар, бормисан ушбу жаҳон айвонида?” деб қичқирди қўлини кўтариб. Кейин менга эгилиб шивирлади: “Қизалоққа айтайлик, ўша столга манови арман шаробидан биттасини ёнига иккита шампан қўшиб олиб бориб берсин. Анави йигит қирқ йиллик қадрдоним бўлади. Бир хурсанд қилайлик ўшани”.

Нима ҳам дерди аканг бечора. Майли, дедим. Ўзимдан ўтганини ўзим билиб, бўшаётган шишалар, галма-гал алмашаётган ликопчаларни фикран санаб, пулини ҳисоблаб ўтирибман. Қўлим тез-тез пулли чўнтагимга бориб келади.

Яна бирор соатлардан кейин харажат чўнтагимдаги пул етмайдиган даражага чиқди. Бу ёқда Сухроббой ичини ит тирнаб, “турсак ҳам бўларди, бас қила қолайлик” деб менга шивирлайди, Мансур Муҳиддинга ботинолмайди. Мен “бўлди, турамиз” деб айтоларибдим. Ўзим таклиф этиб, “Жўраларни ҳам айтинг”, деб катта гапириб, яна бунақа қилсам кулишмайдим, “Ўл-е, ҳолинг шу экан, нимангга чиранасан” дейишмайдим?

Бир маҳал Мансур Муҳиддин қўшни столдаги биродарини даврамизга таклиф этгиси келиб қолди. У ҳам тўрт-бешта жўраси билан экан. Столимизга яна стол қўшиб даврани яна кенгайтдик. Яна нутқ, яна чиройли сўзлар бошланиб кетди. Чидай олмадим, “қудуқ бўл-е, уккағарлар” дедим ичимда. Ўлай агар, шунча ёшга кириб меҳмоннавозлик қоидасини бузганим йўқ, бир парча ноним бўлса, меҳмоннинг олдига қўйганман. Лекин бу сафар Мансур Муҳиддин билан ошналарининг сувдай шимириши жиғимга тегди. Э, бунчалик эмас-да энди! Майли, пулим етмай қолсин, майли, мен шарманда бўлай, тўнимни гаров-

га қўйиб бўлсаям, бир амаллаб қутуларман. Аммо ичкиликни бунчалик ичмайди-да инсон боласи. Айтгандай, ҳалиги подшолар ичадиган фаранги шароб тамом бўлиб қолгач, ўзимизнинг жайдари араққа ўтиб кетишди. Ана сенга дид, ана сенга таъб. Ўша билан бошлагандан кейин ўша билан якунлаб қўяқолса ҳам бўларди.

Туриб-туриб ўзимга ўзим дейман, э, мулла Ҳаким, зиёфат беришни чидаганга чиқарган. Сизга олифтагарчиликни ким қўйибди. Ҳотами тойнинг укаси ҳақидаги ривоят эсингиздами? У акасига ўхшаб хотамлик қилмоқчи бўлган экан. Онаси синаш мақсадида гадо кийимида етти дарчадан кетма-кет келиб садақа сўрайди. Янги хотамча уч мартасига чидайди. Тўртинчи мартасида “Ҳой, инсоф борми сенда, неча марта оласан садақани?” деб юборади. Шунда она ниқобини ечиб “Ўғлим, хотамтой бўлиш ҳар кимнинг қўлидан келмайди, аканг етти мартасида ҳам ёнинг демай садақа берган” деб хотамликка ишқибоз кенжа ўғлини мот қилади. Алқисса, бизникиям шунақа бўлди-ёв, деб турувдим, йўқ, бир маҳал Мансур Муҳиддинни кимдир излаб келди-ю, “турамиз-турамиз” деб қолишди.

Сухробга секин шивирлаб турибман: “Энди, ука, етмай қолган жойига қўшасан. Қарз-а” деб. У ҳам рози.

Мансур Муҳиддин жойидан бир амаллаб турди. Келиб мени кучоқлади. Дўппимни бошимдан олиб, ярғоқ пешанамдан чўлпиллатиб ўпди. “Сиз – донишманд одамсиз, сизнинг доно фикрларингизни “Донолар бисотидан” сериясида чиқарамиз, ошна, албатта чиқарамиз” деди. Кейин сал тортинқираб уйига меҳмон келиб кутиб турганини айтди, иложи бўлса, боя-

ги шишадан икки жуфтгина олиб борса яхши бўли-  
шини ҳам қистирди. Ахир, ярим кеча, дўконлар ёпиқ.

Ошнамнинг сўнги истагини ҳам бажо келтирдик.  
Суҳроб иккаламизнинг чўнтагимиз қоқ бўлди. Шун-  
даям озроқ етмай қолди. Суҳроб ҳужжатини гаров-  
га қўйиб, қолганини эрталаб олиб келиб беришга  
келишди. Хуллас, бир амаллаб қутулиб чиқдик. Ҳар  
қолда, обрў кетмади-е, хайрият, дейман ўзимча.

Мансур Муҳиддинни таксига ўтқазиб жўнатдик. У  
хайрлашиш олдидан яна пешанамни ҳўл қилди. “Сиз-  
нинг хотираларингизни, – деди у елкамга қоқиб, –  
жаҳон классиклари сериясида чиқарса ҳам арзийди.  
Сиз – классик инсонсиз. Сиздайлар жуда кам учрай-  
ди. Чўпон – классик. Классик чўпон. Классик шоир.  
Қаранг, қандай зўр жаранглайди! Дарвоқе, эшитган-  
мисиз, Шоҳ Машраб ҳам чўпон бўлган.” Мен “Машраб-  
ни билмадиму Муҳаммад алайҳис салом қўй боққан,  
деб эшитганман”, десам. “Қайси Муҳаммад, ўзимиз-  
нинг уюшмада бешта Муҳаммад бор, қай бири”, деб  
аниқлаштирмоқчи бўлди. Секингина қулоғига: “Ма-  
диналик Муҳаммад”, деганимни биламан, кайфи бир  
лаҳзада тарқаб, шайтонлаб қолмайдими. “Молчать!”  
– деб ҳайқирди бир маҳал. – Бу ерда диний тарғибот  
бўлмасин. Акс қолда... ҳозироқ обориб, КГБга топ-  
ширвораман!” Вой падари қусур-ей, шунча қилган  
зиёфат, иззат-ҳурматга кетини артмоқчи бўлди-я!  
Майли, мастликда айтди-қўйди-да. Ўзи ёмон одам  
эмас.

Алқисса, “классик чўпон” Ҳаким довдир аканг би-  
лан “классик шоир” Суҳроббой трамвайгаям пули  
қолмай, шаҳар кўчаларини пиёда кезишини кўр.

Ана шунақа, ука, валлакатликни чидаганга чиқар-  
ган.

### 3.

Нурқобил “УАЗ”ни газлаб, Ҳаётбоши сари борарди. Юқорилагани сари қор қалинлашар, чекка бўлимларга элтувчи йўлдан битта-ярим машина юриб ўтган бўлса ҳам илгарилаш қийин эди.

У хўжаликка бош бўлиб келган кунидан бошлаб шу бугунгача ўтган воқеалар, бўлган ишларни ипидан игнасигача хотирлашга уринарди. Тўрт йил. Биринчи йил. Биринчи ой. Баҳор эди. Қўзилатиш якуни. Режа бажарилди. Ўстиришга мўлжалдагидан анча кўп қўзи қолдирилди. Кейин ғаллазорни ўғитлаш. Жун қирқими. Хашак жамғариш. Ғалла ўрими. Қўйларни сунъий қочириш. Қишлоқ. Ҳаммаси яхши ўтди. Шу орада Охчобсойдаги ишлар бошланди. Қишлоқда тўқимачилик фабрикаси бўлими, Сувлидарадаги боғлар ёнида мевани қайта ишловчи кичикроқ завод очиш ҳақидаги масала ҳал бўлди. Ҳунар мактабида ўқувчи йигит-қизларга ана шу корхоналарга мос касбларни ўргатишга киришилди. Чашмизираклик оқин – Нодир Хушмурод ўғлига ёдгорлик ўрнатиш, уй-музейини ташкил этиш режалаштирилди. Пастки, дашт ичидаги қишлоқларга юқоридан, чашмалар сувини йиғиб, қувурлар орқали етказиб бериш режага киритилди. Расамади билан аҳоли моллари учун озуқа, сомон ажратиш йўлга қўйилди. Кишилар бу ишни астойдил маъқуллашди...

Иккинчи йил. Қишлоқда кўрилган талафот жуда оз бўлди. Ўрни қўзилатиш вақтида дарров қопланди. Одамлар “Янги директоримизнинг омади бор экан, йил яхши келди” дейишди. Сут, гўшт режалари бажарилди. Тўғри... Нурқобил режани бироз камайтиришларига эришди. Лекин ҳар ҳолда бажарилди-да. Одамларда яна ўз меҳнатлари натижасига ишонч,

умид пайдо бўлди. Энг муҳими, қўшиб ёзмасдан бажариш мумкин эканлиги исботланди.

Учинчи йил. У ўзи анчадан бери режалаштириб юрган ишларни амалга оширишга киришди. Маданият саройи, футбол майдони қуришга киришилди. Унинг ёнида боғ барпо этила бошлади...

Йўқ. Уни бу масалаларда айблашолмаса керак. Ҳалиги камомату қўшиб ёзишларда ҳам. Чунки у бирорта шубҳали қўл қўймаган. Бироқ терговчи “Сиз қўл қўйган сохта ҳужжатлар ҳам анчагина” деяпти. Нурқобил кўрсатишни талаб қилди. “Вақти келганда кўрасиз, ҳаммаси аниқ, имзоингиз ҳақиқий, экспертиза қилинган, биз ҳеч кимга асоссиз айб қўймаймиз, адолат тарозисини тўғри ушлаймиз,” деди терговчи мағрурлик билан. Кейин ижирғаниш билан қўшимча қилди: “давлат мулки, халқ ризқи бўлган ўнлаб гектар серунум ерларни эгаллаб олиб, хуфя деҳқончилик ташкил қилиб, катта даромадлар олиш... бу энди умуман. куракда турмайди. Қаранг-а, ертўлаларда яширин цех очиб, кийим, пойафзал тикиб сотганларни кўп кўрдим, улар ҳарқалай машина-ускунани, хомашёни ўз ҳисобидан сотиб олган, ишчиларга ўша даромад эвазига маош тўлаган, сиз эса ҳаммасига давлат хўжалигининг пулини ишлатиб, миллион-миллион мўмай фойдани чўнтакка ургансиз. Чуқурроқ олиб қараса, буни халққа, Ватанга хиёнат, деб баҳолаш ҳам мумкин.”

Қўшни хўжалик – “Миришкор” совхозининг директори ўн беш йилга кесилибди. У ҳам... боягидақа яширин гектарлар бор экан. Ҳар тугул уни Ватанга хиёнатда айблашмаган. Бу қирриқ терговчи қонуннинг қўрқинчли моддаларини эслатиб, ваҳима қиляпти. Лекин нима фарқи бор? Судия тўғридинг – ўтга тушдинг, хўлмисан, қуруқмисан – фарқи йўқ,



куйиб кетаверасан. Бахтинг чопиб чала куйсанг ҳам, гуноҳсизлигингни исботлагунигча умр тутаб тамом бўлади...

Қизиқ. Ҳалиги кўкнори пайкаллари ни ҳеч ким тилга олмаяпти. Ўша ерларга неча йилдан бери наша экиб келинган экан. Қаерга, кимга сотишган? Ахир, килосини фалон минг доллар, дейишади-ку. Бу пуллар кимнинг чўнтагига тушган. Балким манови терговчи ҳам қуруқ қолмагандир. Ё... ҳалолу унақа даҳшатли ишларга аралашишга кўрқармикан. Суҳроб бир гал: “наша савдоси ортида жудаям қудратли мафия туради унга қарши чиққан киши, мелисами, прокурорми, фарқи йўқ, тирик қолмайди”, деганди. Ҳалиги Тожибой ўз ажали билан ўлган эмас, у шўрлик нима гуноҳ қилди экан? Жарлик... Ичиб ҳайдаган... гўё ҳаммаси силлиқ. Лекин уни ўлдириб юборганлар асли кимлар? Ўташевдир-да. Ё Заҳҳоровми? Унинг узоқ-яқинда турфа хил ошналари кўп, келиб-кетиб юришади. Эҳтимол ўшалар орқали...

Нурқобил икки-уч йил олдин Самарқандда вилоят раҳбарларидан бирининг сирли равишда ўлганини эслади. Унинг яланғоч жасади ғайри миллатга мансуб бир суюқоёқ аёлнинг ўлиги билан бирга хуфя чорбоғдан топилган. Ҳам ўлдириб, ҳам бадном қилиб юборишмоқчи бўлишган. Нурқобил ўша одамни билар, у билан бир неча бор суҳбатлашиб, зукколигига, одамохунлигига тан берган. У ҳалол одам эди. Бунга биров ишонди, биров ишонмади. Аммо орадан бир йилча вақт ўтгач, иккинчи бир “ўжар” раҳбар айнан шу “усул”да ўлдириб юборилгач, кўпчилик гап нимада эканини тушунди. Иккиси ҳам катта бир лавозимга даъвогарлик қилган экан. Кимлардир босилган изларни қидиришга, адолатни юзага чиқаришга уриниб кўрди. Бироқ ҳеч кайсисининг қўлидан би-

рор иш келмади. Қайтага ўзлари “ишни эпллмагани учун” силлиққина четлатиб юборилди.

Мана шунақа сирли, даҳшатли, мавҳум бир вазият. Четдан қарасанг, ҳаммаси жойида, газеталар: “Бунёдкор халқимиз коммунистик партия раҳбарлигида порлоқ истиқбол сари комил ишонч билан одимламоқда, ҳаётимиз фаровон, демократия ва адолат мустаҳкам қарор топаётир” деб ёзаяпти, телевизорда эса фақат концерт, ашула ва рақс. Тўғри, яқиндан бери марказий шаҳарларда “ошкоралик ва демократия”, деган гаплар чиқди. Шуюм ҳали оғизда.

Сувлидара этакларида қор яна ҳам қалин. Изғирин қор уюмларини ўнгирлардан-ўнгирларга уриб ўйнайди. Қаҳратон қаҳрли изиллайди. Машинанинг юриши қийинлашди. Чўққи сари йўл ана шу боғдан бошланади. Анови қир орти – Қориз. Ҳаким довдирнинг кўраси ўша ерда.

Довдирни эслаганда Нурқобилнинг кўксига илиқлик югургандек бўлди. Мудҳиш режасию чалкаш ўйларини ҳам бир лаҳза унутди. Қайрилсамикан? Довдир нима қилиб ётибди экан шу топда. Эшпўлат билан отарни яйловга олиб чиқаётгандир ҳойнаҳой. Ёки ҳали изғириннинг дами бироз қайтсин, деб печканинг ёнида ёнбошлаб, Эшпўлатга бўлар-бўлмаган саргузаштларидан ҳикоя қилиб ётибдимми?

Йўқ, энди чалғима! Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмайди. Олға!

У газни бор кучи билан босди. “УАЗ” тўртта ғилдирагини бирваракай айлантириб, бўкириб илгарилади.

#### 4.

Ўташев бу пайт тунов куни Қиличбой Москвадан ҳалиги дорига кўшиб опкелган ва: “қидириб-қидириб, зўрға топдим, Сталин худди шунақасидан чек-

кан экан”, дея таърифлаган “Герцогевина Флор” номли бағоят хушбўй папироснинг тамакисини чиройли тақсимчага тўкиб, унга майдаланган қуруқ кўкнордан яримга ярим аралаштиргач, нафис ва шаффоф қоғоз ўқдонни қайта “ўқламоқда” эди. Ростини гап, у шунча йиллардан буён наша савдосига билвосита раҳбарлик қилиб, тузуккина даромад кўриб келаётган бўлса-да, ўзи бирор марта на чеккан, на ҳидлаган, на эзиб ичган бу захри қотилни. Сабаби отаси раҳматликнинг битта жумласи миясига михланиб қолган: “наша вақтинча ҳар қандай оғриқни қолдириб, одамни бардам қилиши мумкин, лекин у эркаклик қувватини кесади, наставанд одам хотинга ёлчимайди.”

Тунов куни Маъсума: “жавобимни беринг, эмасам прокурорга устингиздан хат ёзиб, кейин ўзимга ўт кўяман”, дея таҳдид қилгач рози бўлди ва бетўхтов таътилга чиқарди ҳамда Италиядаги санаториялардан бирига жўнатиб юборди. “Бориб дам олиб келинг, қайтганингиздан сўнг яхшилиқча ажраламиз, ҳозир замон сал нозик”, деди. Гарчи... ҳеч қаёққа чиқармасдан уйга қамаб, Қиличбой Москвадан опкеган яна бир янгича малҳамнинг кучини синаганида бўларди-ю, ҳозир унақа ишларга вақт йўқ. Мамлакатда қайта қуриш, жадаллаштириш жараёни кетмоқда. Ҳар бир раҳбар қайта қуришни аввало ўзидан бошламоғи шарт.

Дарвоқе, Қиличбой опкелган ўша дори... ановиниси эмас, бошқаси, чиндан ҳам шунчалик зўрмикан? “Шоқувват ака, бу малҳамни Арабистон подшолари ва Америкадаги миллиардерлар ишлатишаркан, ҳалиги биз билган виагра-пиаграларга ўхшаган юракка зарари йўқмиш. Аммо-лекин таъсири... ўлай агар, ўзим шахсан синаб кўрдим, худди... айни кучга тўлган

дўнан айғирга, йўғ-е, нима деяпман, ўн саккиз яшар йигитга айланасиз, ишонмасангиз шу бугуноқ синаб кўринг. Айтганимдай гижингламасангиз, юзимга ту-пуринг!" Ўташев нордон илжайди. Бир пайтлар худ-ди шу "донишманд" гумаштаси "эркакдаги барча дардларнинг давоси – мумкин қадар ёшроғига уй-ланиш, деганди. Яна айтгандики, олган жувонингиз ўзингиздан неча ёш кичик бўлса, шунча йилга яша-расиз, бу Бухоро амирлари тажрибасида синовдан ўтган усул. Шунга ишонган Ўташев ёш жувон эмас, қиз олди. Аммо... натижа у ўйлаганидай бўлиб чиқ-мади. Маъсумахон биринчи кунданоқ курк товукдай ҳурпайиб, унинг қарилигини юзига солди, "келинг, яхшиси алоҳида хоналарда беғараз дўст бўлиб яшай-лик", деган аҳмоқона таклиф киритди. Ўташевнинг жаҳли чиқди. "Шу қари қизга ялиниб ўтираманми, "жоним-жоним", деб жонингни киритадиган қанча тажрибали жононлар бор. Ўшалар билан кифояла-ниб юрақоламан", деди. Ёш хотини билан феъл-хўй-лари унчалик тўғри келмаётганини кимсага билдир-мади. Шу билан бирга "бу бечоранинг умрини беҳуда ўтказмасдан силлиққина жавобини берай" ҳам де-мади. "Ҳамонки кўнглимни топмади, энди эл кўзида хотин мақомида юради-ю, аслида бир чўридай кўра-ман", деди. Айни пайтда: "агар оёғингни бир нотўғри боссанг, ўзингдан кўр", деб қаттиқ огоҳлантириб ҳам қўйди. Шу тахлит ҳаммаси рисолагидай кетаётган эди. Қайси гўрдан ҳам манови подачининг боласи директор бўлиб қолди-ю, Маъсумага кўз олайтира бошлади. Қўйдайд юввош бўлиб юрган Маъсуманинг ҳам тили бир қарич бўлиб қолди. Нукул: "Жавобимни беринг." Ўташев айтди: "Жавобингни берган тақди-римда ҳам... ўшанга насиб этишингга йўл қўймайман, хомтаъма бўлма." "Майли, у ёғи бир гап бўлар, ягона

илтимосим, тинчгина талоғимни беринг”, дея масалани кўндаланг кўйди охириги марта саркаш заифа.

Нафсиламбрини айтганда, Маъсуманинг хархашаси унга чивин чаққанчалик заха етказгани йўқ. Кетса кетар. Унга ўхшагани мингта. Ўташевдай мартабаси баланд, насли тоза бой одамга икки тоғ орасидаги ҳар қандай оила салти сувой қизини жон, деб беради. Лекин ҳозир ортиқча машмаша-ю узунқулоқ гап чиқаришнинг ҳожати йўқ. Манови ишларни охирига етказиб, лойқаланиб ётган сувдан иложи борича кўпроқ балиқ тутиш, иложи бўлса каттароқ наҳангни илдириш лозим.

Нурқобилнинг ярашиш ва унинг мурувватига сазовор бўлиш, ақалли мажҳул бир ваъда олиш умидида келиб, яксонун пачоқ ҳолатда чиқиб кетганидан буён ўтган кунлар Ўташев учун фараҳу фароғатга тўла кечмоқда. Ҳар қандай қудратли мавжудотнинг ҳам бир заифлиги бўлар эмиш. Ўташевнинг ожиз нуқтаси-бировнинг, айниқса унга буйсунишни истаманган, ўзини эркин ҳис этувчи кимарсаларнинг аянчли ҳолатини кўришдан беҳад лаззатланарди. Бугун шу лаззатни икки ҳиссага ошириш учун Сталин хуш кўрган папиросга наша кўшиб чекмоқчи бўлди. Сирасини айтганда, буниям Қиличбой ўргатди. “Сталин бобо ҳам шунақа қилган экан, Тошкенту Москвадаги айрим катталар ҳам, ўзимизнинг Зоҳид Шокиралиев ҳам шунақа қилишаркан.”

Нурқобилнинг устидан қозонилаётган ғалаба кўлга осонликча кираётгани, арзонга тушаётгани йўқ, албатта. Жуда катта харажатлару қурбонлар эвазига. Жуда кўп нарсадан воз кечишга тўғри келди. Миллион-миллион даромад манбаи бўлган... яширин экин майдонларини ошкор этишга тўғри келди. Бир ҳисобга баҳридан ўтилгани яхши бўлди ўша... Ахир,

замон ўзгараяпти. Бугун бўлмаса эрта бирон жойдан ҳиди чиқиб кетиши мумкин. Ўшани Нурқобилга ёпиштирилгани хўп аломат иш бўлди. Кўсанинг қовоқ калласи бир марта зўр ишлади. Энди буёғига терговчи маҳкам турса бўлгани. Нурқобилнинг сафари қарийди. Лекин...

Лекин гоҳ-гоҳида Ўташевнинг Нурқобилга раҳми ҳам келиб қўярди. Сал жабр бўлмадимикан шу болага, деган ўйларга ҳам боради. Уям инсон, ахир, бир умидвор бандага озор бериш мусулмончиликданми? Йўқ, албатта. Аммо ўзи айбдор-да. Ўташев иш шунчаликка боришини истаганмиди? Ҳеч ҳам. Нурқобилнинг ўзи ўт билан ўйнашди. Ҳали тоғдаги экинзорга, ҳали Бойқувватнинг ишларига ёпишди. Ҳаким шумни тезлаб, Ўташевнинг оғзидаги ҳалол оши бўлган машинани бердирмай қўйди. Ҳатто хотинига кўз олайтирди. Ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, Ўташевнинг ўрнида бошқа одам бўлса, нима қиларди? Ҳар қандай одам ҳам ор-номус учун курашади-да, ахир. Нурқобил шу кетиши бўлса, эрта-индин Ўташевга ошкора ҳужум бошлаб, уни ҳозир эгаллаб турган жойидан ҳам туширишга уриниб кўрган бўларди. Курашнинг қоидаси шу – ким чаққон бўлса, ким олдинроқ ҳаракат қилса, ўша йиқитади. Ўташев олдинроқ отни қамчилади, ҳалоли бўлсин.

У “ўқлов”ни якунлаб, папирос найчасини лабига қўндирди, “Зиппо” русумли швейцарча ёндиргични ёқиб, ўт олдирди. Ачқимтил қўланса мазали тутунни ичига тортди. Кейин пуфлади. Хонага хушбўй ва ёқимсиз икки хил ҳид қоришган ғалати бир бўйли кўкиш ғубор таралди. Ўташев кўзини юмиб оромкур-сисига ястанди. Бир неча сониялардан сўнг жисми енгил тортиб, бутун дунё ташвишларини унутди. Вужуди бардамлик ҳис этиб, мияси тиниқлашгандек

бўлди. Мана ҳузур, мана кайф. Отасининг гапи энди ҳеч қанақа аҳамиятга эга эмас. Хотинга ёлчимаса ёлчимас. Аёл танасидан лаззатланмаса лаззатланмас. Анавинақа нонтепки хилидан буткул мосуво бўлсаям майли. Қайтанга... лаззатларнинг энг аълоси – ҳокимият лаззатидан янада кучлироқ баҳраманд бўлади тез орада. Шокиралиев ҳақидаги гап тўғрига ўхшайпти. Тунов куни Ўташев бир йиғинда яқинроқ бориб, секин оғзини ҳидлашга уринди. Қорадори ҳиди келгандай бўлди. Ўташев бу ҳидни етти чақирим наридан ҳам билади. Демак энди йўлини қилиб, ҳузурига кириш ва... ўз хизматини таклиф этиши лозим...

Телефон жиринглади. Вилоят прокурорининг муовини. “Ўртоқ Ўташев, сиз туман раҳбари сифатида “Чорбоғсой” билан “Миришкор”даги қинғир ишларни наҳотки сезмагансиз Аввал “Миришкор” бунақа бўлиб кетди. Энди “Чорбоғсой”да алғов–далғов. Биринчи раҳбар сифатида шу ҳақда чуқур ўйлаб кўрдигизми ҳеч. Ахир, шунча гап бўлибди. Наҳотки сезмагансиз, бизни хабардор қилмагансиз, огоҳлантирмагансиз”.

“Улар яширинча, жуда пухта иш қилишган, ўртоқ прокурор, менга нотўғри ахборот беришган, мавжуд аҳволни бўяб кўрсатишган”.

“Ҳар ҳолда чуқурроқ бу ёғига пухта бўлинг. Бўтаевнинг масаласи нима бўлди?”

“Эртага ўчириб, қамашга рухсат берамиз, бюрога пухта тайёргарлик кўрилган”

“Яхши, мажлис тугаган заҳоти хабар берасиз.”

“Хўп бўлади...”

Ҳа, унинг омади келяпти. Бюрода Нурқобилга ҳал қилувчи зарбани беради. Кейин қамоққа жўнатади. Қиличбой орқали мўлжалланган чоранинг ҳозирча ҳожати йўқ. Ўташев Нурқобилни жисмонан ўлдир-

майди. Тириклай кўмади, руҳан яксон қилади. Токи... қайтиб, у билан ўйнашмасин...

Ишхонадан чиқиб уйга келди. Маъсума кетганидан буён уй хувиллаб ётибди. Хизматкор кампир дамлаб келган чойга новвот солиб шимирди. Хотинчаси билан тунов кунни бўлган даҳанаки жангни эслади.

Худди бугунгидай кечқурун яхши кайфиятда келганди. Қараса, бойвучча бошини чангаллаб ўтирибди. Ҳойнаҳой, Нурқобилнинг “азасини тутаётгандир”. Жуда барвақт бошлаб юборибди. Сал шошмаса бўларди.

– “Ҳа, бойвучча, кайфингиз йўқ?

– Сизники жуда зўрга ўхшайди, шу етар.

– Бизники ҳамиша зўр бўлиб келган, ҳозир ҳам зўр, келажакдаям зўр бўлади.

– Жудаям қаттиқ ишонасиз-а, ўзингизга?

– Ие, бўлмасам-чи, ҳалол инсон бўлсам, ҳақиқат мен томонда бўлса. Албатта ишонаман-да!

– Йўқ, шу сафар ҳақиқат сиз томонда эмас. Нурқобил томонда, билдингизми?

– Ўхў, тилингиз жуда зўр-ку! Бу дейман, Нурқобил роса урган экан-да жигардан, а? Раҳмингиз келдимиди? Ачинаяпсизми?..

– Сизга ачинаяпман, дуппа-дуруст одам... Шу даражада... шунчалик...

– Ў хоним, бўлди, унчалик ўзингиздан кетаверманг! Жа, эркалатиб юборибман сизни. Агар Нурқобил сизга шунчалик қадрли бўлса, ёнига бориб... – Ўташев бу гапни беихтиёр айтиб юборди. У хотинига ҳеч қачон “кет” демасди. Чунки шундай деса, хотини бунга катта гап қилиб, обрўсига путур етказиши ва шу баҳонада ажралиб кетиши мумкинлигидан кўрқарди.

– Майли, кетаман. Жавобимни беринг.



– Ахмоғингиз йўқ, хоним. Мен сизга кетинг деган гапни айтмадим. Айтмайман ҳам. Муқаддас оилани бузиш учун менда ҳеч қандай асос йўқ...

Тошбўри турадиган хонанинг эшиги ғийқиллаб очилди-ю, мунозара бўлинди.

– Чақиринг, бирга овқатланайлик, – деди Ўташев.

Тошбўри кирди. Салом берди.

– Ишлар қалай, отам, – Ўташев меҳрибонлик билан Тошбўрининг елкасини силаб қўйди. – Ёриб-тикиб ётибсизми?

– Раҳмат, ёмон эмас. Ҳаким акани олиб келишди.

– Ие, бўлғувчи қайнотангизни-я. Нима бало урибди бизнинг хешга?

– Миокард инфаркти. Ҳозир дуруст. Даволаяпмиз.

– Оббо, отам-ей! Зап иш қилибсиз-да! Энди қизини сизга текин бераверсаям бўлади, машинага қўшиб.

Тошбўри машина машмашаси эсига тушиб ҳижолат тортди.

– Ўшанда... унча яхши иш бўлмади-да. Шаҳарга борганда отамга айтсам “Одамгарчиликка тўғри келмайдиган иш қилибсизлар” дедилар.

– Э-э, қизиқсиз, Тошбўривой. Отангизни аралаштириб нима қиласиз ўзимизнинг ишларга. Қўйинг, маърузасини ўқиб юраверсин. Ўша ишни... ким учун қилганимизни кошки тушунса...

– Тушунишга-ку тушунадилар, лекин...

Сафия кампир (бу аёл Ўташевнинг узоқроқ холаси бўлиб, ҳеч кими йўқлигидан шу ерда турар, бирйўла рўзғор ишларини ҳам юритарди) чой, шўрва олиб келди. Овқат устида бир муддат жимлик бўлди. Сукунатни яна Ўташев бузди.

– Ҳа, майли, ўтган ишга салавот. Янги гаплардан гапирайлик. Қалай бўлаяпти ўзи, шахсий фронтдаги аҳвол қандай?

Тошбўри кўзини олиб қочди.

– Ҳозир... унинг отаси бу аҳволда бўлса...

– Нима бўпти, сиз отасини олмайсиз-ку. Тем боле, ҳозир отаси сизнинг қўлингизда, ёрдамингизга муҳтож. Шундан фойдаланиб қолинг-да. Масалани конкрет қўйинг– кўндалангига!

– Йўғ-е, ундай қилиб... бўлмайди-е.

Шу пайтгача жим чой хўплаб ўтирган Маъсума пичинг қилди:

– Отаси ўладими, қоладими, сизга нима, савдо қилиб ишингизни битиринг-да...

Ўташев хотинига ўқрайиб қараб қўйди. Мунозара яна узилиб, ўртага ўнғайсиз жимлик чўкди...

Чироқни ўчириб хоналарига кирганларидан кейин Ўташев хотини билан ярашмоқчи бўлди. Секин ёнига кириб, тўшагига суқилди, Маъсума силтаб ташлади. У бир пайтлар кўзига ажабтовур салобатли, кучли, хушбичим кўринган, ақлли, билимли бўлиб туюлган одамдан бугун илк марта жирканди, нафратланди. Бу одамнинг домига тушган кунларини алам ва ўкинч билан кўз ўнгидан ўтказди. Кейин бояги таҳдидли шартни илгари сурди. “Энди менга барибир, бунақа яшагандан кўра, ўлганим яхши”, деди. Ўташев шартга дарров рози бўлибгина қолмай, Маъсуманинг бир пайтлар қилган орзуси – Италия саёҳатинида бир зумда ҳал қилди. Тунов кунини Тошкентдаги халқаро туризм вазирлигида ишловчи ошнаси билдирган таклиф эсига тушиб, бетўхтов унга кўнғироқ қилди. “Хоҳласалар эртагаёқ келсинлар, шу куниеъ жўнатамиз”, деди ошна. “Эртагамас, индин етказамиз, йўлланма ва чиптани ҳозирлаб қўйинг”, деди Ўташев.

Шу топда Тошбўри ҳам йўқлиги боис ҳайҳотдек муҳташам залда бир ўзи ўтириб юраги сиқилди ва Маъсума ҳақида ўзича шундай хулоса қилди: майли,

дам олиб ҳам шаштидан тушмаса, жавобини бераман ва... шундай қиламанки, бир ой ўтмай мулла минган эшакдай бўлиб қайтиб келади мочахар. Ким билан ўйнашаётганини эсидан чиқарибди.

## 5.

Маъсумахонимиз эса айни шу лаҳзаларда Капри оролининг бағоят сўлим хушҳаво пансионларидан бирида ҳордиқ ёзиш баробарида Нурқобил ҳақида ўйлар, ёшлик йилларини эслар, нега ўша пайтлар нописандлик қилдим дея ўкинар эди.

Институтда ўқиб юрар экан, Нурқобилни бир кўришда ёқтирган бўлса-да, дастлаб назарига илмаётгандек тутди ўзини. Нурқобил ғурурли йигит экан. Ўзини тортди. Маъсуманинг ўзи мойиллигини сездирдишга мажбур бўлди. Нурқобил такрор яқинлаша бошлагач эса арзимаган нарса туфайли яна аразлашишди. Қандай уришган бўлсак, шундай ярашиб кетамиз, деб ўйларди. Ахир аслида жиддий аразлайдиган гапнинг ўзи бўлгани йўқ... у пахтага кетиш арафасида Нурқобилни кўргани касалхонага борди. Унинг “борасизми?” деган саволига: “Албатта, ахир бу талабалик бурчим”, деб жавоб қайтарди. “Унда касалхонадан чиқиб, мен ҳам етиб бораман” деган гапини эсдан чиқарди-да, пахтада икки кун туриб, кетиб қолди. Касалиниям унутиб, унинг дийдорига интилган йигитнинг умидини синдирганини кейинроқ тан олди. Бошда Нурқобилнинг бунчалик қаҳри қаттиқ деб ўйламаган, арази эсдан чиқади, ярашиб кетамиз деб умид қилганди. Бу умид амалга ошмади. Кейин Нурқобил сиртқига ўтиб кетди. Шу-шу ўқиш тугагунча ҳам кейин ҳам Маъсума бошқа ҳеч кимга кўнгили кўёлмади. Раҳматлик отаси ҳали от устида

эди. Институтдан сўнг дарров ёшлар кўмитасига ишга жойлади.

Ўша пайтларда отасининг узоқроқ ошнаси бўлган Ўташев билан тасодифан танишди. Таклифига беихтиёр қизикди. Бу даванги, бесўнақай одамни тепса тебранмас, анойи деб ўйлар ва ундан истаган пайтда қутулиб кетиш мумкинлигига ишонарди. Бироқ қутула олмади. Тақдирга тан беиришга, эрининг паҳлавонсифат қадди-қоматидан, серёғ, сергўшт юзидан фазилатлар топишга уринди. Ўташевнинг “ёвуз хотини томонидан шафқатсизларча алдангани” бироз раҳмини келтирганди.

Ўташев эса Маъсума унга ўғил, меросхўр туғиб беришини истарди. Чунки аввалги хотинидан кўрган болаларининг ҳаммаси қиз эди. Лекин Маъсума фарзанд кўрмади. Шунда Ўташев опасининг ўғли бўлмиш Тошбўрини ўз тарбияси ва ҳомийлигига олди. Милтиқбой поччаси албатта Тошбўри фан йўлидан бориши керак деб ҳисобларди. Лекин Ўташев Тошбўрини амалиётнинг афзаллигига ишонтира билди.

Ўташев ортида ўз маслагини давом эттирувчи қатъиятли киши бўлишини хоҳлайди. Аввалига у укаси Бойқувватни шундай одам қилмоқчи бўлди. Лекин Бойқувват табиатан иродасиз, мустақил иш қила олмайдиган, баъзида кўнгли бўш, ишонувчан эди. Устига устак ичкиликка ҳам ружу қўйганди. Тошбўрининг касби Ўташевнинг талабига у қадар жавоб бермасди, албатта. Чунки врач жуда учиб борса соғлиқни сақлаш вазири бўлиши мумкин. Аммо ҳарқалай бу ҳам ёмон эмас-да. Кейинроқ у сиртдан қишлоқ хўжалиги институтига кириши мумкин. Энг муҳими, Ўташевнинг ортида кучли бир одам қолади. Ўташевлар эришолмаган ниятларга у эришади. Албатта... Тошбўрининг фамилияси Ўташев бўлганда...

Ўташев опаси билан поччасини шунга кўндирмоқчи бўлди, ахир уларда яна икки ўғил бор, лекин урдасидан чиқмади. Улар “Ахир Бойқувватнинг уч ўғли бор, Ўташевлар сулоласини ўшалар давом эттираверади” деб рози бўлишмади. Ҳечқиси йўқ, барибир одамлар Тошбўрини айнан Шоқувват Ўташев тарбиялаганини, унинг томирида Ўташевлар қони оқаётганини биладилар.

Маъсума ҳам буни билар, баъзида Тошбўрига “Худди тоғангизга ўхшайди гапларингиз” деб қўярди. Лекин Тошбўри анча-мунча соддароқ, тозароқ эди. Ҳали у ҳаётга, унда мавжуд тушунчаларга бевосита, тўғрилиқча ёндашар, бировга қилинган яхшилик учун, кўрсатилган ёрдам учун, хайр-саховат учун шундан кўра кўпроқ жавоб кутиш ёки тўғридан-тўғри таъма қилиш нималигини билмасди. Бир сафар тоғда яшовчи чўпон хотинининг кўзи ёриди. У эгиз чақалоқлари – Ҳасан-Ҳусанни эсон-омон сақлаб қолди. Эртасига чўпон Ўташевникига семиз бир қўчқор ташлаб кетибди. Тошбўри бундан аччиқланди. Лекин Ўташев пинагини бузмади.

– Ҳўш, нимага асабийлашасиз, отам? Чўпон яхшиликни биладиган, қадрлайдиган, қайтариш лозим эканлигини тушунадиган одам экан. Сидқидилдан олиб келибди. Бунинг нимаси ёмон? Бечора агар шуни олиб келмаса, ўзини сизнинг олдингизда бир умр қарздор билиб, ҳижолат чекиб юради!

Тошбўри соддалиги устига анча зукко ва кинояга уста эди.

– Агар гап шунга борадиган бўлса, – деди у, – яхшиликка жавобан албатта яхшилик қайтариш лозим бўлса, қийматиям тенг бўлиши керак-да, шундай эмасми?

– Албатта, албатта, – деди Ўташев Тошбўри унинг гапини маъқуллаганидан хурсанд бўлиб.

– Шундай экан... Мен унинг хотинини, икки фарзандини сақлаб қолдим, бошқачароқ айтсам, ҳаётларини сақлаб қолдим. Хўш, шундай яхшиликнинг қарзини битта кўчқор билан узиш мумкинми? Уч кишининг ҳаёти бор-йўғи битта қўй билан баҳоланадими?

Ўташев кинояни ё тушунмади, ё тушунмасликка олди.

– Э, отам, сиз бу элни билмас экансиз. Ўша чўпон сиздан доим қарздор. Истаган пайтда бориб отарнинг ярмини олдингизга солиб ҳайдаб кетинг, ғинг деса одам эмасман.

Тошбўри тоғаси билан баҳслашиш фойдасиз эканлигини биларди. Индамай қўя қолди. Лекин чўпон хотини ва чақалоқларни касалхонадан чиқаргани келганида:

– Аввал кўчқорни қайтариб олиб кетинг, кейин жавоб бераман, – деди жиддий.

– Йўғ-е, қўйсангиз-чи, духтур ука, буни... бир суюнчи деб...

– Мен агар касалхонада туғилаётган ҳар бир чақалоқ учун суюнчига биттадан қўй оладиган бўлсам, икки-уч ойда чорвам сизнинг отарингиздан ҳам кенгайиб кетади-ку. Кейин духтурликни йиғиштириб, қўй-эчкиларни саранжомлаб юришимга тўғри келади.

Чўпон ҳарчанд уринмасин, кўчқорни олиб кетишга мажбур бўлди. Тошбўри енгил тортди. Ўташев асабийлашди.

– Битта кўчқорни деб шунча шовқин-сурон қилишнинг нима зарурати бор эди, отам. Кўрган кўзга кулги. Ҳа, нима дейсан, Тошбўрибой хизмати эвазига келган қўйни қайтариб юборибди. Кошки шу билан

ҳамма нарса ўзгариб қолса. Жа бўлмаса, пулини бериб юборсанглар ҳам бўларди давлат нархида.

Тошбўри яна индамади.

## 6.

Орадан бир неча кун ўтгач, Тошбўри Ойсифатга кўчқор воқеасини кулиб, бироз ғурурланиб айтиб берди. Ойсифат маъқуллади.

– Лекин хафа қилмай, тушунтириб рад этганингиз яхши бўлибди, – деди у. – Чунки кўпчилик одамлар буни чиндан ҳам беғараз, самимият билан олиб келишади. Ахир, суюнчи азалдан халқнинг удуми. Янги замон кишилари халқ удумларини, урф-одатларини ҳозирги турмушга мослаб қўллашлари, мазмунан бойитишлари керак деб ўйлайман.

– Гапингиз тўғри, бир томондан, – деди Тошбўри. – Лекин менинг билишимча, халқ анъаналарига кўра суюнчи дояга эмас, чақалоқ туғилганлиги ҳақидаги хабарни хешу ақраболарга етказувчи болаларга берилган. Дояга эса хизматига яраша ҳақ тўланган. Бизнинг хизматимизга ҳақни давлат тўлаяпти-ку!

Ойсифат ён бергиси келмади.

Йўқ, бўлмаяпти. Ойсифатнинг кўзида хайрихоҳлик кўрмаяпти. Йўқса, қачонлар гап очарди Тошбўри. Ойсифат бошқа одамни яхши кўрадиганга ўхшайди. Шошма-шошма... Бу гапни каллангдан чиқар. Дадил бўл, у файласуфнинг ўғли. Бир қизнинг бошини айлантиролмасанг, нима қилиб юрибсан?

– Майли, кўйинг ўша гапни, – деди Тошбўри. – Ўтган ишга салавот.

Тошбўри билан Ойсифат мактаб боғида анча суҳбат қуриб ўтиришди. Тошбўрининг наздида улар оталар орасидаги зиддиятнинг юкини, совуқ нафасини мудом ҳис қилиб туришарди. Бу совуқ нафас

гўё уларнинг муносабатини улғайтиришга, севги деб аталмиш тоза, юксак бир туйғуга айлантиришга халал бераётгандек эди. Чунки Ойсифатнинг кўнглида эҳтимол, Тошбўри барибир тоғасининг измига юради, деган бир шубҳа яшар, Тошбўри шу боисдан ҳам Ойсифатнинг муҳаббатини қозона олмай қолишдан кўрқиб, қизга унчалик ботиниб муомала қилолмасди.

## 7.

Тоғаси тарқала бошлаган кайфни янгилаш мақсадида саркаш манкуҳаси Маъсумахоним ўтган йили ёзда Ўрта ер денгизи бўйлаб саёҳатга борганида олиб келган французча “Наполеон” конягини очиб, бир қадаҳини сипқоргач, газлагига шоколадни чайнаб, зотли кўчқорнинг қонидай қуюқ-қуюқ англисча “Даржилинг” чойини хўриллатаётган айни лаҳзаларда ўзига ва ҳаммамизга яхши таниш бўлган яна бир муҳтарам инсоннинг ҳаётини сақлаб қолиш учун жонини жабборга бериб ҳаракат қилиб ётар эди. Ярим соатча олдин Ҳаким чўпоннинг ёрдамчиси Эшпўлат мерган қишлоқнинг энг катта одами Нурқобил Бўтаевни беҳушу чалажон ҳолда отга ортиб олиб келди.

– Бўронда адашган иккита тўқлини излаб, қир ошгандим. Қарасам узокдан бир кўкимтир қора нуқта кўринди. Камида уч тўрт чақирим, балким ундан ҳам наридайди, адашмасам. Аввалига саробми, дедим. Бўрон кўз очирмайди. Йўқ, саробга ўхшамайди. Машина. Отни ниқтаб тез бордим. Бензини тугаб ўчганми ё қорга тикилиб қолганми, хуллас, қорнинг гуртугига ботган “УАЗ”, ичида акам сулайиб ётибдилар. Нафас йўқ, юрагига қулоқ солсам, эшитилмайди. Билганимча, биринчи ёрдамни кўрсатиб, нафасини



чиқардим, кейин саманга ўнгариб, пастга эндим, – деди у.

– Отангизга раҳмат, энг тўғри йўлни тутибсиз ва муҳими, вақтида етказиб келибсиз, – деди Тошбўри миқти, лекин елкалари кенг, паҳлавон келбат бу йигитнинг елкасига қоқиб. – Армия кўрганингиз, бунинг устига снайпер бўлганингиз иш берибди. Биз зарур муолажаларни қилдик. Тез орада буткул ўзларига келадилар.

Тошбўри довдирнинг отарига борганида Эшпўлат мерган билан кўришган, танишган, унинг лақаби нега “мерган” эканининг боиси, шу билан боғлиқ ажабтовур бир воқеани чўпоннинг келгусида катта раҳбар бўлиш орзусида экани учун ҳозирданоқ нотиқлик маҳоратини пухта эгаллаётган, бинобарин, оддий бир ҳодисани ҳам чиройли қироат ила муболағага кўшиб, бағоят қизиқарли қилиб сўзлайдиган ўғли Тўхтарбойдан эшитган ва астойдил қойил қолиб: “қаранг-а!” деворганди. Дўхтир дўстимизни қойил қолдирган ҳикояни навбатдаги бобда муфассал ёритамиз. Ҳозир эса Нурқобил жойлаштирилган “жонлантириш” бўлими деворининг шундоққина орқасидаги палатада ётган Ҳаким оғанинг ёнига кирамиз.

– Кимни опкелишди, шовқину саросиманинг боиси не? Кимдир уввос тортиб йиғладими? – деб сўради навбатдаги қозув (уколни Чашмизирак аҳлининг шевасида шунақа дер эканлар)га кирган ҳамширадан.

– Хўжалигимизнинг раиси тоғда мошини бузилиб, ўзи музлаб қолган экан, ўша кишини опкелишди. Йиғлаган Гулсара опа. Жияни бўларкан-ку...

Бу гапдан довдирнинг юраги “зирқ” этиб кетди. Нафаси қайтиб, томоғи бўғилди. Бутун кучини тўп-лаб:

– Тирикми ҳайтовур, – деб шивирлади.

– Тирик-тирик, хавотирланадиган жойи йўқ, – ҳамширанинг ўрнига жавоб берди Эшпўлат мерганни бошлаб кирган Тошбўри. Кейин ҳамширани койиди: “Реанимациядаги беморларнинг кимлиги, аҳволи ҳақида бошқа касалларга мендан берухсат маълумот бериш мумкин эмас”, деб айтмаганмидим сизга!

– Бу синглимда айб йўқ, мен қаттиқ сиёсат қилиб сўрадим-да, айтмасликка кўрқди, – деди довдир: “Хайрият-э, Худо, ўзингга ҳамду санолар бўлсин”, деган шукронани кўнглидан ўтказиш баробарида кайфияти кўтарилиб. Кейин Эшпўлатдан воқеанинг тафсилотларини суриштиришга тушди.

– Сизлар суҳбатлашиб туринглар, мен директор аканинг ёнига борай, – деди Тошбўри.

Эшпўлат боя Милтиқбоевга сўзлаган воқеани қайта бошдан ҳикоя қилишга киришди.

– Сен яна бир марта мени қойил қолдирдинг, Эшпўлат, – деди довдир унинг бошини секин ўзига тортиб, бағрига босар экан. – Ўзи... ўшандаёқ қаттиқ ҳайратланган ва: “бу болада илоҳий бир ҳислат бор”, деб ўйлагандим. Энди чиппа-чин ишондим. Парвардигор Нуржон укамни айнан сенинг қўлинг билан қутқаргани бежиз эмас, насиб этса анови ишларини ҳам ўнгидан келтиради, иншоолоҳ. Балли, ука! Тўрт чақирим наридаги қор остида қолган машинани кўролган бургутникидан ҳам ўтқир кўзингдан аканг айлансин, сенинг жонлиқ отмаган мерган!”

Муҳтарам ўқувчимда: “оддий бир чўлиқнинг довдирни қаттиқ ҳайратга солган қанақа фазилати бор экан, нега уни “жонлиқ отмаган мерган”, деди каби ҳақли саволлар туғилган бўлиши табиий. Бинобарин, ҳар икки касални қўли эм шифокоримиз Тошбўрибой ихтиёрида қолдириб, бир чеккаси Эшпўлатга ҳам боғлиқ ўша қисқагина ҳикояни сўзлаб қўйсақ, нима

дейсиз? Агар йўқ, десангиз, уни ташлаб, асосий воқеа-амизнинг давомини ўқиб кетаверарсиз. Биз хафа бўлмаймиз. Ҳали айтиб ўтганимиздек, воқеа яна бир қаҳрамонимиз Тўхтарбой тилидан ҳикоя қилинади.

Алқисса.

## 8.

Яйловда қиш! Сиз бу манзаранинг қанчалар гўзал, қанчалар бетакрор эканини тасаввур эта оласизми? Кўз олдингизга келтиринг, тўрт томон оппоқ ва қалин қор билан қопланган баланд тоғлар. Ўртадаги сайхонликда жойлашган, тевараги тош девор билан ўралган, айлана қилиб солинган бостирмалар, хашак уюмлари, томига янтоқ босилган емхоналар узун мўрасидан буралиб-буралиб кўкиш ва хушбўй тутун чиқаётган чўпон уйидан иборат анчайин каттакон кўра худди баҳри муҳитдаги гирдоб қаъридан халос бўлишга интилаётган ёлғиз кемани эслатади. Юксақда – игна баргли ўрмонзорда мағрур қад ростлаган зумрад тусли юз йиллик, балки ундан ҳам қарироқ улкан арчалар елкасидаги ёқимли юкнинг залворидан хушвақт, шохларини бағрига босиб, момик тўшак остида мудраётгандек. Вазмин ва теран сукунатни харсанглар орасидан емиш тополмай қийналаётган какликларнинг зорланиб сайрашлари бузади. Мана шундай паллаларда ўз ихтиёрлари билан келиб, қафасингизга киришга ва ҳатто ошга бостирилиб, жиғилдонингиздан ўтиб, ошқозонингизда ҳазм бўлиб кетишга ҳам тайёр туришади шўрликлар. Лекин чўпонлар уларнинг ожизликларини суистеъмол этмайдилар. Билъакс, иложини топиб, ўзи шусиз ҳам таги кўриниб қолган емдан бир халта-ярим халтасининг баҳридан ўтиб, чорасиз қушларни ҳалокатдан асрашга ҳаракат қиладилар. Ажабо, ўша чоғлар

бу жониворнинг энг хуркак, тим қора кўзлари хушёр ва алланечук ғамзали боқиб турувчи, кулранг-ола чипор либоси ўзига бениҳоя ярашган макиёнлари ҳам юрак ютиб, минг истиҳола билан ёнингизга келади ва шунда сиз уларнинг помбарқутдай майин ва нафис патларини бемалол силашингиз, “какара-какара”, дея эркалатишингиз мумкин. Дарвоқе, какликларга бу қадар батафсил тўхталаётганимнинг бир сабаби борки, уни сал кейинроқ билиб оласиз. Ҳозир эса қиш қучоғидаги яйлов манзараси ҳамда бу оройиш оқибатида вужудга келган аҳвол тасвирига қайтайлик. Қор кўп ёққан, ҳаво қаттиқ совуқ. Қўйлар қўтонда бир-бирининг пинжигга тиқилиб, дийдираб турибди; чўпон – менинг отам, унинг ёрдамчиси – Эшпўлат амаким, онам, янгам, мен битта уйга қамалиб, дароз тунука карнайли чўян печкадаги арча ўтин ланғиллаб ёнаётганига қарамай, жунжикиб, қунишиб ўтирибмиз. Қўрамизни “катта ер” билан боғловчи торгина дарадаги атиги битта машина сиғадиган йўлни ҳам қалин қор босиб, техника тугул от ҳам ўта олмайдиган бўлиб қолгани боис отардан ҳафтада бир марта хабар олиб турадиган молдўхтирдан ҳам дарак йўқ.

– Ишқилиб қўйларнинг ўпкаси шамоллаб қолмасин-да, Эшпўлатбой, – деб қўяди ўқтин-ўқтин отам.  
– Ем-емишини вақтида солиб туришимиз керак.

– Хотирингиз жам бўлаверсин ака, кечаси ҳам икки-уч мартадан туриб хабар оляпман. Эртага изғирин сал пасайса, гуртуги кам жойларга ҳайдаб, туёқларини ёзиб келамиз.

“Гуртук”, дегани қорга тўлиб қолган чуқурликлар тушунилади. Қўйнинг оёғи ноҳосдан тушиб кетса синиши мумкин.

– Балли, Эшпўлат, – дея алқаб қўйди амакимни отам. – Қишнинг ҳам кўпи кетиб ози қолди. Яна озгина чидасак кўклам келади. Кейин мазза қилиб дам оламиз, қўй жониворнинг бизга мутлақо оғирлиги тушмайди: эртаю кеч насибасини яйловдан ўзи топиб ейверади.

– Ҳа-а, баҳор яқинлашиб қолди. Арчазорларда аллақачон ҳиди таралиб ётибди, – деди амаким алланечук ширин ва чуқур энтикиш билан. – Кунгай томонларда қорларнинг таги эрий бошлаган.

Мен Эшпўлат амакимнинг эҳтиросли энтикиши замиридаги туйғуларини ўзимча англашга, изоҳлашга уриниб, унинг ўйчан кўзларига зимдан қарайман ва нигоҳларида севинчли умид билан ушалмаган орзунинг аламли надомати, айна дамда қанақадир ўктамлик ва қаноат қоришиб кетган теран бир андуҳни кўраман. Бу андуҳ унинг қароқларида кейинги пайтлар деярли ҳар йили айна баҳор арафасида пайдо бўлишига кўникиб қолганман. Зеро сабабини ҳам ўзимча биламан ва бу сабаб менинг ўсмир юрагимда ҳам ғурурли акс садо беради.

Сиз Эшпўлат амакимни яхши танимасангиз керак. У қишлоқда унча кўзга ташланавермайдиган одамлардан. Лекин бобокалони номдор мерган бўлган ва қайсидир подшоҳ кўшинида палахмончилик қилган эмиш. Бу тарихий далилни отам қизиқ бир воқеа туйфайли қишлоғимизнинг энг кекса кишиси, салкам юзга кирган Мухуммадамин бободан суриштириб билиб олибди. Мен ҳозир сизга ўша – отамни беҳад ҳайратга солган ва Эшпўлат амакимнинг уруғ-аймоғини суриштиришга ундаган ғаройиб воқеа ҳақида сўзлаб бераман. Дарвоқе, сукунат қўйнидаги мудроқ қиш фаслида баҳорнинг қуёшли форам дамлари ҳақида сўзлашиш сизга маъқул келармикан?

Воқеа бундай бўлган: туманимиздаги амалдорлардан бир-иккиси отам билан узоқ йиллардан буён ошна бўлганликлари боис кўклам чоғларидаги “кўзи сўйиш” (мен бу мавсумни ҳамиша юрагим тўла қон, алам ва армон билан эслайман, чунки жониворларнинг, гарчи бу пешоналарига битилган қисмат бўлса-да, туғилган заҳоти қурбон қилинишларига, чўпон боласига хос бўлмаган шафиқлигим, мутаассирлигим туфайлими, сира кўниколмадим) кунларида “яйлов баҳодирларининг фидокорона меҳнати билан танишиш, мулоқотлар ўтказиш” баҳонасида барра, ширвоз, ёинки қирқилмаган улоқнинг шифою қувватбахш гўштидан тановвул этиш мақсадида келишар, бундай пайтларда шаппат, яъни адирдаги улкан якка қайрағоч соясига, ям-яшил, бўлиқ майсазор узра тўшалган қалин кигиз намат, сержун пўстаклар устига юмалашиб, ароқ ва қимизни аралаштириб, Эшпўлат амакининг ижирғаниб таъбирлашича, молдай бўкиб ичганликлари боис ўзларига кўнгилхушлик учун турли бемаза қилиқлар ўйлаб топишар, табиатан итоаткор бўлмаса-да, замона зайлига қараб “катта”ларнинг унча-мунча тантиқликларига сомелик билан муносабат кўрсатишга ўрганган отам уларни тишини-тишига қўйиб ҳазм этар, жа-а бўлмай кетган дамларда нордонгина ҳазил қилиш билан чекланар, меҳмонлар эса, бундан оғриниш ўрнига яйрашиб, “чўпон бўлсангиз ҳам каллангиз зўр ишлайди-да, Ҳаким оға”, дейишарди. Ана шундай ташрифларнинг бирида ул зоти бобаракотларнинг ов қилгилари келиб қолди. Аслида бу уларнинг ёдларига келмаслиги ҳам мумкин эди...

Кўёш найза бўйи кўтарилганда баланд осмонда бир жуфт калхат айланди, чамаси улар сўйилган кўзилар қонининг ҳидига келган, вақти-вақти билан

улар анчайин пастга шўнғиб, қайрағочнинг энг юқоридаги шохларига теккудай бўлиб ўтди. Сўнгра даралар ичидан қанақадир ўлжани мўлжалга олишди шекилли кўздан йўқолди.

— Калласи ишлайдиган қушлар экан, вақтида иззатини билиб назардан нари бўлди. Акс ҳолда Шоқувват оғам иккаласини битта ўқ билан гумдон қилар эдилар, – деди даврада косагуллик қилиш билан биргаликда меҳмонларга яйловнинг наботот ва ҳайвонот дунёси ҳақида қизиқ ҳикоялар сўзлаётган туман табиатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Бўрибой Чўллибоев. – У кишининг мактабда ўқиб юрган пайтларидан ўқ отиш спорти билан шуғулланганликларини, бир неча марта вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, совринлар олганини эшитган бўлсаларингиз керак.

– Эшитганмиз, у киши ҳали мактабга бормай туриб ҳам бу соҳада туғма салоҳиятлари борлигини намоиш этганидан ҳам хабардормиз. Агар рухсат берсалар шу ҳақда бир хикоят айтсам, – деди боядан бери унга ҳамоҳанг бўлиб бошлиқнинг шаънига ҳамду санолар айтиб, шеърлар ўқиб, ҳажми шокосадай келадиган қозоқча пиёладаги ароқни сўнгни томчисигача сипқораётган “Озод чорвадор” газетасининг бош муҳаррири шоир Шамси Замон ва бошлиқдан рухсат ишорати бўлгач Баҳром ва Дилором ҳақидаги машҳур ривоятни ҳикоя қилишга тушди:

– Шох Баҳром мана шунақа дашту далаларга шикорга чиққанида малика Дилором унга ҳамроҳлик қилар экан. Бир куни Баҳром ов чоғида сахро бўйлаб югуриб кетаётган кийикни бир ўқ билан икки оёғини тушовлаб, тўхтатибди, сўнгра иккинчи ўқни бўғзига отиб ҳалоллаб сўйибди ва маҳбубасидан: “Хўш, қалай, беназир ва ноёб иқтидоримга қойилмисан?”

деб сўрабди. Дилором дептики, бунинг ҳеч ҳам ноёблик жойи йўқ, ҳар қандай киши кунт билан машқ қилса, шу даражада отадиган мерган бўлиб етишув мумкин. Бундай нописандликдан ғазабланган Баҳром маликасини саҳронинг қоқ ўртасига ташлаб кетган экан. Қиссадан ҳисса шуки, муҳтарам раҳбаримиз Шоқувват Ўташевичнинг бетакрор истеъдоди ва маҳоратини ҳам тушунган тушунади, тушунмаган Дилоромга ўхшаб “машқ натижаси” деб юраверади.

– Аммо-лекин Алишер Навоий ёзганига қараганда, Дилором жуда доно, тадбиркор аёл бўлган. Бир гал қўшни давлат подшоси билан шатранж ўйнаётиб, қийин аҳволга тушиб қолади. Шунда Дилором ўзича шеър ўқиган киши бўлиб, шавҳарига қийин вазиятдан чиқиб кетиш йўлини тушунтиради, – деди туман раҳбарининг ўринбосарларидан бири бўлмиш давradoшлар Барно Зокировна, деб мурожаат этаётган ўттиз беш ёшлардаги хушрўй аёл.

Раҳбар Чўллиеуга рағбатлантирувчи, Зокировнага эса суқли нигоҳ ташлаб қўйди-да отамга қараб:

– Ҳақим оға, милтиқ опкелтиринг, каклик отамиз! – деди.

– Милтиқ бор-у, – деди отам бироз қимтиниб, – аммо жонивор какликлар кўкламда бу томонларга кам келади. Улар кўпинча тоғнинг баланд, одам чиқиши қийин тик жойларида юради.

– Шунақами, бир-иккитасини яқинроққа ҳайдаттириб опкелиб ташкиллаштириб қўймаган экансиз-да, ким айтади сизни туманимизнинг энг илғор чўпони, деб, – ўзича аския қилди каттакон. Меҳмонлар қийқириб кулишди. Бўлмаса, нимани отиш мумкин бу ерда? Анови икки қирғийни ҳам қочирвордингиз. Ё... “қўзиларни овлаш” билан чекланамизми?



– Билмасам, – деди отам. – Бир пайтлар чашма ёқасида қорабовур кўп бўлгич эди. Ҳозир у қуш ҳам камайиб, “Қизил китоб”га кирган дейишади. Мен Эшпўлатга ҳазиллашаман: “Сен нуқул осмонга отиб қочирвординг”, деб. Укамиз ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтаган. Лекин... қайтганидан бери милтиқ отиб, ақалли бирорта қушга теккизолганини кўрган-ним йўқ. Ўқи фақат осмонга қараб кетади. Шавкатли совет кўшинларимизнинг ўн йилдан буён бир ҳовуч “душман”ни енголмаётганига мана шунақа “мерган”лар айбдор шекилли.

– Э-э, шунақами? Унда укамизга би-ир маҳорат дарси ўтиб кўямизакан. Қани аввал яна биттадан олайлик. Қадаҳларни тагида қолдирилмасин!

– Қани, тезроқ опчиқмайсизми милтиқни Эшпўлат, – деди шоир. – Омадингиз келди, муҳтарам раҳбаримиздан мерганлик сирларини ўрганиб оласиз.

– Ҳозир, деди Эшпўлат амаким отамга қараб. Отам бош ирғганидан сўнг ичкарига кириб кетиб, беш дақиқалардан сўнг қўшоғиз милтиқ ва кўзлари ўққа тўла патронтошни кўтариб чиқди. Худди шу сизга мендан бошқа ҳеч ким билмайдиган “сир”ни очаман: Эшпўлат амакимнинг чумчуқни кўзидан урадиган даражадаги мерганлик маҳорати бор эди. Сиз эҳтимол, мени муболаға қилаётир, ахир чумчуқни кўзидан урувчи мерганни ҳаётда ҳеч ким кўрмаган, деган фикрга бориб тургандирсиз Тўғри, мен ҳам амакимни чумчуқнинг кўзи тугул, ўзига ўқ узганини кўрмаганман ва бу иборани ҳам ўзим тўқиганим йўқ. У кўпроқ жонсиз нишонларга, яъни бўшаган шиша, эскириб истеъмолдан қолган танга сингари кераксиз буюмларга ўқ отиб машқ қиларди. Ўзининг айтишича, у ҳарбийдан қайтганидан сўнг, минбаъд қўлга милтиқ ушламасликка, мабодо ушласаям тирик жонзотга қа-

раб ўқ узмасликка қасам ичган экан. Сабабини ўзи билади. Отам уни машқ қилиб туришга мажбурлаган. “Отарга бўри дориса, ким отади, ҳақиқий чўпон ўткир мерган ҳам бўлмоғи керак”, деган. Отамнинг сўзи амаким учун қонун эди. Ўша кундан эътиборан у онда-сонда машқ қилиб турадиган бўлди.

– Мана, – у милтиқни олиб чиқиб каттаконга узатди хушламаганини сездирмасликка ҳаракат қилиб.

– Нима отамиз, Ҳаким ака? – отамга ўгирилди милтиқни обдон кўздан кечиргач меҳмонлар сардори. – Какликларни қуритган бўлсангиз. Эмасам... Сўйишга тайёрлаётган кўзилардан беш-олтитасини ҳайдаттиринг анови адирга. Барибир ўладиган бўлганидан кейин... арзийдиган мерганлар қўлида қурбон бўлишсин.

Отам қўрқиб кетди. Мен-ку тамоман даҳшатга тушдим. Ёлғиз Эшпўлат акам совуққонлигини йўқотмади.

– Териси... бузилади-ку, – деди ошкора норози оҳангда.

– Раҳбаримиз терини бузмасдан, сиз пичоқ тортадиган жойига мўлжаллаб урадилар, хотиржам бўлинг, – деди шоир.

– Балким... улоқчаларни отганингиз маъқулдир, Шоқувват бўла, – уни сал инсофга келтирмоқчи бўлди отам.

– Улоқ бўлса ҳам майли, аммо-лекин майдароқ бўлсин ва... имкон қадар узокроққа ҳайдаттирасиз, ўн беш йигирма метрдаги жониворга ҳар қандай ҳаваскор овчи ҳам теккизиши мумкин.

– Майли, ҳозир... – деди отам ноиложлик билан. Шу пайт Эшпўлат амаким раҳбарнинг кўзига тик қараб ғалати бир гап айтса бўладими:

– Катта ака, агар сиз уста мерган бўлсангиз... улоқ отмасдан, мен билан майдароқ бир нишонга уриш бўйича беллашиб кўрасизми?

Раҳбар унга нописанд, айти пайтда қизиқсиниб қаради.

– Сиз билан беллашайми? Хўш, қанақа нишонга отамиз? Қанча масофадан?

– Бир сўмлик танга. Йигирма қадамдан, – деди амаким. Раҳбар бир лаҳза ўйлангач мийиғида кулди.

– Бир сўмлик тангани яроқсиз қилиб қўймайлик. Ҳар қалай юзта ёнғоқ ёки икки сих кабоб беради бозорда. Уч тийинлигиям бўлади. Қани кимда бор? Чиқарсин.

– Ўзимда бор, – деди Эшпўлат амаким ва чўнтагидан ўртаси тешилиб ип ўтказилган мис чақани олиб кўрсатди. – Бўладими?

– Бўлади. Бориб анови сада қайрағочнинг шохига осиб, йигирма қадам ўлчанг.

– Хўп бўлади, – дея севинч билан қайрағоч томон югуриб кетди амаким ва зум ўтмай кўринарли қилиб осиб, йигирма қадамга белги қўйиб келди.

– Ўқланг полвон, – деди раҳбар унга милтиқни узатиб. Амаким қўшоғизнинг иккала кўзига яккалик ўқдан жойлаб берди. Раҳбар шошилмасдан белгили жойга қараб юрди. Милтиқни елкасига тираб, тангани ҳафсала билан узоқ мўлжалга олди. Отди. Танга қимирламади. Нафасини ичига ютиб яна узоқ кўзлади ва отди. Теккизолмади.

– Сал қўлим чиқиб қолибди, – деди сал ҳафсала си пир бўлгани сезилаётган бўлса-да сир бой бермасдан. – Энди сиз отингчи, полвон. Маҳоратингизни бир кўрайлик.

Гап оҳангидан раҳбарнинг амаким ҳам нишонга теккизолмаслигига ишончи комил эди. Амаким мил-

тиқни қўлига олиб, шошилмасдан ўқлар экан, аввал унга ёқтирмай қараб турган табиат ҳимоячиси ва шоирга, сўнгра даъваткорона ва қанақадир илинж ифодасила ташвишланиб нигоҳ қадаган Барно Зокировнага, охирида сезилар-сезилмас бош чайқаётган отамга назар солди. “Майли, каттаконни изза қилмайман”, дегандек бошини фақат отам тушунадиган қилиб ирғади ҳам. Ва тепкини босди. Бироқ..

Ўқ ипга тегди ва танга ерга тушди.

– Теккизолмади, танганинг ипи шамолда учиб тушди, – дея қичқирди шоир биринчи бўлиб.

– Ҳалол, – деди Барно Зокировна. – Ипни ўқ узди.

– Бунни аниқлаш керак, редактор укамиз тўғри айтаётган бўлиши мумкин, – дея орадаги ноқулайликни кўтармоқчи бўлди отам. – Мен ўзим ҳозир бориб текшириб кўраман.

– Текшириш шарт эмас, мабодо ипга теккан бўлса ҳам шарт бажарилмади, бошқатдан отишамиз, – деди Ўташев ва гумашталаридан бирига қараб дастурхондан сал нарида юмалаб ётган бўш шишаларни кўрсатди:

– Иккитасини олиб ҳўв анави оқ тошнинг устига қўйиб кел.

Катталиги семиз жайдари қўйнинг гавдасича келадиган бу тошни биз “харсанг”, деб атардик ва у қайрағочдан ўттиз беш-қирқ қадамча нарида турарди. Одатда мен ва укаларим эшакка ё отга минмоқчи бўлсак, унинг текис ва силлиқ сатҳидан таянч сифатида фойдаланар эдик. Мулозим конякдан бўшаган бўйни узун шишаларни тош устига ёнма-ён қилиб қўйиб келди. Шишалар кўзга аранг кўринар, мен “бунча масофадан уларга ўқ отиб теккизиш мумкин эмас”, деб ўйлаб турардим. Лекин адашган эканман. Бошлиқ милтиқни амакимнинг қўлидан шартта ол-

ди-ю, ўтирган жойида айтарли мўлжалга олиб ўтирмасдан тепкини кетма-кет босиб, иккита шишани ҳам белидан уриб, чилпарчин қилиб юборди. Даврада гулдирос қарсақлар янграб кетди. Бу “муваффақият” яна биттадан олиниб, “ювилди”. Бошлиқ ишорасига кўра бояги мулозим яна иккита бўш шишани тош устига қўйиб келди. Туманбоши милтиқни амакимга узатди:

– Марҳамат, Эшпўлатбой сиз ҳам иккита ўқ билан ана шу иккита шишадан ақалли биттасини йиқитсангиз, қойил қоламиз ва соғлигингиз учун қадаҳ кўтарамиз. Агар теккизолмасангиз, битта тўла шишани якка ўзингиз тўхтамасдан ичиб бўшатасиз.

Амаким бир қўлини кўксига қўйиб, иккинчиси билан милтиқни олди. Кейин четроқда сув тўла челакка солиб қўйилган очилмаган коняклардан иккитасини олиб, тош сари кетди. Давра аҳли унинг нима қилмоқчи эканини англамай анграйиб қараб турарди. Амаким шошилмасдан тош ёнига бориб, унинг устидаги бўш шишалар ўрнига тўлаларини қўйди.

– Хўв-в мерган, бебаҳо неъматни нобуд қилманг, – дея қичқирди Чўллийев.

– Хотиржам бўлинг, барибир теккизолмайди, – деди шоир, – чўпон укамиз олифталик, йўқ, қизиқчилик қиляпти.

Отам эса кулимсираб бошини чайқаб, қўлини силтаб қўйди. Бунинг маъноси: “курмагур Эшпўлатнинг ғайирлиги тутди”, дегани эди. Амаким эса бир-бир босиб давра ёнига қайтиб келди ва секингина:

– Нобуд бўлмайди, мен уларнинг тиқинини очиб бераман холос, – деди.

– Ў-ў, манманликни қаранг! – деб юборди шоир, лекин хўжайин ўқрайиб қарагач, мусичадай пусиб қолди.

– Теккизолмасангиз, иккита шишани ҳам ичишга мажбур қиламиз, – деди бошлиқ унга кулимсираб қараб. – Майлими?

– Майли.

– Агар теккизсангиз, шахсан ўзим қўлингизни маҳкам сиқиб табриклайман, – деди Зокировна камроқ бўлса-да, ҳар қалай “қизили”дан анчагина нўш этгани учунми ёки паҳлавон келбатли, ўзига чунонам ярашувли қалин мўйловли, қора кўзлари бургутники сингари чақнаб турувчи Эшпўлат амакимни эртақлардаги маликанинг оғир шартини бажариш жаҳди билан майдонга тушган азамат йигит қиёфасида тасаввур этиб ҳаёжону эҳтирос оғушига тушди-ми, ҳар қалай ёноқлари ботаётган қуёш рангига бўялиб.

Барно Зокировнанинг бу гапи давра тўридаги каттаконга ёқмади. Жувон томонга ёвқараш қилди. Сўнгра илжайган қўйи:

– Бериб кетамиз сизни шу чўпонга, иккинчи хотин қилиб, баҳонада эрлик бўлиб қоласиз.

Хонимнинг ранги аввал бўздай оқарди ва амакимга бир қараб яна анор тусига кирди. Қизиғи, у бу қўланса ҳазилдан сираям оғринмади.

Амаким пойгакка ўтирди ва жувоннинг ўтли нигоҳига чап елкасини тутиб, ўнгига милтиқ “думбила” кўндоғини тиради. Шошилмасдан узоқ мўлжалга олди. Даврадагилардан бир-иккисининг сабри чидамай:

– Э-э, отсанг отақолмайсанми, юракка тушдинг-ку, – деб ҳам қўйди. Лекин амаким бу иддаоларга парво ҳам қилмасдан ичида нимадир, деб пичирлади ва тепкини секингина босди. Боя “райком бово” отганидан фарқли ўлароқ, “пақ-пақ” эмас, “тук-тук”, деган садо чиқди милтиқ милидан. Мерганларнинг айти-

шича, милтиқ кўлда қанчалик дадил ушланиб, елкага қанчалик меҳр билан енгил жойлаштирилса ва нишонга қанчалик аниқ йўналтирилса, овози шунчалик мулойим бўлар эмиш.

Боя айтганимдек масофа анча узоқ бўлгани ва шишалар ўрнидан қимирламай тургани боис даврадагилар дафъатан икки ўқ ҳам хато кетди, деб ўйлашди. Шоир ака бўлса:

– Мақтанма ғо-оз!... – дея хитоб ҳам қилиб юборди. Чўллийев амакимга ғолибона, Зокировна эса ачиниш билан қаради. Фақат... Фақат “райком бово”нинг ранги оқариб кетди. Гумашта мулозимга қараб, жаҳлми, ўкинчми аралаш:

– Бор, шишаларни опке, – деди. Гумашта тура солиб югуриб кетди. У тиқинлари худди пичоқ билан кесиб олингандек очилиб қолган, бироқ ичидагиси бир томчи ҳам камаймаган шишаларни кўтариб ўсал бир қиёфада дастурхон ёнига қайтиб келганида шоирнинг ҳам, Чўллийевнинг ҳам нафаси чиқмай қолди. Боягина тиши оғригандек афтини буриштириб турган Зокировна хоним эса чехраси очилиб, ёноқлари яна лов-лов ёниб, музаффарона бир оҳангда:

– Воҳ! – деди. Хўжайин унга еб қўйгудек ўқрайди. Сўнгра ўзини мажбурлаб жилмайди. Қисқагина қарсак чалиб:

– Офарин! – деди. Бошқалар ҳам ўлганларининг кунидан истар-истамас “биринчи”нинг олқишига қўшилдилар. Ўташев отамга қараб:

– Бу чўлиғингиз... армияда снайпер бўлган. Унинг ўзини ўламсаликка солиб, писқин юришига ишонманг, – деди. Сўнгра бостириб-бостириб ичди.

– Мошина ҳайдашни биласизми, полвон? – деб сўради бир маҳал Эшпўлат амакимдан.

– Профессионал хайдовчилик гувоҳномаси бор бунинг, – деди отам фахрланиб.

– Унда, қаршилик қилмасангиз, уни ўзимга шопир ва соқчи қилиб оламан, – деди Ўташев ва кейин амакимга ўгирилиб, ҳиммат оҳангида негадир “сен”сираб сўради: – Хўш, қалай, розимисан?

– Йўқ, – деди Эшпўлат амаким кутилмаганда. – Менга шу ишим маъқул.

– Ҳой йигит, бошингга қўнган бахт қушини ҳайдама, – деди ҳовлиқиб шоир. Яна бир иккиси унга жўр бўлиб, амакимни кўндиришга уриндилар. У эса кескин бош чайқади.

– Ҳар ҳолда бир ўйлаб кўринглар, – деди отамга қараб Ўташев. Отам бош ирғади.

Шундан сўнг давра совуқ сукунат гирдобига чўмди. Суҳбат қовушмади.

– Қош қорайиб қолди, энди қайтамиз, – деди раҳбар илгарилари ярим кечагача, баъзан эртаси куни саҳаргача давом этиши, охирги шишалар “Волга” машинасининг капоти устида бўшатилиши, каттакон эса ўзини билмайдиган даражада маст бўлгани боис гумашталар томонидан қўлтиғи ва оёғидан кўтарилиб, машина орқа ўриндиғига бир амаллаб жойлаштирилиши одат тусига кирган нажирхўрликка бу гал ниҳоятда тез ва оддий яқун ясаб. У хушёр бўлгани туфайлими ё амакимнинг бояги “қахрамонона” қилиғию таклифни рад этганидан ранжигани учунми ҳар гал машина орқасига лик тўлдириб солиб кетиладиган барра гўштлардан ҳам кескин воқеа кечди.

– Мамлақатимизда “покланиш” жараёни кетмоқда. Шундай бир шароитда мошинанинг багажини булғаб юриш ярамайди!

Отам бу гапга ҳеч қандай эътироз билдириб ўтирмай нуфузли меҳмонларни кўлини кўксига қўйиб ку-



затди. Машиналар пастга эниб, қоралари кўринмай кетгач, амакимга қараб икки оғиз гап айтди. Биринчиси мана бу:

– Ҳеч одам бўлмадинг-бўлмадингда, касофат! Мерганлигингни менга кўрсатиб юравермайсанми!

Иккинчиси эса сал бошқачароқ:

– Ота-бобонгга минг раҳмат, Эшпўлат, бопладинг, қойил қилдинг! – деди у ва Эшпўлат амакимни маҳкам бағрига босди.

Ўша йили отам бошлиқ отар ҳар юз бош қўйдан юз элликтадан қўзи олган, давлатга қорақўл тери, жун топшириш режаларини ошириб бажарган бўлса-да, ҳеч қанақа мукофотга илинмади. Кейинроқ эшитдикки, райкомнинг маърифий ишлар бўйича котибаси бўлиб ишлаган Барно Зокировна ҳам вазифасидан бўшатилиб, қолоқ бир боғчага мудира қилиб жўнатиб юборилибди.

Эшпўлат амаким ҳақиқатда ҳам ҳарбий хизмат чоғи снайпер бўлгани, афғон муҳорабасида иштирок этгани ва бир сабаб билан (паранжи ёпиниб қочаётган душманни отяпман, деган хаёлда болалик аёлни нобуд қилиб қўйган) минбаъд қўлига милтиқ ушламасликка қарор бергани ҳақида эшитдим. “Раҳбарона ов” чоғи у жўжа очаётган какликлар ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида ўша қарорини илк бор бузишга мажбур бўлган ва бунга аччиқ пушаймон чеккан экан. Орадан анча йиллар ўтгач, у аҳдини яна бир марта бузади ва ўз ҳаётида туб ва мудҳиш бурилиш ясайди. Бунини у мардона қабул қилади ва ҳатто “Худога шукр, жазоимни олдим”, дея хурсанд бўлади. Аммо... буёғи энди тамоман бошқа ҳикоя ва мавриди келса албатта сўзлаб берармиз.

## 9.

Ўша мунис кўкламдаги ғаройиб ов ва мерганлик мусобақасидан сўнг бир-бирига ўхшамаган анча ба-хорлар ўтди. Шулардан айниқса саксон тўққизинчи йилнинг саврию жавзоси эсда қоларли бўлди. Қиш бўйи ҳаво қуруқ ва совуқ бўлиб турди. Осмонга қа-раб, қору ёмғир умидида яшовчи яйлов аҳли бу йил ҳам қурғоқчилик бўлади, дашту далаларда ўт-ўлан-лар битмай шўрлик қўй-қўзилар тупроқ ялаб азоб чекади, дея маъюсу маълулликда юрдилар. Баногоҳ... Май ойининг илк кунларида ҳаво бирдан айниб, одам бўйи қор ёғди. Шу қадар кўп ёғдики, даралар қўйни-даги отарлар гуртук остида қолиб кетди. Ҳар тугул изғирин чўзилмади. Индинигаёқ ҳарорат яна ав-валги ҳолатига-салкам ўттиз беш даражага қайтди. Адирликлардаги қор шиддат билан эриб, тупроққа сингиди, қадим чашмалар кўзини очди, жилғалардан сойларга, сойлардан дарёлар сари шарқираб гулди-раб оқди. Чўққилар теварагидагиси эса аста-секин сув бўлиб ёз ниҳоясига, кузнинг илк ёмғирларига қадар ариқларни тўлдириб, тегирмонларни айлан-тириб, водийдаги экинзорларни баҳоли қудрат суғо-риб турди. Бир кунлик қут-барака бутун йилга тати-ди. Мутахассисларнинг гидрометеорология тарихи саҳифаларини кўздан кечириб берган маълумотла-рига кўра, бундай кескин эврилиш яқин юз йилликда бўлмаган экан. Кўпни кўрган оқсоқоллар дедиларки, табиатдаги бу тавр ҳодисалар жамиятда ҳам худди шунақа ҳориқулудда ўзгарилишлар юз беражасидан муждадир. Ҳақиқатда ҳам ўша бобарака қордан бир ярим ой ўтганидан сўнг республика раҳбариятида юз берган ўзгариш аввалгиларидан бошқачароқ эка-ни дарҳол сезилди. Ўзбекистонни салкам ўттиз йил бошқарган раҳбардан кейинги саркотиблар фаолия-

ти икки-уч йилдан ошмаган, бири иродасизлиги оқибатида юртни Итлянчи қашқирлар таловига дучор этиб, охир-оқибат ўзи ҳам уларга ем бўлган, иккинчиси эса бу аҳволни кўриб, авранг устидаги бир ярим йилни ушбу алғов-далғов мамлакатдан тезроқ қуён бўлиш ўйида ўтказганди. Янгисининг илк қадамлариданоқ сезилдики, юртга эгалик қилмоқчи, тартиб ўрнатмоқчи, ҳар касу нокасинг бу ерда истаган қилиғини қилиб юрувигача чек қўймоқчи. Буни замонасоз шоиру ҳофизлар дарров пайқадилар ва: “Эгаси бор юртнинг эртаси бор!” дея васф этмоққа тутиндилар. Биз ҳикоя қилаётган воқеалар ана ўша баҳорнинг атиги бир куни серқор келиб, чанқоқликдан қақшаган ташна ва бемажол дашту-далаларга ҳаёт бахш этган ва ёзнинг атиги бир куни сервиқор келиб, жафокаш юртдаги бош-бошдоқликлару ҳақоратли зўравонликларга чек қўйиш бошланган йилнинг куз-қиш ойларида кечмоқда эди. Аммо... ҳали бу бошланиши эди холос. Ҳали ҳибсхонаю авахталарлиқ тўла, ҳали ҳафтасига етти куну суткасига йигирма тўрт соат тўхтамайдиган терговлар, шаҳару қишлоқлардаги энг катта раҳбарлардан тортиб, оддий сувчиларнинг, тракторчиларнинг хонадонларигача тинтувлар, камбағалнинг тешик тоғорасигача мусодара этиб, аёлу қизининг жезу мисдан ясалган биллагузугу балдоғигача ечиб олиш ва Москвага “ўғри ва кўзбўямачи халқнинг беҳисоб бойлиги, хум-хум олтинлари топилаётганлиги” ҳақидаги хабарлар етказиш давом этарди...

Ҳаким чўпон билагига санчилган игнага уланган найча орқали томирига оқаётган дорининг тинчлантирувчи таъсирини юраги билан ҳис этароқ чалқанча ётган кўйи кўз қири билан дераза оша қорли бўғотларга қараб, ўзининг шу аҳволида “қўйларим-

нинг ҳоли не кечди экан”, деб ўйлаб ётарди. Ҳар тугул қишнинг запти пасайиб икки азим тоғ орасида илиқ эпкинлар эса бошлади. Ҳаётбоши этакларида ҳануз қор кўплигига қарамай ер қизигани боис музи эриб, майсалар ниш уриб қолган. Бундай пайтда қўйлар тумшуқлар ила қорни титиб, юмшоққина барра ўтни топиб, мазза қилиб, осон узиб ейди. Бундай пайтда жониворларга туз ялатиб туриш керак. Акс ҳолда ичлари ўтиб, ширриқ бўп қолишлари ёхуд “манни-ёз”, деган касалга чалиниб, ичаклари узилиши мумкин. Қўйчивонликнинг бунақа оддий қоидаларини амалий чорвачилик соҳасининг академиги Ҳакимбой бобонинг салкам профессор ноиблари Эшпўлату Очилбойларга ўргатиб ўтирмаймиз ва шифохонага қайтиб, бундан сал олдин бу ерга қилинган бир ташриф ҳақида эскартиш бериб қўямиз. Ҳўв ўша, Нурқобилни реанимацияда, Ҳаким оғани Эшпўлат билан суҳбат устида қолдирган кунимиз номозигар маҳали шифохонага автобуси Чашмизирак қишлоғига олиб келадиган йўлдаги Дўнгкиллак довонидан ошолмай, бўрон тинишини кутиб, тўхтаб қолганидан сўнг охириги ўн чақиримни тракторда босиб ўтган Суҳроббой етиб келган, аввал Ҳаким акаси билан обдон суҳбатлашган, сўнгра Нурқобил буткул ўзига келишини кутиб, Милтиқбоевнинг кабинетида тонг оттирган, пешинга яқин дўсти кўзини очгач, у билан қисқача пурси пос қилиб, боя Гулсара амма кўлига тутқазган мактубни қўйнига уриб, келибоқ ортига шошилаётган ҳалиги автобусда бетўхтов Тошкентга қайтган эди. Нурқобил мактубни Суҳробнинг кўлига тутқазганидан беҳабар қолди. Акс ҳолда қайтариб беришни сўраган бўлур эди. Суҳробнинг бу қадар тез қайтишига Ҳаким довдиринг қишлоқ ва унинг тева-рак-атрофида кечаётган кейинги воқеалар ҳақидаги

муфассал ахбороти ҳамда имкони бўлса, Нурқобилнинг қисматини енгиллатиш учун зудлик билан чора кўриш лозимлиги, яъни юқори идораларга шошилинч аризалар жўнатиб, ҳақиқату адолат талаб этиш хусусидаги даъватию илтимоси сабаб бўлди. “Мана шунақа гаплар, Сухроббой, мен-ку майли, бўлдиғим бўлиб бўлган одамман, бироқ жўрангизни сақлаб қолиш керак. Бунинг учун нимаики мумкину номумкин бўлса, ҳаммасини қилинг. Бу ерда юзига термулиб ўтиришдан ҳеч қандай наф йўқ. Зарур бўлса, Горбачёвгача боринг, ёки қимирлатадиган қилиб ёзинг, “беғуноҳ инсон тухмат исқанжасида қоляпти”, деб дунёга жар солинг, чин дўст шундай кунда билинади, хуллас, сизга ақл ўргатиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ. Ҳа, айтганча, менинг-номимни қўшинг. Умримда бирор жойга ариза-шикоят ёзмагандим. Энди мавриди келганга ўхшайди. Имзоимни ҳам қўйвораверинг, мен розиман. Лекин тезроқ ёзиб, тезроқ жўнатилинг. Кеч бўлмасин. Энди сизга жавоб. Бу ерда бошга кул сочиб ўтиришдан самара йўқ.”

Нурқобил бу муноқашадан беҳабар қолди. Сухроб бунча тез қайтиб кетгани учун бироз инжилди ҳам. Лекин тез соғая бошлади. “Отдайсиз”, деди бир ҳафтадан сўнг уни обдон текширган Тошбўри. – Танингиз соғлом. Бироқ руҳингизда... салбий томонга силжиш бор. Бу ўзгаришни ортга қайтариш бир-икки ойда удаланадиган ишмас. Мавриди келганда, бир руҳшунос таклиф этиб, маслаҳатини оламиз. Аслида руҳингизнинг бош шифокори ўзингиз бўлишингиз лозим. Иродани қўлга оласиз, деган умиддаман...”

Нурқобил Тошбўрининг кучли дўхтир эканига ич-ичдан иқрор бўлди. Ҳақиқатда ҳам унинг ўз ибораси билан айтганда “гўр оғзига бориб келганидан сўнг” тийнатида, фикратида ғалати бир эврилиш юз

берди. Тунов кунги иккиланишлар, иштибоху кўркувлар қайгадир йўқолди. “Хўш, қамалиб келсам нима бўпти, амалдор эмас, оддий бир одам бўлиб юравераман-да, онадан раҳбар бўлиб туғилганим йўғ-у, одамлар директоримиз жиноятчи экан-да, деб ўйлашса, бир тоифаси салом-аликни суюқроқ қила бошлашса нима ўзгаради, энг муҳими, ўз виждоним олдида покман-ку, нега менинг тақдир-қисматим айрим қулмижоз кимсаларнинг баҳор ҳавосидек ўзгарувчан муомаласи, бекор оғизда айтадиган андишасиз гапи, тарқатадиган сассиқ миш-мишларига боғлиқ бўлиши керак?” қабилида мулоҳаза юритадиган бўлиб қолди. Эшитишича, айрим нодон ва худбин каслар унинг ортидан: “Қилғуликни қилиб, ўлиб қутилмоқчи бўлган экан, мақсади – давлатдан ўмарган бойликларини мусодара этилишдан сақлашдан иборат бўлган”, деб ғийбат қилаётир. Ў-ў, нақадар бахтсиз ва шафқатсиз бу ғийбатсевар қавм! От устида юрсанг, итоаткор қул каби этигингга суйкалиб, пошнангни ялайди, пиёда қолсанг, айниқса оёғинг тойиб, салгина мункисанг, кетинга тепиб йиқитишга, устингга чиқиб бовул қилишга, ҳақоратлашга, камситишга уринади.

Майли улар кулсинлар, тантана қилсинлар, учраганда саломига алиқ олмасалар ҳам майли. Нурқобилга бунинг тариқча аҳамияти йўқ. У энди... У энди тушунди Ҳаким чўпоннинг нақадар доно эканлигини. Энди англади нега қишлоқдан, одамлардан имкон қадар узокроқда, ҳавоси мусаффо, боягидақа заҳаролуд кулгулардан йироқда ва юксакларда сокин сукунат қўйнида яшашни, ишлашни афзал билишини. Оддий одам бўлиб яшаш қанчалик сурурли.

Хуллас, энди у текширишлардан ҳам, тергов ва ҳатто, суддан ҳам мутлақо ҳайиқмай қўйди. “Ўладиган ҳўкиз болтадан тоймайди”, деганларидек, ҳамон-

ки ўлиб ҳам қутилолмас эканман, майли, менга деса пишириб ейишсин, деган аччиқ қарорга келди.

Қарангки, ҳалиги раҳмдил терговчи унинг салгина ўзига келишини интизорлик ила кутиб турган экан. Эшитган заҳоти том маънода қуш бўлиб учиб келди. Аниқроғи АН-24, деган махсус самолётда учиб келиб, Чашмизирақ тепасидаги кўҳна аэродромга қўнди. Тошбўрининг ҳай-ҳайлашига қарамай, касалхонадан опчиқиб, “Аннушка”нинг юмшоқ белига ўтқазиб, бетўхтов Тошкентга олиб кетди. Нурқобил хайрон ва совуққон эди. Оддий бир хўжалик раҳбарига бу қадар эътибор сабабини тушунмас, ичида ўзи ҳақда: “биз ҳам чакана одам эмасаканмиз-у”, дея сокин, бир қадар масхараомуз фикр юритарди. “Узр-да ака, юқоридан шунақа топшириқ бўлди, – деди раҳмдил терговчи. – Қизталоқ Тўхтабоев уч кунча олдин... инфаркт бўлиб ўлибди. Экспертларнинг тахминига кўра... хориждан опкелинган қанақадир янгича заҳар ичганмиш. Ўшандан битта таблеткаси ютилса кифоя: инфаркт нақ, қазо ҳақ эмиш. Бутун республика прокуратураси-ю ички ишлари оёққа турган. Сизниям... ўша “доридан ичмаганмикан” деган гумон бор...”

Аввалига уни қайсидир илмий институтга олиб, қон олишди. Сўнгра Тошкентнинг қоқ марказидаги кўҳна бир бинонинг ертўласига олиб тушишиб, шу чоққача у доврўғини кўп эшитган, башарасини эса фақат телевизор орқали бир мартагина кўрган машҳур тепакал терговчига рўбарў этишди. Тепакал оҳанжама қилиб ўтирмасдан мақсадини дарҳол ва очик айтди:

– Қон таҳлили жавобларини кутишга ҳам фуржа йўқ. Қолаверса, ўласанми, қоласанми бу ҳам қизиқтирмайди бизни. Кеча вилоятнинг биринчи раҳбари Нодир Назаровни қамоққа олдик. Унга икки

марта эллик мингдан, тунов куни ўлган Тўхтабоевга икки марта ўттиз мингдан пора берганман, деб ёзиб берасан-у, бориб даволанишингни, соғайгач ишингни бемалол давом эттирасан. Қайтиб сени ҳеч ким безовта қилмайди. Аксинча.. бизнинг тавсиямиз билан туман, вилоят миқёсидаги раҳбарлик ишларига тайинланишинг ҳам мумкин.

– Ёзиб бермасам-чи?

– Ўн беш йилга кетасан.

– Розиман.

– Ёзасанми?

– Ўн беш йилга кетишга.

– Ўжарлик қилма, делонг билан танишдим. Текширув натижалари сени турманинг энг тўрига ўтқозиш, ҳатто отувга ҳукм этиш учун бемалол етади. Бунинг устига гиёҳванд моддалар савдосига алоқадорликда ҳам айблашимиз мумкин. Мен сенга ёрдам қилмоқчиман.

– Ёрдамнинг кераги йўқ, бировга тухмат қилгандан кўра, қамалганим, керак бўлса, отилганим дуруст.

– Шунақа... довюракмисан?

– Довюракман, деёлмайман. Лекин виждонимни сотмасликка ҳаракат қиламан холос.

– Ҳм-м, виждоним бор, дегин. Яхши, унда... туман раҳбари Шоқувват Ўташевнинг жиноий ишлари ҳақида рўй-рост гапириб бер-чи. Ҳарҳолда уни... оппоқ деёлмасанг керак?

– Оқлигиниям, қоралигиниям билмайман.

– Бекорларни айтибсан! Ўташев бошлиқ жиноий гуруҳ узоқ йиллардан буён тумандаги энг серҳосил ерларни эгаллаб олиб, “экологик тоза” мева, сабзавот, қовун тарвуз ва гиёҳванд экинлар экиб, беҳисоб миқдорда даромад олиб келаётганини қишлоғингдаги ёш болаям билади.



– Ҳамма биладиган бўлса, мендан сўраб нима қиласиз.

– Ҳамма билади. Бироқ бирор киши гувоҳлик беришни истамайди. “Хабарим йўқ”, дейди худди сенга ўхшаб. Ҳаммаси кўрқоқ. Қулдан баттар ожиз ва. муте. Бошлиқ онасини сўксаям, хотинини зўрласаям лоақал юзига тик қараб гапиролмайди. Мана, сен до-вюракман, виждонлиман, деб кўкрагингга уряпсан. Лекин сен ҳам ундан ҳайиқасан. Холбуки, у кўрқмади. Ҳаммасини ўз ихтиёри билан, чин юракдан ёзиб берди. Жонажон партияга садоқат рамзи сифатида бир неча миллион рубл, бир неча юз минг доллар, беш килоча олтин ҳамда бошқа қимматбаҳо зебу-зийнатлар топширди. Шунинг учун биз уни қамаш нари турсин, ҳатто сўроқ қилиб ҳам ўтирганимиз йўқ. Дўстона суҳбатлашдик холос. Ҳақиқий довюрак, виждонли раҳбар худди шунақа бўлади ошна! Ҳеч нарсани яширмайди партия ва ҳукуматидан, унинг шавкатли прокуратураси ходимларидан. Сенинг авра-астарингни ағдариб, аёвсиз фош этиб ташлади: ўғри, порахўр, қўл остидаги одамларни шафқатсизларча калтаклайди, қанчасини уриб ўлдириб юборган, деб ёзган. Ҳатто... “Ўтакетган хотинбоз, маиший бузуқ одам, бошқаси қуриб қолгандай менинг аёлим билан дон олишади, ўзим шахсан бир неча марта ушлаб олганман”, деган гапларгача очиқ айтган. Чашмизиракдаги ўзи уюштириб юрган барча жиний ишларни сенга тўнкаган. Наҳотки сен ўзингни ҳимоя қилишни истамасанг. Ёшгина жонинг увол бўлиб кетиши алам қилмайдами? Сенинг ундан қаеринг кам? Уни фош қилиб, пул ва олтин-жавоҳирларининг қолгани қаерда яширилганини айтсанг бўлди, озодсан, қайтиб мушугингни пишт, деган – номард! Келишдикми? •

– Мен тушунмадим, сизлар қонунбузарликларни аниқлаб, тартиб ўрнатгани келганмисизлар ёки... пул ва олтин йиғиш учунми? – деди Нурқобил истеҳзо билан. Тақиркалла кулди, кейин қўланса ҳид анқиб турган, чўчайган лабли оғзини Нурқобилнинг кулоғига яқинлаштириб:

– Зеҳни ўткир йигит экансан, балли, қойил қолдим сенга, шунинг учун ҳеч қачон ҳеч кимга ошкор этиш мумкин бўлмаган партиявий сирни айтаман. Ўзинг биласан, СССРда ҳозир иқтисодий инқироз ҳукм суряпти. Омборларда дон, дўконларда нон йўқ. Ҳатто гугурт, туз совунниям, талонга беришяпти. Демак, мамлакат халқини боқиш учун хориждан буғдой сотиб олиш керак. Уни олтинга алмашишади. Олтиннинг макони эса Ўзбекистон! Бу ерда... ҳаттоки ейишга нони бўлмаган ҳар бир хонадондан камида бир неча кило олтин чиқади. Тўғрими? Мурунговдан ҳар йили қазиб опкетилаётган юзлаб тонна олтиндан маҳаллий аҳоли йўқ, деганда бир неча тоннасини ўмариб қолаётгани аниқ. Ундан ташқари, узоққа бормасдан, ўзинг яшайдиган туманни олайлик: Охчобсой, Заркентсой, Олтинсой, деган кичик-кичик сойларнинг қумидан одамлар йил бўйи оддий усулда олтин ювиб олишлари, уни пенциллин шишасига солиб ўлчашлари, баъзан пул бўлмаса, дўкондан рўзғорга керакли оддий майда-чуйдаларни-да тилла эвазига харид этишлари ёлғонми? Виждонинг бўлса айт-чи, бор гапми шу? Бор гап! Шунинг учун биз... Ўзбекистондан камида бир эшелон олтин олиб кетиш ҳақидаги махфий топшириқ билан келганмиз. Тушундингми? Агар бизга ёрдам берсанг... уч юз миллионли совет халқини очликдан сақлаб қоласан. Номингни Марказкомга ёзиб берамиз. Қахрамонлик унвонини оласан...

Нурқобил тақирбошнинг масхаромуз оҳангдаги бу гапларини аввалига ҳазил, деб ўйлади. Иттифоқо эл тилида юрадиган бир гап эсига тушди. 1920 йилда большевиклар Бухорони босиб олгач, Москвага салкам бир эшелон тилла олиб кетган ва ўша пулларга хориждан бугдой сотиб олиб, СССРнинг Марказий шаҳарлари аҳолисини қирилиб кетишдан сақлаб қолишган экан. Демак... бу чаласавод терговчи ўзи сезибми сезмайми айни ҳақиқатни айтяпти. Ростдан ҳам шунақа махфий топшириқ берилган бўлиши мумкин. Талвасага тушган большевойлардан ҳар нарсани кутса бўлади. Билъакс, вазифаси “пахта иши” билан шуғулланиш бўлган бу шоввозлар чорвадор туманларни нега титкилаб юрибди?

– Мен халқпарвар партия ва ҳукуматимиз бунақа ёвузлик қилишига, камбағалнинг қулоғидаги жез сирғасигача юлиб олиш ҳақида махфий топшириқ беришига ишонмайман, – деди у бир зумлик сукутдан сўнг босиқлик билан.

– Унда ўзингдан кўр, – деди тақирбош. – Сендан маҳкамларини ҳам синдирганмиз, зўр келгандан кейин туққан онасиниям сотворган.

Сўроқ тонгга қадар давом этди. Нурқобил бирор-та айбни бўйнига олмади. Олдиндан ёзиб, тайёрлаб қўйилган “Иқрорнома”, “Маълумотнома”, “Тазаррунома”ларнинг ҳеч қайсисига имзо чекишни истамади. Ногоҳоний, тарсакилар, нақ пешонаси ё қаншарига тушган муштларга “иҳ” демасдан чидади. Қоқбош толиққач, уни кўзойнакли соқолтой ҳамкасби алмаштирди. Кечга яқин “тўрткўз”нинг жойини бир овози дўриллаган алпқомат ўрис хотин эгаллади. Бу нармода қанжиқ эркакларнинг чотига тепиб ҳузурланар экан. Ярим тунда унинг ёнига овози чийиллаган, қошлари пилликдай хотинчалиш бир йигит қў-

шилди. Ўзи рамақимжон бўлсаям қўли ўлгур қаттиқ экан. Кейин яна қоқбош келди. Уч куну тун давом этган сўроқдан сўнг уйқусиз, очлик ва ташналикдан силласи қуриган, яна буткул жонидан тўйган Нурқобил қоқбошга кечадан бери ҳайқириб айтишни мўлжаллаётган алам, ғазаб, нафрат тўла “дод”ини пи-чирлаб бўлса–да ҳартугул эшитарли қилиб етказди:

– Мен ишонаман, пайти келиб бирорта мард чиқади ва мана бу ишларинг учун куппа-кундуз куни катта кўчада нақ пешонангдан отиб кетади! – деди ва ўтирган жойида ҳушидан кетди. Устига муздай сув куйиб, нашатир ҳидлатиб ҳам ўзига келтиришолмагач, уни тиббий қисмга жўнатишди. Икки кун деганда сал ўзига келиб, ҳамхонасидан фавқулодда хабар эшитди:

– Москвалик терговчилар ишдан четлаштирилиб, устларидан қаттиқ текширув бошланибди! Аҳволлари чатоқ бўлади, дейишяпти.

– Мен буни алақачон ўзига айтганман, – деди Нурқобил ва яна хушидан кетди.

Икки ҳафтадан сўнг уни тиббий қисмдан чиқаришди ва:

– Қишлоққа кетаверинг, ишингизни вилоят прокуратураси терговчилари давом эттиришади. Керак бўлсангиз ўзлари чақиришади, – дейишди. Нурқобилнинг юргулик ҳоли йўқ эди. Терговчига Суҳробнинг телефон рақамини бериб, илтимос қилди:

– Чақириб беринг. У энг яқин дўстим. Унинг ёрдамида, самолётда кетмасам, ўзим етиб боролмайман..

– Аслида... мумкин эмас-у, майли, сизга бир ёрдам қилай, – деди терговхонанинг барча ходимлари сингари кейинги кунларда юмшоқ супургига айланиб қолган маҳаллий миллат вакили. Суҳробни телефон

қилиб чақирди ва Нурқобилни улкан панжарали дарвозадан чиқариб қўйди.

– Ўн кундан бери ишхонангдан эллик метр нарида ертўлада сўроқ бериб ётибман-у бир хабар олмайсан-а, – деди Нурқобил дўстининг қучоғига ўзини отиб.

Суҳроб унинг аҳолини кўриб йиғлаворай деди. Ҳақиқатда ҳам... терговхона биноси унинг деразасидан шундоққина кўриниб турарди.

– Наҳотки, наҳотки чиндан ҳам шу... тарихий бионинг ертўласидан... шунчалик тез ва соғ-омон чиқиб келаётган бўлсанг? – деди ишонгиси келмай. Чунки у бино ертўласига тушганлар бир ҳафта-ўн кунда чиқиб кетиши ақлга сиғмайдиган гап эди. Демак... академик шоир сенга ўхшаган бир етимнинг бошини силаб айтганидек: қабоҳат емрилур, зулм янчилур, жаҳонда бўлурмиз, озод, музаффар! Қани, уйга кетдик!

– Ҳали кун оққан йўғ-у, ишинг нима бўлади?

– Тупурдим ишига! Ўзи... шу бугун ариза бериб бир йиллик ижодий таътилга чиқмоқчи бўлиб ўтирувдим.

– Нега, нима учун?

– Шунинг учунки, золим партиянинг қўрқоқ, хушомадгўй ва ялтоқи матбуотида ишламасликка қарор қилдим. Эркин ижодкор бўламан. Тунов куни... касалхонада сенинг олдингдан чиққач, Ҳаким ака билан суҳбатлашиб ўтирдик. У.. “Нурқобил ориятли йигит, ўзи ўлсаям айтмайди, лекин ҳозир унинг бошида йиғлашиб ўтиргандан кўра, агар журъату жасоратинг етса, унга ёғдирилаётган тухматларга қарши бирор чора-тадбир излашинг, қисматини сал бўлса-да енгиллаштиришга ҳаракат қилишинг минг

карра афзалроқ” деди. Хўп, дедим ва шу заҳоти ортимга қайтиб, йўл-йўлакай туман, вилоят прокуратура-расига кирдим, Тошкентга келиб бошқармаларингда бўлдим, хужжатларни обдон ўрганиб, “Туҳмат ёрғичоғи!” деган сарлавҳали бир мақола тайёрладим, бош муҳарриримизга олиб кирдим. “Москвадан оқиб келаётган қудратли тўлқинга қарши боролмаймиз, хасдай қилиб, қирғоққа итқитиб юборади!” деди у. Мен шу мақола босилмагунча кўлимга қалам олмайман, дедим. “У ҳолда бошқа таҳририятдан иш изланг”, деди у. Хўп, лекин ҳеч жойдан иш изламайман, излашни ҳам, ишлашни ҳам истамайман, дедим. “У ҳолда текинхўр, деб жавобгарликка тортишади худди Иосиф Бродский сингари.” Солженицин каби СССРдан бадарға қилиб юборишса ҳам майли, дедим. Хуллас босмади аблаҳ. “Сизга қиладиган ёрдамим – аксилшўровий гапларингизни хавфсизлик идорасига хабар бермайман, сиз эса уюшма аъзоси сифатида бир йиллик ижодий таътил олинг, нарийёгига партия пошшо” деди. Шу маслаҳати учун ҳам раҳмат.

Ҳа, айтганча Марказқўмга, ички ишлар ва бош прокуратурага хат ёздим. Босилмаган бўлса-да, мақоладан ҳам бир нусхадан қўшиб жўнатдим. Лекин... фойдаси бўлмаса керак, деб ўйлаб юрувдим. Бугун эрталаб терговчилар гуруҳининг ўзи тергов қилина бошлаганини эшитиб, умид уйғонганди. Мана энди сенинг ажал ертўласидан омон чиққанингни кўриб, бунга аниқ ишонапман. Буни... ювмасак бўлмайди, жўра!.

– Мен сени... буткул ташлаб юборган, деб юрибман.

– Ташлагандим. Анови қисталоқ Горбачёв ичкиликни таъқиқлаб қўйганидан сўнг яна нўш этгим келадиган бўлиб қолди. Таъқиқланган нарса одамга

тансиқ ва бебаҳо бўлиб кўринаркан. Аммо-лекин юз грамдан оширмаяпман. Ҳозир бунга ўзинг ишонч ҳосил қиласан. Уйга бориб би-ир ўтиришайлик...

## 10.

Икки дўст саҳармардонда яп-янги бир “Фиат” машинасини отнинг калласидай пулга кира қилишиб, йўлга тушишди ва Чашмизиракка кун оққан маҳали кириб келишди. Ўша куни самолёт учмас экан. Кейинроқ маълум бўлдики, бир пайтлар тоғли туманга мунтазам қатнаган Ан-24 ўша Нурқобилни Тошкентга олиб келган куни Чашмизиракка ўзининг сўнги парвозини амалга оширган экан. Буям “инсонни эркин нафас олдириш бўйича дунёда тенгсиз ва бетакрор” ҳисобланган “озоду обод, фуқароси шоду бедод” советлар мамлакатининг путурдан кетиб, буткул фатарот бўлаётганидан нишона эди чоғи.

Ҳаким бово эса ҳалиям касалхонада билагига игна санчилган ҳолатда ётарди.. Уларни кўриб, айниқса Нурқобилнинг Тошкентнинг қоқ марказидаги қадимий ва ҳамиша навқирон терговхонанинг чуқур ертўласидан, кимсан Сурен Харенович Итляндай аждаҳонинг комидан соғ чиқиб келганини эшитиб, чандон севинганидан такрор инфаркт бўлаёзди.

– Севинчдан ўлсам... майли, армон қилмайман, – деди у Тошбўрининг “яна ҳаяжонланибсиз” деганига жавобан. Бу шоён ўлим бўлади. Аммо-лекин манови бемазагарчиликлар барҳам топмагунча ўладиган аҳмоқ йўқ. Мен бошидаёқ айтганман. Қутирган Итланлар ўз итялоғига қайтади, ундан итланганларнинг барчаси (Чашмизирак тарафларда ногоҳ кўз тегиб касалланиб қолганларга қушнот момолар “итланибди”, деган ташхис қўйишаркан ва рамзий маънода бошини итялоққа ювиб даволашаркан. Довдир ака-

миз шуни пайров қилаётган экан. Қаранг-а!) Московдаги Олий Итйалоққа (судга, демоқчи шекилли) бош ювиб, кўрмагандай бўлиб кетишади. Ўша куни Эшпўлат отга ўнгариб келганида Тошбўрига айтувдим: Нуржон инимиз итланган, бир қушночга қоқтириб, бир муллога ўқитсак бас, деб. У бўлса ишонмайди. Депрессия, репрессия, яна нима балолар, деб сандирайди. Дарвоқе, ишга тикланганингдан кейин бир қўй сўйиб худойи қиламиз, шу икковига биттадан тўн кийдирарсан. Ҳаётингни сақлаб қолишди ахир.

– Ишга тикланмасам ҳам кийдираман, хотиржам бўлинг, – деди Нурқобил. Лекин кеча Сухробга айтмаган гапини Довдирга ҳам ҳозирча айтмади.

– Менга ҳам битта тўн тайёрлаттираверинг, Ҳаким оға, – деди Сухроб. – Камина бир йиллик ижодий таътил олиб, ҳамма ишни йиғиштириб, Нурқобил укангизни оқлаш ва раҳбарлик лавозимига тиклаш билан шуғулланишга киришдим.

– Ҳай-ҳай, баҳай, – деди Ҳаким довдир. – Сиз ишни йиғиштирадиган бўлсангиз, газетани ким чиқаради? “Миллионлар минбари, ҳалқнинг ҳақ сўзи, адолат кўзгуси бўлмиш матбуотимиз эгасиз, бизга ўхшаган муштарийлар газетасиз қолиб кетмайдими?

– Бунингиз совет партиявий матбуотининг шаънига “маддоҳ, кўрқоқ, ялоқ”, деган бўлмағур гаплар айтди, – деди ўзича “чақимчилик” қилиб Нурқобил.

– Ана шу бўлмағур гапларга мен мутлақо... қўшиламан, – деди кутилмаганда довдир. – Аммо – лекин кейинги беш-олти ойдан бери са-ал ўзгариш бор.

– Ҳаммасидамас, – эътироз билдирди Сухроб. – Якка-яримида.

– Сиз ана шу якка-яримида ишланг ва фақат ҳақиқатни, тўғри сўзни ёзинг, Сухроббой.



– Тўғри сўз туққанинга ёқмайди, дейишган-ку, – деди Нурқобил.

– Туққанингга эмас... агар ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, кўпроқ раҳбарларга хуш келмасакан, – деди Сухроб. Раҳбар қавми, ўзи сезиб-билиб туриб алданишни, айниқса матбуот орқали алданишни яхши кўраркан.

Довдир ер остидан Нурқобилга қаради.

– Мен айна дамда у тоифага кирмайман. Камина ишсиз ва... терговдаги гумондор шахсман холос, – дея ғамгин ҳазил қилди Нурқобил. – Қолаверса...

– Бу шоир менга текизяпти, – деди довдир аския қилиб. – Ахир, камина ҳам... салкам мингта қўйга раҳбарман-ку.

– Сиздақа раҳбарларга мазза Ҳаким ака, қўл остингиздагилар устингиздан ёзолмайди. Нима берсанг еб, қаёққа ҳайдасанг, ўша томонга жимгина кетаверишади, – деди Сухроб.

– Ҳа-да, шуни билиб атай ана шу лавозимни эгаллаганман. Бўл-бўл, қўйларга раҳбар бўл экан. Икки оёқлиларга раҳбарлик қилувчиларнинг қанчаси келиб, маслаҳат сўрайди, тажрибангизни ўргатинг, дейишади. Ҳаммасига индамасдан қўлимдаги қайқи таёқни, кейин иккита бўрибосаримни кўрсатаман. “Ҳамма сир ана шуларда”, дейман. Нарёғини ўзлари тушунишади. Ҳаммаси хурсанд. Қайта-қайта келишиб, раҳмат айтиб кетишади. Манови Нурқобил содда ҳам “одамларга одамдай муомала қилишим керак”, деб юрмаганида мана бунақа савдолар тушмасиди бошига.

– Менинг ҳам фикрим ўзгарган ҳозир, ўша... қайқи таёқ билан бўрибосар кўппакларни қайдан топишни ўйлаб юрибман, – деди Нурқобил гапнинг изоҳини ичига ютиб.

– Ҳа-а, ана энди ўзингизга келибсиз, Нурли ва Қобил инсон, – деди Довдир унинг кўзига синовчан тикилиб. – Қайқи таёқни заранг дарахтидан йўнинг, токи ҳадеганда синиб кетмасин. Кўппакларни эса анови ўзимизнинг олабойдан қочирилган мелиса кучук, яъни овчарка қанжиқнинг баччасидан боқиб катта қиласиз. Отасиниям танимайдиган бўлади. Майли, бу гапларни қўяйлик, бугун Тошбўри бир гап айтди, шу ростми? Бу Итлян жанобларини бутун ғуруҳи билан келган жойига чақириб олишганмиш...

– Ҳа, шундай бўлибди, камина шунинг шарофати билан ёнингизга келиб ўтирибман, – деди Нурқобил.

– Яқин кунларда уларнинг устидан жиноят иши очилса ҳам ҳеч ким ажабланмайди, – деди довдир. – Тарихда бунақа ҳодисалар бўлган. Ўттизинчи йилларда Сталин қатағонларининг бошида туриб миллионлаб кишини оттирган НКВДчилар Ягода, Ежов, Берия алал оқибат ўзлари ҳам отилган. Ҳар кимки жафо қилса, жафо топгусидир, деган алломаларимиз.

– Буларни қамаш осон бўлмаса керак, Ҳаким ака, икковиям номзодини депутатликка қўйган. Сайланиши деярли аниқ бўлиб турибди, – деди Суҳроб.

– Тўғри айтасан, ҳозирги “ошкоралик ва демократия” шароитида уларни қамаш осон бўлмайди. Аксинча уларнинг ўзи... Москвадаги каттаконлардан бир қанчасини қамаш ҳаракатида юришибди-ю. Тергов чоғи анови Итлян менга очиқ айтди: “Ўзбекистонда олти миллион тонна пахта етиштириш мумкин эмаслигини Кремлдаги раҳбарлар ҳам яхши билишган, билатуриб шу ишни буюришган, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик аслида улар томонидан рағбатлантириб турилган, чунки шунинг орқасидан келаётган миллион-миллион ақчанинг асосий қисми Москвадагиларнинг чўнтагига тушиб турган, шу-

нинг учун бу ердагилар ҳеч нарсадан ҳайиқмай ёппасига қўшиб ёзиш билан шуғулланишган...”

– Тунов куни Итляннинг СССР Олий Кенгаши депутатлигига номзодини қўйган шериги Россиянинг қайси бир шахрида сайловчилар билан учрашув чоғида: “Ўзбекистоннинг барча раҳбарларини қамадик, энди Москвадагиларга навбат келди”, депти. Бу учрашув телевизор орқали Ўзбекистондан ташқари бутун мамлакатга тўғридан-тўғри намоиш этилибди.

– Ит семирса эгасини қопади, дегани шу, – деди Ҳаким довдир. –Итляннинг шошилинич чақириб олингани тасодиф эмас. Иложини қилишса сайлангунча қамашади. Улгуришмаса, бошқа йўл излашади. Нима бўлгандаям уларнинг сафари қарибди. Демак, пахта ишлари тез орада бутунлай тўхтайтиди, аввал хўлу-қуруқ ёппасига қамалган бўлса, энди оқу-қора ҳаммаси окланади.

– Ҳаким ака, нима деб ўйлайсиз, қамалганлар орасида ҳақиқий жиноятчилар кўпчиликми ё озчиликми? – сўради Сухроб ўсмоқчилагандек.

– Мен қайдан билай ука, даштда юрган бир чўпон бўлсам, буни сенга ўхшаган “ҳақиқатгўй” матбуотчилар биледи-да, оддий пахта ишига “ўзбеклар иши”, деб ном берган ҳам сенинг ҳамкасбларинг аслида, аммо-лекин камина “ғоявий душман” хорижий радиоларни эшитиб тураман, улардаги кузатувчилару таҳлилчилар айтадики, албатта, озчилик. Аммо “битта тирриқ бузоқ бутун подани бузади”, деган мақол бежиз пайдо бўлмаган. Ана шу тиррақи ҳаромхўрлар касрига бутун халқ ёмон отлиқ бўлиб ўтирибди.

– Итляннинг менга айтган гапини қаранг, – деди Нурқобил, –Агар ўзимдан тепадаги икки-уч раҳбарга пора берганман, десам бас, жавобгарликдан озод бў-

либ, тинчгина ишлаб юраверарканман. Бу таклифни у менга ўхшаган ўнлаб, эҳтимол юзлаб турли бўғиндаги айблию айбсиз раҳбарларнинг барчасига айтган ва... афсуски, уларнинг катта қисми бажонидил қабул қилган. Оқибатда, пахтачиликдаги жиноятлар оммавий тус олган экан, деган тассаввур яратилган. Турманинг касалхонасида ётиб, миямга ғалати фикр келди: ўша бир ҳовуч нопок раҳбарлар ўз жиноятларини... гўёки оммавий ҳодиса сифатида кўрсатиш ва шу йўл билан жонини, обрў-эътиборини сақлаш мақсадида чаласавод ва шухратпараст Итлянчиларни атай гиж-гижлаб, пашшадан фил ясашга, тор доирадаги ишни атай пуфлаб шиширишга илҳомлантирмадимикан? Яъни, бир ҳовуч ҳаромхўрлар кирдикори бутун бир халқ номига ёпиштирилади, миллат шаъни топталади. Табиийки, бу сиёсий тус олади, кенг миқёсдаги норозиликка сабаб бўлади, шовқин-сурон кўтарилади. Олағовур, тўс-тўполонда ким аслида оқу, ким қора эканини аниқлашнинг иложи ҳам бўлмай қолади. Ҳалиги, бир латифа бор-ку: мелиса енгилтак аёлни ушлаб, нега бузуқчилик қиласан деса, “теварақдаги аёлларнинг барчаси фоҳиша-ку, шунинг учун мен ҳам қиляпман-да”, дермиш. Ёки яна бошқа муқояса: беш-олти аризабознинг тинимсиз хатти-ҳаракати туфайли Чашмизирак деганда “ёзувчилар қишлоғи” тушуниладиган бўлиб қолган. Хулоса шуки, сув қанча кўпроқ лойқалантирилса, ундаги лаққа балиқларни ушлаш шунча қийин бўлади.

– Жудаям қизиқ фикр, – деди Довдир. – Менда ҳам шунга ўхшаш бир иштибоҳ туғилганди. Шу пайтгача ҳеч кимга айтмагандим. Ҳозир хонаси келди айтаман. Бир кун ўйладим: шу беақл терговчиларни... Американинг разведкаси ёлламаганмикан: “Ўзбекистондаги амалдорларни қамаб, улардан Кремлдаги

раҳбарларга пора берганман, деб ёздириб оласанлар, шу тариқа Москвадаги катталарни бутун дунёда шарманда қиламиз, мамлакат аҳолисида норозилик уйғотиб, охир-оқибат СССР давлатини тарқатворамиз, сенларга эса бўйинг баравар тилло берамиз”, деб.

– Ўзбекистондан опкетган олтинлариям бўйи баравар бўлиб қолгандир, – деди Сухроб. – Ҳар ҳолда Итляннинг битта гапида жон бор. Пахтачиликдаги қўшиб ёзишлар СССР миқёсидаги ялпи кўзбўямачиликларнинг кичик бир бўлаги. Уларга шу кичкина бўлакнигина очиш топширилгану, улар бўлса нодонлик қилибми ё сиз айтгандай ғоявий ғанимларнинг куткуси биланми, бутун тизимни фош этишга киришиб кетишди.

– Менга қолса, уларни аксар кирдикорлари учун лаънатлаган ҳолда мана шу битта иши учун раҳмат айтган бўлардим. Чунки мана шу иши билан улар мустамлака салтанати инқирозини тезлатишди. Энди бу улкан қанор чок-чокидан сўкилиб, охир-оқибат буткул йиртилиб кетади. Иттифоқчи республикаларнинг барчаси мустақил давлат бўлади.

– Бу гапингиздан СССРнинг тарқалишига Итлянчилар сабаб бўлади, деган маъно чиқяпти агар тўғри тушунган бўлсам, – Сухроб бўш келмади. – Шундай демоқчимисиз?

– Ундай демоқчи эмасман. Бу – энг аввало, Ғарбдаги “ғоявий душманларимиз”нинг кирдикори. Улар СССР тузилган кундан эътиборан: “бу – истибдод ва қабоҳат империяси, уни албатта тарқатиш лозим”, деб, кечаю-кундуз ухламасдан қўпоровчилик ҳатти-ҳаракатларини олиб боришаётир. Итлянчилар ҳам, улар томонидан Москвага пора ташишда айбланаётган муҳтарам ва шўрлик раҳбарларимиз ҳам бу жараённи тезлатишга беминнат хизмат қилишмоқда, холос.

Вақти келиб... айрим амалдорлар: “мустақилликни биз қўлга киритдик!” деб кўкрагига урадиган бўлса, ҳеч ким ҳеч нарса, деб эътироз билдиrolмайди. Миннатдор халойиқ эса бошига кўтариб, доҳийга айлан-тириши ҳам мумкин.

– Ҳаким ака, зўрсиз-да, қайси гапингиз ҳазилу, қайсиси жиддий эканини билолмайди одам, – деди охири Сухроб.

– Чўпон одам сиёсатдан гапирса шунақа, ўзидан бошқа киши тушунмайди, – деди довдир.

Ҳамшира укол қилгани кириб, ғаройиб суҳбатнинг белига тепди. У ишини битказиб чиқиб кетгач, мужодаला яна аввалгидек қизғин кўр олди.

– Яна бир ярми ҳазил, ярми чин гап айтайми, кўп йиллар олдин “Америка овози”, “Немис тўлқини” “Озодлик” радиоларида берилган эшиттирувлар пайти тепа сочим тикка бўларди, “буларники хом хаёл, СССР ҳеч қачон тарқалмайди, бу адолатли жамият ҳеч қачон емирилмайди”, дердим. Мана энди ишондим, бу тузум узоқ яшолмайди. Ҳаммасига сабабчи – каминанинг москвалик ҳамкасблари.

– Москвадаям... ҳамкасбларингиз борми? Кимлар? – яна кулимсираб ижикилади Сухроб довдирни.

– КПСС Марказий Қўмитасидагиларнинг барчаси бизнинг ҳамкасблар-да, – деди ўзини мутлақо жиддий кўрсатиб довдир. – Бош котиб – бош чўпон, Сиёсий бюро аъзолари – чўлиқлар. Улар учун совет халқи бамисоли бизнинг отар...

– Совет халқининг отарингиздаги қўйлардан фарқи бўлмаса... СССР қандай қилиб тарқалади? Ахир... Александр Пушкин алам билан ёзганидек: “Сулҳсевар эллар сокин ўтлаб юравермайдими эркнинг даъватига қулоқ солмасдан?”

- Эҳ-е, қўйлар орасида ҳам шунақа пешонаси дўнг, бурама шохи шундай ўткир бир қўчқорлар борки, пайти келганда бўри тугул айиқниям ёриб ташлайди, бўталокларим, – деди довдир ширин энтикиш билан. – Ўриснинг Пушкиниям, ўзимизнинг Фитрату Чўлпонларимиз ана шунақа қўчқорлар қачон чиқади, дея бўзлаб ўтишган.

- Менимча, агар СССРдаги миллатларнинг барчаси оғизда эмас, амалда ҳар жиҳатдан тенг бўлганида эди, битта давлат бўлиб яшайверса бўларди, – деди анчадан буён мунозарага аралашмай ўтирган Нурқобил. – Афсуски, айримлар ўзларининг “буюк оғалик” даъволаридан воз кечолмади.

- Тўғри айтасан, ҳалиги... қишлоғимиздаги Николай бобо эсингдами, қирқ беш йил Ўзбекистоннинг энг узоқ бурчагидаги бир қишлоқда яшадию, бир оғиз ўзбекча ўрганмай, ўрганишни истамай ўтиб кетди-я! Ўзи яхши чол эди. Лекин, бир даврада юзта ўзбек билан ёлғиз ўтирса ҳам “говори по русски” деб, баланддан келиб тураверарди. Ҳукмрон миллат вакили эканини кети билан ҳис этиб турарди-да.

- Жойи жаннатда бўлсин, қайтанга... қишлоғимизнинг энг оми, саводсиз кишиларигаям “твоя-моя” қилиб, русчани анча –мунча ўргатиб кетди., – деди Нурқобил.

- Унисига раҳмат-у, каллаи саҳарлаб оч қоринга ичишни ўргатиб кетгани яхши бўлмади, – Суҳробнинг ҳам баъзан меъёридан кўпроқ нўш этиб туришига шаъма қилди довдир.

- Мен энди оч қоринга ичмаяпман, – деди кулиб Суҳроб. – Гарчи шоирлар шоҳию, шоҳлар шоири Мирзо Бобур ҳазрат ҳам “сабуҳий қилмоқ”, яъни эрталабдан тўйиб ичишни яхши кўрган, дейишади. Ҳусайн Бойқарони ҳам “Алишер Навоий” фильмида ғирт алкаш қилиб кўрсатишган.

– Яъни ичишни бизга ўрислар ўргатгани йўқ, бу бемаза одат доққи юнусдан қолган, демоқчимисан ё... ўзингни оқлаш учун пиёнисталик шоҳлару ҳукмдорларга хос фазилатлигини исботламоқчимисан? – кулди Нурқобил.

– Икковларинг ҳам қисман ҳақсизлар, – деди довдир. – Бизнинг юртда ичкиликбозлик айрим ҳукмдорларгагина хос бўлган. Ўрислар келгач эса бу одат оддий халққа ўргатилди. Эҳтимол буям атай қилинган ишдир. Ким билсин.

– Аммо – лекин ўрислар меъёрида ичадиган одамни... ҳурмат қилишади, – деди Нурқобил, – гапи тез қовушади-да.

– Кейин улар... бошқа миллатдан хотин олганларни яхши кўраркан, “ўзимизнинг куёв бола”, деб. Сен ҳам вақтида бирор маржага уйланганингда юрардинг кузур бўлиб, камида туман, эмасам, вилоят миқёсидаги раҳбарликка тайинланардинг, манови ташвишлар ҳам тушмасди бошингга, – деди Сухроб. – Айтишларича, “пахта ишлари” бўйича қамалганлар орасида хотини «маданиятли» бўлса, дарҳол чиқарворишаркан.

– Ол-а, жуда-а оборасан-а, – деди Нурқобил ва беихтиёр болаликдаги беғубор онлари, рус тили ўқитувчисига бўлган ғўра “муҳаббати” хотирасида жонланди. Бироқ бу ҳақда гапиришни истамади.

– Сухроббойнинг гапида жон бор, – мийиғида табассум қилиб яна муноқашага аралашди довдир. – “Султон суягини хўрламас”, деган мақол ҳам асли ўрислардан келган экан. Партияга кирган ва бунинг устига ўрис хотинга эр бўлган йигитлардан бирортаси хор бўлганини билмайман. Ҳа, дарвоқе, эшитдим, агар... СССР тарқаб кетса, музофотлардаги ғайри мил-



лат куёвларнинг барчасини оиласи билан кўчириб кетиб, Москва атрофидан жой беришаркан.

– Э-э, қўйсангиз-чи, Ҳаким ака, топган гапларингизни қаранг. Муболаға ҳам эви билан-да!

– Аския эмас, – деди бирдан жиддий тортиб доводир. – Тарихни биладиган киши бунга асло ажабланмайди. Барча замонларда босқинчиларнинг қизларига уйланган йигитлар алоҳида имтиёзлардан фойдаланишган. Уларни араблару форслар “эшон”, яъни “бизга эш бўлган, яъни қўшилганлар”, деб аташган, мўғуллар “кўрагон”, унвони билан сийлашган. Ўрис подшоҳлари аслзодаларига князлик, оддийроқларига боярлик насабини тухфа этишган. Билсаларинг керак, Амир Темур бобомизнинг ҳам “кўрагон, яъни мўғул хонларининг куёви”, деган унвони бўлган. Албатта, эшону кўрагонларнинг ҳаммаси ҳам келгиндилар ишончини оқламаган. Масалан, соҳибқирон Амир Темур мўғулларни ҳайдаб, мулки Туркистонда буюк салтанат тиклаган...

Икки дўст оддий чўпоннинг бу қадар теран билимию юксак фасоҳатига тан бериб, жим қолишди.

– Ўзи... Сиз таниқли академик ёки катта раҳбар бўлишингиз керак эди, Ҳаким ака, – деди бир неча сони-ялик сукутдан сўнг Суҳроб. – Ҳайрон қоламан: нима қилиб юрибсиз тоғу-тошлар орасида қўй боқиб.

– “Ҳамма олим бўлиб кетса, подани ким боқади”, дер эди қишлоғимизнинг кайвониларидан бири, – кулди доводир. – Ўша кишининг маслаҳатига амал қилганмиз-да ука. Тарихни билиш, жамият ҳақида фикр юритиш учун академик бўлиш шартмас, бунга ҳар қандай чўпону деҳқоннинг ҳам ҳақи бор...

Тошбўри кириб суҳбатга чек қўйди:

– Ҳаким ака, сизни чарчатмайлик, Нурқобил ака ҳам ҳали тўла оёққа туриб кетгани йўқ, маъқул, десалар беш-олти кун ётқизиб даволаш керак.

Суҳроб вилоят марказига кетадиган бўлди. Нурқобил уни кузатиб ҳовлига чиқди. Қайтиб кираётганида Ойсифатга тўқнаш келди. У эшик ёнида турган экан. Қиз салом берди ва негадир алланечук бошқача қизариб ерга қаради. Нурқобилнинг юраги шувиллаб кетди. Нега ундай қилди? – деб ўйлади. Даштнинг қизлари яхши кўрган йигитини кўрганда шундай қизаради. Бу қиз... Тошбўрига салкам унаштирилган-ку. Нега...

Беихтиёр марҳум рафиқасини эслади. Уч йил олдин худди мана шу ерда жон таслим қилган эди.

“Гулруҳ, Гулруҳ... Сени асраб қололмадим. Бевақт сўлган Гулим”. Нурқобил хотинини бошда суймай олган эса-да, унга тезда ўрганиб, йўқ-йўқ, чинакамига яхши кўриб қолганини Гулруҳдан жудо бўлгандан кейин тушунди. Ҳа, уни жон дили билан яхши кўриб қолганди. Лекин унга буни бирор марта ҳам айтмаган. Ана шунисига армон қилади. Гулруҳ Маъсума ҳақида билар, “ундан ҳеч кўнгил узолмадингиз-а” дея беозоргина ўпкалаб қўяр, Нурқобил эса: “кўйсанг-чи, у бировнинг хасми бўлса, нимага кўнгил узолмас эканман”, дея қўл силтар, бироқ гапининг қатъийлигига Гулруҳни астойдил ишонтиришга ҳаракат қилмасди. Вақти келса, ётиғи билан айтарман, тушунтирарман, деб қўярди. Иш деди, ташвиш деди, қурилиш деди. Ҳолбуки, ўзи ҳақида, хотини, болалари ҳақида ҳам мундайроқ, чуқурроқ ўйлаб кўрса бўларди...

Палатага қайтиб кирди. Тошбўри келиб текширди.

– Яна камида ўн беш кун ётасиз, – деди.

– Қўйишармикан ётгани, – деди Нурқобил.

– Энди... ҳеч қаёққа юбормайман. Касалсиз, ўзингизга келишингиз учун узлуксиз муолажа қилишимиз керак, – деди Тошбўри. – Энди дам олинг. Ҳали уколни бошлашади.

Нурқобил бир ухлаб турганда амма келиб бошида ўтирган экан. Дийдаси қаттиқ-да, йиғламади у. Фақат:

- Шукр, омон қайтибсан, деди. Овқатга ундади. Нурқобил аммаси жон киритворадиган шавладан тотинган бўлиб, бир косасини ўратди ва довдирнинг хонасига ўтди. Унинг ёнида Ойсифат билан Тошбўри ўтирар, Ҳаким оғанинг кайфияти яхши, ниманидир уларга завқ билан сўзларди. У Нурқобилнинг чехраси очиқлигини кўриб, “ўтир”, ишорасини қилди ва ҳикоясини яна бошидан бошлади. Келинг, тингловчилар қаватига биз ҳам қўшилайли-да, бу ҳикоя нега айнан шу топда сўзланаётганининг сабабини охирида айтайлик. Майлими?

## 11.

Алқисса...

Ойсифат йиғлаб келди. “Ота, мени қишлоғимизга юборишмаяпти. Шаҳарда қолиб, чет эллик меҳмонларга таржимонлик қиласан дейишаяпти”.

Орқам тутди! Шу куниёқ шаҳарга отландим. Йўл-йўлакай ўйладим. Бу масалани ким ҳал қилиши мумкин? Албатта, ректор! Ректор ким? Тўхтабоевнинг холаваччаси, Ўташевга ошна. Сувлига икки-уч марта келган. Довдирни сал-пал танийди. Аввал до-рилфунунда домла эди, кейин янги очилган чет тиллар институтига Тўхтабоев шарофати ила ректор бўлиб кетди.

Тонгда институтга келдим. Дарвоза ёнидаги манзарани кўриб, аввалига ҳайрон бўлдим. Мендан олдинроқ келиб, ошнамни кутаётганлар бирам кўп, бирам кўп-ей! Уларнинг батартиб, саф-саф бўлиб туришини айтинг. Яна ҳаммаси басавлат, салобатидан одам ҳайиқадиган кишилар: бошларида соябон қал-

поқ, бўйинларида бўйинбоғ, пойабзалларида аксинг кўринади – қараб бемалол соқол олиш мумкин. Ҳам-маларининг де, кўллари кўкракда, э, тавозе илтифотларининг садақаси кетай, жилмайиб хушмуомала бўлиб туришларини айтмайсанми?

Ақлим шошди. Шунча одамнинг бари ошнамнинг қошига кирмоққа мунтазирми – унда менга қачон навбат етади? Ё бирон юқорироқ жойдан меҳмон кутишяптимики?

Сафга кўшилмай чеккароқда нимагадир ўйланиб турган одамга сўз қотдим. “Ҳой, ука, кечирасиз, буларнинг ҳаммаси ўртоқ бошлиқнинг қабулларига кирмоқчимиз ё бирон текширувчини кутишяптими?” У одам юзимга хушламайгина назар ташлади. “Сизники қаердан, амак. Мабодо Кўйтошдан ёки Қорабулоқдан эмасмисиз?” “Йўқ, йўқ, биз Чашмизирақдан!” “Шунақами, чорвадормисиз, қанақа иш билан келдингиз? Ҳа, ўзларига кирмоқчимисиз? Яхши-яхши! Ким? Ўташевдан салом? Ҳа-а-а, унақа бўлса кирасиз. Бу турганлардан хавотир олманг, булар ҳозир тарқалиб кетишади ишчи асалариларга ўхшаб. Булар кундалик кутиб олиш маросимида қатнашишяпти, холос”.

Ҳайратим ошди. Одатдаги кутиб олиш маросими, дегани нимаси экан? “Ҳой, ука, мен унча тушунмадим. Қанақа кутиб олиш маросими?” “Э-э-э, чўпон амак, ҳаётдан орқада қолиб кетибсиз-ку дала-даштда юравериб. Ҳозир маданий одамлар ҳаётимизга бир қатор янгича маросимлар ва урф-одатларни жорий этмоқдалар. Чунончи, мана сиз кўриб турган кишилар институтимизнинг профессор-ўқитувчилари, деканлари, кафедра мудирлари ва бошқа казо-казолари лавозимига, бўйининг узун-қисқалигига қараб батартиб саф тортишган. Улар муҳтарам ректори-

мизнинг ҳар кунги ташрифларига мунтазир бўлиб тонгдан ғоз қотиб турмоққа ўрганганлар!”

Вожаб! Ана ҳурмат-иззат, ана меҳру-оқибат, мулла Ҳаким, дедим ўзимга ўзим. Сен бўлсанг одамларда андиша қолмади, меҳр- оқибат анқонинг уруғи бўп кетди, деб юрибсан-а!

“Ҳой, ука, булар ёзнинг иссиғидаям тураверишадими, шунақа ғоз қотиб?” “Албатта!” “Қаҳратон қишда, совуқ изғириндаям тураверасизларми?” “Бўлмасамчи, қани турмай кўрайлик-чи!” “Вожаб, ҳалиги латифадаги ДАН инспекторидан ҳам зўр экансизлар-э! Униям яхши қалин жунли пўстини бор. Лекин сизлар... роса чиниқибсизлар. Қанийди, ҳамма жойда сизларга ўхшаб турадиганлар кўп бўлса, Ўзбекистоннинг аҳолиси беш йилда эллик миллионга чиқиб кетарди-я!” “Ўббо, бобойи тушмагур-эй, латифаниям биладиларми? Ўпкангизни босинг, комедияни трагедияга айлантириб қўйишади бу ерда. Жим туринг. Мениям бошимни балога қўйманг!”

Укаси тушмагурам бизга ўхшаган адабиётчи экан чоғи, комедия-трагедия дейди. Ҳар ҳолда қочириқни тушунаркан. Ичидан зил кетди.

Алқисса, бир маҳал шовур-шувур бўлиб қолди. Кутиб олувчиларнинг сафлари таранглашди.

“Волга” оққуш мисоли сузиб келди-ю, дарвоза ёнида секинлади. Сафнинг олдинги қисмида турган икки навқирон отилиб чиқиб, машина эшигини очдилар. Ошнамнинг олдин оёғи, тўғрироғи, чиннидай ялтировчи амиркон пойабзали кўринди. Кейин тиззаси, кейин қорни, кўкраги ва ниҳоят, шляпаси чиқди. Э, боши қаёқда қолди унинг. Ҳа-а, шляпанинг остида экан. Тумшуқ кўтарилиб, шляпа бостирилганиданми, кўрмай қолибман.

Ошнам сафларга виқорли назар ташлаб чиқди. Бирдан нигоҳи менга қадалди. Икки ёнида пилдираб кетаётган бояги икки эшик очарлардан бирига нимадир деди. У эса мен томонга илдам юриб келди. “Ака, сиз ким, қаердан келдингиз, нима ишингиз бор? Каллаи саҳарлаб нима қилиб юрибсиз бу ерда?” Мақсадимни айтдим: “Бошлиққа учрамоқчиман, холаваччам Ўташевдан салом топширишим керак”.

Йигитча, э, қайси гўрда йигитча, мендан камида беш ёш катта, зувиллаганича орқасига қайтди. Бу чоғ бошлиқ метин сафларни кўздан кечириб, шошмай ўтиб борарди. Йигитча менинг ҳақимдаги шошилинч маълумотларни етказгач, унинг юзига майин табассум югурди. Омон бўлгур Ўташев, зап зўр одамда. Номини эшитган одам албатта жилмаяди-я!

Хулласи калом, мени бошлиқ ҳузурига таклиф этдилар. Бу орада сафлар шивир-шивир қилишиб, тарқала бошлашди. Мен қабулхонага кириб, чўғдай гиламни босишга уялиб, бир қошиқ сув ила ютгудек котиба қизнинг ўткир нигоҳидан ўзимни қўйғали жой тополмай, бир зум чеккагинада қисиниб-қимтиниб ўтирдим.

– Кириг! – деди бир маҳал найнинг куйидай майин овоз билан котиба.

Кирдим. Бизнинг қўранинг ярмисича келадиган хона. Сон-саноқсиз курсилар, китоб жавонлари, ойнаи жаҳон, яна алланима балолар, ерда ярақлаган гилам. Шипда улкан қандил. Деворларга, деразалар четига ганч билан гул солинган. Эшикни айтай, эшикни, ўйма нақшларига оғзим очилди.

– Хў-ў-ў-ш! Эшитаман!

У мени қулоғи оғир бир чол деб ўйлади, шекилли, бақириб гапирарди. Ё ўзи шунақа дўқ уриб гапириш-

га ўрганиб қолганмикан? Каловланиб қолдим. Тилим айланмайди.

– Ўртоқ Ўташев... Салом... айтди. Менинг... Қизим шу йил битирган. Ўшани қишлоғимизга юборсангиз деб...

– Ҳозир қаерга юборибмиз?

– Ҳалиги... чет эллик саёҳатчиларга таржимон экан. Кейин... шу ердан озроқ дарс беришибди...

– Исми шарифи қанақа дедингиз? – Шу пайт хонага бояги эшик очар йигит кириб келди.

– Ҳакимова Ойсифат?

Эшик очар йигит шивирлаб нимадир деди.

– Э-э, Ҳакимова! Бунақа демайсизми? Ахир, у бизнинг энг аълочи қизларимиздан-ку. Биз уни олима қилмоқчимиз. Мен ўзим раҳбар бўлмоқчиман! Қолаверса, таржимонлик ҳам қилади. Чет элларга боради. Париж! Рим! Ўйлаб кўринг, бобой, ўйлаб кўринг!

Шунда мен дафъатан “Чиндан ҳам нега Ойсифат институтда қолиб ишлашни истамади экан, олима бўлиш яхши-ку” деб ўйладим. Бир зум хаёлга толдим. Шу орада эшик очар йигитнинг узук-юлуқ гаплари қулоғимга кирди: “Профессор Холбоев бошлиқ бузғунчилар бугун ҳам эрталабки саломда қатнашмадилар... Ўтган куни у маърузасида “Яқин орада бундай шармандали бемазагарчиликларга чек қўйилади” деган. Эрталабки салом қатнашчиларини шўрлик “роботлар” деб атаган...”

Бошлиқнинг авзойи бузилиб кетди. Бирдан жазавага тушиб, бақириб юборди.

– Роботлар? Жуда соз! Унинг ўзини ҳадемай энг юввош, энг ахлоқ роботга айлантирамиз. Кейин темир-терсакка топширамиз.

Кейин менга ўгирилди. Мен шунда, эҳтимол, бечора қизим ҳам худди шу нарсадан – “темир-терсакка топшириб юборилишидан” кўрққанлигини тушун-

дим. Жон ҳолатда ялинишга ўтдим. Тилим бийрон бўлиб кетди.

– Жон ака! Ўташевнинг яқин қариндоши бўламан. Илтимосимизни ерда қолдирманг. Ёлғиз қизим, ёлғиз фарзандим кўз олдимда бўлсин. Бир умр жонингизга дуо қиламиз. Илойим сизга қасд қилганлар жинни бўлиб, жиннихонага тушсин. Бизни даштларга қараб улоқиб кетсин, Мажнунга ўхшаб.

Гапим ёқди шекилли, илжайди.

– Худди шундай бўлади. Албатта жинни бўлади. Бўлмаса бўлдирамиз. Яшанг! Каллангиз ишлар экан чўпон бўлсангиз ҳам! Боринг, илтимосингиз бажарилади. Қизингиз озод. Олиб кетаверинг. Ўташевга салом айтинг.

Муҳташам хонадан қушдай учиб чиқдим. Ҳалиги профессор Холбоев бошлиқ бузғунчилар шаънига қилган дуои баъдим таъсир этмаслигига қувондим. Чунки мен фирқа аъзосиман-ку. Жуда, таъсир қилиб жинни бўлишиб, Чашмизиракка тентираб боришсаям қўрқинчли жойи йўқ. Тоғ ҳавоси, биянинг сути ҳар қандай жиннини тузатиб юборади...

Ҳаким чўпон ҳикоясини тугаллади ва Нурқобилга қараб:

– Қиссадан ҳисса шуки, Ойсифатхонимизни ўша институтнинг фаранг тили кафедрасига ишга таклиф этишаётир, кеча яна хат юборишибди. Ҳозир шароит бошқача эмиш. Ўташевнинг ошнаси ишдан олиниб, бошқа киши ректор бўлибди. Таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчиликка чек қўйилиб, чинакам билимли ёшлар ишга таклиф этилаётганмиш. Мен ўйлаб-ўйлаб, юборсамми, деб турибман, ахир илмий иш қилса, диссертация ёқласа, чўпонларнинг қизларидан ҳам доцент, профессор чиқса”, дейман-да! Ўзига



қолса, йўқ. Ҳайронман, бу гадейтопмас қишлоқнинг унга нимаси ёқади?

– Албатта бориш керак, – деди Тошбўри негадир икки юзи қизариб. – Илмий иш қилганга нима етсин. Мен ҳам... яна беш-олти ой ишлаб, тиббиёт институтига қайтаман. Лекин, Ҳаким амак, менимча қизингизнинг шаҳарга боргиси йўқ..

Довдир Нурқобилга қаради. У индамади. Тўғриси, нима дейишни билмади. Ойсифат эса ерга қаради.

– Сизни бу аҳволда ташлаб қайга кетаман, ота?

– Мени бало урармиди, қизим, эртангни ўйласанг-чи! Кет, деганда кетмасанг, янаги йил узатаман-юбораман, уйда кўмилиб қоласан.

– Шу ерда ишлаб ҳам қилса бўлмайдимми ўша илмий ишни, – деди Нурқобил ва дарҳол маънисиз гапирдим, деб ўйлаб, тилини тишлаб қолди. Ойсифат унга мамнун қаради. Тошбўрининг энсаси қотди. Довдир кулди:

– Бу ерда кимга кераги бор илмий увоннинг, мактаб директорлигини эса шусиз ҳам олиб беради ховлаваччамиз Шокувват Ўташев. Дарвоқе, Нурқобил, ул зоти бобаракотимиз тинчми? Анови ишларнинг шамоли тегмадимми?

– Дунёни сув босса, ўрдакка не ғам. Аксинча, у киши ҳозир вилоят миқёсидаги катта лавозимлардан бирини эгаллаши кутилмоқда.

– Э, ҳа-а, шунақами? Қаранг-а! Ҳар ҳолда, қизим, ўзинг яхшилаб танангга ўйлаб кейин жавоб қайтар. Орадан йиллар ўтгач, пушаймон қилиб юрмагин. Хўпми?

– Хўп. Эмасам, мен борай.

– Борақол қизим.

Ойсифат чиқиб кетди. Ортидан отаси кулимсираган кўйи, Тошбўри маъюс, Нурқобил ўйчан қараб қолдилар.

Ойсифат... Эҳ, Ойсифат...

У қалбида мубҳам бир сирни яшириб яшайди. Бу сирни ҳеч кимга айтолмайди. Ҳеч қачон айтолмайди шўрлик қиз. Иложини топса ўзидан ҳам яширса. Бу сирни ўзи, ёлғиз ўзи билганидан, ногаҳонда, баҳор кунларининг бирида тўсатдан билиб қолганидан ерга киргудек ҳижолат чекади, ўртанади.

Ҳали мактабдалик пайтида, баҳор чоғларида яйловда эндигина барра бўлган ёвшаннинг ўткир ҳиди, яшил кенгликларнинг бепоёнлиги, қорли чўққиларнинг ўктамлиги қизалоқ қалбида, жисмида ажиб бир орзиқиш уйғотар, қайларгадир, узоқ-узоқларга кетгиси, турналарга қўшилиб чарх уриб учгиси, тўрғайларга жўр бўлиб мунис куйлаб юборгиси келарди. Ниманидир излар, кимнидир қўмсар, кимгадир талпинар, аммо у ким бўлажагини, ҳузурига қачон келажagini билмас, унинг қиёфасини тушларида кўрар, китобларда ўқиган, кўрган аллакимларга ўхшатар, кўнгли тўлмас, унинг ҳар жиҳатдан мукамал, ҳар жиҳатдан баркамол, танҳо бўлишини истар, шундай бўлажaгига ишонар ва умид қилиб, ширин-ширин хаёллар суриб яшарди...

Талабалик йилларини талабгор йигитларнинг нуқсонлари, номукамалликларини санаш билан ўтказди. Яна бир ташвиш – янглишиш, хатога йўл қўйиш, алданиш хавфи мудом унга тинчлик бермас, у ҳар бир танишидан, ҳар бир йигитдан хавфсирар, ўзини қайларгадир яширгиси, назарлардан четда юргиси келарди. Институтда ишга қолишга кўнмаганининг сабабларидан бири ҳам эҳтимол шу эди. Кўзга яқин эди Ойсифат: бир қошиқ сув билан ютгудек, исми жисмига монанд, тиниқ ва покиза эди чўпоннинг қизи.

Кутилмаганда... кутилмаганда у ҳаётига, тақдирига аллақачонлар кириб келганини, ёнгинасида юрганини сезиб қолди. Ишонгиси келмади. Тан олгиси келмади. Бу одам – шубҳасиз, яхши киши, жуда ҳам яхши киши. Лекин у кутган одам эмас. Бу – рўё. Бу – сароб. Бу – алдамчи бир туш. Ишонмайди. Ҳеч қачон ишонмайди.

Тунлар тўлғанишда, кунлар ўртанишда ўтар ва бу дард жисмига тобора теран кириб борарди. Энг ёмони – буни бировга, ҳатто энг яқин сирдош кишисига ҳам айтишининг сира-сира иложи йўқ эди. Уят, андиша, шарм асло йўл бермасди бунга.

Киши билмас аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкарди у. Нега тақдир бунчалик шафқатсиз. Нега у одамнинг устидан бу қадар аччиқ кулади? Нега бунчалар телба инсон қалби? Нега бунчалар девонаваш? Нега у мавжуд қолипларга, асрлар бўйи шаклланган урфларга бўйсунитишни истамайди? Нега бошқача бўлишни, белгилаб қўйилган тўсиқларни йўлидан суриб ташлашни истади? Қушдек эркин бўлишга интилади?

Тошбўри, унинг самимий, биров жўн, биров беўхшов, биров ўнғайсиз муҳаббати. Ойсифатга қоронғу тун қўйнида адашган йўловчи пешанаси узра ногаҳон порлаган тонг юлдузидек умидбахш туюлди. У дафъатан бу юлдуз уни вақтинча, янглиш тушиб қолган зулмат қаъридан омон етаклаб чиқади, саодатли тонг кучоғига элтади деб ўйлади. Шундай бўлишини истади. Унга қўл узатди, унга эргашди, унга талпинди. Аммо, не афсуски, қанча интилмасин, қанча талпинмасин кўкси ёришмади, қалбида тонг отмади. Чўпон қизининг ўжар қалби яқингинада, тоғлар ортига келиб порлай-порлай деб турган чинакам топинмишини – толеини кулдирувчи Қуёшини кутарди. Бу қуёш эса нечоғлик яқин бўлмасин, азим бир

тоғ ортида эди. Шу боис унинг нури шўрлик қиз қалбига етиб келмасди.

Тошбўри ҳам буни яқингинада сизди. Аввал сезиб сезмасликка олиб юрарди. У ишонмасди. Қизнинг ўзига айтишга, ўзидан сўрашга журъат, жасорат топмасди. Янглиш, хато деб ўйларди. Ойсифат ўткинчи ҳислардан халос бўлиб чинакам барқарор туйғу, ҳақиқий муҳаббат хузурига қайтади, деб умид қиларди. Чунки у Ойсифатнинг кўзларида ўзига нисбатан тиниқ бир меҳр шуълаланаётганини кўрар, бу шуъла оловланажагига умид қиларди.

Улар бир-бирларига талпиниб, талпингани сари узоқлашиб кетаётган бир жуфт юлдузга ўхшашарди. Само қонуниятлари уларнинг хоҳиш-иродаларидан устун келмоқда эди гўё. Бироқ юлдузлар ҳам, сайёралар ҳам учрашишармиш, бир-бирларининг васлига етишармиш. Кошки шундай бўлса!

– Ойсифат, сиз бошқа одамни севасиз...

Тошбўри бир кун барибир айтади бу гапни, кўнглидаги дардини барибир ёради.

– Туш кўрибсиз, – дейди Ойсифат бўйнига олмай. Лекин унинг кўзларида “Вожаб, қандай билди, қандай сизди?” деган қўрқув аралаш ҳайрат чақнаб туради. – Мен... ҳеч кимни яхши кўрмаганман, яхши кўролмасам керак. Бахтсизлик – бу...

– Ёлғон. Ёлғон гапираяпсиз. Шу.. яқингинадаги бир одамни севасиз. Кимлигини айтмайми? – дейди Тошбўри. Унинг кўзларида ҳам алланечук қўрқув, таҳлика, умиди сўнаётган одамнинг талвасаси акс этарди.

– Айтманг, – дейди Ойсифат жон ҳолатда. – Ҳеч қачон, ҳеч кимга айтманг. Бу – сароб. Бунга ишонмайман. Сиз ҳам ишонманг.

Тошбўрининг кўксидаги кўркув, таҳлика, таскин заиф умид билан қоришиб кетади. Тоғларга, яйловларга, чўлларга қараб шиддат ва алам билан югургиси, то йиқилиб ўзини билмай қолгунча югургиси келади.

Ҳозир ҳам у қизнинг ортидан югуриб чиққиси, қувиб етгиси ва ҳамма гапни юзига очиқ айтиб, сўнгги бор уни тўғри йўлга бошқармоқчи бўлди.

“Ойсифат, сиз янглишяпсиз, сиз интилаётган, сиз пинҳона кўнгил қўйган одам, гарчи яхши инсон, лекин сизнинг тенгингиз эмас, сиз институтдан келган таклифни қабул қилинг, бетўхтов шаҳарга кетинг, мен ортингиздан бораман, иккимиз ҳам илмий иш қиламиз, мен сизни шоширмайман, қанча кутиш зарур бўлса кутаман, ҳоҳласангиз тўйни иккимиз ҳам диссертациямизни ҳимоя қилиб олгач қиламиз ва ҳоказо...” демоқчи бўлди. Бироқ худди елкасига тош бостириб қўйилгандек ўрнидан кўзғалолмади.

Нурқобил эса бу пайт худди мисдан ясалган ҳайкал сингари қотиб, айна пайтда вужуди қизиб, боши карахт бўлиб ўтирар, ҳеч нарсага тушунмас, аниқроғи нималарнидир тушунгандек бўлар-у, ишонгиси келмасди.

- Юрагимни бир эшитиб, қон босимимни ўлчаб кўринг-чи, сал бошим айлангандай бўляпти, – деди у Тошбўрининг елкасига қўлини қўйиб.

- Юз элликка чиқибди, бирозмуолажа қилмасак бўлмайди, – деди Тошбўри уни хонасига олиб кириб босимини ўлчаб кўргач ва сўради: реанимация хонасига ётқизайми, ҳеч ким безовта қилмайди. Бир-икки кун дам олиб, ўзингизга келасиз.

- Реанимация эмас, Ҳаким аканинг олдида ётаман, гангир-гунгир қилиб, – деди Нурқобил..

Орадан бир неча кун ўтди. Нурқобилга хабар келди: эртага эрта билан туман марказига етиб бориши шарт. Унинг масаласи кўрилади!

– Бу қандай бедодлик, бемор одамни намунча судрашади, қанақа мамлакатда, қанақа жамиятда яшаймиз ўзи! – деди ҳайқириб телефон орқали Тошбўри умрида биринчи марта тоғайи бузруквори Ўташевга тўғридан-тўғри сим қоқиб. Ўташев босиқлик билан ундан босиқ бўлишни сўради.

– Бу... партиянинг топшириғи чироғим, сизу биз эса киммиз, унинг интизомли оддий аскарларимиз холос. Анавинақа гапларни ҳар ерда сайрайверсангиз, сизнинг ҳам, сизга қўшиб менинг ҳам танобимизни тортиб қўйишади.

Тошбўрининг нафаси ичига тушди. Нурқобил эса касалхонадан тўғри туман марказига жўнаб кетди.

– Кўнглим сезиб турибди, ҳаммаси яхшилик билан тугайди. унга енгил ҳайфсан бериб, ишига қайтаришади. Йўл қўйган жузъий нуқсонларингизни ўзингиз тузатинг, дейишади, – деди ортидан Ҳаким довдир.

– Айтганингиз келсин, – деди Тошбўри.

### 13.

Маъсума кўзгу қаршисида ўтирарди. Кеча Италия сафаридан муддатидан олдин қайтиб келди. Бу галги саёҳат ҳам, истироҳат ҳам унга мутлақо татимади. Борган кунидан бошлаб, егани ичига тушмади. “У ёқда бир... азиз кишимнинг тақдири хавф остида турган бўлса-ю, мен бу ерда денгизга чўмилиб, орқамни офтобга тоблаб ётсам, шуми одамгарчилик”, деди. Икки кун зўрға чидаб, учинчи кун ортга жўнади. “Денгиз сувида аллергиям кўзғади”, деган баҳонани дилига тугди. Барибир эри гап нимадалигини тушунади. Тушунганда нима. Энди барибир у одам билан

яшамайди. Нурқобил қабул қилмаса, ёлғиз ўтади. Мана бу тўқлик ва шўхлик замиридаги ҳаром-харишлик, чиркинлик ва бадбўй муҳитга ортиқ чидолмайди. Ич-ичидан емирилиб бораётгандек ҳис этмоқда ўзини. Мана, ойнада ҳам кўриниб турибди.

Ҳали қирққа ҳам бормаган жувон сочидаги оқ толалар кундан-кун кўпаймоқда. Пешанасидаги чизиқ ҳам шу кунларда пайдо бўлди. Кўзларининг остида ажинлар...

Нега у қийналади, нега изтироб чекади. Ахир шундай қисматни, шоҳона ҳаёт, роҳат-фароғатни ўзи истамаганмиди? Ўзи танламаганмиди “қудратли Ўташев”ни? Нурқобил ўша пайтлар ўзини эплай олмайдиган, эгни кийимга, қорни овқатга ялчимайдиган ёш бола бўлиб кўринмаганмиди кўзига. Тўғри, Нурқобилнинг тиришқоқ, иродали йигит экани, келгусида яхшигина мавқени эгаллаши мумкинлиги сезилиб турарди. Аммо Маъсума “келгусини” кутишни хоҳламасди. У фаровон ва тўқис турмушга ҳозирроқ, шу бугуноқ эришишни хоҳларди. Ўша пайтлар отаси тўсатдан ўлиб қолди-ю, рўзғорлари ҳам тортилди. Ишламасдан эрининг мўмайгина даромадига суяниб қолган онаси ўзини кўярга жой тополмасди. Маъсума – тўнғич қиз. Ундан кейин яна уч қиз. Нима қилиш керак? Ўша лаҳзада Маъсуманинг юрагига на севги, на бошқа ҳис сиғди. Яширишдан нима наф, у кечаю кундуз тўқисроқ, тўқроқ оилага келин бўлишни ўйларди. Аввалига бир омади чопди – факультетларининг декани Розиков аёл домлалардан бири орқали уни ўғлига сўратибди. Маъсума кўзини чирт юмди: “Майли, бир учрашай”. Деканнинг ўғлини кўрдию, кўнгли айниб кетди. Бу бўйи паст, қорни мешдай, кўзларигача ёғ босиб кетган мавжудотнинг яқинига бориб бўлмасди: тер ва мой ҳиди димоқни ёриб

юборарди. Маъсума аёл домлага айтди: “Домла, кечирасизку-я, унингиз жудаям хунук-ку”. Аёл домла тилининг расволиги билан “обрў қозонган” эди, айтди: “Эй, қизим, хуснини нима қиласан, қоронғида хуснинг нима кераги бор?” Маъсума индамай бурилиб кетди. Четроққа чиқиб, алам билан ерга туфлади. Эзилди. Ўша кунларда йўлида Ўташев пайдо бўлди. Бу одамнинг биргина камчилиги – Маъсумадан ўн беш-ўн олти ёш катталигини ҳисобга олмаганда ҳар жиҳатдан мукамал эди. Бунинг устига собиқ хотини шундай одамнинг қадрига етмабди – хиёнат қилибди. Маъсума бошда “таъма” деб ўйлаган туйғу ёнига ачиниш ва бир ғариб одамнинг кулбасини ёритиш истаги кўшилди. Энди унга ҳеч нарса тўсқинлик қилолмасди. Энг муҳими, Ўташев қаровчисиз қолган оилаларига соябон бўлишни истаяпти. Бу онасигаям маъқул келади.

Тўй Маъсумаларнинг ҳовлисида кичкинагина, лекин тўкин-сочин бўлиб ўтди. Унда яқиндагина вилоят миқёсида раҳбарлик лавозимига кўтарилган Тўхтабоевнинг ўзи ҳам қатнашди. Қатнашди-ю, Маъсумадан кўз узмади сира. Маъсума олдин уялди, ўнғайсизланди, кейин аччиқланди, сўнгра ижирғанди, уятсиз, яна Ўташевга қирқ йиллик биродар эмиш бу одам. Ғаркўз.

Тўйдан сўнг икки ойлар ўтгач, яна бир воқеа бўлди-ю, Маъсуманинг юраги шувиллаб кетди. Кимларнинг чангалига тушганини илк бор сезгандек бўлди. Сўнгги имтиҳонни топшириб қайтганди ўшанда. Ҳовлига кирса Ўташев чорпояда ёнбошлаб ётибди. Маъсуманинг онаси унга чой қуйиб узатмоқда, худди бир маҳаллар отасига узатгандек. Ўташев ҳам қайнонасининг ҳали қартаймаган вужудига, бўлиқ оёқларига ютоқиб тикилиб ётар, тамшаниб қўярди.



Маъсума бошда Ўташев билан районга кетишни хоҳламаган, “Тўхтабоевга айтинг, сизга ҳам шу ердан бирон иш берар, шаҳарда яшайлик” деб юрганди. Бу манзарани кўрди-ю, шаҳарга ҳам, ўз ҳовлисига ҳам сиғмай қолди.

– Майли, бораман!

Ўташев қувониб кетди.

– Гап деган бундай бўпти-да! Яшанг! Сиз ҳам бир халқ орасида яшанг, ишланг. Ўсишингизга фойдаси катта бунинг!

Чашмизракка келиб Нурқобилга рўбарў бўлган илк пайтларида ҳали Ўташевга хиёнат қилиш хаёлида ҳам йўқ эди. Нурқобил уйланган, икки боласи бор экан. Ўзи ҳам Маъсумага деярли эътибор бермасди. Эътибор бермасди-ю, лекин кўзи бехосдан кўзига тушса, нимадир “йилт” этиб турарди. “Ёшликда берган кўнгил, айрилмас бало бўлур”. Маъсуманинг нигоҳида ҳам Нурқобил энди тунов кунги ёш бола эмас, куч-ғайратга тўлган, салобатли эркак эди. Маъсума юрагининг тубида нимадир қалқиб-қалқиб қўяётганини сезар, лекин хаёлга эрк бермасди. Аммо бир воқеа бўлди-ю, фикр-хаёли Нурқобилдан айрилмай қолди...

Якшанба куни эди. Аввал Ўташевнинг шофёри бозор қилиб, бир дунё нарса кўтариб келди.

– Нозик меҳмон келаркан, – деди у. – Ўз кўлингиз билан кулчатой қилармишсиз.

Маъсума кулчатой қилишни билмасди. Сафия холага хамир қоришни буюриб, ўзи қозонга гўшт солиб шўрвасини осди.

Қоронғи тушганда Ўташев билан... Тўхтабоев кириб келишди. Шахсан Тўхтабоевнинг ўзи!

Даврада Ўташев, Тўхтабоев ва эрининг қистови билан тортинибгина ўтирган Маъсумадан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

– Шофёрингизга ҳам жавоб бериб юбордим. Саҳарда келади. Бир ёзилишиб ўтирайлик, – деди Ўташев ялтоқланиб.

– Э, чакки қилибсиз-ку, Шоқувватбой! Биз тезроқ кўзғалишимиз керак эди. Ахир давлатнинг иши, биласиз...

– Давлатнинг иши адо бўлармиди, мундай бир яйрайлик-да бизам. Иш-иш деб ўлиб кетдик-ку!

Дастурхон тўкин эди. Шаробу мусалласларнинг энг сара хилидан муҳайё этилганди. Тўхтабоев қўярда-қўймай Маъсумага ҳам икки- уч марта олдирди. Маъсума сархуш бўлди. У гапга аралашмас, Тўхтабоевнинг ўқтин-ўқтин ер остидан еб қўйгудек бўлиб тикилишидан саросимага тушарди.

Ярим оқшомда Ўташев “Ўз қўлим билан бир кабоб пиширай” деб ташқарига чиқди. Шу пайт Тўхтабоев ўрнидан тура солиб, Маъсуманинг билагидан ушлади. Маъсуманинг ширакайфлиги бир зумда йўқолиб, мияси тез ишлай бошлади.

– Уятни биласизми. Шундай обрўли одам...

– Маъсума, уяти нимаси. Бизлар... коммунистмиз, партиядош ўртоқдан битта бўса олсак камайиб қолмас.

– Ҳозир ошнангиз келиб қолади. Партиядош ўртоқ яна бир сафдошингизнинг хасми эканини унутманг.

– Келмайди. У тартибли йигит. Энди кабоби тайёр бўлмагунча келмайди.

– Келишиб олганмисизлар? Ўзи рози бўлганми?

Тўхтабоев бир лаҳза каловланиб қолди.

– Йўғ-э, нима деяпсиз? Бунақа нарсани келишиб бўларканми? У сезиб қолса, икковимизниям сўяди. Отаси одамхўр бўлган унинг.

– Нега бўлмаса садоқатли гумаштангизнинг юзига оёқ қўйяпсиз? Ё... бизнинг партиядош каттаконлар

ўзидан лавозими пастроқ раҳбарларнинг хотинига кўз олайтириш айб ҳисобланмайдими.

– Маъсума, қўйинг демагогияни, биламан, бу одамни яхши кўрмайсиз. Шунчаки, унинг мартаба ва имкониятларидан фойдаланиб, жамиятда юқори-роқ бир мавқени эгаллаш учун теккансиз. Шундай бўлгач... Келинг, яхшиси, икковимиз... дўст бўлайлик. Қўйинг ўшани. Мен... мен сизни... вилоят, жумҳурият, мамлакат миқёсига кўтараман. Хўп денг! Хоҳлайсизми, район фирқасига мафкура бўйича котибликни?

Маъсуманинг фикрига минг хил ўй келди. Бир хаёл ҳозир шовқин солиб, бу ғарқўз фоҳиш кимсанинг ёқасини вайрон қилиш, Ўташевни ҳам бояги гаплардан воқиф этиш истаги туғилди. Яна бир хаёл... Йўқ, булардан диёнат талаб этиб, насиҳат қилиб, улар билан пачакилашишнинг фойдаси йўқ. Буларни сув ёқасига элтиб, суғормай, масхара қилиб юриш керак.

– Майли, бир ўйлаб кўрай. Ўзим... олдингизга бораман...

– Демак, келишдик-а?

Маъсума индамади. Тўхтабоев сукутни аломати ризо, деб тушунди. Маъсума ундан ижирғанди. Ичида “сенинг ҳимматингдан баҳраманд бўлиб, шармандаликни бўйнимга олиб юргандан кўра ўлганим яхши”, деди. Энди даюс эридан ўч олиш истаги энгиб бўлмас иштиёққа айланди. Бу иши нотўғри эканини ўзи тушунар, бироқ саркаш кўнглини идора этолмай қолган, шу баҳонада қалбидаги кўҳна армонни ўлдириш талвасасига тушганди. Эртасига ниманидир баҳона қилиб Нурқобилнинг олдига кирди. Индинига кўнғироқ қилди. Хуллас, яна бола бечоранинг бошини айлантира бошлади. Кейин дам олиш уйда унинг васлига етишга уринди. Эҳтимол ўшанда Нурқобил унинг домига осонгина илинганда

Маъсума учун бошқа барча бузуқи амалдор эркаклардан фарқи бўлмас ва балки тез орада қизиғини ҳам йўқотган бўлармиди. Лекин Нурқобил уни ўзига яқинлаштирмади. Бошда мойиллик билдирди-ю тезда ўзини қўлга олди. “Имони бутун экан, – деб ўйлади Маъсума. – Орзуимдаги, кўнглимдаги эркак худди шунинг ўзи. Бундай йигитнинг васлига эришиш учун умрингни бағишласанг ҳам арзийди. “Унга қилган ишваю нозлари, ношойиста қилиқлари учун ўзидан жирканиб кетди. Энди мени енгилтак аёл деб ўйлайди, яқинига йўлатмайди, деб куйинди. Яна бир хаёли ўйлади: “мени яқинлаштирмагани ҳам тўғри, “номусу шаънини мана бунақа кимсаларнинг нафсига нишон қилиб, ҳойю ҳаваслар асираси бўлиб яшаб юрган, бепушт, бадбахт аёл бўлсам”, деди. Лекин ба-рибир...

Ўша дақиқадан бошлаб фақат Нурқобилнинг хаёли билан яшайди. Лекин Нурқобилнинг оилавий ҳаётига, ишига аралашмайди, яқинига интилмайди. Бу орада ўрталаридаги амалга ошмаган қисқагина ишқий саргузашт бутун районга тарқалди. Ўташев Нурқобилни йўқотишга жон-жаҳди билан киришди...

Бугун муҳокама экан. Ўташев ўзи айтмоқчи: “Нурқобилни тамоман маҳв этиши мумкин”. Маъсума мана шунда ўзини бош айбдор деб ҳисоблар, эзилар, нима қилишини билмасди.

Кеча бетини қаттиқ қилиб, Нурқобилга кўнғироқ қилди. Уйда экан. “Зерикмаяпсизми?” деган саволига: “Зерикишга вақт йўқ”, деб жавоб қайтарди. Сўнг-ра: “Маъсума, мен вақти келса... ўзим сизни излаб топаман. Ҳозирча, мендан узоқроқ юринг, шунча гап чиққани етар”, деди. Маъсума тушунди ва... умидланди. Майли, у яна ҳам узоқроққа кетади, лекин бир умр тарахҳум ва имдод кутади. Кейин кетар жафосига

бир савоб иш қилайин, деган мақсадда касалхонага бориб, Ҳаким довдирни кўрди. Ҳайратга тушган бемордан обдон ҳол аҳвол сўрагач, “бир илтимосим бор, Ойсифатхонни Тошбўрижонга беринг, улар бир-бирларига муносиб”, деди. “Бугунги ёшларнинг эрки қўлида, бир-бирининг қўнглини топса, менинг қаршилигим йўқ”, деган жавобни олди. Ўша ерда Тошбўри билан узоқ гаплашди, кетишга аҳд этганини, ундан хафа эмаслигини, у ҳам тўғри тушуниши лозимлигини уқтиришга уринди. Шу орада Ойсифат отасининг ёнига келганини билиб, у билан ҳам суҳбатлашди.

– Ойсифат, жон синглим, Тошбўрининг умидини сўндирманг. У... тош ичидан ўсиб чиққан гулга ўхшайди, покиза, виждонли йигит. Унга суянсангиз бахтли бўласиз. У сизни хор қилмайди...

Шундай деди-ю, қилган муқоясасидан ўнғайсизланиб, маъюс жилмайди.

– Яхши маънода айтяпман, ҳаммамиз ҳам яйловнинг нурига тўйинган тупроғида унганмиз-ку. Лекин у бошқача, у янги замоннинг, келажакнинг одами. Йўқ, деманг.

Кейин кўзидан ёш чиқди. У кўз ёшини қизга сездирмасликка ҳаракат қилиб, шоша-пиша хайрлашди...

Тошбўри ҳали ишда. Шу бечорагаям қийин бўлди, икки-уч ўтнинг орасида қоврилади.

Хона ёришди. Деразадан қуёш мўралай бошлади. Ишга бориб хайр-хўш қилиш керак. Кейин... шаҳарга. Йўқ, шошма!..

Сафия хола билан йиғлаб хайрлашди. Кампир индамади. “Қол, бу ишинг нотўғри” ҳам демади. “Кетиб маъқул қилаяпсан” ҳам демади. Қучоқлаб икки бетидан ўпди.

Тоза варақ олиб ариза ёзди. “Мени ўз хоҳишимга кўра ишдан бўшатишингизни сўрайман”. Кейин нар-

саларини йиғиштириб, кичик бир жомадонга солди. Ўташевга бир энлик хат қолдирмоқчи бўлди. Худди кинолардагидек. “Мени изламанг. Энди қайтмайман” Йўқ! Кераги йўқ. Ўзи шуёғиям кинодан баттар бўлди. Энг бемаъни, энг расво кино. Кинога, ўйинчоққа айлантирди ҳаётини...

У автобусга чиқиб, шаҳарга жўнади. Қишлоқ тугаб, автобус катта йўлга чиққанда беихтиёр орқасига қаради. Нурқобилни эслади. Уни ташлаб кетаяпти. Қизиқ гап – “ташлаб кетаяпти”. Нурқобил униками? Нурқобил уни кўкрагидан итарди. Яхши кўриши кўзидан сезилиб турибди-ю, “узоқроқ юринг”, деди. Балким шундай қилгани ҳам тўғридир. Энди илинж йўқ. Хотини ўлгани, иши ўнгидан келмаётгани, хуллас, барча омадсизликлари учун худди Маъсума айбдордек қарайди. Ҳам севади, ҳам... ёмон кўради. Алами бор. Қахр ва меҳр ўртасида саргардон. Лекин Маъсума кутади. Худо унинг кўнглига қачондир шафиқлик солишини умид қилиб яшайди. Майли, бугун у... Нурқобилнинг ёнида туриш, жилла курса “ҳа”, деган туяга мадад қабилида “сиз ҳақсиз, бўшашманг”, дея руҳлантириш ўрнига қочиб кетаяпти. Бир ҳисобга шуниси тузук. Йироқларда бўлса ҳам дуо қилади, омадини сўраб Яратганга илтижо этади. Бу ерда қолиб Ўташевнинг ғолиб башарасини, Нурқобилнинг енгилганини кўрмагани маъқул. Бу фақат Нурқобилнинг мағлубияти эмас, Маъсуманинг ҳам... дарду алами. Майли, уларга омад кулиб боқмади. Ҳеч қиси йўқ. Одам боши тошдан қаттиқ. Нурқобил... иродали, чидамли йигит. У билан бирга бўлсайди. Маъсума бунда оғир синовларга ҳам рози эди. Чўлу биёбонда, тоғу тошларда оч-юпун, сарсон-саргардон бўлиб юришга ҳам тайёр эди. Аммо у...

Маъсума Ўташевга нафрати ошгани сари Нурқобилни қаттиқ, чинакамига севиб қолганини англади. Ўйин, эрмак, ўч туйғуси бора-бора севгига айландими? Йўқ. Назарида бу чинакам муҳаббат эди. Талабалик йилларида ўз муддатида туғилмаган, кечиккан, инжиқ, касалманд севги эди. Вақт ўтиб, у соғайди, улғайди. Энди кетса-кетсин, фарқи йўқ, севгиси ҳамиша ўзи билан, қалби эса, жисми қайда бўлмасин, Нурқобил билан қолади....

У кутади, кутиб яшайди. Кунлардан бир кун Нурқобил уни излаб боришига ишонади. Умид қилади.

#### 14.

Район партия қўмитаси бюроси Нурқобил Бўтаев масаласини ўн дақиқа муҳокама этди. Бир инсон тақдирини ҳал этишга шу муҳлат кифоя қилди. Саркотиб мажлисни очиб, қисқа, аниқ ахборот берди: – Тегишли идоралар юборган “Талабнома”га кўра вилоятнинг яқинда қамоққа олинган собиқ раҳбари Нодир Назаров қўл остидаги бир қанча шахслар қатори Нурқобил Бўтаевдан ҳам мунтазам равишда совға-салом ва бир неча марта аниқланмаган миқдорда пул олиб турганига иқрор бўлган. Шунинг учун уни партия сафидан ўчириб, вазифасидан бўшатиб, “Талабнома” бажарилганлиги ҳақида шахсан Сурен Хоренович Итлян номига “Билдиришнома” жўнатишимиз лозим...

Нурқобил бу “Талабнома” уни Тошкентга олиб кетишлари арафасида ёзилгани, лекин бу ерга кечроқ етиб келганини тушунди.

– Мени... Тошкентга олиб бориб, Итлянинг шахсан ўзи тергов қилган, пора берганим исботланган эмас, – эътироз билдирмоқчи бўлди у.

– Исботланади! – деди истехзоли ишонч билан ички ишлар бошқармаси вакили. – Сурен Хоренович-

нинг назарларига тушган бўлсангиз, эртами-кечми, албатта исботланади.

– СССР халқ депутатлари съезди депутатлари талабига биноан Сурен Хоренович бошлиқ гуруҳ фаолияти синчиклаб текширилмоқда, деб эшитдик, эҳтимол ўша текширув бир ёқли бўлгунча сабр қилармиз. Ахир гап бир ёш раҳбарнинг тақдири ҳақида кетяпти, – деди Шамсиев.

Бюро аъзоларидан бир-икки киши ҳозирча партия сафида қолдиришни, қаттиқ ҳайфсан бериб ишдан бўшатиш билан кифояланиш фикрини олға суришди. Аммо... вилоятқўм ташкилий – кадрлар бўлими раҳбари, КПСС Марказқўми томонидан Ўзбекистонга тартиб ўрнатиш учун ташланган “десантчилар” сафида Россиянинг Воронеж шаҳридан келган Никифор Димитриевич Лапиннинг бир оғизгина:

– Бундай кимсаларга партия сафида бир дақиқа ҳам ўрин йўқ, – деган кескин гапидан сўнг ҳеч ким миқ этолмади, Шамсиевнинг:

– Ўртоқлар, масалага чуқурроқ, кенгроқ қарайлик, – деган илтижосига биров қулоқ солмади. Нурқобил Бўтаев коммунистик партия сафидан ўчирилиб, қамоққа олинишига рухсат берилди.

– Қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинди! – деди Ўташев мажлисга яқун ясар экан. – Тўғри, жазо қаттиқ бўлди. Лекин шундан бошқа чора йўқ. Бу Бўтаевнинг ўзига ҳам, бошқа ҳар бир раҳбарга ҳам сабоқ бўлиши керак. Раҳбарнинг қўли ҳам, тилию дили ҳам, луқмаси ҳам тоза бўлиши зарур. У ҳамиша ҳақиқат ва адолат учун кураш жабҳасида бўлиши керак.

Нурқобилга сўнгги сўз берилди. У гапиришни истамасди. Чўнтагидан гилос рангли гувоҳномани олиб, стол устига қўйиб ташқарига чиқиб кетди.

Ҳикоят қилишларича, Нурқобил Бўтаев Нуробод туманида иштирокиюн фирқасининг низомию ри-



соласига тўғрилаб партиядан ўчирилган сўнги коммунист бўлган экан. Қолганларининг барчаси салдан кейин ўз ихтиёрлари билан чиқиб кетишибди. Сафида ҳеч ким қолмаган шўрлик райком ҳам, обкому марказқўм ҳам тарқатилибди. Мустақиллик бўлиб, компартиянинг ўзи ҳам йитиб кетибди, ўрнига бошқа кўплаб партиялар тузилибди. Уларнинг маъно мазмуни ҳам мақсаду маслагиям бошқача экан. Ҳоҳлаган киради, ҳоҳлаган чиқади. Бировни мажбурлаб аъзо қилиш ҳам, ўчириб қаматтириш ҳам йўқ экан. Майли, буниси энди бутунлай бошқа ҳикоя. Ҳозир гапни чалкаштирмасдан Нурқобилга эргашиб, қишлоққа қайтамиз. Тун яримлаб қолган. Ҳаво совуқ. Кимсасиз йўлда эсаётган аччиқ изғиринга жўр бўлиб, увиллаётган қашқирларнинг ваҳимали овозлари эшитилади. Шалоқ бир “Жигули”ни кира қилиб келар экан, Нурқобил дафъатан Маъсума ҳақида ўйлади. Уни бекорга хафа қилдим, дея афсусланди. Мавридини топиб узр сўрашни дилига тугди. Касалхонага ярим тунда етиб келди.

– Оғангиз мижжа қоқмай кутиб ўтирибдилар, – деди Тошбўри. Бошлашиб довдирнинг олдига киришди.

– Нуржон! Эшитдим. Бардам бўл, ука! Йигитнинг бошига не савдолар тушмайди. Минг шукрким, яхши замонлар келяпти. Тупур партиясига! Ўзлари ўчирмагандаям эртами-кечми ўзинг чиқиб кетардинг. Обрў, дейсанми? Балким шунинг ўзи обрўдир. Агар... ўғрилар тўдаси бир ҳалол одамни ўзларининг сафига лойиқ кўрмасдан ҳайдашса, у бундан мотам тугиб, бошига кул сочиб ўтириши керакми? Албатта, узр сўрайман бундай таққос учун. Партиядаям ҳалол одамлар кўп. Лекин улар сени асраб, ҳимоя қилиб қололмаган эканлар, ўзларининг шўри. Сен ўкинма!

Энди бўшашма! Биламан, бир пайтлар кўрққансан, ёшлик, тажрибасизлик қилгансан, кучим етмайди, йиқилсам майиб бўламан деб ўйлагансан. Эҳтимол, тўғри ўйлагандирсан. Аммо энди кўрқма! Йиқилсанг ҳам майли. Йиқилсанг ер кўтаради. Ёшсан, ҳаётинг ҳали олдинда. Дадил бўл. Шу баҳонада сенга умримда бир марта тушганим ва йиқилиб, ғалаба қозонганим ҳақидаги ҳикояни сўзлаб бераман, эшит.

## 15.

Тўй. Қишлоқ ўртасидаги сайхонликда кураш бўляпти. Тушми бу? Ёки... Ажаб, ким тўй қилаётган экан? Довдир айтилмай қолибди-да. Кўрага айтишгандир. У икки кундан бери қирқимда-ку. Даврага яқинлашди. Қишлоқнинг оғзи катта кишиларидан бири – Сари Кўлдошнинг ҳовлисида кирди-чиқди гавжум эди. Кенжаларига тўй бошлабди-да эски раис. Тўй ҳам чакана бўлмасов. Бу одам жа, обрўталаблардан. Кураш уч-тўрт кун давом этса керак.

Давра ҳаками қишлоқнинг истеъфодаги бош полвони Мавлон Одил, баковул ҳаммага таниш жувозкаш Нурназар бова экан. Унинг қопида тўқсон беш чою, калиш маҳсидан тортиб тилла соат, ойнаи жаҳонгача бор. Ёнгинасида яп-янги “Урал” аравали мотоцикли. Ҳа, Сари Кўлдош бир тўкинадиган бўпти. Тўкинса арзийди!

Давра кенгаяр, кураш қизиб борар, қийқириқ, қарсак гулдуриси қишлоқни титратгудек бўларди. Довдир завқдан сармаст бўлди. Қорни очлигиниям, тўйхонага чорлашмаганларининг аламиям эсдан чиқди. Кувонса арзигулик эди. Чашмизираклик йигитлар – унинг, Ҳаким довдирнинг ҳамқишлоқлари кетма-кет солим олишарди. Атрофдаги қишлоқлар – Жўш, Чуя, Охчоп, Миришкордан келганлар тўп-тўп

йиқилишиб, даврадан бош эгиб чиқиб кетишяпти. Бош ҳакам Мавлон Одил ҳарчанд жиддий бўлишга уринмасин, оғзининг таноби қочиб кетяпти. Нурназар бованинг хурсандлигини айтмайсизми? Озғин, сертомир қўллари шунақаям чаққон бўлиб кетганки, ҳаш-паш дегунча халтанинг бирини бўшатиб, иккинчисининг оғзини очди. Давранинг тўрида чордона қурган гуруҳ – Чашмизирак чоллари ҳам лаб-лунжларини йиғиштиролмай, тишсиз оғизларини каппа-каппа очиб, “Яша, кам бўлма, отангга раҳмат!” дейишади. Ёш полвонлардан уч-тўрттаси ўз солимларини ана шу даврага туҳфа қилишди. Чашмизиракда бу русум жуда қадимдан қолган. Ёш полвонлар дастлабки солимларини – одатда бу чой, калиш, тўнлик, кичикроқ қўзи бўлади – даврадаги бирон қарияга туҳфа этиб, эвазига дуо олади.

Чашмизиракликлар қалбига бирдан ғусса тушди. Кейинги давраларда солим фақат четга кета бошлаганди.

Давра айланган кейинги полвонлар довдирга тенгқур йигитлар эди. Чашмизиракда у тенгилардан кимлар бор ўзи? Ана, Қилич Заҳҳор! Бўлим бошқарувчиси. У болаларни кураштириб, тўғрироғи, ёқалаштириб ҳузур қилади. Ўзи эса “яримта” билан ёқалашини маъқул кўради. Салим бужур, Абдурахим қассоб ҳам ўшанинг улфатлари.

– Чуялик полвон Нажмиддин Фахриддинов, – дея эълон қилди Мавлон Одил синиқ овозда. Унинг ҳам кайфияти бузилганди. – Солими аравали мотоцикл!

– Бу ўша Фахриддин полвоннинг ўғли, – деди довдирнинг ёнида кимдир. – Эсингиздами, беш йил бурун Холмирза мерганнинг тўйида Фахриддин полвон олти солим олганди. Ўшанда унга фақат Мавлон Одил тир келганди. Икковига икки новвос берганди. Эсладингизми?

Давра яна сув сепгандек жимиб қолди. Мавлон Одил аввал заифгина умид билан қишлоқдошлари гуруҳига назар ташлади. Кейин кўзи жовдираб кўшни – жўшликлар, миришкорликлар гуруҳларига нигоҳ қадади. Қимирлаган жон кўринмади. Шунда... Шунда Мавлон Одил секин-секин одимлаб давра четига – довдир ўтирган томонга юра бошлади. Довдир унинг нима қилмоқчи эканини тушунди. Мавлон Одил эгнидаги ҳакамлик тўнини ечишга шайланаётган эди. Буни даврадагилардан ким сизди, ким сезмади – номаълум. Лекин довдир унинг мақсадини аниқ тушунди. Тушунди ва юраги шувиллаб кетди.

– Шошманг, Мавлон ака!

Бу овоз ер қаъридан чиқдими, ғойибдан эшитилдими, довдир англай олмади. Фақат ўзининг майдон ўртасида тикка турганини, бутун давранинг нигоҳи унга қадалганини кўрди-ю, нима бўлганини тушунди. Мавлон полвон белбоғини ечишни ҳам, ечмасликни ҳам билмай ҳайратланиб, иккиланиб қолганди.

Қаердадир бурчакда бирдан кулги кўтарилди. Бу кулги бир зумда бутун даврага ёйилиб кетди. Хитоб, ҳайқириқ авжига минди.

“Яша-е, жўхори полвон! Оёғида зўрға туришини қара уни! Кулдирма-е, қорним оғриб кетди. Мотоцикл мингиси келибди-да бечоранинг”.

– Жим, халойиқ! – дея ўкириб юборди Мавлон Одил. Унинг овози энди бироз титроқ бўлса-да, дадил чиқди. – Жим! Қулоқ солинг! Буни майдон дейди. Бу ерга юраги сўққа одам тушади. Майдонга тушган ҳар бир одам енгаман деб тушади.

Довдирнинг қулоғи чиппа битганди. У этигини ечиб четга кўйди, кимдир чаққон келиб камзўлини ечди, кўйлаги устидан тўн кийдириб белини боғлади.

- Дадил бўл, ука! – дея шивирлади Мавлон Одил унинг елкасига қўл ташлаб давра ўртасига олиб кира экан.

Ана шу лаҳзаларда Ҳаким довдир хаёлидан нималар кечди? Аввало, унинг кўксига “Борди-ю, мўъжиза юз бериб енгиб қўйсам, қандай зўр бўларди-я” деган заиф умид уйғонди. Чиндан ҳам қандайдир бир самовий куч довдирнинг билакларига битмас-туганмас қувват эндирса, Нажмиддин полвон шу уринса, шу уринса-ю, “Э, зўр экансан, саники ҳалол” деб даврадан чиқиб кетса. Давра қарсагу қийқириқлардан чақнаса, ёрилса. Ҳаким қутловларга, олқишларга эътиборсизгина, бошини эгиб давра четига борса, ютинса-ю, солим – мотоциклнинг чамбарагини Мавлон Одилга тутқазиб “Бу сизнинг ҳақингиз, олинг ака!” деса.

Лекин мўъжиза юз бермади. Нажмиддин полвон бир-икки силтаб кўргач, довдирнинг ўзи ўйлагандақа курашчи эмаслигини билиб олди. Кейин унга оддийроқ бир усул ишлатишга имкон берди-ю, чаққон ҳаракат билан вазнини довдирнинг устига солиб, унинг курагини ерга тегизди.

- Эҳ, аттанг, Ҳаким ётиб отар қилмоқчи эди. Янглишди, – деди Нурназар бобо овозини баланд қўйиб.

- Тажрибасизлиги панд берди-да. Бўлмаса усулни дадил қўллади, – деди унинг гапини маъқуллаб ёнидаги ошнаси. Уларнинг гапини биров эшитиб, биров эшитмай қолди.

- Ҳалол! Ҳалол! Нажмиддин полвон енгди. Солим Нажмиддин полвонники! – деб қичқирди Мавлон Одил довдирни турғазиб елкасини қоқар экан.

Давранинг қайсидир бурчагида яна кулги кўтарилди. “Ҳолини билмаган довдир! Ярим йил белига кепак боғлаб юради энди!”

Қайсидир бурчакда эса маъқуллаган товушлар эшитилди.

“Юраги ботиниб чиққанини айтмайсанми!”

Довдир тўнини ечиб, кийимларини кияр экан, Мавлон Одилнинг ўзига тикилиб турганини кўрди. Кекса полвоннинг кўзлари жиққа ёш, лекин чехраси тиниқ, шод эди.

– Унинг лақаби бекорга довдир эмас, ахир, – деди кимдир ортдан. – Шунақа каромат кўрсатиб турмаса, довдирлиги қоладими.

Довдир қувноқ жилмайиб яйлов сари юриб кетди...

– Бу ҳикояни менга айтиб беришдан мақсадингиз нима, “йиқилсанг ҳам, одамлар устингдан кулса ҳам ўксинма”, демоқчимисиз? – сўради Нурқобил.

– Ҳа, йиқилсанг – ер кўтаради, йиғлаб мотам тутиб ўтирма, демоқчиман.

– Мотам тутмоқчи эмасман, лекин... тергов энди кучаяди, суд, қамоқ...

– Нафасни иссиқ, ниятни холис қилайлик, ота-боларинг руҳи мададкор бўлади, иш судгача бормайди насиб этса.

– Агар шундай бўлса... мени отарингизга ишга ола-сизми? – кулимсираб сўради Нурқобил.

– Э-э, ишлашни ҳоҳлаганга иш топилади ука, ана, Шамсиев айтди, Сувли боғлари яна хўжалик ихтиёрига қонуний қилиб қайтарилибди, ўшанга ишбилармон боғбон қидириб юрибди. Сендан муносиброк номзод борми?

– Мен агроном эмас, чорва мутахассисиман-у, Ҳа-ким ака.

– Ўрганасан агрономликни ҳам. Керак бўлса яна ўқийсан. Ёшсан-у. Энг муҳими, ҳоҳиш бўлса, қизиқсанг бас. Дарвоқе, тунов куни шу боғлар ҳақида бир туш кўрдим, айтиб берайми?

– Айтинг қани.

– Катта бир карвон чўл ичкарисига қараб кетаётган экан. Карвон олдида яғири чиққан эшакда бўйнига қўнғироқ осган Ўташев ўтирибди. Ёнида Қамарбой миршаб югуриб бораётир. Туяларга катта-катта қоплар, тошлар, илдизи билан қўпориб олинган дарахтлар, оёқ-қўли боғланган ёшгина қизалоқлар, болалар ортилган. Жулдур кийимли одамлар сон-са-ноқсиз қўйларни ҳайдаб кетишаётир.

– Ҳой, оғалар, қариндошлар, қаёққа кетаяпсизлар? – деб сўрармишман.

Бу ерлар бизники эмас, биз бу жойлардан воз кечдик. Чўлга кетамиз. Чўлларни гулистонга айлантира-миз, – дермиш Ўташев бўйнидаги қўнғироғини жанглатиб.

– Бу ерлар-чи, Чашмизирак-чи, боболаримиздан қолган боғлар-чи? Булар қуриса, чўлга айланса майлими? – деб сўрармишман.

– Буниси билан ишимиз йўқ, – дермиш Ўташев. – Биз чўлларни обод этамиз. Янги боғлар яратамиз. Эски боғлардан эса воз кечамиз.

Кейин ҳувиллаб қолган Чашмизиракка, кимсасиз дараларга қараб йиғлармишман. Бир пайт ногаҳон ўша эгасиз боғда сени кўриб қолдим. Қўпориб кетилган дарахтлар ўрнига ёш ниҳоллар экиб юрганмишсан. Нарироқда яна бир қанча тўда-тўда жулдур кийимли одамлар. Улар карвон изидан термулиб йиғлашармиш. Болаларини, хотинларини юлқиб кетган ўша даҳшатли карвонни лаънатлашармиш. Бечораларнинг егани бир бурда нонлари ҳам йўқ эмиш. Сен уларга тасалли берармишсан. “Ҳадемай баҳор келади. Ниҳолларимиз гуллайди, мева тугади, пишади. Кейин тўйиб-тўйиб ўрик, олма ейсизлар” дермишсан. Ғалати туш-а? Боғ эгасиз қолмайди. Унга эгалик

қилишни хоҳламайдиган, воз кечадиган, зарур бўлса сотиб юборадиган кимсалар бўлиши мумкин. Лекин бундай боғ... эгасиз қолмайди. Унинг бағрида синган ҳам, чириган ҳам, ёнганлар ҳам бор. Лекин янгила-ниш, уйғониш фасли – баҳор бор экан, бу боғлар яшараверади, унда янги-янги ниҳоллар кўкараверади. Чунки бу боғ – тириклик боғи, ризқимиз яраладиган боғ, ҳалол боғ. Боғбонлик ҳам чўпонлик сингари оддий касб. Лекин унинг ҳам раҳбарликка ўхшаган жиҳатлари бор. Тасарруфнинг минглаб, балким ўн минглаб, юз минглаб навраста ниҳолларни ўстирасан, мевага киритасан...

– Сиз мени... тоза мансаб учун ўлган бола экан, деб ўйлайсиз шекилли Ҳаким ака, ўзи тунов кун айтиб, маслаҳатингизни олмоқчи эдим: ота касбимга қайтсам, бир отар беришса боқсам, агар ишонишмаса, сизга оддий ёрдамчи бўлиб ишласам, деб. Лекин очиғи... мана бу таклиф тушимга киргани йўқ. Шамсиев агар кечаги воқеадан сўнг фикридан қайтмаган бўлса, мен розиман! Лекин... Ўташевлар бу боғлар асли бобосининг бобосига тегишли бўлганлиги, вақти келиб замон кўтарса қайтариб олажаги ҳақида гапириб юришади. Мени боғбонликка қўйдириб қараб ўтиришармикан?

– Номаъқул бузоқнинг гўштини ейишади! Сувли боғлари асли Бухоро амири Абдуллахон иккинчи фармонига биноан маҳаллий боғбонлар томонидан яратилган. Большевиклар келганидан сўнг давлатга ўтган. Бобосининг бобоси эмиш, унда Ўташевларнинг момосининг момосининг ҳам ҳаққи йўқ.

Орадан бир неча кун ўтиб, Ҳаким довдир касалхонадан чиқди, Нурқобил директор вазифасини бажарувчи Усмон Шамсиевнинг буйруғи билан хўжалик боғбони вазифасига тайинланди. Ойсифат институтга ишга кетди.



## УЧИНЧИ ҚИСМ

### 1.

Кунлар, ҳафталар, ойлар, йиллар ўтди. Саксонинчи йиллар биринчи ярмидан бошланиб, тўқсонинчи йиллар бошигача давом этган “пахта ишлари” ҳам Мустақиллик шарофати ила буткул тўхтатилди, ўн минглаб, юз минглаб кишилар оқланди. Совет тузумининг йигирманчи, ўттизинчи, қирқинчи ва эллингинчи йиллардаги мудҳиш қатағонлари сингари бу қонли мавсум ҳам қанча-қанча юракларда оғир жароҳатлар қолдириб, йўқликка юзланди.

Негадир унгача вақт жуда секин ўтди. Сувли дара сувлари шарқираб эмас, имиллаб оқди. Ва ниҳоят...

Тонг. Сунбула қуёшининг мусаффо нурларига чўмилган Сувлидара боғлари турфа ранглар оғушида. Ўриклар, шафтолилар, гилосу олмалар ҳосилнинг кўплигидан эгилиб турибди.. Сал наридаги бодомзору ёнғоқзорларда ҳам ҳосил баракали барг ёзди. Дўланалар япроғи озурда юракларни энтиктиради.

Нурқобил кўксида ўтли бир оғриқ билан хаёлчан кезади. У энди қадимий боғларнинг, “эгасиз боғларнинг” эгаси. Эрта-индин навбатдаги ҳосилни йиғиштиришга киришади. Аммо...

Хусусийлаштириш жараёни кучайгани сари уни ваҳима боса бошлади. Бир вақтлар Ҳаким довдир билан ҳазил-ҳузул қилиб муҳокама қилган гаплари чинга айланиб қолмаса гўрғайди. Эҳ содда одам! Бунақалигини билганида ўшанда, устидан олиб борилган жиноят иши тўхтатилиб, юзи ёруғ бўлган кунларда туман раҳбари томонидан билдирилган таклифга рози бўлмасмиди?..

Ўшанда уни туманнинг янги раҳбари Ҳожимурод Худойқулов ҳузурига чақиртирди. Нурқобил бу йигитни танирди. Бир пайтлар район қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи бўлган. Ҳақиқатпавар. Бир пайтлар қўйларни сунъий қочирувчи СЖК препаратига қарши чиққанлиги учун уни ишдан бўшатиб юборишганди. Кейин қорақўлчилик институтига ўтган деб эшитганди. Мана, энди катта бир туманга ҳоким. Адолат қарор топаётгани яхши. Бу – мустақиллик шарофати.

– Бошингиздан ўтган савдоларнинг ҳаммасидан хабарим бор, – деди у Нурқобил билан илиқ кўришаркан. – Нима ҳам дердик, кўпга келган “тўй” экан. Шукр, барчаси ортда қолди. Эшитдим, боғбонлик қилаётган экансиз, янги ниҳоллар экиб, кўҳна боғларни яшартирибсиз, кенгайтирибсиз, пистазору ёнғоқзорлар яратиш учун кўшимча ер сўраб мурожаат этибсиз. Ерни албатта берамиз. Лекин ҳозир чорлашимдан мақсад... сизни аввалги лавозимингизга тикламоқчимиз. Шамсиев яхши ишлади, раҳмат. Лекин Сиз асоссиз бўшатибсансиз. Адолат нуқтаи назаридан жойингизга қайтишингиз лозим. Ҳа, айтганча, эшитиб юргандирсиз, хусусийлаштириш, мулкларни давлат тасарруфидан чиқариб, тадбирқору ишбилармон кишиларга ижарага топшириш тўғрисида гап-сўзлар бўлиб турибди. Шу ҳақда қарор чиқса, ана шу тадбирнинг бошида турасиз, тарози шайинини тўғри ушлайсиз ва мулкларни адолат билан тақсимлаб, пировардида ўзингиз янгилаётган боғни тасарруфингизга олиб, манови ишларингизни янада фаол давом эттирасиз. Нима дейсиз шу таклифга?

Бу таклиф бағоят мафтункор эди. Нурқобилнинг ўрнида бошқа... нафси бад бир кимса бўлса дарҳол кўнибгина қолмай, серҳиммат валинеъматга каттароқ

“ҳадя” атар, зеро бу вазифа, яъни мулклари ҳадемай тарқатиладиган улкан хўжаликка бош бўлиш, Ҳаким довдирнинг таъбири билан айтганда, сўйиладиган сўқимнинг гўштига баковуллик қилишнинг баъайни ўзгинаси эди. Истаган кишингга истаган жойидан бир парчадан улашасан, пировардида ўзингга энг ёғли жойидан кесиб олиб, жуфтакни ростлаб қоласан. Албатта, довдир айтмоқчи бунинг учун бояги мулкларга қўшиб имон ва виждондан ҳам бир қисмини пуллашга тўғри келади арзонроққа бўлса ҳам. Бироқ йигит киши қасамини бузмаслиги керак. У минбаъд амалдор бўлмайман, дея аҳд этган.

– Эътиборингиз учун раҳмат, лекин мен... энди раҳбарлик лавозимида ишламоқчи эмасман. Ҳозирги ишим ўзимга жудаям ёқади. Агар мурожаатимни ижобий ҳал этиб, қўшимча ер ажратсангиз, кейин... ўша боғларни ижарагами, қурбим етадиган нархларда хусусийлаштирибми берсангиз, чексиз миннатдор бўлардим.

Худойқулов кулди.

– Э, қойил! Бунақа... таклифни рад этадиган кишини биринчи кўришим. Холбуки айримлар... халта-халта пул кўтариб, Самарқанду Тошкентдаги катта идоралар остонасини текислаб юришибди-ю. Сиз бўлсангиз... Майли, бу гапларнинг сизга алоқаси йўқ. Аммо-лекин бир ҳафта муддат бераман, яхшилаб ўйланг.

– Ҳожимурод ака, мен жуда кўп ўйлаганман ва қатъий аҳд этганман, шунинг учун... вақтни беҳуда ўтказмай, бошқа муносиб номзодларни кўраверинг. Илтимос. Мен самимий айтяпман.

– Шунақами? Унда майли. Мажбурламаймиз. Боғда иштиёқ билан ишлаётганингизни биламан. Аслини олганда... келажак амалдорникимас тадбиркорни-

ки. Бояги илтимосингиз албатта инобатга олинади. Лекин биринчидан, қаттиқ ишлайсиз. Боғлар зўр бўлиши керак. Иккинчидан хусусийлаштириб олдик, энди бу ерга ташқаридан бирорта қуш ҳам учиб кирмасин, демайсиз. Унинг мевасидан, тоза ҳавосидан, соя-салқинидан теваракдаги аҳоли, қолаверса, бутун туман аҳли баҳраманд бўлиши керак. Келгусида у ерда чорвадорлар учун дам олиш уйи, пионерлар лагери очамиз. Вилоят республика миқёсидаги оромгоҳлар бўлади. Шунинг учун хусусийлаштиришни тўғри тушунасиз, деб ўйлайман. Келишдикми?

– Албатта, Ҳожимурод ака.

Нурқобил ҳокимнинг олдидан кўнгли тоғдек ўсиб чиқди. Уйга хуш кайфият билан келди. Иштаҳа билан тамадди қилди. Бўйи анчайин чўзилиб, йигитча бўлиб қолган ўғилларини ўқишдаги баҳоларини суриштириш асносида: “бирон қизни кўз остига олганмисан, қачон совчи жўнатамиз”, қабилидаги ҳазиломуз, шўх саволларга тутди. Буни кўриб амманинг чеҳраси очилди. Анчадан бери айтмоқчи бўлиб юрган гапи тилига чиқди:

– Ҳалитдан ўғил уйлантиришни ўйлагунча... ўзингга бир ҳамсар ахтарсанг бўлмайдим, Нуржон, мен ҳам энди чарчаяпман. Ҳам иш, ҳам рўзғор. Ё... ўзим бирон бевами, ёши ўтган қизлардан қидирайми? Сенга ҳали ўн саккиз ёшлисиям тегади.

– Ўн саккиз ёшлиси керакмас, амма, ўзи... умуман уйланмай ўтсам дегандим, манови гапингиздан сўнг, ўйланиб қолдим.

– Ҳадеб ўйланавергунча шартта уйлан – кўй, сўз ўйини қилди амма. Кейин чуқур хўрсинди. – Албатта уйланишинг керак. Бир хонадонга бир ёлғиз етади...

– Сиз ёлғиз эмассиз, Сиз ҳеч қачон ёлғиз қолмайсиз! – деди Нурқобил қатъий ва ичида ўзини койиди:

“Маъсумага аччиқ қилиб, аёл зотига безътибор юра-верибман-у, бу ёқда аммам бечорани чўри аҳволига тушириб қўйибман-да, галварслигим қурсин. Бирортасини олишим керак, яхши кўрмасам ҳам лоақал... хизмат қилиб юради, аммамнинг юкини ениллашти-ради-ку. Бироқ... хаёлимда куну тун Маъсума бўлса, у аёл билан қандай яшайман. У бундай муомалага рози бўладими? Ахир... унга ҳам меҳр керак...”

Шуларни ўйлаб, аммасига ҳозирча аниқ бир жавоб бермасликка қарор қилди.

– Озгина сабр қилиб турайлик, Худонинг ўзи бир томонга бошқарар...

Кейин отига минди-да, Сувлидарага чиқиб кетди. Қанча кунлардан бери ҳорғин кўринаётган қора тўриғи ҳам бугун қушдек енгил, жировини қўйса уч-гудек эди. Ажаб, от эгасининг кайфиятини, ҳолатини сезади, деганлари тўғри экан. Икки қир ошгач, у эгардан тушиб, тўриқни жировидан етаклади. Ёлларини силади. Қора тўриқ довдир минган бия – Лочиннинг қулуни. Боғда иш бошлаган дастлабки кунларининг бирида кечагина касалхонадан чиққан Ҳаким оғасини кўргани борганди. Довдир қўярда-қўймай тўриқнинг жировини қўлига тутқазди:

– Пиёда юрманг, одамлар “мошиндан тушса ҳам отдан тушмабди”, дейишсин. Ҳасадгўйларнинг ичи куйсин. Лекин емдан қисманг, меҳрингизни дариф тутманг. Ҳақиқага кузда анови “Шум бола”даги боғчи бойга ўхшаб, бир қоп-ярим қоп “қуртлаган, чириган олмалар”дан бериб, кузда ҳисоб-китоб қиларсиз.

Қанчалик бағри кенг одам бу Ҳаким довдир. Ўша кенг бағри беғараз хайри-саховатга қанчалар тўла. Нурқобил у қора тўриқни қулунлик пайтидан нечоғлик меҳр билан парвариш қилганини, ўзи ҳам авайлаб-асраб, аҳён-аҳёнда фақат тўй-маъракалар-

га минишини биларди. Ўзи ўта одми, қўл учида кун кечирувчи бу одам, ўзининг энг суюкли жониворини, эҳтимолки бисотидаги энг қимматбаҳо мулкани сира оғринмасдан бериб юборяпти-я. Бундай кишининг қошида ўша маълуму машхур Ҳотами Той ҳам таъзим қилса керак.

Сувлига ошадиган сўнгги қир этагига етгач, Тожибойнинг қўрасига бурилди. Бултур ёзда ҳосили чала-чулпа йиғиштирилган пайкалларда қорамтир, чирик чўкиртақлар. Қор эриб, ер кўпчиб қолган. Тожибойнинг беваси юзини энги билан бекитиб пешвоз чиқди. Ортидан болалари кўринди. Беш ўғил, уч қиз. Катта ўғли эр етиб қолибди. Шу йил мактабни битирса керак.

– Яхшимисизлар, қийинчилик йўқми, болалар катта бўлишяптими? – деди Нурқобил сал ўнғайсизланиб.

– Яхши, ҳаммаси яхши, – деди ерга қараб катта ўғил. У бир пайтлар Нурқобилга болаларча таҳдид қилган: “армияга бориб, автомат ўғирлаб келаман ва сизни отаман”, деб. Чунки унга “отангни ўлдиртирган киши – шу”, дея уқтиришган. Мустақилликдан кейин Тожибойнинг қотили топилиб, узоқ йилга кесилиб кетгач, онаси билан атай келиб узр сўраб кетди. Шунга қарамай хануз Нурқобилнинг кўзига тик қаролмайди. Ҳа, Тожибойнинг қотили топилди. Бироқ у “буюртмачи” кимлигини айтмади. “Ўртамизда аввалдан адоват бор эди, шунинг учун ўлдирдим” деб туриб олди. Дарвоқе, ҳалиги нашазорларнинг “эга”сиям аниқланди. Тўғрироғи, бошқа анча жиддий моддалар билан айбланган Сувкечганлик “қонундаги ўғри”нинг гарданига осиб, ишни ёпиб юборишди. Ўташевлар ва Қиличбой сувдан қуруқ чиқиб кетишди. Айтишларича, бу арзонга тушмабди, орган

ходимларига ўша “серҳосил дала”дан олинган соф фойданинг бир неча йиллигини узатишга тўғри келганмиш. Майли, ҳар бир нокасинг ҳақиқий жазосини Яратганнинг ўзи беради. Ҳар тугул Сувли боғларининг тевараги заҳри қотилдан тоза бўлди, ҳисобда йўқ ерларда яширинча деҳқончилик қилишга барҳам берилди.

– Мен боғдорчилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишляпман, – деди Нурқобил бева олиб кирган дастурхонни очиб, қоп-қора серкепак тандир нонинг бир четидан озгина ушатиб оғзига солар экан. – Манови ерларга ток экамиз. Қора кишмиш етиштирамиз. Майизини давлатгга топширамиз. Агар маъқул десаларингиз, ўзларингиз қараб, парваришлайсизлар. Сизларга ойлик ёзилади. Розимисиз, янга? Бир четига рўзғорга етгулик сабзавот, майли... озроқ нўхат, зиғир экса ҳам бўлади.

– Катталар нима деса шу-да, ука, – деди аёл ҳамон енгини юзидан олмай. Бояги тўнғич ўғил қизиқсиниб қаради.

– Неча кишига ойлик ёзасиз?

– Сенга, онангга, яна укаларингдан неча нафари ишласа. Қалай, маъқулми?

– Майли...

Нурқобил кўнгли ярим бу оилага қандай йўл топишни, мадад беришни анчадан буён ўйлаб келатганди. Гаплари тез қовушганидан хурсанд бўлиб, хайрлашди.

Қора тўриқ қирга интилди. Қир орти – Ҳаким додирнинг кўрғони. У тунов куни: “Мавридини топиб, бир кириб ўт, маслаҳатлашадиган масала бор”, деганди. Нима маслаҳат экан? Ҳойнаҳой яна Ойсифат билан Тошбўрига боғлиқ бўлса керак. Ўжар чўпоннинг яқрав қизи институтда ишлаётганига ҳам анча бўл-

ди. Хануз Тошбўрига тегишга рози бўлмай юрибди. Бечора Тошбўри бу ердаги бош врачликни ташлаб, унинг ортидан шаҳарга бориб, тиббиёт институти клиникасида оддий жарроҳликка жойлашибди, илмий иш қилиш учун Киевга кетиш имкониятидан ҳам ҳозирча воз кечибди. Чашмизираклик мадмуазель (французчасига ойимқиз, дегани бўлади) тушмагур эса сира кўнақолмайди. Ҳолбуки... унга қанча насихат қилинди, ҳатто қаттиқ гапириб ҳам кўришди. Қалбингга буюролмайсан, деганлари шу бўлса керак-да...

Нурқобил беихтиёр жилмайиб, Ойсифатга “Нурқобилга тегиб, у билан бахтли бўлиш” ҳақида буйруқ берганини эслади.

## 2.

Боғбончиликка боши билан шўнғиб, тоғу шаҳар ўртасида бўзчининг моксидек қатнаб юрган пайтлари эди. Бир куни қишлоқ марказида Тошбўри билан учрашиб қолди. У ғамгин, чеҳраси қонсиз, ички бир дарддан қийналаётгандек эди. Нурқобил уни боққа таклиф этди, “тоғларга, дўлاناзорларга олиб чиқаман”, деди. “Тоққа чиқмай дўлана, жон чекмасдан жонона йўқ” деб ҳазиллашди. Лекин Тошбўрининг чеҳраси ёришмади.

– Мен... шаҳарга кетмоқчиман, ака, – деди у бир маҳал томдан тараша тушгандек қилиб.

– Ие, ҳа, бунча шошилинич, – деди кулиб Нурқобил.

– Бўлди-да, анча ишладим. Энди илмий иш қилсам...

– Ниятларингиз... бошқача эди, шекилли? Ё... Ойсифат ҳам институтга боришга қарор қилди-ю, бирга кетмоқчимисизлар? Сиз ҳали беш-олти ой ишланг.



Тўйни ўтказайлик. Кейин кетсанглар ярашар балким. Лекин... Қишлоқда яшасанглар ҳам ёмон бўлмайди.

Тошбўри бир лаҳза жимиб қолди. Тилига келган сўзни айтишга қийналди. Чайналди, барибир айтди.

– Ойсифат билан... бўлмас экан. Унинг кўзига... сиздан бошқа ҳеч ким кўринмайди.

Нурқобилнинг ранги оқарди. У умри бино бўлиб бировга қаттиқ гапирмаган, ҳақорат қилмаганди. Бу гапни эшитиб чидаб туrolмади, миясига қон урди. Тошбўрини ёқасидан олди.

– Эй, бола, қандай тилинг боради бундай дейишга? Ахир Ойсифат менга... туғишган сингил қатори эканини биласан-ку!

Тошбўри вазминлик билан ёқасини Нурқобилнинг кўлидан бўшатди.

– Биладан. Бу... нарсадан хабарингиз йўқлигиниям, сиз... бошқа бир аёлни яхши кўришингизниям тахмин қиламан. Лекин барибир... Ойсифат сизни севади.

– Бемаъни гап! Бундай бўлиши мумкин эмас! Ҳеч қачон! Ойсифат ахмоқ эмас! Ўзи... шунақа дедими?

– Менга шундай деб аниқ айтгани йўқ. Эҳтимол, сизга ҳам ҳеч қачон айтмас. Лекин шундай. Бу бор гап. Мен бошдаёқ сезгандим. Аввал ишонмагандим. Шунча пайдан бери кутдим. Умид қилдим. Хатосини тушунар, деб ўйлагандим. Бўлмади. У кеча менга: “Сизни жуда ҳурмат қиламан. Лекин севолмайман. Севмай турмуш қилсам сизга ҳам азоб, ўзимга ҳам азоб. Бунинг нима кераги бор” деди. Шунда мен унинг сизни севишига аниқ ишондим.

– Мен эса ишонмайман ва ишонишни истамайман ҳам, – деди Нурқобил. Унинг юзлари қизиб кетган, юраги безовталаниб, боши ғувилларди. – Ойсифат бундай... ақлсизлик қилмайди.

– Нурқобил ака! Ўзи бу гапни сизга айтмоқчи эмасдим. Лекин пайти келганда нега бир оғиз дингни очиб, дардингни дастурхон қилмадинг, жўяли маслаҳат сўрамадинг, деманг деб, очиқча мулоқотга жазм этдим. Агар янглишаётган бўлсам қанийди. Аммо...

– Тошбўри, сиз умидингизни узманг. Ойсифат эртами-индинми хатосини тушунади. Унинг менга муносабати тўғрисида сиз ўйлаган нарса севги эмас. Мен Ҳаким аканинг оиласига эсимни таниганимдан буён яқинман, туғишган жон-жигар қатори бўлиб кетганман. Шунинг учун эҳтимол, кейинги пайтларда бошимга кўп ташвишлар тушгани, хотиним ўлиб, ёлғизланиб қолганим, ўғилларим онасиз ўсаётгани учун ўзича қанақадир шафқат кўрсатиш, ўксик кўнглимга далда бўлиш, ёрдамлашиш учун қанақадир хом хаёлларга борган бўлиши мумкин. Лекин бу... икки жинс ўртасидаги, никоҳга элтиши лозим бўлган севги эмас. Менинг бунга ақлим етади, агар Ойсифат ғўрлик қилиб, фаҳмига бормаётган бўлса, тушунтирамиз. Хуллас, мен Ойсифатнинг сизга турмушга чиқишини ва бахтли бўлишини истайман. Йигитлик сўзим шу!

– Унда... бу гапларни унинг ўзига ҳам айта оласизми?

– Албатта!

– Қачон?

– Ҳоҳласангиз ҳозироқ. Қани юринг, мактабга борамиз. Кетдикми?

– Кетдик...

– Ойсифат, синглим, Сиз менинг акалик насиҳатимга бир мартагина кўнинг-да, шу боланинг райини қайтарманг. Шаҳарга кетмоқчи бўлсангиз, бирга кетинглар, Сиз тилшунос олима, Тошбўрибой шифо-

кор олим бўлиб, Чашмизирак қишлоғининг доврўғига доврўғ, обрўсига обрў қўшинлар. Кетмасаларинг, шу ерда бирга яшаб, ишлаб бахтли бўлинглар!

Ойсифатнинг ҳозиргина гул-гул яшнаб турган рухсори олидан қон қочди. Нафаси ичига тушди. Ўзини зўрға ўнглади. Йиғлаб юбормаслик учун ақиқ лабларини садафдай ярқироқ ва... жодидай ўткир тишлари билан қаттиқ тишлади ва Осиёча одобу фарангча назокат билан:

– Ким билан бахтли бўлишни... менинг ўзим ҳал қилишга ҳаққим борми? Ё... буйруқ бермоқчимисиз?

– Ҳа, буйруқ бермоқчиман бахтли бўлишга, – деди Нурқобил мутлақо жиддий оҳангда.

– Раҳбарлар оддий одамларнинг шахсий ҳаётларини ҳам буйруқ билан... бошқаришга ҳуқуқлари борми?

– Биринчидан, мен ҳозир раҳбар эмасман. Иккинчидан, сизни деярли кўтариб катта қилган, туғишганидан зиёд кўрувчи ака сифатида шунга ўзимни ҳақли, деб ҳисоблайман. Учунчидан, сиз ҳам бир кун келиб, сингил сифатида: “Ака, дунёдан тоқ ўтманг, фалон жойда бир бефарзанд бева аёл бор экан, шунга илло-билло уйланинг”, деб маслаҳат, ҳатто буйруқ берсангиз асло хафа бўлмайман. Чунки, ака-сингиллар бир-бирларининг тақдирига бефарқ бўлмасликлари керак. Шундай эмасми?

Бу мантиқли мулоҳазаларга жавобан бирор нарса деёлмаган бечора қиз индамасдан ерга қаради, кейин кўзидаги дурахшон томчиларни яшириш учун кўча томон ўгирилди ва:

– Майли... мабодо... агар... сиз... шуни... ҳоҳласангиз, мен нима ҳам дердим, – дея пичирлади. Сўнгра бир-бир босиб, оҳиста ва оғир қадамлар билан чиқиб кет-

ди. Тошбўри унинг ортидан интилган эди, Нурқобил қўлидн ушлаб қолди.

– Ҳозир ҳожати йўқ. Ёлғиз қолиб, ўйлаб, ўзига келиб олсин. Юринг касалхонангизга, асабийлашиб, қон босимим ошиб кетганга ўхшайди, ўлчаб кўрингчи.

Бошлашиб, касалхонага боришди.

– Аъмолий, – деди Тошбўри.

– Бу нима дегани? – тушунмади Нурқобил.

– Буми, бу – идеалний, яъни 120 га 80 дегани бўлади ака, ўзбек тилига давлат тили ҳуқуқи берилди-ку, энди тиббиётдаги истилоҳларни ҳам ўзбекчалаштиряпмиз-да. Қисқаси, бу босим билан тоғларни талқон қилишингиз мумкин.

– Ўзи ният ҳам шу. Ҳаётбоши чўққисидан бошлаб Оқтов билан Қоратовни талқон қилмоқчиман, – деди кулиб Нурқобил. Кейин қўшимча қилди. – Демак идеал, деганининг ўзбечаси омол бўлар эканми? Луғатдан кўрдингизми?

– Ойсифат айтди. Ўрта Осиёни ўрислар босишидан анча олдин яратилган фарангча-туркийча сўзликда шунақа дейилган экан.

– Қаранг-а!..

Хайрлашаётганларида Тошбўрининг чехраси очилган, кўзларида севинч порларди. Нурқобил касалхонадан чиқиб уйига келди. Амма ишда, ўғиллар мактабда. Ётоғига кириб, кенг каравот устидаги парқув кўрпага ёнбошлади. Ўй сурди. Тўғри қилдимми? деб сўради ўзидан. Албатта тўғри қилди. Қизиқ, наҳотки Ойсифат чиндан ҳам... уни ўзича яхши кўриб юрган бўлса. Ҳм-м, кўрса уялиб, қизариб юришининг сабаби шу экан-да. Бу – ўткинчи ҳавас. Ўсмирликда севги ҳақидаги адабий китобларни кўп ўқиш натижасида шунақа беғубор ҳавас пайдо бўлади. Бир пайт-

лар Нурқобил ҳам Россиядан келган рус тили ўқитувчисини яхши кўриб қолиб, бир неча ой тунларни бедор ўтказган. Ираида Андреевна эди муаллимлар билим юртини тугаллаб, Россиядан йўлланма билан Чашмизиракка келган ўша ўн тўққиз ёшли қизнинг исми шарифи. Жудаям чиройли ва зукко эди. Ҳар тугул Ира хоним бир йил ишлаб юртига равона бўлди. Акс ҳолда ким билади оқибат нима бўларди...

### 3.

Хўжалик директорлигига эски “қадрдони” тайинланганини эшитган Нурқобилнинг юрагига таҳлика кирди. Бу одам ҳамма ишни дабдала қилади, деган хавотирга тушди. Жаҳли чиқди. Қанақа кўтир дунё бу ўзи? Наҳотки, шу қари қирчанғидан бошқа номзод топилмаган бўлса? Бунақалигини билганида қасамини бузиб бўлса ҳам ўзи эгалламасмиди ўша... сийқаси чиқиб кетган курсини. Худойқулов огоҳлантирган-ди-я халта кўтариб Самарқанду Тошкентга қатнаб юрган мансабпарастлар ҳақида. Нурқобил эътибор бермади. Энди эски коммунистларнинг даври ўтган, деб ўйлади. Ўтмаган экан-да. Ҳа майли, барибир ҳам энди замон бошқача. Нима бўлгандаям, Нурқобил шу боғни ҳеч кимга бермайди энди. Худойқулов ҳам ваъда қилди-ку. Аммо Нурқобил-ку, ҳақини айириб олар. Бироқ бошқалар, оддий одамларнинг ҳоли нима кечади?

Худди шу мулоҳазалар уни қадрдон инсонининг суюкли хонадони сари ундади. Маслаҳатлашгиси, дардлашгиси келди. Қир ошиб, довдирнинг кўрғонига яқинлашар экан, кўнглидаги яна бир хавотир юзага чиқди: Маъсума билан тикламоқчи бўлаётган муносабатлар нима бўлади? Ўташев яна қайтиб келаётган бўлса, яна Қора ботир бўлиб, ўртада

кўндаланг турмайдими? Тўғри, улар қонуний ажралишган. Бироқ... Ўташевдан буткул қутилиб кетиш осонмас. Нурқобил орқаваротдан суриштириб билди. Ўташев айрим қишлоқдошларга: “Ёш хотинга уйланиш учун қоғозда кўйди-чиқди қилганман, лекин шаръий никоҳимда турибди”, деганмиш. Нурқобил эса Маъсуманинг севгиси чин экан, акс ҳолда мени деб, бойвуччалик ҳаётию шунча молу дунёдан воз кечмасди, деган хом хаёлда юрибди. Кўнглини борган сари илтиб, яқин кунларда алоқа боғлаш ниятида эди. Ҳўв бир куни Ойсифатга насихат қилиш асносида “бева” ҳақида гапирганида айнан унинг маҳзун орази кўз ўнгида жилваланганди. Ўшандаёқ зудлик билан учрашгиси келиб, бир неча кун каловланиб юридю, яна ишлар билан андармон бўлдими, ёки мудом юрагининг тубида милтиловчи чўғни алангалатишнинг ҳали мавриди келган эмас, деб ҳисобладими, ишқилиб, яна ўзини мажбурлаб чалғитди. Мана энди... масала яна мураккаблашиши мумкин. Йўғ-е, унақамасдир. Маъсума Ўташевдан расман ажралганига анча бўлди-ку. Қонунан боши очиқ аёл. Энди Ўташев унга хўжайинлик қилолмас. Маъсуманинг ўзи-чи? Ўзи... жон деса керак. Ахир охирги бор юракдан суҳбатлашганларида қутилмаган бир дадиллик билан баралла айтганди-ку: чўлу биёбонда, тоғу тошда яшашга ҳам розиман агар бирга бўлсак, деб. Ўша гапни рост айтган бўлса ва энди раҳбар эмас, оддий боғбонга тегишга ўзида таманною журъат тополса, кўнар. Бироқ мана бу шароитларга кўникармикан? Боғдаги мўъжаз шийпончада яшашдан ор қилмасмикан? Яна... Ўташевнинг кўз ўнгида. Айтишларича, кетаётиб, аламли иддао билан: “энди бу даштларни елкаминг чуқури кўрсин”, деган экан. Аччиқ устида айтгандир-да. Ўташев ҳам

дастлабки вақтлар қаҳр билан: “қисир чиқди, шунинг учун жавобини бердим, яна битта онаси ўпмаганини оламан, ажабмаски буниси кўчқордай ўғил туғса”, деган экан. Дарвоқе... Нурқобилга туғмасаям майли, ўғилларини оқ ювиб, оқ тараб катта қилса, улар тукқан онасидан кам кўришмайди. Унгача амманинг ёнига кириб, уларнинг тарбияси билан шуғулланиб, рўзгорнинг иссиқ-совуғига чидаса бас. Бир пайтлардаги ишқ-муҳаббат, “ўлдим-куйдим”лар энди қайта тирилмасаям, шунчаки дўстона муносабат асосида яшашса ҳам майли. Зеро, Нурқобил энди илгариги Нурқобил эмас. Унинг ярим кўнгли Гулруҳ билан кетган. Маъсума ҳам... шунча ғавғою машмашалардан сўнг... ким билади руҳи қай аҳволда. Нима қилгандаям, икки яримта кўнгил бир бутун бўлар ҳайтовур. Хуллас, Маъсумага бир хат ёзиш, кўйнига кўл солиб кўриш керак! Агар бир пайтлардаги майлу интилишлари рад этилгани учун Нурқобилдан совиб, ёлғизлик қисматига тан берган бўлмаса. У қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтида лаборант бўлиб ишлаётган экан. Суҳроб кўрибди. “Турмуш қилмадингизми, танҳо ўзингиз қийналмаётирсизми?” деган саволига: “Ёлғизлик пешонамга ёзилган шекилли”, деб жавоб берибди. Келса керак... Аммо... унинг кутилмаганда ашаддий рақибига манкуҳа бўлиб Чашмизиракка қайтишини Ўташев тинчгина қабул қиладими? Яна... қонли муҳорабани бошлаб юбормайдими, турмушларини заққумга айлантирмайдими? Ўлдими, энди улар рақиб эмас, Нурқобил унинг порлоқ келажак сари юришига тўғаноқ бўлаётгани, оғзидаги ошини тортиб олаётгани йўғ-у. Оддий бир боғ қоровули бўлса. Ўташев эса ҳар қалай отдан тушса ҳам эгардан йиқилмади. Туман раҳбарлигидан олинганидан сўнг вилоят ҳокимлигида ишлади. Мана энди улкан хўжа-

ликка раҳбар. Энди унинг Маъсума ҳақида ўйлашга, Нурқобил билан пачакилашиб юришга фуржаси ҳам топилмас. Ахир хусусийлаштириш бошланмоқда. Ўзига қолса бу тоғларнинг орасидаги барча суғориладиган ерлару яйловлар, жонивору гиёҳларга эгалик даъво қилиши аниқ. Бир пайтлар икки тоғнинг ораси боболаридан қолган мулклар экани ҳақидаги билса ҳазил, қабилида пичирлаб юрган гапларини энди баралла, жиддий айтади. Қўйиб берса, бутун Ўзбекистонни текин хусусийлаштиради, жуда бўлмаса сотиб олади. Ҳалиги Итлян айтган гапларнинг юздан бири рост бўлган тақдирда ҳам шунга етарлик пуллари бор. Астафидулло! Шунча ағдар-тўнтарлар бўлиб ҳам чивин чаққанчалик озор топмади-я шу одам. Ҳатто бутун республикани зир титратган Итляндай кимсаларнинг ҳам бўйнига емхалта осиб, ўз ноғорасига ўйнатди. Тўғри, катта харажатлар қилган, дейишади. Лекин сувдан қуруқ чиққани бор гапда! Айримларга ўхшаб қамалиб, жилла қурса икки-уч йил ўтиргани, Нурқобил сингари қисқа бўлса-да, йилларга, балким бутун бир умрга татийдиган авахта, тергов азобларини чеккани йўқ. Ўрдак экан. Дунёни сув босса ҳам юзасида сузиб юравераркан. Қойил, ҳалиям мудом икки юзидан қон томгудек соғлом, нафасидан от ҳуркадиган даражада басавлат. Ҳа, дарвоқе, энг муҳим бир гап сал бўлмаса эсидан чиқаёзибди: “яйлов радиоси”нинг расман тасдиқланмаган ахбороти (Чашмизиракликлар тоғ қишлоқларида тарқаладиган узунқулоқ гапларни шундай аташаркан)га кўра, Ўташев шаҳарга кўчиб борганидан бери телевидениеда ишловчи бир ёши ўтган журналист қиз билан топишибди. Ўша журналист қиз бу гапни Бойқувват Ўташев бошқарувчилиқ қиладиган бўлим ҳаёти ҳақида телекўрсатув тайёрлаш учун келганида



очиқ айтибди: “Ҳали қонунан рўйхатдан ўтканимиз йўқ, никоҳ ўқитиб яшаяпмиз”, депти. Қирқ беш ёшли Бойқувват ўттизининг берисидаги қизга бир неча бор: “чеча”, деб мурожаат этганини одамлар ўз қулоқлари билан эшитишибди. Майли, шояд, шу билан бахтли бўлиб тинчиб кетсаю, бошқалар ҳаётига дахл этмаса. Чамаси ўша журналист қиз Ўташевнинг сояи давлатида давр суриб, ижод этиб, бахт-саодатга эришувни кўзлаган. Содда экан-да. Валинеъматининг яқин кечмиши билан қизиқиб, чуқурроқ бир “журналист суриштируви” ўтказмабди. Билъакс Шоқувват оғанинг “шоҳона” қилғуликларидан бир шингилгина хабар топган, яъни биринчи хотини билан ажралаётганда: “болаларинг мендан эмас”, деб на яшашга уйжой, на тирикчилик қилгани тузукроқ сармоя берганини, ҳатто алимент тўлашдан ҳам бош тортганини, Маъсуманнинг жавобини бераётганида қулоғидаги бриллиант балдоқдан бошлаб, қўлидаги никоҳ узугигача ечиб олганини эшитган ва хом хаёлларидан воз кечган бўлармиди. Янаям ким билади дейсиз, ҳозирги замон ёшларининг ўз қаричию ўлчамлари бор. Балким ҳаммасини билатуриб, шу одамни бир боплаш мақсадида киргандир унинг паноҳига. Валлоҳи олам биссавоб. Оллоҳ – қози.

#### 4.

Ҳаким чўпоннинг отари ҳамишагидай озода, файзли ва саранжому саришта, кўрган одамнинг кўзи қувонади. Салкам бир ярим мингта қўй боқиладиган кўра-кўтону бостирмалар ҳафсала билан тозаланган, шунча ушоқ мол сақланадиган ҳайҳотдай жойда бир дона қий ё бирор ем-емишнинг ушоқдай қолдиғию чиқиндиси йўқ. Бир гал шаҳардан келган текширувчилардан бирининг: “бу қўйларнинг қийи қани,

оқсоқол?” деган саволига афанди чўпон: “жониворларнинг барчасини ҳожатхонага қатнашга ўргатганмиз”, деб жавоб қайтариб роса кулдирган. Сирасини айтганда бундай сўлим, хушҳаво жойларни тоза тутмасликнинг ўзиям увол-да! Бир қир нарида серсув ва шифобахш булоқ, нариёғидан қуюқ арчазор ўрмонлар бошланиб кетади. Икки дара ошилса, Нурқобилнинг боғлари. Нурқобилники эмас-э, давлатники, халқники. Ҳаким довдирнинг иддаосига кўра эса кейинги пайтларда “давлатники, халқники”, дегани ҳеч кимники эмас, эгасиз, қаровсиз, деган маънони англатадиган бўлиб қолди. Ўташевларнинг ҳалигидақа гаплари ҳам шу муносабат билан пайдо бўлганига шубҳа йўқ. Қаранг-а! Бир хил жонивор бўлар эмиш: табиатда юз берадиган кескин ўзгаришларни беш-олти йил олдин сезадиган. Ўташевлар эса жамиятнинг шу каби жониворлари бўлса, не ажаб. Аммо... ижара ва хусусийлаштириш ҳақидаги қарору қонунлар чиқса, чорва, боғу-роғларни истаган кимса бепўш-пўш эгаллаб олишига йўл қўйилмаса керак. Нурқобил ҳам қараб турмайди. Тассарруфидаги боғлар, Ҳаким чўпоннинг фараҳбахш ҳаволи отарию шунча қўй-қўзиси қонунан ҳалол расамад этилиши учун курашади албатта. Ишқилиб ҳокимнинг “тайёр луқма” борасидаги таклифини рад этиб, тузатиб бўлмайдиган хатога йўл қўйган бўлмасин-да..

“Йиғлаб борсам, хўнграб чиқди”, деганларидек, Довдир салом-алигу бир пиёла чой, бир қоса қўйнинг қатиғидан сўнг, ҳозиргина Нурқобил кўксидан ўтказиб келаётган мавзуда ҳасратини бошлаб қолди:

– Бизнинг отарга эга топилибди! Эшитдингизми?

– Эшитмаган бўлсам ҳам аниқ айтишим мумкин.

Ва ўша одам ёки одамлар эрта-индин бизнинг боғларга даъвогар бўлиб чиқса сираям ажабланмайман.

– Ҳа, Бойқувват Ўташев ижарага олармишлар. Бу уккағарлар сира тўймас, сира тинчимас эканда-а, Нурқобилбой, нима қиламиз, қўл қовуштириб ўтира-верамизми яна?

– Ҳаким ака, нимага бунча ташвишланасиз. Қонун-қоида бор, элу халқ жамоатчилиқ, дегандай...

– Э-э, худди Ўташевларни билмагандай гапирасиз-а! У мардум эртага қичийдиган жойини олти ой олдин қашиб қўяди. Ҳойнаҳой, бизнинг отарниям, сизнинг боғларниям керакли одамлар билан гаплашиб, аҳолининг розилигини олиб, тегишли ҳужжатларни тахтлаб, аллақачон ўзлаштириб қўйган бўлса керак.

– Аввалги сафар эсингизда бўлса, қанча чиранмасин, директорликни укасига олиб беролмаганди. Худо ҳоҳласа, бу гал ҳам...

– У пайтлар социализм эди бўтам, ҳозир... феодализмми, капитализмми, аниқ айтолмайман, гарчи бир пайтлар жамиятшунослик фанидан аълога ўқиган бўлсам ҳам. Фақат бир нарсани аниқ сезяпманки, пули кўпнинг кетмони учяпти. Энди сиёсий иқтисод тарихини суйиб ўрганган чўпоннинг гапини эшитинг: Европада Жозеф Прудон, деган жамиятшунос олим ўтган, эшитгандирсиз. Инсониятнинг барча кулфатлари мулк масаласига бориб тақалади, деган. Мулксиз, ишсиз, кўчада қолган халойиқ яна ўн еттинчи йилдаги сингари тўртта бузғунчининг измига кириб, тўнтариш қилмаса, деб қўрқаман. Тарихнинг сабоқлари аччиқ.

– Э, қойил, Ҳаким ака, унча-мунча олимнинг хаёлига келмайдиган гапларни айтасиз-а!

– Билади, керакли китобларни ўқиган... ҳар қанақа аҳмоқ билади буни. Хуллас, мен тунов кунги қарорни ўқиб, шундай мўлжал қилгандим: отарни Эшпўлат

билан Очилбойга тенг бўлиб бериб, ўзим нафақага чиқсам-да, мазза қилиб ижод этиб юрсам. Менга мулкнинг кераги йўқ. Ойсифат шаҳарда ишлаётир, Тўхтарбой ўқишда. Битказиб қишлоққа қайтмоқчи эмас. Бола пақир ҳалиям ўша – раҳбар ходим бўлман, деган орзусидан воз кечгани йўқ. Туриб-туриб ўйлайман, кимнинг устидан кулсанг, ўшанинг аҳволи болаларинг мисолида олдиндан чиқади, дейишади. Бўлаваччамиз Шоқувват Ўташевнинг мансабпарастлиги шу ўғлимизга юққан шекилли. Хуллас, эшитдимки, Ўташев укасига Сувлидара атрофидаги барча мулкларни, еру сувларни хусусийлаштириб бериш ҳаракатига тушибди. Бойқувватбой эллик грамм ичса, фақат шундан гапирадиган бўп қолибди. Бизга узоқроқ бўлсаям хешу ақрабо сифатида ҳиммат кўрсатмоқчи эканлар: “Маили, ёрдамчилари билан биргаликда бизга ёлланиб ишлайверади, маошини давлатникидан икки баравар кўп тўлаймиз”, дептилар. Шунга... анчадан бери оғримай кетган юрак қурғур икки кундан бери санчиб–санчиб қўяётир. Менку, ҳеч нарса йўқотмайман. Лекин... Эшпўлат билан Очилбой нима қиладир? Бечоралар ҳозирдан Россияга мардикорчиликка кетиш ҳаракатига тушишган. Нималар бўляпти ўзи? Одамга алам қилар экан Нурқобил, ука. Агар... яна ўшалар айтгани-айтган, дегани-деган бўладиган бўлса, бунинг устига бояги гапингиз тўғри чиқиб, сизнинг боғларни ҳам эгаллашса, менинг бу... кўтир дунёда яшашимнинг мутлақо қизиғи қолмайди.

– Унақа деманг, турмушдаги нотекисликлар устидан кулиб, ҳамиша бизни ҳаётни севишга даъват этиб келган одамсиз.

– Э-э, ука, мен сизга айтсам, бу дунёда кулиб яшашдан қийини йўқ экан. Қайтанга... бир умр йиғлаб-

сиқтаб ўтган афзал экан. Ўлсин бу кулги, юракни адо қилди...

Нурқобил қадрдон оғасига нима деб далда беришни билмай бир неча сония жим қолди. Хув ўшанда унга ҳокимнинг таклифини рад этганини айтмаганди. Энди айтса, ҳозир ҳасратидан чанг чиқиб кетса керак. Сухбат орасида уй эгаси Нурқобилга яхши маълум яна бир дардини дастурхон қилди:

– Ойсифат қиз ўлмагур ҳам... гапга кирмай чарчатди мени. Биринчи марта очикча гаплашдим юзимнинг пардасини сидириб, “Онангни адо қилдинг-ку қачон эрга тегасан, Тошбўридай муносиб йигитни ноумид қилма, бу ношукурлик, нонтепкилик бўлади” дедим. Бечора йигит, Ойсифатнинг яқинида бўлиш учун, бу ердаги катта лавозимдану, тоғасиникидаги шоҳона ҳаётдан ҳам воз кечиб, шаҳарга бориб, оддий ишга қаноат қилиб юрган экан. Саркаш қиз эса: “Тошбўрида кўнглим йўқ, яхши кўрмаган кишимга қандай тегаман, наҳотки ёлғиз қизингиз бир умр йиғлаб ўтишини хоҳласангиз” дейди. Мен унга ишқ-муҳаббат, деганлари хаёлий, китобий нарса, одам агар ҳаётнинг, тирикликнинг моҳиятини чуқур англаса, севгисиз ҳам бинойидек яшаши, бахтли бўлиши, фарзандлар тарбиялаб, уларнинг орзу-умидини кўриб, олдига қўйган бошқа мақсадларига эришиб, бу дунёдан беармон ўтиб кетади, дея тушунтиришга кўп уриндим. Бувию оналаримиз эрларини илк бор чимилдикда кўришган, бу уларнинг саодатманд турмуш кечиришларига асло монелик қилмаган, дедим. Қулоғига кирмайди. “Ҳозир замон бошқа, севмаган кишинг билан яшагандан кўра тоқ ўтган афзал”, дейди. Ўргулдим замонингдан. Ўзимдан ҳам ўжар чиқди бу қиз. Эмасам, юравер шунақа... менинг бошимга ёстиқ бўлиб, дедим.

– Ҳаким ака, сиз куйинманг, Ойсифат ақлли қиз, ўйлаб-ўйлаб, барибир кўнади. Муҳими, Тошбўри аҳдида қойим, нияти жиддий эканини исботлашга қаттиқ киришган. Мен у билан бу ҳақда гаплашган эдим. Алпомишлару Фарҳодлардан гапирди, қанча кутиш лозим бўлса кутаман, қанақа шарти бўлса бажараман, шу қизга уйланмасам, дунёдан тоқ ўтаман, деди.

– Ишқилиб айтганингиз келсин. Яна бир дардим бор: Тўхтарбой укангиз “Орзу” жамғармасига ариза берган экан ўқишини хорижда давом эттириш борасида. Рухсат бўлибди. Шунгаям дилгир бўлиб ўтирибман.

– Ие, нимага дилгир бўласиз, қувонмайсизми? Қайси давлатга?

– Англияга.

– Яхши-ку.

– Яхшиликка яхши-ю... У мамлакатларда эркинлик. Ёшлар озод ҳаволарда ўзини йўқотиб, турли йўлларга кириб кетиши осон-да, шуни ўйлаётирман.

– Сизнинг ўғлингиз ҳеч қанақа ёмон йўлга кирмайди, хотиржам бўлинг.

– Астаффирилло, денг, Нурқобилбой, ҳар биримизнинг елкамизда ўтирган шайтон бор.

– Ўзимиз шу ерда туриб бўлсаям қаттиқ назорат қилиб турамыз.

– Кошкийди таъқиқ ва назорат билан ҳамма мушкулни ҳал этиб бўлса. Хуллас, мен унга ҳозирча розилик бермай турибман. Яна бир ўйлашайлик. Дарвоқе, эртага Очилбой қайтаётир.

– Мана бу ажойиб хушxabар! – деди Нурқобил астойдил суюниб, – унда бир қўй сўйиб, худойи қилворишингиз керак.

– Албатта қиламыз. Келасиз...

Ва ниҳоят ҳикоямиз бошида судланиб тўрт йилга кесилгани ва бу билан Ҳаким оғасини ачинтириш баробарида ғурурлантирган Очилбой воқеасини сўзлаш фурсати етди. Уни ваъдамизга биноан таҳсилини чет элда давом эттириш орзусида юрган, бу пайтга келиб, худди Нурқобил акаси сингари раҳбар бўлиш ниятидан воз кечиб, падари бузруквори каби адабиёт ихлосмандига айланган, журналистика факультетида ўқиш давомида бир-икки машқларини анчайин нуфузли газету журналларда чоп эттиришга улгурган Тўхтарбой тилидан сўзлаймиз.

## 5.

Отаримизда соқоли ерга теккудек бир серка бўларди. Асли бу ҳикоя серка ҳақида эмас. Мен ўша йиллар ўзим беихтиёр гувоҳ бўлган бир муҳаббат ва нафрат, рашк ва қасос воқеаси ҳақида сўзламоқчиман. Қора серканинг эса ана шу воқеага маълум даражада алоқаси бор эди.

Отаримиз жойлашган Сувлидара – йил ўн икки ой ям-яшил бўлиб, яшнаб турувчи сўлим бир воҳа. Бағрида адашмасам, ўн иккита булоқ қайнаб ётар, энг юқоридаги ва энг каттаси Чашмизирақ деб аталар, унда балиқлар ҳам бор эди. Чашмаларнинг суви ёзда муздай совуқ, қишда эса тишга тегмайдиган даражада илиққина бўларди. Қўйлар сурувини ана шу чашма яқинидаги қўлбола новда суғорардик.

Сиз шу топда тоғ бағридаги ям-яшил майсаю гиёҳларни еб, тоза чашмалардан сув ичган қўйларнинг гўшти нақадар мазали ва шифобахш бўлади, деб ўйлаётгандирсиз. Мен эса чўпон муҳаббати ҳақида ҳикоя қилмоқчиман-у, кўз олдимда ўша қадрдон қора серкамиз гавдаланаётир. Қора серка сурувимизнинг таъбир жоиз бўлса, “командир”и эди. Унинг бўйни-

га оғирлиги ярим килоча келадиган мис кўнғироқ осилган, юрганида ғоят нафис, аммо жиддий оҳангда “кўнғир-кўнғир” этиб жаранглаб турарди. Серкамизнинг гавдаси катта, қадди тик ва мағрур, бошқа серкалардан, ҳатто айрим одамлардан фарқли ўлароқ, анча ақлли ҳам эди. Зеро, қўйлар сурувини дадил олға бошлаб борар экан, аҳён-аҳёнда орқасига қараб, имиллаётган қўйларга “ме-е-е” деб дакки ҳам бериб кўярди.

Отаримиз қарашли бўлган давлат хўжалигининг мол дўхтири, аниқроғи – уруғлантирувчиси (қоракўлчилик хўжаликларида совлиқларни сунъий қочириш билан шуғулланувчи мутаххассис, ўрчисасига “осеменизатор” дейилади) Ҳалим Икромов бир куни отамга:

– Ҳаким ака, бу серкани қаердан топгансиз, жуда каллали-да жонивор, – деди.

– Ўзимизнинг хонаки эчкини меринос такасидан қочирганман, – жавоб қилди отам. – Дурагай. Шунинг учун ҳам катта. Қаранг, йўлбарсдай келади ўзиям. Итлар, ҳатто бўриям бетлай олмайди.

– Яхши қочирган экансиз-да, ёши неччида?

– Қарияпти, – деди отам афсусланиб. – Аммо-лекин бақувват. Бичилган-да, соғлом. Агар така бўлганида аллақачонлар сафдан чиқиб қоларди. Бу ҳали беш-олти йил хизмат қилиб беради. Кўз тегмасин деб, қулоғининг тагига тумор ҳам осганман.

Молдўхтир раҳмдил одам эди. Отамдан:

– Шуниси... бичган пайтда кўнглингиз алланечук бўлиб кетгандир-а? – деб сўради.

– Бу серкани мен эмас, Очилбой бичган. У бунақа ишларга устаси фаранг бўлиб кетган. Лекин чинданам бироз ачинганман, чунки ҳар қандай жонзот ҳам Худонинг яратмиши. У ҳам дунёга насл қолдираман,



ҳаётнинг лаззатини сураман, деб келади. Аммо серкалик ҳам бир қисмат, ука, яъни серка дегани қўйлар сурувининг йўл бошловчиси, етакчиси демакдир. Йўлбошчиликка раво кўрилган экан, шунақа тақдирга рози бўлади-да, ука!

Айтганча, Очилбой дегани отамнинг ёрдамчиси. Ёши ўттиз бешлардаги, қаеридир ўша серкамизга ўхшаш, қоп-қора даванг, аммо ўзи қўйдаи ювош, камгап одам. Болалигида етим қолган. Отам ўзига тутинган ука қилиб, тарбиялаб олган, ўзи уйлантирган. Индиямин тегирмончининг Ойхол деган қизини олиб берган. Улар кўрамиз ёнбошидаги икки хона, бир даҳлизли иморатда туришарди. Етти йил турмуш қилганларига қарамасдан ҳали фарзанд кўришмаган. Отам бир куни унга: “Яна бир-икки йил қараймиз, туғмаса – қўясан. Бошқа хотин олиб бераман, бу дунёда фарзандсиз яшаш қийин” деб айтди. Камгап Очилбой амаким: “Менга бошқа хотин керак эмас” деб гўлдираб қўйди. Чамаси, у Ойхол янгамни қаттиқ яхши кўрарди. Ойхол янгам эса... Дарвоқе, чалғиб кетдим. Ҳалим молдўхтирга қайтайлик.

У раҳмдиллик билан биргаликда анчайин ҳазилга мойил ҳам чиқиб колди. Кулимсираб мулоҳаза юритди.

– Шу қўй халқига қойил қоламан, қизиқ-а, ўз қавмидан чиққан қўй ёки лоақал кўчқорнинг орқасидан эмас, айнан... бичилган серканинг ортидан эргашади. Нега шундай экан, Ҳаким амак, ҳеч қизиққанмисиз?

– Бу саволга энди сиз жавоб беришингиз керак, Ҳалимбой, – деди отам ҳазил билан жавоб қайтариб.  
– Ахир сиз одам дўхтир эмас, молдўхтирсиз-ку.

Ҳалим Икромов яйраб кулди.

– Оббо сиз-эй, аммо-лекин зўр сўз ўйини қилдингиз – “Одам дўхтир эмас, молдўхтир”. Ўзим ҳам баъзан

кўни-кўшнилар у ер-бу ери оғриб, “кўриб қўйинг” деб чиқишганда “ўв-в, оғайнилар, мен ахир одам дўхтир эмас, молдўхтирман” деб койиб қоламан. Баъзилари шунда ҳам бўш келмайди, “нима фарқи бор, кўравермайсизми” деб. Сиз ўзингиз ҳам бир умр қўйчўпон бўлганмисиз ёки сигирчўпонлик ҳам қилган жойингиз борми?

– Мен бир умр қўйчўпонман, қўйнинг баракаси бор. Қорамол боқиш ҳам яхши, лекин қийинроқ. Қорамол қурғур барибир моллигига боради. Йилнинг айрим фаслида бошқариш қийин. Маст бўлади. Қўйикка келган чоғларида ғунажинлар кўзини сузиб, буқачаларни тамом издан чиқариб юборади. Кейин, касалиям қўп. Ўзингиз яхши биласиз-ку..

– Ҳа, тўғри айтдингиз. Молнинг маст бўлгани ёмон. Мени пастда, дашт тарафда туя боқадиган қозоқ қардошлар ҳам баъзан “туяларни кўриб қўйинг” деб таклиф этиб туришади. Аммо туянинг маст бўлгани чатоқ экан. Эгаси ҳам кўзига кўринмай, тишлаб оларкан. Лекин-чи, ахта қилинган кўчқор, яъни дагарнинг, ундан кейин қирқилмаган улоқнинг, барра кўзининг гўшти жуда ширин. Бунинг устига шифобахш бўлади, тўғрими?

– Шунинг учун қўй яхши дейман-да, Ҳалимбой, ювош. Айтишларича, Худоим таоло ҳам Қуръонда “Қўй боқинглар” деган экан.

– Унисини билмадим. Қуръонни ўқиганим йўқ, – деди Ҳалим молдўхтир. – Аммо бизнинг фанда қўй ҳақида муфассал маълумот берилган. Шунинг учун камина қўйлар ҳаётини ипидан игнасигача ўрганганман.

– Унақа бўлса, мендан “Қўй нега ўз қавмига эргашмайди?” деб сўраб ўтирганингиз қизиқ. – деди отам. – Ё мени имтиҳон қиляпсизми?

– Айтдим-қўйдим-да, ака. Ҳаммасини ўзим яхши биламан, – деди молдўхтир ва фалсафа сўқиб кетди. – Қўй ўзи яхши, гўшти ширин ва майин бўлиши билан бирга ўта ахмоқ, ношуд жонивор ҳамдир. Эшакдай-эшакдай қўчқорлар бир-бири билан калла ташлашиб уришади, пачоғини чиқаради-ю, тирриқ серкани шохлаб, сузиб ташлай олмайди.

– Ветеринария китобида шунақа деб ёзилганми? – деб сўради отам мийиғида кулимсираб.

– Йўқ, мен ёзаётган “Қўйшунослик” деган китобга қиряпти бу гаплар. Тугатсам бераман, мазза қилиб ўқийсиз, фикр билдирасиз.

– Ҳали китоб ҳам ёзаяпсизми? Э, қойил сизга Ҳалимбой, – деди отам. – Лекин қўй жонивор жуда-а сиз айтгандай ахмоқ эмас. Аксинча, кўп ақлли ҳайвон. Ювошлиги, итоатли экани балким шундандир. Одамнинг ҳам ақллиси мулойим, муросали бўлади. “Ҳа” деганда сапчиб сакрайвермайди.

Ҳалим молдўхтирнинг жамики яхши фазилатларидан ташқари бирозгина мақтанчоқлиги, яъни қишлоқча айтганда, гуппилиги бор эди. Отам уни бу нуқсонни қалқиб чиққан кезлар бошқа чўпонлар сингари жеркимас, беозор аския қилиб ёки юмшоққина эътироз билдириб қўярди, холос. Шунинг учун Ҳалим ака бизнинг отарга кўп келар, қўй гўштининг шўрвасини мазза қилиб ичиб, отам билан узоқ-узоқ суҳбатлар қурарди. Гоҳида кечаси ётиб ҳам қоларди. Молдўхтирнинг отаримизга танда қўйишининг асосий сабаби бошқа ёқда эканини эса тасодиф туфайли билиб қолдим. Майли, бу ҳақда сал кейинроқ...

Ҳикоя аввалида Очилбой амакимнинг қаеридир серкамизга ўхшаб кетишини айтгандим. Чамаси, буни унинг ўзи ҳам биларди. Шунинг учунми, қора серкани яхши кўрар, мудом атрофида гирдикапалак

бўлиб соқолини, майин жунларини ҳафсала билан тарар, бўйнидаги мис қўнғироғини олиб, эринмай латта билан артиб, тозалаб, қайтадан осиб қўярди. Ана шу пайтларда мен унинг ёнида юрар, баъзи ишларига ёрдамлашардим. Шу боис қора серка Очилбой амакимнинг меҳрибонлигини алланечук норозилик билан қабул қилишини, узун шохли бошини сарак-сарак чайқаб, қаршилиқ кўрсатишини, катта-катта яшил кўзлари билан ғамгин боқишини кўрганман. Очилбой амаким эса ўзи камгап бўлса ҳам, серка билан эринмай “суҳбатлашарди”.

– Хўш-хўш, жонивор, – дерди у. Кейин менга ўғирилиб. – бу бечора ахта қилганим учун хафа, – деб қўярди.

Ўшанда мен ўн уч ёшларда эдим. Очилбой амакимнинг гапларини унчалик англамаганман. Орадан йиллар ўтгач, маъносини тушундим ва уни, қора серкани ҳамда ҳикоянинг ёзилишига сабаб бўлган воқеани ўқтин-ўқтин эслайдиган бўлдим.

Ўшанда баҳор охирлаб, ёз бошланаётган кунлар эди. Ёмғир кўп бўлган, яйловда ўт-ўланлар белга урар, қўйлар чандон семириб, йилтиллаб, яйраб юришарди. Мен ва икки укам шундоққина қирнинг орқасидаги Йўлўтган қишлоғида жойлашган саккиз йиллик мактабга қатнардик. Отам ва Очилбой амаким навбати билан Олабой, Қорабой исмли икки бўрибосар итни ёнларига олиб, сурувкетидан юришар, қўрада онам билан Ойхол янгам қоларди. Отамнинг иккинчи ёрдамчиси – Эшпўлат ака ҳали ишга келмаганди.

Ёз арафасида бизга таътил бошланди. Ҳар куни эртадан кечгача уйда миз. Отам билан Очил амаким отарни Қоратоғнинг юқори қисмига, кўпдан-кўп шифобахш гиёҳлару, майсанинг барраси ўсиб ётган

жойларга ҳайдашганди. Ёмғирсиз, ҳаво очиқ кунлари баъзан кечаси ҳам ўша ёқда тунаб қолишарди. Ўшандай оқшомлари онам икки укамни олиб ўзимизнинг уйда қолар, мени “Ойхол янганг ёлғиз ётмасин, ёнига бор” деб Очилбой амакимникига юборарди.

Олдинлари Ойхол янгам мени ўзи билан бирга олиб ётар, ёш келин бўлгани, мендай боласи бўлишини орзу қилаётгани учунми, бағрига босганча, юзларимдан ўпиб, эркалатарди. Эртақлар айтарди. Сўнг эса нимагадир унсиз йиғларди. Мен буни зерикишдан деб ўйлардим. “Шундай сулув келинчак умрини кимсасиз яйловда ўтказаетгани, келинлик либосларини кийиб тўй-ҳашамларга бориб, ўйнаб-кулиб юрмаётгани учун ўқиняпти” деган хаёлга борардим. Ўзимча уни юпатишга уринардим.

Суннат тўйимдан кейин янгам мени ўзидан ажратди. “Энди йигит бўлиб қолдингиз” деб бош томонидан алоҳида жой солиб берадиган бўлди. Мен ўксиндим. “Йўқ, сиз билан ётаман” демоқчи бўлдим. Чунки сўнгги пайтлар у кўзимга оловдек кўринадиган бўлган, бу чамаси ўша, мен боя “биринчи муҳаббат” деган, аслида ўсмирлик замирида туғилган тоза бир туйғу билан боғлиқ эди. Айтолмадим. Уялдим. Аммо алоҳида ётсам ҳам, ҳар нечук Ойхол янгам шундоққина қўл узатгудек жойда эди. Бундан шод, бахтиёр эдим. Сочидан таралаётган тоғ ялпизининг ҳидини мацца қилиб ҳидлаб ётардим. Янгам сочини аввал қатиқлаб ювар, сўнгра тоғ ялпизи, жамбил, райҳон, яна қанақадир ўтлар қайнатмаси билан чайр эди. Шу боис ундан шундай анвойи ҳид таралар эдики, мен бу ҳидни умр бўйи ҳеч қаерда учратмадим.

Шундай қилиб баҳорнинг охирги кунлари эди. Кечки нонуштадан сўнг Ойхол янгам менга “Кетдик,” деди. Юрагим ҳаприқиб, бошим айланиб кетди. Ўн

яшар боламан. Илгари сира бунақа бўлмаган. Балки мен бошқа тенгқурларимдан кўра тезроқ улғайгандирман. Буни ҳеч ким сезмагандир. Ҳар қалай, бағоят ширин, ёқимли бир ҳаяжон оғушига тушдим. Беихтиёр кичкинтой вақтларимни, янгам билан ачомлашиб ётган оқшомларни, унинг иссиқ, юмшоқ вужудини энтикиш билан хотирамга келтирдим. Ўз-ўзимдан уялиб кетдим. Койиндим. “Қанақа бемаъни боламан, бунақа уят гапларни хаёлингга келтирасан” деб ерга қараган кўйи янгамга эргашдим. Одатдагидек, у менга бош томонидан жой солди. Мен анчагача бояги шавқ таъсирида ухлолмай ётдим. Янгамнинг ҳам чуқур-чуқур хўрсинганини, уҳ тортганини эшитдим. Эҳтимол, чўпонга теккани учун хафадир, деб ўйладим. Яна ўйладимки, Очилбой амаким чўпон бўлсам, эртақлардагидай келишган, паҳлавон йигит-ку. Отам унга: “Мендан кейин отарга ўзинг бошчилик қиласан, мукофоту орденлар оласан” дейди. Ё онам бирда қайсидир қариндош аёлга айтганидек, “тирноққа зор” бўлгани боис ўқинадим?

Кўзим илинган экан. Алламаҳалда эшикнинг ғийқиллашидан уйғониб кетдим. Кўзимни очиб, тун ғира-ширасида Ойхол янгамнинг даҳлизга чиқаётганини кўрдим. Бирпасдан сўнг нариги уйдан ниҳоятда паст овоз эшитилди. Очилбой амаким келган чоғи, деб ўйладим. Шумлигим тутди. “Бориб пойласам-чи? Нима қилишаётган экан. Йўғ-э, уят бўлади-ку...” Бироз иккиланиб ётдим, қизиқиш қурғур ичимга ўт ёқди. Секин ўрнимдан турдим. Оёқ учида пойгакка тушдим. Эшик қия очиқ экан, даҳлизга ўтдим. Нариги уйнинг эшиги зич бекилган. Яқинига бориб қулоқ тутдим-у, қотиб қолдим. Бегона эркак овози... Миямга қон тепди. Дабдурустдан овоз эгаси ким эканини биллолмадим. Бир маҳал “чўлп” этган ўпич саси, унинг

кетидан Ойхол янгамнинг “Мени яхши кўрасизми ўзи?” деган овози эшитилди. “Ҳа, ҳа, ҳа” – дея жавоб берди ҳансираган, энтиккан овоз. Энди топдим. Бу Ҳалим молдўхтир эди. Рашк, алам, қизғаниш гирдобада ўртаниб кетдим. “Ҳа-а, бу одам нега бунча кўп келади десам... Ойхол янгам билан учрашиб юрган экан-да!” Очилбой амаким билиб қолса нима бўлади?

Алам билан ўрнимга қайтиб келиб ётдим. Эрталаб-гача ухлолмай чиқдим. Янгам тезда қайтиб келди. Мени ухляптими-йўқми дегандек, юзини юзимга яқин олиб келиб текширди. Ўзимни ухлаганга солдим. Янгам жойига ётиб, инграниб-инграниб ухлади. Эртасига кун бўйи аллақандай кўшиқни хиргойи қилиб юрганини кўрдим. “Демак, ўшани севар экан-да” деб ўйладим.

Янгамни астойдил яхши кўрганим учунми, руҳи баландлигидан хурсанд эдим. Яна туриб-туриб, бегона одамни кўйнига киритгани учун ундан хафа бўлар, аламзадалик билан нафратланиб ҳам кўярдим. Болалик соддалигими, бир хаёлим: “Очилбой амаким келса, айтиб берайми?” деб ҳам ўйлардим. Янгамга раҳмим келарди. “Бу гап ошкор бўлса, отам Очилбой амакимга айтиб, ҳайдаттириши тайин. Кейин бунақа янгани қаердан топаман?”

Орада Очилбой амаким келди. Янгам яна тундлашиб, ғамгин ва ўйчан бўлиб қолди. Мен энди тайин ишондим: “Ҳалим молдўхтир билан севишган экан”.

Ёз авжига олган кунлар отам мени Бахмалга лагерга жўнатди. “Шу ер ҳам лагер-ку, нима қиламан?” деганимга қарамай, бошқа чўпонларнинг ҳам болаларини йиғиб юрган бир “ПАЗ” автобусига миндириб юборди. Манний бўтқа билан олма компотига роса тўйиб, бир ой деганда яна ўша “ПАЗ”га миниб, қайтиб келдим. Келган кунимоқ жанжалнинг устидан

чиқдим. Отам қанақадир иш билан пастга, қишлоққа тушган экан. Очилбой амаким қўй ҳайдаб яйловга кетган эди. Ҳалим молдўхтир келибди. Онам чойпой, шўрва ичириб, кечга яқин кузатмоқчи бўлганда:

– Йў-ўқ, вақтим бемалол, Ҳаким амакини кутаман. У киши билан бир чақчақлашамиз, – дебди молдўхтир.

Кейин онам нимадир ишга чалғиган пайтда, Ҳалим молдўхтир ташқарига чиқиб, Очилбой амаким-никига ўтган. Уйига кирган. Ойхол янгам ҳам ичкарида бўлган. Шунинг устига Очилбой амаким келиб қолган. (Шунақа, баъзида Очилбой амаким сурувдан олдин келар, қўйларни икки бўрибосар ит ҳайдаб келаверар эди). Булар шунинг учун сезмай қолишган.

Мен ичкарида радионинг қулоғини бураб ўтиргандим. Шовқин-суронни эшитиб югуриб чиқдим.

Очилбой амаким паҳлавон эмасми, бир қўли билан Ҳалим молдўхтирнинг ёқасидан, иккинчиси билан Ойхол янгамнинг сочидан судраб келар эди. Онам ҳай-ҳайлаб пешвоз чиқди.

– Айтинг, нима қилай, нима қилай бу бузуқиларни? – дерди Очилбой амаким паст, бироқ таҳдидли овоз билан. – Икковини ҳам бўғизлаб ташлайми ҳозир?

– Жо-он ука, жо-он ука, ўзингизни босинг, шайтонга ҳай беринг, – дерди онам ялиниб. Мен эса: “Чиндан бўғизлаб ташлармикин?” деган севинч ва қўрқув қоришган бир савол оғушида эдим. Севинч боиси – суюкли янгамнинг қўйнига кирган фосиқ молдўхтирнинг қўлга тушгани ва жазоланиши муқаррар бўлиб тургани билан боғлиқ, қўрқинч сабаби эса “наҳотки гулдек янгажоним сўйилиб кетса?” деган ваҳима-ю даҳшатдан иборат эди. Нафсиламбирини айтсам, Очилбой амаким учун жонлиқ бўғизлаш чивин ўлди-



ришдек гаплигини яхши билардим ва ўзим ҳам унинг қўй, қўчқор бўғизлаганини кўравериб, дийдам қотиб кетганди. Унинг мол сўядиган садаф сопли, катта-кон ўткир пичоғи доимо белбоғига осиглик юрар. шу топда менинг кўзим ўша пичоқнинг қинида эди.

Ҳалим молдўхтирнинг бахти бор экан. Қайдандир отам келиб қолди. Кела солиб, Очилбой амакимни орқасидан кучоқлади.

– Ўзингни бос ука, ўзингни бос, икки бузуқини деб ўзингни хароб қилма, қўйиб юбор.

Очилбой амаким отамни азбаройи хурмат қилганидан, қўлидаги бандиларнинг икковини ҳам қўйиб юборди.

– Сен ука, чиндан ҳам мол дўхтир экансан, молдан фарқинг йўқ экан, – деди отам шумшайиб турган Ҳалим акага қараб. – Одам туз еган дастурхонига кетини артмайди.

– Ўзи... ўзи ёпишди, Ҳаким амаки, ўзи “Эрим бепушт, келинг, мени бир синанг” деди. Биласиз-ку, ўзингиз айтгансиз: “Ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди” деб.

Шу гапдан кейин сал нарида ер шохлаб турган Ойхол янгам йиғили кўзларини катта-катта очиб, ҳайрат, алам, ўкинч ва ғазаб билан Ҳалим акага қаради. Кейин шарт бурилиб, уйига қараб чопиб кетди.

Отам Ҳалим молдўхтирнинг гапига ишонмади шекилли, бир зум жим қолди. Кейин жаҳл билан:

– Ўзи кўзини сузса, ёпишаверасанми? Гулдай бир рўзғорни буздинг. Энди ол, қўлидан етакла-да, олиб кетавер. Очил бор, ичкарига кириб, талоғини бер хотинингни, – деди.

Очилбой амаким ҳайкалдай қотиб турарди. Отам кутди. Амаким қимирламади. Мен “хотинини ҳайдашга кўзи қиймаяпти, яхши кўради-да” деб ўйла-

дим. Ўзим ҳам Ойхол янгам кетиб қолса, худди энг азиз, энг яқин одамимдан ажралиб қоладигандек, йиғламоқдан бери бўлиб турардим. Отам яна ўйланди. Билмадим, ўша лаҳзаларда нималарни кўнглидан ўтказган. Ҳарқалай, шунини яхши билардимки, у Очилбой амакимнинг қалбини тушунди.

– Бўпти, сенга жавоб, – деди дилдираб турган молдўхтирга қараб. – Қайтиб бу ерга қадамнингни босма. Буёғини ўйлашиб, маслаҳатлашиб, керак бўлса кўч-кўронини ортиб, ҳовлингга олиб бориб ташлаймиз. Кўш хотинли бой бўли-и-иб юраверасан. Бор, йўқол, қорангни кўрмай, тез чиқ!

Одам боласининг феъли қизиқ. Боягина Очилбой амакимнинг қўлида япроқдек титраб турган молдўхтир энди ўзини дадил тута бошлади. Чамаси, илгари сизлаб, қўл қовуштириб юрган отамнинг ҳалидан бери кетма-кет сенсираб ҳақорат қилганидан аламланди ва нимадир деб жавоб қайтариб кетгиси келди.

– Э, ака, бу – давлатнинг қўйи, давлатнинг кўраси. Сиз мени бу ерга келолмайдиган қилолмайсиз. Нима, ўзи ёпишган бўлса-ю, бир марта биллагидан ушлаган бўлсам, осмон узилиб ерга тушибдими? Шунга дарров хотинимнинг устига хотин қилиб олишим керакми?

– Э, бор-э, сенга иккита хотин тугул, биттаси ҳам ҳайф экан, ўзинг хотиндан баттар экансан. Йўқол-э... Ҳайда буни Очил.

Очил амаким хезланди. Қўли белбоғидаги пичоққа югурди. Ана шунда Ҳалимбой акамиз яна бояги аҳволга тушди. Кўзи олазарақ бўлиб, тура қочди.

– Агар яна қадам боссанг, турмуғингни кесиб ташлайман, – деди орқасидан бир-икки қадам ташлаб амаким. Молдўхтир пастга қараб шамолдай югурди.

Очилбой амаким хотинининг орқасидан уйига кетди. Онам отамга қараб:

– Бормайсизми, аччиқ устида бир нарса қилиб қўймасин, – деди.

Отам индамасдан уйимизга қараб юраркан:

– Ўлдирса боя бирдан ўлдирарди. Энди ўлдирмайди, – деди. Сўнгра бир менга, бир онамга қараб:

– Бу гапни энди ҳеч ким билмасин. Гулдур гуп. Ёпиғлиқ қозон ёпиқлигича қолсин. – деди.

Онам менга қайта-қайта тайинлади: “Ҳеч кимга айтиб юрма, болам, хўпми. Бўлмаса оиламизнинг обрўйи тўкилиб, одамлар устимиздан кулади”.

Шусиз ҳам мен бу гапни ҳеч кимга айтмоқчи эмасдим. Кимга ҳам айтаман? Мактабда ўқиш бошланишига ҳали икки ой бор. Бу тоғлар, даралар оралиғида иккита кичкина укамдан бошқа гаплашадиган одамим бўлмаса...

Менинг тилагим ижобат бўлди. Отамнинг бир неча марта гоҳ аччиқ устида, гоҳ ётиғи билан айтган гаплари Очилбой амакимга таъсир этмади: хотинини ҳайдамади.

– Яхши кўради-да, ахир, – дерди онам отамга. – Асли, хув ўшанда, сиз менга “Очилбойга кимни олиб берамиз, қиз кўргин” деганингизда, Ойхолни бекор топганим йўқ. Очилбойингизнинг ўзи “Янга, тегирмончининг қизини бир кўриб, ёқтириб қолганман, акамга айтинг, ўшани олиб берсин” деган. Сизга айтгандим шекилли, эсингиздан чиққан.

– Яхши кўрган бўлса, хиёнат қилгандан кейин ҳам яхши кўраверадими? Қанақа латтачайнар ўзи бу? Орияти борми? Бунинг устига боласи бўлмаса. Хотин зотига қирғин келган эмас-ку. Яна биттасини яхши кўриб олаверсин-да.

– Сиз муҳаббат нималигини тушунмайсиз...

Отам бояги гапларни камоли ранжигани боис айтган. Аслида у меҳр-саховатни, муҳаббатни жудаям нозик тушунарди... Эҳтимол, шу қадар нозик тушунгани боис, орияти озорланган ва Ойхол янгамни сира кечиролмасди. Очилбой амаким эса кечирди. Яна илгаригидай сокин бўлиб қолди.

Орадан икки ойдан кўпроқ вақт ўтди. Августнинг сўнгги ойдин тунлари. Бу пайтда қўйлар кундуз ҳали ҳаво иссиқ бўлгани боис, кўпроқ кўрада ёки тоғ тепсидаги соя жойларда дам олдирилар, асосан тунда боқиларди. Отам билан амаким тоққа чиқиб кетишган. Бир ҳафтадан бери келишмайди. Бизлар уйда. Мен яна Ойхол янгамни “қўриб” ётибман. Отам кетаётиб, жилмайганча:

– Энди бу ёғига хушёр бўл, ҳамма умидимиз сендан, – деб ҳазил қилди. Очилбой амаким ҳам маъюсгина кулиб қўйди. Эҳтимол у отамнинг гапини ўзича тушунган. “Янганга эҳтиёт бўл, деяпти” деб ўйлагандир. Сирасини айтсам, шундай деб ўйлагани бежиз эмас экан.

Ҳалиги воқеадан кейин Ҳалим ака қайтиб қорасини кўрсатмаган, отаримизга бошқа молдўхтир қарайдиган бўлувди. Аммо бир оқшом деразанинг оҳиста чертилишидан уйғониб кетдим. Кўрққанимдан нафасимни чиқармай, ётавердим.

– Ким у? – деди паст овозда янгам.

– Ойхол, оч, бу мен, Ҳалимман, – деган овоз эшитилди.

– Кетинг, уялмайсизми, кетинг деяпман.

– Бир минутга чиқ, илтимос. Бир оғиз гапим бор. Айтаман-у кетаман.

– Нима дейсиз, ўша ёқда туриб айтаверинг.

– Ойхол энди билсам, сени қаттиқ яхши кўрар эканман. Чиқ, обкетаман. Шаҳарга кетиб, ўша ёқда

яшаймиз, хўпми? Тез бўл, пастда машина кутиб турибди.

– Йўқ, бормайман. Кетаверинг. Айтдингиз-ку, “ўзи ёпишди” деб. Энди сизга ёпишмайман.

– Ўша куни шундай демасам, эринг аччиқ устида иккаламизни ҳам бир бало қилиб қўярди. Шошганда айтиб юборибман. Ўтган ишга саловат.

– Йўқ, бормайман, дедим-ку. Кет дегандан кейин кетинг-да...

– Нега унақа дейсан, ахир “Эримга кўнгилсизман, сизни яхши кўраман” деб айтгансан-ку?

– Унақа деганим йўқ. Эримни яхши кўраман. Кетинг.

Шу пайт ташқарида бир нарса гурсиллади ва Ҳалим молдўхтирнинг овози ўчди. Теваракка сув қуйгандек жимжитлик чўкди. Мен нима бўлганига ақлим етмай, юрагим дукиллаб ётавердим. Янгамнинг “пиқ-пиқ” этиб, ўксиниб-ўксиниб йиғлаганини эшитдим.

Бирон соатлар ўтганми, кўпроқми, ҳарқалай, тонг отиб, осмон ёришиб қолганди. Ташқарида шовқин-сурон, бақир-чақир бўлиб кетди. Мен тура солиб чопиб чиқмоқчи бўлгандим, янгам йўлимни тўсди.

– Чиқманг, болажон (айтганча, қишлоғимиздаги урфга кўра, янгам ҳам қайниларининг исмини айтмас, мени “болажон” деб чақирарди), у ёқда жанжал бўлаяпти.

Янгам билган экан. Мен эса анчадан кейин билдим. Очилбой амаким пойлаб келиб, Ҳалим молдўхтирнинг бошига гурзидай келадиган оғир ва йўғон чўпон таёғи билан солган экан. Сўнгра беҳуш бўлган молдўхтирни судраб, бостирманинг четидаги кушхонамизга (қўй-қўзи сўйиладиган кичик бир хона

бўлар, уни “қушхона” дердик) олиб борибди. Баданига пичоқ урибди.

Оғриқнинг зўридан ўзига келган Ҳалим молдўхтир жон талвасасида қочиб чиқибди. Сўнгра додлаб, пастроқда машинада кутиб турган шериклари томон югурибди. Ярим йўлда қонсираб йиқилибди. Шериклари уни кўриб, етиб келишибди. Улар икки киши экан. Нима бўлганини англагач, амаким томонга югуришибди. Амаким бир кўлида қиличдек келадиган қассоб пичоқ, бир кўлида чўпон таёқ билан уларни ёнига яқинлаштирмабди. Кейин улар молдўхтирни машинага солиб, касалхонага олиб кетишибди. Амакимни ўша кунгача қамоққа олишди: қишлоқ миршаби – Намозбой участковой икки мелиса билан келиб, кўлига кишан уриб, олиб кетди. Онам, янгам ва уларга кўшилиб мен билан укаларим ҳам йиғладик. Отам:

– Оиласини босқинчидан ҳимоя қилган. Унга кўп беришмайди. Балки умуман оқлаб юборишар, – деди.

Бироқ оқлашмади. Очилбой амаким тўрт йилга кесилди. Ҳалим молдўхтир ҳар тугул тирик қолибди. Лекин қариндошлари кўп югуришди. “Очил қонхўрни турмада чиритмасак, ҳисоб эмас” дейишибди. Хайриятки, чиритишолмади. Амаким икки йилда қутулиб келди. Ўтовимиздаги гурунглар баробарида билдимки, амакимга турмада кўп иззат кўрсатишибди. Уни оддий маҳбуслардан тортиб, турма бошлиғига ҳурмат қилар, яхши кўришар экан. Шунинг учун муҳлати ҳам тез қисқарибди. Амакимга ўша ёқда “Қоратоғлик Отелло” деган лақаб ҳам кўйишибди. Ҳар гал маҳбуслар ундан: “Хўш, Қоратоғлик Отелло, ҳаром гўшт еб семирган айғир молдўхтирни қандай жазолагансан, айтиб бер” деб илтимос қилишаркан. Амаким айтиб бераркан. Улар бўлса мириқиб-мириқиб кулишаркан. Мен бировга пичоқ уришнинг

нимаси кулгили эканини бошида тушунмадим. Кейинроқ билсам, ўшанда амаким молдўхтирга шунчаки пичоқ урмаган, балки ҳув биринчи гал тутиб олганида, берган ваъдасига амал қилиб, уни худди қора серкамизга ўхшаб бичиб қўйган экан. Буни билгач, мен ҳам беихтиёр кулиб юбордим. Бироқ, очиғи бунақаси: рашк туфайли олинадиган қасоснинг бундай хили кам учрайди. Очилбой амаким қамоқдан мағрур қайтиб келган бўлса ҳам, анчагача боши эгилиб юрди. Бунинг сабаби, Ойхол янгам ўша йили қўчқордек ўғил туққан, оғзига кучи етмаганлар “Бу молдўхтирдан бўлган бола” деб гап тарқатишганди. Хайриятки, амаким қайтганидан сўнг бир йил ўтгач, янгам яна ўғил туғди. Очилбой амаким қаддини кўтарди. Зеро, энди ҳеч ким бунга ажабланмади. Шаҳарга кетиб қолган Ҳалим молдўхтирни эслашгани ҳам йўқ. Мен ҳам эсимдан чиқаргандим. Орадан йиллар ўтгач, талабалик пайтим “Қишлоқ хўжалиги” газетасида “Қоракўл қўйларини сунъий ва табиий қочириш тажрибаси” деган мақола беихтиёр эътиборимни жалб этди. Унга Ҳалим Икромов, “Қорачўл” туман чорвачилик бошқармаси раҳбари, деб имзо қўйилганди. Бу ўша Ҳалим молдўхтир эмасмикан, деган фикр келди миямдан. Бичилганидан сўнг қора серкамизга ўхшаб раҳбар бўлиб кетибди-да, қаранг-а, деб қўйдим ўзимча ҳазиломуз.

Ҳа, айтганча, қора серка ҳақидаги гапнинг давоми мана бундай. Отам Очилбой амаким қайтиб келганидан сўнг уни сўйдирмоқчи бўлди. Амаким кўнмади. Кўнгли бўлмади шекилли, “қўйинг юраверсин” деди. Отам индамади. Серка яна бир неча йилдан сўнг то-заям қариб, ўз ажали билан ўлди. Амаким уни чуқур ўра қазиб қўмди. Унинг мис қўнғироғини бошқа бир ёш оласариқ серкага тақиб қўйди.

## 6.

Ваъдага биноан Очилбойнинг “сафар”дан қайтиши шарафига Ҳаким чўпон қўрғонида жонлиқ сўйилиб, хатми Қуръон қилинди. Унда қишлоқдаги бир-икки қариндош уруғлардан ташқари қир ортидан Нурқобил, шаҳардан Ойсифат ва бир муддатдан сўнг унинг ортидан довдирни севинчли ҳайратга солиб, Тошбўри келди. “Ана, айтмаганмидим, бу йигит сўзидан ҳам, изидан ҳам қайтмайди, деб”, пичирлади унга ёнида турган Нурқобил. Маърака тарқалиб, қишлоқликлар қишлоққа, шаҳарликлар, аниқроғи Тошбўрининг якка ўзи (у Нурқобилнинг шахсий жабҳадаги ишлар аҳволи ҳақидаги саволига: “ҳаммаси жойида, деярли кўндирдим, шу бугун отасига розилигини айтади”, дея жавоб берди) шаҳарга қайтиб, тоғликларнинг ўз-ўзлари қолишгач, Ҳаким чўпон билан Нурқобил боғбоннинг хос суҳбати бошланди ва дарҳол тунов кунги долзарб мавзу – хусусийлаштириш муаммоларига кўчди. Довдир чуқур хўрсиниб, “яхши замонлар келяпти-ю, аммо камбағалга қийин бўлади”, деди

– Ҳамма гап инсон омилида, Яратган Парвардигорини унутган кимсалар ҳар қандай жамиятда худбинлик билан яшайдилар. Социализм, ҳарқалай ана шунақа худбинларнинг жиловини тортиб турар, камбағалга қайишар эди, – деди. Сўнгра, бироз ўйлаб туриб, қўшимча қилди. – Ана хитойликлар, социализмниям, бозор иқтисодиниям қўшиб олиб боришяпти.

– Ҳаким ака, наҳотки сизга янги иқтисодий муносабатлар яратган имкониятдан фойдаланиб, минг қўйли бой бўлиб, бадавлат ва тўқис, фаровон яшаш ёқмаса? – дея ҳазиллашмоқчи бўлди Нурқобил.

– Ёқади, – деди довдир ўйчан жилмайиб, – Теваракдагиларнинг ҳаммаси бой бўлса, биров бировга



ҳасад қилмаса, ўн кишидан биттаси бой бўлиб, қолган тўққизтаси ейишга нон тополмасдан умрини бояги бойнинг ғийбати-ю қандай қилиб ғорат этиш устида бош қотириш билан ўтказмаса.

– Бозор иқтисоди чуқур жорий этилса ҳамма бой бўлади, бунга барча имкониятлар яратилади, – деди Нурқобил.

– Ҳаммани камбағал қилиш мумкин, буни болшавойча усулларда амалга оширса бўлади, бироқ ҳаммани бой қилиб бўлмайди-да, Нурқобилбой, – деди иқтисод тарихининг билимдони бўлган чўпон. – Халқимиз: “Кўлдан берганган қуш тўймайди”, деган. Жаҳон иқтисоди тарихида бунга уринишлар кўп бўлган ва яна бўлажак. Бироқ...

– Кўлдан бериш керак эмас, ишлашга, бой бўлишга мажбурлаш керак.

Довдир маъюс кулди:

– Офарин, Нурқобилбой, оддий боғбон бўлсангиз ҳам ҳамон раҳбарча фикрлайсиз. Катталарга қолса, ҳамма ишни мажбурлаш йўли билан бажаргиси келади. Бани одамият эса бунёд бўлганидан бери... шу мажбурликдан қутилишга, эрку ҳуқуқи ўз қўлида бўлишига интилиб келади.

– Ўз ҳолига қўйиб қўйсангиз одамларнинг катта қисми, “берсанг ейман, урсанг ўламан”, деб оёқ узатиб ётаверади, ё боя айтганингиздек, ишлаш ўрнига бировларнинг ғийбати билан шуғулланади. Кейин бориб-бориб, яна бойларни ағдаради ва мол-мулкни бўлиб олиб, ўзларича “тенг ва адолатли жамият” қуришади.

– Мен ҳам шуни айтаман-да, хаёлимда бу ёлғончи дунёи дун Гегел ҳазрат айтганидака чархфалак экан, социализм билан капитализм алмашиб келаверади-ган.

– Энди унақа бўлмаслиги керак. Инсоният ўз хатоларидан сабоқ олиб, тўғри хулосалар чиқариб, ҳам социализм, ҳам капитализмдаги яхши жиҳатларни ифодаловчи янгича жамият қуриши лозим. Бу жамиятда бой ҳам, камбағал ҳам бўлмасин. Ҳамма етарлича тўқ, лекин шўхлигу исрофгарчиликсиз яшасин. Одамлар қорни, эғни боши ҳақида эмас, ер юзини хавфсиз, тоза-озода тутиш, ҳаётни абадийлаштириш сингари юксак тушунчалар ҳақида ўйлайдиган бўлади. Бу жамиятни Гегелингиз ҳам, Марксу Ленинингиз ҳам тушида кўрмаган.

– Ўзим ҳам кўп ўйлайман, Маркснинг бир гапи бор: “Файласуфлар дунёни турлича тушунтирдилар, бундан кейин яна минг хил изоҳлаш мумкин, лекин ҳамма гап уни ўзгартиришда”, деган. Назаримда тўғри гап. Бироқ болшавойлар доҳийси Ленин ўзича ўзгартирмоқчи бўлдию, хато қилди. Эндиги ўзгаришлар тўғри бўлади, деб умид қиламан. Лекин... яна текисчилик, бир хиллик бўлмасин. Акс ҳолда...

– Текисчилик бўлмаслиги учун рақобат бўлмоғи шарт. Ҳар бир инсон ҳамма ҳайратланадиган, ҳасад эмас, ҳавас билан қарайдиган ишлар қилсин.

– Форобий бўлиб кетинг-е, Нурқобилбой, демак Сиз “Фозиллар мамлакати” яратиш орзусида экансиз-да? Балли, мана бу бошқа гап! Аммо-лекин ишни ўзингиздан бошланг жаноб боғбон, Сиз шундай бир боғ яратингки, унақаси эртақларда ҳам васф этилмаган бўлсин. Агар... сизнинг боғингизни ҳам Ўташевлар тортиб олиб қўйишмаса.

– Мен... туман ҳокими Худойқуловнинг шахсан ўзи билан гаплашганман. Эртагаёқ бориб, истасангиз ўзингиз ҳам бирга юринг, сизнинг отарингиз масаласини ҳам кўндаланг қўяман. Адолат нуқтаи назари-

дан, унга биринчи навбатда сиз даъвогар бўлишингиз керак.

– Худойқулов... йўқсилга қайишармикан?

– Қайишади!

– Кошки. Агар гапингиз рост бўлса, бизнинг чорвачилигу сизнинг боғдорчиликни кўшиб, кўптармоқли бир янгича тизим яратса бўлур эди. Хорижликлар бунини... "кластер" дейишаракан.

– Ичимдагини айтяпсиз, ниятим шундай бир боғ бўлса, унда ер юзининг ҳамма меваси бўлса, ёнида шу меваларни қайта ишловчи замонавий заводи бўлса, нарироқда анвойи сабзаётлар етиштириладиган бепоен далалар бўлса, ундан нарироқда гўшт-сут, ёғ чиқарадиган чорвачилик фермаси бўлса...

– Яхши ният – ярим давлат демишлар, айтганингиз келсин.

– Худо ҳоҳласа, ўзингиз бош бўласиз ҳаммасига.

– Ҳай билмадим-да... Майли, энди назария сўқишни йиғиштириб, амалий ишга киришмоқ керак. Чекинмайсизми?

– Агар сиз ёнимда бўлсангиз, биргаликда ҳаққоний, қонуний кураш олиб борсак, чекинадиган аҳмоқ йўқ!

– Мана бу бошқа гап. Агар шунақа бўлса, камина ҳам... охириги кучларимни тўплаб, майдонга тушганим бўлсин.

– Бу гал йиқилмассиз?

– Йиқилсак ер кўтаради...

Нурқобил додирнинг кўрасидан қош қорайганда қайтди. Тунни билан шийпончада чироқ ўчмади. Аввал Суҳробга биринчи мактубининг радди-жаддига ишорат қилиб ёзган, югур-югурлар туфайли тугамай қолган иккинчи хатини чўнтагидан олди. Охир-

ги саҳифаси яримлаган экан. Ўшанинг давомига бир неча сўз ёзди. “Яхшиям одамда умид бор. Энг оғир дақиқаларда ҳам эртанги кун бугунгисидан яхши бўлажагига ишонасан, умид қиласан. Ана шу умид мени сақлаб қолди... Энди мен яна ўжарлик билан, ҳаётдаги машаққатларни енгиб, қабих кимсаларнинг қасдма-қасдига яшайман. Курашиб яшайман!”

Кейин Маъсумага хат ёзди. Кайфияти яхши эди. Шу боис, назарида мактуб ёмон чиқмади. “Ўлдим-куйдим” демади. Боя Ҳаким чўпон айтган гапларни ўзича ифодалади: “Ўртамизда ишқ-муҳаббат бўлмаса ҳам... бир-бирига кераги бор икки инсон сифатида бирга яшасак, нима дейсиз”, деди. “Агар меники каби одми ва машаққатли, бироқ тоза ҳаво, тоза сув ва тупроқли қадрдон маъво бағрида, тоза туйғуларга ошно турмуш сизни ҳам қаноатлантирса, оддий бир қишлоқ аёли каби ҳаёт кечирришга рози бўлсангиз келинг, турмуш қурайлик”, деди. Ўчирди, ёзди, қайтадан ёзди. Хуллас, гапнинг лўндасини айтди, дардини тўкиб солди. Тонгга яқин мактубини тугатиб, бир озгина мизғиди. Уйқуга кетар чоғи ушбу ғалати “муҳаббатнома”ни эгасига қандай етказиш ҳақида ўйлади, “жуда бўлмаса шаҳарга тушганимда ўзим элтиб топшириб келарман”, деган қарор қабул қилиб сокин хоб оғушига чўмди. Ўрнидан турганида офтоб чарақлаб кетганди. Юз-қўлини ювди. Артинди. Ёнгил нонушта қилди. Сой бўйлаб юқорига юриб кетди. Кам ухлаган бўлса ҳам тани қушдек енгил, кайфияти чоғ эди. Адирларни гиламдек қоплаган зумрад майсазорларга мафтун боқар экан, кунгай томонга майизбоп қора узум экилса нақадар мазали ва бозоргир бўлажаги ҳақида хаёл сурди.

## 7.

Энди воқеамиз бошида бир неча бор тилга олиниб, кейин бироз фаромуш этилган, ўзига хос тийнатли яна бир сиймо ёнига йўл олайлик. Зеро Антон Чехов, деган бир ҳазрати адиб: “Воқеа бошида саҳнага бир милтиқ осилган бўлса, мавриди келганда у албатта отилмоғи жоиз”, деган эканлар. Инчунин, бизнинг исми жисмига монанд қаҳрамонимиз Қилич Заҳҳорий жанобларининг ҳам “отиладиган”, аниқроғи, қиндан суғурилиб, айна керакли жойни кесадиган пайти етганга ўхшайди. Алқисса...

Орзуидаги жоҳу рифъатга ноил бўлиш имкони боз туғилгани, яъни директорлик курсиси бўшаётгани ҳақидаги хабар Қиличбой Заҳҳоровга етиб келган кунларда у шаҳарда хусусийлаштириш бошқармаси остонасини сийқа қилиб, бўлимига қарашли бўрдоқчилик фермасини ижарага олиш ташвишида югуриб юрганди. Ферма масаласини деярли ҳал қилиб, уйга қайтиб келаётганда йўлда шу гап бўлди. “Шамсиев ариза берибди. Чўкаётган кемани бошқаришни истамабди, – деди унга баногоҳ тўқнаш келган мактабда адабиётдан дарс берувчи муаллим ошнаси. – Холбуки, дарға кемани энг охирида тарк этиши лозим.” Заҳҳоров кайфи тароқ муаллимдан бу хабарнинг аниқ-ноаниқлигини яна бир карра сўраб, тасдиқлаиб олгач бетўхтов уйига шошилди. Хотинига зиғир ёғли ош буюриб, бир ўзи бир шиша “зормонда”ни майдалаб, ширин хаёллар тўлқинида сузди. Суза-суза завқланиб кетди, кал бошидаги андижонча чуқур дўппини шартта ечиб осмонга отди. Тўққиз болорли, чиройли вассажуфт қилинган шифтга тегиб, ердаги бўйи саккиз, эни бешлик, оғирлиги беш юз килоча келадиган сода қўй жунидан тўқилган жулқурс гилам устига тушган тақянинг қалампирнусха гулига

“қарс” эткизиб уриб қоқди. “Бу гал йўлимга тўғаноқ бўладиган ҳар қандай касни аяб ўтирмайман”, дея қўлларини мушт қилди. Ҳатто... туғишган жигарим бўлсаям жигарини эритаман, деди. Тўғри-да, Қиличбой ҳам одам, бир умр орзу қилган мақсадига қачондир эришуви лозим-ку!..

Бир лаган ошни қўли билан, ҳар луқманинг катталигини кир совундай қилиб, ёғини билагигача оқи-зиб еди. Устидан икки чойнак тўқсон беш чой ичиб, кекириб-кекириб, яна шаҳарга йўл олди. “Регистон” мусофирхонасининг энг юқори қаватидаги “апартамент”, деб аталмиш уч хонали номерига жойлашди. Ресторанга тушиб кечлик қилди. Шунинг баробарида алоҳида бир столни уч кунга банд этди ва метрдотел, яъни базмхона мутаваллисига эртага эрталабдан шоҳона дастурхон тузаш бобида кўрсатма берди: “навбати билан бир неча гуруҳ мулозимларни чақириб зиёфат бераман, таомлар ҳам шоҳона бўлсин!” Кейин ширин хаёллар оғушида дам олгани ётди. Қават навбатчисининг ҳар галгидек бирорта маржани чақириб, “суҳбати жонон” этиш таклифини ҳам рад этди. Бу гал иш жиддий, деди. Чиндан ҳам шу сафар омади муқаррар келажагига унинг ишончи комил эди. Зеро хусусийлаштириш бошқармаси даҳлизида юриш асносида пул билан ҳар қандай масалани ҳал этса бўладиган даврлар келганига астойдил ишонч ҳосил қилган ва бундан чексиз масрур эди. У билди, директорликни ҳам худди кечаги ферма сингари хамирдан қил суғургандек сотиб олиш мумкин. Ҳайтовур саксонинчи йиллар ўртасида бошланган “муқобил сайловлар, ошкоралик, демократия” деган ўйинларга аллақачон чек қўйилиб, яна эски тосу эски ҳаммом – қаттиққўл бошқарув тизими жорий этила бошланган. Энди тумандаги хўжалик дирек-

торлари яна ҳокимлик тавсиясига кўра чорвачилик бош бошқармаси бошлиғи томонидан тайинланадиган бўлди. Заҳҳоровнинг бошқармада одами бор. Эр-тага биринчи навбатда уни чақиради. Қанча олса ҳам майли, ишни ҳал қилсин. Туманнинг янги ҳокими сал анавинақароқ эмиш. Ҳеч қиси йўқ, томоғи тешик-ку, унга луқма тиқиш, тиқувчининг маҳоратига боғлиқ. Заҳҳоровнинг фалсафасига кўра: олмайдиган амалдор йўқ, беролмайдиган ношуд талабгор бор холос. Вилоят ҳокимлигида оддий ходим бўлиб хонама-хона қоғоз ташиш жонига теккан Шоқувват оғаси рақобатга киришиб, “кимошди” қилиб юбормаса бўлгани. Уларда сармоя кўп, тиллоси бор, уларга бас келиш қийин. Лекин бу гал... Қиличбой юз-хотир қилиб ўтирмайди. Етса моли, етмаса... бошқа йўл билан бўлса ҳам “солим”ни албатта қўлга киритади. Бўлди-да, шунча мутелик билан хизмат қилгани. У зоти кироми бўлса, нуқул қуруқ ваъдадан нарига ўтмайди. “Шамсиев вақтинчалик одам, бир-икки ой ишлатиб, жойига ўзингни қўяман”, деганди. Кейин билса, яна ўша хотинчалиш пиёниста укасини тиқиштирмоқчи бўлган экан. Ҳар тугул Шамсиевни бўшатолмай ўзи бўшаб кетиб қолди. Энди-ку укасини яқинлаштиролмас, дасти калтароқ, бироқ ўзи талабгор бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Нима бўлгандаям отни тезроқ қамчилаш зарур...

Бошқармадаги таниши ресторандаги тўкин зиёфат ва чўнтагига чаққонлик билан тиқилган бир почка “кўк” қоғоз бағишлаган завқу шавқ ичра унга айни кунларда директор бўлишнинг бебаҳо аҳамияти тўғрисида лўнда тушунча берди: “Тугатиш комиссиясига ўзингиз раҳбар бўласиз, кимга нимани қанчадан сотишни ёки текин беришни ўзингиз ҳал қиласиз, барча ҳуқуқ қўлингизда бўлади. Ҳоҳласан-

гиз... худуди салкам бир туманча келадиган улкан хўжаликни якка ўзингиз хусусийлаштириб олинг агар қурбингиз етса." "Қурбингиз", деганда бу қувноқ йигит, шубҳасиз, червонни назарда тутди. Заҳҳоров аввал унинг елкасига, сўнгра ўзининг чап кўкрагига қоқди: "Ғам еманг, қурбимиз етади!" "Ҳа, айтганча, туман ҳокими собиқ директор Бўтаевни тавсия этмоқчи экан, у рад қилибди, – деди мулозим ўта муҳим сирни айтаётганини таъкидлаш учун сархил коняк ҳиди анқиётган оғзини кўсанинг тешиги сержун қулоғига теккизгудай яқинлаштириб. – Бу яхши. Бироқ..." "Вой дуррак, – деди Заҳҳоров астойдил тажжубланиб, отказ қилибдими? Ғирт аҳмоқ экан-у!" "Ҳа, рад этган, "Менга амалдорликдан кўра фермерлик афзал", деган. Бироқ... бошқа кучли даъвогар бор: вилоят ҳокимлигининг бизни назорат этувчи бўлими Шоқувват Ўташев номзодини тавсия этапти. У жаноб маҳаллий шароитни яхши билармиш." "Буни... айтмансанг ҳам биламан, ука, унинг муаммосини ўзим ҳал этаман, ғамини ема, бошқа даъвогар йўқми?" "Йўқ." "Унда ҳаракатингни қиловур, мен харажатидан қочмайман..."

Кечга яқин уч-тўрт қоғоз халта тўла бозорлик қилиб, Ўташевнинг Барқут бозор мавзеида жойлашган, ҳокимиятга қарашли кўп қаватли муҳташам беш қаватли иморатдаги беш хонали квартирасига кириб борди. Обдон суҳбатлашди. Икковлон яримта шотландча вискини бўшатишди. Ўзича, дунёдаги жамийки неъматларнинг баррасини еб ўрганган Ўташевнинг хунук ва ориқ бўлсаям, ҳарқалай ёш, деб олинган янги ойимчаси нўноқлик ила чала-ярим пишириб келган илик қовурдоқни бўрилар сингари икки панжалаб тортиб-тортиб, ғажиб-ғажиб, мужиб-мужиб, ейишди. Кейин чой ичиб, мақсадга



кўчишди. Кўса ўзини гўлликка солиб, кўпроқ уй эгасини гапиртирди:

– Совхозимиз яқин кунларда тугатилиб, мулки хусусийлаштириларкан, – деди Ўташев унга ер остидан синовчан тикилиб, – шунга... вилоятдагилар менга: “сиз тажрибали одамсиз, у ердаги шарт-шароитни яхши биласиз, ўзингиз бориб, расамади билан тақсимласангиз”, деб илтимос қилишган, мен йўқ, деб турибман, агар... бир ой бўлсаям курсига ўтирай, кетим роҳатлансин, десангиз, сизни қўйдирамиз. Агар “Бир-икки ойга қолмай тугатиладиган бўлса, менга керакмас, ўзингиз бош бўлинг-у, мулкларнинг энг сарасини биргалашиб хусусийлаштириб олайлик” десангиз, ўйлаб кўришим мумкин.

– Ака, сиз шу ерда – юқорида туриб, бошқариб, йўл кўрсатиб туринг, қишлоқда шимингизни чангу лойга ботириб нима қиласиз, менда анча-мунча тажриба бор, совхоз мулкларининг ёғу қаймоғини сизга, Бойқувват жўрамга, бошқа қариндошларингизга сидириб олиб бериб, ўзим қолган айронигаям қаноат қилоураман. Агар... маъқул, десангиз-да, эмасам майли, ўзингизми, укангизми, бўлсаларинг ҳам, зоримиз бору зўримиз йўқ.

Ўташев кулимсираб бош чайқади:

– Унақа деманг. Сиз ҳеч қачон, ҳеч нарсага зор бўлиб қолмайсиз. Директорлик сиздан айлансин. Сиз билан бир кунлик эмасмиз-ку. Мен сиз учун ўша лавозимдан воз кечишга тайёрман.

– Туман ҳокимини кўндирсангиз бас. Тошкентдан буйруқ чиқариб келиш ўзимга тан.

– Туман ҳокими кўнмай нима ҳам дерди вилоятдан айтилгач.

Бу ваъдадан Заҳҳоровнинг гўёки боши осмонга етди. “Ашаддий рақибим бўлсаям майли, бераман,

боши кўзимдан садақа, деб опкелган тилла тақин-  
чоқлар солинган, оғирлиги ярим килоча чиқадиган  
кичкина тугунчакни узатди:

– Кенжагул кеннойимга арзимас тухфа, чин қал-  
бимдан.

– Ие, оббо, шартмасди-ку, оввора бўпсиз-да, Қи-  
личбой, ҳа майли, чин қалбдан бўлса...

Ўташев тугунчакни қўлига олиб салмоғини ча-  
малаш баробарида ўйланди: “Тилимни қисик қил-  
моқчи бўляпти, совхознинг тузукроқ мулкларидан  
арзон ёки текин бериб ҳисоб-китоб қиламиз-да”, де-  
ган фикрни ўтказди. Айни пайтда кўсанинг “зоримиз  
бор, зўримиз йўқ”, деган гапи унинг кечадан бери  
кўнглида айланаётган хавотирини бироз аритди.  
“Мен тайинлансам бошда бироз ғингшийди-ю, “ёғли”  
мулклар билан нафсини қондирганимдан кейин тин-  
чийди”, дея ўзини ҳам тинчитди. Зўр келса, тугунча-  
ни худди Шокиралиев сингари қайтариб беради. Ту-  
ман ҳокимлигидан бўшаш арафасида ўша нашаванд  
прокурор “вилоят ҳокимига биринчи ўринбосар қи-  
ламан”, деб бундан ҳам каттароқ бир бўғчани олган,  
эпложмагач, Ўташевнинг бир неча бор ошкора таҳди-  
дидан сўнг сўлжайиб, истар-истамас қайтариб бер-  
ганди. Бироқ...

Кўса бамисоли унинг фикрини ҳарфма-ҳарф ўқир,  
ичида: “Токи сен энағар тирик экансан, менга кун  
йўқ, мен ўсолмайман, шунинг учун... йўғинга куйга-  
ним бўлсин”, деган қатъий қарорни узлуксиз такрор-  
лар ва тузган режасини амалга ошириш, мўлжаллаб  
келган қилғулигини қилиш учун пайт пойлар, қим-  
матбаҳо немисча костюмининг чап енгидаги хуфя  
чўнтакчага моҳирона жойланган жимитдай рангсиз,  
ҳидсизу таъмсиз ҳабдорилардан бирини Ўташев-  
нинг виски нўш этаётган қадаҳигами, шарбат сипқо-

раётган фужеригами, чой ичаётган булғори пиёласигами ташлаб юбориш учун зўр бериб пайт пойларди. Ниҳоят, пайт келди. Ўташев тугунчакни ишончли жойга яшириб келиш учун хонадан чиқди. Кўса яшин тезлигида ҳаракатга тушди. Енгидаги ҳапдорилар уч дона эди. Суиқасд етарли даражада ишончли бўлиши учун барчасини олиб, бирини шароб билан лиммо-лим қадаҳга, иккинчисини ярим тўла фужерга ва учинчисини бўш пиёла ичига ташлади. “Малҳам” таблеткаларнинг бари кўз очиб юмгунча сезиларсиз эриб кетди. Кўса ўша заҳоти ўрнидан туриб, ўзини жавондаги чиройли ажнабийча чинниворлар тўп-ламини томоша қилаётганга солди. Ўташев қайтиб кирган лаҳзада девордаги гиламга осиглик қадимий Исфаҳон шамшири ва Американинг “Винчестер” маркали милтиғини кўздан кечириб турарди. Бахтини қарангки, Ўташевнинг ўзидан:

– Қани, Қиличбой, мўлжаллаган ниятимиз амалга ошиши учун битта олайлик! – деган таклиф тушди.

– Майли ака, Сизнинг амрингиз биз учун вожиб, – деди одатига кўра сомелик ила бош эгиб кўса. Шунда Ўташев кўсанинг етти ухлаб хаёлига келмаган бир иш қилди. “Малҳам” солинган қадаҳ, шарбатли фужер ва бўш пиёлани чаққонлик билан касофат ошнасининг олдига суриб, униқини ўз қўлига олди.

– Идишларимизни... алмаштириб нўш қилайлик. Европадаги қайси бир халқда шунақа одат бор экан, худди немислару ўрислар қадаҳли қўлларини пайванд этиб, “брудершафт” қилиб ичганлари ва газзагига бир-бирларининг лабларини сўришгани сингари. Буям... бир гап-да. Нима дедингиз?

Кўса бақа бўлиб қолди. Юраги ёрилгудай кўрқди. Сездимикан? Ё чиндан ҳам шунақа одат борми? Ёки... идишларни эҳтиёткорлик юзасидан алмаштириб,

одат ҳақидаги гапни атай тўқидими? Нима бўлган-  
даям ҳозир вазиятдан чиқиш керак. Лекин қандай  
қилиб?

Мияси яшин тезлигида ишлай бошлади. Нима қи-  
лиқ қилсинки, ишончли чиқсин, шубҳа уйғотмасин.

– Яхши одат экан, – деди у “малҳам”ли қадаҳни  
гўеки ҳеч нарса билмагандай дадил қўлга олиб, қани  
ака, аввал ўзлиридан бўлсин, ҳурматингиз бор.

Ўташев кўсанинг лаби теккан қадаҳни ички  
ижирғаниш ила оғзига яқинлаштирди ва ярим қул-  
тум ютиб, стол устига қўйди. Кўса айнан шу ҳолатдан  
усталик билан фойдаланди.

– Э-э, Шоқувват ака, шуям ичишми, охиригача  
олинг-да, – дея ўз қадаҳини қўлдан қўймаган ҳолда  
иккинчи қўли билан Ўташевникини столдан олиб,  
унга қайта узатди ва шунинг баробарида гўеки эҳти-  
ётсизлик қилиб, ноҳосдан ўзиникини қўлидан туши-  
риб юборди.

– Оббо-о, – дея ёнбошлаб ётган қадаҳни гўеки эп-  
чиллик билан тутмоқчи бўлди-ю, “шарбат”ли фужер-  
ни бўш пиёла устига ағдарворди. Шарбатнинг бир  
қисми оппоқ дастурхонни алвон рангга бўяб, озроғи  
кўсанинг тиззасига тўкилди. Бу манзарани заҳар-  
ли илжайиш билан кузатиб турган хонадон соҳиби,  
шубҳаси бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қилиб, ичида  
чексиз ғазабга минди, қўйиб берса, бу ярамас, нонтеп-  
кини шу топда пешонасидан отгудек, анови олма ар-  
чилаётган пичоқ билан меш қорнини ёриб, ичак-ча-  
воғини ағдариб ташлагудек бўлди. Бироқ қаҳрини  
юзага чиқармади. Ясама илжайиш билан шум ниятли  
офатқадам меҳмонини беозор койиган бўлди:

– Майли-майли, ҳижолат бўлманг, Қиличбой, ам-  
мо-лекин кўзга қараш керак-да, шундай қимматбаҳо  
иштонда... қонли, э узр, шарбатли доғ қолдирдингиз.

Шундай дейиш баробарида эсига кўхна бир лати-фа тушиб қолди ва аччиқ истехзо билан аския қилди: – Шарбат ичадиган одам... иштонни ечиб қўяди-да, оғайни!

Кўса аввалги киноя-ю кейинги аскияни ўзича гўл-лик билан қабул қилиб, қаҳ-қаҳ уриб кулди:

– Узр, Шоқувват ака, сал кайф ошди шекилли. Ўзи-ям... анча олдик-да. Менимча... етарли бўлди-ёв.

– Шунақами, эмасам энди би-ир попирис чакамиз, – деди Ўташев ва ойнаванд жавон ёнидаги ғаладон-дан кўсага таниш “Герцоговина Флор” папиросига тўла, соф тилладан ясалган тамакидон, аниқроғи қимматбаҳо швейцарча портсигар ва худди шу фир-ма маҳсули бўлмиш олтин ёндиргич олди. Олтин кути ичидан “ўқлаб” тайёр қилиб қўйилган папи-рослардан иккитасини чиқариб, бирини узатди:

– Қани, марҳамат!

– Менга узр, биласиз-ку, аввал ҳам айтганман, ми-жозимга тўғри келмайди, ўзингиз бемалол тутатаве-ринг, – деди кўса.

– Шунақами, эмасам чойдан ичинг, – деди Ўташев чарм оромкурсига ястаниб, папиросни ўт олди-рар-кан.

– Рухсат берсангиз, энди мен борай, – чайналди кўса. – Вақт ҳам алламаҳал бўп қолди.

– Ётиб қолаверинг, хона кўп, жой бемалол.

– Янаги сафар, Шоқувват ака, қани бир... партиявий дуо беринг ака.

– Майли, илоҳи омин, олайлигу олдирмайлик, со-лайлигу солдирмайлик, насибамизни иштонимизга тўкиб юрмайлик!...

Кўса ҳижолатпазлик ила кула-кула чиқиб кетгач, Ўташев навжувон бекасини чақариб ғалати топши-риқ берди:

– Мана бу ноз-неъматлар, шишалару қадахлар, ҳамма-ҳаммасини булғанган дастурхонга ўраб, кўчадаги ахлат қутисига чиқариб ташланг. Дарвоқе, халтачалардаги бозорликни бўшатганингиз йўқми?

– Йўқ, ҳали улгурмадим, – деди узрхоқ оҳангда ўттиз ёш остонасидаги ранги қораширғай, қомати тўлароқ, юзи бамисоли ойтавоқ хоним.

– Уларниям очмасдан... чиқариб ташланг.

Кейин бу буйруққа тушунмай оғзи очилиб турган хонимга қараб кўзини қисди:

– Менинг бир чўпон бўлам: “Молнинг феъли эгасига маълум”, деган мақолни кўп айтади. Бу одам ўзимизники-ю барибир эҳтиёт бўлишимиз лозим. Чунки... мансабпарасатлик оқибатида сал ҳалигидақанги бўлиб қолган, замонавий қилиб айтганда, томи кетган. Ҳазиллашиб, олма-анорнинг ичига маргимуш жойлаб келишдан ҳам тоймайди.

– Вой, йўғе-е, ўзимизники, деяпсиз-у...

– Ўзингники ўзагингни кесар, дерлар. Ҳозир... ўзингникигаям ишониб бўлмайдиган замон.

Таажжуб ва таассуфдан қийиқ кўзлари катталашиб, дум-думалоқ бўлиб, торгина пешонаси сари тиралган хоним дастурхонни шоша-пиша йиғиштирди ва “заҳарли” бозорликдан тезроқ халос бўлиш учун ҳовлиққан кўйи ошхонага отилди. Ўташев эса ўз зукколиги ва эҳтиёткорлигидан ўзи ғурурланиб, бояги олтин портсигар ичидаги папиросларнинг яна бирини олиб, лабига қўндирди. Олтин зажигалкани “қирс”, эткизиб, унинг игнанинг кўзидек кичкина тешигидан чиққан кўкиш оловни папирос учига тутди. Ҳузур қилиб сўрди, оғзи, бўғзи, ўпкасини аччиқ тутун билан тўлдирди. Сўнгра ором курси узра ястаниб, тугатилаётган совхознинг беҳисоб мулкларини тасарруф этиш натижасида бойлигига бойлик

қўшиш, шунинг баробарида келаси йил кўклам Олий Кенгашга бўладиган сайловларга номзодини қўйиб, депутат бўлиш, бирон йил Тошкентда ўтириш асносида керакли одамлар билан тил топишиб, вилоят ҳокимлигини, жилла курса унинг биринчи муовини лавозимини қўлга киритиш хусусида ширин хаёллар сурди. “Ҳокимият, бошқалар устидан ҳукмронлик ҳис-туйғуси берадиган лаззат олдида мана бунақа кайфлар, умуман бу ҳаёти дунёдаги жамийки хузур-ҳаловатлар, сурур-саодатлар ип ҳам эшолмайди, шунинг учун Қилич кўса сингарилар унинг кўйида туққан онасини сотишга, отасини ўлдиришга ҳам тайёр”, – дея пичирлади банг тутуни юқидан тахир дўрдоқ лабларини илинжли тамшаниш ила юлқаб.

## 8.

Алҳол азиз китобхоннинг аз таҳи дил рухсатига биноан ўзимизга яхши таниш туманнинг ҳаммамиз учун севимли газетаси “Озод чорвадор”да босилган, ушбу нашрнинг бош муҳаррири шири даврон Шамси Замон қаламига мансуб қуйидаги мазмунан кенг, моҳиятан теран таҳлилий мақоланинг биз учун муҳим бўлган қисмини жузъий таҳрир қилган ҳолда айнан келтириш билан давом эттирамиз:

“Азиз муштарийларимизга яхши биладиларки, туман, вилоят ҳокимиятларимизда, шунингдек, бошқа юқори ваколатли идораларимизда хўб фаросатли ва зукко, узоқни кўра оладиган оқилу доно раҳбарлар ишлашади. Бунга такрор-такрор комил ишонч ҳосил қилганмиз, қилиямиз ва келгусида ҳам қилишимизга ишончимиз комил. Шуниси қувончлики, улар баъзан, йўқ, аксар ҳолларда сизу биз каби оддий одамларнинг мутлақо хаёлига келмаган, ақли етмаган хўб оқилона ишлар қилишади. Биз умрбод ечолмайдиган

муаммоларни бир жаҳд билан ҳал этишади. Тугати-лиш арафасида турганига қарамасдан муваққат раҳбарлиги бамисоли кўпкаридаги семиз улоқ сингари ашаддий талаш бўлган улкан хўжалик директорлигига вилоят ҳокимлиги тавсияси билан ҳаммамиз учун ҳурматли Шоқувват Ўташев, унинг биринчи ва охирги муовинлигига эса Чорвачилик Бош бошқармаси ҳамда замона зайли билан тузилган янги ташкилот – Мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш идорасининг қўйидаги мазмундаги қўшма тавсифномасига кўра, “Маҳаллий шароитни яхши биладиган, эл орасида ўзининг ҳалоллиги ва адолатпарварлиги билан обрў қозонган, ўзи найзадай ўткир, сўзи қиличдай кескир, яхшига меҳри, ёмонга қаҳрию заҳри беҳаду бешумор даражада кучли Қиличбой Заҳҳоров” тайинлангани фикримизнинг ёрқин далилидир. Айрим ичи қора кимсалар: туманимизнинг фахри бўлган бу икки Шахсни (“шахс” сўзини бу муҳтарам инсонларга азбаройи ҳурмат жонибидан бош ҳарф билан ёздик) бамисоли ўт билан сув, яъни бир-бирига мутлақо тўғри келмайдиган кимарсалар, деб юрармиш. Бўлмаган гап. Қаловини топсанг қор ёнади, деганларидек, бу икки улуғ зот айни кунларда элим, деб, юртим, деб ёниб яшамоқдалар. Давлат хўжалигининг сон-саноксиз сигир-бузоқ, қўй-қўзи, дагар-қўчқор, эчки-улоқ, така-серка, товуқ-курка, ўрдагу ғоз, улар боқилган минг-минг гектар яйловлар, барча шарт-шароитларга эга отарлару кўтонлар, молхонаю оғилхоналар, товуқхонаю куркахоналар, марказий устахонадаги машиналару тракторлар, комбайнлару беда ўриш мосламалари, қанча-қанча муҳташам биною иморатлар, хуллас барча кўчмасу кўчар мулклар уларнинг ҳақиқий эгаларига, яъни оддий чорвадору деҳқонларга арзон нархларда хусу-



сийлаштириб берилмоқда, бунда камбағаллар, э узр, мустақил мамлакатимизда камбағалга бало борми, кам таъминланганларга алоҳида имтиёзлар яратилмоқда, яъни улар ўзларининг кўпроқ таъминланган қариндош-уруғлари, кўни-кўшнилари ёхуд жонажон ва меҳрибон раҳбарлари билан шерикчилик асосида катта-катта сарвату шибоғатларни харид қилмоқдалар. Айрим ичи қора, ғаламис ғоявий мухолифларимиз: “шерикликни ўғри чиқарган, амалдорлар халқнинг кўзини шамғалат қилиб, давлат мулкини хомталаш қилаётирлар, машина-тракторларни шумо этишмоқда, биноларни бузиб, ёғочигача сотишяпти”, деган бўлмағур гапларни тарқатар эмишлар. Ғирт бўхтон бу. Биргина жонли мисол шундан иборатки, директорнинг ташкилий ишлар бўйича ўринбосари Қиличбой Заҳҳоров бир неча оддий ишчилар билан шериклик асосида ижарага олган сутчилик фермасида атиги бир неча молхона қор-ёмғир туфайли бузилиб, сигирлар сони камайган бўлса-да, сут миқдорини тобора ошириш борасида иш қизғин...”

Етарлидир-а? Энди мана шу мақол, э узр, мақолани ўқиб, тепасидаги йўқ туклари тикка бўлиб, исмию жисмидаги тиғини қайраб, захрини кимга сочишни билмай ўтирган Қилич Заҳҳорзодани бирров йўқлаб қўямиз. У шоири даврон ўз валинеъматини Ўташевга хушомад қилиш асносида Қиличбой акамизнинг қитқ-парига жиндай тегиб ўтганини пайқаб, дарғазаб бўлиб ўтирарди.

“Э, сен ҳароми қулбачча, шошмай тур, қаламингни бўғзингга тиқиб, ўтиролмайдиган қилиб қўяман пайти келганда. Охуридан ем еб юрган анови молбоқарингни эса асфалофосинга жўнатмасам, онамнинг сути ҳаром бўлсин!”

Бу – даҳшатли қасам эди. Бунақа қасамни кўса жуда кам ичар, мабодо ичса, албатта бажарар эди. Тунов кунги уринишнинг муваффақиятсиз чиққани, эҳтимол, қасамсиз, яъни етарлича тайёргарлик кўрмасдан, шошилиш тарзда амалга оширилгани билан боғлиқ эди. Энди, хато такрорланмайди. Қилич Заҳҳор онт ичди. Энди у бир умр кўзлаган курсисини эгаллаш учун ҳар қандай разилликдан қайтмайди. Наинки Ўташев, керак бўлса яна ўнта одамни олиб ташлайди ўз йўлидан. Ақалли бир кун бўлса ҳам ўтиради ўша курсига.

## 9.

Вилоят хусусийлаштириш бошқармасининг қарорига кўра Сувлидара худудидаги икки отар, боғу дарахтзорларнинг асосий қисми “кимошди” савдоси натижаларига биноан Бойқувват Ўташевга қарашли “Барҳаёт сулола” ширкати тасарруфига, яна бир отару токзорлар Қилич Заҳҳоров ўғлининг номига очган “Файзу барака” масъулияти чекланган жамияти тасарруфига ўтди. Ҳарчанд елиб-югуриб уринишмасин, Нурқобилнинг боғдан, Ҳаким чўпон бир ярим минг қўйли отар ва уч оила яшаётган қўрғондан мосуво бўлди. Улар банкдан олган кредитлари, қариндош-уруғдан кўтарган қарзлари, бисотлардаги сотишга арзийдиган нарсаларнинг барини пуллаб жамғарган сармоялари билан ҳам Чашмизаракнинг “чирик бойлари” (мол–дунёси ертўлаларда чириб ётган кўҳна бойларни шунақа деб аташаркан)га бас келолмадилар. “Сену бизга ўхшаган “янги ўзбеклар”нинг юзтаси Ўташевларга ўхшаган битта эски, чирик бойга бас келолмайди”, дея аччиқ ҳазил қилди додир Нурқобилга. Кейин қўшиб қўйди: “мой мойга томади, мошовага жизза ҳам йўқ, бўтам.”

Мулк идораси томонидан ўтказилган ҳисоб-ки-тоб, “олди-топширди” маросимидан сўнг “бино ва иншоотларни бир ой муддат ичида бўшатиш” ҳақида кўрсатма келди.

Нурқобил адолат қилишига астойдил ишонган Ҳожимурод Худойқулов икки ой аввал Африканинг Мозамбик деган мамлакатига мазкур мамлакат деҳқону чорвадаорларига Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илғор тажрибаларини ўргатиш учун юборилган, ўрнига бир пайтлар тоғ ортидаги кўшни хўжаликни бошқарган, кейинроқ Ўташев билан вилоят ҳокимлигида бир бўлимда ишлаган, асли исми шарифи Ўшбой Мансуров бўлгани ҳолда азбаройи гўшт ейиш ва ришват олишни яхши кўргани учун одамлар орқаваротдан Гўштбой Манфуров, деб атайдиган бир сермулозамат кас тайинлангани боис туман ҳокимлигига қилинган арзу додлар тошга урилган шиша мисол чилпарчин бўлди. Шундан сўнг довдир Нурқобилнинг: “Тошкентга борамиз, юқори идораларга, керак бўлса Оқсаройга кириб, адолатни қарор топтиришга ҳаракат қиламиз”, деган даъватига унамади, юқоридан нажот келишига ишонмади, “одил подшоҳлар фақат эртакларда бўлади, бўтам”, деди аянчли жилмайиб ва отарни дарҳол топширди; кўрғонни бўшатиб, қишлоқдаги ота-боболаридан қолган кўҳна ҳовлига қайтди. Очилбой ва Эшпўлатни ҳам бирга кўчириб келди.

– Жой бемалол, кампирим иккаламизга етиб ортиб ётибди, – деди у. – Ҳозирча тура-туринглар-чи, нарёғи бир гап бўлар. Аммо-лекин шафқатсиз замонлар келаётганга ўхшайди. Энди яшаш учун курашамиз. Шу бугунданоқ тирикчилик ташвишини бошламоқ керак.

Икки ёрдамчиси раҳмат айтишиб, унга текин “ижарагир” бўлишди ва устозлари маслаҳатига кўра бетўхтов иш қидириш ҳаракатига тушишди. Айни ўша кунлар Шоқувват Ўташев довдирнинг “хузурига” расман ташриф буюрди ва қуюқ салом-алиқдан сўнг афтига: “Хўш, қалайсан энди, ҳазилингни бурнингдан чиқардимми?” дегандек маънодор кулимсираб турди; сўнгра гўёки хайрихоҳлик билан:

– Замонанинг зайли экан қариндош, хафа бўлмайсиз, давлат мулкларини тадбиркор, ишбилармон кишиларга бериш – ҳукумат қарорининг талаби. Сизни ҳам эътибордан четда қолдирганимиз йўқ. Қонунга биноан ходимнинг ишлаб турган ташкилоти тугатилса, муддатидан икки йил олдин нафақага чиқишга ҳаққи бор. Ана шу ҳуқуқингиздан фойдаланасиз. Мана, айримларга ўхшаб “ўлдирсанг-ўлдир, қорнимга тепма”, дея тихирлик қилмасдан қишлоққа қайтибсиз, тушунган одамсиз-да, ҳар тугул яшашга маконингиз бор, бироз фатарот бўлибди-ю лекин ҳали беш-ўн йил бемалол истиқомат қилса бўлади, таъмирлайман, десангиз “Чорва банк” раисига айтаман, кредит беради, хуллас, сиз энди бироз дам олинг, кейин... ижод қилинг, ахир истеъдодингиз бор, таланти хор қилманг, таланти хор қилган кишининг ўзиям хор бўлади. Ҳа, айтганча, узун қулоқ гапларга қараганда айрим давраларда: “мустақиллик зўр бўлди, аммо чўпон хор бўлди”, деганга ўхшаш палағда аския қилиб юрганмишсиз, уялмайсизми, кап-катта одам. Эртага... тегишли жойга опкетиб, ертўлага оптушиб кўзингизни мошдай очиб қўйишмасин тағин.

– Ҳайвоннинг қулоғи узун эшак бўлади, гапнинг қулоғи узун ўшак бўлади, қариндош, сиз ўшакка ишонманг. Мен мустақилликни худди етти аждодим тирилиб келгандек қувониб, қарши олганман. Чўпон-

нинг хор бўлганига эса мустақиллик эмас, тўс-тўполондан фойдаланиб, қозоннинг бошини эгаллаб олган очкўз амалдорлар айбдор. Ундан ташқари менинг кўзим аллақачон очилган, ўша... тегишли жойнинг ўзи кўзини каттароқ очиб, теварақдаги расвогарчиликларнинг чорасини кўриши керак. Агар... сиз айтганингиздек ертўлага оптушишадиган бўлса, уларга айтадиган гапларим кўп.

Бу дадил иддаодан сўнг Ўташев бирдан шаштидан тушди. Яна мулойимлашди:

– Мен сизга азбаройи жоним ачиганидан гапиряпман, бўла, ҳар қалай жон-жигармиз...

Довдир унинг сохта жонкуярлигига эътибор бермай чўлиқларининг масаласини илгари сурди:

– Мен-ку майли, бир кунимни кўрарман, лекин... ёрдамчиларим ҳақиқатда ҳам хор бўляпти, улар иш-сиз қандай яшайди ўртоқ Ўташев, шуни ўйладингизми? Икковининг ҳам бир этакдан бола-чақаси бор, бундан ташқари, Нурқобилнинг боғини ҳам тортиб олибсизлар, у нима қилади? Улоқиб кетадими боши оққан томонга?

– Ёрдамчиларингизнинг ғамини еманг, кўчада қолдирмаймиз. Қурилишга ишчими ё бирор жойга қоровулми қилиб жойлаштирамиз. Нурқобилбой масаласига келсак, биринчидан, боғ уникамас давлатники, иккинчидан ҳеч ким тортиб олгани йўқ, қонунан хусусийлаштирилди, учинчидан, у олий маълумотли мутахассис, бирор жойдан иш топади. Мана, бизлар ҳам хўжаликнинг барча мулклари сотиб бўлингач, бошқа жойдан иш қидиришимизга тўғри келади. Дод-вой қилиб, энди бошимизни қайси тошга урамиз, деб юрганимиз йўқ.

– Сизлар... қичийдиган жойларингизни ўн-ўн беш йил аввал қашлаб қўйгансизлар, бўла, сизлар дунёни

сув босганда ҳам чўкмайсизлар. Шеър қилиб айтадиган бўлсам: бирингиз ғозу бирингиз ўрдак, Сизларга иложсиз тан бермоқ керак, – деди довдир.

Нордон истехзога ийланган бўлса-да, бу бадиха байт Ўташевга чандон маъқул тушди. У эсини таниганидан бери мақтовни жуда яхши кўрар, ҳатто киноя қилиб айтилганини ҳам бажонидил эшитишга тайёр эди. “Бунинг мағзидаги кинояни ўнтадан битта одам тушунади, қолганлар чиппа-чин ишонади”, дея таскин берарди доим ўзига. Бу гал ҳам шундай хулоса қилди шекилли, довдирнинг елкасига ақраболарча ғамхўрлик ила қоқиб, тезроқ ижтимоий таъминот идорасига бориш ва меҳнат нафақасини расмийлаштиришга даъват этиб, келган жойига равона бўлди. Довдир аввал ёрдамчиларини жойламай пенсия расмийлаштиришга юзи чидамаслигини унга айтиб ўтирмади. Айни пайтда юқори мартабали меҳмоннинг чўлиқлар борасидаги ваъдаси шунчаки Самарқандча манзират эканини тушунди; меҳмон кетган заҳоти уларга ваъдабоз раҳбарнинг қуруқ гапига ишониб қўл қовуштириб ўтирмаслик кераклигини уқтирди.

Дарҳақиқат, орадан ҳафталар, ойлар ўтди ҳамки Очилбой ва Эшпўлатни ишга жойлаштириш ҳақидаги ваъда ижросидан дарак бўлмади. Икковлон “эл қатори” насиба излаб, Россияга жўнамоқчи бўлишди. Довдир кўнмади. “Шу ердан иш топилар, Самарқандни, жуда-а бўлмаса Тошкентни кўринглар”, деди. Шогирдлари унинг гапини икки қилолмай пойтахтга бориб, бир ойча Отчопар бозорида арава судрашди. Топган пуллари томоқларидану ўша ердаги қиммат ижара ҳақидан ортмади. Бахтларига шу орада Эшпўлатнинг армияда бирга хизмат қилган Россиялик ўртоғига ёзган мактубига жавоб келиб қолди.

Иван Сидоров, деган ўртоқ айни кунларда Москвадаги катта бир нуфузли ширкатда қўриқчи бўлиб ишлаётган экан. Эшпўлатга: “ўзингни қўл остимга оламан, шеригингни ҳам кўчада қолдирмаймиз”, деган мазмундаги ғоят умидбахш ваъда берибди. “Биродарнинг борига шукр”, деди Эшпўлат ва бетўхтов Очилбой иккаласи қишлоққа қайтиб, Ҳаким устоздан оқ фотиҳа талаб этишди. Довдир оғанинг энди рухсат беришдан бошқа чораси қолмаганди. “Ой бориб, омон қайтинглар”, дея дуо берди у ва кампири Мусалламга янги ёпилган бир сўлқиллаган шаппати нон опчиқтириб, икки инисини икки томонидан тишлаттирди. “Ҳай, содда одам, бу нима қилганингиз, ахир улар урушга кетаётгани йўғ-у” чолига беозор панд бермоқчи бўлди одатига кўра Мусаллам бону. “Бировнинг юртида мусофир юриб, ерли халқнинг насибасига шерик бўлиб нон топишнинг урушдан осон жойи йўқ”, деди довдир. Шу тариқа икки йигит “ҳайё хуйт”, дея олис шимолга, бир пайтлар катта бир шоир энтикиб васф этган “осмон сингари бепоён ва азамат ўлка” сари равона бўлдилар.

Нурқобил эса “энди курашишдан толмайман”, деган аҳдида қойим ўлароқ ўзининг боғинигина эмас, Ҳаким довдирнинг отарини-да қайтариб олиш йўлида камар боғлади. Маъсума билан боғлиқ эзгу ниятлар ижобати яна орқага сурилди. Андиша қилдики, ўзи бу аҳволда бўлса, унинг қошига қайси юз билан нима деб боради. Ҳаким довдирнинг ибораси билан ифодалайдиган бўлсак, у аввал барча замонларнинг энг мафтункор, энг нозанин ва қўл етмас маликаси бўлмиш “адолатхоним” васлига эришишга аҳд этди. Айни пайтда тушуниб турарди: ул моҳитобон гўзалнинг матлабини мақсад қилганларнинг неча-нечалари шу йўлда зору ҳайрон, хору сарсон бўлиб ўтиб

кетганлар. “Бундан кўра тупур ўша... эри бўлатуриб мингта эркакка кўз сузувчи, бироқ барчасини дарё соҳилига элтиб, суғормай саргардон этувчи таннозга тупур ва Маъсуманинг ёнига бор, оёғига бош ур, “турмуш қурайлик, мен ҳам шаҳарда кичикроқ бўлса-да бир иш топайин, баъдаз яқинда меҳнат нафақасига чиққан аммаму ўғилларимни кўчириб опкелайин, ҳаммамиз аҳил бир оила бўлиб фақирона турмуш кечирайлик”, деб айт, у бечора имога маҳтал бўлиб ўтирибди, ажабмаски, ишга жойлашолмаган тақдирингда ҳам лўлининг эркаги сингари ётқизиб боқса”, деган ярми жиддий, чораги ҳазил, яна бир пайсагинаси аччиқ аламли хаёл ҳам мудом айланарди бошида. Илгари даврлардаги коммунист Нурқобил бўлса, эҳтимол, шундай қилган ва бундан сира оранмаган бўлар эди; айтар эдики, мендай кадрни беқадр қилиб қўйган бўлса, бу социалистик жамиятнинг шўрига шўрва тўкилсин. Бироқ ҳарчанд аламли кўринмасин, не бахтки, энди замон бошқа, алҳол ҳар бир етимга ўзи учун ўлмоқ ҳуқуқи берилган, бояги танноз “адолатхоним” ҳам юқори идорадан қилинадиган биттагина кўнғироқдан сўнг ёнингга чопиб келмайди: “мана мени олинг акажон” деб, уни қонун асосида қўлга киритишга рухсат этилган. Нурқобил бошда Ҳаким оғаси ўз саъй-ҳаракатларига эш бўлади, деган умидда эди. Бироқ буни очиқ айтолмади; кечагина оғир бетобликдан форифбол бўлиб, аранг оёқ босаётган кекса устозни авайлади. Бироқ тирикчилиги нима бўлади, пенсияни расмийлаштирасизми, деган саволдан ўзини тиёлмади.

– Пенсияга ёшни етказиб, ҳамма қатори чиқамиз. Ҳозирча эса... “Кул ўлмас, ризқи тугамас”, – дея жавоб қайтарди довдир ва аччиқ бир ҳазилни кўшимча қилди: – Шунча йиллар давомида тишимизга ёпиш-



ган кирини сўриб ҳам беш-ўн йил яшасак бўлар. Сизга ҳам маслаҳатим шу – зўри беҳуда қилиб ўзингизни абгор этманг. Оддийроқ бир юмушнинг бошини тутиб, ўзингизнинг ҳаловатингизу фарзандлар тарбиятини кўринг.

– Умримда бир марта сизнинг маслаҳатингизга амал қилмасликка, аниқроғи: бугунгисига эмас, аввалги маслаҳатингизга амал қилишга рухсат сўрайман, – деди Нурқобил довдирнинг юзига кулимсираб қараб. – Эсингиздами: “Йиқилсанг ер кўтаради”, деган эдингиз. Ё... ўша фикрингиздан қайтдингизми?

– Қайтганим йўқ, Нуржон ука, шунчаки, сизни си-намоқчи эдим. Маслаҳатимни рад этганингиз учун раҳмат! Аммо огоҳлантириб қўяй: Сталин бобо айтганидай бундан буён манфаат учун, мулк учун кураш тобора аёвсиз ва шафқатсиз бўлиб боради. Одамлар бир-бирларини худди қашқирлар синари ғажидан ҳам тоймайдиган даражага етадилар.

– Мен мулк учун эмас, ҳақиқат ва адолат учун талашаман ва Худо ҳоҳласа, мақсадимга етаман, – деди Нурқобил комил ишонч билан. Довдир унинг қатъият зоҳир чеҳрасига қараб мамнун бўлди:

– Эмасам, Худо ёр бўлсин Сизга Нурқобил ибн Бўта, – дея дуога қўл очди.

Алҳосил, Нурқобил оғасидан қуюқ дуони олиб, қайдасан, Тошкент, дея сафарга отланди. Самарқанддан қишлоқ марказига яқиндан бери қатнай бошлаган янги автобусга ўтирар экан: “Шоқувват Ўташев инсульт бўлибди, оғир аҳволда Тошкентдаги Нейрохирургия марказида ётган эмиш” деган хабарни эшитди. “Водариғ, яхши бўлмабди-ку, бир йўла кўриб, ҳолу аҳвол сўраб қайтмоғим керак, ҳар нечук ҳамқишлоқмиз”, деган фикр хаёлидан ўтди. Самарқандга келиб, темир йўл вокзалида “Афросиёб” тезюар поездига

билет олиш учун навбатга турар экан, ён томондаги “ҳарбийлар учун” деган ёзувли кассага қўл узатиб турган прокурор либосидаги таниш қиёфали кишига кўзи тушди, ким эди, деб ўйлади. Нигоҳлари тўқнашган заҳот таниди: во ҳайрато, бу... ҳув бир пайтлар Итлян билан бирга уни сўроқ қилган йигит-ку! Наҳотки ҳалиям... давр суриб юрган бўлса? Яна ўйладики, ўша замонлар Итлянинг ёнида ишлаганларнинг барчасини унга ҳамтовоқ бўлган, дейиш мумкинми? Эҳтимол, у ўз виждонига хилоф иш қилмагандир? Ахир ўша сўроқ чоғида ҳам бу йигит индамасдан машинкада ёзиб ўтирган, ақалли бирор марта муноқашага аралашган эмасди-ку.

Йигитнинг хотираси ҳам ўткир экан:

– Ассалому алайкум Нурқобил Бўтаевич! – дея қўл узатди.

– Ваалейкум ассалом ука. Узр, исми-шарифингизни билмайман, – деди Нурқобил узатилган совуқ ва қуруқ қўлни енгил қисиб қўяр экан.

– Бунинг унчалик аҳамияти йўқ, агар битта поездда кетадиган бўлсак, яқинроқ танишиб оламиз. Менинг жойим биринчи вагонда. Унгача... агар ҳоҳласангиз мен ташқарида кутиб тураман.

– Ихтиёрингиз, – деди Нурқобил. Терговчи йигит чиқиб кетди. Нурқобил билетни олиб ташқарига чиққанида у перрон эшиги ёнида чекиб турган экан.

– Яхшимисиз, ишларингиз қалай, Тошкентга... бирор анжуманга боряпсизми? – дея дарҳол “сўроқ” бошлади терговчи йигит.

– Бу гал... саволни мен берсам-у, жавобни сиз қайтарсангиз тўғрироқ бўлармиди, ахир “тегирмон навбати билан”, деган гаплар бор, – деди ҳазиломуз оҳангда Нурқобил. Терговчи қизарди.

– Бемалол-бемалол, Нурқобил ака, узр, ҳалиги... касбий касаллигимиз-да, айбга буюрманг.

– Ҳижолат бўлманг, ҳазиллашяпман. Ҳалиям... ҳуқуқ соҳасидамисиз?

– Ҳа, ўша... ўзингиз билган воқеалардан сўнг бўша-тиб юборишганди. Кейин такрорий хизмат суриштируви ўтказилиб, ишга тикландим. Ҳозир... коррупцияга қарши кураш бошқармасида масъул ходимман.

– Унда... Сиз билан учрашувимиз тасодиф эмас, балки қонуниятдир, ёки аниқроғи... сизни Худонинг ўзи етказгандир менга, – деди Нурқобил ич-ичидан кўтарилиб келган ҳаяжон тўлқинидан нафаси бўғилиб. – Айнан бир коррупция ҳодисаси юзасидан арз билан бораётгандим пойтахтга.

– Қўлимдан келса, албатта ёрдам бераман. Дарвоқе, менинг исмим – Ғайрат, фамилиям – Шукуров. Билетингиз қайси вагонга экан?

– Бешинчи.

– Яхши. Поездда фуржа бўлмас, лекин етиб борганимиздан сўнг албатта бафуржа гаплашамиз. Маъқулми?

– Маъқул, – деди Нурқобил. Шундан сўнг улар бошлашиб, перрон сари юришди.

Поезд ўрнидан қўзғалган заҳоти Ғайрат Шукуров Нурқобилнинг ёнига келди.

– Юринг, вагон-ресторанда бир пиёладан чой ичиб, суҳбатлашамиз, – деди. Нурқобил индамай унга эргашди. Четрокқа жойлашиб қизгин муколамага киришишди.

– Ўшанда сиз мени ҳам Итлян гумашталаридан, деб ўйлагансиз, холбуки, мен ҳамиша қонун, адолат тарафида бўлганман, – деди Шукуров.

– Унда... нега улар билан... бирга ишлаб юрдингиз?

– Мен уларни ҳақиқатда ҳам пахтачиликдаги қўшиб ёзишларни фош қилишга келган, деб ўйлагандим. Кейинчалик маълум бўлдики, уларнинг мақсади шон-шухрат қозониб, сиёсат майдонида жавлон уриш экан. Шунинг учун ҳам бир ҳовуч жиноятчиларни жазолаш ўрнига бутун халққа қарши курашга киришиб кетишди.

– Бир ҳовуч жиноятчилар, деяпсиз, демак... пахтачиликда ҳақиқатда ҳам қўшиб ёзишлар бўлган эканда?

– Бўлган ва... ҳозир ҳам бор. Мен сизга айтсам, иш бор жойда камчилик бўлади, деганларидек, социалистик иқтисодиётга хос режа, мажбурият, деган нарсалар бор жойда кўзбўямачилик албатта бўлади. Шунинг учун режа-ю мажбуриятга асосланган иқтисоддан тезроқ воз кечишимиз шарт. Тунов куни юқори минбардан туриб бир катта одам: “Аввал-ку Москвани алдар эдик, энди кимни алдаяпмиз?” деди. Холбуки, бу саволнинг жавобини ўзи жудаям яхши билади. Энди ўзимизни, ўз халқимизни ва бутун дунёни алдаяпмиз. Яъни: “Мана, бизнинг раҳбарлигимиз остида меҳнаткаш халқимиз, мустақил давлатимиз қандай юқори натижаларга эришяпти, кўриб қўйинглар”, демоқчи бўляпмиз. “Популизм”, дейишадди бунинг номини.

– Мен сизнинг хотирангизга қойил қолдим, исми-му фамилиямни қандай эсда сақлагансиз? – Нурқобил боядан бери бермоқчи бўлган саволини берди. Шукуров ўйчан кулимсиради.

– Хотирам сиз ўйлаганчалик зўр эмас. Шунчаки ўшанда... сизга ўхшаб қилмаган айбини бўйнига олмаган, ҳеч кимни сотмаган кишилар бармоқ билан санарли эди. Шунинг учун эсимда қолгансиз.

– Сотганлар ҳам... хотинларини, болаларини қамашганларидан сўнг мажбур бўлишган-да, уларни ҳам қоралаш инсофдан эмас.

– Мен қораламоқчи эмасман. Уларни ҳам тўғри тушунганман ва ўша захотиёқ кечириб, ожизлигу тубанликларини унутиб юборганман. Ҳозир бирортасининг исми-шарифи ёдимда йўқ. Гарчи...

Шукуров бир лаҳза сукутга толди. Гапининг давомини айтишга иккиланди. Нурқобилга синовчан назар солди, унинг дардзада чеҳрасига тикилиб, диллашди:

– Гарчи уларга бугун ҳам тез-тез дуч келяпман. Кўпчилиги яна от устида. Иш услублари ҳам ўша-ўша. Ўтган даврда чеккан жафолари ва кўрсатган матонатлари ҳақида ғурур билан гапиришади. Сизга ўхшаганлар эса яна уларнинг зуғумига учраб, чекка-чеккада жим юришибди. Қани, энди мақсадга кўчайлик, нима ташвиш билан юрибсиз, гапиринг-чи.

Нурқобил бўлган воқеани қисқача сўзлаб берди.

– Аризанинг бир нухасини почта орқали мана бу манзилга юборасиз, – деди Шукуров ва унга ишхонасининг адреси ва телефон рақамини ёндафтаридан йиртиб олинган бир парча қоғозга ёзиб узатар экан. – Имкониятим борича ёрдам бераман...

## 10.

Нурқобил Тошкентга етиб келиб, аризасининг нухаларини Шукуров айтган ва айтмаган бир неча идорага топширгач, Суҳробнинг ҳузурига йўл олди. “Ҳузурига” дейишимиз айтилиши унда бир қадар оҳанжамалироқ кўринаётган бўлса ажаб эмас. Алҳол, бошқача айтилиши унга нисбатан ҳурматсизлик бўлур эдики, бу жанобимиз айтилиши кунда кимсан, Олий кенгаш депутаты сифатида пойтахтнинг қоқ мар-

казидаги муаззам фавворали майдонда жойлашган муҳташам иморатнинг иккинчи қаватида, жиҳозлари яқинда қўйилган кунгай тарафдаги ёруғ бир кабинетда қўр тўкиб ўтирмоқда эди.

Сухроббой биродаримизни республикадаги анчайин нуфузли газеталардан бирида ишлаб юрган, бироқ теваракда “ошкоралик ва демократия” айна авжига чиққанига қарамасдан, дўсти Нурқобилни ёқлаб ёзган мақоласини чоп этишмагани учун “ке-таман”га тушиб юрган иккиланиш ҳамда саросимага оғишта ҳолатини тасвирлаганимиз ёдингизда бўлса керак. Кейин унинг Нурқобил билан бирга Чашмизракка келгани, бемор Ҳаким довдир аҳволидан хабар олиб, унинг маслаҳатига кўра, Нурқобилга нисбатан кўзғатилган-у, Итлянчилар иши чапароста бўлганига қарамасдан ҳали ҳануз силлани қурутувчи сурункали дард сингари давом этаётган жинойий ишни ҳаракатдан тўхтатиш учун ўз қаламкашлик маҳоратини ишга солароқ камарбаста бўлиш мақсадида пойтахтга қайтгани ҳақида ҳикоя қилган эдик. Ва айтган эдикки, у биринчи қадамни туман раҳбари билан учрашувдан бошлаб, ундан сўнг вилоятдаги муттасадди ташкилотларга бирма-бир кириб, ҳар қайсига нурободлик ёш, истиқболи порлоқ раҳбарнинг ноҳақ жабрланиб юргани ҳақида қисқаю лўнда ариза ташлагач, ҳал қилувчи “юриш”ни республика идоралари сари уюштириш учун пойтахтга қайтганди. Пойтахтдаги биринчи “ташриф”и республиканинг ўша чоғлардаги бош сиёсий ва раҳбарий идораси бўлмиш “МҚ”, яъни Марказқўмга бўлди. “Худо берса қулига, чиқариб кўяр йўлига” деган кўп ёқимли бир ибора бор. Уни баногоҳ келган омаддан масрур кишиларнинг ўзлари ёҳуд толеига ташида ҳавас, ичида ҳасад билан қаровчи ошна-оғайнилари айтиб юри-

шади. Сухроб МҚга умрида илк бор қадам ранжида қилган қуни унинг яқиндагина тайинланган раҳбари меҳнаткашлар қабулини шахсан ўзи ўтказаетган экан.

“Келинг ука, – дея очиқ чехра ва ҳаддан зиёд хушмуомалалик ила қарши олади раҳбар. Қаҳрамонимиз бундан дадилланиб, дарду ҳасратини дастурхон қилади. Саркотиб бир оз жилмайиб, дейдики, “ўз дўсти учун шу қадар фидокорона жонбозлик қилиб юргунча, аксар ҳамкасбу ҳамқаламларингиз сингари ўзингизни сиёсатга урсангиз, митингларда қатнашиб, халқ дарду ғами ҳақинда оташин нутқлар сўзлаб, инқилобий шеърлар ўқиб, популизм билан шуғуллансангиз, шунинг баробарида қишлоғингиздан номзодингизни Олий кенгаш депутатлигига қўйсангиз бўлмайдими? Сухроб бу самимий истеҳзони ўзининг ундан-да самимий иддаоси ила чиппакка чиқаради: “Ҳазрати Навоий айтганлар: “Осмонда қуёш бўлиб порлашга урингандан кўра, бир ғарибнинг қумғонини қайнатувчи чўғ бўлганинг афзал”. Бинобарин, мен учун ҳозир қадрдон дўстимнинг мушкулини осон этишдан кўра буюкроқ вазифа йўқ. Шунинг учун ишдан ҳам бўшаб, бутун вақтим ва имконимни ҳақиқату адолат учун курашга сарфламоқчиман”. Бу гап саркотибга чандон маъқул тушади. Шу заҳоти тегишли жойга қўнғироқ қилиб, “Нурқобил Бўтаевга нисбатан қўзғатилган жиноий иш тўхтатилсин” дея буйруқ беради. Ва... кутилмаганда Сухробга қараб: “Сиздек садоқатли йигитлар халқимизга керак. Сизнинг номзодингизни республика халқ депутатлигига кўрсатишларини тавсия этамиз” дейди. Сухроб бу тарихий таклиф, тўғрироғи шоҳона илтифоту муруватни рад этишга ўзида на куч, на журъат топа олади. Эртасигаёқ унга Гўзалкент вилоятидан чопар ке-

лади: “Аҳоли вакиллари номзодингиз депутатликка кўрсатилишини талаб этишмоқда. Илтимос, розилик беринг...”

У ёғини муфассал баён этиб ўтирмаймиз. Суҳробой шу тариқа сиёсат майдонига ғиркўк минган Гўруғлидай шахду-шиддат билан кириб келади. Ҳа, дарвоқе, ўша унутилмас мусоҳаба чоғи саркотиб унга: “Минбаъд ичкиликни оғизга олиш нари турсин, ҳидини ҳам ҳидламайсан” (суҳбат охирида зоти бобаракот Суҳробни ўзига яқин олиб, “сен”сираган ва ҳатто, эркалатиш оҳангида “энангни эмгур”ми ё “энанг айлангур”ми дея сўкиб ҳам қўйган, дейишади) дея қаттиқ талаб қўйибди. Суҳроб бу талабни қатъият ила ижро этибди-ю, фақат бир гал Нурободнинг узоқ бир қишлоғида чўпонлар билан учрашувда бехтиёр бузиб қўйибди. Аниқроғи, ароқ эмас, қимиз жонивордан сал кўпроқ тортиб, ширакайф бўлибди. Кайф устида сайловчилар билан учрашувга бориб: “Мени сайласаларинг ҳам, сайламасаларинг ҳам, аллақачон депутатликка тайинланганман юрт эгаси томонидан, билдиларингми” деворибди. Яъни шунақа деб ҳазиллашмоқчи бўлибди-ю, ҳазили унча ўхшамабди. Бу гап ўша заҳоти саркотибга етиб келган экан. У Суҳробни Олий кенгашнинг биринчи мажлисида ёнига имлаб, дакки берибди: “Энанги эмгур, ичма десам ҳам барибир ичибсан-да, нималар деб алжираб юрибсан халқ орасида”. Суҳроб узр сўрабди: “Узр, ҳазиллашмоқчи эдим, бироқ бу чақимчи халқ ҳазилни тушунмас экан” депти. Шунда улуғ сиймо ёлғондакам жаҳл билан пўписа қилибди: “Менинг ота халқим ҳақида унақа пештахам гаплар айтма!” “Ҳаммаси ҳақидамас, кичик бир қисми ҳақида гапирраётирман, оғажон” депти Суҳроб.



Алқисса, мана шунақа, шоир айтмоқчи: “оддий бир тасодифнинг оддий бир ҳамласи” туфайли шаробхўр ва телбанамо бир ижодкор сиёсат осмонида юлдуз бўлиб порлай бошлабди. Айтишларича, Сухроб олий мартабали раҳбар билан шахсан таниш эканини бирор марта, бирор жойда гапирмаган. Шунинг учун юқорида баён этган воқеаларимиз ҳам шунчаки тилдан-тилга кўчиб юрган чўпчаклар бўлиши ҳам мумкин. Зотан, сал кейинроқ Нуробод тумани бошқони (ўша чоғлар бу сўз турк биродарларимиздан олиниб, кўп истифода этиларди) бир анжуманда: “Сухроб Туробовнинг депутатликка кўрсатилиши менинг ташаббусим, чунки отаси устозим бўларди, ўзини ҳам яхши ижодкор сифатида ҳурмат қилардим” деган экан.

Нима бўлса бўлгандир, муҳими Сухроб депутатга айланди – ҳўб яхши бўлди. Битта ёмон томони, ўзи сезмаган ҳолда Нурқобил, Ҳаким довдирлардан сал узоқлашиб қолди. Табиийки, улар бундан заррача ранжиганлари йўқ. Аксинча, ўзларида йўқ шоду хурам бўлишган. Бироқ... вилоят прокуратурасидан юборилган “Устингиздан кўзғатилган жиноят иши тўхтатилди” деган мазмундаги расмий қоғозни олар экан, бунда дўсти Сухробнинг муайян даражада ёрдами борлигини ҳис этди-ю, масала боягидай битта кўнғироқ билан ҳал этилганидан беҳабар қолди. Чунки Сухроб бу ҳақда айтмаган, иддао этмаганди.

Шу тариқа Сухроб сиёсатда, Нурқобил ва Ҳаким чўпон ўз фаолиятларини ҳаёту иқтисодда давом эттиришиб, ҳар қайсиси ўз ташвишлари билан оввора бўлишиб, ойда-йилда бир кўришадиган бўлиб, шу жонибдан қолишди. Сухроб Нурқобилнинг, Ҳаким довдирнинг бошидан кейинги пайтларда кечган савдолар ҳақида етарлича аниқ, батафсил тасаввурга

эга эмасди. Алҳосил, дўстининг арзу ҳолини эшитиб, ўрнидан сакраб туриб кетди.

– Мен воз кечаман депутатлик мандатимдан, агар бундай ноҳақликларга йўл қўйиладиган бўлса!

– Жиннимисан, мандатдан воз кечишнинг нима кераги бор, унинг ўрнига ваколату савлатингдан фойдаланиб, менинг боғимни, Ҳаким аканинг отарини қайтариб олиб бер.

– Ҳамма гап шундаки, олиб беролмайман! – дея ҳайқириб юборди Сухроб. – Менга ўхшаган депутатдан кўра, кўчада дайдиб юрган дарбадарнинг ҳуқуқи кўпроқ...

– Ундай бўлса, нима қилиб юрибсан, аллақачонлар кетишинг керак эди гувоҳномангни раиснинг башарасига улоқтириб, – деди Нурқобил дўстининг узундан-узоқ ҳасратини эшитгач. Кейин хавотирланиб, хона ичига аланглади: – Бу деворларнинг ҳар бирида ҳойнаҳой, ўнтадан “қулоқ” бўлса керак. Нималар деб алжираб ўтирибмиз. Юр бирор жойга чиқиб, бир пиёла чой устида суҳбатлашайлик.

– Тўғри айтасан, бу олиймақом ҳашаматдан... қафасдаги кушдек безор бўлдим, – деди Сухроб. – Юр, кетдик!..

Икки дўст шаҳар четидаги тамаддихоналардан бирида узундан узоқ, аммо самарасиз суҳбат қуришди.

– Таклифим шу – депутатлик ваколатимдан эмас, шахсий муносабатлардан фойдаланиб, сени вилоят ҳокимиятигами ё қишлоқ хўжалигига оид бирор нуфузлироқ ташкилотгами жойлаштиришим мумкин, – деди пировардида Сухроб. Лекин... мулк масаласида ҳеч қандай ёрдам беролмайман. Қўлим калта.

– Демак, Ҳаким ака айтган тўғри, мустақил мамлакатдаги барча мулклар аллақачон ўз эгаларини топган. Оддий меҳнатқашга, камбағалга шимилдириқ

ҳам йўқ экан-да? – жаҳл билан умрида қилмаган ишини қилиб, сигарет тутатворди Нурқобил. Аччиқ тутун томоғини хиппа бўғиб, қув-қув йўталди. Сухроб индамасдан, елкасини қисиб, қўлларини ёзди.

– Бунақа бўлиши керак эмас! – деди ниҳоят йўтали тўхтаб Нурқобил. – Бу тўғри эмас.

## 11.

Тошкентдан қайтаётган Нурқобил Гўзалкентда тўхтаб, Тошбўрига учради. У яқинда очилган “Шошинч тиббий ёрдам” марказида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаётган экан.

– Мақсадим Сизни кўриб, пурси пос қилиш, Ойсифат ҳақида суриштириш ва... тоғангизнинг аҳволини сўраб ўтишдан иборат, – деди ўзи сезмаган ҳолда бироз расмий, бироз қуруқроқ оҳангда. Тошбўрининг кайфияти яхшига ўхшаб кўринди.

– Менинг ишларим яхши. Хусусий бир клиника очиш, хориждан етук мутахассислар таклиф этиб, юракда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилишини йўлга қўйиш орзусида юрибман. Ойсифат Ҳакимовна диссертация ҳимоясига тайёргарлик кўряпти. Ҳимоядан сўнг.. менга турмушга чиқишга ваъда берган. Биз муносабатларимиз ҳақида узок суҳбатлар қуриб, мунозара-ю мужодалалар ўтказиб, ниҳоят бир қарорга келдик: ўртада муҳаббат бўлмаса ҳам, икки зиёли одам аҳил бир дўстона оила қуриши мумкин. Тоғам ҳақида гапирадиган бўлсам, у киши шаҳар марказида яхши шарт-шароитларга эга тўрт хонали шинам бир квартирада ҳамширалик ихтисосига эга анчайин ёш жувон парваришида... яшаётир. Юролмайди, гапиришга қийналади, лекин ҳар қалай тирик. Ажабмаски, вақти келиб оёққа туриб, равон сўзлайдиган бўлиб кетсалар. Инсульт – оғир хаста-

лик. Ундан буткул тузалиш қийин. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам истиснолар бўлиб туради.

– Сизлар... Ойсифат билан яхши қарорга келибсизлар, – деди Нурқобил маъюс ўйчанлик билан. – Севгисиз оила – энг мустаҳкам оила. Чунки унда ҳис-туйғу эмас, ақл-идрок устун бўлади. Муҳаббат... бу шундай аччиқ шаробки, умрнинг эгови, юракнинг кушанда-си...

Тошбўри кулимсиради.

– Врач сифатида фикрингизга қўшилишим мумкин. Аммо... сиз айтаётган ўша аччиқ, аммо умрбод сархуш этувчи ичимликдан тотиб кўрган “бемор”лардан бири сифатида... унинг инсон ҳаётининг мазмуни бўларли даражада қудратга эга эканини ҳам инкор этолмайман.

– Майли, бу ҳақда баҳслашув бефойда машғулот. Севгини васф этиб, минг бир таққосу муқоясалар, ташбеҳлар кашф этган шоирларнинг барчаси ўзларича ҳақ. Биз ҳам ҳар қайсимиз ўзимизча ҳақмиз. Нафсиламбрини айтсам, сизнинг ўзингиз истаган маҳбубга етишиш учун сабр-бардош, қатъият билан интилганингиз ва... насиб этса ниятингизга эришиш арафасида турганингизга чин юракдан ҳавас қиламан.

– Ўзингиз... ўшандан бери Маъсума опа билан... ҳеч учрашдингизми?

– Йўқ... Ва балким энди ҳеч қачон учрашмасман ҳам.

– Нега, ахир?.. У киши сизни деб... шоҳона ҳаётдан воз кечди, фақирона яшаб, ишлаб юрибди.

– Билмадим. Ҳеч юрагим бетламади. Сухробдан эшитувдимки, бир шоир айтган экан: “Синса кўнгил шишаси, тадбир билан бўлмас бутун. Устухон эрмаски они, рост этса мўмиё...” Гарчи, истак, ширин хаёл-

лар етарлича, гоҳида: “Ҳозир шартта бораман-у, кўлидан етаклаб, қишлоққа олиб келаман” деган азму ирода пайдо бўлади. Бироқ, йўлга отлана бошласам, оёғимга тушов соладиган минг битта баҳона, сабаб чиқа бошлайди. Чамаси... бизнинг тақдирларимиз ҳеч қачон туташмайди. Пешонамизга айрича яшаш ёзилган.

– Нурқобил ака, ундай деманг. Ҳеч бўлмаганда, у кишини гоҳ-гоҳ сўроқланг, аҳволидан хабар олинг. Ёлғизлик ёмон. Айниқса аёл киши учун. Ҳа, дарвоқе, у киши ўртадаги гина-кудуратларни чеккага суриб, тоғамни кўргани икки марта бордилар. Узр сўрадилар. Тоғам йиғлаб: “Сизни кечирдим” дедилар.

– Уларнинг муносабатлари... бу бошқа масала. Бизники эса анча мураккаб.

– Ҳар қалай сиздан укалик илтимосим – опага бир учраб кетинг.

– Шундайми?

– Шундай! Жилла курса савоб, одамгарчилик йўлига хабар олинг. Хўпми?

– Хўп...

Нурқобил Гўзалкент кўчаларида қора шомгача узоқ тентиди. Аммо... Маъсуманинг истиқболи сари йўл тополмади. Аниқроғи қалбида журъат етмади шундоққина қўл узатса етгулик жойдаги институт остонасини ҳатлашга. Ёнгинасидан ўтди-ю, лекин ичкарига киролмади. Қош қорайганда қишлоққа жўнаб кетди.

Шаҳардан чиқадиган энг узун – Сомончилар кўчасидан оҳиста одимлаб борар экан, кўнглига ўзича улуғ бир ниятни тугди. “Бирон тайинли ишнинг бошини тутиб, рўзғор боқадиган ҳолатга етган заҳотим келаман унинг ҳузурига. Ҳозир эса бу аҳволда кўзига кўринишим эркакчиликка тўғри келмас”.

Чашмизиракка қайтиб аммасининг: “Ишларингиз битдими?” деган саволига “Деярли” дея жавоб қайтарди ва анча пайтлардан буён илк бор сокину хотиржам уйқуга кетди. Бу бир қарашда тақдирга тан бериш, бир зайлдаги оч-юпун, аянчли қисматга кўниб, “оч қорним, тинч қулоғим” деган бениҳоя кенг маъноли иборада акс этган мазмунлардан бирини танлаб, қишлоқдаги юзлаб, балки минглаб юртдошлари сингари қолган умрини иягига суянган, яъни эртадан кечгача довур гапхонаю гурунг, очикроғи, аччиқроқ қилиб айтганда, бекорчи ҳангомалар ила ўтказиш аҳдига ўхшаб кўринади. Лекин Нурқобил биродаримизнинг сокин вужуди ичра ҳув ўша, изғиринли кунда унинг “бу ноҳақ дунёни тарк этиш” борасидаги шаккокона азмига қарши исён кўтариб, ҳарчанд қийин бўлмасин, уришдан тўхташни истамаган, қирқ даража совуқда ҳаракатсиз, шуурсиз яхлаб ётган танани ўз оловли тафти ила иситиб, тирик қолишига сабабчи бўлган юрак ҳамон ёниб турар, бугунги ҳаловатли сукут ичра тин олиб, бир маромда, айни пайтда келгусида бунданда ҳаяжонли, безовта-ю бедор дамлар бўлажигига комил ишонч билан уриб ётар эди.

Эртаси куни Довдирнинг ҳузурига борди. Унинг хаста юрагига оғир ботмасин деган фикрда ётиғи билан гапирди.

– Тўғри айтган экансиз. Гап Ўташевларда ҳам, Заҳҳоровда ҳам эмас экан. Улар... улар шахмат тахтаси устидаги майда пиёдалар экан, холос. Наинки, Нуробод, балки тоғ орқасидаги Заркент, Арчали мавзелари ҳам юқоридаги дасти узун “тадбиркор”лар томонидан аллақачон эгаллаб олинган экан. Катта амалдорлардан бирининг қизи, яна бирининг ўғли бу ерларда бутун оламга татийдиган кластерлар, за-

вод-фабрикалар, дам олиш масканлари қурар эмишлар. Бу мақсад учун хориждан миллиардлаб доллар сармоялар келар эмиш. Бинобарин, сизу биз ўз кулбаи ўтовларимизда тинчгина ўтираверганимиз маъқул эмиш. Теварак-атрофимиз обод бўлса, ҳар қалай биз ҳам оч қолмас эмишмиз. Буни менга... ишонган туямиз, сизнинг жондай қадрдон укангиз, менинг тўн кийиб бел боғлашган дўстим Сухроббой айтди. “Сизлар хусусийлаштирмоқчи бўлган ерларга улуғ одамларнинг назари тушган, бу – икки тоғ ораси аҳолиси учун катта бахт” дейди хумпар.

Ҳақим чўпон унинг ҳаяжонланиб айтган гапларини жим ва хотиржам эшитди. Кейин секингина сўради.

– Хў-ўп, ўзингиз энди нима қилмоқчисиз?

– Ҳа, айтганча, менга ҳам вилоят марказида яхши ишга жойлаштириб қўйишга ваъда қилди. “Хоҳласанг ҳокимликка, хоҳласанг бирор бошқармага” деди.

– Тўғри айтибди. Шаҳарга кўчиб кетинг, ишга жойлашинг. Ўғилларингизни яхши мактабу институтларда ўқитасиз. Амма гулингиз ҳам кексаликни тузукроқ шароитларда ўтказади. Ажабмаски, узилган ришталар қайта боғланиб, шахсий ҳаётингиз ҳам ўз ўрнига тушиб кетади.

– Шаҳар яхши. Шаҳар обод ва гўзал. Турмуш чиройли. Аммо... менинг қишлоқда яшагим келади. Ростини айтинг, сиз ҳам аслида менинг шу ерда қолишимни, ёнингизда бўлишимни истайсиз-ку, шундай эмасми?

Довдир маъюс жилмайди.

– Шундайликка шундайку-я, лекин бу ерда... менку бир нафақахўр, бир кунимни кўрарман. Аммо сиз қандай тирикчилик қиласиз, Нуржон? Қўйнинг қийини санаб, тишингизнинг кирини сўри-иб юрасизми?

– Бир ҳисоби бўлар. Мана сиз иқтисодиям, сиёсатиям яхши тушунадиган донишманд одамсиз. Маслаҳат берасиз, йўл кўрсатасиз.

– Бизнинг маслаҳатлар энди иш бермаётир-ку, кўрдингиз, боғниям, отарниям обқўйишди. Гарчи... одамлар оғилхонасию томорқасида куймаланиб ҳам бир кунини ўтказишаётир. Сиз бу фақирона ҳаётга мослаша олармикансиз?

– Одам ҳар қандай шароитга мослашади! Бу ҳам ўзингизнинг сўзингиз.

– Майли, эмасам бир уриниб кўринг-чи, кўлингиздан келармикан?

– Келади!..

Шундай деб чиқди-ю, йўл-йўлакай “чиндан ҳам бу ёғи қандай бўлади энди?” деган савол нақ кўкрагининг ўртасида кўндаланг бўлиб турганини сезди.

## 12.

Ўлмаган кул бир кунини кўради, деганларидек, Нурқобил бобосидан отасига қолган кўхна кўрғон шикаст рехтини тузатиб, томорқачилик ва чорвачилик қилиб, мўъжаз рўзғорини баҳоли қудрат тебрата бошлади. Мактабнинг юқори синфларида ўқиётган ўғиллари ёнига киришди. Амма зўрға эплаб юрган бир сигирни иккита қилишиб, ёнига иккита новвос қўшишди. Ўнта қўй, тўртта эски, йигирмата курка, йигирмата товуқ сотиб олишди. Йигирма сотихлик томорқадаги қариган дарахтлар ўрнига экилган йилиёқ ҳосил берадиган нок, шафтоли, пакана ёнғоқ, бодом, писта экилди. Узумнинг янги серҳосил навлари обкелинди. Иш шу қадар қизиб кетдики, “уч оғайни ботирлар” – ота ва икки ўғилнинг каллаи саҳардан қора шомгача кети ер искамасу, қўли-қўлига тегмас, бечора амма уларни вақтида овқатлантириш учун



хай-хайлаб эси кетарди. Ўғиллар мактабида таътил экани айни муддао бўлди. Кузнинг дастлабки кунларигача Нурқобил “шахсий хўжалик” шаклидаги масъулияти чекланган жамиятни қонуний рўйхатдан ўтказиб, ундаги ишлар тартиби-ю маромини аниқ йўлга қўйиб олди. Ўқиш мавсуми бошланиб, ўғиллар мактабга чиқишгач, икки томондаги кўшнilar билан тузуккина ҳақ эвазига меҳнат шартномаси имзоланди. Ҳамсояларнинг ҳар иккиси бир пайтлар давлат хўжалигида унинг қўл остида ишлаган, бири агроном, бири молдўхтир, иккаловининг ҳам ўрта махсус маълумоти, муҳими, ўз касбида етарлича малакаю тажрибага эга кишилар бўлиб, совхоз тугаб кетгани учун уйда бекор ўтиришган, асосан ўз боғларида ишлаб юришган экан.

– Шу томорқаю оғилхонага яхши қарасак, шоҳона бўлмаса ҳам, ҳар қалай тўқ яшаймиз, – деди у амма, икки ўғли ва икки ишчидан иборат жамоанинг “умумий йиғилиши”да. Вақти ва имкони келгани сари хўжаликни тобора кенгайтириб борамиз. Ажабмаски, у бир пайтлардаги совхозимиз сингари кўп тармоқли, йирик хўжаликка айланса. Муҳими, ҳозирги тирикчилик учун зарур ҳамма маҳсулот – гўшт, сут, мева-сабзавот ўзимиздан чиқади. Ортганини сотамиз. Кўрилган фойда очиқ-шаффоф бўлади ва қонуний асосда, адолатли тақсимланади.

Нурқобилнинг кўрғонидан тўрт ҳовли нарида яшайдиган Ҳаким довдир қадрдон иниси бошлаган саъй-ҳаракатга бошда ишонқирамай назар ташлаган, ҳатто “Нуржон, сиз кенг миқёсли фикр юритишга, катта жамоани бошқаришга ўрганган одамсиз. Бунақа майда хўжаликка ўралашиб, барака топа олармикансиз” деган маънода иштибоҳ ҳам билдирганди. Орадан уч-тўрт ой ўтиб, “майда хўжалик”нинг

баракаси сезила бошлагач, атай келиб Нурқобилдан узр сўради.

– Машойихлар айтган: истеъдодли одам жаҳд этса, ҳар қандай соҳада иш кўрсатади, – деб. – Мен сизни амалу мансаб ҳаётига сингиб кетган, ношуд амалдорлар сирасига қўшиб, адашиб юрган эканман. Мени кечиринг. Аммо... янаям “жўжани кузда санай-миз”.

Нурқобил зукко чўпон аввал бошданоқ бошлаган ишга гўёки “ишончсизлик” билан қараб, аслида бу билан унинг ҳамиятини, ориятини кўзғатмоқчи бўлганини билар, шунинг учун ундан ранжимаганди. Бугунги “назорат текшируви”дан сўнг чиқарилган хулосани эшитар экан, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

– Жўжаларнинг ҳисоб-китоби тўғри чиқса, сизни бизнес шерикликка таклиф этаман, қўшиласизми?

– Ўйлашиб кўрамиз, – деди Довдир. – Ҳозир каминанинг ягона бизнеси саломатликни тиклашдан иборат бўлиб турибди.

### 13.

Чиндан ҳам Ҳаким чўпоннинг хасталиги секин-аста зўрайиб, аҳволи оғирлашиб борарди. Аввалига эътибор бермади. “Мен қувноқ одамман, юрагим ҳали бақувват” дея ҳазиллашиб юрди. Кейинроқ узоққа юролмай, ҳадеганда ҳарсиллаб қолиб, кўз олди қоронғилашиб, боши айланадиган бўлгач, кўнглида “Нега бундай?” деган маънисиз бир инжиқлик пайдо бўлди. Тўхтарбойнинг институтдаги аълочи талабалар қаторида давлат ҳисобидан ўқишнинг қолган қисмини хорижда давом эттириш учун Жанубий Корея университетларидан бирига юборилаётгани ҳақидаги қувончли хабар ва айниқса, Ойси-

фатнинг Тошбури билан турмуш куришга розилик бергани хусусидаги узоқ кутилган муждадан сўнг ўзини мутлақо соғлом ҳис қилди. Кампири Мусаллам бонуга “Энди бу ҳаётда армоним қолмади, тинчгина оёқ узатсам ҳам бўлади” дея ҳазиллашди. Гарчи, хаёлида “шундай десам, кўнглимда қониқиш ва хотиржамлик ҳис этсам, узоқроқ яшайман” деган фикр айланар, кўзларида ўйчан умид бўлиб жилваланар эди.

#### 14.

Акаси бетоб бўлиб қолганидан сўнг Бойқувват яна ичкиликка берилди ва тўласинча Қиличбой Заҳҳоровнинг боқувига ўтди. Кўса Ўташевлар номига расмийлаштирилган мулкларни ҳам устакорлик билан ўзининг ширкати тасарруфига ўтказиб олди. Шу тариқа бир неча тайёр отарлар, улар атрофидаги серўт яйлов, Нурқобил қисқагина вақт давомида қаттиқ ишлаб, анча кенгайтирган ва яшартирган ҳайҳотдек боғ, унинг юқорисидаги мўъжаз арчазор, ўрмону шифобахш сувли чашмалар унга тегишли бўлиб қолди. Умри бўйи катта мансабга эришув орзуси билан яшаган Заҳҳоров буни “Яратганнинг инояти” деб қабул қилди. “Энди бу жойларга хориждан инвестиция киритиб, мева-сабзавотни, жун ва терини қайта ишлайдиган, шифобахш булоқ сувларини қадоқлайдиган бир нечта завод қурасиз”, деди яқиндагина туманга ҳоким бўлиб келган давлат мулки бошқармасидаги эски таниши. “Албатта, хўжайин, ҳаммаси сиз айтганингиздек бўлади” дея икки букилиб таъзим қилди унга Заҳҳоров. Бироқ, ичида ўйладики, нима кераги бор бокира қиздай гўзал ва беғубор жойларни оёқ ости қилишнинг. Заҳҳоровнинг шусиз ҳам пули етарли. Бу жойларга одам қадами етмай тургани дуруст. Шунинг учун бу ҳудудни “Хусусий кўриқхона”га

айлантириш лозим. Иложи бўлса, теваарак атрофини тиканли сим билан ўраб, рухсатсиз қуш ҳам учиб киромайдиган қилиш зарур.

## 15.

Тошбўри Чашмизиракда “Чашмамед” хусусий клиникаси очди. Икки тоғ орасидаги юздан зиёд қишлоқ ва овуллар аҳолисидан ташқари, айтишларига қараганда, Гўзалкент, Самарқанд ва ҳатто Тошкент шаҳридан кўплаб беморлар даво истаб, ушбу шифо масканига келаётган эканлар. Эҳтимол, сабаби яқинда Германияда бир неча ой бўлиб, тажриба ўрганиб қайтган Тошбўрибойнинг юрак-қон томир хасталикларини энг замонавий технология асосида яратилган асбоб-ускуналар ёрдамида тамоман янгича услубдаги жарроҳлик амалиётлари билан даволаётгани ҳақидаги хабарлар бутун мамлакатга тарқалиб кетгани билан боғлиқдир. Дарвоқе, бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Ойсифатхоним турмуш ўртоғининг кликасидан унча узоқ бўлмаган жойда, бир пайтлар қишлоқ хўжалиги коллежи бўлиб, кейин ёпилган анчайин замонавий тўрт қаватли бинода хорижий тилларни чуқур ўрганишга ихтисослашган иқтидорли болалар академик лицейини ташкил этди. Бу осон кечгани йўқ, албатта. Суҳроб ушбу масалада Олий мажлис депутаты сифатида Халқ таълими вазирлигига икки марта расмий сўровнома киритди. Унча-мунчага жон бермайдиган вазир (дарвоқе, унинг ўзи ҳам инглиз тили бўйича мутахассис бўлиб, Гарвард университетиде малака ошириб қайтган экан) охир-оқибат Суҳроб билан биргаликда Чашмизиракка келди, тевааракдаги бир неча мактабларда бўлиб, ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар билан суҳбатлашди ва ниҳоят шу туманда шундай лицейга эҳтиёжу зару-

рат борлигига шахсан ишонч ҳосил қилгач, тегишли буйруққа имзо чекди. Бинони тубдан таъмирлашга, ёнидан барча қулайликларга эга ётоқхона қуришга киришилди. Бинокорлик ишлари жадал олиб борилди. Ниҳоят, янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топширилди. Лицей очилишига санокли кунлар қолганида Ойсифатхоним кўчқордай ўғил туғди. Қувончли воқеа арафасида дунёга келган чақалоққа Бехрўз, яъни яхши кун, дея исм бердилар. Унинг бахтиёр онаси эса чақалоқнинг қирқи чиқишини ҳам кутмасдан, ишга чиқиб кетди. Шукрки, уларнинг толеига Мусалламхон исмли бу борада Ҳаким довдирнинг таъбирига кўра, “бир олам” тажрибага эга етук мутахассис бор экан. Унинг: “Атиги икки болани туғиб, вояга етказганман-у, нега унақа дейсиз?” деган эътирозига жавобан ҳазилкаш чўпон асло бўш келмади. “Э-э, кампир, ўзингнинг икки фарзандингга кўшиб, Очилбойнинг тўртта, Эшпўлатнинг бешта боласини, қолаверса, давлатнинг ўн минглаб кўзи-улоғини парваришлагансан, камтарлик қилма” деди. “Қолаверса, ёнингда мана биз бор” дея кўксига мағрур уриб қўйди. Шу тариқа Тошбўри лайлу наҳор клиникада, Ойсифат уззу-кун лицейда, чолу кампир эса уйда невара тарбияси билан машғул бўлдилар.

– Баҳор келишига ҳам оз қолди, – деди бир куни Ҳаким довдир Бехрўзни овқатлантириб ўтирган Мусалламбонуга қараб. – Ҳаво сал исиб, ер кўкарса, би-ир Сувлига, Нурқобилнинг ёнига чиқаман. Унга айтадиган муҳим гапим бор...

– Яна ўша гапми? – деди кампири кулиб, қўлини силтар экан. – Кўндиролмайсиз. У... кўнса, Мақсуданинг боши янгигина очилган пайтларда кўнар, уни бетўхтов бориб опкелар эди. Энди... кеч бўлди. Ўғиллари эр етиб қолди. Амма ҳам энди Нурқобилнинг

ўзини эмас, ўғилларини уйлаш ҳақида кўпроқ гапирадиган бўлган. Чамаси... Нуржон укангиз... синган кўнглини қайтиб ямай олмади-ёв...

– Унақа дема. Вақт ҳар қандай жароҳатни даволайди...

Орадан яна бир ҳафта ўтди. Қиш охирлаганига қарамай, ҳаво кескин совиб кетди.

Ўша куни унинг димоғи чоғ, кайфияти аъло, бамисоли дунёда ундан бахтлироқ одам йўқ эди. Аммо...

Кун оғиб, аср намози палласи яқинлашган маҳал унинг кўкраги бирдан қисила бошлади. Томоғи ғиппа бўғилиб, ҳаво етишмай қолди. “Ҳай-ҳай, ўртоқ юрак, жаноб юрак, юрак ҳазратлари, ҳазиллашманг, шундай улуғ кунларда қилиқ қилманг” дея ўзига-ўзи ҳазиллашиб, хуружни енгмоқчи бўлди. Кампирига “дорини узат” дея ишора қилди. Малҳам кўксида тобора кучайиб бораётган оғриқни сал сусайтиргандек бўлди-ю, нафас олишни енгиллаштирмади. “Наҳотки, вақти соатим етган бўлса, – деб ўйлади бахтиёр кўрқув ичра ва шу заҳоти ўзига фикран таскин берди. – Нимага иддао қиласан, ахир ҳар дам, ҳар лаҳзада кутиб, ҳозир нозир бўлиб яшадиган-ку бу муқаррар воқеани. Нега тақдирингга тан бериб, шод ва бахтиёр қарши олмайсан бу абадият ила саодатли учрашувни? “Ўғлимга келин туширсам, неваранинг тўйини, Эшпўлатнинг болалари оёққа турганини, Очилбой қаддини тиклаб олганини ва ниҳоят, Нурқобил билан Маъсуманинг қовушганини кўрсам, армоним қолмас эди”. “Улар сенга ким?” “Туғишган жигарларим қатори”. “Уларнинг бахтини кўриш... сен учун шунчалар муҳимми?” “Жудаям”. “Уларнинг омади учун... айнан сенинг қазоинг керак десам, қандай жавоб берган бўлур эдинг?” “Наҳотки, ардоқли кишининг саодати учун сенинг кулфатинг зарур бўл-

са?" "Ўзинг айтмаганмидинг: эзгулик йўлида қурбон бўлишдан кўра аълороқ саодат йўқ деб". "Айтганман. Бу фикримдан ҳеч қачон қайтмайман". "Унда нега ана шу саодатга эришишни хоҳламаётирсан?" "Хоҳлайман... Майли... Ҳамонки... розиман..."

Кўнглида кечаётган ушбу муноазарада ўзи ғолиб, ўзи мағлуб ўлароқ, оғриқдан бир қадар чалғиди.

## 16.

Бу йилги қиш сира тугай демаяпти. Ўзига қолса, камида олти ой давом этмоқчи. Қор кўп ёғди, ҳаво одатдагидан анча совуқ келди. Чашмизирак қишлоғини нақ иккига бўлиб оқадиган Жалабарсой салкам икки ой тақа-тақ музлаб ётди. Ҳаким довдир умри бино бўлиб, кўкламни бу қадар интизорлик билан кутмаган эди. Бунинг муҳим сабабларидан бири бир ҳафта олдин Очилбой Россиядан қайтиб келди.

– Хатингизни олиб, танамга узоқ ўйладим. Ростдан ҳам томорқангизда деҳқончилик қилсам, говмиш сирнинг ёнига иккита ғунажин, ўнта қўй, бешта эчки олиб боқсам, ўша ёқда кўча супуриб топган пулимдан зиёдроқ даромад кўрар эканман, – деди у. Кейинроқ... ўзимга ҳам пича ер ажратиб беришса, деҳқончилик-учорвачиликни яна ҳам кенгайтириш, ўғилларга атаб бир кенгроқ иморат қуриш ниятим бор..

Довдирнинг икки шогирдига йўллаган муштарак мазмундаги қўшалоқ "насиҳатнома"си қуйидаги мазмунда эди:

"Қиёматлик жигарларим!

Соғинчилик саломдан сўнг етиб маълум ва равшан бўлсинким, оғаларинг – камина ҳали-ҳануз тирикман. "Ўлмаган қул бир кунини кўради" деганларидек, ҳозирча тупроқдан ташқарида туриш насиб этаётир. Бироқ, сиҳатим дуруст эмас. Юрак қурғур

панд бермоқда. Нима ҳам дердим. Унга ҳам осон бўлмади. Бу ҳаётда неки “жасорат” кўрсатганини, яъни ўзимизни дўлвор ва тўпори кўрсатиб, хўрликларни шўхлик, ҳақорату мазахларга ҳазил мутойиба билан жавоб қайтариб юришимиз шу шўрликни қону зардобга тўлдириш эвазига эканини ким ҳам биларди. Сен икковинг эса буни чуқур ҳис этиб, қалбимдаги дардимни сўзсиз тушуниб, жондошу елкадош бўлдиларинг. Шунинг учун ҳам ҳар иккингни ҳар қандай қондошу кўкалдошдан яқинроқ билдим, биламан. Токи тилим айланаркан, дуо қиламан. Ҳаётда омадларинг келиб, тинч-хотиржам ва бой-бадавлат бўлиб яшашларингни Яратганимиздан туну-кун сўрайман. Зероки, олдингизда юзим шувит: сизларга берган ваъдаларимни бажаролмадим. Замона зайли экан. Мени тўғри тушунасизлар, деган умиддаман. Мусофирлик қисматини танлаб, бировнинг элидан нон топиб келиш илинжида йўлга отланганларингда қанчалар изтироб чекканим фақат ўзимга аён. Ўшанда йўлингларни тўсолмадим. Бунга имкону иложим ҳам йўқ эди. Бошбошдоқлик, ит эгасини танимади. Юқоридагилар фақат ўз мавқеи ҳақида, мансабу мартабасини узоқроқ сақлаш, курсисида умрбод, иложи бўлса абадий ўтиришни ўйлашади. Пастдаги шўрликларнинг эса саргардонлик коржомасини киймоқдан ўзга чораси йўқ эди. Яна... ўша амалпарасту худпарастлар мужовиру муҳожир бўлиб юрган ватандошлардан бурнини жийиргани, ҳатто ижирғангани ортиқча бўлди..

Шукр, энди давр ўзгарди. Бугун элу юрт бошига оддий одамларга фақат оғизда эмас, амалда ғамхўрик кўрсатадиганлар келишяпти. Ҳар ҳолда бошланиши кишини умидлантиради. Илоё, бу саъй-ҳаракатлар минбаъд мунтазам ва мустаҳкам бўлсин.



Шуларни кўриб, ўз юртингда, шаҳру қишлоғингда ҳам одамдек яшаш ва ишлаш имкони чин маънода яратилаётганини ўз кўзим билан кўриб, ишонч ҳосил қилгач, ушбу мактубни ёзишга, сизлардан ортга қайтишни сўрашга жазм этдим. Бугун мамлакат аҳли учун ҳалол меҳнат билан бола-чақа боқа оладиган кунлар келгани рост бўлсин иншооллоҳ! Ҳа, айтганча, қадрдон инимиз Нурқобил ҳам сизлар кетгач, анча оворагарчиликларни бошдан ўтказганди ва ортларингдан жўнашга деярли тайёр бўлганди. Хайрият, ирода ва сабр-қаноат билан иш тутиб, томорқаю оғилхонасида сидқидилдан меҳнат қилиб, бугунги кунда руҳи бутун, рўзғори обод бўлиб, кўкрагини баланд кўтариб юрибди. Кеча обдон суҳбатлашдик. “Иниларингизни қишлоққа қайтаринг, хоҳлашса бирга ишлаймиз, хоҳлашмаса ҳар қайсисига алоҳида фермер ёки томорқачи бўлиб иш юритишни ўргатаман, ёрдамлашаман” деди. Айтдики, туманимизнинг ҳув бир пайтлардаги раҳбари Ҳожимурод Худойқулов хориждан қайтибди. Яқинда яна вилоят ҳокимлигига сайланар эмиш. Юқоридан келган мулозим туман аҳолиси вакилларидан ўн минг кишини минг нафардан гуруҳларга бўлиб, шу ҳақда суҳбатлашиб, фикр сўрабди. Барчаси: келсин, дейишибди. Қаранглар, оддий кишилардан фикр сўрайдиган кунлар ҳам бор экан-ку!

Хуллас, гапни чўзмасдан мухтасар қиламан. Жомадонларни қайтиш сафарига ҳозир этингиз. Сизларни оилангизу қишлоқдошлар қатори мен, жон-жигар оғангиз Ҳаким бобо кутяпман. Дарвоқе, айтишни унутай дебман. Ойсифат сингилларинг ва Тошбўрибой яқинда ўғилли бўлишди. Яхши кунларга етганимизга хурсанд бўлиб, Беҳрўз деб номладик. Насиб

этса, унинг тўйида ўзларинг баковуллик қиласизлар...”

“Бахайр, нега бир ўзинг, Эшпўлат қани?” – Ҳаким довдирнинг Очилбойни бағрига босиш баробарида оғзидан чиққан биринчи гапи шу бўлди. Очилбойнинг негадир ранги оқарди.

“У... сал кейинроқ келадиган бўлди. Битмаган чала юмушлари бор экан. “Сиз бориб, ишни бошлайверинг, насиб этса, кўклам ўртаси мен ҳам қайтаман” деди”;

Довдир бу гапга ишонишга ўзини мажбурлади. Гарчи хаёлида минг хил гумону иштибоҳ айланар, уларга қай тарзда аниқлик киритишни билмай, қийналар эди.

– Бирортасига... уйланиб қўйиб... домидан қутулмай юргани йўқми, ишқилиб, – охири шу тариқа ҳазиломуз савол берди. – Шундай бўлса, ростини айт, бирга бориб, хотинининг маҳрини бериб, қутқариб келамиз.

– Э-э, йў-ўқ, – энди қизаринди Очилбой. – Узоқроқ бир... сафарга отланаётган эди. Ушандан қайтган заҳоти бу ёққа жўнайди...”

Довдир индамади. “Ундай бўлса яхши, кутамиз” демоқчи бўлди-ю, демади. Очилбойнинг титроқ овозида ишонч етишмаётганини ҳис этди. “Бир бало бўлган, ораларидан ола мушук ўтганми ё бошқа сабаб борми, хуллас, Очилбой Эшпўлатнинг яқин орада қайтиб келишига кафил эмас. Ишқилиб тинчлик бўлсин...”

– Хатимни... бирга ўқиганмидиларинг? – деб сўради у Очилбойнинг жавдираб турган кўзларига тикилиб. Шогирди нигоҳини олиб қочиш баробарида бош ирғади.

– Мен сенга савол бердим Очилбой, унга ё “ҳа”, ё “йўқ” деб жавоб қайтаришинг керак. Сен бўлсанг, кавш қайтараётган буқага ўхшаб, каллангни қимирлатасан. Оғзинг билан гапир, ҳой бола!

– Ўқигандик бирга... Бирга қайтадиган эдик. Лекин... жўнашдан бир ҳафта олдин ғойиб бўлди. Бирга ишлайдиганларидан бирма-бир суриштирдим. Ҳеч қайсиси тайинли гап айтмади. Фақат биттаси... “Биродаринг ёмонроқ ишга аралашиб қолган эди, шунинг учун шериклари билан Европагами, Африкагами қочган бўлиши мумкин” деди...

– Нима ёмон иш? – юраги силқиллади Довдирнинг.

– Билмадим. Ўша... чақирган ўртоғи билан каттароқ бир фирмада қўриқчилик қилиб юрарди. Уям... йўқ. Тополмадим. Лекин...

– Нима лекин?

– Оиласига анча пул олиб келаётганди. Бир қисмини “ҳар эҳтимолга қарши сизда турсин” деб менга берганди. Бир тийинига ҳам хиёнат қилганим йўқ. Кела солиб, аёлига топширдим.

– Анча деганинг қанча?

– Битта жомадон тўла эди. Менга бергани ўн минг доллар. Қолганини... ўзи билан опкетган шекилли.

– Бирга турмасмидиларинг?

– Йўқ. Мен қурилишда ишлайдиган йигитлар билан ижарада яшардим. У қўриқлайдиган фирмасининг ётоғида турарди. Хонасига бордим. Ўша жомадондан бошқа ҳамма нарсаси жойида турганди.

– Ҳм-м, – қаттиқ оғриқ кирган икки чеккасини бош ва ўрта бармоғи билан эзгилаб, ўйга толди Довдир. – Саёқ юрган эмасмиди, ишқилиб.

– Фирмада соқчи эди, дедим-ку.

– Майли, аёлига нима дединг?

– Унга ўзи хат ёзиб, сал кейинроқ боришлигини айтган экан.

– Тушунарли. Бир жомадон тўла пулни соқчилик билан топиб бўлмайди. Уканг шўрлик ростдан ҳам жуда ёмон ишга аралашган кўринади, ишқилиб соғ-саломат қутилсин. Эмасам, сен тезроқ ишни бошла. Энди ҳамма умид сендан.

– Майли ака.

Довдир бир неча лаҳза сукут сақлаб, Очилбойга айтмоқчи бўлаётган гапини кўнглида таҳлилу таҳрир этди. Аслида бу панду насиҳатни у икки шогирдини бақамти ўтқазиб, гапирмоқчи эди. Ҳамонки, Очилбой ёлғиз қайтган экан, энди фақат унинг ўзига сўзлашдан бошқа илож йўқ.

– Очилбой ука, ҳақиқиқатда ҳам энди барча умид сендан. Эшпўлат яқин орада қайтмаслигини, аниқроғи, қайта олмаслигини кўнглим сезиб турибди Шунинг учун минбаъд унинг оиласи ҳам сенинг ҳифзу ҳимоятингга бўлиши шарт. Агар... Агар менга... бир нарса бўлса, меникиларга ҳам қўлингдан келса, ғамхўрлик қил, келмаса ҳижолат бўлма, улар бир кунини кўришади. Нурқобил билан маслаҳатлашиб иш қил, у доно йигит.

– Васият қиляпсизми, – Очилбой кўрқинқираб жилмайди. – Кўйинг-е, ака, ҳали сиз билан кўп йил бирга иш қиламиз.

– Тобим йўқ, Очилбой. Ҳар эҳтимолга қарши айтиб қўймасам бўлмайди. Иссиқ жон...

– Унақа деманг.

– Энди бор болаларинг олдига. Мен бироз дам олай. Чарчадим.

Ўша кун кечкурун қишлоқда “Қиличбой Заҳҳоров қамалибди, уйдан кўп миқдордаги наша, қурол-

яроғ, бир неча кило тилло топилибди” деган хабар тарқалди. Довдир бу хабардан сираям ажабланмади, “эртами-кечми, шундай бўлиши аниқ эди” деди ва негадир хаёлига “Эшпўлатнинг Кўса билан алоқаси, ошначилиги йўқмиди” деган ғайри мантиқий бир фикр келди. Гарчи...

Хув бир пайт Эшпўлатнинг туман ҳокими билан мерганлик Ҷобидаги беллашуви ҳақидаги ривоят тилдан-тилга кўчиб юрган кунларнинг бирида Захҳоров тўсатдан отарга “ташриф буюрган” ва Эшпўлатга: “Қани, мен билан ҳам бир отишиб кўр, агар ютсанг, йигирмата қўй бераман, ютқизсанг, менинг қўл остимга ишга ўтасан” дея таклиф этган, бироқ Эшпўлат кўнмаган эди. Кейин ҳам бир-икки марта ўртага одам қўйиб, уни ўзининг бўлимига ишга чақирган, катта ваъдалар берган. Эшпўлат бир сўзли йигит бўлгани боис барча “ёғли” таклифларни рад этган ва ҳатто, ишсиз қолганидан сўнг ҳам Кўсанинг хизматига кирмаган. Эшпўлат тегирмонга тушса, бутун чиқадиган, пишиқ, мерган йигит. Ишқилиб, ўша мерганлиги панд бермаган бўлсин...

Довдир қишнинг анчайин қисқариб қолган ушбу тунида ярим кечагача ухлолмай ётди. Кўчадан бўрининг увиллашига ўхшаган овоз эшитилар, катта чўян печкада саксовул ловуллаб ёнаётганига қарамасдан, уй анча салқин эди. “Қаҳратоннинг сўнгги талвасалари, деб ўйларди Ҳаким чўпон. Расмий тақвимга кўра, индин баҳор бошланажagini эслаб. Гарчи бу талваса ҳали яна қанча давом этишини ҳеч ким билмайди. Ҳамал кирмагунча, об-ҳавога ишонч йўқ. Ҳеч қиси йўқ. Сабр қилмоқ керак. Ҳамалга ҳам етишар агар насиб этган бўлса...

Бу унинг ўнгидаги сўнгги ўйлари бўлди. Шундан сўнг кўзи илинди. Алоқ-чалок, узундан-узоқ тушлар

кўрди. Лекин бирортасининг маъно-моҳиятини англолмади.

## 17.

Куз охирида амма тўсатдан ётиб қолди. Ўзи Нурқобилнинг кенжатоғи ўқишга кириб, мустақиллик байрами арафасида Тошкентга жўнаб кетганидан бери ичига чироқ ёқса ёришмай, зерикиб юрар, шунинг оқибати шекилли, кўкси сим-сим оғрир, нафаси қисилар, дўхтир берган дориларни бехато ичишига қарамай, қувватдан кетиб борар, “кексалик аломати-да” дея бунга жиддий эътибор бермас, фермер хўжалигининг қўрадаги юмушларига ҳам энди аввалгидай кўмаклашолмас, узоқ йиллардан бери қиладиган вазифаси – уйда уч маҳал овқат пишириш, кирларни ювишга ҳам қурби етмай, Нурқобилнинг илтимосига биноан яқиндан бери бу ҳам муайян қўшимча ҳақ эвазига унинг тасарруфидаги ишчи аёллардан бирига юклатилган, аммо жиянининг “Сиз соғлиғингизни ўйланг амма” дейишига қарамай, боғда куймаланар: ўтоқ қилар, мўъжаз кетмончаси билан ниҳоллар тагини юмшатар, ишқилиб кўпроқ ҳаракатланишга уринарди. Шунинг оқибатида шамолладими, бирданга қаттиқ иситма қилиб, гум-гурс ётиб қолди.

– Мен энди ўладиганга ўхшайман, Нуржон, – деди у эрта баҳор кунларининг бирида кечқурун Нурқобилни ёнига ўтқазиб.

– Кўйинг, унақа деманг...

– Сен гапимни бўлмайд эшитгин. Бу дунёга ҳеч ким устун бўлолмайди. Ҳамма ҳам бир кунмас бир кун кетиши муқаррар. Менинг вақту-соатим яқинлашаётир. Буни аниқ сезиб турибман.

– Ҳали кўп яшайсиз, амма...

– Майли, илоё айтганинг келсин. Лекин ҳар ҳолда эс-хушим жойидалигида пайти сенга айтиб қўядиган бир-икки оғиз гапим бор.

– Васиятми? – деб кулди Нурқобил. – Қўйсангиз-чи.

– Васият эмас. Илтимос.

– Илтимос? Унда майли, айтинг.

– Бориб... Маъсумани опкел.

– Нима қиласиз уни? Нима керак сизга? Хизматни бундан буён ким қилишини келишдик-ку.

– Менга эмас, сенга керак.

– Менга? Менга... энди кеч бўлди амма. Мен ҳам энди қаридим. Хизматга десангиз, ана ёрдамчилар бор. Қолаверса, ҳадемай келин туширамиз. Мен... узоқ ўйладим... бизга Маъсуманинг зарурати йўқ.

Нурқобил марҳум завжасига ғойибона берган ваъдаси ҳақида аммага гапирайми-йўқми деб иккиланди. Индамай қўяқолишни маъқул топди.

– Намунча дийданг қаттиқ бўлмаса сенинг, Нуржон, – деди амма кўзида ёш ғилтиллаб. – Менинг ёлғизлик қисматимни кўриб... хулоса қилмаган экансан-да.

– Унақа деманг амма. Сиз ҳеч қачон ёлғиз бўлган эмассиз. Иккинчи бор турмуш қуришга ўзингиз рози бўлмадингиз. Эмасам, қанча жойдан одам чиқди. Мен эса... Менинг армон қиладиган жойим йўқ. Худо ёстикдошимдан барвақт жудо қилган бўлса ҳам, шукрки, икки қобил фарзанд берди. Бундан буёғи шуларни деб яшайман.

– Тушунмадинг. Мен Маъсумани айтяпман. Унга раҳминг келмайдими? Ахир бир пайтлар яхши кўрган экансан, наҳотки энди... ёши ўтиб қолган бир пайтда кимсасиз аҳволига ақалли ачинмасанг?

– Эҳ амма, аммагулим, унга жонингиз куйиб юрган

экан, нега шунча йил давомида айтмай келдингиз, нега сал аввалроқ қистамадингиз?

– Буни вақти келиб, ўзинг тушунарсан, деб ўйлардим. Бошда марҳума аёлингни, Мавжудангни унутолмаётирсан, унинг хотираси ҳурматини қилаётирсан, дедим. Кейин, агар шундай десам “аммам рўзғоримни юритишдан чарчабди, бундан буён хизмат қилиш малол келаётир” деган хаёлга бормасин деб ботинолмадим.

– Мен бўлсам, аммам ранжимасин, “рўзғорини, икки боласининг парваришию тарбиясини менга ишонмаётир” дея ўксинмасин деган андиша билан юрдим. Кейин унинг рўзғор қилишга, бола тарбиясига бўйни ёр беришига ҳам унча кўзим етмади.

– Ҳайтовур, ундан қаттиқ кўнглинг қолган эканда. Эмасам, қаттиқ яхши кўрган киши бунақа нарсаларни ўйлаб ўтирмасди.

– Кўнглим-ку қаттиқ қолган эмас. Боши очилганидан сўнг олсам олардим ҳам. Лекин... билмадим амма, нима учундир унга қайтиб оғиз солишга жазм этмадим. Балким... Ўташев эмас, мен яқиндан танимаган, тўқнашмаган бошқа бир одамдан чиққан бўлганида дадилроқ бўлармидим.

– Кўрқдингми, чўчидингми? Энди-чи? Ҳозир Ўташев шарти кетиб, парти қолган бир чол-ку.

– Гап ундамас амма, гап... ўзимда. Ўзимни... мажбурлай олмадим.

Нурқобил миясига келган: “Хаёлимда ўша одам “мен туфлаб ташлаган тупукни ялаб юрибсанми” дея масхаралаётгандек туюлади” деган гапни айтишга андиша қилди. Бироқ, зийрак амма унинг кўнглидаги фикрни уқди.

– Бировнинг сарқити дедингми? Мен... уни худди марҳума аёлингни суйганингдек суй демоқчи эмас-



ман. Севгисиз бўлса ҳам, лоақал ўзаро иззат-ҳурмат билан бир-бирингга овунч бўлиб яшасанглар дейман-да.

– Шу гапни сиздан эшитяпманми? Ахир ўзингиз бир пайтлар айтмаганмидингиз, “севмаган кишиси билан юз йил умр кечиргандан кўра, суйган инсонинг билан бир кун яшаган афзал” деб.

– Сизларнинг ўртангизда севги бўлган-ку ахир.

– У севги ўлган.

– Раҳм-шафқат-чи?

– Шафқат бор. Лекин... ўзимни мажбурлай олмапман, амма.

– Ўзингни мажбурлашинг шарт эмас. Уни ишга таклиф қил, Нуржон. Лоақал ёнингда хизматингда юриб, овунсин. Ҳозир бўлмаса... мен ўлганимдан кейин олиб кел уни. Савоб бўлади. Кейин...

– Унақа...

– Гапимни бўлма дедим, амманг айлансин. Кейин... яна бир илтимосим – келгусида қиз кўрсанг, қизингга, эмасам неварангга исмимни қўй. Уни... чақирган, иш буюрган ё эркалатган пайтларинг “Гулсара деган бир шўрлик муштипарим, аммам бор эди” деб эслаб юрасан. Майлими? Ваъда берасанми? Хўпми?

– Хўп, – деди мижжалари сари шиддат ила қуйлиб келган селобни яшириш учун дераза оша қорайиб турган осмонга ўгирилиб.

Ўша оқшом амма бандаликни бажо келтирди. Кузнинг серёмғир кунларидан бири бўлди бу мотам айёми. Нурқобил “Аммажон”, ўғиллари “Энажон” деб йиғлашди. Худоиси ўтиб, Нурқобил ўғилларини шаҳарга кузатиб, хувиллаган уйга қайтар экан, “Аммам Маъсума ҳақидаги илтимосни қилаётганида манови аҳволу манзарани кўз олдига келтирган шекилли” деб ўйлади. Кимсасиз бўшлиқ ва совуқ суку-

нат ямлаб, ютиб юбораман дейди. Шу топда кўнглига на иши, на ундан кела бошлаган яхши даромад ва на ниҳоят эрта-индин бошламоқчи бўлаётган янги уй қурилиши сиғди. Ҳаммасини ташлаб, бу дунёнинг арзимаган майда-чуйда ташвишларига қўл силтаб, қайларгадир кетворгиси келди.

“Ҳозирча Ҳаким аканинг олдига бориб, тўрттагина гурунг қилиб келай, кетвориш бўлса қочмас” деди ўзини қўлга олиб. Шу одам ҳам ғанимат бўлиб қолди. Дийдорига тўймай қолмайин...

Кейин болалигини, ёш Абдуҳаким ва Гулсаранинг беғубор дўстлиги, кичик бир ўйловсиз иш, мудҳиш ҳато туфайли очилмай сўлган муҳаббати ҳақида ўй сурди. Бир-бирлари билан қўл етгулик масофада, “сен унда зор, мен бунда зор” бўлиб, дарду аламларини ичга ютиб, яшашди-я, деб ўйлади. Ҳаёт нақадар мураккаб, тақдир ҳаминқадар бешафқат...”

## 18.

Ярим тунда Тўхтарбой келди. Довдир одатига кўра бедор эди. Онасининг қистовига кўра серёғ қатиқ ва нон-чой билан енгил тамадди қилаётган ўғлига ҳар галги ярим ҳазил, ярим жиддий саволини берди.

– Жаҳон айвонида нима гаплар?

– Гап кўп. Аммо сиз учун муҳим аҳамиятга эга иккита янгилик бор, – деди Тўхтарбой онаси узатган олма қоқи қўшиб дамланган чойдан шошилмасдан ҳўплар экан. – Биттаси хайрли, иккинчиси нохуш. Қайси бирини аввал айтай?

– Яхшисини айт, болам, отангнинг юраги қурмағур шусиз ҳам кил-киллаб турибди, – деди онаси.

– Нохушидан бошлайвер, – деди қўлини силтаб Довдир. – Бу юрак қашқатаёқ бўлиб кетган. Парво қилма.

– Эшпўлат акам... қотилликка ёлланиб, Россияда бир неча кишини отган ва хорижга қочган экан. Кеча Испанияда қўлга олинбди. Интернетда хабарини ўқидим.

– Ё фалаксан! – ёқасини ушлади Довдир. – Бошқа бировдир. Адашаётганинг йўқми?

– Расмини ҳам кўрдим. Худди ўзи. Соқол қўйган, биттасида қора кўзойнак таққан, иккинчисида ойнаксиз.

– Ҳаҳ, ярамас-а! “Қайтиб қўлимга милтиқ олмайман, афғонда отган одамларимнинг руҳи икки дунёда тинч қўймайди” деган эди-я! Барибир яна олибди-да...

– Энди уни... камида умрбод қамоққа ҳукм қилишади. Ҳар тугул Россияда ўлим жазоси бекор қилинган.

– Бекор қилингани... бекор бўлган экан, – кўксини чангаллаб деди Довдир. – Отилса, осон қутиларди. Энди умрининг охиригача ит азобини кўради.

– Тезроқ яхши хабарингни айт, Тўхтаржон, – зориллади она. – Ҳеч эсинг кирмади-да сенинг. Қаёқдаги гапларни топиб келасан.

– Унақа дема Мусаллам. Эшпўлат ҳақидаги хабарни менга айтмаса, кимга айтади. Аммо-лекин ҳозирча оиласига билдирмай турамиз. Бирор ойлардан сўнг ётиғи билан ўзим тушунтираман. Майли, энди яхши хабарингни айта қол. Нима бўлди, хўкиз туғдимми?

– Мени... ёшлар газетасига бош муҳаррир ўринбосарлигига тайинлашди.

– Ҳа-а, шунақа де, яхши, яхши. Энди эмасам, тўй гадоригини бошлайлик. Кўз остига босганинг борми? Ё онанг қишлоқдан, онаси ўпмаганидан топсимми?

– Яна бир йил шошманг, ота. Ақалли бир хонали бўлсаям уй олволай. Ишхонадан хат олиб, банкка

ариза топширганман, кредит ажратишади. Эҳтимол, бир қисмини тўйга харж қилармиз.

– Кредит олиб, бўйнингдаги қарзингни узолмай сарсон бўлиб қолмайсанми, болам, – оғринди она.

– Кўявер, қарз қутилади, хотин билан уй ёнга қолади, – деди ота. – Ишқилиб, тезроқ ҳал қил. Баҳор ўртасигача тўйни ўтказайлик. Улгурасанми?

– Улгураман.

– Мана бу бошқа гап. Ана энди ётамыз.

Шу оқшом Довдир бир неча ойлардан буён илк бор хуш кайфият ичра сокин ва узоқ ухлади. Бироқ тонгда туриб, яна бир мудҳиш хабар эшитди:

– Гулсара хола бандалик қилибди, – деган хабар олиб кирди субҳи козибда бадантарбия қилгани чиқиб кетган ўғли. Бу мужданинг дадасига нақадар оғир зарба бўлишини у билмас эди ахир. Шўрлик довдир кўзидан шашқатор ёш оқиб, инграб юборди. Лаблари титраб, беихтиёр бир пайтлар отасидан эшитган мунгли кўшиқ сатрларини пичирлади: “Отам кетди, онам кетди, энди навбат менга етди.”

Мусалламнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, почта-пўстинини кийиб, жанозахонага отланди. Майитни кўтаргунларича кўзидан милт-милт селоб сизиб, жимгина ўтирди. Қабристонга боришга ҳоли етмади. Ўғли қўлтиғидан тутиб, уйга олиб келди. Кирасолиб, ўринга чўзилди. Кампири дарҳол дориларини ичирди. Сал ўзига келиб, дўхтирнинг: “руҳингиз тушган пайтлар қувончли воқеаларни, ёқимли сўзларни эслашга ҳаракат қилинг”, деган маслаҳати ёдига тушди. Кейинги пайтларда ўзини энг севинтирган воқеани кўз олдига келтиришга уринди.

“Отажон, узоқ ўйлаб кўрдим, Сизнинг истагингиз менинг наинки орзу-умидларим, балким ҳаётимдан устунроқ экан, – деди маъюс кунларнинг бирида

ногоҳоний келган ўжар қиз. – Тошбўри Милтиқбоевичга тегишга розиман.” “Она қизим, мен ҳам узоқ мулоҳаза юритдим. Сени энди мажбурламайман. Суймаган одамингга тегиб бир умр азоблангандан кўра тоқ ўтишни афзал билсанг ҳам норози бўлмайман.

– Бизлар... бир-биримизни ҳурмат қилиб яшашга келишдик. Психологнинг айтишича, бундай оилалар муҳаббат асосида қурилганларидан ҳам мустаҳкамроқ бўлар эмиш.

– Психолог ҳақ гапни айтибди қизим. Мен бунга юз фоиз кўшиламан. Ўртада фарзандлар туғилгач, ораларингдаги ҳурмат ўн чандон ортади. Меҳрга, чинакам аҳду вафога айланади...

Аввал Чашмизирақда мўъжазгина тўйча, кейин шаҳарда, Милтиқбой домла ишлайдиган институт қаҳвахонасининг иккинчи қаватидаги шинамгина базмгоҳда серфайз ва серзавқ никоҳ оқшоми бўлди. Ўртани Сухроб олиб борди, Нурқобил қамишдан бел боғлаб хизмат қилди. Маъсумага таклифномани Тошбўрининг шахсан ўзи олиб борган экан. Бироқ... у астойдил шоду-хуррамлик билан қутлаш баробарида узр сўрабди: “кейинроқ алоҳида бориб, яна бир бор табриклайман” дебди. Нафсиламбирини айтганда, Нурқобил бундан хурсанд бўлди, зеро Маъсумага ночору нотавон аҳволда кўринишни сира-сира истамасди. “То унинг кўзига тик қарай оладиган бўлмагунимча қорамни кўрсатмаганим маъқул”, деб ўйларди у. Агар Худо ёрлақаб ишлари ўнглана бошламаганида Ҳаким оғасининг чўлиқлари ортидан Россиягами, Қозоғистонгами кетворарди. Ҳар тугул ҳаммаси яхши бўладиганга ўхшайди. Довдир тўй ўтгач уни ёнига ўтқазиб, насиҳат қилди: “ёмон кўрсанг ҳам шу мунис-муштипарга уйлан ука”, деди. Нурқобил ваъда бермади. Бироқ хайриятки қатъий “йўқ” ҳам демади.

Агар анови Эшпўлат эшшак боягидай қилмаганида... довдирнинг бу ҳаётда армони қолмаган ва... оёғини тинчгина узатаверса бўларди. Лекин начора, кемтик-сиз бўлмас экан бу дунёнинг ишлари. Эҳ, Эшпўлат, энангни эмгур Эшпўлат-а, умрида бир марта ҳам сўкинмаган одамни беномоз қилдинг-а! Энди болаларингнинг кўзига қандай қарайман. Қандай яшайман, “Ҳаким довдирнинг чўлиғи одамкуш чиқди”, деган носоққа қандай чидайман?”

Шу тариқа довдир кечгача ўзини тинчлантиришга уриниб, у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб, бот-бот “оҳ” тортиб ётди. Кечки овқатда чимхўрлик билан тотинган киши бўлиб, яна тўшакка чўзилди. Кампирига ачиниш билан қаради: “шунгаям юк бўлдим”, бечора ўзи дардчилу мени ўйлайди, агар... боламни уйлантирган бўлганимда-ку, бу уқубатда қачонлар халос этиб... Мусалламнинг ортидан чин дунёга рихлат этардим. Шундай дейман-у, одамнинг сира ўлгиси келмас экан...”

Шундан кейин яна салкам икки ой ўтди.

Ҳаким довдир “кишининг вақт-соати етгани ўзига аён бўлади”, деган гапни отасидан кўп эшитган бўлса-да, бироқ ишонишни истамай юрар эди. Шу бугун, Гулсаранинг қирқига бориб келган Мусалламбонудан: “Шоқувват Ўташев ҳам бандаликни бажо келтирибди”, деган хабарни эшитган лаҳзасида миясидан ялт, этиб, “сенинг ҳам фуржанг яқинлашиб қолди оғайни”, деганга ўхшаш бир фикр ўтиб кетганини пайқади ва кўрқди. Ўлимдан эмас, ўғлининг тўйини кўролмай кетишдан ваҳимага тушди. Яратгандан ажалига сабр сўради. Яна истиффор этдики, Ўзи билгувчидир. Кампирига эшиттириб: “Оғзингдан ел учирсин, ҳали биз кўп яшаймиз, ахир қиладиган ишларимиз кўп, ахир ўғлимизнинг тўйини ўткази-

шимиз, Эшпўлатнинг сағирларини катта қилишимиз керак”, деди-ю, ичида “янаям ким билсин”, деб қўйди. Кейин ёстиқдош ҳамсарига имкон қадар босиқлик, хотиржамлик билан: “мутавалли бону, бунақа гапларни айтишнинг айби йўқ, агар мен нохосдан ўлиб қолсам, бирданига дод солиб ҳаммани қўрқитманг, хабаримни аввал Очилбойга, секингина шивирлаб айтинг, ўғлимизга у билдирсин”, деди. Йиғламсираб: “Унақа ёмон ният қилманг”, деган Мусалламбонуни овутишга анча вақти кетди. Кейин ўзини тинчлантиришга тутинди. Дори ичди, китоб ўқиди. Бироқ юраги безовта эди. Худди тепасида уйга адашиб кириб қолган жажжигина, оппоққина бир куш чарх уриб айланаётгандек, чиқиб кетиш йўлини билмай қийналаётгандек туюларди. “Бу – белги, бу – аломат», деб ўйлади баногоҳ. Пировардида: “Э-э, шу қўтир дунёнинг нимасига бино қўяман”, дея ўзига ҳазил қилди ва бирданига сокин ва хушҳол бўлиб, уйқуси элтди.

Тонг бўзарган чоғи юраги оҳистагина уришдан тўхтади. Ёнбошида кейинги пайтлардаги одатига кўра, унинг чап қўлини ушлаб ётган Мусалламбону бармоқлари учи совий бошлаганини ҳис этиб, шошиб ўрнидан турди.

## СЎНГИ БОБ

Пешинга яқин икки тоғ ораси бўйлаб қайдандир шошилиб келган илиқ шамол эсди. Боягина қаҳр сочиб турган ҳаво бирдан юмшади. Форам шаббода қора булутларни пахта саваган мисол титкилаб-титкилаб уфққа – тоғлар ортига ҳайдаб кетди. Кўкда қуёш порлади. Белга уриб ётган қор шиддат билан эрий бошлади. Майитнинг жанозасини ўқиш учун яқиндагина такрор очилган қадимий масжид сари элтишаётганда оёқ остидаги тош йўл батамом очилиб, чеккаларида музлар остида аллақачон бош чиқарган ям-яшил майсалар бўз тупроқдан кўтарилаётган майин ҳарорат эпкинисида оҳиста тебраниб турарди.

Мўъжазгина видолашув маросимини Нурқобил олиб борди. Вилоят ҳокими Ҳожимурод Худойқуловдан сўнг Сухроб, Усмон Шамсиев гапиришди. Охирроғида Яраш муаллим сўз сўради. У бир пайтлардаги махмуру мустағриқ чоғларидан кескин фарқли ўлароқ ораста ва бежирим либосу қиёфада келган: костюм-шими устидан жигарранг мовут чакмон кийган, бошида эгнига мос тусли сур телпак, оёғида отгўши тавр саҳтиён этик, афту-ангоридаги заҳилу заъфаронлик йўқолиб, ўрнини соғлом оқ-қирмизи нуронийлик эгаллаган.

– Қиш ўртасидаги бундай ҳаво раҳматлик Ҳакимбойнинг ҳаётини, феъли-атворини айнан акс эттиряпти, – деди у оппоқ чўққи соқолини тутамлаб. – Оддий чўпон, айна пайтда юксак дид-фаросатли бу зиёли инсоннинг умри сиртида хандон – хушон, мағзида элу-юрт дарду ҳасрати мужассам теран мазмун-



ли бир дostonдек янграб ўтди. Ким эшитди дармонда, ким эшитмади армонда қолди...

Адабиёт муаллими анчайин адабий қилиб, лекин юракдан гапирди. Шу чоқ мўъжиза юз берса-ю, Ҳаким чўпон тирилиб ўрнидан турса, унга қилган нордон ҳазиллари учун астойдил узр сўраган бўларди.

Маросим тугаб, яқингинада узоқ муддатли саргардонлик сафаридан қайтган, гирдиғум қоматига андоқ ярашган оппоқ саллала қишлоқ муллasi қироат билан салоти жанозани бошлади:

– Аллоҳу акбар, аллоҳу акбар!...

Бутун воҳа теран сукунат кўйнига чўмди. Ҳатто саррин шаббода эсишдан тўхтади, қари бужун шохи узра кўниб аҳён-аҳёнда қағиллаб кўяётган қарға ҳам нафасини ичига ютди.

Марҳумни лаҳадга кўйиб, устига юмшоқ намчил тупроқ торта бошлаганларида эса мазористон юзаси деярли куриб, зич ўтли чимзор ерга бемалол чордана куриб ўтирса бўладига ҳолатга келди. Қуёш имкони қадар пастлаб, елкалару пешоналарни қиздирди. Дуойи фотиҳадан сўнг гур этиб оёққа қалққан издиҳом ичра:

– Абдуҳаким чўпон қандай одам эди? – деган ҳайқириқли савол янгради.

– Яхши одам эди, улуғ инсон эди, самимий киши эди, бағри кенг ва садоқатли дўст эди, мурувватли зот эди, – дейишди бирин-кетин бир неча киши бор овоз билан. Баланд-паст, мрамрли, граниту габбро қимматбаҳо тошли беҳисоб марқадлар ичра оддий тупроқдан бўлса-да, алланечук ўжарлик ва мағрурлик билан қад кўтарган қадрдон қабрга сўнгги бор жимгина термулиб турган Нурқобил эса эшитилар-эшитилмас сас билан:

– У шахс эди, – дея пичирлади ва ўгирилиб, абади-

ят масканини тарк этаётган халойиқ ортидан эргашди.

Суҳроб икковлари қишлоққа пиёда қайтишди. Йўл-йўлакай боғ ва отар учун олиб борилган машаққатли кураш, оғир қурбон эвазига қозонилган аламли ғалаба (Ҳаким Чўпоннинг бевақт қазоси назарда тутилмоқда) ҳақида маъюс мулоқот қилиб келишди.

– Ҳар қалай Ҳаким ака ҳақиқат қарор топганини: отарлару боғлар қайтариб олингани, замонавий кластерга айлантирилганини кўриб, армонсиз кетди. Кўнгилга тасалли берадиган нарса – шу, – деди Суҳроб. – Энди сенинг ғайратинг билан бу ерда кенг тармоқли қудратли қайта ишлаш саноати шаклланса, унинг руҳи шод бўлади.

– Кластерни тузишга-ку туздик. Бироқ... Чўпон боласидан саноатчи чиқармикан? Қилмаган касбимиз.

– Чиқади, чиқади, – деди Суҳроб жиддий. – Ва сенинг бунга ишончинг комиллигиниям биламан. Акс ҳолда, бошидаёқ кўл урмасдинг.

– Баъзи бировларнинг қирқилган дарахт қайтиб ўсмайди, деганларига жавобан: ўсади, ўсганда ҳам бақувватроқ, тикроқ бўлиб ўсади, деб жавоб қайтарган эдим. Шунини исботламоқчи бўлдим.

– Яша, аслқиёфангни энди аниқ кўраяпман, – деди ҳазиллашиб Суҳроб. – Сенга ўхшаганлар қирққан жойидан иккита-учталаб бачки чиқараверади.

– Сенинг ҳам қиёфанг мукаммаллашаяпти, – деди Нурқобил, – Илгариги қуруқ назариётдан амалий гапларга ўтаяпсан.

– Амалий ишларга деяверсанг ҳам бўлади. Бир хушxabар олиб келдим. Тўхтарбой иккаламиз Ҳаким аканинг китобини нашрга тайёрладик. Кўлёмани ўқиб кўрган шоирлар, ёзувчилар, танқидчиларга

маъқул бўлди. Энди китобга яхши, бетакрор ном қўйиш керак. Токи у Ҳаким акага муносиб бир ёдгорлик бўлсин.

– Ҳўш, нима деб қўймоқчисан?

– Ҳали аниқ бир қарорга келганим йўқ. Бошда тахминий қилиб “Сизлар учун яшадим” деган ном танлагандим

– Нега энди айнан “Сизлар учун яшадим” бўлиши керак? Тушунтир-чи.

– Биласанми, шундай одамлар бўлади. Улар ўз ҳаётларининг маъносини кимгадир яхшилик қилиш, ҳатто кимгадир жон фидо қилиш, ҳаттоки бир умр бировлар учун яшашдан иборат деб биладилар. Бу хислат уларнинг қонида бўлади. Бундай одамлар жуда кам, жуда кам учрайди. Қизиғи шундаки, кутилмаганда учраб қолади. Худди сойда, тошлоқда ногоҳ топилган қўйма олтин сингари. Ҳаким ака менинг наздимда худди шунақа одамлардан эди. Худбин ва манфаатпарастларга тўлиб-тошган рўйи заминимизда бунақа одамлар, афсуски, у қадар кўп эмас. Шу боис улар оқ қарға каби ярашиқсиз, ёқимсиз кўринадиди, кўзга қадалади. Биз уларни масхара қиламиз, устларидан куламиз. Довдир, афанди, лақма деймиз. Холбуки, улар биз ўйлаганимизчалик лақма эмас. Бир гал Қилич кўса унга: “Сен қўй боқавериб, қўйга ўхшаб қолгансан, умрингнинг охиригача шу аҳволда ўтиб кетасан”, деганида ғалати жавоб қайтарганини эшитгандим: “Ҳа, мен қўйга ўхшайман ва... қачондир ҳайитда бир солиҳ банданинг қурбонлигига ярашни орзу қилиб яшайман, менинг сариқ серкам сингари лоақал бир кун бўйнига кўнғироқ тақиб, олдинда юришни истовчи шўрлик кимсалардан эмаслигимга минг бора шукр қиламан, аммо-лекин серка бўлиш учун ҳам лоақал Худо берган соқол бўлиши даркор.”

Хуллас, Ҳаким ака сингарилар кўпроқ бўлганида бу ҳаёт нурга, саодатга тўларди.

– Ҳаким ака тирик бўлсайди, бунақа ном қўйишга кўнмасди. У бировлар учун яшаётганини ҳеч қачон таъкидлаган, иддао этган эмас. У ўзини оддий, жайдари бир инсон деб биларди. Камчиликлариниям, заифликлариниям яширмасди.

– Тўғри, – деди Суҳроб чуқур нафас олиб. – Ҳаким аканинг камчиликлари, заиф томонларидан кўз юмиб бўлмайди. У курашчан эмасди. Ноҳақликни, ҳатто ёвузликни кўрганда ҳам киноя, нари борса заҳарханда қилиб қўя қоларди. Тўғрироғи, ноҳақликка қарши тили, сўзи билан курашмоқчи бўларди. Сўзлар эса нечоғлик янгроқ, нечоғлик аччиқ бўлмасин, ҳавога учиб кетади.

– Йўқ, жўра, бу гапингга қўшилолмайман. Ҳаким акани курашчан эмасди, деган гапингга сира-сира қўшилмайман. У курашди. Бир умр курашди. Шунинг учун, ўзини аямагани учун бевақт ўтиб кетди дунёдан.

– Сен гапимга унча чуқур тушунмадинг. Мен унинг ҳаётдаги ноҳақликларга қарши очиқ, юзма-юз курашмаганини назарда тутгандим. Аслида бу фикрим тўғри эмас экан. Ўташевлар, Заҳҳоровлар қанчалик қудратли, илдизлари қанчалик мустаҳкам эди. Шунда ҳам очиқ курашдан кўра зимдан зарба беришни маъқул кўришарди. Ҳаким ака эса ўзи билан олишиб яшади. Ўз шиддати, ўз туйғулари, ўз юраги билан курашди. Биринчи муҳаббати – Гулсара аммага қайтиб ақалли кўз қирини ташламади. Севмаган аёлига, ҳалол хасмига – хотинига бир умр содиқ яшади. Болалигидан адабиётни, шеъриятни севса ҳам, истеъдоди борлигини билса ҳам чўпон бўлиб дашту-биёбонда яшади. Ўзини енгди. Юрагини мағлуб қилди. Бу тўғри. Лекин алам қилади одамга. Ахир, яхши

одамлар қачонгача ўзи билан ўзи олишиб яшайди. Қачонгача ўзини енгиб, бевақт ўлиб кетаверади.

– Биласанми, Сухроб, менимча, китобнинг номи “Қуёш ботаётган пайт” дейиш керак. Тўғрими? Ҳаким ака тирик бўлсайди, албатта шунақа ном танлаган бўларди. Чунки у юксак тоғлар этагида туриб, уфққа, ўз нуруни сочишдан салгина ҳориб, эрта сахар яна порламоқ учун секингина сирғалиб, ўз ётоғига эниб кетаётган қуёш ортидан жимгина тикилишни яхши кўрар эди. Менинг назаримда у ҳам ўз меҳр нуруни соча-соча толиб, бир муддатгина кетгандек, худди эртага айни субҳидамда тоғлар ортидан мулойимгина жилмайиб, янгича бир мутойиба қилароқ чиқиб келадигандек туюлади. Эҳтимол бу муқоясам у қадар жўяли эмасдир. Лекин сен барибир обдон ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўр, хўпми. Илтимос. Ҳар ҳолда китобнинг номи умидбахш бўлсин, дейман-да. Кейин... нуқул қайғу, нуқул ҳасрат, оҳ-воҳ, надоматдан гапиравериб, ёзавериб... эзилиб кетдик-ку, жўражон. Одам, ахир, эртанинг таманноси, келгусидаги яхши кунлар орзуси билан тирик-ку.

“Мана бу ҳақиқий Нурқобил” деди ўзича кулиб Сухроб. “Унинг иродасига қойил.”

– Майли, сен айтгандай бўлақолсин. Маслаҳатлашиб, умидбахш бир ном топамиз. Сен ҳам ўйлаб юр. Ҳали яна бафуржа гаплашамиз. Мен йўл-йўлакай кирдим. Қоронғи тушмай Охчобсой сув омбори қурилишига етиб боришим керак. Ҳозир қурилиш зўр кетаяпти. Шу ҳақда туркум мақолалар ёзмоқчиман.

- Шаҳарга қачон қайтасан?
- Бир ҳафтадан кейин. Нимайди?
- Бир илтимосим бор... – Нурқобил бир зум ўйла-ниб қолди.
- Айтавер, қўлимдан келса...

Нурқобил чўнтагидан иккита хат чиқарди. Унинг бири ўзи хув ўша оқшом Суҳробга ёзган, тугамай қолган хат, иккинчиси шу кеча ёзилган мактуб эди.

– Мана бу хатни... Маъсумага бериб қўйсанг... Уни топа оласан. Ҳовлиларини биласан-ку. Мен уни уй-ғонгувчи боғларга чорладим. Келармикан?..

Суҳроб хатларни ҳаяжонли мамнуният ила чўнтагига солди.

– Албатта келади. Ахир у бу чорловни... адашмасам минг йилдан бери кутади-ю! Хуш қол!

– Яхши бор! Омадингни берсин!

Улар номозгар чоғи хайрлашдилар. Суҳроб ўтирган машина ботаётган қуёш ортидан пастга эниб борар, ўйчан назарида далалар, тоғлар бағри қип-қизил қонга бўялаётгандек кўринар, юраги орзиқар эди. Бундай лаҳзаларда киши маънос бир аҳволга тушади. Аммо бир пасдан сўнг қуёш эртага яна чиқажаги, эртанги кун бундан ҳам ёруғ, бундан ҳам нурафшон бўлажаги ёдга тушади. Қалбида умид уйғонади. Бу умид дилдаги оғриқларни арита бошлайди. Не ажабки, эртага ёрқинроқ порламоқ учун бугун ботмоқ, эртага шоду бахтиёр қайтиб келмоқ учун бугун кетмоқ, шодлигу бахт топмоқ учун неларнидир йўқотмоқ, кимлардандир айро тушмоқ зарур бўларкан.

*Нақадар донишманд бу телба ҳаёт.*

*Нақадар мукаммал бу номукаммал дунё!*

*Нақадар ширин бу аччиқ қисмат!*

## ХОТИМА

Қаҳрамонларимнинг кейинги қисмати ўзим учун ҳам қизиқ бўлгани учун яқинда Гўзалкентга атай бориб келдим. Нурқобил Бўтаев бошқараётган кўп тармоқли кластер шиддат билан ривожланаётган экан. Чашмизирақ ва унинг атрофидаги ўнлаб қишлоқлардан минга яқин одам унинг таркибидаги мевачилик, узумчилик, чорвачилик хўжаликларида, қайта ишлаш корхоналарида ишлашмоқда. Очилбой, Эшпўлатнинг аёлию икки боласи, Тожибойнинг хотинию бир ўғли ва бошқа мен таниган анча кишиларни уларнинг қаторида кўрдим. Нурқобилнинг ўзини учратолмадим. Иш билан чет элга кетган экан. Дарвоқе, унинг икки ўғли ҳам Ахборот технологиялари дорилфунунини битказибди. Мамлакатгина эмас, хориждаги анча-мунча давлатларда танилган компьютер дастурчилари бўлиб етишишибди. Улар яратган дастурларни йирик халқаро компаниялар фалон пулга сотиб олишаркан. Маъсумахонимни ҳам учратолмадим. Айтишларича, ҳануз шаҳарда ишлаб, Нурқобилдан имдод кутиб, яшаётган экан. Билганлардан бирининг гувоҳлик беришича, Нурқобил хорижга кетаётиб унга учраган, “қайтиб келганимдан сўнг бафуржа ўтириб суҳбатлашамиз, Сизга айтадиган муҳим гапларим бор”, деганмиш. Ажабмаски, бу гапда жон бўлса. Суҳроб Туробов яқинда депутатликка такрор сайланди. Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари сифатида оммавий ахборот воситаларига моҳирона раҳбарлик қилмоқда. Ҳаким ака тўйини кўролмай кетган Тўхтарбой укамиз

эса яхши ижодкор бўлиб танилган, ҳозир нуфузли нашриётлардан бирини бошқармоқда. Ушбу китобнинг дунё юзини кўришида унинг маслаҳату ёрдами катта бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, у ва асарининг ёзилишидан босилишигача бўлган жараёнларда беминнату беғараз кўмак кўрсатган, далда берган барча инсонларга ва ниҳоят бебаҳо вақтини аямасдан уни ўқиган ва муносабатини билдирганларга ҳам олдиндан чин юракдан раҳмат айтаман.



## МУНДАРИЖА

Муаллифдан.....	3
Муқаддима.....	8
Биринчи қисм.....	10
Иккинчи қисм.....	205
Учинчи қисм.....	304
Сўнгги боб.....	407
Хотима.....	414

---

Ҳабиб Темиров

# ҚУЁШ БОТАЁТГАН ПАЙТ

*роман*

**Муҳаррир** Меҳрибон Сафаралиева  
**Мусаҳҳиҳ** Гулчеҳра Азизова  
**Саҳифаловчи** Барно Бахрамова

Лицензия АИ № 168. 23.12.2009.

Босишга 10.10.2019 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108<sup>1/16</sup>.

«Cambria» гарнитураси. Офсет қоғози.

Шартли б.т. 26,0. Нашр т. 26,0. Адади 1000 нусха.

Буюртма № 11-10.

**«Tafakkur qanoti» нашриёти.**

Тошкент, 1-тор, Мирсолиҳова кўчаси, 13-уй.

Фаолият юритувчи манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

**«ADAD PLYUS» МЧЖ** босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Чилонзор тум., Бунёдкор, 28.